

РАҲИМА ШОМАНСУРОВА

# КЕЛИННОМА



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриети  
Тошкент  
2013

УДК: 173.1

К 87.7

Ш-77

Тақризчи:

**Яйра Саъдуллаева**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

**Шомансурова, Раҳима**

**Ш-77** Келиннома/Р. Шомансурова. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013. 464 б.

Сизга тақдим этилаётган ушбу китобдаги манзу бир қарашда жузъий кўринса-да, аслида уни синчиклаб ўқисангиз, ундаги фикрлар эндигина турмушга чиқаётган қизларга, келинларга, ёш жувонларга айтиладиган зарур гаплар эканига ишонч ҳосил қиласиз. Китобда хусусан ўзбек аёлларига хос бўлган – зукколик, дилбарлик, фидойижонлик, меҳр ва вафо улашиш, яхшилик излаш, ҳаётсеварлик каби гўзал фазилатларнинг шаклланишида энг масъулиятли ва «қалтис» давр ҳисобланган келинлик даврининг қирралари очиб берилади.

Мазкур китоб эрта-индин эшигида сурнай навоси янграйдиган қизларга, янги уйларига қадам босган келинчақларга турмуш сабоғи бўлади, деб умид қиламиз.

К 87.7

ISBN 978-9943-07-183-4

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2013

## НАШРИЁТДАН

Оила – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Негаки, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан! Ахир оиланинг бирламчи – бевосита вазифаси – инсониятнинг авлодлар заنجирига ҳам соғлом, ҳам баркамол авлод ҳалқасини улаб боришдан иборат-ку! Бу ҳамма миллат, ҳамма давлат, ҳамма халқларга тегишли. Миллатидан қатъи назар ҳамма халқлар ҳам оилани муқаддас даргоҳ, ўзгаларнинг мўралаши ман этилган мустаҳкам қалъа деб тушунишди.

Замонлар ўзгараверади, оила эса мангу. Бу муқаддас даргоҳнинг устувор қонун-қоидалари ҳам мангудир. Қайси юртда яшамасинлар, бахтли ҳаёт кечираётганларга эътибор берсангиз, улар қалъасининг пойдевори ҳам, девори ҳам, томи ҳам асрлар давомида синалиб келинган муҳаббат, вафо ва садоқат, фидойилиқдан таркиб топганини кўрасиз. Одам Ато ва Момо Ҳаводан бери шундай.

Башариятнинг оила, муҳаббат дарди бир. Бу борада йўл қўйиладиган хатолар оқибатида келадиган изтироб, дардлари ҳам бир.

Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Биз – ўзбекларнинг ҳам бошқаларга ўрнатилган бўлгулик ўзимизга хос оиланомаларимиз мавжуд. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари, каттанинг етовига юриш, кичикнинг иззатини жойига қўйиш, меҳмондўстлик каби фазилатлари қадим-қадимдан ва бугунги кунда бошқа миллат кишиларида ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат уйғотган. Ушбу китобда ана шу муқаддас қўрғоннинг посбонлари – қиз, аёл, оналарнинг ўрни хусусида сўз юритилади.

Халқимиз, миллатимизга оид қайси манба, қайси қўлёзмага мурожаат этманг, она, аёл шу оиланинг муқаддаслигини таъминловчи мўътабар инсон сифатида таърифланади.

Қуръони каримда, ҳадисларда аёл – онани улуғлаш кераклиги ҳақида қўплаб ибратли кўрсатмалар бор. Уларнинг ҳаммаси аёл – онанинг оилада тутган ўрнидан келиб чиқиб айтилганини унутмасак бас. Негаки, дунёга янги келган фарзанд учун оила – илк тарбия маскани бўлса, аёл – она шу тарбия маскани, шу муқаддас даргоҳнинг маънавий-ахлоқий муҳитини яратувчи мўътабар зотдир.

Момоларимиз ўз чекларига тушган бу қутлуғ вазифани жуда сидқидилдан бажариб келганлар. Ана шу момолар ўғитини эсда тутиш, маъзини тўқ қилиш, тиклаш ва ривожлантиришни ҳозирги кунда олдимизда турган катта вазифаларнинг бир зарраси деб билмоқ керак. Китобдаги ҳар бир ҳаётий воқеа-ҳикояда муаллиф қайта-қайта миллатнинг юзи, нозик қалби, ор-номуси оиладан бошланишини яхши билган момоларимизга мурожаат этади, уларга қувват бериб турган омилларга эҳтиром билан қарайди.

Қалбнинг иймонли ва раҳмонлиги ёки, аксинча, бағритошлик, дажжоллик ҳам оилада шаклланади.

Оналаримиз оилада фарзанд тарбиясидек муқаддас вазифани жуда оддий йўл билан, яъни оила одоби, демакки халқ одобининг энг ибтидоий қирралари – каттага ҳурмат, кичикка иззат, муросаи-мадора, юлдузга юлдузни мослаб яшаш кабиларни сингдириш, ривожлантириш билан ўтаганлар. Оқибатда халқимизга улуғ фарзандларни етиштириб берганлар. Бунинг остида улуғ ҳаётий фалсафа – ўз оиласида тинч-тотув яшаган, аввало ўз инсоний ҳурмати-ю бурчини чуқур англаган, яқинлари, жигарларини иззат қилган киши жамиятда ҳам, Ватанида ҳам тинчлик, осойишталик ўрнатиш, истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашади, деган ишонч ётибди.

Муаллиф қарийб ҳар бир ҳикоя – суҳбатида Қуръони карим ва Ҳадислар каби муқаддас китобларга, адабиётимизнинг Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Хусайн Воиз Кошифий, Жалолиддин Румий, Юсуф хос Ҳожиб, Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Ғаззолий, Фаридиддин Аттор каби халқимизга ўлмас ахлоқнома ва одобномалар қолдирган мумтозларига бежиз мурожаат қилмагани сезилиб туради. Мумтозларнинг бокира булоғидан унинг ўзи қўп нарса олибгина қолмай, у оламга сизни ҳам етаклайди ва чуқурлашганингиз сари қалбингиз ёришиб бораётганини ҳис қиласиз.



Мазкур китобда муаллифнинг ижоди давомида шу мавзуга оид яратган асарлари жамланган. Ҳар рисола остида унинг яралган йили ҳам кўрсатилди. Бу бежиз эмас. Ҳаёт – бетиним дарё. Оилавий муносабатлар – ўчмас мавзу...

Бир қараганда оилавий муносабатлар, қайнона, келин, қизлар одоблари кўпчиликка азалий тойинчоқ мавзудек кўриниши мумкин.

Муаллиф бу нозик мавзуга юраги ачишганидан киришганини ҳар саҳифада сезиб турасиз. Негаки, қай бир вақт – касби туфайли, қай бир вақт – ногаҳон, у гул қизларимизнинг ўз бурчлари, жамият, миллат олдидаги вазифаларини англаш, уни бажариш у ёқда турсин, бирламчи ўринга ўз талабларини қўяётганларини, шу талаблар аксарият ўринсиз ва мавридсиз эканлигини тушунмаслик оқибатида турмушнинг илк синовлари олдидаёқ саросимага тушиб қолаётганларига кўп дуч келади. Бу – яқин ўтмишимиздаги аёлнинг эркаклар билан тенг бўлиш, имкон борича ҳатто улардан ўтиш истак-интилишларининг оқибатидир.

Ёшлар ичида уй иши ижросини, бекалар уҳдасидаги вазифаларни аёл учун таҳқир деб тушунадиганлар анчагина. Айримларнинг қарашича, у – қиз, у – келин, у – онами, демак ҳамма эътибор унга бўлиши керак! Ҳатто Қуръону ҳадислардан мисол келтириб, муқаддас китобларда аёлларни эъзозлаш буюрилган, деб ўзларига иззат талаб қиладиганлар ҳам талайгина. Аёлга, онага баҳони, биринчи навбатда, улар ўзларининг асл вазифаларини қандай бажараётганларига қараб берилишини унутадилар. Китобдаги фикрлар шу вазифаларни эслатишнинг нозик шакли холос. Эслатилганда ҳам пешонага мушт ургандек даққи қилиб эмас, мулойим, самимий, оналарча куюнчаклик билан эслатишдир.

«Эру хотин – кўш ҳўкиз» деган мақолни кўп эшитганмиз. Бу оиланинг иқтисодиёти аксарият эркакда бўлса, маънавияти аёлда, онада, хотинда, яъни бекада эканлигига ишорадир.

Қадимий удумларимиз бўйича қозондаги овқатнинг олди қарияларга, отага сузилади. Қариялардан, отадан аввал дастурхонга қўл узатилмайди. Одобимизнинг кичик зарраси бўлган шу масалага чуқур қаранг-а! Ахир бу – нон топиб егизаётган одамга ҳурмат кўрсатиш, унинг қадрини жойига қўйишнинг нозик маънавият пардасига ўралган шакли-ку! Бу

катта одобимизнинг томчидаги аксидир. Опа-сингилларимиз, оналаримиз шу тариқа заррама-зарра халқ одобномасини оилада болаларга, ёшларга сингдириб борадилар.

Сени таъминлагувчи, сени тўйдиргувчини берган Аллоҳга аввал ҳамду сано ва шукр изҳор қилиб, сўнг шу кишининг иззатини жойига қўйган, ўзи бошқаларга мурувват кўрсатгангина мурувват кўради! Уй ичидаги ишларини билиб қилган, ҳар нарсани ўрнида тутган, ҳар бир кишига ўзига яраша муомала қилган аёлгина аввало ўз уйида, оиласида энг қадрли ва энг сеvimли аёл бўлиб қолади.

Оналар, бувиларнинг қизларига айтадиган гаплари ҳаммаша кўп бўлади. Муаллиф нуронийлик, дуогўйлик фаслига етгани шукри қуввати ила набира қизларига, келинларга, умуман ёшларга айтмоқчи бўлганларини шу китобга жо қилиб, чин дилдан сизга туҳфа этмоқда.

## Янги ҳаёт остонасида



Китоб сизни донишманд қилади  
Қизлар дафтари  
Қиз боланинг шаъни  
Айт-чи, кўзгу...  
Кийиниш  
Зеб-зийнатингиз...  
Қари қиз монологи  
Мафтун этай десангиз  
Мен айтар дуо  
Сиз — эртага келинсиз  
Оила ҳақида суҳбатлар  
Атрофингиздагилар  
Ўша «бир жой» — қалъангиз!  
Нозик масала  
Келин — пайванд  
Асал ойи  
Ортиқча юк кимга керак  
Онасини кўриб  
Сиз — оила шифокори





Ҳаётингиз янги босқичга ўтганини ҳис қилаяпсизми, қизим? Энди сиз янги ҳаёт бўсағасидасиз. У ҳаёт сирлилиги билан юрагингизни ҳаяжонга солса, мавҳумлиги билан вужудингизни увуштиради.

Унда сизни нима қутмоқда?

Бахтли, омадли бўласизми? Ёки умрингиз изтиробда ўтадимми?

Шулар ҳақида ўйлаганингизда мавҳумлик енгиб чиқаётганга ўхшайди. Ўша мавҳумлик ҳозирги дамни ғанимат билиб, ўйнаб-қулиб қолишга ундаётганга, «Ёшлик вақтинча, у тез ўтиб кетади, ўйнаб қолиш керак! Кейинги ҳаёт бир гап бўлар», деяётганга ўхшайди-а?

Агар сиз иродасиз, мулоҳазасиз, андишасиз қиз бўлсангиз, бу даъватга бўйсунасиз ҳам.

Яратганнинг сизнинг уҳдангизга юклаган асосий вазифа – насани давом эттиришга тайёр бўлишингизда айнан бу давр, яъни балоғат, «бўйга етиш» даври жуда муҳим давр ҳисобланади. «Соғ танда – соғлом ақл», деб бежиз айтилмаган. Соғлом қиз, соғлом аёлгина миллатга соғлом фарзанд ҳадя эта олади. Шунинг учун ҳам мактабда устозларингиз, коллежда ўқитувчи ва тарбиячиларингиз, уйда буви ва ойингиз, кеннойингиз сизгинанинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом ривожланишингизга кўп аҳамият беришади.

Бу даврда сизга сирдош бўладиган одамга муҳтожсиз. Шундай кишини бегоналар орасидан эмас, ўз уйингиздан ахтаринг – бувингиз, ойингиз, опа ёки келинойингиз сизни яхши билишади ва тўғри маслаҳат беришади.

Ёшликни ҳаётнинг баҳори дейишади. Бу умрнинг энг гўзал фасли.

Аслида умрнинг ҳар дами ҳам гўзал, ҳар дами ҳам бетакрор, ҳар дами ҳам ғанимат. Лекин ким билан суҳбатлашманг, ёшликка ўзгача баҳо беришади. Чунки инсон айнан ёшликда кўп нарсани кашф қилади. Ҳаётга, оламга, одамга қарашла-



ри шаклланади, ҳис-туйғулари муқимлашади, яъни турғун бўлиб боради. Кун, соат, дақиқа сайин билими кўпайиб, қома-ти муайян, яъни фақат ўзига хос шаклга келиб боргани каби характери ҳам ойдинлашиб боради. Орзулар, ҳаваслар, инти-лишлар қалбда барқ уради.

Ёшлик шунинг учун ҳам эмоцияларга, яъни ҳис-туйғулар-нинг анча юқори пардаларидаги ифодасига тўлиқ бўлади.

Кейинчалик бутун ҳаётингиз давомида бир умр сизга йўлдош бўладиган танловлар ҳам айнан ёшлиқдадир. Қандай танловлар экан дейсизми?

Келажак ҳақида, эгаллайдиган касбингиз ҳақида болалигин-гизда сал-сал ўйлаган бўлсангиз ҳам, айнан ёшлиқда орзу-йингизга эришиш учун қатъиян ҳаракат қила бошлайсиз.

Иккинчи танлов ҳам муҳим, жуда муҳим! Яъни ўзингизга умр йўлдошини танлашингиз ҳам айнан ёшлиқда рўй беради. Бу танловлар кўп жиҳатдан сизнинг келажакда қандай ин-сон, қандай ёр, қандай аёл, қандай бека, қандай она бўли-шингизни, бахтингизни белгилаб беради.

Кекса аёллар кўпинча: «Оҳ, бахтли бўлиш нақадар қийин-а!» дейишади-а? Чунки кўп кўришган, айрим ҳолатларда кўп куйишган-да!

Лекин айнан кексалар яна: «Бахтингиз ўз кўлингизда!» деб кўп таъкидлашади ҳам. Чунки улар бахтибекамликка киши айнан ёшлиқда замин тайёрлашини ва бунинг учун кўп меҳ-нат қилиниши кераклигини билишади.

Меҳнат деганда, бирон корхонада ёки муассасадаги меҳ-натнигина назарда тутишмайди улар.

Сиз кичкиналик даврингизданоқ ойингизга уй ишларида қарашиб, аста-аста қизларга оид кўп кўникмаларни ҳосил қилдингиз. Бу ҳам меҳнат. Энди сиз келажакда ўзингизга ке-рак бўладиган фазилатлар – мақсад сари собитлик билан оғиш-май бориш, ирода, қатъийлик, меҳр-муҳаббат ва яна кўп яхши фазилатларни шакллантириш, муқим қила бориш йўлидаги меҳнатни ҳам яхши билишингиз керак. Бу эса аввалгилари-дан анча мураккаброқ. Лекин сиз ҳам энди балоғат ёшига етиб, ёшлик фаслига, умрингизга пойдевор бўладиган даврга қадам кўйдингиз, демак бу ишларни уддалайсиз.

Қолаверса, ҳамма керакли нарсаларни Яратган сизга инъ-ом этган: шукр, соғ ва саломатсиз, қоматингизнинг тузилиши-да ҳам бирон нуқсон ё камчилик йўқ. Чаққонсиз, қувноқсиз,



ҳаётсеварсиз... Шукр, эпитганингизни эслаб қола оласиз, узоқ вақтгача эсдан чиқармайсиз. Булар энг муҳими. Лекин сиз ҳозир худо берган бу фазилатларнинг ўзи билангина кифояланиб қолмаслик кераклигини англайдиган ёшдасиз.

Бу ёшдагилар ўзида борини, яъни худо берганларни асраб қолиш билан бирга, уларни ривожлантириш ҳақида ҳам қайғурадилар. Сиз энди ота-онангиз, устозларингиз айтмасалар ҳам ўз хатти-ҳаракатларингизнинг яхши-ёмонлиги устида кўп ўйлайдиган, ҳар ишингизни мушоҳада қиладиган фаслдасиз. Чунки сиз ҳуқуқингиз, бурчингиз, вазифангиз, орзу, ҳаёт ва реаллик каби зарур тушунчаларни яхши биласиз. Қолаверса, боридан чиройлироқ, худо бергандан назокатлироқ, мафтункорроқ кўрингиз ҳам келади. Бу эса осон эмас. Бунинг учун ҳам кўп меҳнат қилишингиз керак бўлади.

Сиз билан суҳбатларда ёшликнинг бир умрга татиғулик захираси бўлиши кераклиги ҳақида гаплашдик. Чунки ёшликда эгалланган барча билим, кўникма, дунёқарашингиз, ота-онангиздан қониб олган меҳр-муҳаббат, бошқаларга меҳр улашиш фазилати, олам ва одамга муносабатингиз – буларнинг ҳаммаси сиздан айро эмас, сизнинг ўзингизда бўлиб, бир умр сизга ҳамроҳдир.

Сизга «Қиз бола узатилгандан сўнг, янги ҳаёт бошланади. Бу бутунлай бошқача олам ва унда аввалги оламидан бирон нарса қолмайди. Кўриб қолган, даврон суриб қолган ганимат!» деб «ақл» ўргатувчилар ҳам бўлади. Уларнинг ҳаётини бир таҳлил қилиб кўринг-а. Аксарият бундай аёллар эътироф этгилари келмаса ҳам, ҳаётда бахт топишмаган бўлади ва уларнинг асосий хатолари ҳам янги ҳаётда (турмуш қургач) бутунлай бошқа оламда, бошқа одамлар билан, бошқача турмуш тарзида яшайман деб, ёшлиқдан ҳеч нарсани мулк қилиб олиб ўтмаганларида, бахтли ҳаёт пойдеворини ёшлиқда қурмаганларидадир.

Турмуш қуриш, кейинги ҳаёт ёшликнинг давоми, узлуксиз умрнинг навбатдаги босқичи холос. Ёшликнинг бир умрлигини эътироф этар эканмиз, бу даврда эришилган ҳеч бир нарсанинг изсиз кетмаслигини ҳам билишингиз керак. Чунки ёшлиқда тарбияланган одатлар ва кўникмалар, шунингдек ўрганишлар ҳам бир умрга сақланиб қолади. Инсоннинг ўзлиги шундай пайдо бўлади ва умр бўйи муқимлашиб бораверади.



«Меҳнатсиз, бирон нарсага куймаланмай туролмайман», онангиз ёки бувингизнинг шундай деганларини кўп эшитгандирсиз. Кузатинг, улар шу меҳнатни, уйдаги шу оддий юмушни ҳам завқ билан бажаришадикки, беихтиёр ёнларига кириб, уларга қарашиб, сиз ҳам қалбингизга шу завқни, кўзингизга шу нурни олиб киргингиз келади-а. Илоҳо, юққани рост бўлсин! Меҳнатдан, интилишдан қочган дангасадан бахтсизроқ одам бўлмаса керак...

Ёшлиқдан ота-онангиз, буви-бувангиз, ака-укангиз, опасинглингизни севиб, улар меҳрига қониб ва ўзингиз меҳр улашишга ўрганган бўлсангиз, бу яхши фазилатларни, инсонга энг керак хислатларни нега «янги ҳаёт»га олиб ўтмаслигингиз керак? Янги ҳаётингизда, бутун умрингиз давомида сизга қувват берадиган фазилатлар айнан шулар-ку! Янги ҳаётда меҳр оладиган яқинларингиз, сиз меҳр улашадиган кишиларингиз давраси кенгаяркан холос. Агар буни юракдан ҳис қилмасангиз ва ичингизда «Ҳаммининг меҳри фақат менга бўлсин!» деб туриб олсангиз, ёлғизланиб қоласиз.

Ёшлиқда киши қандай бўлса, янги ҳаётда, ҳатто кексаликда ҳам шундай бўлиб қолади. Ёшлиқда ўзингизга мулк қилиб олган эзгу тилаклар, яхши кўникмалар турмушингизни енгиллаштириши мумкин. Аксинча, ёмон одатлар ва фақат ўз манфаатингизнигина кўзлаб иш қилсангиз, ҳаётингиз тобора мураккаблашиб, турмушингиз қийинлашиб бораверади. Шаънингизга яхши гап эшитиш амримаҳол бўлиб қолади. Чунки шаън ҳам бир умргадир. Бу – «ёшлик шаъни», «бу – катталарнинг шаъни» деб бўлмайдику, ахир! Ёшлиқда нимаки хаттиҳаракат қилинса, умр бўйи қолади. Яхши ишлар, яхши хаттиҳаракатлар, яхши фазилатлар, тиниқ онг, кучли билим, назокат ва дилбарлик киши дилини қувонтирса, ёмонлари умр бўйи уйқу бермайди.

Шунинг учун ҳам айнан ёшлиқда, умрнинг кейинги босқичига ўтишда киши ўзини ўзи «Нималарга эришдим? Яна нималарга эришишим керак?» деб тез-тез имтиҳон қилиб туриши керак. Шунда келажакка фақат яхшиликлар билан ўтамиз.

Кейинги ҳаёт деб атаётганимиз, турмуш қуриш ҳам ёшлиқнинг давоми, яъни умр деб аталмиш яхлит бир нарсанинг кейинги босқичи холос.

Ниятларингиз, амалларингиз хайрли бўлсин, ойзода қизим!



## ОРАСТАСИЗ — ФАРИШТАСИЗ

Қизларимиз азалдан орасталик, озодалик, саришталик рамзи-ю ҳомили бўлиб келганлар. Шунга қарамай...

Келинг, озгина бўлсада балоғат ёшидаги қизлар гигиенаси хусусида сўз юритайлик.

Ёшликнинг ўзи гўзаллик. Ёшликнинг ўзи нафосат. Ёшликнинг ўзи саломатлик. Бу ҳақида катта ёшдагилардан – бувиларингиз, оналарингиз, опаларингиздан кўп эшитгансиз, албатта. Бу – ҳақиқат.

Лекин ҳозир сиз шундай ёшдасизки, буни ҳали англаб ета олмайсиз. Балоғатнинг, улғайишнинг кейинги босқичига ўтгандан кейин ҳаётингиз, феъл-атворингиз, дунёқарашингиз бир маромга тушиб олганидан кейин ишонинг, олам кўзингизга катталар айтганидек мунаввар кўрина бошлайди. Ҳозир эса...

Ҳозир эса соат сайин ўсаётган бўйингиз, айниқса, ўзингизга беўхшов кўринади, чўпдек оёқ-қўларингизни, тароққа бўйсунмаётган сочларингизни, сизнинг ихтиёрингизсиз бодраб чиқаётган ҳуснбузарларни қайга яширишни билмайсиз. Тўғри, сизга қийин. Жуда қийин. Айни пайтда шу «қулоқсиз» вужудингизга ҳам парвариш керак. Ўз ташқи кўринишингизга эътиборингиз ортгани сари бу эътиборни, парваришни тўғри йуналтиришга, албатта, энг яқин сирдошингиз – онангиз ёрдам берадилар.

Рангингизнинг тиниқлиги, терингизнинг силлиқлиги, зулфингизнинг қоралиги – ёшлигингиз, соғломлигингиздан нишон. Уларнинг узоқ вақт шундай бўлиб қолишини жуда-жуда истайсиз, албатта. Шундай экан, кунда эрталаб барвақт туринг. Ишни эрталабки бадантарбиядан бошланг. Машқларни очик ҳавода бажарганингиз маъқул.

Бадантарбия сизга бугун беўхшов бўлиб кўринаётган гавдангизни расолайди, мушакларингизни тўғри шакл олдиради, бўғинлар фаолиятини, танада қон айланишини яхшилайдди. Ўпкаларингиз кенгайиб, овқат яхши ҳазм бўлади. Кун сайин, ҳафта сайин, ой сайин кайфиятингиз яхшилана боради. Мунтазам бадантарбия қилиш оқибатида сиз қўл-оёқларингизни ўзингизга бўйсундирибгина қолмай, тобора иродали, мақсадли, саботли, бошқаларга меҳрли бўла борасиз. Бу фазилатлар келажак ҳаётда сизга жуда асқотади!





Тозалик – сиҳат-саломатликнинг энг бирламчи шарти эканини биласиз. Озодалик, орасталик, покизаликни бир умр ўзингизга ҳамроҳ қилсангиз, ишонинг – вақти келиб «фаришталиккина қиз экан» деганларини эшитасиз. Негаки ҳеч бир нарса инсонга озодалик, орасталик, покизалик каби ишонч ва руҳий мувозанат бахш эта олмайди.

Парча-ю кимхоблардан тикилган энгил кийиб, зеб-зийнатлар тақиб бир даврага кирсангиз-у биринчи табассумингиздаёқ тишларингиз сариги кўринса, кишиларнинг сиз ҳақингиздаги фикри ўзгаради. Руҳий мувозанатингиз бузилади. Энг сўнгги модада кийинсангиз-у сочларингизни тараманган бўлсангиз, ҳеч қачон сизни ораста дейишмайди. Яна руҳий мувозанатингиз бузилади. Тушқунликка тушиб кетасиз.

Янги кийимлар, чиройли либослар кир баданни яшира олмайди-да. Худди шунга ўхшаб ювилмаган юзингизга қанча оро бериб, усталик билан пардоз қилманг, терингизнинг тоза эмаслиги билиниб туради.

Сездингизми, орасталик аввало сизнинг ўзингизга керак. Инсон баданини биров учун тоза тутуди, дейиш кулгили туюлади. Бу фақат сизга керак.

Ўз хонангизни, алоҳида хонангиз бўлмаса, ўқув анжомларингиз турадиган бурчакнинг, ётиб-турадиган жойингизнинг, ички кийимларингизнинг аҳволи ҳам сизнинг нечоғли орасталигингизни кўрсатади. Уларни биров кўрмайди-ку дейсизми? Ўзингиз кўрасиз! Улар аҳволи сизга сезилмаган ҳолда кайфиятингиз, руҳиятингиз, ҳатто одимингизга ҳам таъсир қилади!

Китоб-дафтарингиз, папка, ҳатто ручка ва қаламларингизнинг аҳволи ҳам сизнинг қандай қиз эканингизни намоён этади. Пайпоқлар, оёқ кийимларингиз ҳақида-ку айтмасак ҳам бўлади.

Булар ҳақида онангиз ҳам кўп гапирадиларми? У кишининг сўзлари, талабларини майда-чуйдага ўчакиш деб қабул қилманг. Она-да! Ҳозир айрим камчиликларингизни айтиб ўтиш билан улар сариштасизлик, орастасизлик, пала-партишлик кейин ҳаёт тарзингизга айланиб қолишидан кўрқадилар.

Оналар ҳамиша ўз қизлари ҳақида «Орасталиккина – фаришталиккина» деган сифатни эшитишни истайдилар.

## КИТОБ СИЗНИ ДОНИШМАНД ҚИЛАДИ

(Мафтунага очиқ хат)

Мафтуна қизгинам! Мактабингиздаги ўша учрашувда гарчи кўп хатчалар олган бўлсам-да, сизникини айириб, узоқ мулоҳаза қилиб юрдим. Саволингиз эсингиздами: «Ҳозир китобнинг қадри йўқ. Одамлар китоб ўқимайдиган бўлиб кетишган. Кишиларнинг вақтини ҳам, қалбини ҳам телевидение эгаллаб олган. Бу кўриниб турган нарса. Шундай бўлгандан кейин кўп маблағ сарф қилиб, китобларни нашр қилишининг нима ҳожати бор?..»

Сизга матбуот орқали очиқ хат билан жавоб беришга қарор қилганимга ҳайрон бўлманг. Чунки китоб ва китобхонлик ҳақида бундай янглиш фикр кейинги вақтларда бир сизнинг эмас, кўпчиликнинг, ҳатто катта ёшдагиларнинг ҳам кўнглида турғун бўлиб қолганга ўхшайди. Шу сабаб фикрингизга бефарқ бўла олмаймиз.

Ўша учрашувда бошқа қизларнинг саволларига жавоб беришга улгуриш учун, сизга жавобан китобнинг инсоният яратган энг ноёб мўъжиза эканлиги, авлодларнинг маданияти, маънавиятини ўстирувчи, инсониятни цивилизация пиллапо-яларидан кўтарилишига ёрдам берувчи энг қувватли ва қудратли восита эканлиги ҳақида гапирдим ва бир ривоят айтиб бердим. Эсингиздами?

Қадим-қадимда ўз давлатининг куч-қудрати ёки хазинасининг беададлиги билан эмас, балки ҳамма нарсани билишга хоҳиши кучлилиги билан донг таратган подшоҳ бўлган экан. Унинг саройидаги кутубхонани жамики янги китоблар билан тўлдириб туришар, подшоҳ бўш вақтида ўқигани ўқиган экан. Йил сайин унинг аркони давлати кўпайиб, қудрати ошиб бораверибди.

Подшоҳ кексайиб қолгач, ўз кутубхонасидаги барча китобларни ўқиб улгуришга кучи етмаслигини англаб, мамлакатдаги барча донишмандларни йигибди ва ўзи учун барча китобларни саралаб, улардаги илмларни жамлаб беришларини сўрабди. Илмга бой деб сараланган китоблар сарой кутубхонасидаги китоблардан кўпайса кўпайибди-ки, кам бўлмабди. Шунда подшоҳ китоблар ичидан энг муҳимларини ажратиб, бир кичкина хонага йигишни буюрибди. Дониш-



мандлар бор китобларни ўқиб-ўқиб, муҳимлари ичидан янада муҳимларини ажратиб беришибди. Бироқ унгача яна анча вақт ўтибди. Подшоҳ кексайиб қолибди. Сараланган китобларга қараб, донишмандларга шундай дебди:

– Умрим охирлаб қолди. Китоблардаги бор илмларни яна саралаб, битта китобга жо қилинг, токи ўқиб улгурай...

Донишмандлар ишга киришибдилар. Кунлар кетидан кунлар ўтаверибди, бироқ подшоҳ буюрган китоб тайёр бўлавермабди. Ахир ҳамма билимларни битта китобга жойлаштиришининг ўзи бўладими?

Хулласи калом, подшоҳ мункиллаб, кўзлари хира тортиб, зўрга юрадиган бир ҳолатга келиб қолганида илмлар китоби тайёр бўлибди. Қанийди, подшоҳ уни ўқий олса! Донишмандлардан бири уни ўқиб берган тақдирда ҳам, тугатишга умри етмаслигини англабди. Шунда подшоҳ энг улуг донишмандни чақириб, ҳамма илмларни битта жумлада ифодалаб беришни сўрабди.

Донишманд узоқ ўйлаб, ниҳоят шундай дебди:

– Эй, подшоҳи олам! Инсон билиши лозим бўлган битта илм бор, у ҳам бўлса – «Олам бепоён ва мураккабдир!»

Шунақа, Мафтуна қизим, илмлар олами ниҳоятда чексиз, чегарасиз... Аммо фақат инсонгина бу бепоёнликдан, бу мураккабликдан қўрқмай, қадамба-қадам забт этишга қодир. Албатта, уни ўрганишга ҳам, забт этишга ҳам бир одамнинг кучи, умри ҳам етмаслиги аниқ. Авлоддан авлодга бу буюк куч-қудратни китоблар етказди. Китоблар бўлмаса, одамзод ибтидоий дунёдан нарига ўтолмас эди. Китоб – инсоният цивилизациясининг энг ноёб неъматиди.

Китоб билан дўстлашган киши эса цивилизациянинг олдида юрибгина қолмай, иродали, ижодкор, ташаббускор, мақсади йўлида собит, ички олами бой, ўз ҳаёт йўлини ҳар қандай муҳитда ҳам тўғри туза олишга қодир бўлади. Кўп ўқиган, мулоҳаза билан ўқиган одамлар, донишманд айтмоқчи оламнинг бепоён ва мураккаблигини тез англаб етадилар, шу оламда адашмасликка ҳаракат қиладилар.

Сизга ўша кунни шулар ҳақида ва яна одамлар китоб ўқимай қўйди, деган фикрингизга қўшилолмаслигимни, шундай янглиш ўйдаги одамларнинг ўзлари китоб ўқишдан оладиган завқдан, китобнинг қалбни тўлдириш суруридан бебахра экан-

ликларини ҳам айтмоқчи эдим. Сизга очиқ хат ёзаётганимнинг боиси ҳам сизнинг нотўғри фикрда эканингизга инонтириш, қўлимдан келса, китоб ўқиш билан инсоннинг бошқалардан маънан юксак бўлишини кўрсатишдир.

Сизнинг мактабингиздаги учрашув таъсирида уйга келсам, келиним билан қўшни аёл китоб жовонларимиз олдида гурунглашиб туришган экан. Аёл хижолатомуз деди:


– Келинингиздан илтимос қилиб, китобларингиздан олиб ўқиб турсам...

Аёл билан китоблар, ҳаёт, турмуш, олам ҳақида анча суҳбатлашиб қолдик. Ҳаёт ҳақидаги теран фикрлари, турмушнинг икир-чикирлари таъсирига берилмагани, олам ва одамни тушунишга ҳаракат қилиб, тиниқ қараши менга жуда ёқди. Ҳойнаҳой, сиз ҳам у бирор нуфузли идорада ишласа керак, деб ўйлагандирсиз? Ундай эмас экан, қизим.

Аёл чекка вилоятдан келган, маълумоти ўрта мактаб доирасида, ҳозир эри билан биргаликда баданлат бир қўшнимизнинг уй ишларига қарашиб юрар экан. Ўша бой хонадонда ўқийдиган биронта китоб топмабди. Бизникидан китобларни ўзи ва болалари учун оларкан. Аёл китобни кишининг энг содиқ дўсти деб айтди. Гап орасида мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ мактаб кутубхонасидаги барча китобларни ўқиб чиққанини, китоб қидириб дугоналари билан туман марказидаги кутубхонага қатнаганлари ҳақида сўзлаб берди. Ёлғиз нолиган нарсаси – вилоят мактабларининг савияси анча пасайгани, кутубхоналарнинг камбағаллашиб кетгани, болаларига яхши таълим ва тарбия бериш учун шароитнинг йўқлиги бўлди. Шаҳарга келиб қолганининг боиси ҳам шу экан. Амаллаб болаларини мактабга жойлабди. Болалар тарбиясига ота-оналар жон куйдирмасалар, ёлғиз мактабнинг ўзи бу ишни уддалай олмаслигини куйиниб гапирди. Фарзандларининг чин зиёли, билимли, яхши инсон бўлиб ўсишини орзу қиларкан.

Ростини айтсам, қўшнимизникида ижара турган бу аёл дунёқарашининг кенглиги, донишмандлиги мени лол қолдирди. Унинг ҳамма донишмандлиги китобдан эканини билиб севиндим. Китоб киши қалбини бойитишга қодир улуғ неъмат эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Ўтган гал А.П.Чеховнинг китобини олган эдим. Бир ерда укасига ёзган мактубини ўқиб, тушунганимча, ўзим учун кўп фикрларини ёзиб олдим. Укасининг “Тарбияли одам қандай



бўлади?” деган саволига ёзувчи жуда батафсил жавоб берар экан, тарбияли, зиёли одамларнинг биринчи ва асл фазилати – инсонпарварликдир дейди. Бошқалар шахсини ҳурмат қилган одам кечирувчан, мулойим, ширинсўз бўлиб, арзир-арзимасга жанжал кўтармайди, ёнидагиларга миннат қилмайди, уйдан чиқа туриб бошқаларга: “Сизлар билан яшаб бўлмайди!” деб айтмайди, деб уқдиради. Китобда бир варақнигина эгаллаган шу мактубни бандма-банд болаларим билан ўқиб, бирга фикрлашдик. Тарбияли кишилар ноқулайликлар учун бировни айбламай, ўзлари чора излашлари кераклигини, ҳар бир айбни бировларга тўнқайвермасликларини, ёлғондан нафратланишларини, ёлғон гапирувчининг обрўси тез тушиб кетиши мумкинлигини, тарбияли кишилар ўзларини боридан кўра яхшироқ, бойроқ кўрсатмасликларини, ҳаммага дилларини дастурхон қилавермасликларини, оз ишларини кўп қилиб кўрсатишга уринмасликларини, обрў талашмасликларини, “Мен! Мен!” деб бақиравермасликларини айтганимда, болаларим мисол қилиб айрим ўқитувчиларини эслашди. Уларнинг ибратли томонларини келтиришар экан, устозларининг илмли-билимли, тарбияли, истеъдодли бўлиш учун киши кунда ва кўп меҳнат қилиши кераклигини уқдиришларини айтишди...

Қўшни аёл сўзларига қулоқ солар эканман, ҳаётда шундай кишилар кўп эканлигидан севиндим. Уларнинг ёши ёки касбидан қатъи назар улар билан суҳбатлашганда қалбинг тўлишиб бораётганини сезасан. Одамлар ҳаётнинг бирон бир чигал масаласини ҳал қилишда кўмак беришларини сўраб, уларга мурожаат қиладилар. Улар билдирган фикрни ғоят қадрлайдилар ҳам, маслаҳатларига кирадилар ҳам.

Атрофингизга диққат билан қаранг: шундай донишманд, обрўли одамларни сиз ҳам танийсизми? Улар оилангизнинг яқин қариндоши, отангиз ёки онангизнинг яқин дўсти, ўқитувчингиз, устозингиз бўлиши мумкин. Муҳими сиз ҳам, оила аъзоларингиз ҳам бошларига бир мушкул иш тушганида бу одамларга бориб дардини айтишга тортинмайдилар. Бундай одамлар бошқаларнинг руҳий аҳволидан кулмайдилар, биров сир айтса, бошқага етказмайдилар, маслаҳат сўраб келганларга бир жўяли кўрсатма беришга ҳамиша қодир бўладилар.

Бундай авторитетнинг боиси нимада деб ўйлайсизкизи?

Одатда «ақл ўргатиш, шиор ташлаш – осон», дейишади. Ақли гап айтиб, тўғри шиор ташлаган билан, ҳаётда ўз гапига ўзи унча итоат қилмайдиганлар ҳам бор. Бундай одамлар хурматининг умри қисқа бўлади.

Сиз маслаҳат сўраб борган одамлардаги қатъиятлик, мақсадлилик, ирода, ҳаётсеварлик сизда ишонч уйғотади. Улар ҳаётни кенгроқ, инсон кўнглини чуқурроқ тушунадилар. Сиз шундай донишманд одамларга диққат қилинг-а, қизим. Уларнинг аксарияти ички маданияти ривожланган, кишиларни тинглай биладиган, мулоҳазакор, вазмин, кўп ўқийдиган кишилардир. Кўп ўқиш, ҳаётни бетиним кузатиш уларга донишмандлик, сўзларига ҳикмат беради.

Ҳаёт ва китобнинг, Мафтуна қизим, турган битгани ҳикматдир. Ички оламингизни ҳеч нарса китобчалик беназир бойита олмайди. Руҳиятингизни ҳеч нарса китобчалик, ўқиш, ўрганиш, меҳнатчалик мувозанатга, тўғри йўлга сола олмайди. Интеллектуал ривожланишда китоб асосий ўринни тутиши ҳақида кўп эшитгансиз, кўп ўқигансиз, албатта. Биласизми нега шундай? Чунки кишининг ўзини ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, тақлид қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди.

Ҳозир одамлар кўп тақчилликлардан шикоят қилганларини эшитасиз.

Ҳамма тақчилликлар ичида онг, маърифат ва маданият тақчиллиги, бировга беназир яхшилик қилиш тақчиллиги, интизом тақчиллиги, эзгулик, чиройли муомала тақчиллиги деган нарсалар ҳам борки, уларни бартараф этишнинг энг асосий йўли китобдир. Бошқа ҳеч нарса китобчалик киши қалбини, ўзини тўлдириш, руҳиятини ислоҳ қилиб, қайта қуриш қудратига эга эмас. Ишонинг, энг яхши телекўрсатувлар, соатлаб вақтимизни оладиган фильм-сериалларнинг ҳам қудрати қўлимиздаги мана шу китобларчалик эмас.

Мен сизга айтсам, кўп, жуда кўп азиятлардан қутилиш йўли ҳам китоб ўқишдир. Аммо, эътироф этиш керак, китоб ўқишда ҳам ўқиш бор.

Сизларнинг ёшингизда қизиқ бир нарсани кузатиш мумкин. Нималигини айтайми? Дугоналарингизнинг айримлари бир кечада катта роман ёки қиссани «тушириб» келганлари ҳақида мақтаниб гапиришади. Бунинг нимаси яхши? Улар



китобдан нимани ўрганишди? Нимани билиб олишди? Шу китобнинг қаҳрамони бўлган «йигит» + «қиз»нинг муҳаббат йўлининг «бошланиши» ва «тугашили» кузатишди, холос. Лекин улар шу «йигит» ва «қиз»нинг кечинмалари, атрофдагилар билан муносабатларини ўрганмаганлари учун бу дугоналарингиз китоб қаҳрамонлари яхши ёки ёмон инсонлигини ҳам, уларга ҳавас қилиш керакми ёки йўқлигини ҳам билишмайди.

Ахир, Мафтуна қизим, одам ҳаётда ёлғиз ўзи яшамайди-ку! Ҳаммамиз ҳам одамлар, муҳит, табиат билан муносабатда бўламиз. Ана шу муносабатларда қийналган, тўғри йўл излаган пайтда суйган китобимизга, руҳи руҳиятимизга яқин бўлган қаҳрамонлар кечинмасига мурожаат қиламиз. Кўпинча улардан қувват олиб, айна пайтда бизга оғир бўлса ҳам, улар тутган йўлни тутамиз. Нега шундай? Чунки биз биламиз, шу қаҳрамон бошида қийинчилик кўрган бўлса ҳам, уни ирода билан енгиб ўтгач, юраги анча ҳаловат топган эди. Демак, биз ундан ирода, сабот, маълум даражада кечиримли бўлишни, чекинишни ўргандик. Эвазига ҳаловат топдик, яъни руҳий мувозанатимизни тўғриладик.

Ҳалиги, китобдан фақат «қиз» + «йигит»нинг муҳаббат чизигини юза кузатган дугонангиз шу чизиқнинг нима билан тугаганини билди, холос. Эрталаб қаҳрамонларнинг «топишгани» ёки «ажралишгани» ҳақида сизга хабар берди холос. У ҳатто қаҳрамонларни «оқлаш» ёки «қоралаш»га ҳам ожиз. Чунки уларни бошқалар билан муносабатда, яъни инсоннинг ички ва ташқи мураккаблиги жараёнида кўра билмади. Уларнинг у ёки бу ҳаракати заминидан нима ётганини ҳам билмайди.

Китобни бундай «ўқиган» қизлар, Мафтунахон, яъни ҳаётни, атрофни, одамларни кузата билмайдиган, мушоҳада қила билмайдиган қизлар ҳаётда ҳам мустақил фикрга, иродага, мулоҳазақорликка эга бўлмаган инсонга айланиб қолишлари осон. Айрим шундай дугоналарингиз ҳақида «енгил учиб юрган капалакка ўхшайди», дейишганини ҳам эшитгандирсиз. Бу сизнинг ёшингизда эшитиш ножоиз бўлган сифат. Лекин шундайлар, яъни ҳаётга учиб келиб, ҳаёт устидан учиб кетадиганлар тоифаси ҳам бор-да. Шунинг учун ҳам, ўқийдиган китобларингизда улар образини ёритишга кўп аҳамият берилиши бежиз эмас. Улар ўз фикрларига, қарашларига эга бўлмаганлари, беқарорликлари туфайли кўпларнинг дилига озор



беришлари, яқинларини бахтсиз қилишлари ёки руҳий муво-  
занатдан чиқаришлари мумкинлиги билан хавфлидирлар.

Китоб бизга улкан таъсир кўрсатиб, жуда катта, чуқур  
жаътий тажриба беришини донишмандлар кўп марта қайд  
этишган: «Китоб кишини зиёли қилади, унда гўзаллик туйғу-  
синигина эмас, жаътни, унинг бутун мураккаблиklarини ту-  
шунтириш каби қимматли туйғуни ривожлантиради, бошқа  
даврлар ва бошқа халқларни тушунишда йўлбошчилик қила-  
ди, сизга кишиларнинг қалбини очиб беради. Бир сўз билан  
айтганда, китоб сизни донишманд қилади».

Китобга меҳр қўйинг, Мафтуна қизим. Бу меҳр эвазига у  
сизга энг яхши инсоний фазилатларни инъом этади.

### ҚИЗЛАР ДАФТАРИ

Қизлар дафтари ҳақида сўз юритаётганимиз бежиз эмас.  
Ҳамма қизлар саводлари чиқиб, сўзни сўзга улашга ўрган-  
ганлариданоқ ҳавас билан шундай дафтар тутишади. Юқори  
синфларда, коллеж ёки лицейда, ҳатто олий ўқув юртларда  
ўқиб юрган даврларда ҳам қадрдон дафтарларини йўқотмас-  
ликка ҳаракат қилишади. Ҳали яқин дугоналари йўқ вақтида  
улар шу дафтар билан сирлашадилар. Сабаби қизлар табиа-  
тан ҳис-ҳаяжонга берилувчан бўладилар. Атрофдаги воқеа ва  
ҳодисалар улар онгидан аввал юрагига таъсир қилиши ҳам  
рост. Айниқса ўн беш – ўн саккиз ёшларда улар бир яқин сир-  
дошга орзуманд бўладилар. Бу сирдон она ёки опа бўлса, қан-  
дай яхши! Чунки оналар ҳеч бир даврда ўз қизларига ёмон-  
ликни рано кўрмайдилар. Оналарнинг фарзандларига фидо-  
йилиги ҳақида кўп ривоятлар эшитиб, ўқиб ҳаяжонга тушга-  
нимиз ана шу фидоийликни ҳар дам ўзимизда ҳис қилиб ту-  
ришимиздандир. Шундай эмасми?

Яна бу даврда аксари қизлар кундалик дафтар тутишга  
ҳаракат қиладилар. Шеър ёзмаган қиз кам бу даврда! Бу таби-  
ий ҳол. Қолаверса, кундалик дафтар тутишга иштиёқмандлик  
кундалик эгасининг қалби жуда нозиклигидан, ўзи мулоҳаза-  
кор, кўнгли мумтозликка мойиллигидан далолат. Ахир қизлар  
табиатан ҳис-ҳаяжонга берилувчан бўладилар, деб айтдик-ку.

Машҳур француз рассоми Пабло Пикассо «Мен расм чиза-  
ётганимда нима излаётганимни эмас, нима кашф қилганим-  
ни кўрсатишга ҳаракат қиламан», деган экан.





Қизлар дафтарида (қундалигида, илк шеърӣ машқларида) эса аксарият ёш қалбнинг «нима излаётгани» акс этиши табиӣ. Баъзида ойингиз ёки опангиз:

– Кундалик ёза бошлаганинг яхши. Демак, катта қиз бўлиб қолибсан, аммо эҳтиёт бўл, унга дуч келган нарсани ёзиб бўлмайдӣ, – дейишса ҳайрон бўласиз.


Чунки сиз биринчи туйғу, биринчи ҳаяжон, биринчи кечинмалар тўлқинини ҳис қилибоқ, томирларингиз қизиби, ёноқларингиз тез-тез дув қизариб қалам тебратаяпсиз. Сиз ҳали ёзиш учунгина ёзиш керак эмаслигини, ўзингизни борингиздан кўра яхшироқ қилиб кўрсатишга уринишингизнинг маълум юки, масъулияти, ҳатто жавобгарлиги ҳам бўлишини билмайсиз. Ҳатто дафтар шахсан ўзингизники бўлса ҳам, унга ўз бошингиздан кечирган ҳамма фикрни, ҳамма ҳаяжонни ҳам ёзавериш мумкин эмаслигини билмайсиз.

Сиз бугун ҳали ўз кечинмаларингиз, ўз қарашларингизни умумлаштира олмайсиз, ўзингизга нима бўлаётганини ҳам англаб етмайсиз. Шуларни – ҳали ўзингиз ҳам тўла тушуниб етмаган туйғуларни ёзиб қўйиш керак деб, шошиб-пишиб дафтарга туширишингиз тўғримикин?

Эртага балоғатга етасиз. Маълум даражада бугунги – ўткинчи тўлқинлар тинади. Эртага сизнинг ўзингизга ҳам шу кечинмалар балки кулгили, балки аянчли бўлиб туюлар. Ҳатто кеча қизиқ устида дафтарга ёзганларингиз ҳам бугун ҳали «етилмаганини» тушунасиз. Инсон қалбига бундай беқарор туйғу-кечинмалар бундан буён ҳам онда-сонда эшик қоқиб туришини англайсиз. У пайтда сиз ўзингизни қандай тутишни биласиз... Чунки балоғат ёшидасиз. Бу вақтда кўп фазилатларингиз барқарорлашган бўлади.

Аммо буни тушуниб етгунингизга қадар дафтарингиз бошқалар қўлига тушса, сизни нотўғри тушунишлари, нозик кўнглингизни дарз кетказиб қўйишлари мумкин. Бу ҳаётнинг сизга берган илк нохуш сабоғи бўлади.

Аксарият шундай сабоқлардан сўнг қизлар чиройли ёзилган нарса ҳамиша ҳам чиройли туйғу, ҳақиқий туйғу, ҳақиқий қарашлар акси бўлавермаслигини англаб ета бошлайдилар. Ушанда дафтарга дуч келган нарсани эмас, ҳаммадан кўриб «менинг ундан қаерим кам?» деб эмас, фақат ўз қалби кашфиётини ёзиш кераклигини, кундалик дафтар муаллифи, яъни дафтар эгасининг қалб кўзгуси эканини ажиб бир сокин ва



тиниқ туйғу билан англайдилар. Бу уларнинг балоғатга етаётганларидан нишона.

Қизлар дафтари...

Жаҳон адабиётида улар маълум жанр мақомини эгаллаганини биласизми?

Шоҳ Бобур ва Дилдор бегимнинг қизлари Гулбадан бегимнинг дунёга машҳур «Хумоюннома» асари ҳақида эшитгансиз, албатта. Ўқимаган бўлсангиз, кутубхоналардан топиб, ўқиб, ўзингизни, қалбингизни бойитиб олинг. Бу ҳам, таъбир жоиз бўлса, оддий «қизлар дафтари»дан жаҳоншумулик даражасига кўтарилган асар. Бу ноёб дафтарнинг 83 варақдан иборат ягона қўлёзма нусхаси Англиянинг Британия музейида сақланади. Ёшлигиданоқ адабиёт ва тарихга қизиққан Гулбадан бегимнинг бу асари сизга XV асрнинг охири ва XVI асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларида рўй берган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Ундан ўзбеклар ҳаёти, шоҳлар хонадони, мазкур мамлакатларнинг маданияти, адабиёти, удумлари ҳақида кўплаб маълумотлар оласиз.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида «Отам баррида» номи билан нашр қилиниб, қўлма-қўл ўқилган Лев Николаевич Толстойнинг қизи Татьяна Львовна Толстая-Сухотинанинг кундалик дафтари отаси – буюк ёзувчининг биз билмаган кўп ноёб фазилатларини очиб берди. Бу кундалик дафтарни ўқиган киши фақат унинг муаллифигагина эмас, унинг машҳур отасига ва онасига ҳам бошқа назар билан қарай бошлайди, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлса, ундан ортиқ ноёблигини ҳам тан ола бошлайди.

Яна бир қизнинг кундалик дафтарида кўчирма олинган бир китобни ҳамон бот-бот ёстиғингиз остига қўйиб ухлайсиз. Бунга сабаб ҳам бор. Чунки сиз ўн саккиз ёшдасиз. Тушингизда ҳам, ўнгингизда ҳам чин муҳаббат, пок муҳаббат, майли изтироблари билан бўлса-да, аммо охири ёрқин саодат билан тугайдиган муҳаббатнинг қалбингизга меҳмон бўлишини жуда-жуда истайсиз. Бу турк ёзувчиси Раход Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романи. Аёлнинг буюк садоқати уни жуда иродали ва кучли қилишидан, Фариданинг шукри ва сабридан андоза олмаяпсизми ахир?

Мисол келтирилган бу кундалик дафтарлар қизларимизга кўп нарсадан, хусусан ота-онага, диёрга, ёрга, одамга ва оламга



чин муҳаббатдан сабоқ беради. Фақат шуми, деяётгандирсиз? Йўқ, албатта! Чунки биз кундалик дафтарларни муаллифи, яъни эгасининг кўнгил кўзгуси дедик.

Улар биринчи навбатда Гулбадан бегимнинг, Татьянанинг, Фариданинг, умуман, қиз қалбининг покизалигидан, билими ва назокатидан, чексиз садоқату вафосидан самимий сўзлагани билан қадрлидир.

Мисол келтирилган бу кундалик дафтарлар миллатни дунёга танитган, бебаҳо маънавий қадрият даражасига кўтарилган дафтарлардир.

### ҚИЗ БОЛАНИНГ ШАЪНИ

Кўп марта эшитгандирсиз...

Оналар ўртасида қизлар тарбиясига оид гап кетса, кўпинча «Оқ қанддай авайлаб, гард юқтирмай ўстирдим», дейишади.

Оқ қанд... Дарҳақиқат, жуда нозик ўхшатиш. Нозиклиги шундаки, оқ қандга беҳосдан бирор гард юқиб қолгудек бўлса, уни тозалаш қийин – ўша гард теккан жойини кесиб ёки қирқиб олиб ташлаш керак бўлади. Кўпинча эса тозалаб бўлмагани сабабли, гард теккан қанд бўлаги мол охурига ёки парранда донлари орасига ташлаб юборилади.

Қиз боланинг номига илашган ёмон доғ – исноднинг кетиши ҳам шунақа қийин. Баъзида кўрмайин босилган тикан жабрини бир умр тортиб юришга тўғри келади. Баъзан у киши кўнглини бир умр кемиради. Кишини умрбод гумон, шубҳа, демалки бахти бекамлик эмас, бахти кемтиклик қийноғига солиб қўяди. Ҳаммасига кўпинча ўйламай иш қилишлик, ирода жиловининг бир-икки дақиқага бўш қўйилиши сабаб бўлади.

Қиз боланинг шаъни... Бу ҳақда жуда кўп ва ҳар сўзига алоҳида урғу, алоҳида салмоқ бериб гапирилади. Инсоний фазилатлар, маънавий қадриятлар ҳақида сўз кетса, айти шулар қиз болада энг олий даражада бўлиши талаб қилинади. Ахир у қиз бола-да! Миллатнинг кўрки, миллатнинг келажаги.

Қиз бола шунчаки қиз боланинг ўзигина бўлиб қола олмайди. У жуда назокатли, иффатли, иболи, сабр-бардошли, оқила, меҳрибон... бўлиши керак.

Ҳатто қиз болага берилган нисбат, ўлчов, мезонлар ҳам ўртамиёна, ярим, нимтаъриф, чала нисбат бўла олмайди. Улар устуннинг ё энг тепаси ё энг пасти бўлади.



Айб ёки гуноҳ иш қилиб қўйган бошқа ҳамма киши кечирилиши мумкин. Фақат қиз бола кечирилмайди. Қиз болага келганда ҳукм ҳам ғоят мухтасар: «Ўғил бола шу ишни қилганда – бошқа гап эди. Аммо у – қиз бола-я!» Тамом – вассалом!

Қиз боланинг исми, жисми, маънавияти, борлиғи, хатти-ҳаракатига ҳамиша ўлчов бошқача бўлиб келган!

Сўрамишлар:

– Дунёда ўлимдан ёмони нима?

– Қизингнинг ноқобил бўлиши!

Бу даҳшатни бошидан кечирганларнинг дилидан-да, тилидан-да бундан даҳшатлироқ нидо чиқади:

– Қиз асрагандан кўра, туз асрасам бўлмасмиди?

Дол бўлган қадлар, эгилган бошларга келадиган хулоса ундан ҳам даҳшатли:

– Қиз келтирган номус – ўлимдан кучли!

Асрлар, замонлар бу азалий маталарнинг маъносини ўчира олмаганидек, тигини ҳам ўтмаслаштира олмайди.

Ўзбек хонадони борки, агар унда қиз ўсаётган бўлса, шу хонадон соҳибларининг кўнглида ғурур, сурур, шуур ва қиз шаъни билан боғлиқ ор-номус ҳам юқори бўлади.

Шунинг учун ҳам халқимиз қиз боланинг маънавий етук, комил инсон бўлиб ўсиши учун алоҳида аҳамият беради. Уни «оқ қанддай ўраб, авайлаб, гард теккизмасликка» ҳаракат қилади.


### АЙТ-ЧИ, КЎЗГУ...

Нега кўзгу олдида узоқ-узоқ туриб қолаяпсиз? Гоҳ ўннга буриласиз, гоҳ чапга... Гўё кўзгудан сўраяпсиз: «Айт-чи, кўзгу, мен гўзалми?..»

Ёшликнинг ўзи гўзаллик. Соғлом ва беғубор гўзаллик.

Ёшликни баҳорга, қизларни гулга қиёсланиши ҳақида кўп эшитгансиз. Бу бежиз эмас. Баҳор гўзал фасл. Гул номи борки, у ҳам гўзал. Ҳар бир гул ўзлиги, ўз таровати билан гўзал. Қизлар ҳам худди шундай. Бунинг сиз сал кейинроқ, албатта, англайсиз.

Баҳорнинг ўз чеки-чегараси бор, ёшликнинг эса умрини узайтирса бўлади. Қандай дейсизми? Ёшлиқдан ўз саломатлигига қараб юрганларгина бунга эриша оладилар. Кўзингиздаги нур, орасталик, озодалик, қатъият ва шиддат, чаққон-



лик, сертабассумлик, руҳингизнинг кўтаринкилиги бир тарафдан саломатлигингиз аломати бўлса, иккинчи тарафдан эса сизни чиройли қилиб кўрсатади. Бунинг қадрига етиш, бу фаслни узоқроққа чўзишга интилиш керак.

Қизлар ўзларининг табиий чиройлари билан кўҳликдирлар. Шу бор чиройингиз устига яна ўринсиз оро берсангиз, Яратганнинг сизга атаб берган чиройини сунъийлаштириб қўйишингиз мумкин. Қолаверса, ҳаддан зиёд бўяниш, қўша-қўша тақинчоқлар тақиш, қимматбаҳо кийимлар кийишга интилсангиз, ўзингиз сезмаган ҳолда сизга зимдан қаровчилар «енгилтак», «кўғирчоқ» сифатини сирачлаб, яъни «михлаб» қўйишлари мумкин.

Йигитлар бундайларга бемалол «гап ташлайдилар». Йўқ, бу «гап» шайдо бўлганлик, мафтункорлик белгиси – «комплимент» эмас. Бу бошқача хушомад. Шундай хушомад эшитгудек бўлсангиз, огоҳ бўлинг, гап ташлаганлари билан йигитлар бундай қизларга уйланиш фикридан анча йироқ бўладилар. Яна бир нарсани қулоғингизга айтиб қўяйлик, ўзларига умр йўлдоши қилиб таплаган қизларга йигитлар бундай бепарда «комплимент» айтишга журъат этмайдилар.

Унутманг, ўзбек хонадонларида қизларни жуда эъзозлайдилар, уларни «онам», «офтобим» деб атайдилар. Ана шундай меҳрга жавобан сиз ҳам атрофингиздагиларга эътиборли, ҳаёли, иболи, зийрак, меҳрли, хушмуомала бўлишингиз керак.

Шундай қизларни кўҳликкина экан дейишади. Кўҳлик бу – «чиройли», «гўзал» сўзларининг синонимидир.

Ўзингизни бамисоли оила қуёши деб тасаввур қилинг. Бундай офтоб қизлар ўз хонадонларию ундаги буюмларнигина эмас, оила аъзоларининг қалбини ҳам ёритиб турадилар. Оиладаги турли келишмовчилик, зиддиятларни оналарига ўхшаб зийраклик, мулойимлик, холислик билан бартараф этадилар. Оилада каттаю кичикни ўз «сўзларига киргазишга» эришадилар. Бир умр шундай олижаноб фазилатли бўлиб қолишга қизлар айнан балоғат ёшида замин тайёрлашини асло унутманг.

Мавзудан озгина чекинганимиз учун узр. Биз пардоз ҳақида сўзлашмоқчи эдик. Лекин кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламини намоён этишини яхши биласиз-ку.

Аслида пардоз санъати қадим-қадимдан маълум. Одамзод ҳали нон нималигини билмай туриб, муаттар ҳид нима-ю, тери

ва сочга нималар суртса, чиройли кўриниши ва муаттар бўй бериши мумкинлигини билган экан, десак ишонинг.

Даврлар ўтиши билан чиройга нисбатан фикрлар ўзгариб бориши, пардознинг ҳам шаклларию воситалари ҳам ўзгариб боргани табиий. Лекин рўйи азалдан тери, сочларни, тишларни соғлом сақлаш, нуқсонларни бартараф этиш, уларни моҳирона яшириш – чиройли бўлишнинг бош омили ҳисобланиб келинган. Шу нуқтаи назардан косметикани уч турга бўлганлар. Булар: гигиеник косметика, даволаш косметикаси, декоратив косметика.

Гигиеник косметика тери, соч, тиш ва тирноқларга яхши таъсир этиб, уларни зарарли атмосфера ва микробиологик таъсирлардан асрайди, нуқсонлар пайдо бўлишининг олдини олади. Гигиеник косметика воситаларига тери, оғиз бўшлиғи, тирноқларни ва бошқаларни тозаловчи, муҳофаза этувчи, юмшатувчи, озиклантирувчи, дезинфекция қилувчи воситалар киради. Бундай косметик воситалар ёрдамида шифокор-косметолог иштирокисиз кишининг ўзи ўз нуқсонларини бартараф этиши мумкин.

Даволовчи косметика воситалари эса терини ҳуснбузарлар, сепкиллар, офтоб уриш оқибатидаги куйишдан асрашда, тери доғларини кетказишда, терлашнинг олдини олишда, қасмоқни йўқотиш каби ҳолатларда қўлланилади.

Декоратив косметика – яъни гримлар ва бўёқли косметика ташқи кўринишингизни ўзгартириш ва косметик нуқсонларни яшириш учун ишлатилади.

Бундай косметика анжомларини сиз жуда яхши биласиз ва уларнинг айрим турлари сумкангизда ҳамиша бор. Чунки кундалик грим учун сиз упа, лаб бўёғи, оқартирувчи ва қизартирувчи крем ёки бўёқлардан, қошга суртадиган қалам, соч бўёқлари, қовоққа суртадиган бўёқ ва тирноқ лакларидан кунда бўлмаса ҳам, вақти-вақтида фойдаланиб турасиз.

Терингизнинг аҳволи бутун организмнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ички аъзоларингиз ва асаб тизимингизнинг нормал фаолияти бузилса, озми-кўпми вақт ўтиб, бу терингиз ҳолатига ҳам таъсир қилади. Даво косметикаси билан гигиеник косметиканинг уйғунлиги шундан. Ташқи кўринишингизга гигиеник парвариш қилиш билан сиз ёшликни маълум даражада муҳофаза қиласиз ва умуман организм-



гизнинг, шу жумладан терингизнинг қариши жараёнини анча орқага сурасиз.

Айрим қизларга балоғат ёшида хуснбузарлар тошади. Уларни сиқиб ташлашга уринсангиз, оқибатда ўрнида тиртиқ ёки доғ қолиши мумкин. Яхшиси, косметик кабинетга мурожаат этганингиз, терингиз парваришига оид тўғри маслаҳат олганингиз, зарур бўлса, улар назоратида даволанганингиз маъқул.

Қизларга асосан уларнинг ижобий фазилатларига қараб баҳо берилади. Борини чиройли қилиб кўрсатиш, камчиликларни озгина юмшатиш, табиат йўл қўйган хатони табиийликка яқин қилиб моҳирона ва эҳтиёткорлик билан безарар тузатиш ўн саккиз ёшлиларнинг қўлидан келади. Бироқ кийим танлашда бўлгани каби, пардоз-андоз (косметика) танлашда ҳам ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш керак.

Нега дейсизми?

Негаки, косметика воситаларидан билмасдан ва ҳаддан зиёд фойдаланиш салбий натижаларга, хусусан киши терисининг барвақт қаришига олиб келиши мумкин. Қолаверса, косметикадан тўғри фойдаланишни билмайдиган, пардоз-андозга ружу қўйган катта ёшдаги аёлларга кўр-кўрона эргашиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Декоратив косметикадан фойдаланадиган қизчалар, айниқса, эҳтиёт бўлишлари керак.

Косметика ёрдамида юзларини «фалончига ўхшатиб» кўрсатишга уринадиган тенгдошларингиз ҳам йўқ эмас. Кўз четларига қоп-қора қалам суртиб, қовоқлари ва кўзлари остини қуюқ қилиб «соялаб» (тень суртиб), тушь билан киприklarини пахмоқлатиб, қошларини табиий кўринишдан анча узоқ антиқа эгар қилиб, лабларига қалин қип-қизил (ҳатто қора) помада суртиб юрадиганлар, булар ҳам камлик қилгандек сочларини ё нотабиий сариқ ё оч жигарранг ё тўқ қора рангга бўяб оладиганлар ҳам бор.

Бу тасвирлаганларимизнинг бирортаси ҳам тенгдошингизнинг ёшига, кўзига, «оппоқ пахтадеккина», «оқ сариқдан келган», «қора мағиз» терисига, хуллас бутун борлиғига тўғри келмаслиги мумкин.

Ҳа, декоратив косметикадан эвида фойдаланмасангиз, аслида худо берган «чиройли», «кўҳликкина», «иссиққина» чеҳрангизни бузиб қўйишингиз ҳам мумкин. Баъзан бир қарашда «унчалик эмас»дек кўринган лаб, бурун шакли, ёноқдаги

билинар-билинемас майда сепкил ёки хол, «бодом қовоқ» ҳам тикилиб турсангиз, фақат сизгагина хосликни англатади, бетакрорлигингизни, бу фақат сиз, бошқа ҳеч ким эмаслигини қайд этаётгандек бўлади.

Аслида гўзаллик мезонига келсак, фикрлар, қарашлар шундай турли-туманки, бошингиз айланиб кетиши турган гап. Яхшиси, ҳар бир қиз, аёл ўзича чиройли, лекин ҳар бир қиз ҳам, аёл ҳам янада чиройли бўлишга интилади ва бунга эришиши мумкин, деган фикрда қарор топайлик.

Балки шунинг учун ҳам кўзгу олдидан кетолмаётгандирсиз? Ўзингизни, ўзгинангизни кўраяпсизми? Гўзал ва ёқимтойсиз-а?

Ёки кийган кийимларингизнинг ўзингизга ярашган ёки ярашмаганини билмоқчимисиз? Келинг, кийинишингиз ҳақида ҳам озгина суҳбатлашайлик.

## кийиниш

Эсингизни таниганингиздан то табаррук ёшга етгунингизга қадар ҳам ҳаётингиздаги муҳим масалалар – ўқиш, иш, ейиш-ичиш, рўзғор, уй, бола-чақа масалалари каби кийиниш ҳам биринчи ўриндаги долзарб масала бўлиб қолаверади. Айниқса, агар ишлайдиган бўлсангиз, кўпнинг ичига кирадиган бўлсангиз, бу муаммо кунда бўртиб, кўндаланг бўлиб тураверади. Чунки «кўп», бу – сиз иштирок этадиган жамоа, тўй, йиғин, маърака... Жамоа эса сиз учун бамисоли – кўзгу!

Яна «Кутиб олиш энгилга қараб, хайр-хўш эса ақлга қараб», деган гапни ҳам кўп эшитгансиз. Айнан ёшлигингизда шу нарсалар сизга кўпроқ таъсир қилади, кайфиятингизни бузади. Назарингизда яхши («бойроқ» дегингиз ҳам келаяпти-а?) кийинганлар жуда яйраётгандек, сизгина эса эътибордан четда қолаётгандексиз. Чунки кийим-кечакнинг киши кайфиятига таъсири доим катта бўлиб келган.

Дид билан ва ўзингизга ярашадиган кийим кийсангиз, гарчи у қиммат бўлмаса ҳам, кайфиятингиз кўтарилади, ўзингизни даврада эркинроқ тутасиз, гап-сўзингиз ҳам шунга яраша бўлади.

Қисқаси, кийимингиз ички оламишгизни, маданиятингизни, ички интизомингизни, яъни ўз хоҳишларингизни нечоғли жиловлай олишингизни-ю, ўзингизни нечоғли идора эта олишин-





гизни намоёиш этади. Бунинг ортида бир катта ҳақиқат ётибди: гўзаллик, дид, фаросат ҳамиша кишига тегишли кайфият бахш этади, кишининг юриш-туриши, ахлоқий маданиятини бошқаради, кишини олижаноб, зиёли қилиб кўрсатади.

Киши кийинишда ҳам ўзини идора этиши керакми, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Керак, жуда ҳам керак, ойим қизим. Чунки афсуски, дид билан, фаросат ва чиройли кийиниш маданиятини кишиларга «Мана бундай кийинсангиз, чиройли бўлади, мана буниси эса хунук», дейиш билан юқтириб ҳам, сингдириб ҳам бўлмайди. Кийиниш маданиятини ҳар ким ўзида ўзи аста-секин, кунт билан тарбиялаб боради. Табиийки, бу ишда ҳар бир кишининг ўзи астойдил ва кўп ҳаракат қилиши керак. Токи бехос айтилган «Вуй, чиройлигини!» ёки «Мунча хунук!» каби иборалар шу чиройга ёки хунукликка нисбатан кишининг онгли муносабатига айлансин. Киши ҳар бир нарсада – табиатда, санъатда, меҳнатда, ҳатто инсон тузилишидаги гармонияда ҳам гўзалликни кўра билишга ўрганиши, шунга кўникма ҳосил қилиши керак.

Дид билан кийиниш кишидан маълум даражада билим ва ҳаракатни талаб қилади. Ҳақиқий гўзалликни англай билганлар мода деган нарсага кўр-кўрона эргашмайдилар ёки қиммат кийимларга, буюмларга айнал қиммат бўлгани учун берилмайдилар.

Шунинг учун ҳамма замонларда ҳам мода жиддий ўрганилади, таҳлил этилади, киши ўзига нисбатан тadbиқ қилганда унинг қандай кўринишда бўлишини мулоҳаза этади.

Ана шундай мулоҳаза ва таҳлил қилмаган қизлар, одатда, дуч келган нарсани чиройли деб, ўзларига қабул қилаверадилар. Дидсизлик, бачканалик, сохта чирой шундан келиб чиқади.

Шу даражага етиб бормаслик учун қизлар, биринчи навбатда, қандай ранглар ўзаро уйғунлигини, бу рангларнинг қай бири ўзларига мос келишини, кийимнинг у ёки бу модели, бичими уларнинг ёшига, ташқи кўриниши, ҳатто феъл-атвори га тўғри келиши ёки келмаслигини белгилашга ўрганишлари ҳам керак.

Эътибор берган бўлсангиз, дидли қизлар ҳеч қачон бошқа қизда чиройли кўрингани учунгина ёки бошқалар «модный» деб ҳисоблаганига қараб кийим танламайдилар. Бировга тақлид қилиб, бачканалик даражасига тушиб қолиш мумкинлигини улар яхши биладилар.

Модага кўр-кўрона эргашганлар кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қолишлари мумкинлигини унутманг. Моданинг энг олди ҳисобланган либослар, кийимлар ичидан ҳам сизни сиз қилиб кўрсатадиган, ўзлигингизни намойиш этадиганларинигина танлаб олиш керак. Бу эса асло осон эмас. Нега деганда, мода осмондан тушмайди. Мода ҳар даврнинг ички зарурий талабига кўра кашф қилинади. У ҳам маълум даражада кишилар ҳаёти, фикри, кайфияти, руҳиятининг, жамият ижтимоий аҳволининг аксидир.

Сизнинг ёшингиздагилар кўпинча яна бир хатога йўл қўядилар. Улар ўзларига кийим танлаётганларида бу кийимнинг ўзларига ярашиш-ярашмаслигини эмас, қайси машҳур фирманинг маҳсули эканига қараб олишади. Яна шу фирманинг ёрлиғи кийимнинг энг кўринадиган жойида бўлиши керак. Кийимнинг қулайлиги, унинг қайси ерларга кийилиши мумкин эканлиги ҳақида мутлақо ўйламайдилар. Ҳолбуки, сиз кийимда ўзингизни қулай сезаётган бўлсангиз, у сизга ярашиб турган бўлса ва уни ўрнида кийган бўлсангизгина бошқалардан фарқланиб турасиз. Чунки унда сизнинг кийим кийишдаги ўз услубингиз акс этган бўлади. Бу – сиз. Ўзингизга хос жозиба ҳам шунда «мапа мен» деб турибди гўё. Сизни энди ҳеч ким билан адаштириб бўлмайди. Энди сиз ўз жозибангиз, ўз услубингизга эришиб олдингиз, энди сиз «ҳамма қаторида» йўқолиб ҳам кета олмайсиз.

Ҳозир сиз шундай ёшдасиз-ки, ота-онангиз сизнинг кийишига, тўғрироғи – ясан-тусанга чексиз ружу қилишингиз, ортиқча берилиб кетишингиздан, бу нарса кейинги ҳаётингизга ўз изини киритиши мумкинлигидан ҳам кўрқинишар. Четдагиларга «чиройли» кўринаман деб, мода ва ясан-тусанларга берилиш ёмон оқибатларга олиб келишини улар яхши билишади. Ўзингиз ва имкониятингизга қараб кийиниб юрсангиз, яқинларингизнинг яхши фикрини қозонган, қадрингизни сақлаган бўласиз. Уларнинг асосий мақсади – қизларининг эслик-хушлик бўлиб етилишини кўриш. Эслилик-хушликнинг биринчи аломати ўз дугоналаридан ажралмаслик, имкони етган кийимга қапоатланиш, озода ва покиза сақлаш, кийимларнинг келишимлигини танлаб билишдир.

Қолаверса, сиз ҳозир шундай ёшдасизки, модалар ҳақида эмас, кўпроқ онангизнинг гапига кириб, аксарият ўзингизни ораста тутиш, соч ва баданингизни озода тутиш ҳақида ўйла-



шингиз тўғрироқ бўлади. Чунки кишининг кийиниш борасида ўз услубига эга бўлиши, худди характерининг шаклланиши каби тез рўёбга чиқа қолмайди. Ахир бир-икки кийим кийиш билангина киши ўзини намоён қила олмайди-ку. Бунинг учун ҳам йиллар керак, ўқиш, ўрганиш, изланиш керак.

Сиз ҳозир шундай ёшдасизки, кўзгу олдида узоқ-узоқ туриб қоласиз. Хонада ҳеч ким бўлмаган пайтларда унга умидвор тикилиб, гоҳ ўннга буриласиз, гоҳ чапга... Қани энди кўзгуга жон кирса-ю ўз тили билан сизга баҳо бериб деса: «Нақадар гўзалсан! Нақадар чиройлисан!». Буни кўзгудан эшитмасангиз ҳам кўча-кўйда ортингиздан қараб қолганларини сезасиз. Бу гапни ҳеч ким тили билан айтмаган бўлса ҳам, кўзларидаги чўғни сезиб турасиз. Бу сизга қувват беради, одимингиз шўхроқ, кулгингиз жилғалар оҳангини олади. Кишилар ичида шоиртабиати кўп бўлади. Шулар тилидан бирдамас-бирда бу сифатни очиқ-ошкор эшитганингизда ҳам ҳавойиланиб кетманг.

Яратган чиройда кам қилмаган айрим тенгдошларингизнинг ўринли-ўринсиз ўз ҳуснини кўз-кўз қилиши атрофдагиларнинг гашини келтиради. Худди шуларга ўхшаб, аксинча хунукман деб, ҳадеб изтироб чекаверадиган, буни опшор кўрсатишга уринадиганлар ҳам кишида ачиниш уйғотади. Сизнинг ёшингиздагиларнинг кўпи ачинишни ҳақорат билан тенг кўрадилар. Демак, ачиниш туйғусини уйғотишни истанлар ҳам тез назардан қоладилар.

Дунёда мутлақ гўзал бўлмаганидек, мутлақ хунук аёл ҳам бўлмаслигига кўп ўтмай, ўзингиз ҳам амин бўласиз. Ҳар бир аёл ўзича чиройлиликка, лекин ҳар бир аёл боридан кўра чиройлироқ кўринишга уринишига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Қизларни кўпинча гулга қиёс қилишади. Ҳар бир гулнинг эса ўз таровати бор.

Гўзаллик мезонига келсак, фикрлар, қарашлар шундай турли-туманки, бошингиз айланиб кетиши турган гап. Яхшиси, ҳар бир аёл ўзича чиройли, лекин ҳар бир аёл яна ҳам чиройли бўлишга интилади, деган фикрда қарор топайлик.

Лекин сиз ҳамон кўзгу олдидан кетмаяпсиз. Бунинг боиси, балки кийган кийимингизнинг ўзингизга ярашган ёки ярашмаганини билмоқчидирсиз? Энди катта қиз бўлиб қолдингиз. Кўзгуга тикилишдан мақсад, фақат қадду қомат, қошу кўз, қўлу оёқни кўриш эмаслигини сиз энди яхши биласиз. Кийи-

нишда ўз жозибангиз, ўз йўлингиз, ўз усулингизни кашф қиладиган даврга келганингизни ҳис қилаяпсиз. Кийинишда ҳам «йўл», «услуг» бўлиши сизни бироз чўчитаяптими?

Оддийроқ қилиб айта қолайлик. Қайси кийимларда ўзингизни эркин ҳис қилаяпсиз? Қайси либосларингизда юргангизда, юқорида айтганимиздек, орқангиздан сездириб-сездирмай яхши қараб қолишаётганини сезаяпсиз? Ҳамма кийимларда яхши юраман дейсизми? Ҳаммасида ҳам маъқул қарашни сезаман дейсизми? Унда – кийимларингиз буюрсин! Ўйнаб-ўйнаб кияверинг! Демак, сиз ўз «йўл» ва «услугингизни» топиб олибсиз ёки тўғри йўлдасиз.

Айрим қизларга ўхшаб бошламасида билиб-билмай мода кетидан кўр-кўрона қувиб кетиш яхшимас. Мода осмондан тушмайди. Модага эргашилмайди, негаки мода ҳар даврнинг ички зарурий талабига кўра кашф қилинади. Баъзи пайтлар эски киноларни кўрганда ёки бувингизнинг ёшлиқдаги суратларини кўздан кечираётганда бувингизнинг моданинг олдида бўлганларига ҳавасингиз келгандир? Бу ҳам моданинг осмондан тушмаслигига далил. Яна бир нарсага диққат қилинг: модага кўр-кўрона эргашиш анча давлатманд аёлларни ҳам хонавайрон қилиши мумкин, лекин ўша аёлнинг ўзлигини заррача бўлса ҳам намоён этмайди. Ҳа, ҳайрон бўлманг, кийим ҳам кишининг ички дунёсини ошкор қиладиган энг аниқ восита ҳисобланади.

Ўз кийиниш услубингизни таниб олгунча, қадду қоматингиз, бўйингиз, танангиз аъзоларининг тузилиши билан ҳисоблашишга тўғри келади. Ҳеч ким сизнинг гавдангиз тузилишини, айрим аъзоларингизнинг ўзига хослигини ўзингизчалик яхши билмайди. Ўзига хослиги деб айтаяпмиз, зинҳор уларни нуқсон деб тушунманг ва хоҳ пинҳон, хоҳ ошкор бундан изтироб чекманг. Кийим харид қилаётганда ёки кийим тиктираётганда шуларни инобатга олсангиз (чевар унинг чорасини топади, албатта) ишонинг, сиздан кўҳлик қиз бўлмайди.

Бошқалардан қолмасликка интилишингиз вақтинчалик, албатта. Айниқса кийиниш масаласида ўзингизга талабчан бўлишга тўғри келади. Чунки сиз оилада битта эмассиз. Отанангизнинг ҳам сизнинг «ҳаммадан қолмаслик» талабингизни бажо қилишга имкони борми-йўқми, буни ҳам инобатга олишингиз керак. Ҳамма айтганларингизни бажо қилмаётганларининг бошқа сабаблари ҳам йўқ эмасдир.



Ўзингизгагини хос жозоба, услубларга келсак, улар балоғатнинг иккинчи босқичида, албатта, келади. Ёшингиз йиғирмадан ошганидан сўнг сизни на кўринишда, на кийинишда ҳеч ким билан адаштириб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди! Сиз – фақат сиз бўлиб қоласиз.

### ЗЕБ-ЗИЙНАТИНГИЗ...

Ўн етти ёшга тўлганингизда бувингиз бир узук совға қилиб дедилар:

– Меники табаррук, она қизим, буни менга сендек вақтимда онамлар раҳматли тақиб қўйган эдилар. Мана, энди сен ҳам катта қиз бўлиб қолдинг. Жойи-жойида, эҳтиётини қилиб тақиб юргин...

Кейин ўн саккизга тўлганингиз баҳонаси билан дадангиз билагингизга бежирим билакузук тақдилар. Бувингиз ўғиллари ва сизни дуо қилар эканлар, яна тайинладилар: «...жойи-жойида, эҳтиётини қилиб тақиб юргин»...

Тақинчоқларингиз, зеб-зийнатингиз кўпайиб бораётганидан севинаяпсиз.

Зеб-зийнатни қиз-аёллар кўрк учун тақадилар, буни жуда яхши биласиз. Мана шу кўрк ҳаддан зиёд бўлганида таъсири ҳам салбий бўлади. Сабаби зеб-зийнатнинг ҳам ўзига яраша маънавий юки, ўзига яраша маънавий қадрияти борки, «жойи-жойида, эҳтиёти билан» тақилмаса, зеб-зийнатнинг қадр-қиммати жуда тушиб кетади, у бойлик, борлик, етуклик, гўзаллик белгиси бўлиш ўрнига, бачканалик, мешчанлик, буюмпарастлик ифодаси бўлиб қолади.

Тенгдошларингиз ичида қиз-аёлларга баҳо шу тақинчоқларнинг сонига ва қийматига қараб берилади, улар қанча кўп бўлса, жамоат фикри ҳам улар ҳақида бошқача, юқорироқ бўлади деб ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун тўйларга ва зиёфатларга, баъзан ёшлар йиғинларига ҳам борганларида бисотларида бор зеб-зийнатларининг ҳаммасини тақиб оладилар. Шу таққан тақинчоқлар рангларига, соч турмакларига, кийган кўйлақларига мосми, мос эмасми – бу билан уларнинг гўё ишлари йўқ. Гўё уларнинг мақсади бошқа: кўрдингизми, менинг қадрим баланд, нимани хоҳласам шуни олдиришга қурбим етади, демоқчи бўладилар. Чин жамоат фикри деган нарсани улар шу қадар тор тушунадилар. Кўпчилик ҳур-

матини шу тақинчоқлар билан оламан дегувчилар, улар ҳақида шу кўпчилик аллақачон «бозорчи аёлга ўхшайди-я» ҳукмини чиқариб қўйганини билмайди, билса ҳам, «ҳасад қиляпти» деб яна бошқа катого йўл қўяди.

Зеб-зийнатнинг, тақинчоқнинг ўзига яраша маънавий юки, ўзига яраша маънавий қадрияти, тарбиявий аҳамияти бор деганда бошқа қиз-аёлларни назарда тутган эдик.

Бу тоифадагилар, бувингиз айтмоқчи, «жойи-жойида, эҳтиётини қилиб», хилини-хилига, рангини-рангига, кийган либосларига мослаб тақинчоқ тақадилар. Бу тақинчоқлар жойига қараб, балки қиммат ҳам бўлмас, лекин улар либосга уйғун бўлгани учун яхлит гўзал бир ансамблни ташкил этади. Одатда зиёли, диди юксак аёлларимиз шундай кийинадилар. Борини бозор қилиш, йўғини қўшнидан ёки қариндошдан «прокатга» олиб туриш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди.

Мен бир аёлни биламан. Беш фарзанди бор. Элик ёшигача бир ташкилотда меҳнат қилди. Зирак, бир-иккита узук дегандек, бир аёлга лойиқ тақинчоқларга ҳам эга эди. Камтар, меҳнаткаш... Яқин-яқиндан оилавий тантаналарда, тўй-ҳашамларда у тилла билакузук тақиб юра бошлади. Болаларининг ҳаммаси вояга етган, ишлайди, одобли, яхши хулқли болалар. Аёл элик ёшга кирганида фарзандлари бир бўлиб, шу билакузукни совға қилишибди.

Зийнاتини кўз-кўз қилиш керак бўлса, назаримда, шу аёл қилиши мумкин эди. Лекин у ҳуда-беҳудага билакузукни тақавермайди, худди болаларининг меҳнатини аягандек, эҳтиётлик билан улар совғасини улуғлаб тақади. Ҳар таққанида болалари меҳрини туйиб тургандек, уларни дуо қилади, бундан мамнун фарзандларининг меҳри яна ҳам товланади. Чунки инсонда ўз меҳнатининг қадрига етишаётганини ҳис қилиб туришдек олий туйғу бўлмаса керак. Ана шу меҳр эвазига, болалари қалбига жо қилган яхши тарбия эвазига аёл яна кўп марта бошқа қимматбаҳо совғалар олса ажаб эмас.

Шу муносабат билан яна бир аёлни эсладим. У яккаю ёлғиз қиз эди. Ота-онасидан мерос бўлиб қолган ҳовли-жойни сотишиб, ўрнига «болаларингизга ишлатарсиз» деб қариндошлар бир дунё тилла буюмлар олиб беришди. Лекин аёл уларни тўлатўкис таққанини ҳеч кўрмаймиз.

Аёллар ҳам қизиқ... Унинг зеб-зийнати кўплигини билганлар баъзан «Ҳаммасини тақиб яйраб юрмайсизми?» дейиша-



ди. Бундайларга аёл асталик билан ўз андишасини айтади: «Болаларим ҳали жуда ёш. Ҳар бирининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз керак. Ҳали бир касбнинг бошини тутиб, мустақил ҳаётга қадам қўйишгани йўқ. Улар олдида мен товланиб юрсам, яхши бўлмас... Буларни тақшнинг ҳам вақти-соати бўлиб қолар...»

Ҳа, зеб-зийнатлар, тақинчоқларнинг ҳам ўзига яраша маънавий юки, ўзига яраша маънавий қадрияти, тарбиявий аҳамияти бор.

## ҚАРИ ҚИЗ МОНОЛОГИ

*«Гуноҳларнинг энг каттаси –  
қари қизни гийбат қилишдир...»*

*(Элдан эшитганим)*

Ёшим йигирма бешга етди.

Кимдир мени «Ўтириб қолган қиз» дейди, бировлар эса «қари қиз». Атрофимдагиларнинг менга қараши ҳам алақачон ўзгарган. Назаримда, уларнинг бири менга менсимагандек қараса, бошқаси ачиниб, яна бири куюниб қараётгандек. Лекин улар юзимга мавриди билан «қиз боланинг вақтида уйлик бўлгани маъқул» деб насиҳат қилишдан тортинишмайди. Буни ёши катталар айтса майли-я, мен тенги ёки икки-уч ёш кичиклар, лекин бир-икки болалик бўлиб улгурганлар айтишса, юрагим узилгандек бўлади.

Уйда, яқинларининг мунгли қарашига дош бериш яна ҳам қийноқли. Фақат онамгина индамайдилар. Назаримда, мени фақат онамгина тушунадилар. Фақат у киши ҳам мен кутган нарсани астойдил чин дилдан кутадилар, мен илҳақ бўлгандек, у киши ҳам унга – БАХТга жуда-жуда илҳақлар. Фақат онам олдиларидагина ўзгаларнинг наздида менга аянчли бўлиб туйилиши керак бўлган оламни унута оламан.

Айрим қариндошлар онамга:

– Ҳамма айб ўзингизда! Қиз боланинг кўнглига қараб ўтирмай, дурустроқ жой чиққанда бериб юборавериш керак эди!  
– дейишади.

Онам эса бир оғиз ҳам менга таъна қилмайдилар. Лекин барибир ҳамма менга муносиб куёв қидириш билан банд...

Мен учун эса олам улар ўйлаганчалик аянчли эмас. Бир айбим – йигирма бешга чиққаним. Ўқидим. Ишляяпман. Баъзи

қизлар сингари гулдан-гулга кўниб, мақсадим дурустини танлаш бўлаётгани ҳам йўқ. «Алданганлар» қарғишидан ҳам кўрқаётганим йўқ. Чунки мен туфайли бирон йигит ё қиз муҳаббатдан безигани йўқ.

Айримлар менга ўхшаш «қари қиз»ларнинг дарди фақат битта – куёв, деб ўйлашади. Бу – ёлғон. Айнан шу ҳақда мен жуда кам ўйлайман. Ишимни севаман. Шундай севаманки, дарсга киришим билан бутун борлиқ унут бўлади. Дарс тасмом бўлиб, қўнғироқ чалингандагина мен ҳам, ўқувчиларим ҳам ўзимизга келамиз.

Айримлар айтгандек «ҳиссиз» ҳам эмасман. Қалбим тўфонлари ўзимгагина аён...

Кеча Хадрага яқинлашганимда олдимдан Ширин боласини етаклаб чиқиб қолди. У мактабни битирган йилиёқ турмушга чиққан эди. Қиз мажлисига борганимиз ҳам эсимда. Ўғилчаси уч ёшлар бўлиб қолибди. Иккинчиси экан. Дўмбоққина! Вой, унинг жиддийлиги! Ўзига лойиққина костюм-шим кийгазиб кўйибди. Оппоқ кўйлагига капалаксимон қора галстук тақибди. Бошида бир ёқ чеккасига сал эгикроқ берет. Шунақанги ширин кўриниб кетдики кўзимга! Ҳеч қайси дугонамга бундай қилмаган эдим. Кеча Шириннинг ўғлини кўрдим-у ё ўзи кайфиятим шунга мойилмиди, билмадим, ишқилиб юрагимда нимадир узилгандек бўлди. Негадир кўзимга филтиллаб ёш келди. Нима бўлаётганини билмайман. Бола бечорани бағримга босиб юзларидан ўпаман. Ерга кўйгим келмайди. Талай жойгача кўтариб бордим. Ҳали-ҳали эсласам, уяламан. Тавба, дейман ўзимга ўзим. Китобларда вақти етганда турмуш қурмаса ҳам қизларнинг қалби бола кўмсайди, бу табиий, деб ёзишарди. Балки ёзувчилар тўғри пайқашгандир буни? Кеча бутун вужудимда ҳукмрон бўлган туйғуни таърифлашдан ожизман. Бу менга нотаниш, аммо ич-ичингда, юрак-юрагингда титроқ турғизадиган бир нима эди.

Жуда-жуда галати бўлиб қолдим. Юрагимда алланарса йиғилиб қолганини, энди уни кўтариб юриш менга оғирлигини аниқ ҳис қилдим. Бу – меҳрлигини, юрагимдаги бор меҳримни бошқага, бошқаларга беришим кераклигини англадим.

Кўплар «Жуда танлаяпти, ишқилиб тозисига учрамасин-да», дейишади. Йўқ, мен асло танлаётганим йўқ. Нима қилай, ҳар гал «куёв кўрар»га чиққанимда кеча ҳис қилганим тўфонли, томирни қиздирувчи туйғулардан йироқ бўлардим. Қалбим-





даги сокинлик атрофда ҳам ҳукм сурарди. Ҳеч қандай ўзгариш сезмасдим ўзимда ҳам, атрофда ҳам. Шовқин билан одатдагидек трамвайлар ўтади. Троллейбусларнинг вишиллаши ҳам одатдагидек. Ҳамма ўзи билан ўзи оворадек туюлади. Менга эса бахтнинг сокини керак эмас. Ҳақиқий бахтнинг киши томирларидан илиқлик югуртиришига, қалбингга ҳали айтганимдек, ўзинг ҳам тасвирлай олмайдиган туйғу солишга қодирлигига ишонаман, ишондим. Кеча, майли, кеч бўлса-да шу кичкинтойни бағримга босганимдаги туйғунинг қалбимга ошно бўлганидан бахтиёрман. Унинг бундан-да жўшқин, бундан-да ёрқин, бундан-да улкан бир туйғуга йўл очиб берганига ҳам ишонаман. Ҳа, шундай!

Менга ҳозир ачиниб қараётганлар, содир бўлажак ёрқин бахтимга ҳавас қилишга ҳам тайёрланиб турунг.

### МАФТУН ЭТАЙ ДЕСАНГИЗ

Сизда ҳам ҳамма қизларда бўлгани каби бир пинҳоний орзуйингиз бор. Сиз ҳам ҳамма дугоналарингиз каби бировларни шайдо этишни, ўзгаларнинг бир умр ўзингизга мафтун бўлиб юришини хоҳлайсиз. Айтиш керакки, табиат сизга шунга яраша асос ҳам берган. Қизларнинг гулга қиёс қилиниши бежиз эмас. «Қиз бола уйнинг гули, элнинг кўрки», дейди халқимиз. Бу иборага не маъно, не умид жо қилингани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Умид – инсоннинг келажак билан боғлиқ риштаси. Сизни болаликдан «Онам!», «Она қизим!», «Ойим!» деб эркалагувчилар келажакда сизнинг тимсолингизда оналардек улуғ сифатли ва фазилатли, элнинг кўрки бўладиган аёлларни кўриш умидидадир.

Тўғри, худо сизни гул қилиб яратган. Лекин кўркни бир умр ўзингиз кашф қилиб, ўзингизда мужассам қилиб борасиз. Минг шукрки, андоза оладиганларингиз кўп.

Беҳзодлар, Чингиз Ахмаровлар чизган ўзбек аёллари суратларига узоқ-узоқ ҳавас билан қарашингиз, қай бир чизгиларидан ўзингизга ўхшашликни ахтаришингиз сир эмас. Кўзингизнинг қувнаши, қалбингизнинг оловланишига арзигулик санамлар-а!

Навой, Саъдий, Қодирийлар сийратини тасвирлаган битикларни тунлари билан мижжа қоқмай ўқишингиз, уларда-

ги кўп фазилатларни ўзингизга юқтиришга интилишингиз ҳам сир эмас. Орзу-ҳавасингизга барака! Негаки руҳингиз улардан қувват олади, ул санамлар авлодининг давомчилари эканингиздан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Ҳар бир аёлда ҳам ерлилик, ҳам самовийлик мавжуд дейишади. Бу гап рост бўлса керакки, юртимизда бўй етган ҳар икки қизнинг бири шеър машқ қилади. Самовийлигимиз ана шу шоир табиатимиздан, аждодлару ҳозиргилар насру назмидан қувват олади. Негаки, бу насру назмлар кўнглини тозартади, кишининг томирини тўлғизиб, умидли яшашга, ҳаётга тўғри қарашга ўргатади.

Ҳаётга тўғри қараган одам умри давомида мураккабликларга дуч келса, уларни енгиб ўтиши нисбатан енгилроқ бўлади. Ҳаётга тўғри қараш айнан сизнинг ёшингизда қарор топади.

Ҳаётга тўғри қараш ўзлигини англаб етишдан бошланади. Ўзини англаб етмаган, ўзлигини топмаган, ўзига холис баҳо бериб, ўзи ҳақида холис ҳукм чиқаришни ўрганмаган одам бошқаларни қандай англасин? Қандай билсин? Қандай танисин? Бошқаларга қандай эргашсин? Сиз – кимсиз ўзи? Ҳаётда мақбуллар сирасига кирасизми ёки номақбуллар? Сизда ерлилик кўпми ёки самовийлик?

Инсоннинг моҳияти унинг хоҳишларида акс этади, дейишади. Сиз нимани хоҳлайсиз? Биринчи хоҳишингиз қорнингизнинг тўқ, эгнингизнинг бут бўлиши албатта! Бу бир сизнинггина эмас, инсон зоти борки – илк табиий талаби шу! Иккинчи талабингиз нима? Қимматбаҳо кўйлак, зеб-зийнатми ёки яхши китоб? Қаршингизда уларнинг ҳаммаси муҳайё бўлса-ю, фақат бирини танлашингиз керак бўлса, қўлингизни қай бири томон узатасиз?

Қўларингизга кўрсатмани қалбингиз, руҳингиз, юрагингиз беради. Унинг оч ёки тўқлиги қай даражада?

Умуман, ҳаётдан кўпроқ олиш истагингиз кучлими ёки ҳаётга бериш?

Кўрдингизми? Ақлингизни таниб борганингиз сари бир дунё саволлар кўндаланг бўлаверади. Сиз ўйлашни, фикр юритишни ўрганиб бораверасиз. Ўзингиз ҳам сезмаганингиз ҳолда билимингизни ошириш, мулоҳаза юритиш ҳаётий заруратга айланиб бораверади. Яна атрофдагилар билан муомала, муносабат ҳам сизни ўзингизни англашингизга ёрдам беради.



Одамлар орасидагина ўзингизни кашф қила, топа борасиз. Кўрдингизми, ҳаётга тўғри қарашнинг энг муҳим шартларидан бири ана шу муомала, муносабатни билиш, ўрганиш, энг яхшиларини ўзингизга юқтиришдир.

Ҳаётда аёл киши яхши олим бўлиши шарт эмасдир, аммо яхши одам бўлиши шарт. «Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал», дейди донишмандлар. Аёл киши дунёга келганидан то кетгунига қадар хайрли иш қилишга даъват этилган. Шунинг учун у қайси касб ёки мартаба эгаси бўлишидан қатъи назар, аёл жинсидаги киши ҳаётдан изсиз кетмайди.

Яна кичиклигингиздан сизга-ю дугоналарингизга, умуман қиз отлиқ мўъжизага «уйнинг гули» деб келинганини айтдик. Гул... Фунча... Бу тушунчалар кишининг эстетик завқи, шайдолиги ва ҳоказо туйғулари билан боғлиқ. Сиз «фунча», «гул» бўлиб уйингиздагиларнинг кўзини қувнатиб келгансиз. Олдингизда эса... Олдингизда эса бир умр атрофингиздагиларни мафтун этиш вазифаси турибди. Бу ҳам аёл аталмиш мўъжизанинг пешонасига битилган. Мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги бўлиши керак. Англаяпсизми, қизим, шайдолик тан гўзаллигига бўлса, мафтункорлик қалб гўзаллигигадир.

Ана шу қалб гўзаллигини меҳнатсевар асалари каби узоқ ва заррама-зарра йиғасиз. Нектар олиш манбаларингиз ҳам антиқа: онангиз, бувингиз, келинойингиз, ҳаётнинг ўзи, китоблар, санъат асарлари, томошалар, орзу-ҳавас, муҳаббат, оналик ва яна кўп нарсалар...

Мафтун этиш сирларидан яна бири ҳаётга қиз бола бўлиб келганингиздан оғринмаслик, аксинча қувона билишда, аёлик қисматини шараф деб қабул қила олишда, ҳар назар, ҳар одимда ўзингизни олдинга ундайдиган шодлик кўра билишда, бировларни ҳам шодлантира билишда. Бир сўз билан айтганда, ерда туриб, самовий бўлиб қола билишда. Буларнинг ҳаммаси меҳнат, заҳмат албатта. Аммо мукофоти катта – шайдолик, тан гўзаллигига шайдолик тез ўтиб кетса, қалби гўзал аёлга бир умр мафтун бўлиб қолаверадилар, чироққа интилгандек, унга интилаверадилар.

Шунинг учун ҳам, бировларни мафтун қилиб юрай десангиз, қалбингизни муттасил озиклантириб боришингиз, уни ҳеч бир сония оч қолдирмаслигингиз керак. Қорин оч қолса, уни тўйғизгач, оч вақтингиз тез унут бўлар. Қалб очиққандаги узилишни тўлғазиш қийин. Унинг асорати кўпга



кетади, одамларнинг сизга мафтункорлиги пасаяди, бора-бора йўқолади.

Суҳбат давомида анчагина тест монанд саволлар бердик. Қалб тўлғазиб турилса, уларнинг кўпига жавоб ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ишончим комил, бу тестдан, ҳаёт тестидан энг юқори балл билан ўтасиз. Хусусан, ўзингизнинг мақбуллар сирасига киришингизни, сизда самовийлик кўплигини, қўлингиз биринчи зеб-зийнатга эмас, китобга узатилишини биласиз. Булар сиз учун ҳаётий заруратга айланади-да.

Илоҳим, бир умр бошқаларни мафтун қилиб юрадиган гўзал қалбли қиз бўлинг!

## МЕН АЙТАР ДУО

Бу манзарани сиз кўп кузатгансиз...

Яқин дугонангиз, синфдош ўртоғингиз тўйида, қиз ўзи туғилиб ўсган хонадонидан чиқиб кетар олдида ҳаммани келинбарорга, куёвникидаги катта базму жамшидга чорлаётган сурнай навоси бир дам тинади. Оппоқ ҳарир кўйлақдаги дугонангизни буваси ёки отаси олдига етаклаб келиб, оқ фотиҳа беришни сўрайдилар. «Қадамнинг қутли бўлсин! Борган жойинг гул бўлсин!» деб дуо қиладилар табаррук одамлар. Шунда сиз ҳам дугоналарингиз қатори қўлингизни оминга очасиз. Сизгинанинг ичингиздан нималар ўтганини, хаёлингизга, кўз ўнгингизга нималар келганини тасаввур қилаяпман. Ахир «Ўн саккизга кирмаган ким бор», деб бежиз айтишмаган. Сизнинг ҳам эшигингиздан совчилар аримаяпти. Ичингиздаги энг яхши тилакларингиздан кафтингиз қизиб кетаётганини сезаяпсизми. Сиз шунда кўп қатори ҳароратли кафтингизни «Омин!» деб анор рангидаги юзингизга тортасиз. «Илоҳо, омин!» дейман мен ҳам сизга жўр бўлиб.

Ёшим дуо қилгувчилар, оқ фотиҳа бергувчилар ёшига етиб, шундай улуғ иш бир-икки бор менга топширилганда мен ўша дуони «Борган жойингни гул қилгин!» деб айтдим. Айримлар ҳаяжондан дуони сал ўзгартирдингиз шекилли, дейишди. Йўқ, атай қилдим. Қалдирғоч қанотидек қаро қошларингизни чимирмай туринг-да шу икки жумла фарқини бир мушоҳада қилиб кўрайлик...

Назаримда, биринчи дуо жумласи: «Борган жойинг гул бўлсин!» да сизга нисбатан фақат яхши ниятдан ортиқ нарса



кўрмаётгандекман: илоҳим, борган жойингиз гул бўлсиней...  
Вассалом...

Менинг эса сизга меҳрим ҳам, ишончим ҳам бўлакча, жон қизим! Сизни шунчакигина ижрочи сифатидагина эмас, ижодкор, ташаббускор, оловқалб, журъатли кўришни жуда-жуда истайман. Борган жойингиз гул бўлса, суюниб, гул бўлмаса куйиниб, кўникиб кетманг демоқчиман, холос.

Иккинчи дуо – «Борган жойингни гул қил!» мағзида эса бахт деб аталмиш неъматни ҳеч ким қўлингизга тайёргина тутқазмайди, буни англаб етинг, дейилаётганини англаяпсизми? Буни англаб етиш ва унга амал қилишнинг ўзи турган-битгани ижодкорликдир. Худди шахматдагидек: бир катакдан иккинчи катакка ўтгунча минг бир ўйланади. Ҳаёт ҳам шахматдай гап. Умр-муросада гап кўп, ҳар қадамнингни ўйлаб, кейинини чамалаб, мушоҳада билан қўймасанг мот бўлиб қоласан.

Ҳозир ўқимаган қизнинг ўзи йўқ. Бўлмаганда ўрта маълумотга эгасиз. Демак, сизга ортиқча гапнинг ҳам ҳожати йўқ. Англаб етишингиз керак бўлган биринчи нарса етти келиннинг қайнонаси бўлган Фармон кампир айтмоқчи ҳар бир оиланинг ўз аъмоли, ўз қоидаси, ўз «ҳукумати», ўз йўриғининг бўлишидир. Сиз бораётган оиланинг қонун-қоидаси қай бир жиҳатлари биландир сиз ўсган оиланикига ўхшамаслиги мумкин. Ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатаман деб, зинҳор тезоблик билан у ерда ўзингиз ўрганган қоидаларни сингдиришга ҳаракат қилманг. Аввалам бор сиз биттасиз, демак озчиликсиз, у ердаги тартибга ўрганиб, итоат этиб келаётганлар – кўпчилик. Озчилик доим кўпчиликка ён босиб келади. Иккинчидан, сиз энди қўшилдингиз бу оилага. Ундаги тартиб-қоидалар эса азалдан бор. Сиз сингдирмоқчи бўлган тартиблар яхшилик бўлса ҳам, барибир – янгилик. Янгилик эса муайян синовдан сўнг сингишади ҳамиша. Ана шу синов даврида сизга тоқат берсин худо! Айрим дугоналарингизга ўхшаб «характеримиз келишмади» хулосасини байроқ қилиб олманг. Бунга ҳамиша улгуриш мумкин.

Келин ўз оиласида ҳукумат бошлиғи бўлмаса ҳам, лекин яхшигина дипломат бўлиши шарт. Ҳукуматимиз бошлиқлари не-не давлатларга боришмайди, дунёнинг манаман деган не-не подшоҳлари билан учрашишмайди, дейсиз. Юртимизга келаётганларнинг асти чеки йўқ. Эътибор беринг-а, бир-бирига қарама-қарши давлат кишилари сўзлашиб туришса ҳам,



табассум билан сўзлашадилар, қўл сиқишиб, таъзим қилишадилар. Нега? Негаки одил ва ақлли ҳукумат бошлиқларининг кўзлагани – ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, одамлар ҳаёти-ни фаровон қилиш. Ана шу катта мақсад деб ҳар нарсага тай-ёр туришади...

Оила ҳам кичкина ҳукумат, деган гапни кўп эшитгансиз. Кўпчиликнинг кўзи, жамоатнинг фикри ҳар бир оилани имтиҳондан ўтказади. Имтиҳон берувчи кўпинча аёл киши бўлади. Оилада осойишталик сақлаш, бахтли, фаровон ҳаёт қуриш учун аёл киши катта ҳукумат бошлиқларидек зукко бўлиши керак. Аввало ҳаётнинг шоҳ масала-мақсадини аниқ англаб етиши керак.

Шоҳ масала-мақсаднинг бири – аёл, қизнинг ўз умр йўлдошига муҳаббати. Бу муҳаббат бўлмаса ва у гуллаб, муаттар ҳидини атрофга таратиб турмаса, оила қоғоздан ясалган гулга, яъни сунъий гулга ўхшаб қолади. Оилада бўлиб турадиган йўқчиликни енгувчи қудрат ҳам шу муҳаббатда. Шу муҳаббат бўлмаса, кўнгил ҳувиллагани бир сари, бошқаларнинг кўнглини ҳам гармсел уриши ҳеч гап эмас. Муҳаббатнинг чироғи қаршингизда, қалбингизда ёниб турса, ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтасиз. Кийган чит қўйлагингиз ҳам шоҳидан аъло туйилиб, кўзингизни қувнатади. Агар шу муҳаббат юрагингизда ниш олмаган бўлса, борган жойингизни гул қилиш у ёқда турсин, нақ гулзор ўртасига («Борган жойинг гул бўлсин!» дуоси ижобат бўлиб) тушсангиз ҳам уни тезда қуритасиз. Аёл кишининг аввало эрига, уй-жойига, оила аъзоларига, фарзандларига меҳри бўлиши керак. Бу – ҳаётнинг энг бирламчи шарт, талаби деб тўғри айтишади.

Бунга эришган аёл ўз қўрғонининг содиқ посбони бўлади. Оиласининг сирини четга чиқармайди. Бир марта сири ошкор бўлган оила ҳақида атрофда ғийбат кўп бўлади. Оила элакдан ғалвирга, ғалвирдан дўмбирага тушаверади. Борган жойини гул қилишни истаган қиз бунга асло йўл қўймайди.

Айтмоқчи бўлган дуо атиги бир жумладан иборат бўлса ҳам, унинг маъзини кўпроқ, ўзим тушунганимча айтдим-да.

Алқисса: «Борган жойингни гул қил!»



## СИЗ – ЭРТАГА КЕЛИНСИЗ

Эшиқдан кириб келган бегона аёлларга ойингизнинг очиқ чеҳра билан пешвоз чиқишлари сизни ҳам ҳайратга солди, ҳам юрагингизни шувиллатди-а?

«Мунча? – дедингиз хаёлан онаижонингизга зарда қилган-дек. – Энди кўриб турган одамларга ҳам шундай яшнаб муомала қиладими одам?»

Келган одамлар – элчилар. Элчига эса ўлим йўқ, дейдилар. Улар – «Бир ёмонларининг бошини икки қилиш илинжида юрган» совчилар. Қизлик уй эса карвонсарой – унга шоҳ ҳам, гадо ҳам бош эгиб келаверади. Совчилар кўпайибдими, демак, сиз – эртага келинсиз!

Шу келаётган аёлларнинг бири сизни меҳр билан ўз гўшасига олиб кетади. Сиз ҳозир бу аёллардан ҳуркибгина турибсиз, аслида бу кечинма уларда сиздагидан ҳам кучлироқ.

Дунёдаги ҳеч бир халқда оилада келин мавқеига шарқ халқлари, хусусан ўзбекларчалик катта ўрин берилмайди.

Одатда, келин тушириლაётган, хусусан сиз борадиган хонадонда ҳам катта тайёргарлик кўрилади. Ёш оилага атаб янги уй солинади ёки шу хонадондаги энг яхши хоналар таъмирланиб, янги ҳолатга келтирилади.

Куёв томонга осон, дегувчилар қаттиқ янглишадилар. Келинга, яъни сизга атаб сарполар, совғалар тайёрланади. Гап уларнинг сони ёки сифатида эмас, гап уларнинг ҳаммаси сизнинг, фақат сизнинг хаёлингиз билан энтикиб тайёрланишида!

Энг муҳими, хонадоннинг каттадан кичигигача оиланинг бўлажак янги аъзоси – сиз билан учрашувга, сиз билан бирга яшашга ўзини руҳан тайёрлайди. Кишилар руҳида кўтаринкилик, меҳр-муҳаббат, эзгулик, ҳаё қарор топади.

Эшигингиздан кириб келган совчиларнинг ҳаяжонида ўз уйидаги шу руҳият, шу кўтаринкилик ва сиздан умидворлик ҳам акс этади.

«Келиннинг қадами қутлуғ келсин!» – дея дуо қилишади кексалар. Ҳали келин – сиз кирмасингизданоқ хонадон гўё файзли-фариштали пардага ўралади. Бу руҳиятни синдирманг, қизим!

Қутлуғ қадам! Қайноналар бу дуодаги қутлуғ қадамда бундан кейин айтар сўзларини, кўрар кўзларини, дилларидаги



армонларини, юрмаган йўлларининг рўёсини кўргандек бўлиб энтикадилар. Улар умидига қанот бўлинг, қизим!

Сингиллар бу қутлуғ қадам ила ўзларига ибрат келаётганидан севинадилар. Севинчларини оқлаш – сиздан, қизим!

Биринчи қадам, биринчи учрашувлар, биринчи тилаклар, биринчи орзуларнинг самимийлиги, эзгулиги келинларга дастлабки масъулиятли даврда қувват беради, қадамларини қутлуғ қилади.

Ўзбекларда турмушга чиққан қиз борки, келинликнинг но-зик даврини албатта бошидан кечиради. Ҳатто ота ва онаси бўлмаган, ҳеч кими йўқ йигитга турмушга чиққан қиз ҳам маҳаллага, куёвнинг ишхонасидагиларга, дўстларига – келин!

Азадан оила бор. Лекин келинликнинг муайян бир номаси йўқ. Ҳар бир қиз ўз пешонасига битилган бахтни ўзи маҳкам ушлаб қолиши керак. Сиз ҳам бахтингизни маҳкам ушлашга ўрганинг, қизим. Бунда момолар, оналар, янгалар ўғити, ибрати сизга кўмак бўлсин. Ҳатто бугун онангизнинг бегона аёлларга яшнаб пешвоз чиқишларида ҳам бир сабоқ бор: қизнинг онаси очиқ чеҳрали, меҳмондўст, кенг феъли аёл эканини намоён қилдилар. Кўпинча қизлар оналарига ўхшайдилар. Совчиларда яхши таассуротни онангиз аввало сиз учун, сизни деб қолдирдилар. Негаки...

Қизи вояга етаётган она борки, кўнглининг бир чеккасида ҳамиша эзгу ниятлар яшайди. У аввало бўлажак куёвининг қизига муносиб, бир умрга вафоли, қизини қадрлайдиган бўлишини орзу қилади. Шу билан бирга, ўз қизининг ҳам куёв бўлмишга садоқатли, меҳр-муҳаббатли, ҳурмат-иззатини жойига қўядиган, вафоли ёр, келин бўлиб борган хонадонининг саранжом-сариштали, чаққон, пазанда бекаси бўлишини умид қилади. Онангиз ҳам шу умид кучи билан сизни тарбиялаб келганлар.

Бир китобда қизини унаштирган онанинг уни ёнига чақириб ана шу умидлари кучи билан қизига шундай насиҳат қилганини ўқигандим. Буни сиз ҳам қулоғингизга олинг, қизим!

«Севимли қизим, тез кунлар ичида бизнинг қўлимиздан кетиб, чет одамга ёр ва умрлик йўлдош бўласан. Сенга бахтсаодат тиловчи онанг томонидан берилган ушбу насиҳатларни тингла, шу насиҳатларга имконинг борича амал қил.

Эринг ўзига йўлдош, шодлик ва қайғули кунларида бирга шодланувчи ва қайғурувчи ўртоқ бўлишингни умид этиб, сени





танлади. У ҳар вақт «Шукр, мақсадим ҳосил бўлди», деб севи-  
ниб, сўзлаб юрсин ва сендан рози бўлсин.

Тез кунлар ичида уй бекаси бўласан. Эътиборга олишинг  
лозим бўлган нарсалар бор: эрингнинг яқин кишиларини, ху-  
сусан, қайнота ва қайнонани ҳурмат қил, уларни ўз отанг  
ва онанг қаторида кўр, болаларини ака-ука, опа-сингилларинг  
ҳукмида ҳисоб қил. Қайнотанг ва қайнонанинг насиҳатла-  
рини яхши тинглаб, уларга амал эт. Оила аъзоларининг хулқ  
ва табиатларини яхши ўрганиб, уларга мулоим муомалали  
бўл. Улар билан оранг бузилишидан сақлан, чунки бунинг оғир-  
лиги эринг устига тушади. Сени деса, уларнинг кўнгиллари  
қолади, уларни деса, сени қизғанади. Шу сабабли эринг икки  
ўт орасида қолиб, жуда қийналади, эрингни азоб ичида қўйма,  
унинг оила аъзолари билан тотувликда яша.

Эрингдан ҳеч бир сиригини яширма. Эрингдан бошқа ҳеч  
кимга сир сўзлама. Эринг ёнида бир киши турган бўлса, эринг-  
га қарши бир оғиз сўз айтма. Эрлар хотинларининг кўп камчи-  
ликларини кечирадилар, аммо чет киши олдида айтган сўзла-  
рини кечира олмайдилар. Бу нарса уларнинг табиатларига хи-  
лоф нарсадир. Бу тўғрида уларни айблаб бўлмайди. Агар эринг-  
нинг бирон ноҳўя одати бўлса, ёнида ҳеч ким бўлмаган вақти-  
да ўзига айтиб, унинг яхши йўлдан юришига ғайрат қил.

Эринг севмайдиган ва кўнгли тўлмайдиган ишлардан, унинг  
рашқини келтирадиган одатлардан узоқ бўл!

Қайнонанига қараб турмасдан, кучинг етадиган ишларни  
ўз қўлингга ол, унинг розилигини, дуосини ол. Уйинг топ-тоза,  
бежирим ва ҳар нарса ўз ўрнида бўлсин. Болаларингнинг  
эрингга, эрингнинг болаларингга муҳаббатли бўлишларига ғай-  
рат қил. Оталарнинг ўз оилалари билан овунишлари доим улар  
билан бирга бўлишларига сабаб бўлади. Болалари билан ову-  
ниб, шодланиб, ноҳўя йўлларга қадам қўймайдилар.

Эрингдан бир нарсани сўрасанг, уни бир-икки марта эсига  
тушир. Шундан ортиқ даражада эрингни безор этиб, ҳадеб  
қистама.

Эрларнинг энг севган нарсалари хотинларининг ўйнаб-ку-  
либ, ишларини қилиб юрган вақтларидир. Эри ёнида юрувчи,  
ўйнаб-кулиб хизмат қилувчи хотинларни ёмонлашга ҳеч ким-  
нинг ҳаққи йўқдир. Эринг ишга кетишга отланса, ҳамма нар-  
сасини тайёрлаб, кейин эрингни шодлик билан кузатиб қўй.  
Ишдан қайтганида эса очиқ юзлик билан қарши ол.



Турмуш ҳамма вақт бир хил кечмайди. Турмушнинг шод кунлари бўлгани каби заҳарли, тиконли кунлари ҳам бўлади. Эринг билан орангга совуқчилик тушса, ўзингни оғир тут, совуққонлик билан сўзлаб қизишма, юзингни буриштириб, бақириб-чақириб сўзлама. Яхши муомала қил. Сўзингда ҳақли бўлсанг, мулойим сўзлаб, ётиғи билан тушунтир. Эринг бу гўзал муомалангни кўриб, дарров ғазабдан тушади, муҳаббати сенга яна ҳам зиёда бўлади.

Болаларингни яхши тарбиялаб ўстир, яхши хулқларга одатлантир. Бу ҳамма айтган сўзларимни бажо келтириш ақлли ва тадбиркор хотинлар учун оғир иш эмас. Куч-қувват билан қилиб бўлмайдиган ишларни яхши хотинлар ўз ақллари билан қила оладилар.

### ОИЛА ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Ҳамма давраларда, ёшлар, айниқса қизлар билан бўлган суҳбатларда мавзу бориб, албатта, оилага тақалади ва узоқ турғун бўлиб қолади. Уларда баъзан юрагингни увуштирадиган гаплар эшитасан:

**Талаба қиз:** – Дугонам эрга тегиб, бир болалик бўлгач, ажрашиб кетди. Тўйгача шундай шошган эди, шошган эди-ки... Совчилар келиб қўймапти, мен эса қўрқаман. Нега эрга тегиш осон, этигини тортиш қийин дейишади?..

**Судья:** – Ажралишаман деб ариза берган аксарият аёлларни кўпроқ оилани сақлаб қолиш муаммоси эмас, қайнонаси қилган сарпо (кийилган-кийилмагани, тиктирилган-тиктирилмагани) унда қоладими ёки йўқми деган муаммо қизиқтиради. Улар оила қураётганларида оила олдидаги бурчлари ҳақида мутлақо ўйламайдиганга ўхшайдилар. Камдан-кам қиз оила кодекси билан таниш... Никоҳ контракти ҳам уларга бегона...

**Муаллима:** – Ўрта мактабдаёқ, махсус дарсларда оила ҳақида кўп гапирилади. Лекин таъсири жуда кам. Негадир қизларимиз оила қуришга никоҳ ўқитилаётганда, ҳокимият идорасида никоҳ қайд этилаётганда ўз оғизлари билан розиликларини билдирадилар-у, тасаввурда эса тўйдан нарисини кўролмайдилар. Кўпчилик қизлар оила қуришни ўзларининг зеб-зийнатлари, янги кийим-сарполарининг кўпайиши деб тушунадилар. Буни ҳатто яширмайдилар ҳам. Оила қуриш икки томон зиммасига жуда катта вазифа, бурч юклашини



тушуниб етмайдилар. Тўйдан сўнг ана шу бурч ва вазифалар биринчи ўринга чиқа бошлаши билан оила ҳам қумга қурилган иморатдек сочилиб кетаяпти..

**Она:** – Оила икки кишининг пайвандидир. Лекин барибир оғирлик асосан аёлда... Қизларнинг онаси турмушда шу қийинчиликларнинг табиийлигини тушунтиришлари керак. Ичига ютган юзага чиқади ахир бир кун...

**Қайнона:** – Бировнинг боласи, туртилмасин, суртилмасин деганим сари ҳар бир ҳаракатимни келин болам тескари олдилар. Болам туфайли келган болам, ўғлимга йўлдош деганим сари «Мени ҳамма ерга уради!» деб оналарига додлаб боравердилар. Майли, жинига тўғри келмадик шекилли деб, рўзғорини бўлак қилиб қўйдик. Эру хотин яхши бўлса бўлди-да! Уч йил ўқитдим. Неварагинамни икки ёшигача парваришладим. Бир ойлигидан знагалик қилдим. Рўзғори бўлак бўлагач, ўғлимни менсимайдиган бўлди. Алоҳида яшай бошлаганига бир ой ҳам бўлмай, ўқиши битди-ю, болани ҳам олиб чиқиб кетди. Кўп ўйлаб, келиним хотинликни, оналикни тан оладиганлар сирасидан эмас экан, деган қарорга келдим. Катта хонадонимнинг меҳрига тузлуққа тупургандек тупириб кетди. Худонинг ҳукмига солдим! Бошқа чорам йўқ, ўғлимни қайта уйлантираяпман... Яна ич-ичимдан унга ачинаман. Онасига ачинаман. Ҳе йўқ, бе йўқ, қизини ажратиб олиб кетди. Ҳадисда ўқиган эдим: муслима аёллар ўз сингисининг талоқ қилинмоғини талаб қилиши макруҳ экан. «Бундай аёлни бети қурсин! Зеро, унга ҳам кўз тиккан бало бордур!» дейилган ўша ҳадисда. Охирати у ёқда турсин, эртанги кунини ҳам ўйламайди шекилли улар...

Кунда эшитамиз шундай гапларни. Хотиранга михлаб, қалбингга оғир тош бўлиб чўкиб қолади улар. Ўйлайсан... Ўйлайсан...

Дунёда неча хил халқ, неча хил мамлакат бўлса, уларнинг нашр этган беҳисоб адабиётлари ичида оила, оилавий муносабатлар, оиланинг жамиятда тутган ўрни хусусида алоҳида варақлардан тортиб, катта-катта энциклопедияларгача, ҳукумат қарорлари, низомларидан тортиб, кодексларгача учратиш мумкин. Оила нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Инсониятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан. Чунки оиланинг бирламчи, бевосита вазифаси башарият занжирини соғлом авлодлар билан улаб боришдан ибо-

рат. Шунинг учун оила – муқаддас, буюк ҳисобланади ва оилани тузиш, мамлакатни ташкил қилиш каби муҳим деб саналади, оиланинг барқарор ва бахтли ҳаёти – шу мамлакатнинг юзи, обрўйи деб қаралади.

Оилага нима учун бундай катта эътибор берилади? Шунча адабиёт чиқаришдан кўзланган мақсад нима? Ислом никоҳ, оилага қандай қарайди?

Ислом динида роҳиблик йўқ. Аксинча, Қуръони каримда, Ҳадиси шарифда уйланиш, оила қуриш ҳақида кўп чиройли амрлар бор. Оила, яхши оила диннинг саломатлигини, иймоннинг барқарорлигини сақлаб қолувчи, уни ривожлантирувчи хуш хулқлик, солиҳ кишиларни, ибратли инсонларни тарбиялаб етиштирадиган қутлуғ даргоҳ эканлигига ишора бор. «Тақдир илоҳий», «Осмон никоҳи» деймиз. Бу – шу ишоранинг қалбимизга сингиб кетганидан далолат. Қалбимизнинг шу тўқ жойига шукрлар қилганча умид ва ҳукмимизни ҳатто ёрларда ифода этамиз:

*Заргар қилган занжирни узиб бўлмас ёр-ёр,  
Оллоҳ битган тақдирни бузиб бўлмас ёр-ёр.*

Бинобарин вояга етаётган ҳар бир киши оила тўғрисидаги кўрсатма, йўриқ, тузук, қонун-қоидаларни яхши билиши керак ва уларга амал қилишга тайёр бўлиши лозим. Ана шу билим ва истак уларнинг ўз оилаларини кўркем тузувларига, шу кичкина мамлакатларини тўғри идора этувларига ёрдам беради. Оилада роҳатли умр кечириш, баракотли умр кечириш деганидир.

Бунинг иккинчи жиҳати янада аҳамиятлидир. Демокримизки, ўз оиласида тинч-тотув яшаган, аввало ўз инсоний ҳурматини-ю бурчини чуқур англаган, яқинлари, жигарларини иззат қилган киши жамиятда ҳам, Ватанида ҳам тинчлик, осойишталик ўрнатиш, истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашади ва бунинг минг бир иложини топади.

Борди-ю оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам бундай миллат дунёда узоқ яшай олмаслигини донишмандлар кўп таъкидлашган: «Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналадиган аскарлар-у, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлма-



са ҳеч бир замон зътибор бермасдан келадиганимиз – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қуради... Агар бир миллатга бундай ҳол рўбару келса, у миллат китобининг сўнгги ва рағи очилади...»

Шунинг учун ҳам ҳамма асрларда, ҳамма халқ ва миллатларда дунёнинг буюк олим ва фузалолари, таниқли адиблари умрларининг қимматли соатларини оилани яратиш, уни барқарорлаштириш, инсонни энг ноёб фароғатдан баҳраманд қилиш бахтига муяссар этиш устида бош қотириб ўтказадилар.

Авлодлар бардавомлиги оиладан, дедик. Бу унинг бирламчи вазифаси, дедик. Бу масалага ҳам қизлар (айримлари) анча юза қарашаётгандек кўринади.

Даврлар ўзгариши билан оиланинг мақсад ва вазифалари ҳам ўзгариб, тобора такомиллашиб боради.

Турмушни иқтисодий ташкил этувчи уюшма сифатида оила ибтидоий даврдан мавжуд бўлиб келган. Айнан шунинг ўзида у даврда оиланинг мақсад ва вазифалари тугаган эди. Ҳозирчи?

Уй, оила деганда фақат уй-жой, мол-мулк, мебелларни тушуниш керак эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Буларнинг ҳаммаси оиланинг ҳаёт кечирishi учун зарур воситаларгина холос. Зинҳор мақсади ва вазифаси эмас. Оиланинг энг муҳим вазифаси авлодлар бардавомлигини таъминлаш экани ҳақида юқорида сўзлаб ўтдик. Оила эркак ва аёлнинг эр-хотинлигини, оталиги ва оналигини, болалар тарбиясини таъминловчи муҳим даргоҳ. Бунда ҳам оқила момоларимиз аёллар зиммасига жуда катта вазифалар қўйишган.

«Фарзанд – пайванд» дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, боласиз оилалар омонат бўлади. Бола ҳам уйни, ҳам кўнгилини тўлдиради. Шукрларнинг энг улуғи фарзандлик бўлгандаги шукроналикдир. Ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага жавоб меҳрини элимизда табиатнинг инсонга бахшида этган энг олий неъматидеб баҳолайдилар. «Бу дунёнинг зийнати. Кўрсатганига шукр!» деб фахрланадилар.

Авлодлар занжирини ўз зурриёди билан улаш фахри билан бирга, оила соҳибларида бу зурриёднинг ҳар томонлама комил ва солиҳ инсон бўлиши учун ғамхўрлик қилиш туйғуси

ҳам пайдо бўлади. Бу башарият олдидаги ўз бурч ва вазифаларини тўғри тушунганлик аломатидир.

Оила барқарорлиги, фарзанднинг ҳам ота, ҳам она меҳридан қониб қўш қанотли бўлиб ўсиши учун ўзини, борлигини, лозим бўлса мансаби, илмдаги мавқеи, соғлиғидан кечиш фақат аёлларга хос қурбонлик. Бу фидойиликни хокисорлик ва камтаринлик билан фақат аёллар қила олишади. Эрга қараб: «Мен ҳам сенга ўхшаган одамман, мартабам сеники билан тенг. Энди болага сен қара, лозим бўлса ишингдан, мартабангдан кеч!» деб туриш – аввал ҳам, ҳозир ҳам ярашмаган савдо. Аёл, она берган қурбонликлари эвазига катта мукофотни аллақачон олиб бўлган: «Жаннат оналар оёғи остидадир!»

Анча кейин олинадиган ва бу дунёдагиларнинг ҳеч бири кўрмайдиган, қарсак чалиб олқишламайдиган бу унвон, бу мукофот ҳақиқий аёл, чин оналарга бугун қувват беришини англамаган аёлларгина осон ажралиб кетаверишади. Улар фақат ўзларини ўйлайдилар, кейинги пушаймон, армон дардини туймайдилар, деганлар фикрига қўшиламан. Аммо бу дунёдаги энг олий мукофот – болалар меҳридан бебаҳраликларига ачинаман ҳам. Ёшлигида иккинчи қаноти – ота меҳридан айирганларни болалар кечирармикин, севармикин? Севса, бу қандай севги бўлади? Ҳар назаридан нур ёғилиб турадиган севгими ёки ҳар қарашида армон, ўкинч, ўксиклик дилни эздиган севгими?

Кўп қизларимиз баъзида «катта хонадонларга тушганлари»дан, серфарзанд жойларга «қул бўлганлари»дан нолийдилар. Катта охурдан емак ҳам, меҳр ҳам тегмайди, дейишади. Ростмикин? Бу ҳам калта қарич билан катта оламни ўлчашга беҳуда уриниш эмасмикин? Кўпчилик жойда ҳар бир кишидан бир фазилат олинса ҳам, инсон камолотга етади-ку!

Қайсидир китобда ўқиганим эсимда: бастакор Г.Ф.Гендель, Наполеон Бонапарт – саккиз болалик, файласуф И.Кант, бастакор Р.Вагнер – тўққиз болалик, И.С.Бах – ўн икки болалик оилада ўсган, микробиолог Р.Кох эса катта хонадоннинг ўн учинчи фарзанди бўлиб туғилган. Композитор Ф.Шуберт эса ўн тўрт болалик оиладан эди. Америкалик сиёсий арбоб ва ёзувчи В.Франклин оилада ўн еттинчи фарзанд, рассом А.Дюрер ўн саккизинчи фарзанд бўлиб туғилган экан. Қолаверса, Шарқнинг бирор олими, ёзувчиси, шоири оилада ягона фарзанд бўлган эмас. Оилада ёлғиз ўсган тантиқ фарзанднинг



пайти келиб бошига не-не офир кунлар тушиши ҳақида хусусан ўзбек, умуман Шарқ халқлари орасида афсона, ривоят, эртак, мақол ва маталлар беҳисоб. Булар ҳам қалбнинг эзгуликка тўлиқ ёки аксинча бағритош бўлиши аслида оиладан, оиланинг тарбиячилик вазифасини нечоғли ўтаганидан эканлигига ишора.

Оила қуриш остонасида турган қизларга оиланинг чин мақсади ва вазифаларини тушунтириш, уларни бир кунда ўтиб кетадиган тўй тантаналарига эмас, узоқ ва бахтли оила қурмоққа, унинг барқарорлиги, биринчи навбатда, унга – қиз, келин, аёлга боғлиқлигини дил-дилига сингдириш керак.


### АТРОФИНГИЗДАГИЛАР

*Агар ким гўзал бўлса,  
Фақат кўзга қувонч, нур.  
Агар ким яхши бўлса,  
Шундоқ ҳам гўзал эрур.*

Кишига ҳамроҳ бўладиган сифатларнинг аксарияти ташққи кўринишга қараб берилса, «яхши қиз» сифати сизнинг атрофингиздагилар билан муомала, мулоқот, муносабатингизга қараб берилади.

Балогат ёшига етганингиздан кейин атрофингизда одамларнинг – бобо ва бувингизнинг, ота-онангизнинг, ака-укаларингиз, опа-сингилларингизнинг, ёр-биродарлар, қариндошлар, дугоналарингиз, синфдошларингизнинг борлиги катта бахт эканини англай бошладингиз. Инсон якка ўзи, бошқалар билан мулоқот ва муносабатда бўлмай яшай олмаслигини тушундингиз. Киши учун энг оғир дард – унинг ёлғизланиб, яккаланиб қолиши эканини ҳам яхши биласиз. Қадим-қадимдан энг оғир жазога маҳкум этилганлар кимсасиз чўл- биёбонларга сургун қилингани, ёлғиз камараларга қамалгани бежиз эмас.

Ота-онангиз – сизнинг энг яқин одамларингиз. Сизнинг соғлом ўсишингиз, аъло ўқишингиз, оқила бўлишингиз, қувноқ, меҳнатсевар, шафқатли, меҳрибон қиз сифатида катта бўлишингиз учун улар ҳеч нарсани аяшмаган, аяшмайди. Чунки уларнинг энг бирламчи вазифаси сизни нафақат оиланинг офтоби қилиб, балки жамиятнинг ҳам корига ярайдиган баркамол инсон қилиб тарбиялашдир.



Кичиклигингизда баъзан ота-онангиз «Бу мумкин эмас!», «Бундай қилма!» дейишса, эсингиздами сиз хафа бўлардингиз. Балоғат ёшига етгач эса уларнинг ҳаёт тажрибаси борлиги учун сизни бирон ёмон кор-ҳол бўлишидан асраб шундай қилишганини яхши тушуниб етаяпсиз. Энди жаҳдингиз чиқмаяпти. Уларга нисбатан анча «юшадингиз». Бу – атрофдагиларни тўғри тушуниб етишга уриниб, улар билан тўғри муносабатга киришганингизнинг биринчи белгиси. Бу муносабат аста ўсиб боради. Қандай дейсизми?

Сиз аввало одамларни тинглашни, улар фикри ўзанини топишни, шунга лойиқ муносабатингизни билдиришни, ўз фикр-қарашларингизга мувофиқ амал қилишни ўрганасиз. Ахир сиз ёшсиз, мустақил фикрлашга интилиш сизга хос. Сизнинг фикрингиз бошқаларники билан бир хил бўлмай қолганда, бошқа фикрларни ҳурмат қилган ҳолда, ҳақ бўлсангиз, ўз фикрингизни тушунтиришга ўрганишингиз ҳам керак. Фурурингизни топталган ҳисобламай, чиройли чекина билишингиз ҳам керак.

Камолотга киши маълум тажрибалар оша етишади. Тажрибага эса ҳаёт сўқмоқларида баланд чиқиб, паст тушиб эришилади. Эришган тажрибаларингиз фикрингиз, қарашингиз, амалингиз мағзини тобора тўлдириб боради. Ўз тажрибангизда кўрган, билганингиз сизни ўз фикрингизда собит туришга ундайди. Оқибатда ким нима деса, қайга бошласа, шунга эргашиб кетавермайдиган бўласиз. Атрофингиздагиларнинг муҳим вазифаси аслида сизни шундай тарбиялаш эди.

Бобо ва бувингизнинг ўғити, ота-онангиз берган маслаҳатлар ҳаётий тажрибаларга суянгани учун ҳам кўпинча тўғри бўлади. Баъзан уларнинг айтганлари сизга маъқул эмасдек кўринса ҳам, гарчи сизнинг ҳам ҳаётий тажрибангиз кун сайин ошиб бораётган бўлса ҳам, шу тажрибаларга ишониб ота-онангиз, яқинларингизнинг айтганларига терс иш қилишга, уларни ёмон кўриб қолишга шошилманг. Уларнинг вақт-бевақт «Қаерга кетаяпсан? Ким билан борасан? Дугонанг ким? Қачон қайтасан?» деб сўрашлари, баъзан заруратдан бир ерга ёлғиз кетаётган бўлсангиз, акангиз ёки укангизни ҳамроҳ қилишлари, ҳеч ким бўлмаса, ўзлари кузатиб боришлари бежиз эмас. Чунки улар дунёда яхши одамлар кўплигига ишонганлари ҳолда, ёмон одамлар ҳам йўқ эмаслигини билишади. Сизнинг ўзингиз учун жавоб бера олишингизни улар яхши





билишади, лекин сиз учун улар ҳам масъулдирлар. Шунинг учун баъзан уларнинг тергаб туришларини сизнинг эркингизни бўғиш маъносида тушунманг. Эркинлик – кўнглига келган ишни қилиш эмаслигини, шундай деб тушунаётганлар ҳаётда тойиб қолаётганларига катталар кўп дуч келишмоқда. Сизни айнан шундай тойишлардан асраш учун, сизга бу ишлар ёқмаса ҳам, сўраб, суриштириб туришади. Бу – уларнинг вазифаси.

Сиз катта бўлишни орзу қиласиз. Катталар ҳаёти анча узоқ давом этадиган ҳаёт. Шу катта ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишни сиз атрофингиздагилардан ўрганасиз. Келажакда «Қуш ўз уясида кўрганини қилади» деган гапни кўп эшитасиз. «Ўз уянгиз»нинг юзини ерга қаратмайдиган амал ва ҳаракатларни ўрганинг.

Атрофингиздагилар, оилангиз аъзоларининг ҳаммаси билан ҳам қандай муомала қилаётганингизни, қандай муносабатда бўлаётганингизни кузатинг. Ҳамма билан бирдек мулоқимсиз, терслик қилмаяпсизми, ўзингизнинг ёмон кайфиятингизни бировга сездирмаяпсизми ёки «Нега фақат мен, бошқалар-чи?» дея ҳаммага шу кайфиятни юқтираяпсизми?

Ўзингизни ушлай билган, қовоғингизни уюш ўрнига жилмайган, оилангиз аъзоларига меҳр улашган вақтингизда ўзингиз устингиздан катта галаба қилганингизни пайқайсиз ва бу голибликдан шундай хурсанд бўласизки, асти қўяверинг. Баъзан арзимаган нарсалар билан кишининг кўнглини кўтариб, хурсанд қилиш мумкин. Хона ичида қовоқ уюб ўтиргандан кўра ошхонада ойингизга жиндек қарашиб юборсангиз, қандай хурсанд бўладилар. Кўзларидаги нурни кўриб ўзингизнинг ҳам баҳри-дилингиз очилади. Яхшилик кишига тез юқади. Буни айниқса «бир жойга» борганингизда, яъни янги, узоқ ҳаётингизда унутманг. Тунд, «ичимдагини топ» қабилида иш тутадиган келин ҳеч кимга ёқмайди. Иноқ, бир-бирига меҳрли оилаларда ҳар қандай мураккаб муаммолар ҳам бир-галикда осонликча ҳал этилади.

Атрофингиздагилардан олган яхши энергетика – ижобий қувват сизга умр бўйи ҳаёт синовларидан ўтишда, дўст танлашда, маданиятли муомала қилишда, ўзингиздаги жаҳолатни жиловлашда асқотади.



## ЎША «БИР ЖОЙ» – ҚАЛЪАНГИЗ!

Бўйингиз етиб, чиройингиз очила боргани сари тез-тез бунингиз, онангиздан «бир жойга борадиган қиз» эканлигингиз ҳақида, бунинг учун тайёрланиш кераклиги ҳақида тобора кўпроқ эшитаяпсиз-а? Баъзида индамай ишингизни қилишда давом этасиз. Баъзида эса «Уф-ф! «Бир жой», «бир жой» деярверасизлар! Ўша «бир жой» ҳам жонимга тегди!» дейсиз.

Шошилманг, қизим! Ўша «бир жой» – сизнинг бўлажак қалъангиз. Ўша жойда яшашга кўникмани ҳозирдан оласиз. Катталарнинг қуйиниши – сизнинг «ўша жойда» қийналмай илдиз олишингиз истагидандир.

Бизни аёл қилиб яратганда Оллоҳнинг ўзи қалбимизга не-не эркаклар ҳам қойил қоладиган қаноат, сабр, бардош, итоатни жо қилганини билишингизни, шунга бўйсунингизни истайди улар. Келинг, шу ҳақида бироз суҳбатлашайлик.

Қани, ўзингиз ўйлаб кўринг-чи: куёвларни бир кеча бўлса ҳам қайинотасиникида ётиб қолишга мажбур қилиб бўлармикин? Шундай меҳрибон адангиз ҳам тоғаларингиз тўйида роса хизмат қиладилар-у, ётиб қолишга келганда секин, ҳеч кимга билдирмай уларга деб солиб қўйилган қават-қават юмшоқ кўрпачаларни («Куёвларни пайғамбарлар сийлаган») ҳам ҳайрон қолдириб, уйга жўнаб қоладилар-а?

Қаранг-а, икки соатгина бўлса ҳам мизғиб олиш учун шаҳарнинг нариги чеккасидаги ўз уйларига келиб, ўз ўринларида ётадилар. Баъзида ойингиз буни катта одамнинг ўжарлигига йўядилар:

– Мен бир умр сизнинг уйингизда яшаб келаяпман-ку, сиз отамникига бир тунга сизмайсизми? – дейдилар.

Ойингизнинг койишлари адангизнинг бемаҳалда ёлғиз юришларидан хавотирланганларидан. Аслида эса улар адангизнинг ўз ўринларини қўмсаб кетганларидан севинадилар. Ишонмасангиз ўзларидан сўранг. Адангиз ҳам кўпинча ойингизнинг койишларига кулиб:

– Аёлларга худо тўзим берсин! Сизга Оллоҳ қирқта жон берган! – дейдилар-а?

Ў, қизим-а! Қаранг, қиз бола нарса «бир жой»га аслини олганда илдизини кўчириб, бир умрга, яна ғурурли бошини эгиб кириб боради-я! Оллоҳ қалбига солган бир дунё сабр-бардош билан бу илдизнинг «ўша жой»да жон олишини, барқ уришини кутади!



Эркаклар-ку қайнотасиникида парку кўрпаларда ётгиси келмайди. Қизлар бўлса «бир жой»нинг тақир шолчасига-ю, бору йўғига, оби-ёвғонига қаноатланиб, чидаб, кўникиб кетади. Оллоҳ бизларни шундай яратган-да! Пешонамизга шу қисмат битилган. Бувингиз, ойингиз аслида сизга шуларни сингдиришмоқчи.


Дугоналарингиз ичида бу қисматга кўнмаганлар, кўникмаганлар ҳам бордир. Улар беш-ўн йил кейинги ўз руҳиятларида рўй берадиган ўзгаришларни билмайдилар-да. Тўғрироғи, ёшликнинг ғурурли юксаклигидан туриб билгилари келмайди. Шу ғурур қуввати билан хато қилаётганларини тушунтирмоқчи бўлганларга терс кетадилар.

Бундайларнинг кейинчалик – ҳаётнинг маъниси, аёлнинг ўрни, онанинг бурчи, инсонлик шаъни ҳақидаги тушунчаларини англаб ета бошлаганларида ўз руҳлари ила тўқнаш келадиган зиддиятларга бардош беришлари қийин бўлади. Жуда қийин бўлади.

Аёллик қисматини тан олган, худо қовуштирган никоҳга бўйин эгувчи одобли қизлар учун «ўша жой», яъни келин бўлиб тушган уйлари – қалъа! Бу хонадоннинг аъзолари энг яқин кишилари бўлиб қолиши керак. Шу уйда «тош қотиш» – тиниб-тинчиб кетиш уларнинг мақсади ҳам. Айни шу нарса уларга қувват бўлади.

Халқимизда «Бир оғирга – бир енгил», «Бир яхшига – бир ёмон» деган иборалар бор. Дунёда нечта одам бўлса, шунча феъл-атвор мавжуд. Биров «пов» этиб ёнса, бирлари «тепса ҳам – тебранмас» бўладилар. Айрим келинлар ловиллаб турганида дилига-ю тилига келганини қайтармай, гапириб-гапириб олишни тўғри деб биладилар. Тилнинг суяги йўқлигини, айтилган сўз – ўқлигини, кейинги армон ва пушаймон ҳам уни жойига тушира олмаслигини англамайдилар. Устига-устак ўжарликнинг «Бўлганим – шу!» отига минадилар. Аммо бу уловда узокқа бориб бўлмайди. У кўпинча «қайтган қиз» манзилига олиб келади.

Одамга феъл, мижоз, «оғирлик» ёки «енгиллик» туғма берилиши тўғри. Бироқ, уларни доимий, ўзгармас деб қабул қилмаслик керак. Келинда онг, одоб бўлса, тушган жойининг шакл-шамойилига қараб, ундаги кишилар таъсирида, айниқса оқила қайнона тарбиясига кўра аввало эри, турли феъл-атворли, турли мижоздаги овсин ва қайин-бўйинлари билан муросаи мадора қилиб, муносабатни мослаб яшай олади.



Юлдузни юлдузга мослашнинг муҳим шарты – ният яхши, мақсад тўғри бўлиши керак. Одамий яшаш, одамий ният қилиш, шу ниятларнинг амалга ошишида инсонларча ҳаракат қилиш керак. Яхши ният, тўғри мақсад, агар одобли келин бўлсангиз, сизга энг таранг вазиятларда ҳам тўғри йўл кўрсатади, мувозанатни, инсонийликни сақлаб қолишингизга кўмак беради. Шунинг учун ҳам ҳаёт кўрган, аччиқ-чучукни туйган аёллар «Энг шаддод, энг ғурурликлар, осмонда учиб юрганлар ҳам оила, бола-чақа мазасини, жуфтлик қудратини туйгач, майиздай мулойимлашиб ерга тушадилар!» дейишади. Бунда ҳаётий ҳақиқат кўп.

Айрим келинларга бошқаларнинг уйида пишган ош тотлироқ, дугоналарининг эри чиройлироқ, топағонроқ кўринади. Бошқалар кийган кийим бадавлатлик рамзи бўлиб туюлади. Улар ҳа деса уйларига, оналари олдига ёки акалари олдига югуриб, ўз бахтсизликларидан шикоят қиладилар, «яхши жойга» тушмаганларидан нолийверадилар.

Бу – қиз болалик даврида уларнинг «бир жойга» боришга яхши тайёрланмаганининг оқибати. Агар она бўлмиш қизининг гапига берилиб, қизишса, кейинини ўйламай иш тутса, ҳеч ҳайрон қоларлик жойи йўқ – бундайлар қизининг «бир жойда» илдири олиб, палак отишга эмас, ҳаммадан устун бўлишликка тайёрлаганлар.

«Ерни сув бузади, қизни – онаси», деган мақол бежиз эмас. Қиз бола келин бўлгач, анча қийналади, қоқилади-суқилади.

Қизини узатган онага ҳам осонмас. Лекин қизи шикоят билан келганда уни обдон эшитиб, оғир бўлишни тайинлаши, «турмушнинг мушти», «гулнинг тикони» борлигини тушунтириши керак. Юк кўтарган ютади, деб бежиз айтишмаган. Тушган жойининг пасти-баландига ўзи тушуниб етмай туриб, чор атрофга шикоят қиладиган келинлар аввало қудалар ўртасига совуқчилик туширадилар, яъни ўз қалъаларининг пойдеворига шикаст етказадилар. Қарабсизки, ўз бахтлари аста-секин нураб бораверади.

Келин ўз бахтини, лозим бўлганда ҳимояни тушган жойидан ахтариши керак, дейди доно халқимиз. Нечоғли ҳикмат кўп бу гапда! Бахтини ўз уйдан тополмаган аёл уни кенг оламдан ҳам топа олмайди. Ўз юрагингга сиғмаган ҳасрат ўзганинг кўксига ҳам сиғмайди. Ўзига керакли ҳимояни ўз уйдан то-



полмаган, ўз яқинларига ишониб, суяна олмаган аёл бу ҳимояни, бу суянчни кенг жаҳондан ҳам топа олмайди.

Ҳар кимнинг уйи жонажон қалъасидир. Ўша бувингиз айтмоқчи «бир жой» сизнинг бўлажак қалъангиз. Унга муҳаббатингиз ҳозирдан илдииз отмоғи керак.

## НОЗИК МАСАЛА

(Қизи бор оналарга)

Айтишларича, биринчи қовушув кечаси қизларнинг онасини дард тутармиш... Худодан сизга паноҳ тилайман! Бизни аёл қилиб яратган Оллоҳнинг ўзи қалбимизга қирқ туяга юк бўларлик қаноат, сабр-бардош, меҳр ва муҳаббат, итоат жо қилганини эслатиб ўтмоқчимиз. Кучни шу эслатишдан олмасиз, дея умид қиламиз. Зеро, бизгача шундай бўлиб келган, биздан сўнг ҳам шундай бўлиб қолади, иншоаллоҳ!

Кеча, қизингиз тўйи кунда Тангри ато этган шу куч қадамларингизни дадил қилди. Қуръони карим ва ҳадиси шарифда балоғатга етган қизни тенгини топиб эрга бериш ота-онанинг буюк бурчи, қилган ва қилажак савобларининг энг каттаси экани ҳақида қалбингизни тўлқинлантирадиган гапларни ўқиганда шу кунлар ҳақида орзу қилмаганмидингиз ахир?! Шунинг учун ҳам кеча қизингизнинг катта бўлиб қолганига, балоғатга етганига, эшигингиз зулфини қизингизга харидор совчилар узиб, остонангизни едирганига, уйингиз шипини карнай-сурнай навоси, куёвингиз жўраларининг қийқириғи титратганига ва яна кўп, жуда кўп нарсаларга ҳароратли нафасингиз билан Яратгувчига шуқр айта-айта нозик ниҳолингизни илдизи билан кўтариб «бир жой»га қўйиб келдингиз! Парваришини бундан буён ўзингиздек мулойим қайнонага топширдингиз. Энди худо қалбингизга солган бир дунё сабр-бардош билан ўз ниҳолингизнинг борган жойида кўкариб, палак отиб, униб-ўсишини Парвардигордан ич-ичингиздан сўраяпсиз.

Бу сўровларингизнинг ижобат бўлиши кўп жиҳатдан бугунги биринчи висол кечасига, куёв болангиз ва қизингизнинг ўзларини қандай тутувларига, илк қовушувнинг бир умрлик қовушувга айланиб кетишига интилувларига боғлиқ.

Иншоаллоҳ, эрталаб яхши хабар эшитиб қоласиз. Ахир бу кеча сир-синоатларини унга тушунтирганингиз, она-бола узоқ-узоқ сирлашганингиз эсингиздадир? Гарчи...



Гарчи бу масала хусусида китоблар етарли эмас. Очиқ суҳбатлашувдан ҳам кўпчилик тортинади. Бироқ сиз ҳам бу ҳақида кўпчилик ўйлагандек, қизларимизга кўпроқ гапиришимиз керак деб ўйлайсиз. Чунки сиз ҳам жуда кўп оилаларнинг бузилишига гарчи «қайнона-келин» можароси ёки «характеримиз тўғри келмади» каби сабаблар кўрсатилаётган бўлса ҳам, аслида оила тинчи, эру хотин аҳиллиги тўшақдан эканлигини тан олганлардансиз.

Тўғри, асл сабаб ошкор айтилмайди. Буни тузатишга ақлимиз етганича гапиришни ўринсиз биламиз, ақли етадиган мутахассисларга бориш кераклигини айтишни ҳам ор биламиз. Орият билан боғлиқ масалада кишининг руҳий тўсиқни енгитиши жуда қийин. Уни ўтишда кишига биринчи тиргак – онг, ирода, мақсад эзгулигидир. Энг нозик ерларда айнан шу нарсалар бизда ё етишмайди ё вужудимизни сотқинларча тарк этади...

Иншоаллоҳ, сизни бу кеча ва бундан кейин ҳам қизингизнинг ўз эгаси билан қовушуви билан боғлиқ дил титратар кечинма-ю ташвишлар тарк этгай. Чунки...

Чунки ўз бошингиздан кечганларингиз, бу соҳада борини ўқиганларингиз асосида қизингизни нафақат умумахлоқий, балки ғоят дўстона, назокатли тарзда жинсий тарбиясини ҳам унутмай, ўринли эплаб келгансиз. Қизгинангизнинг тақдир битгани билан чин қовушиб кетишини орзу қилгансиз.

Одатда, «қовушув» деганда ўзбекчиликда янги келин ва куёвнинг биринчи висол кечаси назарда тутилади. Бу кечанинг сири, ҳаяжони, кечинмасини сўз билан ифодалаб бўлмайди дегувчилар ҳақ. Балки келин-куёв руҳият қушларининг энг юксак парвози айнан шу кунидир?! Лекин қовушув шунинг ўзигинами?

Келин билан куёвни (айниқса қизларни) оилага, турмушга (рўзгор тутишга), ҳатто бўлажак фарзандларини тарбиялашга тайёрлаш ҳақида кўп гапирилади. Бунинг барча тадориги кўрилади ҳам. Ўргатувчилар ёллаб қизларга айрим таомларни пиширишни, чок тикишни, таван (тоғора) қилишда керак бўладиган пишириқларни тайёрлашни ўргатишга ҳаракат қилинади. Умумахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми бўлган жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ўзига тақдир битган жуфти билан биологик, руҳий, ижтимоий қовушувга эришиш эканини, энг асосийси бундай тарбия қизимиз (ўғлимиз) ту-




ғилганидан бошлабоқ поғонама-поғона олиб борилиши керак-лигини кўп ҳолларда унутиб қўйилади. Ҳатто биринчи висол кечасига, ундан кейинги кечаларга тайёрлашни тўй куни шошиб тайинланган «куёв янга», «келин янга», «куёв жура»ларга топшириб қўйилишини тўғри деб ўйлайсизми?

Келин билан куёвни «Қўша қаринглар!» деб дуо қиламиз, биргаликда бир умр турмуш кечиришни тайинлаймиз-у шу ҳаётнинг пойдевори ҳақида тушунча беришни «янгалар»га топширамиз. Тўғри, дейсиз сиз, янгалар яқинимиз, қадрдонимиз-ку. Қадим-қадимдан удумимиз шундай-ку!

«...Келин-куёв қутлуғ остонани ҳатлаб, чимилдиққа кирар экан, янгалар энагалар мисоли уларга бош-қош бўладилар, – деб фикр юритади янгалар ҳақида Ўктам Муҳаммад Мурод ўзининг «Келинликнинг оқ либоси» китобида. – Ёш оиланинг илк қадам босишидаги барча масъулият ҳамиша уларнинг зиммасига юкланади. Бу урф-одат ким томонидан ва қачон жорий этилган, буни-ку бирор кимса аниқ айтиб беролмайди, аммо удумнинг ўзи тўйларимизда никоҳ каби муқаддас бўлиб қолган...

... Албатта, бу урф-одатлар шунчаки эрмак учун ўйлаб топилмаган. Унинг ҳали биз англаб етмаган, бефарқ қарайдиган жиҳатлари кўп. Ота-боболаримиз жуда донишманд ўтишган. Улар ёш оиланинг кейинги ҳаёт йўли, фарзандларига нисбатан ва ўзаро меҳр-муҳаббати биринчи никоҳ оқшомига ҳар томонлама боғлиқлигини чуқур ҳис этишган. Мана шу масъулиятни юракдан туйган ҳолда янгаларни энага мисол танлаган бўлсалар ажаб эмас. Бошқа бир томондан, эҳтимол бу асосий жинсий сабоқ усули ҳисоблангандир. Янгалар бу қутлуғ оқшом боис, икки ёшнинг қиёматли сирдошига айланган. Ҳатто айтиш мумкинки, шу тун уларнинг дарди, кечмишлари билан яшашган...»

Балки шунинг учундир янгаликка қариндошлар ичидан энг қадрдон, энг ишончли кишилар танланган. Лекин улар қанча яқин, қанча табаррук, қанча ибратли бўлишмасин, биринчи висол кечаси олдидан мўлжални бир умрга олиб энтикаётган қизингизни сиз билганчалик билишмайди. Қолаверса, қизингиз ҳам ҳаяжон чўққисиди турганида янгасининг йўл-йўлаккай, ўлда-жўлда айтган сўзларини айни шу куни эсида олиб қола олмайди. Бу гапларни сиз қизингизга анча аввалдан ва мавриди билан айтиб келган бўлишингиз керак.



Ахир қизларнинг биринчи сирдоши ҳам, яқин дугонаси ҳам она-ку! Оналарнинг эса қизларига айтар гаплари ҳамиша кўп бўлади. Биринчи нозик кеча ҳақида ҳам ҳойнаҳой дегандир-сиз:

«Она қизим! Аллоҳга беадад шукр, бўй етиб, эрта-индин бир хонадоннинг суюкли келини бўласиз. Янги ҳаётингиз ҳақида кўп эшитгансиз, мен берган китоблар ва бошқа жойларда кўп ўқиганингиз бордир. Мен бу хусусда озгина қўшимча қилмоқ-чиман. Токи, дуч келган кишилардан турли гапларни эшитиб, гангиб, каловланиб юрманг.


Аёл зоти бу дунёга худонинг инояти билан авлодлар занжирини улагани, фарзандларини иймонли қилиб тарбиялагани, бир хонадонни ва унинг кишиларини яшнатгани келишига, минг шукр, идрокингиз етиб турибди. Отангиз билан ҳаётимиз, сизга бўлган меҳримизда акс этиши ҳам сизга ибрат. Ўша, сиз кейин жонингизни ҳам беришга тайёр бўладиган фарзандлар эру хотин муҳаббатидан, нозик муносабатидан дунёга келишини ҳам биласиз. Ота-она меҳрида ўсган болаларнинг юзларидан файз нури ёғилиб туриши ҳақида ҳам эшитгансиз. Шундай экан, эр-хотинчиликдаги нозик муносабатлар асл муҳаббат чўққиси эканлигини унутманг ва қовушиш учун фақат куёв масъул, деб ўйламанг.

Биринчи висол кечаси ҳақида ҳар кимлар турли ваҳимали сўзларни айтишади. Гўё қизлик пардаси олинисида даҳшатли оғриқ бўлиши мумкин эмиш. Гўё эркаклар ҳайвон мисол ваҳшийлашармиш... ва ҳоказо. Тўғри, қизликдан жувонликка ўтишда бироз оғриқ бўлиши мумкин. Сиз ўқиган унча-мунча китобларда агар гавдани бўш тутилмаса, куёвни душман билиб, нотўғри хатти-ҳаракатлар билан унга қаттиқ қаршилик қилинса, қин мускуллари қисқариши қийинлашади, оғриқ шундан келиб чиқади, деб тушунтирилади.

Она қизим! Қаршингизда турган одам асло бегона эмас, ваҳший ҳам эмас, бир умрлик йўлдошингиз, ишонсангиз, сунсангиз арзийдиган одам эканини, отангизу онангиз сизни унга ишониб топшираётганини эслаб, ўзингизни тўғри тутсангиз, бу нозик муносабат сизга лаззат олиб келади. Кейинги учрашувларни ҳаяжон билан кутадиган бўласиз.

Аксинча, худонинг тақдирига-ю куёвнинг талабига ҳаддан ортиқ қаршилик қилиш билан ўзингизга кўп ташвиш орттиришингиз мумкин. Аввало куёвда сиз ҳақингизда «Мени се-





вармикин?» дан тортиб «Бошқа севадигани йўқмикин?» гача аллақандай шубҳалар пайдо бўлади. Сизга нисбатан унинг ўз ихтиёрисиз иштиёқи сўна бошлайди. Худо асрасин-у, бу ҳол уни бора-бора руҳий жинсий заифликка олиб келиши мумкинлигини ҳам унутманг. Аслида бу сизнинг ўзингизга битмас-туганмас изтироб олиб келади. Бу ҳақида агар диққат қилсангиз, ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Эрлар мақсадга эришмасалар жуда қаттиқ изтироб чекадилар. Эрингизнинг (бу сўзни сизга нисбатан биринчи марта ишлатаяпман, лекин бундан бу ёқ сизга энг яқин кишингизни сифатлашга бундан ортиқ маъноли сўз топа олмадим) изтироби – сизнинг изтиробингиздир, она қизим! Унга далда беринг, анча идрокли қизсиз, руҳини кўтариб, кўмаклашинг.

Йўқ, йўқ, хаёлингизга бошқа нарсалар келмасин. «Далда беринг», «кўмаклашинг», деганда асло қайдадир эшитган, айрим беҳаё ёзувларда тасвирлангандек «Мен ҳам бу соҳада анойилардан эмасман» қабилда иш тутиб, ташаббускорликка интилишни назарда тутаётганим йўқ. Бундай беандишалик, бир китобда ўқиганим бор эди, ҳарамида юзлаб канизаклари бўлган подшоҳни ҳам ориятига тегаркан. Билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган бундай беандиша ташаббускорлик оқибати, худонинг ўзи асрасин, эрингизнинг кўнглини синдиради, дилига шубҳа илони киради, шавқи кетади, сизга ҳаёсиз аёлга қарагандек қарай бошлайди.

«Далда беринг»нинг маъноси аксинча, мулоим, итоаткор, майин бўлиб, энг асосийси Тангри сизга жуфт қилиб берган кишингизга ишончингиз кўп эканини билдириб, рағбат беринг. Эрга аёл рағбатидан, итоатидан ортиқ мукофот бўлмас. У ҳам сиз бошингиздан кечираётган кечинмаларни кечиради, унинг бир умрлик йўлдоши эканлигингизни биледи, сизни тушунади, сизни ўзи учун ҳам аяй бошлайди...»

Ишонинг, она оғзидан меҳр ва ишонч ҳамда самимият билан айтилган ўғитларни қизларжон қулоғила эшитибгина қолмасдан, қалбининг энг чуқур ерига жойлайди ҳам. Зеро, Момо Ҳаводан бери шундай бўлиб келаётганига ишонч сизга бугун қувват бермаяптими ахир?!

Айтишларича, биринчи қовушув кечаси қизларнинг онасини дард тутармиш... Янги аёлнинг дунёга келишида оналарнинг масъулияти катталигини ич-ичларидан ҳис қилганлари учун шундаймасмикин? Аллоҳдан уларга Отабек ва Кумуш-



нинг висол кечасини сўранг. Илоҳим қизингиз қалбининг тўри ўз эгасини, бир умр керагини, тоабад тирагини топгани рост бўлсин!

### КЕЛИН – ПАЙВАНД

Ўзбекчиликда қудалардан ортиқ ҳурматли ва иззатли меҳмон бўлмайди. Қудалар ўғил-қиз туфайли юзага келадиган янги қариндошлардир. Жондан азиз қизларимизни «бегона» жойга ишониб узатамиз. Эвазига ўзимиз ҳам ўғлимизга умрлик йўлдош сифатида тўйгача «биров» бўлиб ҳисобланган кишиларнинг фарзандларини оиламизга аъзо қилиб олиб келамиз.

Ҳар иккала ҳолда ҳам тўйгача юракнинг бир чеккасини увуштириб «биров» бўлиб турганлар тўйдан кейинроқ ака-ука, эгачи-сингилдан ҳам яқин қадрдонларга айланиб кетишади, яқиндагина «бегона» бўлиб турган қудалар оиланинг эъзозли аъзоси бўлиб қолишади. Уларнинг ҳар галги учрашуви, дийдор кўришуви ана шу қадрдонлик туйғуси билан йўғрилади, азизлик нурига, меҳрига, эъзозига айланади.

Буларнинг ҳаммаси келин ва куёвнинг пайвандлиги оқибати. Дарҳақиқат, куёвнинг пайвандлиги шундаки, у «ёв»лик қилмай, келинга дуруст муомала қилиб, унинг куёв хонадонига илк даври – ҳали кўплар билан танишмаган, кўпчиликнинг феъл-атворини билмаган, янги тушган хонадонининг сиру синоатларини англаб етмаган даврида унга ёрдам бериб, бу даврдан авайлаб олиб ўтишга ҳаракат қилса, келиннинг ҳар бир ҳаракатида бу яхшилик сезилиб туради. Қолаверса, қизнинг ота-оналари куёвларининг қизларига меҳрибонлигини кўриб, уни тарбиялаган қудаларига нисбатан меҳрлари тобланади, улар билан қадрдонлашиб борадилар.

Келиннинг пайвандлиги шундаки, у тушган жойида яйраб, атрофидагиларни ўз ота-онасидек, ака-укасидек кўрса, ортиқча гап-сўз чиқишига йўл қўймай, ҳаммани бирдек иззат қилса, унинг яхши тарбия олганига ишонч ҳосил қилган куёвнинг ота-онаси аввало қудаларини ҳурмат қилиб, улар билан қадрдонлашиб кетишга ҳаракат қиладилар.

Ҳа, қудаларни бир-бирига илиқ-иссиқ кўрсатадиган, вақти келиб ўз жигарларидек, эгачи-сингил, ака-укаларидек «ўзлариники» қиладиганлар – фарзандлар. Ёшлар ўзларининг шу пайвандлик бурчларини унутмасликлари керак. Баъзан қуда-



ларнинг муросалари келишмай қолибди, дейишади. Уларни муросага ёшлар олиб келадилар. Сиз ўз ота-онангизни янги ота-онангизга қандай кўрсатсангиз, улар кўпинча шундай қабул қилишади.

«Ўзимизники» деганда айримлар сингари бемеҳрлик, оқибатсизлик, баъзан фаросатсизлик ифодаси даражасида эътиборсизликка тушиб қолмаслик керак. Опангиз ёки синглингиз меҳмон бўлиб келганда «Ўзимники-ку» деб тагига янги кўрпача солишни унутиб, дастурхон тузатишни ортиқча деб билсангиз, яхши эмас. Қанчалик узоқ ёки яқиндан келишганига қарамай, бир коса иссиқ таомсиз кузатган опа-сингиллар ҳам йўқ эмасдир. Ҳарна бўлганда ҳам, булар қадим-қадимдан меҳмоннинг ҳурмати, иззатининг белгиси бўлиб келган. Айниқса, қудаларга алоҳида ҳурмат ва эъзоз кўрсатилади. Қудалар келишига алоҳида тайёргарлик кўрилади.

Қудалар қудаларникига зарурат бўлгандагина келишади. Қудалар даргоҳига ҳуда-беҳуда бостириб киравериш яхшиликка олиб келмаслиги ҳақида кексаларимиз кўп гапиришади. Ўртада уринтирмайлик, қудаларимизни ортиқча чиқимларга мажбур этмайлик, деган минг бир андиша туради.

Қудалар бир-бириникига меҳмонга келганда ана шу андишани кўтариш учун мезбон қудалар, айниқса, келинлар сертабассум, мулозаматли, самимий бўлишлари керак. Агар шу самимият, меҳмон келганидан севинч мезбонлар юзида, руҳиятида акс этиб турмас экан, меҳмон қудалар жуда катта совғалар, тоғоралар билан келган бўлсалар ҳам, мезбон қудалар уларга деб дастурхонга йўқ нарсаларни муҳайё қилган бўлсалар ҳам, қудачилик гашти, сурури ҳис қилинмайди.

Борди-ю ота-онаси меҳмон бўлиб келган келин яйраб юрса, қудалар ҳам севинчларини сездириб юрсалар-у уйда борини дастурхонга қўйсалар, дастурхон тўлишдан анча йироқ бўлса ҳам, меҳмон қудалар кетаётганларида «Раҳмат сизларга! Жуда яхши ўтирдик, анчадан бери шундай ёзилишиб, яйрашиб ўтиришмаган эдик», деб кетишади. Шунинг учун ҳам халқимизда буғдой нондан ҳам аълороқ нарса буғдой сўз эканлиги ҳақида жуда кўп ҳикматлар бор.

Бу гаплардан сўнг қайнона-қайнотангиз, қайинбўйнингиз дилида ҳам илиқлик пайдо бўлади. Бунга ҳам сабаб – сиз. Ота-онангиз сизнинг хотиржамлигингиздан кўнгли яйрайди, қайнона-қайнотангиз уларни хурсанд қилганидан. Икки томонга



илиқлик ришталари боғланади. Икки томон ҳам кўришиб турмасалар соғинишларини ҳис қилишади. Азизлар дийдорини соғиниб туриш ҳаётнинг улур неъматини!

Келин бамисоли пайванд дейишнинг яна бир боиси бор. Бир томондан, сиз ўз ота-онангизнинг қандай таомларни, қандай муомала-мавзуларни хуш кўришларини яхши биласиз. Қайнона-қайнотангизнинг ҳам бу томонлари сизга анча аён бўлиб қолди. Қадрдонлар соғинишса учрашувга сабаб кўп дейдилар. Куёв ва қайнона-қайнотангиз бу сабаб билан қиз уйингизга ёки ота-онангиз сизларникига келишганда, сезаяпсизми, шу пайвандлик айниқса асқотади. Уларнинг бир-бирларини яхши ўрганиш, синашта бўлишларида асосий ролни сиз ўйнайсиз. Иккала томоннинг ҳам кўпроқ яхши томонларини намоён этиб, уларни яна ҳам қадрдон қиласиз.

## АСАЛ ОЙИ

Улар аразлашиб қолишди. Бирга ҳаёт қурганларидан бери ўтган йигирма кун ичида биринчи бор кутилмаганда аразлашиб қолишди. Аччиқ-тиғиз гап ҳам ўтмади ораларида. Иккиси ҳам икки ёқда ўз ёғига ўзи қоврилади. Ҳамхонасига ичидагини тўкиб солгиси келади-ю яқинлаша олмайди. Иккиси ҳам бир-бирини шу даражада яхши кўради-ки, бири иккинчисига ўзини лойиқ деб билмайди. Назарида унга яқинлашиши билан кўнглига озор берадигандек. Келин тунда ёрига сездирмай қайноқ ёшларини ёстиққа томизади. Куёв бўлса дардини скрипканинг мунгида сўзламоқчидай уни қўлига олади-ю нидоси узуқ-юлуқ чиқиб, жойига қўйиб қўяди.

Шу алфозда икки кун ўтди. Иккиси ҳам ортиқ чидай олмаслигига ақли етади, лекин биринчи бўлиб ора очдига қадам қўя олмайди...

Ҳаммаси арзимаган гулхатдан чиқди. Янги йил арафасида бу хонадонга жуда кўп келди бундай табрик хатлари. Лекин аразга сабабчи бўлгани, келинни ўртагани – биттаси, келин учун нотаниш бўлган қизники эди.

«Ҳурматли Анваржон!

Сиз ижро этган куйларни радиодан тез-тез эшитиб турман. Болалигимизда синфда менинг шеъримга басталаган биринчи куйингизни эслайман, хиргойи қиламан. У куй ҳозир-



гиларга тенг эмас, албатта. Ютуғингиздан, бахтингиздан шодман. Ижодий муваффақият тилайман!»

Шугина холос.

Келин ўша куйни чалиб беришни илтимос қилди. Анвар ҳеч ёдига тушира олмади, охири қийнала-қийнала чалиб берди. Келин ўзини маъюс қилиб кўрсатди. Аслида у маъюс ҳам, хафа ҳам эмасди. Юрагини гашлик ҳам қамрамаган эди. У ўзи ҳам истамаган ҳолда алақандай ролни ўйнашга киришиб кетган эди... У ўқиган китобларида аёл ўз эрини алақачонлар ўтиб кетган, ҳатто ҳаётида из ҳам қолдирмаган тасаввурий илк муҳаббатига рашк қилади. Қайси келин ўзини бир дамгина бўлса ҳам камолга етган аёл ўрнида кўргиси келмайди?! Бу келин ҳам ўша аёлларга ўхшагиси келди.

Куёв келиндаги ўзгаришни пайқамай қолмади. Келиб эркалади, кўзларига интилди. Келин жавоб бермади, кўзларини бўсага тутмади.

– Ахир биз бир синфда ўқиганмиз холос, – деди куёв.

Келин кўп қийнамоқчи эмас эди. У ёрига ишонарди. Лекин шу сўзлари билан куёв унинг кўзига ўзини оқлаётгандек бўлиб кўринди. «Ораларида ҳеч нарса йўқмикин?» бошидан шу хаёл ялт этиб ўтди-ю шу заҳоти йўқ бўлди. Йўқ, у бундай хаёлларни миясида ушлаб турмайди, асло ушлаб турмайди.

– Гулим, шунча аразингизга арзийдиган иш эмас бу! – куёвнинг назарида севгилисининг кўзидаги маъюслик жуда-жуда кўпга чўзилиб кетгандек туюлди, – хоҳласангиз, мана, йиртиб ташлайман уни!

Келин энди оғзини жуфтлаган ҳам эди, гулхат стол устига тўрт бўлак бўлиб тушди. Назарида, унда тасвирланган ялтироқ арча, қорбобо қопидаги совға – муҳаббат парча-парча бўлди!

«Нега йиртди? – ўйлади келин, – ахир қиз унинг болаликдаги дўсти экан-ку. Наҳотки севгилисининг ўринсиз нозига жавобан ўз дўстидан келган илиқ сўзларни сўндириш керак?»

Энди келиннинг ростакам жаҳли чиқди. Куёв бўлса уни ҳамон рашк ўтида қоврилаяпти деб ўйлаб, кўнглини қандай овлашни билмайди. Шу арзимас баҳона уч кунлик аразга сабаб бўлди. Иккиси ҳам бир-бирига юрагини очишга зору тили айланмайди, одатдагидек бири иккинчисининг кўзидан дилини ўқишни истайди-ю бу кўзларга тик қарай олмайди.

Уч кундан сўнг консерваториянинг катта залида Анвар Бетховеннинг муҳаббат ҳақидаги «Ойдин кеча сонатаси»ни чалди. Зал оёққа туриб олқишлади. «Келганмикин? – хаёлидан кечирди Анвар. – Менинг бу куйни унга атаб ижро этганимни билганмикин?» Эрталаб стол устида «Бугун кечроқ келаман. Хавотирланманг. Консерваториянинг катта залида жуда-жуда масъулиятли концертим бор», деб ёзиб қолдирган эди.

У келган эди. Залнинг бир чеккасида ўтириб тинглар экан, назарида пианино эмас, севгилисининг дили нидо чекди, фиғон қилди, куйлади, шодланди, дунё-дунё муҳаббат ваъда қилди. Келин бу куй ўзига аталганини ҳис қилди, ғурурланди, барча аразни унутди. Бир даста атиргул билан ёрини саҳна олдида қарши олди. Куёв ҳам унинг қўлларини бир дақиқагина тутиб қолди. Улар унсизгина кўз чақини билан сўзлашиб олишди. Болаликни эсга солган битта ғўр куй деб муҳаббат аталмиш улۇф куйга озор беришлигига оз қолганини англашди.

«Сиз менинг қалбимдаги сўнмас куйсиз!» – дерди йигит кўзлари.

«Биламан!» – беғубор чақнаб жавоб берди келиннинг кўзлари.

## ОРТИҚЧА ЮК КИМГА КЕРАК

Қизларнинг аксарияти, айниқса, сизнинг ёшингизда ва айниқса, вазни нормадан ортиқроқ бўлганларнинг кеча-кундуз дарди бир нарса: қандай қилиб озсам экан деган хаёл билан банд. Ростда, ортиқча юк кимга керак?

Куйида тавсия этилаётган тест саволларига холисанлиллоҳ рост жавоб берсангиз, бу жавоблар йиғиндиси сизга қандай қилиб озишни ўргатмаса ҳам, озишингиз мумкинми ёки йўқлигини аниқлаб беради.

Шундай қилиб, сизга ўн савол берамиз. Уларнинг ҳар бирига виждонан «Ҳа!» деб жавоб бера олсангиз, савол тўғрисига 10 очко ёзиб қўйинг. Агар жавобингиз «йўқ» бўлса, у 0 очкога тенг бўлади.

Қоғоз варағининг ўнг томонидан очколар учун жой қолдириб, чап томонига саволларни ёзиб олинг:

1. Эрталаб бадантарбия машқларини мунтазам, яъни кунда бажарасизми?



2. Ўзингиз тановул қиладиган овқатлар калориясини ҳамиша ҳам ҳисобга оласизми?

3. Тез-тез, дейлик кунига беш-олти марта ва оз-оздан овқатланасизми?

4. Мунтазам равишда, дейлик ҳафтада бир марта бўлса ҳам ўз вазнингизни назорат қилиб турасизми?

5. Ҳамиша ҳам уйингизда парҳез маҳсулотлари, дейлик, творог, пишлоқ, қайнатилган гўшт бўладими?

6. Қорнингиз тўқ бўлса-ю, кимдир бирга овқатланишни таклиф қилса, таклифдан воз кеча оласизми?

7. Уйингиздаги ширинликлар узоқ турадими ёки тез еб татом қилганингизни билмай қоласизми?

8. Қорнингиз тўйғач, коса ёки ликобчадаги қолган овқатни олиб кўйишга қодирмисиз ёки яхши овқат қолиб кетмасин деб, ўзингизни зўрлаб бўлса ҳам уни тугатиб қўясизми?

9. Вақти-вақти билан яхши кўрган овқатингизни соғинасизми?

10. Шу тарздаги овқатланиш режимида ўзингизни яхши ҳис қиласизми?

Агар очколар йиғиндиси 30 гача бўлса, овқатланиш режими-нингизни тўла ўзгартиришингиз керак, йўқса ортиқча вазндан ҳеч қачон фориғ бўла олмайсиз.

Агар 40 очкодан 60 очкогача йиғган бўлсангиз, овқатланиш тарзингизга яна ҳам эътиборлироқ бўлиб, бадантарбия машқларини мунтазам бажариб турсангиз, ортиқча вазндан қутилишингиз мумкин.

Очколарингиз 70 билан 100 орасида бўлса, бу – иродангизнинг кучлилигидан ва сиз яна ҳам ҳаракат қилсангиз, тез орада ортиқча вазндан ҳалос бўлишингиз мумкинлигидан далолат беради.

Демак, кўп нарса кишининг нафси ва иродасига боғлиқ экан.

Иродангиз кучлилигига ва нафсингизни тия олишингизга ишониб, бир синалган парҳезни тавсия этмоқчимиз. Икки ҳафта давомида унга қатъий риоя қилинса, шу усул туфайли 7-8 килограммга озиш мумкин. Модда алмашинувининг ўзгариши натижасида кейин меъёрида овқатланилса, узоқ муддатгача ёки 3 йилгача эришилган вазни сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Икки ҳафта мобайнида туз, шакар, спиртли ичимлик, хамирли овқатлар, қанд ейишдан бутунлай «юз ўгирасиз». Ов-

қатланиш орасида маъданли сув ичиш лозим. Парҳез тартиби кўрсатилгани бўйича бузилмасдан қилинсагина модда алма-шинуви ўзгариши мумкин. Акс ҳолда...

#### **Биринчи кун:**

*Нонушта* – бир стакан қора қаҳва.

*Тушлик* – қаттиқ қилиб сувда пиширилган 2 дона тухум, ўсимлик мойи аралаштирилган янги карам салати, 1 стакан помидор суви ёки помидор.

*Кечки таом* – бир бўлак қоврилган ёки қайнатилган балиқ, ўсимлик мойи аралаштирилган янги карам салати.

#### **Иккинчи кун:**

*Нонушта* – бир стакан қора қаҳва, қотирилган нон бўлак-часи.

*Тушлик* – бир бўлак қоврилган ёки қайнатилган балиқ, ўсимлик мойи аралаштирилган янги карам салати.

*Кечки таом* – 200 гр. қайнатилган мол гўшти, 1 стакан ке-фир.

#### **Учинчи кун:**

*Нонушта* – бир стакан қора қаҳва, қотирилган нон бўлак-часи.

*Тушлик* – ўсимлик мойида қоврилган сабзи, олма ёки мандарин.

*Кечки таом* – қаттиқ қилиб сувда пиширилган 2 дона тухум, 200 гр. қайнатилган мол гўшти, ўсимлик мойи аралаштирилган янги карам салати.

#### **Тўртинчи кун:**

*Нонушта* – бир стакан қора қаҳва.

*Тушлик* – 1 та хом тухум, ўсимлик мойида қоврилган 3 та йирик сабзи, 150 гр. қирғичдан ўтказилган пишлоқ.

*Кечки таом* – мевалар (олма, нок 1 донадан).

#### **Бешинчи кун:**

*Нонушта* – қирғичдан ўтказилган ва лимон шарбати аралаштирилган сабзи.

*Тушлик* – 500 гр. қоврилган балиқ, 1 стакан помидор шарбати.

*Кечки таом* – бир бўлак қоврилган балиқ, ўсимлик мойи аралаштирилган янги карам салати.





**Олтинчи кун:**

*Нонушта* – бир стакан қора қаҳва.

*Тушлик* – яримта қайнатилган товуқ, янги карам ва сабзи-ли салат.

*Кечки таом* – сувда қаттиқ қилиб пиширилган 1 дона тухум, қирғичдан ўтказилган ва ўсимлик мойи аралаштирилган 1 стакан хом сабзи.

**Еттинчи кун:**

*Нонушта* – чой.

*Тушлик* – 200 гр. қайнатилган мол гўшти, мевалар.

*Кечки таом* – хоҳишингизга қараб илгариги кунлардаги таомлардан оз-оздан истеъмол қилишингиз мумкин. Фақат 3-кундаги парҳезни такрорланг.

Иккинчи ҳафта кунларида ҳам парҳезни юқори тартибда такрорланг.

8-9 кг вазн «ташлагач», 2-3 йил семиришдан қўрқмасдан меърида овқат ейишингиз мумкин.

Бу ажойиб таомлар таркибида оқсиллар, дармондорилар бисёр. Тавсия қилинган таомларнинг ўрнини ўзгартирмаслик – ПАРҲЕЗнинг қатъий қоидаси. Тартиб ва шароит унга кучли таъсир қилади. Мижозга «хоҳлаган пайтингда, хоҳлаганингча овқатланавер» дегандан кўра, аниқ тартиб жорий қилиш фойдалироқ. Агар инсон ниҳоятда «бақувват» овқатланса, яна тўлишиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу яна одамнинг ҳаракатчанлигига ҳам боғлиқ.

Агар вазнингиз хусусида муаммо туғилгудек бўлса, билингики, танангизда ёғни парчаловчи В6 дармондориси етишмаяпти. Унутманг, бу дармондори карамда, балиқ, қора нон ва сабзида мавжуд.

## ОНАСИНИ КЎРИБ

Бу мавзуда сўз юритиш мушкул. Аёллар ҳақида бундайроқ сўз айтиш жуда қийин... Аммо ҳаёт, ҳаёт экан-да...

Ҳаётда кўп нарса қарама-қарши жуфти билан мавжуд: яхши-ёмон, оқ-қора, оғир-енгил, баланд-паст...

Биз – аёллар оламида ҳам Момо Ҳаводан бери ҳаёли-ҳаёсиз, вафоли-вафосиз, бахтли-бахтсиз сифатлари мавжуд бўлган... Ҳозир ҳам бор бу сифатлар.

«Онасини кўриб, қизини ол», «Қуш уясида кўрганини қиладди», «Ерни сув бузади, қизни – онаси» каби мақолларнинг авлоддан авлодга ўчмай келаётгани ҳам, феълимизда ҳамон эзгулигимиз, улуғлигимиз билан бирга, илғаб бўлмас қандайдир ёмон илатларнинг ҳам яшаб келаётганидан далолат бермайдими?

Шаънимизга илашган ёмонликни тан олишимиз, эътироф этишимиз ҳам нақадар қийин.

Яхшиси қайнотамлардан (Аллоҳ улардан рози бўлсин!) эшитган бир ривоятни айтиб бера қолай, нима демоқчи эканимни ўзингиз англаб оласиз.

Қайнимизга келин қидираётганимизда, қайнотамлар:

– Аввало қизнинг онасига эътибор берингла! – деб шу ривоятни айтиб берган эдилар.

...Қадим замонларда бир бадавлат, анча инсофли ва иймонли савдогар бўлган экан. Унинг кўп умри она шаҳридан йироқда, карвон билан юртма-юрт кезишда ўтар экан. Бир вақт унинг карвони олдида юрадиган ишончли туяси қариб, ишга яроқсиз бўлиб қолибди. Савдогар унинг парваришини уйидагиларга тайинлаб, унинг ўрнига янги туя олиш учун бозорга борибди. Бозорни кўп айланибди, лекин ҳар гал бир оппоқ, ёш туя олдида тўхтайверибди. Савдогарнинг унга ишқи тушиб қолган экан-да. Охири савдолашиб, шу туяни сотиб олишга қарор қилибди. Туянинг эгаси оқ туянинг арқонини унга тутар экан, савдогар берган олтин тангаларни ҳамёнига солаётиб шундай дебди:

– Биродар, ишқингиз тушиб шу туяни сотиб олдингиз, берган тангаларингизга рози бўлинг. Лекин туянинг онасида бир касал, илат бор эди, шуни сизга айтиб қўйишим керак... Токи виждоним қийналмасин...

– Илат туянинг онасида бўлса, бунга нима алоқаси бор, биродар?

– Мен молимни сотаяпман, унга тўла кафил бўлсамгина савдо орқасида бола-чақамга едирган ноним ҳалол бўлади, биродар! Бу чиройли туяга ишончим тўлиқ деб айта олмайман...

– Нима касали бор эди туянинг онасида, айтинг бўлмасам...

– У анча юк кўтара олар, узоқ йўлдан чарчамас, аммо дарёлардан кечув пайтида дарё ўртасига борганда чўкиб ётиб олар экан. Уни уриб ҳам, туртиб ҳам турғазиб бўлмайди, дейишарди савдогарлар. Қанча-қанча мол-мулк оқиб кетган ёки сувга



бўкиб яроқсиз бўлиб қолган ҳоллар кўп бўлган экан... Бу ўша туянинг бўталоғи эди... Онасининг иллатини қайтармасмикин деб олдингиздан ўтаяпман... Кунни келиб, айтмабди деб мени койиб юрманг яна...

Савдогар ўйланиб қолибди. Пулини қайтариб олай деса, оқ туяга ишқи тушиб, унинг карвон бошида кетаётгани шундай кўз олдига келаверибди. Қолаверса, туянинг қараб туришида ажиб бир ялинишга ўхшаш маъно ҳам кўргандек бўлибди.

Хуллас, таваккал қилиб туяни сотиб олибди. Уни карвон бошида юришга ўргатиб олгунига қадар арзимас мол ортиб, устига ўзи минишга қарор қилибди.

Кунлар ўтиб, сафарга отланишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Савдогар ўша оқ туяда, зимдан уни кузатиб ҳам борибди. Аммо норизо бўлишга ҳеч қандай сабаб кўрмабди. Туя жуда итоатли, чарчамас экан. Бора-бора туякашнинг гапи савдогарнинг хаёлидан кўтарилиб ҳам кетибди.

Неча мамлакат ўтиб, катта дарё олдидан чиқишибди. Кечув жойини топиб аста сувга тушишибди. Савдогар сув тегмасин деб оёқларини туя ўрқачлари орасига кўтариб олганича олдинда йўл бошлаб борибди. Дарё ўртасига етганда савдогарнинг оқ туяси шартта мункиб, чўкиб олибди. Оёқларини кўтариб бамайлихотир келаётган савдогар туянинг кутилмагандаги бу ҳаракатидан отилиб кетиб, сувга ағдарилиб тушибди.

Йўлдошлари уни катта қийинчиликлар билан тутиб, қир-роққа олиб чиқишибди. Оқ туяга эргашиб чўккан бошқа туялардаги кўп мол-мулк оқиб кетибди. Жони омон қолган савдогарлар ивиган молларини йиғиб, карвонни илгари силжитиш ҳаракатини қила бошлашибди.

Шунда савдогар ёш бир сарбонни чақириб унга дебди:

– Сен бугуноқ изингга қайт. Мана бу сарпо билан ҳамённи фалон бозордаги фалончи туякашга бериб, раҳматимни айт. Мана бу туяни эса ҳовлимга олиб бориб бойлагин-да, хотинимни чақириб, уни талоқ қилганимни айт. Уйдан истаган нарсасини олиб, шу туяга ортиб онасиникига кетишини буюрганимни ҳам айт, – дебди.

Ёш сарбон устози сўзига ҳайрон бўлибди. Лекин ҳаялламай, савдогар айтганини бажаришга киришибди. Туякашга воқеани айтиб, сарполарни топширганида у афсус билан бошини силкитиб, хаёл суриб қолибди...

Йигит савдогарнинг уйига борибди. Туяни ташқари ҳовлига боғлаб, ичкари ҳовлидан савдогарнинг хотинини йўқлабди. Аёл чиққач, савдогарнинг гапларини сўзма-сўз унга қайтарибди:

– Акам сизни талоқ қилдилар. Уйдан истаган нарсангизни олиб, мана бу туяга ортар экансиз-да, онангизникига қайтар экансиз...

– Менга ўзлари кўнгил кўйиб уйланган эдилар-ку! Ўша вақтлар кимдир онамнинг отамга вафосизлик қилганини айтганида акангиз: «Онанг бошқа, сен бошқа!» деган эдилар. Йўлда нима воқеа бўлдики, бундай қарорга келдилар? – деб сўрабди аёл.

Ёш сарбон йигит бўлган воқеани айтишга чоғланиб турганида ичкари ҳовлининг эшиги очилиб, ярим яланғоч бегона эркак кўринибди:

– Қайда қолиб кетдингиз, жонидан?

Ёш сарбон ҳанг-манг бўлибди. Савдогарнинг гапига-ю ҳукмига энди тушуниб етибди...

– «Онасини кўриб, қизини ол!» деб бежиз айтишмаган, – дегандилар ўшанда раҳматли қайнотам...

Йиллар ўтди. Ривоятга монанд ҳодисаларга дуч ҳам келдим, кўп эшитдим ҳам. Аммо ҳар гал ҳам юрагимнинг тепкини оғриқли бўлади.

Кўпроқ қизлар ҳақида ўйлайман. Шундай онанинг қизлари ўзини қўлга олса, тоймаса, бир ўзинигина эмас, онасини ҳам дўзах азобидан қутқариб қолади, деган ишонч юрагимни тарк этмайди. Авлоднинг олдинги авлоддан кучлироқ, онглироқ, покроқ, диёнатлироқ, ибратлироқ келиши табиий экани ҳақидаги ҳикматларга таянгим келади.

### СИЗ – ОИЛА ШИФОКОРИ

Бир эътибор беринг-а. Уйингизда кимнингдир боши оғриб қолса, кимдир бармоғини кесиб олса, кимнидир бехосдан ари чақиб олса ҳам, биринчи бўлиб ойингизга, келинойингизга, улар бўлмаса – сизга мурожаат қилишади. Чунки қиз-аёллар ўз меҳри билан бир ажралиб туришса, саранжом-саришталиги билан бир ажралиб туришади. Шунинг учун ҳам қизлар, оналар, бувилар тиббиёт соҳасида ҳам кўп нарса билишлари, бир сўз билан айтганда, оиланинг шифокори бўлишлари керак.



Дейлик, кўк дори ёки йод керак бўлиб қолганда, қизларга айтсангиз, уни бир зумда топиб келишади. Агар шу ишни ўғил болаларнинг биридан илтимос қилсангиз, улар йодни қидириб, анча вақтгача ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетишади. Ўғил болаларни хафа қилмоқчи эмасмиз, саришталик қизларга хос бирламчи фазилат эканини қайд этмоқчимиз холос. Улар уйда, рўзғорда қайси нарса қаерда туришини яхши билишади. Яна битта яхши хусусиятлари: олган нарсаларини ишлатиб бўлганларидан сўнг, албатта, жойига қўйишади. Шундай қилинса, керак бўлиб қолганда, ўша нарсани кўп қидириб юрилмайдиди-да.

Ҳа, бизнинг табиатимиз шундай. Бизни ҳатто «уйимизнинг кўли енгил шифокори» деб аташлиги ҳам бежиз эмас.

Келинг, шунга лойиқ иш қилайлик, яъни қизлар тиббиётдан билиши керак бўлган нарсаларни ўрганиб олайлик.

**Саломатлик – олий неъмат.** Бу ҳикматнинг маъносига етишга ҳаракат қилинг. «Соғлом инсон – табиат яратган ноёб асарларнинг энг бебаҳоси», деб бежиз айтишмаган. Ёшлигингизда унча эътибор бермассиз, аммо соғлом бўлиш ҳам катта илмни рости. Ана шу илмнинг дебчасини академик Н.М. Амосов шундай таърифлайди: *«Инсоннинг нақадар буюклигини кўринг! Унинг қадами аллақачон Ойга етди ва тезда бошқа планеталарга ҳам ташриф буюради. Тез орада у сунъий ҳаёт ва сунъий онгни барпо қилиши, улар табиий борлиқ билан алоқага киришуви, табиат яратганларини такомиллаштируви мумкин. Яна шундай суръатлар билан ривожланыпмизки, яратувчи бўлган инсонни – худо деворгинг келади!*

Энди бошқа манзарани кўринг. Катта шаҳарнинг кўчаларидан ўтсангиз, кавушини асфалтда судраб босаётган, зўрга нафас олаётган, семириб кетган, кўзлари нурсиз кишиларни ҳам кўплаб учратасиз. Улар дард ва ўлимдан шундай қўрқадиларки... Беихтиёр космосни забт этган, Бетховен сонаталарини яратган, инсонпарвар гармоник жамиятнинг буюк улкулари (идеаллари)ни илгари сурган ҳам шу инсонми ўзи, деб ўйлаб қоласан киши. Эътибор қилинг:

\* Кўп касалликларнинг келиб чиқишига табиат эмас, жамият ҳам эмас, фақат одамнинг ўзи сабабчидир. Кўпинча у дангасалиги ва қизганчиқлиги, айрим ҳолларда эса онгсизлиги сабабли касал бўлади.



\* Тиббиётга кўнда умид боғламанг. Тўғри, у кўп касалликларни даволаши мумкин, бироқ инсонни буткул соғлом қила олмайди. Ҳозирча у одамни қандай қилиб соғлом бўлиши мумкинлигини ҳам ўргата олмайди.

\* Соғлом бўлиш учун кишининг ўзида муттасил ва мақсад-моҳиятли ҳаракат бўлиши керак. Уларни бошқа бирон нарса билан алмаштириб бўлмайди. Инсон шу даражада мукамалки, соғлигини у қоқилган нуқтадан тиклаши мумкин. Фақат кексалик ва хасталикларнинг чуқурлашуви натижасида ҳалиги айтилган ҳаракат ҳам кучайиб боради.

\* Ҳар қандай ҳаракатнинг катта-кичиклиги рағбат берувчи омиллар билан белгиланади, рағбатлантирувчи омиллар эса мақсад-моҳияти, вақт ва шу мақсадга эришиш эҳтимоли билан белгиланади. Бунда яна кишининг характери ҳам муҳим рол ўйнайди. Афсуски, саломатлик кишининг олдида муҳим мақсад сифатида ўлим эҳтимолдан ҳоли бўлмай қолгандагина кўндаланг бўлади. Бироқ иродаси мустаҳкам кишига ҳатто ўлим ҳам кўп таҳдид қила олмайди.

\* Саломатлик учун бараварига тўрт омил зарурдир: жисмоний ҳаракат, таомда чекланиш, чиниқиш, дам олиш вақти ва ҳордиқ чиқариш малакасига эга бўлиш. Ва яна бешинчиси – бахтли ҳаёт! Афсуски, аввалги тўртта омилларсиз айтганимиз бешинчи омилнинг ўзи саломатликни таъминлай олмайди. Бироқ агар ҳаётда бахт деган нарса бўлмаса, унда зўр бериб олдинга интилиш ва очликка чидаш учун киши рағбатни қайдан оларди? Афсуски, бундай рағбатни топа олмайди!

\* Табиатнинг бизга ҳиммати жуда баланд. Баъзан кунига йигирма дақиқа ёки ярим соат жисмоний машқларни бажариш, бажарганда ҳам астойдил, терлаб-пишиб, томир урушлари икки баробар тезлашгунча бажариш билан саломатликни жойига келтирса бўлади. Табиатнинг бизга ҳиммати шу-да! Жисмоний машқлар вақтини икки баравар кўпайтирсангиз, ундан ҳам яхши!

\* Ҳаддан зиёд кўп емаслик, тўғри овқатланиш – бу масалага онгли ёндошиш керак.

\* Ҳордиқ чиқариш, билсангиз, бир илм, лекин бунинг учун ҳам характер керак. Агар у бўлса, албатта!

\* Энди бахтли ҳаёт ҳақида. Саломатликнинг ўзи бахт дейишади. Бу жуда ҳам тўғри эмасдек. Чунки саломатлик-



ка киши тез ва осон кўникиб кетади, ҳатто уни пайқамай қолиши ҳам мумкин. Бироқ айнан шу саломатлик кишига ўз хонадони ва ишида бахтли бўлишига ёрдам беради. Ёрдам бериши мумкин, лекин бахтни «ма, ол!» деб тайёр қўлингизга тутмайди. Аммо хасталикнинг ўзи, айниқса агар у оғирроқ кечаётган бўлса бахтсизликнинг айнан ўзилиги аниқ.


Айнан ёшлар учун шу ерда яна кичкинагина қўшимча қилмоқчимиз. Албатта, ҳозир сиз ёшсиз ва қачонлардир келадиган қандайдир хасталиклар ҳақида бош қотириб ўтириш учун ҳали эрта. Аммо вақт бу – оқар дарё! Кўз очиб-юмгунингизча ўттиз-қирқ ёшингизни нишонлайсиз, келажак ҳақида жиддий қайгурадиган вақт ҳам келганини сезмай қоласиз. Ундан ташқари, ҳозирнинг ўзида, ҳаммангизни ҳам, афсуски, соғлом деб бўлмайди.

Баъзан қабулимга ваҳимали ҳолда йигит ва қизлар келишади. Улар кўкракларининг чап тарафига қўлларини қўйиб юришга аллақачон ўрганиб қолишган, юраклари уришидан шикоят қилишиб электрокардиограмма қозғалари ўрамини қўлимга тутишади. Ҳартугул уларнинг кўпчилигида ҳаракатсизликдан бўлак касалликдан асар ҳам бўлмайди. Бундайларнинг кўксини рентгенга солсангиз, юраги ҳаракатсизликдан кичрайиб қолганини кўрасиз. Бундайлар кунда югуриш, жилла бўлмаса рақсга тушиш ўрнига, китобга, столга, компьютерга ёпишиб оладилар, бу ҳам камдек, оғизларидан папиросларини қўйишмайди. Бундайлар аллақачондан бери дорилар билан уйқуга ётишади. Бундайлар китоб ўқишларини, компьютер билан ошно бўлишларини давом этаверганлари маъқулдир балки. Ахир аксарият ёшлар сўзга ишонмайдилар, дарров исбот талаб қилишади (тўғри қилишади, албатта). Керак исботни зора ўша китобларидан, интернетдан топсалар...

Бироқ китоб ўқишни яхши кўрмайдиган ёшлар ҳам ҳаракат, кўкатли таомлар, баданни чиниқтириш, уйқу ва фаол ҳордиқ учун, албатта, вақт топишлари кераклигини эсдан чиқармасликлари керак. Менга ишонаверинг».

Эътибор билан ўқидингизми? Ҳақиқатда булар саломатлик асосидир.

Агар эътибор берсангиз, даволашгина эмас, биринчи навбатда кишида касалликни енгувчи куч пайдо қиладиган, соғлом бўлишга ўргатадиган бундай суҳбатларни кўп учратасиз.



Бундай куч, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Киши аввало буни ўзига қатъий мақсад қилиб олиши керак, у ўзини табиатнинг бир бўлагиман деб ҳис қилсагина, дили ва жони билан қуёш, сув, ҳаво билан уйғун бўлсагина, улкан дарахтга ўхшаб бақувват идизлари билан ерга чуқурлашиб кетади.

Сиз энди катта қизсиз, танингизнинг соғ, кайфиятингизнинг чоғ бўлиши учун биринчи навбатда, ўзингиз масъуллигингизни яхши биласиз. Барибир бир нечта умумий маслаҳат бермоқчимиз.

\* Аввало киши атроф-муҳитни, яъни ўзини ўраб турган табиатни севиши керак. Ўзига меҳр билдирганлардан табиат ҳеч қачон «қарздор» бўлиб қолмайди, албатта, кишининг дилини яйратади. Ҳар нарсадан хайрат, ҳар чечакдан гўзаллик топа билинг.

\* Саломат бўлишни хоҳлайсизми, ҳаммага, айниқса катта ёшдагиларга салом беринг, яъни саломатлик тиланг. Улар олган алик сизга саломатлик тиланган чиройли дуодир. Кўпнинг, айниқса кексаларнинг дуоси, албатта, ижобат бўлади.

\* Кишиларга, айниқса кам таъминланганларга, хасталарга, бошига қайғу тушганларга, бировдан озор чекканларга, зориққанларга қўлингиздан келганича ёрдам беринг. Унинг шикаста қалбига қалбингиз «Лаббай!» деганидан, бировга ёрдам беришга қодирлигингиздан севининг, дилингиз яйрасин. Билингки, шу кундан эътиборан сиз дўст-қадрдонга эга бўлдингиз, демак бойидингиз.

\* Одамларга ишонинг ва уларни севинг. Бунга ўз-ўзидан эриша олмайсиз, албатта. Сиз аввал ўзингиздаги мавжуд ёмон хислатларни, айниқса, қизғанчиқлик, қўрқоқлик, ишончсизлик, таъмагирлик, иккиюзламалик, кибрни енгиб олинг. Кишиларга нисбатан ноҳақлик қилманг. Кишилар ҳақида эшитган биринчи ёмон фикрларга дарров ишониб, одамлардан юз ўгирманг.

\* Бошингиздаги нохуш ва ёмон фикрлар: хасталиклар, ҳолсизлик, силла қуришлар, етишмовчиликлар, ўлим ва охират ҳақидаги фикрлардан фориф бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши ният билан бошлаган ҳар бир ишингизда ғолиб келасиз.

\* Гап билан амалингиз бир бўлсин. Ваъдангиз устидан ҳаммаша чиқинг. Бир яхши нарса ҳақида ўқиганингиз, ҳавасингиз келгани яхши. Бироқ ҳамма нарса амали билан бўлса, ундан ҳам яхши.





\* Ана шу яхши иш ва тажрибангиз ҳақида ҳаммага сўзланг, ўртоқлашинг, бироқ ҳеч мақтанманг, ўзингизни ҳаммадан устунман деб ҳисобламанг. Камтарлик – инсоннинг энг улуғ фазилати.

Ана энди ўзингизни кузатиб кўринг. Атрофингиздагиларни ҳам. Сиз турмуш тарзингизда жисмоний ҳаракат, таомда чекланиш, чиниқиш, дам олиш вақти ва ҳордиқ чиқариш ма-лакасига эга бўлишнинг ўрни қандай? Тез-тез касал бўлмаяп-сизми? Тўхтанг! Уйда бор ва телевизорда шу касалга оид қайта-қайта айлантирилаётган реклама роликларидаги дориларни билиб-билмай ичишни тўхтатинг. Аввал касаллик саба-бини аниқланг.

**Оиланинг дори қутигаси.** Одатда, ҳар бир хонадонда дори қутигаси бўлади. Унда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш дори-дармонлари, ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам беришда ишлати-ладиган дори-дармонлар, оналар ва эмадиган чақалоқни пар-вариш қилиш учун керакли нарсалар (сўргич, сўргич-пустиш-ка, клизма учун ишлатиладиган юмшоқ учли спринцовка, кўзга дори томизиладиган пипетка, сув температурасини ўлчайдиган термометр, гавда температурасини ўлчайдиган термометр, губка, полиэтилен плёнка, дока, болалар совуни, антисептик моддалар – йоднинг спиртдаги эритмаси, калий перманганат порошоги, борат кислота порошоги; боғлов ма-териаллари – стерилланган бинт, стерилланган пахта, бакте-рицид малҳамлар; шунингдек вазелин мойи, болалар креми, тери бурмаларига сепиладиган болалар присипкаси) сақлана-ди.

Булардан ташқари, врач рецепти бўйича олинган турли дорилар ҳам шу ерда сақланади. Дорилар сақланиш жараё-нида қуёш нури, иссиқлик, намлик таъсирида парчаланиб, фаол бўлмаган моддалар, баъзан заҳарли маҳсулотлар ҳосил қилиши мумкин. Шунга кўра, дориларнинг этикеткасида бел-гиланган сақланиш муддатига ва сақланиш қоидаларига риоя қилиш зарур. Қоғози, қутисида яроқлилик муддати кўрсатил-маган дориларни беш йилдан ортиқ сақлаб бўлмайди. «Ёруғ-лик тушмайдиган салқин жойда сақлансин», деб кўрсатилган дориларни холодильникда сақлаш керак. Этикеткасида «За-ҳар», «Эҳтиётлик билан ишлатинг», «Ўтдан сақланг», «Болалар-дан сақланг» каби кўрсатмаси бор дориларни алоҳида шаро-итларда сақлаш зарур.



Оила дори қутчасида сақланаётган дориларни камида ярим йилда бир марта кўздан кечириб қўйиш керак. Ана шу вақтда этикеткаси йўқ ёки этикеткасидаги ёзувни тушуниб бўлмайдиган, ташқи кўриниши ўзгарган (доғ босган, хиралашган, лойқаланган), шунингдек яроқлилиқ муддати тугаган дорилар ташлаб юборилади.

Кўнгилсиз ва бахтсиз ходисалар содир бўлмаслиги учун дориларни болаларнинг қўли етмайдиган жойларда сақлаш керак. Уй аптечкаси сифатида қулфланадиган девор шкафчаларидан фойдаланиш жуда қулай. Аптечкининг бир токчасига ичиладиган дорилар, иккинчи токчасига эса сиртдан суриладиган дорилар қўйилгани маъқул.

Ўта кучли ва ўткир дориларни бошқаларидан алоҳида, болалар учун мўлжалланган дориларни ҳам алоҳида сақлангани яхши.

Ҳар бир уйда дори қутисининг (аптечка) бўлиши зарурлиги ҳақида айтдик. Унда йод, бинт, пахта, термометр, нашатир спирти, шунингдек оила аъзолари ичида сурункали касали бор шахсларга доктор тавсия этган дори-дармонлар, дейлик, юрак касалликларида валидол, нитроглицерин бўлиши керак. Бироқ бу дорилардан ўз билгингизча фойдаланиб бўлмайти, касаллик бошланганда, албатта, врачга мурожаат қилиш ва доридармондан унинг кўрсатмасига кўра фойдаланиш керак.

Аввало гигиена. Эътибор берган бўлсангиз, биз гигиена турларидан бири ҳисобланадиган косметика гигиенаси ҳақида шу бўлимнинг «Айт-чи, кўзгу» суҳбатимизда қисман тўхталгандик.

Умуман эса саломатликка, биринчи навбатда, гигиенага риоя қилиш орқали эришилади. Гигиена – саломатлик гарови, деб бекорга айтишмаган. Тозалик – сиҳат-саломатликнинг бирламчи шarti. Озодалик, орасталик, покизаликни бир умр ўзингизга ҳамроҳ қилсангиз, ҳеч қачон ўзингизга нисбатан ишончингиз, руҳий мувозанатингиз бузилмайди. Ўн уч-ўн тўрт ёшгача ойингиз «Қиз бола доим озода бўлиши керак!» деб таъинлашдан чарчамасдилар. Сизнинг вақтида тишингизни ювишингиз, сочларингизни озода ва тараб юришингиз, хонангиз ҳам саришта ва тоза бўлиши, ич кийимларингизнинг бeнуқсон бўлиши доим улар назоратида эди. Шундай бўлишига қўникиб ҳам қолдингиз. Энди ука ва сингилларингизни ўзингиз назорат қилаёпсиз. Биргаликда сиз оила аъзоларининг



биронтаси ҳам касал бўлмаслиги учун, ҳуш кайфиятда юриши учун аввало гигиенага, яъни уйингизда гард бўлмаслигига, ҳавосининг тоза бўлишига, орасталик ва саришталикка риоя қиласизлар.

### Биринчи ёрдам

Кўпинча болалар, ўсмирлар у ер-бу ерларини уриб олиб ёрдамга муҳтож бўладилар. Урилган жой терисининг ости қон-талаш бўлади, оддий қилиб айтганда, кўкариб қолади. Оғриқни камайтириш, шишнинг олдини олиш учун бу ерга тоза латтани совуқ сувда ҳўллаб (совуқ компресс) қўйилади. Аммо бош урилган бўлса, бунга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Баъзан бош уриб олинганда кўкарган, шишган, тирналган жой билинмайди-ю, киши ҳушидан кетиши, ранги оқариши, кўнгли айниши мумкин. Бундай жароҳат олган кишини дарров ётқизилиб, тинч бўлишини таъминлаш, бошига совуқ компресс қўйиб, мумкин қадар тезроқ шифокорга кўрсатиш керак.

У ер-бу ерини тирнаб олиш, унча чуқур бўлмаган жароҳатларда тирналган ёки кесиб олинган жой дезинфекция қилувчи суюқликлар (йод, кўк дори) ёки одеколон билан тозалаб артилади ва кейин пластр ёки бинт, тоза дока билан боғланади. Жиддийроқ жароҳатларда ҳам тезда мутахассисга кўрсатиш керак. Лйримлар жароҳатланган жойга «халқда шундай» деб лой суртиб, барглар ёпиштириб қўйишади. Бундай қилиш мумкин эмас.

Жароҳат чуқур бўлмаса ва қонни тўхтатиш учун баъзан жароҳатланган қўлни кўтариш, ботиқроқ қилиб боғлаш кифоя қилади.

Болалар ва ўсмирларнинг кўпинча бурунлари қонаб туради. Бундай ҳолда бурни қонаётган кишининг бошини кўтариб ўтқазилади, кийимларига қон тегмаслиги учун тоза дастрўмол ёки пахта қўйиб, икки қош ораси ва пешананинг бурун қисмига совуқ компресс қўйилади.

Шу ерда биринчи ёрдам кўрсатиш тафсилотларига берилмай, бир ажойиб китоб – тиббиётдан оммабоп қўлланманинг ҳамманинг уйида бўлишини тавсия этмоқчимиз. Бу китоб «Беморларни уйда ва шифохонада парвариш қилиш» деб аталиб, у 2011 йилда нашр қилинган.



## Умрилик тақвим

Сарлавҳани ўқиб «Шундай узун тақвим ҳам бўларканми?» деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Бўлади, агар ўйлаб тузилса. Қолаверса, ҳайрон бўлганингизча бор, бу ҳақиқатда ҳам бошқача тақвим. Гап сизнинг шахсий ҳайз тақвимингиз ҳақида кетяпти. Бундай тақвим ҳамма қиз-аёлларда бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Қизларнинг балоғатга етишининг асосий белгиси уларнинг вақти келиб мунтазам ҳайз кўра бошлаши эканини биласиз. Сиз бунга одатланиб улгурдингиз. Бу қизларнинг 12-14 ёшидан бошланадиган ва ҳар 21-30 (кўпинча – 28) кунда содир бўладиган жараён эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилдингиз. Чунки Сизда у аллақачоноқ даврийликда муқимликка эга бўлди. Шундайми?

Қизларнинг қачон ҳайз кўра бошлаши ва унинг неча кун давом этиши уларнинг соғлиғи ва турмуш тарзига, шунингдек, турар жойи ва иқлимга боғлиқ. Ойлик қон келишининг мароми, муддати, кўп ёки озлиги, оғриқли ёки оғриқсиз кечиши қиз боланинг аҳволига, унинг шахсий гигиенага нечоғли риоя этишига боғлиқ.

Одатда соғлом, чиниққан, жисмоний тарбия билан шуғулланадиган ва тўғри овқатланадиган қизларда ҳайз келиши нисбатан билинмай ўтади. Аксинча, нимжон, салга касалга чалиниб, тез-тез толиқиб қоладиган қизлар, вазни нормадан ортиқлар, яъни семизлар ҳайз пайтида силлалари қуриб, бошлари оғриётганидан шикоят қиладилар. Ҳайз бир неча ой давомида бир маромга тушиб, оғриқ йўқолмаса, врачга мурожаат қилиш кераклигини ҳам дугоналарингизда кўрддингиз.

Қиз бола организми балоғатга етиш даврида ҳиссиётларга бой, яхши ва ёмон кайфиятларга ўта берилувчан бўлади. Асабий ва руҳий бузилишлар, турмушдаги нохушликлар, жисмонан ва ақлий зўриқиш, толиқишлар, шунингдек айрим юқумли касалликлар ҳайз маромининг бузилишига сабаб бўлишини энди дугоналарингизда, ўзингизда ҳам синаб кўрддингиз. Шунинг учун бу даврда қизлар билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш, уларнинг руҳан ва жисмонан зўриқишига, толиқишига йўл қўймаслик керак. Булар ҳақида синглингиз, жиянларингизга айтиб, тушунтириб қўйиш сизнинг бурчингиз, чунки энди катта қизсиз, маълум даражада оиланинг



шифокорисиз. Акс ҳолда бу жараённинг кутилмаганда бошланиши, оғриқли кечиши синглингиз, жиянингизда кўрқувгина эмас, бошқа нохуш кайфиятларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Ҳайз табиий физиологик жараён бўлишига қарамай, ёш организм учун катта синовдир. Соғлом қизлар ҳам ой кўриш кунларида ўзларида енгил ҳолсизликни туйишлари мумкин. Аммо бу хасталик ҳолати бўлмагани учун ҳам одатий жисмоний ва ақлий машғулотларни давом эттираверганлари маъқул. Фақат жисмоний тарбия дарсларида отда юриш, сакраш, велосипед ҳайдаш, оғирлик кўтариш каби ўта жисмоний зўриқишни талаб этадиган машғулотларда вақтинча иштирок этмаганлари маъқул.

Ана энди навбат юқорида айтилган тақвимга келди.

Ҳайз кўрувчи сизга ўхшаш катта қизлар, айниқса ёш жувонлар ўзларига мослаб махсус ҳайз тақвими (календарь) тuzиб жуда тўғри қиладилар.

Шундай тақвимларнинг икки турини тавсия этамиз, ўзингизга қулайини танлаб олинг.

Кўриб турганингиздек, бу тақвимларга қиз-жувонлар ой кўрган кунлари, неча кун давом этганини, изоҳ бўлимида эса қон оз ёки кўп кетгани, оғриқли ёки оғриқсиз кечганини оймаой, йилма-йил қайд этиб борадилар. Натижада, то қондан қолиш давригача ҳайз маромини кузатишга, ўзгаришни дарҳол пайқаш имконига эга бўладилар.

Ҳайз кўриш даврида гигиена қоидаларига қаттиқ амал қилиш керак. Айниқса, жинсий аъзоларни озода тутиш лозим. Чунки ҳайз қони инфекция кўпайиши, унинг қин ва бачадонга кириши учун қулай ҳисобланади. Ҳайз кўрганда кунига камида икки-уч мартадан қайнатилган илиқ сув билан қизлар остларини ювишлари лозим. Жинсий аъзоларни фақат хўжалик совуни билан ювган маъқул. Атир совун, паста ва турли шампунларни ишлатмаганингиз яхши.

Ҳайз даврида ванна қабул қилиш, очиқ сув ҳавзаларида, ҳовузларда чўмилиш, қуёш нурида тобланиш тавсия этилмайди. Фақат илиқ душ қабул қилиш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, жисмоний зўриқтирадиган машқлар билан шуғулланмаслик керак, лекин эрталабки бадантарбия машқларини бажариш мумкин, ҳатто керак ҳам. Ҳайз кўришда қўйиладиган боғловни тез-тез алмаштириб туриш зарур. Ша-



роитга қараб бу боғловларни пахта, дока, бошқа юмшоқ рангсиз матодан ўзингиз тайёрласангиз ҳам бўлади. Дорихоналардан тайёр гигиеник пакетлар ҳам олиш мумкин. Ҳайз вақтида овқатга алоҳида эътибор бериш: аччиқ, нордон, шўр емаслик керак.

Ёз ойларида ҳайз пайтида атрофи берк, баданга ёпишиб турадиган лозим (трусик), куз ва қишда эса иссиқ трико ёки рейтуза кийиш керак.

### Ҳайз тақвими намуналари:

Йил	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Изоҳ
2011	10-14	8-11	9-12	7-11	6-10	4-7	2-6	5-9	-	1-5-29	2	28-31	
2012													
2013													
2014													
2015													

Йиллар Ойлар	2011	2012	2013	2014	2015
Январ	18-21	27-30			
Феврал	15-19	25-28			
Март	15-18				
Апрел	12-15				
Май	9-12				
Июн	7-10				
Июл	6-9				
Август	4-7				
Сентябр	3-7				
Октябр	8-13				
Ноябр	3-6				
Декабр	1-4, 29-31				
Изоҳ					

## Келин бўлиш сирлари

(Келинлик остонасида турган қизлар  
билан ўтказилган суҳбатлар чизилари)



Тилло остона орзуси  
Қиз бола — элнинг кўрки  
Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмас  
Сизнинг остонангиз  
Сизнинг таирифномангиз  
Оддий нарса-ю...

Назокат

Аёл — ўқилмаган китоб  
Муҳаббат, хиёнат ва сеҳргар  
«Сиз»га нима етсин  
Сиз — онангиз қайтаригисиз  
Ҳавасдан ҳасадгача...  
Меники... Сеники...  
Бирлари — қуёш, бирлари — ой  
Кўнда барака, аҳилликда ҳикмат бор  
Туркана ўғитлар  
Бахтли бўлинг





**Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр.  
Остонаси тиллодан уй уй сеники, ёр-ёр.**  
(Халқ термаларидан)

## ТИЛЛО ОСТОНА ОРЗУСИ

Эртага эшигида сурнай хонишини кутаётган қиз борки, тилло остонани орзу қилади. Ойдин бахтли, олтин тахтли бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз?

Келинлик китобини ҳар бир келин ўзи ёзади, деб айтишадди. Тўғримикин?

Тўғридир.

Лекин эътироф этиш ҳам керакки, аёллар умрининг ана шу нозик фаслига – келинликка оид кўп китоблар ёзилган, ёзила-япти ва яна кўп ёзилишига шубҳа йўқ. Ҳаёт бу ахир! Унинг энг кичкина манзаралари ҳам катта-катта китобларга туганмас мавзу бўлиб келган. Бироқ уларнинг ҳеч бирининг «алиф»и-дан «ё»сигача алоҳида олганда бир келиннинг ҳаётига бобма-боб тўғри келади, деб бўлмайди. У ери бўлмаса, бу ерида энг ақлли китоблар ҳам панд бериб қолади. У ҳолда бундай китоблардан нима фойда, дерсиз.

Уларни ёзишдан, қўлингизга етказишга уринишдан мақсад, сизни – келинлик остонасида турган қизларни сал сезгир, мулоҳазали бўлишга чақириш холос.

Ҳар гал балоғатга етган қизлар билан учрашувларга юрагим титрабгина бораман. Ҳар гал ёшлигимда бўлиб ўтган шундай ҳайратли ва ҳаяжонли учрашувлар кўз ўнгимга келавради.

«Саодат» журналида янги иш бошлаган кезларим. Журнал атрофида замондош донишманд аёлларнинг кўплиги мени ёқимли ҳайратга соларди. Адиба ва шоира, олимаю фозила, актрисаю бастакор аёллар тез-тез йиғилишиб туришар, дилдан суҳбатларга бош муҳарриримиз Зулфияхоним биз – ёшларни ҳам чорлардилар. Музайяна Алавия, Саида Зуннунова, Маҳбуба Раҳим қизи, Саодат Шамсиева каби адиба ва журналистлар, Мукаррама Турғунбоева каби санъаткорлар, Ҳалима Муҳитдинова, Зоҳида Жамолова, Асолат Қодирова каби олималар, Ёдгор Насриддинова, Қамара Маҳкамова каби жа-





моат арбобларининг давраси кўз ўнгимда, овозлари, сўзлари қулоғимда турибди.

Ишдан, адабиётдан, санъату маданиятдан кўчиб, суҳбатимиз кўпинча турмуш, қизлар-келинлар-аёллар, ҳаёт, унинг пасту баланд сўқмоқлари, ёрқин ва хира руҳияти, турфа қарашлар устида тургун бўлиб қоларди. Биз ёш эдик, уларнинг ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан эшитардик. Кўп кўрганлари, кўп куйганлари учунми, уларнинг ҳар гапида кишининг кўнглини тозартадиган, умидли яшашга ўргатадиган ҳикмат, маънавий юксакликка ундайдиган ажиб виқор доимо бўртиб турарди. Кишининг томирини тўлғизадиган суҳбатлар бўларди. Ҳар бирлари ўз соҳаларининг баркамол кишилари бўлганлари ҳолда сўзда, санъатда, илмда кўп юртларни лол қолдирганлари ҳолда, улар ўзимизнинг оддий қиз-аёлларимизни ҳаётнинг, турмушнинг маънавий устунни деб билишар, ўзбек аёлининг қиёси йўқлигини тан олишар, элнинг кўрки бўлган қизлар тарбиясига катта аҳамият беришарди.

Устозларнинг охирати обод бўлсин!

Ажабо, дунё бир айланиб, энди ўзимиз ўша ёшларга етибмиз. Умрнинг муайян, лекин катта қисми орқада қолганидан кейин киши ҳаётнинг қадри ва маъносига ета бошларкан. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу – ҳақиқат. Яна бир нарсани англаб тургандекман: катта ёшдагилар ёшларнинг руҳи бемаврид ёки бемаҳал синмасин учун ҳам, уларнинг ёшлигидаёқ ҳаётга, унинг пасту баландига тўғри қарашларини ўрганиб олишларини истайдилар. Ҳаётга тўғри қараган одам умри давомида мураккабликларга дуч келса ҳам, уларни енгиб ўтиши осон бўлади.

Оддийгина «Кишининг бахти ўз қўлида» деган иборани олинг. Жуда кўп эшитгансиз бу иборани. Катталар ўғитига қулоқ солсангиз, инсон ўз бахти учун курашни ўзи билан курашишдан бошлаши кераклигини англайсиз. Ҳа-ҳа, киши ўзини муттасил тарбиялаб бориши, ўзида бахтли бўла билиш малакасини, бахтиёрлик истеъдодини ривожлантириши кераклигини англайсиз! Кейинни кўзлаб ўзингиздаги ғазаб, жаҳолатни вақтида тизгинлай билиш, атрофингиздагиларни бахтсиз қилмасликка уриниш ҳам, шу малака, шу истеъдоднинг қирралари. Буларни, айниқса, ёшлигимиздан ўзимизга сингдириб олишимиз керак. Бунинг учун айнан шу даврда



қиз боланинг кўзига мумкин қадар кўпроқ атроф-муҳитни кўрсатиб, қулоғига кўпроқ нарса қуйиш керак экан. Бу вазифани бажариш оналар, бувилар, устозлар, умуман – катта ёшдаги кишиларнинг зиммасидадир.

Гарчи келинлик ҳақидаги сабоқ-суҳбатларни олиб бориш «қарилик гаштини сураётган», умримнинг катта қисми ортда қолган даврга тўғри келган бўлса ҳам, сизлар билан суҳбатга юрагим титрабгина киришдим. Сизнинг қулоғингизга бугун ва кейин қуймоқчи бўлган гапларнинг ҳаммаси меникимикин? Айтилаётган гапларнинг аксарияти юқорида айтганимдек, катталардан жон қулоғим билан эшитганларим, бир умр кўнглим мулки бўлиб Олам ва Одамга қарашларимни, инсон бахти ҳақидаги тушунчамни белгилаган ҳикмат-насиҳатлар бўлса ажаб эрмас.

Буни бирга-бирга муҳокама ва мулоҳаза этамиз. Биргаликда орзуйингиз – остонаси тиллодан уйингиз томон одимлаймиз.

Ҳаёт кечириш – тайёр рецепт билан бирон таом пишириш эмас, албатта. Ҳойнаҳой, ҳозир хаёлингиздан «Аниқ битта рецепт билан ўн киши тайёрлаган ўнта пишириқ ҳам ўн хил чиқади-ку!» фикри ўтгандир-а? Тўғри фикрлаяпсиз. Чунки ҳар кимнинг қўли, кўзи, онги, меҳри, руҳияти ҳар хил бўлади! Ҳар биримизни Яратган турлук-турлук қилиб яратган!

Келинлик ҳақидаги сабоқлар ҳам сизнинг янги ҳаётингизни аниқ кўрсатиб беради, демоқчи эмасмиз. Сиз уларни ўқинг, мушоҳада қилинг. Излаганингиз – тўғри йўлни эса юрагингиз, онгингиз кўрсатади.

Яратувчи ҳар бир инсонни бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратгани каби, қизлар ҳам келинлик, оила, аёллиқ, оналик ролини фақат ўзларига атаб яратилган, пешоналарига битилган сценарийга кўра ўйнайдилар.

Оилада янги тушган келинларга дастлаб кичик-кичик роллар ажратилади. Уларга аввал оила, рўзғор юритишнинг умумий саҳна кўринишларида иштирок этиш ўргатилади. Моҳир артистлар кичкина ролни ҳам маҳорат билан ўйнаб, етакчи роллар даражасига кўтарганларидек, чиндан ўз бахтини топиб, шу уйда «туб қўйиб, палак отиш»ни истаган келинлар ўзларига ажратилган шу кичкина ролларни очиқ кўнглилик, дил равшанлиги, энг асосийси, самимият ва яхши мақсадни кўзлаб ўйнайдилар ва шу оиланинг тенг аъзоси даражасига



қутарила оладилар. Бундайларнинг оддий остонаси ҳам тилло бўлиб туюлади.

Келинлик даврини фақат ясан-тусан давридир, деб билганлар бундан мустасно, албатта.

Аслини олганда келинлик – оиланинг энг кичик роли. Бу ролга айрим қизларимиз кўп эътибор беришмаганидан афсусдамиз. Ҳолбуки, умрнинг ҳеч бир дамига безътибор бўлинмаганидек, келинлик даврини ҳам умрнинг бундан кейинги катта қисмининг пойдевори деб билиш керак. Пойдеворга жуда катта аҳамият берилиши зарурлигини ҳозир айтиб ўтиришнинг мавриди эмас, албатта. Лекин сиз эртага остонасидан қадам қўйиб ўтадиган оилада келин, аёлниги ўрни буюклигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Аммо шу воқеа томиримизга киритган илиқлик ва тиниқлик ҳали ҳам руҳимизга қувват бериб туради.

Катта келинимизни тушираётганимизда, яхши ниятлар билан чарм муқовали катта дафтарнинг биринчи саҳифасига «ОИЛАНОМА» деб ёздириб, янги келинга совға қилар эканмиз:

– Бугундан эътиборан шу дафтар оилангизнинг энг ёруғ кунлари хотираси ёзиб қўйиладиган кундалик вазифасини ўтасин! Илоҳим, ёруғ кунларингиз кўп бўлсин! – деб истак билдирдик.

Келин боламиз шу дафтарни уйларидагиларга ҳам кўрсатган эканлар, дадалари – қудамиз, таниқли олим, академик Наби Мажидов (Охиратлари обод бўлсин!) қизларига бироз насиҳат қилиб, сўнг дафтар саҳифасига бир ривоят битиб берибдилар:

*«Тангри таоло Одам Ато ва Момо Ҳавони яратиб, уларга фазилат улашаётганда Одам Атога куч-қудрат, уддабуронлик, тадбиркорлик, шафқатлилиқ бериб, Момо Ҳавога биргина калит берган экан. Шунда Момо Ҳаво дилида исён кўтарилибди:*

*– Нега Одамга кўп фазилат берилди-ю менга эса фақат биргина калит!?*

*– Одамни сизга қўриқчи, сиз суянадиган тоғ қилиб яратдик! – деган жавоб бўлибди. – Одам сизга ризқ келтириб бергувчи, сизни ҳимоя қилгувчи қалқондир. Сиз эса унинг топганини баракотли қилиб, унинг кўнглини олиб, шу калит билан бахт, осойишталик, файзу баракотли хонадон эшиги-*



ни очиб ўтирасиз. Файзу барака сочилмасин учун қулфини қўлда маҳкам тутасиз...»

Демак, бугунги учрашувимизда ва кейинги суҳбатларимизда айнан қизларнинг, келин-аёлларнинг оиладаги ўрни хусусида сўзлашамиз.

Бизнингча, балоғатга етган қизнинг, эртага келин – хотин – она – хонадон соҳибаси бўладиган қизнинг етакчи фазилати мулоҳазакорлик бўлиши керак.

Инсон учун фикр юритиш – кўзгуга қараш билан баробар – унда ақли бор киши ўзининг яхши ва ёмон томонларини кўриши мумкин. Ақлини ишлатган одам ўз тақдирининг ёмон томонга бурилиб кетишидан асраб қола олади, оддий остонасини тилмога айлантиради. Бу гапни фозил кишилардан эшитгандик!

Келинлик остонасида турганлар айниқса «Оила нима?», «Эр ким?» саволини ўзларига кўп беришлари, ота-оналарнинг қадри, жигарларнинг ўрни, оилада ўзларининг ўрни ва ўзлиги ҳақида кўп мулоҳаза юритишлари керак. Мулоҳазакорлик билан улар ўзларида қайтарилиши мумкин бўлган «Нега Одамга шунча нарса, менга эса фақат калит?!» каби Момо Ҳаво исёнининг олдини олиб қоладилар. Остоналарининг тилло зарини кўчирмайдилар.

Шуни эсдан чиқармангки, айниқса келинлик даврида исёнкорлик кўнглингизга тез-тез меҳмон бўлиб, унда тез илдиз отадиган туйғуларнинг бирига айланиб қолади. Унинг оқибатида ўзингизга тикмоқчи бўлган қўйлагингизни қўшнига, бошқаларга қараб бича бошлайсиз. Бировнинг кийими бошқага тўғри келмаслигини унутасиз. Бунга йўл қўйдингизми, кейин келадигани маълум:

– Нега фалончида бор, менда йўқ?

– Нега фалончининг эри топармон, меники эса йўқ?

– Нега фалончи туни билан дискотекада ялло қилиб юради, мен эса йўқ?

Ва ҳоказо...

Ва ҳоказо...

Оқибат, аввало икки оила бошида пайдо бўлган бу можаро географияси тобора кенгая боради. Аввал бу можаро яқин қариндошлар ўртасида муҳокама этилса, кейин маҳаллага чиқади... Кўпинча эслик-хушлик қизлар бу саволларни дилларига асло яқинлаштирмайдилар, тилларига эса чиқармайдилар.



Келинлик ҳақидаги сабоқ-суҳбатларда шунга йўл қўймасликнинг айрим қирралари ҳақида суҳбатлашамиз. Келинлик остонасидан ўтаётган қизлар, яъни сизлар ўз иродангиз, ўз ақлингиз, ўз муҳаббатингизга ишонсангиз, фикрингиз тиниқ бўлса бўлди. Демак, сиз ҳам бахтингизни маҳкам ушлай olasиз.

Илоҳо, шундай бўлсин! Сабоқ-суҳбатлар сўнгида келинлик остонасида турган қизларимизни дуо қилинг, деб илтимос қилишганди. Шунга кўра:

Дуо: *Илоҳо, қалбингиз меҳрли, кўзингиз нурли, ниятларингиз хайрли бўлиб, чин уйим деб босган янги уйингиз остонаси тиллодан бўлсин! Омин!*

### ҚИЗ БОЛА – ЭЛНИНГ КЎРКИ

«Қиз бола – элнинг кўрки» деган гапни сиз ҳам, албатта, кўп эшитгансиз. Балки маъносига етишга ҳам кўп урингандирсиз.

Қадим-қадимдан шарқ оилаларида қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинади.

Қизларимиз ҳам қизлик – аёллик – оналик даврларида ўз зиммаларига уй тутишдек қутлуғ иш юклатилганини англаб, ёшлиқданоқ эплик бўлиш тадоригини кўриб келадилар. Болаликда кўғирчоқ ўйнаганингиз, унинг юз-қўлини ювиб, сочларини тараганингиз, яъни уни ораста бўлишига интилиб, жажжи идишчаларда вақтида унга таом беришга уринганингиз, ойингизга ҳар ишда қарашишга уриниб, атрофларида гилдилаб юрганингиз – шу тадорик ибтидоси. «Хола-хола», «Меҳмон-меҳмон» ўйинлари эсингиздами? Аслида, бу сизнинг дастурхон безаш, меҳмон кутиш, муомала, мулозаматни ўрганиш йўлидаги биринчи сабоқларингиз эмасмиди? Йиллар ўтгани сайин бу сабоқлар тобора жиддийроқ тус олиб, тобора мураккаблашиб борди-а.

Ҳозир қай бирингиздан «Қандай курслар ёки тўғарақларга боргансиз?» деб сўрасак, ҳар бирингиз бундай курсларнинг камида уч-тўрт хилини тилга олишингиз турган гап.

Мактабнинг бошланғич қисмини тугатишингиз билан ойингиз сизларни бичиш-тикиш, тўқиш, каштачилик тўғарақларига олиб борганлар. Бармоқлар «игна ушлашни билиши», қўлингиз сал «келиб қолиши» биланоқ, сизни яна «Буларни ҳам ўрганиб ол!» дея пазандачилик, ҳар хил пишириқлар курса-



рида ўқитишган. Тўғрими? Ҳа, баракалла. Илоҳим, ҳамма билганларингиз ўзингизга бир умр қувват бўлсин, обрўйингизга файз ва барака олиб келсин.

Ҳозирги энг «модный» курслар – оила иқтисодиёти, назокат сири, рўзғор юритиш, дизайн курсларидан, ҳатто бошланғич тиббиёт сабоқлари, соч турмаги ва маникюр-педикюр каби курсларидан ҳам қуруқ қолмагансиз. Ойингиз сизнинг ўрганган ва билганларингизни юзага олиб чиқадиган, ўзингизнинг кимлигингизни кўрсатадиган давр – келинлик остонасида турганингизни билганлар. Эрта-индин, «бошингизга тушганда» булар сизга асқотади.

Ўрганиш учун киши ёшининг аҳамияти йўқлигини унутманг. Кўпроқ билишга интилангиз бас. Бундай интилиши бор киши билмаганини ўрганишга вақт ҳам, имкон ҳам албатта топади. Янги оилангиздаги кишилар ҳам сизнинг билишга интилишингиздан севинишади, сизга рағбат беришади. Чунки улар ҳам сизнинг «элнинг кўрки» бўлиб юришингизни исташади. Ўзи лобар, тили дилбар, назокатли, уйига меҳмон келса, минг турлук ноз-неъмат билан жонини фидо қилиб кутиб оладиган келинни ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Келинининг келажак турмушида, болалари тарбиясида асқотади деб, ўзлари турли курслар қидириб юрадиган қайноналар ҳам кўп. Бўлажак қайнонангиз шундай қилсалар, у кишига парвона бўлинг, энг яқин кишингиз деб билинг.

Эътибор берган бўлсангиз, бутун дунё сизга ёрдам беришга, сизнинг элнинг кўрки бўлиб ўсишингизга пойдевор бўлаётганга ўхшайди. Мактабдаги «Одобнома»лардан ташқари, турли-туман тўгараклар, ҳар маҳалла гузари қошида эса сизнинг имкон қадар кўп нарсани билишингиз, ҳар ишда уқувли бўлишингиз учун пулсиз бичиш-тикиш ва пазандачилик курслари очилган.

Балки орангизда «Буларнинг ҳаммасини билиш менга зарурми?» деб ўйлайдиганлар ҳам топилиб қолар. Бадавлат жойга тушдим, хонадонимда уч-тўрт хизматкор бор деб, ўзингизни асосий вазифа – уй тутишдан четга олсангиз, келажагингиз ҳам, бахтингиз ҳам қил устида деяверинг.

Тўйгача бўлган уч-тўрт ойлик учрашувлар фасли ва тўйнинг кўтаринки руҳиятини катта ёшдаги аёллар «поэзия» даври деб атайдилар. Туйдан кейин эса айтишларича «проза» бошланармиш.



Бу ўхшатиш нечоғли тўғрилигини билмадим-у аммо айрим насрий асарларни қўлдан қўймай ўқиладиган даражада зўр ёзилишига ишончим комил бўлгани учун ҳам, тўйдан кейинги ҳаётимизни қандай ўтказиш – кўнгилни кўкларга кўтарадиган шаклидами ёки бир хил ва зерикарли шаклидами – бу кўп, жуда кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ, деб ўйлайман. Ҳаётимизнинг чиройли ёки хунук кечиши, борингки бахтли ёки бахтсиз бўлишимиз ҳам кўп жиҳатдан бизнинг қанча кўп билишимизга, уқувимизга, эплилигимизга, ҳаётдан нима излаб, нималарга интилаётганимизга боғлиқ.

«Ҳикмат излаганга – ҳикматдир дунё», деб бежиз айтишмаган.

Яхши уй бекаси бўлиш, яхши уй тутиш қутлуғ вазифа. Шунини яхши уддаласангиз, билингки сиз жамиятнинг олди кишисисиз.

«Мен бир оила келиниман холос, менинг жамиятга қандай алоқам бор?» деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Чуқурроқ ўйлаб кўринг-чи.

Бугун ақлли, эслик-хушлик қиз деган ном олиб, эртага лобар келин, дилбар аёл, меҳрибон она «мартаба»сига эришсангиз, билингки сиз баркамол жамият учун курашаётганларнинг энг пешқадамисиз. Бугун озода, саранжом ва саришта бўлиб, соғлиғингизга қараб юрсангиз – эртага сиз келажакнинг соғлом авлодини таъминлагувчи кишисиз.

Яхши фарзандларни тарбиялаш, жамиятга олижаноб кишиларни етказиб бериш ҳам аслида келинлик фаслидан бошланади. Келажакда эрингиз яхши топармон бўлиши, орзингиздан чиққанини муҳайё қилиши мумкиндир. Аммо унинг топганини билиб-билиб ишлатмасангиз, юзага олиб чиқмасангиз, ёнига қўшмасангиз, эртага кексалар айтмоқчи «Ётиб еганга – тоғ ҳам чидамас»лигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Эрининг топганига файзу баракани уйдаги аёли бағишлайди. «Қилич тутган саркардадан, игна ушлаган аёл афзал!» деб бекорга айтилмаган.

Пул топиб, уйига ризқ-рўз йиғиб келишдан ортиқ бойлигига яна бойлик қўшиш илинжида юрган эркаклар ана шу яхши ниятларига эришишлари учун доим ёнларида энг садоқатли, ақлли, идрокли, заковатли, фаросатли, иродали, жасоратли, меҳрли, ҳалол, покиза ва шунга ўхшаш кўп-кўп фазилатларга эга бўлган аёлнинг доимий ҳамроҳ бўлишини орзу қилишлари табиий. Аёлларни оиланинг устунини, яхшиликка илҳомланти-

рувчи деб қарайдиган бўлсак, «Эрни эр қилиш», уй тутишни уддалаш, атрофдагиларга нур таратиб туриш учун ҳам юқорида санаб ўтилган фазилатлар сизга ортиқ даражада керак. Илм ва одоб тенги йўқ хазина, деб элимиз бекор урғу бермаган. Оиласида ақлли, фаросатли, ҳалол, покизалик билан донг таратган аёлнинг бойлиги ортиши билан бирга, қадр қиммати ҳам ортиб боради. Бу фазилатлар ёшликда «Элнинг кўрки» сифатини олишга муваффақ бўлган, илм ўрганган, тарбия кўрган, яхши ниятли, фидойи аёлларга юқади. Камини бундай аёллар умр бўйи яна ўқиб-ўрганиш билан тўлдириб бораверадилар, ҳеч қачон тинмайдилар. Бундайларнинг чиройи тобора очилиб, файз кириб, кўзлари нурли бўла боргани каби, қадамлари етган ер гулзорга айланиб бораверади.

Суҳбат охирида илтимосингизга кўра яхши одамлардан эшитганим бир

*Дуо: Борган ерингизда ҳар бирингиз ҳам бахтли, тожу тахтли бўлинг! Тебратганингиз бешик, кўрганингиз бир эшик бўлсин! Бир оиланинг беназир бекаси, кўпнинг тўрға ўтар ўктам эркаси бўлинг! Омин, Оллоҳу Акбар!*

## ТАНГРИНИНГ ТАҚДИРИДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС

Ота-онангиз уйида «меҳмон»лик муддатингиз тугаб бораётганини ҳар куни юрагингиз увушибгина сезаяпсиз. Тўғрими? Йигирманчи, айримларингиз йигирма биринчи, йигирма иккинчи баҳорингизда «Пешонангизга битилганини», яъни «Тақдир кишингизни» танлаб бўлдингиз. У кишини аввал ота-онангиз танлашди. Кейин ҳар томонлама мулоҳазаларини сизга етказишди. Ойингиз, опангиз, келинойингиз билан қилинган суҳбатлар эсингиздами? Улар куёвнинг оиласи, ота-онаси, ака ва укаси, уйи-жойи ҳақида, куёвнинг ўзлари пайқаган айрим фазилатлари ҳақида гапириб беришди. Аммо ҳеч бирлари «Фақат шу йигитга турмушга чиқасан, вассалом!» деб туриб олишгани йўқ. Тўғрими? Ўзингизга ҳавола қилишди. Агар билсангиз, бу ҳам миллатимиз ички маданияти юксаклигининг тимсоли. Бизда қизларни жуда ҳурмат қилишади, уларнинг эркини ҳимоя қилишади.

Бир қарорга келгунингизча неча-неча тунларни юдуз санаб ўтказдингиз.





Келажагингизни лоақал тасаввурда ҳам кўра олмаяпсиз-а? Ўйлаяпсиз... Ўйлаяпсиз... Ўйламай иложи борми? Чунки турмушни сиз қиласиз. Чунки сиз яшайсиз, кўплашиб танланган куёв билан...

Кўп нарса энди сизнинг ҳаётга нечоғли тайёригингизга, феълингизга, одобингиз, олган тарбиянгиз, уқувингизга, иродангизга, оила тутиш сирларини эгаллашга нечоғли уринганлигингизга ва сиз билан суҳбатлашувчиларга нечоғли ишонингизга, уларга ҳурматингизга боғлиқ.

*Заргар қилган занжирни узиб бўлмас ёр-ёр,  
Оллоҳ битган тақдирни бузиб бўлмас ёр-ёр...*

Тўйингиз оқшомида жаранглайдиган бу сўзлар сизга бир умр қувват бўлсин, қизларжон!

*Эй, Навоий, қочмоқ ўлмас  
Тангрининг тақдиридан...*

Буюк Навоий айтмоқчи «Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмас»лиги руҳингизга мадад берсин, она қизларим!

Ана шу мадад ва қувватни яхши ҳис қилиш учун бугун яхшилаб ўйланг. Тўйдан сўнг кўп нарсага кўз юмишга тўғри келгани сабабли ҳам, тўйдан олдин ҳамма нарсага кўзни катта очиб қараш керак, деган гапни сизлар ҳам кўп марта эшитган бўлсангиз керак. Янги уйингиздаги ҳаётингизнинг ҳар сонияси ана шу ўйлаганингиз оқибати қабул қилган қарорингиз амалига имтиҳондир. Қарорида муқим бўлган одам амалда ҳам муқимдир.

Иродали, мулоҳазали келин сифатини олиш учун ҳар қадмингизни ўйлаб босишингизга тўғри келади. Шунинг учун ҳар сўз, ҳар иш, ҳар фикрингизни изҳор этишдан аввал яхшилаб ўйлаб олиш керак. Кейин эса ҳар сўз, ҳар иш, ҳар фикрингизда муқим бўлинг. Фикрингизни тез-тез ўзгартираверманг. Хато қилганингизни англаган бўлсангиз, яхшиси секингина қайнона ойингизга айтиб кўринг. Яхши оналар ўз уйларидаги сирни кўчага олиб чиқмаслик чорасини кўрадилар. Сизнинг уларга бўлган ишончингиз, уларни сизга сирдош қилади.

Ким нима деса, ўшанга оғиб кетаверманг. Чунки тил бошқаларники, фикр бошқаларники, турмуш савдоси эса сизнинг



бошингизда. Ҳар нарса ҳақида ўз қарашингиз бўлгани яхши, албатта. Аммо бу қарашни бўлар-бўлмасга «кўз-кўз» қилавериш яхши эмас.

Ҳаммага сир айтаверманг. Ёшларнинг катталарга ақл ўргатавериши ҳам хунук кўринади.

Янги уйингиздагиларга (энди бу сизнинг ҳам чин уйингиз) энг аввало қайнона-қайнотангиз, куёвингиз, қайин ака-укалар, опа-сингилларга ишонинг.

Аввало жуфтингиз олдида, ўз оилангизда қадр топсангизгина бошқалар олдида ҳам қадр топишингизни унутманг. «Элга суюкли бўлиш учун аввало, эрга суюкли бўлиш керак» деган гапни дилингиздан чиқарманг.

Айрим вақтлар бу уй аъзолари ва эрингизнинг кўнглини олиш, уларга хуш ёқадиган ишни қилиш учун ўз кўнглингизни, ўз раъйингизни вақтинча унутишга, қарашларингиздан бироз чекинишга тўғри келади. Бундан келадиган ютуқ – бахтибекамликдир. Вақтида бир гапдан қола билган аёллар ўз уйларининг маликасига айланганларига мисоллар жуда кўп. Юк кўтарган ютади, деб бежиз айтишмаган.

Ҳа, она қизларим, Тангрининг тақдиридан осонликча кечиб бўлмайди. «Эрдан кечмоқлик – жондан кечмоқлик» лигини унутманг.

Момоларимизнинг айтишларича, ҳар бир аёлнинг бошида уч ўлим бор эмиш. Бири унинг табиий ўлими, яъни вақти қазоси келиб, ажали етгандаги ўлими экан. Иккинчисига аёл ўз ихтиёри билан бир неча бор рўбарў келармиш. Тўлғоқ дардларини, маълумки, аёллар бир неча бор бошларидан кечирадилар. Ҳар гал, ўхшатиш жоиз бўлса, ажал билан юзма-юз турадилар. Чақалоқнинг ингаси аслида аёл матонатига мадҳиядир дегувчилар ҳақ.

Эрдан ажраш номуси шу даражада кучли эканки, уни аёлниг учинчи ўлими билан тенглаштирадилар. Бунда турмушнинг икир-чикирларига ёки кичик синовларга ҳам дош бера олмай ёки оилада тенг ҳуқуқлилик даъвоси ўлароқ, «Характеримиз тўғри келмади», «Юлдузимиз бир-бирига мос эмас экан» деб оила бузилиши назарда тутилаяпти, албатта. Афсуски, бунга мисолларни ўзингиз ҳам кўплаб келтиришингиз мумкин. Айрим келин-куёвлар никоҳ кийимларининг оҳори тўкилиб улгурмай, ажралиш ҳақида ариза кўтариб юрибдилар.



Қадим-қадимдан халқимизда «Бир оғирга – бир енгил», «Бир яхшига – бир ёмон» деган гаплар бор. Дунёда нечта одам бўлса, шунча феъл-атвор бўлади. Кишиларнинг ҳамиша миждози бир-бирига тўғри келиши қийин. Биров «пов-в» этиб ёнса, бировнинг кўзида битта учқун ёқиш қиёматдан қийин дейишади.

Одамга феъл, миждоз, «оғирлик» ва «енгиллик» туғма берилгани билан, улар доимий ва ўзгармас экан деб ўйлаш нотўғри. Одам – тирик жон ахир! Унинг ёши улғайиши, оила ва иш шароити, таълим-тарбия таъсири натижасида инсон руҳиятида ҳам турфа ўзгаришлар рўй беради. Демокчимизки, эрхотиннинг юлдузи бир-бирига мос келмаган, турли характердаги ва турли миждоздаги одамлар бўлишига қарамай, ният яхши бўлса, мақсад тўғри бўлса, юлдузларни бир-бирига мослаб, муросаи-мадора қилиб келишиб, суюшиб, муносабатни мослаб бориш керак.

Одамий яшаш, одамий ният қилиш, шу ниятларнинг амалга ошишида одамий ҳаракат қилиш керак деганимизда, инсоннинг ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларни бошқаришга қодирлиги, зарур ерда бу туйғуларга муайян йўналиш бера билишга қодирлигини назарда тутяпмиз. Баркамол кишиларнинг бунга қодирлигига фозил кишилар қадимдан урғу бериб келганлар.

Қизлар, келинлар, аёл-оналар ҳақида гап кетганида кўпинча уларга оиланинг маънавий муҳитини яратувчилар, бу муҳитни яхшилик ва умидлилиқ пардасида сақлаб турувчилар деб баҳо берилишини унутмасангиз бўлгани. Бизнинг ўзлигимизни ифода этувчи асосий фазилатларимиз – келишувчанлик, кечирувчанлик, фидойилигимиздир.

Аёл зоти табиатан моҳир руҳшунос қилиб яратилган. Аёллар ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларини бошқара олишга, юраккиналарига керакли йўналиш бера олишга қодирдирлар. Бежиз бизга «Сув келса – симириб, тош келса – кемириб кетишади», деб нисбат берилмаган.

Юлдуз юлдузга чап бўлиб турган вақтларда момоларимиз ҳамиша оила масъулияти юкини кўпроқ аёллар уҳдасига ортадилар. «Ақл билан иш қилинг! Бир гапдан қолинг!» деб ўргатадилар. Ақл ва виждон жиловини қўлида маҳкам тутган аёл ҳам, эр ҳам асосий мақсадни аниқ белгилаб олиши мумкин бўлади. Бирга турмуш қуриб, бирга яшашдан мақсад – оилани муқаддас билиб, болалар боши узра ёғду сочиб турган Қуёш

– отани, Ой – онани асраб қолиш бўлса, демак, аввало икки томон, қолаверса асосан аёллар кўпроқ, юлдузни юлдузга мослаштиришга уринишлари, келишишга ҳаракат қилишлари лозим. Инсон ўз жуфти-ҳалолининг юлдузини кўзлаб, юлдузларни бир-бирига мослаб юришга интилиши билан ҳам табиатнинг бошқа мавжудодларидан фарқ қилишини доим эсда тутинг. Шунга эришилгандагина «Тангрининг тақдирдан қочиб», «Оллоҳ битган тақдирни бузиб» бўлмайди.

Қизлар доим ёрқин муҳаббатга ташна бўладилар. Ёрқин, энг садоқатли муҳаббатнинг бирдан келиши кам учрайдиган ҳолат. Бундай муҳаббат умрини чақмоқ умри билан қиёс қилишади. Бир-биридан яхшилиқ излаб, бир-бирининг яхшилигини ошириб, йиллар давомида бир-бирининг кўнглини овлаш эвазига эришилган муҳаббатнинг умри узун, меваси шириндир.

*Дуо: Илоҳо, Оллоҳ ҳар бирингизнинг пешонангизни кўҳлик қилиб, ёрқин тақдирни мангуга битган бўлсин. Танлаган кишингиз сизга меҳр-муҳаббатли бўлиб, юлдузингиз ҳамиша бир-бирингизга иссиқ кўринсин! Бахт юлдузингиз ҳамиша чарақлаб турсин! Омин, Оллоҳу Акбар!*

## СИЗНИНГ ОСТОНАНГИЗ

Бугун сизлар билан остона ҳақида сўзлашишни хаёлимдан ўтказганимдан бери, хотирамга бир вақтлар бувимдан эшитган бир ривоят келаверди.

Қадим замонларда бир мусофир йигит бир кўҳна кентда ов қилиб, ўтин териб тирикчилик қилар экан. Кунларнинг бирида у уйланибди. Кўп вақт ўтар-ўтмас, унинг уйланганини эшитган отаси ҳол-аҳволдан хабар олиш учун бошқа узоқ кентдан туя миниб келибди. Сўраб-суриштириб, ўғлининг уйини топиб, дарвозасини қоқибди.

Эшикни очган аёл мўйсафидга салом берибди. Аёл қайнотасини ҳали кўрмагани учун келган кишини танимабди. Ўғлининг уйда йўқлигини эшитган ота уйга кирмабди. Шу ерда турибоқ ҳол-аҳвол сўрабди:

– Рўзгорингиз бутми, ҳаётингиз яхшими, болам?

– Аҳволимиз анча ночор. Рўзгорда ҳеч нарса йўқ. Овқат қилай десам, гўшт ҳам йўқ...

– Майли, уй эгасига салом денг.

– Ким келди деб айтай?



– Кимлигимни ўзи билиб олади. Овдан қайтганида унга: «Бир мўйсафид келди, ўғлим остонасини алмаштирсин!» деб тайинлаб кетди, десангиз бўлгани.

Мўйсафид шундай деб йўлга равона бўлибди. Аёл эса ҳеч нарса тушунмай, остонасига тикилганича қолаверибди.

Эри қайтгач, хотини унга бўлган воқеани ва чол тайинлаб кетган гапни айтибди.

– Остонанинг нимасини алмаштираман, бинойи турибди-ку, – дебди хотин ҳайратини яширмай.

Йигит ўйланиб қолибди. Эртаси куни у хотинининг жавобини бериб, кўп ўтмай, бошқа аёлга уйланибди.

Орадан анча вақт ўтибди. Ўша мўйсафид бир куни яна шу эшикни тақиллатибди.

Аmmo бу гал эшикни бошқа аёл очибди.

– Ассалому алайкум! – дебди у тавозе билан чолга.

Чол алик олгач, аёл мулойим дебди:

– Уйга марҳамат қилинг, отахон! Узоқ йўл босиб келаётган экансиз. Тезда хошам ҳам қайтиб қоладилар.

Чол мамнуният билан мўйлабини силаб қўйибди, ammo бу келини ҳам уни ҳали таниб улгурмагани учун ўғлиники бўлса ҳам, эркаги йўқ уйга кирмабди.

– Тирикчилигингиз қандай ўтаяпти, қизим? – сўрабди чол.

– Оллоҳга шукрлар бўлсин, Ўзи берган ризқимизни териб юрибмиз. Юрт қаторимиз, – дебди келин.

Аёл тезда уйга кириб, косани тўлдириб сув олиб чиқиб, мўйсафиднинг чанқоғини қондирибди, махси-кавушларини артиб қўйибди. Эри келганида албатта келиб меҳмон бўлишини тайинлабди.

– Йўлингиз анча олисга ўхшайди, отахон, – деб сочиққа нон ўраб, қўлига берибди.

Чол уни узоқ дуо қилибди.

– Кимлигингизни, қайси қавмдан эканлигингизни айтинг, отахон. Ҳали-замон хошам келиб қоладилар. Фалончи ота келдилар, сиз йўқ бўлганингиз учун уйга кирмадилар. Дуо қилдилар, деб айтаман.

– Барака топ, қизим. Эринг келганида айт, остонасини маҳкам ушласин. Шу гапни десанг, кимлигимни ўзи билади! – дебди ва йўлга равона бўлибди.

Ов қилиб, йўл-йўлакай ўтин териб келган эрини аёл очиқ чеҳра билан кутиб олибди. Йигит чангини қоқиб, қўлини юв-



гач, олдига чой билан бир бурда нон қўйибди. Сўнгра унинг ёнига ўтириб, кундузи бир мўйсафид эшикларини қоқиб келганини, аммо уйда эркак киши бўлмагани сабабли ичкари кирмаганини айтибди. Аёл бу нуроний чолга раҳми келганини, уйда бор нонни – икковининг насибасини бериб юборганини ҳам узр билан айтибди.

Қўлидаги қотган нонини сувга ботирар экан, йигит сўрабди:

– Мўйсафид кимлигини, қайси қавмдан эканини айтмадиларми?

Шунда аёл чолнинг тайинлаб кетган ғалати гапини айтибди:

– «Эрингизга айтинг, остонасини энди топибди, уни маҳкам ушласин!» деб тайинладилар. Шу гапни айтсам, сиз у кишининг кимлигини билар эмишсиз... У кишини танийсизми?

– Эшигимизга келган мўйсафид – отам эканлар! Сенинг муомалангдан у киши жуда мамнун бўлибдилар. «Остонасини энди топибди, уни маҳкам ушласин!» дейишлари билан оиламни мустаҳкамлашни буюрибдилар, – тушунтирибди йигит.

Бу ривоятни эслаганимнинг боиси, шу ерда учраган остона сўзининг ҳаётда неча хил маънода келишига, келинг, биргалликда аҳамият берайлик.

Остона – оила... Остона – уй... Остона – аёл, қиз, хотин... Остона – оиланинг маънавий муҳити, ахлоқ даражасини кўрсатувчи кўзгу... Остона – эрта-индин сизларга бериладиган рамзий баҳо...

Чунки халқимизда «Келинлик уйга тезда қулф тушмайди», деган гап бор. Келинлик уйдан вақт-бевақт меҳмон аримайди. Бунга келинлар жуда яхши билишади. Барвақт туриб эшикни очиб, ҳовлини супириб-сидириб, ҳамма ёқни озода тутишади. Кексаларнинг гапига қараганда, барвақт туриб очилган эшикдан қут-барака кириб келармиш. Озода остонадан ўтганларнинг дуолари вожиб бўлармиш.

Оилани кўпинча бир кичик мамлакатга ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Аёл кишининг вазифаси шу кичик мамлакатнинг ичини бошқариш. Бу сўзларни эшитганда, демак, аёл кишининг вазифаси уйни озода тутиш, овқат пишириш, болага қараш эканда, дегувчилар бўлади, албатта. Тўғри, бу уларнинг бирламчи вазифаси. Аммо юқоридаги ривоятдан кўришиб



турибдики, аёл – шу кичик мамлакатнинг ташқари билан муносабатининг ҳам рамзи, юзи экан.

Овчининг биринчи аёли ўзи ҳали таниб улгурмаган, эндигина кўриб турган кишиси – қайнотасига сирини олдирди, рўзғорида ҳеч нарса йўқлигидан зорланиб ҳам улгурди. Шу билан остонасининг – турмушининг омонатлигини ошкор этди. Эътибор беринг, иккинчи аёли ҳам айнан шундай шароитда турмуш кечиради. Аммо берилган саволга «Худога шукр, эл қатори насибамизни териб юрибмиз!» деб жавоб берди. Яна ночорлигини мутлақ ошкор қилмайдиган ҳаракатни қилди – уйидаги бор нонини «Йўлда ерсиз!» деб олиб чиқиб берди. Эвазига дуо олди. Эрининг ови бароридан келганини шу мўйсафид кишининг дуоси туфайли деб қабул қилди, суюнди. Шундай суюнч кайфиятда эрини кутиб олди. Ўзининг ҳам, эрининг ҳам кайфияти кўтарилди. Шундан кўриниб турибдики, келиннинг ял-ял ёниб юришигина эмас, яшнаб, ўзидан нур таратиб юришида ҳам гап кўп экан.

Диққат қилган бўлсангиз, уйда ойингизнинг йиғ-тер, ишга бориб келишдан ташқари яна кўп вазифалари бор. Улар ўз болалари ўртасидаги муносабатнинг яхши бўлиши учун астойдил ҳаракат қиладилар. Ҳар бирингизнинг иш-ўқишингиздан бохабарлар. Кўпинча сизнинг ҳар бирингизга тегишли, адангиз ишига тегишли жуда яхши маслаҳатлар берадилар. Баъзида ойингизнинг жуда кўп нарсаларни билишларидан, ҳар соҳада билимдон эканликларидан ўзингиз ҳам завқланасиз. Кўни-қўшни, қариндош-уруғ билан муроса қилишларини кузатганмисиз? Нақ дипломат бўлиб кетадилар-а! Чунки улар ўз «мамлакатлари» – оилалари ҳақида атрофда заррача бўлса ҳам ёмон фикр туғилишини истамайдилар. Бунга йўл қўймайдилар ҳам. Бу сизларга ўрнак бўлсин!

Келин бўлиб тушаётган ерингизда ҳам остонасини муқаддас биладиган шундай аёл – қайнонанингиз бор. Сидқидилдан уларга эргашсангиз, сизни бека, соҳибалик йўлидан аста авайлаб олиб ўтадилар, остонангизни асрашга ўргатадилар.

Яхши ният, яхши ҳаракат, меҳр-муҳаббат билангина тўйингизда айтилган «Ёр-ёр»да ваъда қилинган тилло остоналик уйга эришасиз.

*Дуо: Илоҳим, остонангиз ҳамиша покиза, ҳамиша мустаҳкам бўлсин! Илоҳим, қулфи дилингиз очиқ бўлсин! Остонангиз сизни шу хонадон аъзолари-ю меҳмонларига ҳамиша*



*меҳрли, марҳаматли кўрсатсин! Остонангиздан ўтганларнинг яхши ниятлари вожиб бўлиб, сизга «рисоладагидек келин» мақомини олиш ва бахтибекам бўлиш насиб этсин! Буларнинг оқибати ўлароқ, шу кичик мамлакатингизнинг чин маликаси бўлиб юринг! Омин!*

## СИЗНИНГ ТАШРИФНОМАНГИЗ

Ҳозир кўпчилик ёнида ташрифнома (визитка) олиб юришни урф қилган. Сизларда ҳам бордир. Унинг кўп қулайликлари борлиги шубҳасиз.

Аммо ёнингиздаги шу жажжи ташрифномангизни узатгунингизга қадар қаршингизда турган кишида сиз ҳақингизда муайян фикр уйғотадиган бошқа «ташрифнома» ҳам бўлади. Кўпинча биринчи таассурот тўғри бўлиб чиқади.

Бу – сизнинг сувратингиз, яъни ташқи кўринишингиз. Бу ташрифнома билан сиз дастлаб кишилар қалбига бамайлихотир кириб борасиз. Баъзида қаршингиздаги эндигина танишган кишининг сизни негадир хушламаётганини сезасиз, улар учун номигагина муомала кишисига айланасиз... Баъзида эса сувратингиз, яъни ташқи кўринишингиз, кийинишингиз ёрдамида ҳамсуҳбатингизда ишонч уйғотасиз, шу қалбда узоқ қоласиз. Шунинг учун ҳам кишининг кўзига биринчи ташланадиган нарсалар жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, сизнинг очиқ кўнглингиз ва самимиятингиз рамзи бўлган ним табассум ҳам жуда муҳим.

«Кутиб олиш – сувратга, кузатиш – сийратга қараб» деган гап бор. Одамнинг суврати ҳам, сийрати ҳам гўзал бўлиши керак, деган гапни ҳам кўп эшитгансиз. Аммо уларнинг иккаласини уйғун, яхлит гармонияда олиб юриш нақадар қийинлигини сиз ҳозир ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Балки суҳбатимиз мавзуси сизга жуда эриш туюлар. Балки минг марта эшитганингизни қайтараётгандирмиз... Панд бериб қўяётганлар бўлмаганида-ку, суҳбатимиз мавзуси ҳам ўзга бўларди. На илож, такрор-такрор ўтилган дарс эсда кўпроқ қолишини яхши биласиз. Қолаверса, ҳаётнинг ҳар сонияси сабоқ, имтиҳонлардан иборат...

Бу воқеани бировдан эшитганим йўқ. Ўз кўзим билан куни кеча, шу сизга яқин бекатда кўрдим. Ва билмадим, нечанчи





бор ёшларимизнинг суврати-ю сийрати ҳақидаги, яширмай айтишим керак, оғир ўйлар яна дилимни ўртади. Шу сабабли уни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман...

– Кийими яланғочнинг фикри яланғоч, юзи беҳаё, орзи шармсиз! Ҳозирги қизларимизнинг суврати гўзал кўрингани билан сийрати ана шунақа – мажруҳ! Буни дегувчи киши ойнага қараб ўтирар, чамаси ички алғов-далғов фикрларига яқун ясади шекилли.

Автобусга чиққанимда орқадаги ўриндиқда уч қиз атрофларида улардан бошқа ҳеч ким йўқдек, автобусни бошларига кўтаргудек бўлиб, баралла чақ-чақлашиб келишарди. Олдинги ўриндиқлардаги ўтирган аёллар ва мўйсафид киши баъзан ўгирилиб, баъзан эса ҳайдовчи тепасидаги кўзгудан қизларга норизо қараб қўйишар, қизлар буни пайқашса ҳам парво қилишмасди. Бирининг мини юбкаси ўтирганида яна ҳам юқори кўтарилган, беўхшов керилган оёқлари орасидан яланғоч сонигина эмас, ич кийимлари ҳам бемалол кўриниб турарди. Иккинчисининг икки ёни баланд қийилган қўйлагининг олд этаги тиззалари орасига тушиб, оппоқ сони очилиб қолганди. Учинчиси ҳартугул шим кийган экан. Бироқ у ҳам оёқларини бесўнақай чалиштириб, олдинги ўриндиқнинг суянчигини ҳайдовчи радиосидан таралаётган муסיқа оҳангига мос тап-тап тепиб ўтирарди.

Қизлар сўнгги бекатда ҳам тушишмади. Уларнинг хатти-ҳаракатига ҳайдовчининг тоқати тугади шекилли, автобус силжиганда тепасидаги кўзгу орқали уларга мурожаат қилди:

– Қизлар, қаерда тушасизлар?

– Оқтепада! – жавоб берди уларнинг бири чимирилиб.

Уччаловининг вужудидан «Сенга нима?!» ёғилиб турарди.

– Ҳозир ўтдик-ку Оқтепадан! Нега туша қолмадинглар? Маҳалла ичини айланиб, охирига бориб қайтгунча қанча вақтингиз бекор кетади!

– Йўлкирангни олгандан кейин нима ишинг бор? Йўлга қараб кетавер!

Буни дегувчи ёни кесикли қўйлак кийган қиз эди. У оёғини ликиллашиб, чехрасини тунд қилиб, ойнага қараб гўё секин айтди бу сўзни. Лекин ҳамма бемалол эшитди.

Ҳайдовчининг ижирғангани кўриниб турарди-ю, индамади. Ундан кейин қизларнинг бири томонидан айтилган куракда турмайдиган сўзни ҳам эшитмаганга олди. Қизларнинг ота-

си тенги бу одам ичидаги зардобини тупугига жамлаб кўчага қараб тупурди...

– Болам, тўхтат мошинани! Тушириб юбор бу юзсизларни! – Бу мўйсафид кишининг сўзлари эди. – Ёшларни кўрганда дилинг яйрагувчи эди, булар бўлса автобуснинг ҳам ҳавосини бузади-я! Падарилаънатилар...

– Ҳозир тушамиз, бобой! Кейин сизга ўхшаган эзмалардан тўрт соат дарс эшитамиз...

– Хайф сенларга дарс! – кекса киши титраб кетди.

Автобус Оқтепага яқинлашганда қизлар ўринларидан туриб, худди кийимларини намойиш қилаётган манекенлар каби саллоланиб юриб, олдинги эшикка яқинлашишди.

– Фақат бизни уришасизми? Мана бу хотинлар ҳам биз билан баробар катайса қилиб юришибди. Йўл ҳақини двойной олинг улардан ҳам! – деди уларнинг бири ҳайдовчига олдинда ўтирган аёлларни кўрсатиб.

Ерга қараб жим келаётган аёлларнинг бири бехосдан тилга кирди:

– Сизни келин қилмоқчи эдим... Кеча уйингизга совчиликка бориб, онангиз билан танишдим. Бугун ўғлимдан қаерда ўқишингизни билиб, кўчада, ўқишда қандай экансиз, ўғлим янглишмаяптими, деб ортингиздан кузатиб келаётган эдим... Афсус...

– Вой, Зебош, шунақа эскишаҳаровский простой хотинларга келин бўласанми? – узун, аммо икки ёни қирқилган кўйлак кийган қиз, аёл мурожаат этган қизнинг елкасига бир туртиб хахолаб куларди.

Автобус тўхташи билан қизлар сакраб туриб кетишди.

– Зебош, қайнанашиканга «бай-бай» де! – ҳамон куларди бояги қиз.

– Бир пас жимгин! – шим кийган қиз аёлнинг гапидан тош қотган эди.

– Вой, опа-ей, сизни худо асради! Ҳозирги қизлар жуда ўзгариб кетган... Шуларнинг бири уйингизга келин бўлиб қолса борми? Зебо эмас, офат-а, офат!

Иккинчи аёл секин гапирётган бўлса-да, унинг сўзларини ҳамма эшитиб турарди.

Қизларнинг иккитаси автобусдан тушгач, билим юрти томон кулишиб, тез юриб кетишди. Фақат ҳалиги, аёл мурожаат қилган қизгина автобусдан тушган ерига михлангандек, дуго-



налари кетидан юришини ҳам, автобусга чиқиб аёлларга бир нима дейишини ҳам билмай тик қотиб қолган эди. У кўзини ердан узмасди. Айни пайтда дугоналари унинг қолиб кетганини пайқашмади ҳам.

Ана шу жимжитликда мўйсафиднинг ранжиган сўзлари яққол эшитилди:

– Кийими яланғочнинг фикри яланғоч, юзи беҳаё, оғзи шармсиз. Ҳозирги кўп қизларимизнинг суврати гўзалдек кўрингани билан сийрати мана шунақа – мажруҳ!

Орага оғир сукунат чўкди.

Одатда, автобус охирги бекатда узоқ туради. Ниҳоят у силжиди. Автобус бурилаётганида аёл секин орқага қаради. Қиз ҳамон жойида қотиб турарди...

У ҳали жуда ниҳол эди... Унинг жойида қотиб қолгани, ниҳоллиги дилимга умид бериб, беихтиёр унинг олдига қайтиб, қулоғига аста шивирлагим келди. Уни сиз ҳам эшитинг:

Оҳ, қизгинам-а! Мана ҳаётдаги биринчи зарбани ҳам олдингиз... Илоҳим бу охиргиси бўлсин. Бу асосан ўзингизга боғлиқ.

Сиз ҳозир шундай ёшдасизки, ҳамма нарсага тез бериласиз. Ҳозир кийимингиз туфайли жуда оғир гапни эшитдингиз. Эҳтимол, бу кийимни сиз кўр-кўрона дугоналарингизга эргашиб кийгандирсиз. Шунинг учун берилган баҳо ҳам умумий бўлди. Умумий бир умр жузъийга айланиб қолмасин-да!

*Дуо: Суврат ва сийратингиз ҳаминша гўзал ва уйғун бўлсин! Сиз келин бўлиб тушаётган хонадондагиларнинг сизни келин қилиб танлаётгандаги туйғулари сизга нисбатан меҳр-муҳаббат, сизга ишонч ва сизга суюниш туйғуларига ўсиб, қалбларини бир умрга илтиб турсин! Омин!*

### ОДДИЙ НАРСА-Ю...

*(Талаба қизлар одобига уларнинг ўз назари)*

**Муҳаббатнинг адабгоҳи кўтармас қувнамакликни,  
Ки шабнамдан очилур гул ва кўз ёшлардан нигоҳ  
анда...**

*Мирзо Бедил*

Иқтибосдан сезиб турибсиз-ки, суҳбатимиз одоб ҳақида...

Бу жуда оддий нарса-ку, шунга бутун бир машғулотни бағишлаш тўғрими, деб ўйлаётгандирсиз. Чунки кўп ёшлар ай-

нан шу мавзуда суҳбат юритишни – вақтни беҳуда ўтказиш деб ўйлайдилар. Аслида мана шу – жуда оддий бўлиб кўринаётган мавзу ҳаётимизнинг туб кўриниши, бизнинг кимлигимизни, ички маданиятимиз, борлигимиз, ҳаётга қарашимизни руй-рост ошкор қиладиган масалалардир. Шунинг учун ҳам буюк шоир Мирзо Бедил инсоннинг одоб ва адаб олами енгил-елпиликни сингиштирмайди, деб таъкидлайдилар.

Ҳар ёшда, ҳар жойда, ҳар иш ижросида ўзига яраша одоб қоидалари бўлади ва ҳаммамиз унга итоат этишга мажбурмиз.

Эртага келинлик либосини кийишга тайёрланаётган сиз – ойим қизларимизнинг аксариятингиз бутун талабасиз. Келинг, бутун қурбимиз етганича талабалар, яъни илм олувчиларнинг одоби ҳақида суҳбат юритайлик. Бу суҳбатни сизнинг фаол иштирокингиз билан ўтказамиз, деб умид қиламан. Бунинг учун ҳозир ҳар бирингиз талаба қизларнинг одоби чизгиларини айтиб чиқасиз. Фикрларингизни ҳаммамиз эшитамиз, мунозара, баҳсли фикрларни биргаликда ҳал этамиз. Шу тариқа бутун кўплашиб илм олувчининг ўзига хос кодексини яратамиз. Биринчи фикрни ижозатингиз билан мен ўртага ташлайман:

– Аввало талаба қиз бахти кулиб олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кирган экан, ўзининг илм олиш, ўқиш мақсади ҳақиқатда ҳам қатъиймиди деб ўйлаши, мақсади аниқ бўлса, унга эришишда собит бўлиши керак. Шу тезис маъқул бўлса, уни ўзингиз давом эттириб кўринг-чи. Мен фикрингизни ёзиб бораман, кейин бирга муҳокама қиламиз. Маъқулми?

– Бунинг учун у дарс вақтидагина эмас, ҳаётининг бутун талабалик фаслида шу эзгу мақсадига эришишида унга бево-сита халақит берадиган ва иккинчи даражали бўлиб кўринган нарсалардан ўзини тия билиши керак...

– Авваламбор у ўзи аъзо бўлган жамоанинг ўзига яраша қоидаларига сўзсиз итоат этиши керак...

– Жамоанинг бошқа аъзоларини ҳурмат қилиши, камтар, камсуқум бўлиши керак...

– Қизлар ҳар бир ҳаракатларида ўзларининг гўзал хулқ-одобларини намоён этишлари керак...

– Яхши хулққа эга бўлиш учун аввало ёмон хулқдан тийи-лиш керак...

– Бу тезисни аввалгисининг давомидан ёзилса, тўғрироқ бўларди. Яъни «Қизлар ўз ҳаракатларида гўзал хулқ-одобни



намоён этишлари, бунинг учун аввало ёмон хулқдан тийилишлари керак»...

– Диққат билан эшитаётганингиздан мамнунмиз, қизим. Ўзингизнинг шу мулоҳазаларга айтадиган қўшимча фикрингиз ҳам борми?

– Боболаримиз илм олишни игна билан қудуқ қазишдек машаққатли дейишади. Талаба қиз қийинчиликлардан қўрқмаслиги, чўчимаслиги керак...

– Талаба қизларнинг башанг кийинишига йўл қўймаслик керак.

– Бу – инсон эркини бўғиш-ку!

– Мен кийинишда қизларнинг одоб доирасидан четга чиқмасликларини назарда тутаяпман. Дарсга худди тўйга келгандек кийиниб келиш, шу қизнинг диди ҳали шакланмаганини, унинг мешчанлик ботқоғига ботиш хавфи борлигини намойиш этади, холос!

– Фикрларингиз тўғри, лекин фикр айтишда бундай кескинликка кетиш жуда яхши бўлмаса керак...

– Ўқитувчидан ўтказиб кийиниш ҳам тўғримас. Аввал ўқитувчидаги бор билимларга эга бўлиб олсин-чи! Бу – муаллимга нисбатан ҳурматсизлик ҳам!

– Тўғри, аксарият башанг кийинган қизлар аудиторияда ҳам, автобусда ҳам баланд овозда гаплашадилар. Ўзларини ноҳўя тутиб, ҳаммани эътиборини жалб этадилар... Улар оилада, боғча ва мактабда, коллеж ва институтда кийиниш маданияти ҳақида эшитмаганга ўхшашади...

– Бундайларнинг бошига дарс киришига ишониб бўлмайди. Имтиҳонни ҳам амма-тоғалар воситасида топширишади...

– Олим ва фозил кишилар ўзларининг хушфеъллиги, кишига салобат бахш этадиган чиройли виқори билан ажралиб туришади. Салга жизиллаб кетишмайди. Қизларнинг характерида, айниқса, шу фазилатлар устувор бўлиши керак...

– Ўзидан аълочиروқ қизларга ҳасад қилиш қизларда кўп учрайдиган иллат... Йиғи-сиғи, ёлгон-яшиқ билан дугонанинги биқинидан туртиб, олдиндагининг товонини босиб, оёғидан чалиб олдинга ўтиб олувчилар ҳам йўқ эмас. Илм олишга астойдил интилганларни шундай ҳам муаллимлар, дугоналар зарур пайтда сийлашади...

– Бировларни ғийбат қилишдан йироқ бўлиши керак...



– Илм, билим олиш учун қизлар, биринчи навбатда, қалбни ҳар хил нопокликдан, масалан, мақтанчоқлик ва кибрдан тоза тутишлари керак. Донишмандлар кибрли ва такаббур одамларга билим беришни баланд жойга сув чиқариш азоби билан тенглаштиришади...

– Шунга яқин яна бир гап айтмоқчиман. Муаллимни ҳурмат қилган талабанинг ақли бемор шифокорнинг айтганини қилиб тез тузалганидек, кундан-кунга билими ортиб боради. Демак, ўзига сабоқ бераётган муаллимга унинг ишончи кучли бўлиши керак...

– Дарсга бирон сабаб билан кеч келган талаба қиз, ўзига ҳамманинг эътиборини тортиб, туфлисини тақиллатиб олдинга ўтмасдан, бир чеккадан жой топиб ўтириб, танаффусгача сабр қилиши керак...

– Қизларнинг ўз билимларини намоиш этиш учун бировларнинг суҳбатини бузиб, ўртага суқилиб, ўзиникини маъқуллаши ҳунук кўринади...

– Айтилганни ўқиб бўлдим, бундан ортиқ билишим – ортиқ, деб қаноатланиш калтабинликни англатади. Киши ўзи билганидан ортиқроқ яна нима ўрганиш имкони бўлса, албатта, ўрганиши керак...

– Ўз билганларини дугоналарига ўргатишдан қизғанмаслик керак. Шу ўргатгани учун бирон нарса таъма қилиши ҳам яхши эмас. Таъма – кишининг кишидан кўнгли қолишига олиб келадиган, ишончини йўқотадиган ярамас иллат...

– Қийинчиликлар инсон зеҳни, идроки, ақли, тафаккурини чархлайди, деб бежиз айтишмаган, ҳақиқий илм ҳеч қачон осонгина киши онгига жойлашиб олмайди. Дугоналаримиз қийинчиликдан қўрқишса, ожизлик ботқоғига ботишади...

\*\*\*

– Ойим қизлар! Барча фикр-мулоҳазаларни ҳаммамиз диққат билан эшитганимиздан, бир-биримизни тўлдирганимиздан, айрим фикрларга ҳатто кескинроқ бўлса-да эътироз билдирганимиздан бугунги мавзуга ҳеч биримиз бефарқ эмаслигимизни англаш мумкин. Бугунги суҳбат мавзусини биргаликда ва кўп қиррали қилиб ёритганимиз яхши бўлди. Айтганларимиз фақат талабаларгагина оид эмаслигини ҳаммангиз яхши англаб турибсиз. Фақат уларга амал қилиш ёдингиздан чиқмасин! Шунга кўра:



Дуо: *Илоҳо илмга, билимга бўлган самимий ва чин ихло-сингиз кам бўлмасин! Кишининг ҳақиқий бойлиги илми ор-тидан келадиган маънавий бойлик эканига шшонч қалбин-гизни машъалдек ёритиб турсин!*

## НАЗОКАТ

Ёшликда инсон куй ва қўшиққа жуда берилувчан бўлади. Сиз ҳам шундайсиз, албатта. Баъзида уйда ҳеч ким йўқ вақ-тида ойингиз буюриб кетган, аммо ўзингизга унчалик ҳам ёқинқирамайдиган уй йиғиштириш, чанг артиш, чинни тур-ган жовонларни тозалаш каби ишларни бажаришни енгилла-тиш учун магнитофонни аста хиргойи қилдириб қўясиз-а? Кейин ўзингиз ҳам сезмаганингиз ҳолда қалбингизга тўлқин бўлиб кирган куй оҳангига шундай эшилиб-эшилиб рақс ту-шасиз-ки, кўрган одам сизга маҳлиё бўлмай иложи йўқ. Аммо сизни ҳеч ким кўрмайди. Бу кичик сирингизни ошкор қила-ётганимиз учун узр. Лекин айти мана шундай қалб «эриган» пайтда қалбу жисм ҳаракати уйғунлиги содир бўлади. Буни ўзингиз ҳам сезасиз. Назарингизда, ҳаётингизда бир пилла-поя кўтарилгандек бўласиз. Тўғри, шундай ҳис қилишингиз ҳам табиий, чунки бу хаёлий пиллапоя – назокат пиллапояси-дир.

*«Янги келинчаклар каби бизга хиром айлаб келинг...»*

Бу қўшиқни ҳам кўп эшитгансиз. Балки дилингизда байт-нинг оҳангига эргашиб, қилаётган ишингизни ҳам унутиб, у ёқдан-бу ёққа «янги келинчаклар каби» юриб ҳам кўргандир-сиз?

Янги келинчакнинг чиройли юриши – хиромида ўзига хос ибо, иффат, назокат ва гўзаллик бўлгани учун неча-неча бор уларга маҳлиё боққансиз, албатта. Ҳозир эса уларга тақлид қилаяпсиз.

Янги келинчакларнинг юриши бўлакча эканининг сирини мадалигини билишни истайсизми? Янги келинчаклар ўзла-рига ҳамма қизиқсиниб қарашини яхши биладилар. Шундан ҳар бир хатти-ҳаракатларини ўзлари синчковлик билан назо-рат қиладилар. Ҳар бир одим, бурилишларигача кўзгу олди-да, бунинг имкони бўлмаса – хаёлан неча-неча бор машқ қила-

дилар. Шунинг оқибатида улар шунчаки юрмайдилар – хиром айлайдилар, яъни чиройли ва нафис юрадилар. Янги келинлар шарақлаб кулмайдилар – чиройли ва майин табассум қиладилар... Айни келинлик пайтида улар ҳамма нарсалари чиройли бўлишини жуда-жуда истайдилар. Истак ва ҳаракатлари уйғунлашиб, оқибат шоирона ташбеҳларга лойиқ бўладилар. Келинликнинг ўзи назокат, гўзаллик, нафосат тимсолига айланади. Ишончим комил, бу туйғуларни ҳар бирингиз, албатта, бошингиздан кечирасиз. Фақат бу жуда тез ўтиб кетмаслиги керак.

Бизга, қиз-аёлларга чиройли, назокатли кўриниш истаги, шундай бўлишга интилиш ва уриниш ҳамиша ҳамроҳ бўлиши кераклигини суҳбатларда қайта-қайта таъкидлаб ўтишимиз бежиз эмас. У ёғи ўзингизга боғлиқ.

Бу гапларни келинлик остонасида турганингизда айтаётганимизнинг боиси, айнан ҳозир сизнинг оламга-ю одамга, ҳамма-ҳамма нарсага қизиқишингиз ортган пайт. Айнан ҳозир ҳаёт, турмуш, муносабатлар, муҳаббат ва назокат бобида кўрган, эшитганларингизни илиб олиб, умр дастурингиз бобларига «михлаб» қўясиз.

Қиз боланинг, аёлнинг юриш-туриши, гап-сўзи назокатли, дилбар бўлиши керак, деган кўрсатмани қалбингизда айнан шу вақтда қарор топтирсангиз яхши бўлади.

«Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазавор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир», деган экан бир донишманд.

Бу фикрни бир мушоҳада қилиб кўринг.

Аёллик... Эркаклик... Бу тоифаларни бир-биридан ажратиб турадиган хислатларни яхши биласиз. Қолаверса, «қиз бола», «аёл» тушунчалари, уларга ҳамроҳ жисмоний ва маънавий фазилатлар ҳақида кўп эшитгансиз, кўп ўйлагансиз. Ҳамма нарса сизга тушунарлидек. Бироқ негадир бунга лўнда таъриф беришга қийналяпсиз-а?

Одатда, имтиҳон вақтида жуда яхши тайёрланган саволингиз тушиб қолганда ҳам шундай бўлади-а? Лўнда таъриф қидириб уринмай ҳам қўя қолинг. Аёллик, бу – аёллик! Ана шу қисқа сўзда аёлларга, яъни бизга хос бўлган ташқи ва ички дунё акс этмайдими ахир?!





Сифатларга келсак, улар жуда кўп. Эркакларга кўпроқ меҳнатга ғайрати, жамоатчилик фаолияти, ташкилотчилиги, рўзгор сардори, куч-қудратига қараб баҳо берилади. Бу сифат, фазилатлар уларда етакчи ҳисобланади. Аёлларда эса кўпроқ назокат, меҳр-шафқат, эзгу ҳис-туйғуларга тўлиқлик устувордир. Нафсиламбирини айтганда, айнан шу хислатлар аёлга кўп қийинчиликларни енгишига, зиддиятларни барта-раф этишига ёрдам беради.

Кўриб турганингиздек, қиз, аёлларга нисбат берилганда биринчи бўлиб «назокат», «дилбарлик» сифатлари эсга келади. Айнан шу сўзларда қиз-аёлларга хос бўлган хулқ, ахлоқ, одоб акс этади-да.

Назокат, дилбарлик деганда мулойимлик, нозик хатти-ҳаракат, юмшоқлик тушунилади. Қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш, қўлларни силтаб, ҳаммани ўзига қаратиш назокатдан йироқдир. Аксинча, тили ширин, чеҳраси гулгун, иболи, малоҳатли қиз-аёллар ўз оиласининг бахту саодати, ота-онасининг фахри бўлибгина қолмай, ўз элининг, миллатининг кўрки ҳам.

Демак, қизларда, аёл кишида, биринчи навбатда, ақлу фаросат, идроку назокат бўлиши керак.

Яна бир нарсага эътибор бериш керак. Назокат ҳамиша меҳр булоғидан сув ичади. Меҳр эса аёллигини англаган, зиммасидаги вазифа ва бурчларни шараф деб билганларда тинимсиз жўшиб туради.

Дилида меҳри йўқнинг файзи, назокати ҳам йўқ бўлади. Аёл киши нима учун яшаётганини, оила, турмуш, бола-чақа, эр нима эканини чуқур англаб етмаган бўлса, турмушдан ҳеч қандай лаззат топа олмайди.

Назокатли аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билади, номус ва иффатини, қадр-қимматини, шарм-ҳаёсини сақлаб қола олади. Том маънодаги назокатли аёлга (қизга) ёмон эркакларнинг тегажорлик қилишга ҳам ҳадди сифмайди. Бундайлар қаршисида энг чапани эркаклар ҳам вазминлашади. Кўп давраларда назокатли аёлларнинг салобати босиб, зиёфатлар чиройли ўтади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, қиз-аёлларнинг назокати уларнинг феъл-атворида, хулқининг латифлигида, одоб, тарбия ва садоқатида намоён бўларкан. Қизлар маънавий камол топаётганда ўз руҳиятларига масъулик, бурч, уят, меҳрибонлик, фидойижонлик, жигаржонлик, вафо билан бирга, назо-



катни ҳам сингдириб боришлари керак. Шарқона феълимиздаги қондан-қонга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган орият туйғуси, авлодларнинг, хусусан қиз-аёлларнинг шаънини пок сақлаш, оилани муқаддас билиб, унинг шаънига доғ туширмаслик туйғуси қизлар учун жавоҳирлардан ҳам юксакроқ фазилатдир.

Шундай хислат-фазилатларни ўзида мужассам этган қизлар ўз уйларида ҳам, келин бўлиб тушган оилаларида ҳам, жамиятда ҳам нозик гул мисол ардоқланадилар ва эъзоз топадилар.

*Дуо: Илоҳо, қалбингизнинг нафосату назокати кўзларингизни ҳамиша нурлантириб турсин! Илоҳо, «дилбар келин», «дилбар аёл» ташбеҳи сизга ҳамиша йўлдош бўлсин! Омин!*

### АЁЛ – ЎҚИЛМАГАН КИТОБ

Аёл – ўқилмаган китоб...

Бу ташбеҳни биринчи марта ўтган асрнинг олтишинчи йилларининг бошида, “Саодат” журналида янги иш бошлаганимда, журналимизнинг бош муҳаррири, асримизнинг буюк шоираси Зулфияхонимдан эшитгандим. Кейин ҳам бошқалардан кўп эшитганман. Лекин ҳар гал эшитганимда, яширмайман, ҳайратдан лол қолиш билан бирга, ичимда тушунуксиз ва бир-бирига зид туйғулар пайдо бўларди: аёл зоти шунчалар сирлими? Унга не-не сифатларни лойиқ кўришмайди! Бир АЁЛ бошига шунча сифатлар кўплик қилмасмикин?

Ҳар гал ҳайратим билан тенг ёшлигимда ўқиганим бир шеър бот-бот эсимга тушаверарди. Шеър «Муҳаббат, Хиёнат ва Сеҳргар» деб аталарди. Москвада чиқадиган газеталарнинг бирида ўқигандим уни ва одатимга кўра, қалбимнинг бир изтиробли нуқтасига малҳам бўлгани учунми, ўйлантиргани учунми, ўша таниш туйғуларни уйғотгани учунми дафтаримга кўчириб ҳам олгандим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Навбатдаги юрак хуружидан сўнг Қибрайдаги санаторийга қувватлангани юборишди.

– Қандайсиз бугун? – деб сўради эрта билан ишга келган даволовчи шифокор Валентина Фёдоровна, – оғриқлар йўқми юракда?

– Оғриқлар йўқ ҳисоби-ю...

– Аммо-лекинчи? – деди енгил, аммо ишончли табассум билан.



Мен ҳам борини яширмадим:

– Ҳаловатим йўқ...

– Ҳа-а! Хайрият-ей! Бу энди ҳақиқий аёлларга, айниқса, ижодкорларга, кўп мулоҳаза юритадиган аёлларга таниш туйғу! Бусиз иложи ҳам йўқ-да...

– Беҳаловатликнинг нимаси яхши? Яна навбатдаги инфарктга олиб келади-ку?

– Менимча, йўқ. Биласизми, менга шундай ҳолатимда мана бу шеър ёрдам беради. Беҳаловатлигимнинг асл илдизини топаман уни ўқиб. Кейин ҳаммасини яхши томонга буришга ҳаракат қиламан.

– Психолог бўлиб кетинг-а!

– Рост айтаяпман! Ишонмасангиз, ўзингиз синаб кўринг!

Бу ўша таниш шеър эди. Бизнинг авлодда бу шеърга мурожаат қилиб турадиган бир мен эмас эканман шекилли. Ҳам бекорчилик, ҳам руҳан қувват олишни ният қилиб, ўшанда кўлдан келганча уни ўзбекчага ўгирдим. Мана эшитинг:

Э. АСАДОВдан

### **Муҳаббат, хиёнат ва сеҳргар**

Қаҳрдан суюги қоқ, хаёли бузғун,  
Ўлтирар Хиёнат қояга миниб.  
Ёнида Муҳаббат, олча тагида  
Ўлтирмиш шамс нури сочларин ювиб.

Эрта тонгдан териб ўт-илдиз, энди  
Тоғ кўли бўйида ором олишар.  
Бирин юзи чақнаб, иккинчиси – тунд,  
Охири кўринмас баҳс юритишар.

Муҳаббат дер: – Оламда энг кераги –  
Садоқат, диёнат, покликдир асли!  
Юзимиз меҳрла нурларга тўлсин,  
Гўзаллик – ҳар недан устувор ахир!

Хиёнат дер дарғазаб: – Бекор!  
Раҳмат демас шунга ҳеч биров!  
Устингдан қуладир миясизлар ҳам,  
Ичаги узилар, гўё сен мохов!



Яшаш – бу сабоқ: айёр бўл, ҳам оқил,  
Кезида – ожиза, кези – юлғич бўл!  
Бойлик кўрсанг, жойин тишла, уз-у, қоч!  
Ол! Олавер! Жавобини берар гўл!

– Андишасиз яшаш – қоидамда йўқ!  
Сен ҳалол бўла кўр! Бўлсин севгинг зўр!  
– Айт, гуноҳ завқидан юксак нима бор!  
«Ҳалол бўлгин!» эмиш! Ўқимаган, гўр!

Авжга минди баҳсу суронлар бир кун,  
Уйғонди серсоқол қария ҳатто.  
Уч минг йил ғорида ухлаб ётганди,  
Бу улуг Сеҳргар, жаҳли қаттиқ чол.

Қаҳри қайнаб деди: – Бу нима уруш?!  
Жодугарнинг тинчин бузиш! Хап, сенга!  
Ҳозироқ унингни ўчириш учун  
Сизни хумга тиқиб эритай бирга!

Жоду кўли ила тутди Севгини,  
Хиёнатни олди бошқа кўлига.  
Аямай вижимлаб шодлик, ғамни ҳам,  
Ҳаммасини тиқди қора хумига!

Садоқату қаҳр, эзгулик ва оғу,  
Чин-у ночин, ҳатто қабиҳ ёлғонни,  
Хумга солиб олов ёққани замон,  
Қора тутун қолаб олди жаҳонни!

Тутун ўрлаб кетди чўққилар томон,  
Жодугар хумидан бир дам кўз узмас.  
Ҳаммаси эригач, оқиб, қуйилгач,  
Не бало чиқаркин хумидан – билмас!

Мана хум совиди. Тажриба тайёр,  
Чарсиллаб ёрилди хум ости хиёл.  
Атрофга сочилди юзлаб бўлақлар,  
Ва... Чиқиб келди, (ажаб!) хумчадан АЁЛ!



Бу – бизнинг мураккаблгимизга урғу эмасми? Балки шунинг учун ҳам кўп кишилар кўнглида «Ҳар бир аёлда ҳам ерликлик, ҳам самовийлик мужассам!» деган ақида яшар?! Балки шунинг учун ҳам «Аёл – муқаддас!», «Аёл – ўқилмаган китоб!», «Аёлнинг турган битгани – сирлилик!» дейишар.

Қаранг-а, хумдан-ку биргина аёл чиқиб келибди. Лекин хумга солинганлари нақадар кўп эди: муҳаббат, хиёнат, меҳр, шодлик, ғам, садоқат, қаҳр, эзгулик, чин ва ёлғон, оғу... Бир-бирига зид фазилатлар ва иллатлар...

Инсон ҳамиша зид орасида яшашга мажбурлигига, аёл зоти айниқса мураккаб олам эканлигига ишора эмасми бу?

Инсон қалбида, айниқса, биз аёллар қалбимизнинг тубида доим кулча илон вишиллаб туриши билан бирга, қалбимиз тепасида оппоқ кабутарнинг парпираб туришига аниқ ишора-ку бу!

Сиз ҳам шу АЁЛ жинсига мансубсиз, сиз ҳам “ўқилмаган китоблар” сирасига кирасиз. Ўзингизни яхшилаб имтиҳон қилиб кўринг. Сизнинг ҳам муштдеккина қалбингизда шеърда тасвирланган фазилат, хислат, ҳатто иллат ҳисобланганларнинг ҳаммаси мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шунинг оқибати яна ўзингиз билан ўзингиз баҳслашиб кетасиз: бир одамда шунча фазилатлару иллатлар бир вақтнинг ўзида мужассам бўлса, нега айрим аёлларда бир хил сифат турғун бўлади? Нега айрим аёлларни «рисоладагидек аёл» дейишса, айримларини «илондек совуқ» дейишади? Нега ҳар бир аёлнинг ҳеч ўзгармайдиган «яхши аёл», «ёмон аёл» деган содда ташбеҳи ҳамиша ўзи билан бирга юради?

Ҳар биримизнинг ичимизда шеърда санаб ўтилган фазилатлар ва иллатларнинг ҳаммаси мавжудлиги рост. Бизга бериладиган «яхши» ёки «ёмон» сифатлари хумга сиққани каби кичкинагина қалбимизга жо бўлгани ҳам рост. Шу «яхши» ва «ёмон» ларнинг қай бири қалбимизни забт этиб, бутун аъзойи баданимизга тарқалса, вужудимизда ҳукмронлик қилса, бундан кейин тилимиздан чиқадиган сўзимиз, бажарадиган амалларимиз, хатти-ҳаракатимиз уларга боғлиқ бўлади.

Булардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса ҳам доимгидек битта: ҳар сўзимизни айтардан олдин, қадамимизни қўярдан олдин унинг оқибатини, шундан кейин бизга «ёпиштириладиган ёрлик»ни, яъни аксарият умр бўйи бизга ҳамроҳ бўладиган ташбеҳни ўйлашимиз керак бўлади.



«...Аёл ҳақиқатан мўрт! – деб ёзадилар Турсуной Содиқова ўзларининг «Ҳазрати аёл» китобларида бизга берилган минг бир сифатга яна бир сифат қўшиб. – Тўрт-беш етимни битта қанот билан боқсада, лочиндай боқади, болаларига келган балони арслондай даф қилади, бу заҳматларни тортар экан, битта жонида ўнта эркакнинг иродасини ясайди. Аммо кунлардан бир кун битта фаҳми калта: «Эрингиз ўттиз йил бурун ўлиб кетган фалончини ёқтирган экан», деб қўйса, буш қопдай ер бағирлаб қолади. Қадди дол бўлади. Ўлиб кетган эрининг ўлиб кетган муҳаббати учун!..»

Менга қолса, Турсунойнинг китобига ўхшаган китобларни ҳар бир узатилаётган қизларга сеп қилиб, гулдор зар қоғозларга ўраб беришни таклиф қилардим. Фақат – ўқиш, тушуниб ўқиш, уқиб ўқиш шарти билан, албатта!

Ўқиганини тушуниб ўқишга, уқиб ўқишга ҳаракат қилганлар, эшитган гапини мушоҳада қилиб, тегишли хулосалар чиқара билганлар, кўрганидан қалбига чиройли ранглари олиб кира билганлар, ўз қалбидаги доим мавжуд зид фазилатлар ичида яхшиларининг устун бўлишига эришишлари, ўзларида яхши фазилатларни тарбияладан ортиқ, уларни идора этишга қодир ҳам бўладилар. Аксарият шундай аёлларга муҳаббатлари, меҳрлари, назокатлари, ҳаётсеварликлари, яхши умидлари ва келажакка ишончлари, садоқатлари, ростгўйликлари ва яна кўп фазилатлари учун «Рисоладагидек аёл», «Комила аёл» сифати берилади. Аксарият шундай аёлларимизга «Сеҳри қирқ туяга юк бўлгулик», деб айтишади. Шунча сеҳрларини улар оила мустаҳкамлигига, болалар тарбиясига бағишлайдилар.

Бу эса бахтибекамликнинг энг мустаҳкам устундир.

*Дуо: Илоҳо, қирқ туяга юк бўлгулик сеҳрингизнинг ҳаммаси меҳр ва муҳаббатингиз, қалбингизнинг туганмас ёғдусидан қувват олсин! Комила аёл ташбеҳи сизнинг бир умрлик ёрлингиз бўлсин!*

### «СИЗ»ГА НИМА ЕТСИН

Эрта-индин бошланадиган янги келинлик даврингизда кўп латифанамо воқеаларни эшитасиз.

Эмишки бир келинчак эрталаб ҳаммани чойга чақирмоқчи бўлиб:

– Ойижон, чойгум қайнадилар! – деганмиш...



Яна бир келинчак азонда ҳовлини сув сепиб супурай деб ташқарига чиқмоқчи бўлса, эшиги остонасида куёвнинг ёшликдан боқиб катта қилган Олапари ётганини кўриб:

– Вой, пошёлинг! Мен ўтиб олай, пошёлинг! – дермиш (русча «пошёл» – «нари кет!» дегани).

– Эшик тақиллаяптилар! – деганмиш яна бир келингина...

Сиз нима ўйласангиз, ўйлайверинг-у, бу гапларда менимча асос бор: шарқ одобномасига кўра, янги келин тушган ерининг каттаю кичигини «сиз»лайди!

Бунинг ҳеч эриш жойи йўқ. «Уф-ф!» дейишга шошилманг, кўнглингизга бир боқинг: чиройли муомаладан дилингиз равшан тортмаяптими? Яхши гап эшитган кишининг дили равшангина эмас, иши ҳам унумли бўлади.

Ҳа, ахир буларнинг ҳаммаси ҳазил-ку, дерсиз. Сиз ҳақсиз. Лекин ҳар қандай ҳазилнинг асосида мошдек ҳақиқат бўлиши ҳам рост. Келинларнинг янги оиладагиларни ўзига ийдириб олиши дастлаб ана шу самимий «сиз»дан, яъни яхши муомаладан бошланади. Келин бахти тилида деб бежиз айтишмаган. Аслида ҳам «сиз»га нима етсин!

Айниқса, энг яқин кишимиз ҳақида сўзлаётган ёки шу яқинимизнинг ўзи билан муомала қилаётганимиздаги «сиз»-лаб гапиришимизда бўлакча маъно бор. Шу кишимизга нисбатан меҳримиз, муҳаббатимиз яширинган бу маънога...

Орқадан бировнинг ғийбатини қилиш яхши эмас. Бунинг катта гуноҳ эканлигини яхши биламан. Лекин ҳозир, сизларнинг олдингизга келаётганимда эшитганим, бутун автобусга эшиттириб гапирилган бемаъни гап кўп қатори юрагимни шу даража сирқиратдики... Кўринишидан бинойи бу келинларнинг сўзларини эшитсангиз, сўзлаганларидаги вазоҳатларини кўрсангиз эди. Қулогимдан нари кетмаётган, айниқса, икки жумлани ҳозир сизларга айтиб беришга жазм қилдим.

Автобусда кетаётган ёш келинчакларнинг бири иккинчисига мақтанди:

– Кеча сериални кўраман деб, қозондаги овқатим эсимдан чиқиб кетибди. Ўлгур тагига олиб, «кўмир кони»га айланибди! Ҳидини ҳам билмай, кинога маҳлиё бўлиб қотиб қолибман! Эрим бир нима демади-ю, тумшайиб ётиб олди. Қайнонам ишдан келиб, қозоннинг аҳволини кўрди-ю, ҳеч нарса емади. Эй, оч қолсангиз менга нима, дедим-у иккита тухумни ёғга солиб еб олдим...

– Вой, Наси (аслида қизнинг исми «Насиба» бўлса керак), жа боплабсан! Кеча мен ҳам эримни наказат қилдим («жазоладим» дегани)! Сотруднигининг («ҳамкасбининг» бўлса керак) турилган куни экан. Кайфи анча чоғ келди. Ечиниб, ўрнига ётай деганида «Иди! Мамам қилган каравотга маст ҳолда ётма!» – дедим! Не ҳасратда квартира олиб, қайнонамдан бўлак бўлиб чиқиб кетдик-ку, бирон ёққа олиб бормайди ҳам! Менсиз турилган кунда бало борми?! Гапирган гапимга кайфи тарқаб кетди шекилли, хўмрайиб залда ерга кўрпача солиб ётди. Эрталаб нонуштага ҳам қарамай, ишга кетиб қолибди...

Автобустаги бу суҳбатни эшитган кўп кишилар келинларга ғалати қараш қилишди. Мен ҳам хаёл оғушига ғарқ бўлдим... Кўнгилини бундай чил-чил қилишларнинг қайтими қандай бўларкин-а ҳали, қизларим, деб ўйладим. Ботган кунку қайтиб чиқар-а... Аммо ўша келинларнинг бахт қуёши қайтиб чарақлармикин? Келинг, биргаликда бир мушоҳада қилиб кўрайлик.

Биринчи сўз бошлаган келиннинг бахтига қайнотаси хизмат сафарида экан. Кеча ўзи ва онаси оч ётиб қолганидан ори келган куёв бола бугун тўртта кабобни нон орасига солиб келиб, онаси билан бирга еб ўтирса-ю, келингинага «Келинг!» демаса, унинг аҳволу руҳияти нима кечаркин? «Ундай қилишга ҳаққи йўқ!» – деб эътироз билдирар балки, ҳаққини яхши биладиган келинлар. Сиз ҳам балки унинг гапига қўшиларсиз. Мен эса...

– Нега ҳаққи бўлмас экан? – мен хаёлан уларга эътироз билдираман. – Кеча тухумни ёлғиз ўзингиз ейишга «ҳаққингиз» бўлди-ку ахир! Бошқа вақтлар эрингизнинг нон орасида кабоб келтирганида уйингизда нақ байрам бўлиб кетарди-а, қизим, эсингиздами? Қайнонангиз имоси билан дарров дастурхон тузардингиз, иссиққина кўк чой дамлаб, ҳаммани чақирардингиз, «Олинг-олинг!» қилишиб, яйраб-чақнаб ўтирардинглар...

Бугун бундай бўлмаса керак...

Негаки кеча «сиз» тилингиз аллақачон дилингизга «сен» бўлиб кўчиб улгурганини, уйингиздагиларни писанд қилмай қўйганингизни яққол намойиш қилдингиз. Кеча ёлғиз ўзингизнинг қорнингиз қайғусини қилган бўлсангиз, бугун қилган ишингиздан уялиш, ўкиниш ўрнига, автобусни бошингизга кўтариб мақтанаяпсиз! Энг яқинингиз – эрингизни, қайнонангиз-





ни орқадан бўлса ҳам «сен»лаяпсиз... Дилингизда шу яқинларингизга ҳурмат йўқ, меҳр йўқ, муҳаббат йўқлигини очиқ-ойдин ошкор қилаяпсиз.

«Ўлсинки, меҳр-муҳаббат иккита тухум ва «сиз»да бўлса!» – деманг, қизим! Ёшлар кўпинча тил ва хатти-ҳаракатлар дил кўзгуси эканини унутиб қўйишади. Сиз ҳам аллақачон унутибсиз...

Чамаси қозондагининг «қўмир кони»га айланиши биринчи марта эмас шекилли, қайнонангизнинг энсалари қотиб, хоналарига кириб кетибдилар. Агар биринчи марта бўлганида, ишончим комил, ҳар қандай она, шу жумладан сизнинг қайнонангиз ҳам кечирардилар. Хато қилганингиздан уялиб, қизариб турганингизда ёнингизга тушиб, тезда бошқа овқатнинг тадоригини кўрардилар, бўлган воқеани қайнотангизга, эрингизга сездирмасликка ҳаракат қилардилар. Бу икковингиз орангизда кичкина сир бўлиб қоларди. Қайнона-келин ўртасидаги бундай «сир»лар, агар билсангиз, уларни бир-бирига яқин, бир-бирига ишонадиган, суянадиган қилади.

Кеча «сиз» дилингиз аллақачон «сен»га бориб қолгани учун ҳам андиша қилмадингиз. Ўзингизга алоҳида тухум пишириш ўрнига секин қайнонангиз олдига бориб, уялибгина «Вой, ойижон, шундай бўлиб қолибди. Яхшики, адажон йўқларида бўлди. Бўлмаса бошимни қандай кўтариб юрардим-а?» десангиз олам гулистон эди. Шугинани дейиш билан қайнонангизни ўзингизга яқин олаётганингизни, у кишидан паноҳ излаётганингизни, бу уйнинг кишиларини, айниқса уйдаги эркакларнинг ҳурматини жойига қўяётганингизни кўрсатардингиз. Сиздаги бу андишани кўрган онангиз уйдаги эркаклар олдида сизга «қалқон» бўлардилар.

Бундай қилиш хаёлингизга ҳам келмади. Сизнинг қалқонингиз «Эй, оч қолсангиз, қолаверинг, менга нима?!» бўлди. Мен сизга айтсам, бу қалқон эмас, бу сизни бу уйга омонат қилиб қўядиган сабаб – жарлардан бири. Сиз билан уйингиздагилар масофасини тобора узоқлаштираётган жарлик! Лекин бу жар аввал сизнинг дилингизда пайдо бўлганини, кеча ва бугунги ошкор «сен» билан ифода этилаётганини тушунмаяпсиз, келингина қизим, тушунмаяпсиз!

Дугонангизнинг ҳам эришган «мартабаси» шу. Ишқилиб, эри кечқурун уйига қайтармикин? «Мама»сининг қизига яхши ниятлар билан қилган каравотидан дугонангиз «Иди!» деб без-

дириб қўйди. Ишқилиб, эри онасининг бағрига қайтиб кетмасмикин? Онасиникига қайтишга номус қилиб, ишдан қайтаётганида ўзига алоҳида каравот олиб келса-чи? Ундан ҳам бадтари, «Иди!»ни қайтиб эшитмаслик учун аллапайтгача кўча кезса, улфатчилик домига шўнғиса-чи? «Сен»нинг касрини кўраяпсизми, қизим?..

Йўқ, автобусда мен у келинлар билан мунозарага киришганим йўқ, албатта. Демокчи бўлганларимни ҳам мана сизларга айтиб турибман. Чунки бундай мисоллар турмушда кўп учрайди. Ачинарлиси шундаки, баъзан оилада йилт этаётган бундай мисоллар, айниқса, ёшларимиз фикрининг саёзлиги, нутқининг тобора нўноқлашиб бораётгани, маданияти ҳаминқадарлигини ошкор қияпти. Эсиз-эсиз деймиз...

Сизларнинг ичингиздан шундайлар чиқмаса хурсанд бўлардим.

*Дуо: Илоҳим меҳрли, муҳаббатли дилингизнинг кўзгуси бўлган «сиз» тилингиз «сен»га бормасин. Чиройли бахтингизнинг яратгувчиси ҳам, қалқони ҳам бўлган тилингизнинг ўттиз икки посбони ҳамиша сергак бўлиб, қалбингизга доғ туширмасин! Омин!*

## СИЗ – ОНАНГИЗ ҚАЙТАРИҒИСИЗ

Навбатдаги суҳбатимизда сиз эрта-индин дуч келадиган ва балки сизга ғалати туйиладиган айрим удумларимиз ҳақида қисқа тўхталиб ўтмоқчимиз. Сабаби...


Келинбарорда қолган аёлларнинг зериккандан ёки тунни тонгга улашнинг чорасини излаганларидангина эмас, келиннинг қуловига кирсин, чиллалик уйда унинг қалбида турғун бўлиб қолсин, деган ниятда ижросига жон-дилдан киришадиган удумларимиз кўп.

Келин ва куёвни муқаддас Қуръони Карим китобига тикилтириб, чин дилдан яхши ниятлар тилашга ундаш...

Келиннинг файзли-фариштали она бўлган даврини олдиндан «башорат» қилгандек унинг қўлига бир жуфт нон ва ширинликлар бериб, унинг боши узра майин алла айтиш...

Қизини узатиб келган онага «Бу ер ҳам энди ўз уйингиз, қўниб ўтар бир работингиз бўлди, тортинмай келиб туринг, доимо иззатда бўлинг!» дегандек қудаларга нонушта тортиш...

Эрталабки салом-ку алоҳида таърифларга лойиқ урф...



Аммо гапнинг рости, бугунги суҳбатимизга сабаб бўлган кўрганим бир воқеадан, эшитганимдан кўнглим тўлдигина эмас, тўлқинланди ҳам.

Куни кеча қариндошимиз келин туширди...

Она бўлмиш қизини бағрига босиб, у билан хайрлашар экан, эрталабда «Келин салом»га чорлаб, чиройли тўртликлар айтган аёл яна байтлар бошлади. Шеърда оналик меҳри билан ҳаёли-иболи, илмли-билимли қиз ўстириб, бахти очилгач, учирма қўшдек узатган онанинг қизи билан хайрлашув пайтида қизи-га деганлари ифода этилган эди:

Сурнайларнинг навоси-ю  
Карнайлар жарангида.  
Нур юзлилар дуоси-ю  
Оқ тилаклар баргида,  
Чин уйингга олиб келдик,  
Суюклигим, яхши қол!

Оқ тонглари орзусида  
Кўрган маскан шу эди!  
Аллаларим таъриф этган,  
Асл қасринг шу эди!  
Таъзим айла соҳибларга,  
Яшнар қизим, яхши қол!

Чин уйингга, аслзодам,  
Ярашганинг рост бўлсин!  
Тилакларинг кўп хайрли,  
Муродинг ҳосил бўлсин!  
Туб қўйгин, палак отгин -  
Ўчмас изим, яхши қол!

Бахтинг шунда, тахтинг шунда,  
Саодат бисёр бунда.  
Сенда бўлса ҳаё, иффат,  
Садоқат кўмиқ бунда!  
Муруввату табассумла,  
Излаб топгин, яхши қол!

Муҳаббатинг – чин қуролинг,  
 Сабр-тоқат унга эш.  
 «Ассалом!», «Хуш кўрдик биз!»  
 Ёдингдан чиқмасин ҳеч!  
 Келин бахти – тилдадир,  
 Ширин сўзим, яхши қол!

Не бор яхшим – сенга бўлсин!  
 Қанот бўлгай умрбод.  
 Хатоларим менга қолдир –  
 Қаддимни айлама дол!  
 Толейингни Оллоҳ берсин,  
 Қайтариғим, яхши қол!

Билгил, довон орти довон,  
 Сўқмоқ сўнгги албат равон.  
 Ирмоқ охир бўлуру уммон,  
 Чунки: «Сабр таги – Раҳмон!»,  
 Дуо билан Шамсга зриш,  
 Моҳим қизим, яхши қол!

Қўшганинга қўш қаригин,  
 Йўлингиз – ойдин чироқ!  
 Аямасин сиздан фарзанд,  
 Ҳам давлатин Раббим Оллоҳ!  
 Қизлар – она қайтариғи,  
 Битмас умрим, яхши қол!

Чин уйингга, аслзодам,  
 Ярашганинг рост бўлсин!  
 Тилакларинг кўп хайрли,  
 Муродинг ҳосил бўлсин!  
 Пойинг узра очилсин гул,  
 Ўчмас изим, яхши қол!

Эшитганимда бир менинг эмас, кўпларнинг дили ҳам  
 яйраган, ҳам ғалати бир ҳолатга келганди. Ҳамма аёллар-  
 нинг кўзлари филт-филт ёшга тўлди. Аммо бу ёш на дув тўкил-  
 мади, на келган изига қайтиб кетмади. Назаримда, бунда  
 йиғилган қиз-аёлларнинг кўпчилиги янги келин бошида кўп



синовлар борлигини ўйлар, бундан муносиб ўтганлар қалбида аёл қисматига бардоши шукрини чуқур ҳис қилар, ёшлар эса улардан кам бўлмасликлари кераклигини англаётган дам эди.

Эшитганимдан бери унута олмаётганим бу шеър халқ оҳанглирида, урф-удумларимиз кайфиятида битилгани учунми кишиларга ўз кўнглига бир назар ташлашга даъват этарди. Унда биз кўришни, эшитишни истаган нарсалар айтилаётгани учун шунчалик таъсирчандир балки.

Шеър гарчи узатилаётган қиз ва қиз узатмиш она учун энг ҳаяжонли дақиқалар ҳақида бўлса ҳам, она сўзидан шу кунларга етиб келгунича у қизини том маънода муҳаббатли, ифбатли, меҳрибон, иродали, тоқатли, вафодор, бир сўз билан айтганда, онанинг юзини ерга қаратмайдиган қилиб ўстирганига ишора бор. У ана шу «Учмас нишонини» шукроналик билан «бир жойга», «чин уйига» қўйиб қайтаяпти. Иккинчи томондан она, қиз ўстирган оналарга хос халқона одобни ҳам маҳкам ушлаб турибди. Ҳайрон бўларли жойи йўқ.

Уйида қизи вояга етаётган оналарнинг ўзига хос одоби бўлиши керак. Қиз уйига келган совчилар, биринчи навбатда, шунга эътибор берадилар. «Онасини кўриб, қизини ол», деган гап борку ахир. Агар қизнинг онаси «Мен қизимни фалон жойда ўқитдим, фалон едирдим, фалон кийдирдим!» деб турса, ўз қизининг бахтига ўзи зомин бўлиб қолиши мумкин.

Эшитган шеъримда аёл зотининг томирига илиқлик олиб кирадиган нарса ҳам айнан шу – она қизига: «чин уйингда» қолаёпсан, биз сени гулдек авайлаб ўстирган уйимизда меҳмон эдинг, бу чин уйинг эса бўстон, сен унга жуда ярашдинг, сўзингни ассаломдан бошлагин, келиннинг бахти тилида бўлади, муҳаббатингни авайла, рост сўзла, хизматдан оғринма, юзимни ерга қаратма деяпти. Сатр тагида эса она буни қизига аввалдан сингдириб боргани сезилиб турибди. Қизига қаттиқ ишонаяпти ҳам.

Қиз боланинг момоларимиз айтмоқчи «бировнинг хасми» эканини билган ақлли оналар қиз томирига кибр аралашувига йўл қўймадилар. Шу гапга эътиборингизни алоҳида қаратмоқчиман.

Кўпинча «бой жойга келин бўлди», «ўзи бойваччанинг боласи-ю, «пастроқ» жойга тушиб қолди» кабиларни эшитиб қоламиз-а? Сиз келин бўлиб бораётган жой қандай?

Ақли оналар ўзлари қанчалик бой бўлмасин, қизларини бу уйга эмас, «чин уйга» болалигиданоқ меҳрли қилиб ўстирадилар. Агар сизни ҳам шундай тарбияланган бўлса, сиз бир ёш ниҳол сифатида борган жойингизда тез илдиз олиб, гуркираб кетишингиз осонроқ бўлади. Бу фазилатлар қалбингизда келин бўлгунингизгача шакланган бўлиши керак.

Қизи келин бўлган, уни чин уйида қолдириб келаётган онанинг кечмишлари туғенини ҳеч бир асбоб билан ўлчаб бўлмайди дейишади. Лекин қизнинг онаси ҳар бир асаб толасини тизгинлай билиши ҳам керак.

Аввал айтган бўлсак ҳам яна такрорлаб қўяйлик, кексаларимиз қудалар уйини «ўзга юрт», «ўзга қўрғон», «ўз подшоҳи, ўз аъмоли бор ўзга мамлакат» деб аташади. Бу бежиз эмас. Қизини эсли-хушли, меҳрли, тоқатли, сабрли ўстирган оналар «ўзга юрт»нинг ички ишларига асло аралашмайдилар. Аммо қизларига бу янги юртнинг яхши томонларини кўрсатиб, уларда меҳр уйғотишга ҳаракат қиладилар.

Аммо қизи уйига аралашган оналар ҳам кўп. Кузатувларимизга асосланиб айтиш мумкинки, баъзи оналар аксарият ҳолларда қизлари тарбиясида ўзлари йўл қўйган хатоларни яшириш учун ёки қизнинг тарбиясидаги оқсоқ томонлари юзага чиқиб, панд бериб қўйишидан чўчиб аралашадилар. Шу ўринда бир муаллима дугонамининг сўзлари эсимга келди:

– Баъзида уйга келгач, берган дарсимизнинг заиф томонларини пайқаб қолсак, эртасига шуни киши билмас тўғрилаб кетамиз... Аммо баъзи оналар қизи келин бўлгач, унинг ҳаётини «кейинги дарс» деб, унга сабоқ беришни давом эттира олмайдилар. У ерда бошқа муаллимлар бор...

Яхши ўхшатиш-а?!

Аввало қиз ўстираётган онада, отада қизининг тақдир илоҳий битган ерда ўзидан тиниб-тинчиб, ўсиб-униб кетиши ҳақида яхши ният бўлсин! Она қизига сеп йиғмасаям майли, юрагини яхшилик билан тўлдирсин, назарини тўқ қилсин. Қизига берган мол-дунёни чамалаб кўрилса, янги оиланинг кўражак фаровонлиги олдида урвоқчалик ҳам бўлмас. Лекин қилган молини пеш қилиш билан янги оила пойдеворини дарз кетказиш мумкин.

Ўзига эмас, ўзгага, «бировларга» меҳрли, яхши ниятли қилиб қиз ўстирган, кўксига шукроналик, оқилалик илдиз отган, ўз



«ўчмас нишонлари»нинг бахтли бўлишини чин дилдан тилаган оналар битдимикин бу таъсирчан байтларни?

Дуо: *Ҳаммангизга ҳам онангизнинг чиройли орзуларига муносиб яшаш насиб этсин! Ҳар бирингизга онангиз шукри, сабри, орзу-умидидан юққан бўлсин! Онангизга ва яхши умид, орзуларга тўла келажак авлодга муносиб яшашга қувватни тоза қалбингиздан олинг!*

### ҲАВАСДАН ҲАСАДГАЧА...

Ушбу суҳбатимиз сизга ғалатироқ туйилмасин. Янги ҳаёт остонасида турибсиз. Тўйдан кейин ҳаётингиз ҳақиқатда ҳам тубдан ўзгаради. Янги кишилар, янги туйғулар, янгича муносабатлар, янгича тушунчалар... Кўп нарсага бошқача қарай бошлайсиз. Ҳатто ўзингиз бундан буён кўп дуч келадиган ҳавас билан ҳасадга ҳам...

Аслида ҳавас ва ҳасад ҳам худди оқ ва қора, яхши ва ёмон, эзгулик ва ёвузлик каби бир-бирига қарама-қарши тушунчалар. Аммо улар ораси...

Элда «Ҳавасдан ҳасадгача – бир қадам!» деган гап бор. «Ҳавас билан ҳасад оралиғи – қош билан кўз ўртаси!» ҳам дейишади. Қош билан кўзнинг ўртасида эса ҳеч масофа йўқ. Бошига тушганлар: «Бу гаплар бекормас!» дейишади.

Умрингизда бирон марта бўлса ҳам бировга ҳавас қилмаган бўлишингиз мумкин эмас. Бундай бўлмайди. Ҳавас инсонни илгарилашга, камолга етишга, руҳан кўтарилишга ундовчи қувватлардан бири. Том маънодаги ҳавас ҳамиша ўз-ўзидан ва четдан рағбат олиб келган.

Ҳасад эса жуда ёмон туйғу. Кишини гуноҳ ишларга ундайдиган, қалбни занг бостирадиган, эркин нафасни бўғадиган қабих туйғу. Ошкор бўлса, одамни ерга урадиган ҳам у. Хуллас, ёмон туйғу.

Эсланг: «Қара, анави қиз қандай яхши экан, сен ҳам унга ўхшаган одобли, озода бўлгин! Шунда ҳамма сени ҳам яхши кўрадиган бўлади» каби насиҳатни биринчи бор эшитганингизда сизда ўша қизга нисбатан ҳавас уйғонган эди-а?

Инсон ростмана шаклангунига қадар, ўзлигини муқим қилгунигача унинг диққатини яхшига қаратиб, дилида ҳавас уйғотишга ҳаракат қилинади. Бунинг яхши мевасидан ҳаммамиз ҳам баҳраманд бўлганмиз. Бува-бувиларимиз, дада-



ойиларимиз панду насиҳатларининг заминида яхшига эргашигин, деган гап бор. Чунки бу маънавий тарбиянинг энг ишончли йўли, Одам Ато ва Момо Ҳаво яралганидан бери намуна қилиш ўзини энг оқлаб келаётган тадбиқ.

Шундай эмасми?

Яна эсланг: синфдошингиз янги, чиройли кўйлагини биринчи марта кийиб келганида миянгизда пайдо бўлган фикр: «Мен ундан аълочиरोқ бўлсам ҳам, нега менга шундай кўйлак олиб беришмайди?» бўлди-а? Кейин-чи? Кейин сиз киши билмас дугонангиз кўйлагининг этагига доғ ҳам туширдигиз, гўё унинг ўзи ёмон ерга ўтириб олгандек... Бу энди – сиздаги ҳасаднинг қабиҳ кучи эди... Ақлингиз етмаган-да... Нимага ақлим етмади дейсизми?

Кишилардаги яхши фазилатларни намуна қилиб кўрсатиш – уларнинг «сиздан ортиқ» қилиб яратилганининг белгиси эмас асло. Ҳар бир инсон ўзича қайтарилмас бўлиб яратилади. Дунёда неча миллиард одам бўлса, ҳар бири алоҳида, бетакрор «ўз» дир. Аммо бунинг фарқига бориш учун кишида етарли ақл, мулоҳаза бўлиши керак.

Ақли бор одам «Фалончига қара!» дейилганда унга кўр-кўрона эргашишдан олдин, унинг барча яхши-ёмон томонини «плюс-минус» тарзида тарозунинг икки палласига солиб кўради. Агар намуна қилинаётган кишининг «минуслари» кўпроқ бўлса, дарров қувониб кетмасдан, аввало ўзидаги ўзига хос «ўз»ни, яхши, бошқаларда йўқ фазилатларини кучлантиришга киришади.

Ҳар бир инсон том маънода ноёблигини унутманг! Сизнинг ўзлигингизни топишда ёрдам берадиган, қалбингизда ҳасад деган балонинг ин қуришига йўл қўймайдиган куч айнан шу – ноёблигингизни англашингиздадир. Гар ақлингиз бўлса, буни тез тушуниб етасиз, албатта.

Онглиликка, ақллиликка бекор урғу қилаётганимиз йўқ.

Ўйланг, кимга ҳавас қиладилар, кимларга ҳасад қиладилар?

Аслида ҳавас ҳам, ҳасад ҳам тенгсизликдан келиб чиқаётганини илғаяпсизми? Негаки, бирон кишида ўзингиздан устунроқ томонни кўрсангиз, унга ҳавас қиласиз. Шундай эмасми? Ўзингиздаги ўзликни унутмай, маълум даражада шу устунликларни ўзингизда ҳам ниш олдирсангиз, бундан янада бойиётганингизни сезсангиз – бу ҳавас. Онгингиз сизни бир поғона юқорига кўтаради демак.





Борди-ю ўша тенгсизлик сизнинг одамийлигингиз синови-га айланса, яъни шу бировда кўраётган устунликларни тақдирнинг адолатсизлиги деб билаётган, ичингизда «Нега худо унга бериб, менга шу нарсани раво кўрмади?!» деяётган бўлсангиз-у, бу муттасил вужудингизни кемираётган бўлса-чи? Бу тенгсизлик туйғуси дилингизда аста-аста йиғилиб, аввал ўша одамнинг ҳар муваффақиятига ғашингизни келтириб, бора-бора бир кун ўша одамга нафрат бўлиб портласа-чи? Бу энди – ҳасад! «Ҳавас билан ҳасаднинг ораси – қош билан кўзнинг ўртаси!» дейишганини, худо сизни ҳам ноёб қилиб яратганини унутдингиз-да! Ақл кетиб, сиз ҳаттоки ўзингизда ҳам бошқалар ҳавас қилса арзигулик томонларингиз кўплигини, яъни ўзлигингизни унутиб қўйдингиз.

Ақлингиз бўлганида, ичингизда ҳасаднинг оловланишига йўл қўймас эдингиз. Аввал бошидан хаёлингизни бир жойга тўплаб, «Шу одамнинг қайси томонларига ҳавасим келаяпти ўзи?» деб ўйлаган бўлардингиз. Ақлингиз бўлганида ҳаваснинг ҳасадга айланишига йўл қўймаган бўлардингиз. Чунки одам жуда ловилаб турганида ақл уни анча совитади!

Ақл шундай кучки – совуққонлик билан «Ўша аёлнинг нимасига ҳавасим келди ўзи?» саволи билан ёнма-ён «Шу ҳавасим келган нарсалар менга жудаям керакми ўзи?» саволни ҳам қўярди. Совуқ ақл билан ўйланг ахир, ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлса, яна «лўмбиллагангина» бўлсангизу нозикниҳол келинингизнинг башанг кийинишига ҳавасингиз келишидан ортиқ, юрагингиз ўртаниб турса, бу келишмаган қилиқ-ку! Ҳа, совуқ ақл сизга ҳасад остонасидан ўтишингизга йўл бермайди.

Борди-ю совуқ ақл кимнингдир нимасигадир ўринли ҳавасингиз келаятганини тасдиқласа-чи? Унда ўша ақлнинг ўзи чора ҳам топиб беради.

Дейлик, ишда ҳамхонаингизнинг ишга жон-жон деб келиши, куни билан бир дунё иш қилса ҳам, чарчамай яшнаб юриши, ҳамма билан кулиб муомала қилишига ҳавасингиз келадди. «У – ўз жойида!» дейсиз ўйингиз яқунида.

Совуқ ақл сизга ўзингиз ҳақингизда бунинг тескарисини айтади. Ишга бўйнингиздан арқон солиб судрагандек зўрға келасиз, дамо-дам соатга қарайсиз, қунигиз мазмуни эмас, куннинг ўтгани – бирдан бир қувончингиз. Ҳар куни шу. «Жо-йингда эмассан-да!» дейди совуқ ақл сизга.



Лекин шу ишхонанинг ўзида, ҳув нариги хонада сиз онда-сонда учрашадиган аёлнинг иш юритиши гашингизни келтиради. «Мана бундай қилса-ку – олам гулистон!» – хаёлан ақл ўргатасиз унга. Сиз шу ишларни тез ва соз бажарган бўлардингиз. «Сенинг жойинг – шу!» – яна хулоса қилади ақл.


Балки иш жойингизни ўзгартирганингиз, ҳалиги ҳавасингиз келган ҳамхонангиз каби фақат «ўз жойингиз»да ёниб ишлаганингиз маъқулдир? Бунга эришсангиз, бу ҳам ақлнинг сизга ёрдами – ҳаваснинг ҳасадга айланишига йўл қўймай, сизга йўл кўрсатгани. Ҳа, ҳавас... ҳасад...

Иккиси ҳам у ёки бу даражадаги тенгсизликдан пайдо бўлади дедик. Сиздан устунроққа ҳавас қиласиз, агар мулоҳаза қилмасангиз, у ҳасадга айланиб кетиши ҳеч гап эмас экан. Мулоҳаза кишига ҳамиша керак.

Дейлик, мана сиз талабасиз. Тасаввур қилинг: сиз ҳам, дугонангиз ҳам яқиндагина турмуш қургансизлар. Неча ойдирки дугонангиз танаффусларда гуруҳ қизларининг ҳавасини келтириб, ўз бахти ҳақида бетиним гапирди. Ҳали эрининг кеча қилган савдосининг ярмини унга сарф қилиб, зўр «готовий» қўйлак олиб бергани ҳақида... Ҳали шу замонда эл оғзида бўлган фалончининг концертига олиб боргани ҳақида... Ҳали бўйнига солиб қўйган тилло занжир ҳақида... Пардоз анжомлари, упа-элик ҳақида-ку гапирмаса ҳам майлига: ётоғидаги трюмоси олдида уларни қўйишга жой қолмаганмиш... Шунақа мақтанчоқ дугоналарингиз йўқ эмас-а атрофингизда?

Сиз эса индамайсиз. Сизнинг ҳаётингиз бошқачароқ. Сизнинг эрингиз олий мактабни битириб, эндигина ишга тушган. Сизга ҳам, унга ҳам «ақл ўргатувчилар», яъни қайнона-қайнотангиз, қайин-бўйнингиз бутунлай бошқача тоифадаги одамлар. Улар дугонангиз оламидаги, ўша хонадон муҳитидаги «орзу-ҳавас»ларни тушунмайдилар ҳам. Уларнинг орзу-ҳаваси бўлакчароқ. Сизга ҳам аслида айнан шундай муҳит ёқарди, аслида худди шундай хонадонни орзу қилган эдингиз. Қайнонангиз, қайнотангиз суратлари-ю сийратлари ҳам кўзингизга салобатли кўринишарди авваллари. Улар паноҳида ўзингизни хотиржамроқ ҳис қилардингиз. Лекин...

Лекин дугонангизнинг оғзини кўпиртириб гапирган гапларига сиз ҳам қулоқ соласиз. Сиз ҳам айрим «ишонувчан» дугоналарингиз каби бу гапларнинг ҳаммасига ишона бошлайсиз.



Аста-аста дугонангизнинг турмуш ўртоғи кунда олиб келадиган совғалар сизга ҳам «ҳақиқий бахт» мезони бўлиб туюла бошлайди...

Сизга айнан шулар етишмаётгандек кўринади! Кўнглингиз чўккан кунлар ҳам кўп бўлди-а? Ҳавасми, ҳасадми ичингизни роса кемирди-а?

Оҳ, у дақиқаларнинг оғирлиги!

Бу ҳасад деганлари шунақанги қора нарса эканки, ичингизда шамдек нурни ҳам қолдиргиси келмаса-я!

Ҳартугул ўз бахтсизлигингизга ўзингиз аза очиб улгурмасингиздан дугонангизнинг ниқоби очилди. Унинг ўзи хаёлида ясаган ёлғон бахт кошонаси қулади, кунпаякун бўлди!

Қаранг-а, «эрим бўйнимга солди» деб мақтанилган тилло занжири қайинсингилдан «прокатга» олиниб, қайнонанинг «Ўзимники деб, дугоналарингиз кўзини бир ўйнатинг!» деб зўрлаб тақиб қўйилган, савдонинг ярми сарф қилиниб олиб келинган кўйлақлар дўкондаги анча камоматни ошкор қилган... Хуллас...

Хуллас «топағон» эрларнинг муомаласи ҳам бўлакча, оналари-ку нақ «губернатор» бўлишади!» деб эшитган гапларингиз мағзини энди тушуна бошладингиз-а? Бундай шароитга чидаганлар чидайди, чидамаганлар...

Дугонангиз ҳозир сизникига тенг боласи билан бирга отасининг уйида... Ниҳоят...

Ниҳоят, қайнона-қайнотангиз салобати кўз ўнгингизда яна ҳам юксалди. Ва ниҳоят эрингиз ҳам аввалгидек кўзингизга бошқача, «ношуд» эмас, «бирам яхши!» кўрина бошлади-а? Бир-бирингизни қайтиб топганингиз, меҳр ришталари энди жуда мустаҳкам боғланганини ҳис қилганингиз рост бўлсин!

Сиздаги бу ўзгаришларни ёлғиз ўзингиз қилганингиз йўқ. Айнан янги уйингиздагилар ёрдами билан «Нега худо бировларга ҳамма-ҳамма нарсани раво кўради-ю, бошқаларга эса ҳеч нарса бермайди?!» деган туби йўқ савол дилингиздан анча нари кетди. Ниҳоят, ҳасад кўпинча ақсизлар дилига ин қуриб, унинг ичидан туриб, бахтингизни кемиришига тушуниб етдингиз. Ниҳоят, ҳасад ҳавасингиз келаётганлар ҳаётининг фақат ташқи суратини ялтироқ кўрсатишини, бу ялтироқлик аксарият ёлғонлигини тушуниб етдингиз.

Энди бировга ҳавас қилишдан олдин ўз-ўзингизга кўплаб саволлар берасиз-а? «Топағон»ларнинг ҳаммаси ҳам меҳрибон-

ми? Дугонангиз эрининг бир челақ сувни кўтариб юборишганини эслай олмади-ку! Шунда сизнинг турмуш ўртоғингизнинг сизни «сиз»лаши эсингизга тушди-а? Умуман, унинг бошқаларга ўхшамаслигини, унинг ишонса, таянса бўладиган томонлари кўплигидан дилингиз яйраб кетди-а?

«Бахт фақат пулдами?» ўйлаяпсиз энди. Тобора мулоҳазакорроқ ҳам бўлиб бораяпсиз. Ниҳоят чиқарган хулосангиз жуда оддий бўлди: бошқалар нимагадир эга бўлса-ю, шу нарса сизда бўлмаса, «шунга ҳам қулоғимни қирқиш шартми?» деб ўйлаяпсиз. Қаранг-а, илгаригидагидек энди ичингизни «ит тирнамаяпти» ҳам.

Ниҳоят атрофда сизнинг ўзингизга ҳам ҳаваси келаётганлар борлигини сеза бошладингиз. Аммо бундан нигоҳингиз ҳамон тиниқ, қалбингизни ҳам ғурур лойқалатмаяпти. Ўзингизни мутлақо «бошқача» ҳис қилмаяпсиз. Ноўрин ғурур асло сизни ёлғизлатиб, атрофингиздагиларга бегона қилиб қўймапти. Биласизми нега шундай? Сизда ақл, мулоҳазакорлик аллақачон ниш уриб улгуриб бўлган-да! Мақтаниш, «бурун кўтариш» сизга ярашмаслигини тушунганингиз сари, сизга ҳавас қилаётганларга яқинроқ бўлишга, оддийроқ муомала қилишга ҳаракат қилаяпсиз.


Сиздаги ақл, мулоҳазакорлик доим бошқаларнинг камчилигини атай уларнинг юзига солиш, уларни камситиш билан тенглигини сизга эслатиб туради. Дугонангиз мақтанганида сизнинг қийналганларингиз сизга яхши сабоқ бўлди-а! Сиз дугонангиз каби иш тутмайсиз. Аксинча, сизга ҳавас қилаётганлар диққатини Оллоҳ ҳар бир одамни қайтарилмас ўзлик билан яратганини англашга, уларнинг ўзида ҳам ҳар ким ҳавас қилса арзийдиган фазилатлар бисёрлигига қаратасиз.

Ҳа, самимият, одамийлик, меҳр, оқибат ва ҳавас кишини юксакларга кўтарадиган туйғу эканига инсон чин дилдан ишонганидан кейингина ҳасад кишининг ичидаги бор эзгулик ва шодликни кемирувчи туйғу эканига ишонч ҳосил қилади.

Ҳа, ҳавас... ҳасад... Улар ораси бир қадам...

Озгина ақлли, озгина ишонувчан, озгина мулоҳазакор бўлсангиз, ичингиздаги чироқни ўчирувчи қора кучни енгишга ўзингизда қувват топасиз.

Дус: *Омин! Илоҳим яхши кишилар, яхши фазилатлар, эзгу ишларга ҳавасингиз бахтингизни барқарор қилсин! Илоҳим*



яхшиларга ҳавас дилингишни равшан қилиб, йўлингишни нурли қилсин! Ҳавас қилса арзигулик яхшилар ҳаминша ҳамроҳингиз бўлсин! Оллоҳу Акбар!

### МЕНИКИ... СЕНИКИ...

Меҳмонлар тарқалишгач, қайнона бўлмиш келинларига деди:

– Набираларнинг уйқуси келибди. Эркакларнинг ёрдам қиладиган иши қолмаган бўлса, эр-эрингишни ва болаларингишни ётқизиб чиқинглар. Мен унгача дадангизга бир пиёла чой дамлаб бераман. Кейин тезда ишлатилган чинниларни ювиб, жой-жойига қўямиз. Бўлақолинглар...

– Ойижон, анча кеч бўлиб қолди, сиз ҳам бамайлихотир кириб ётаверинг, овсиним билан ишни ўзимиз айтганингиздан зиёда қилиб бажарамиз, – деди катта келин.

Унга қайнонадан олдин кичик келин жавоб берди:

– Ойим бизни контрол қилиб туришни яхши кўрадилар. Иш битмагунча ётмайдилар ҳам, ётқизмайдилар ҳам! – унинг овозида истехзо аниқ сезилиб турарди. Норозилигини яширишга ҳам уринмас, қовоғи тунд эди.

«Осмон жин юзидек қорайди ўнгиб» – хаёлидан ўтди қайнонанинг.

Яшириб нима қилади, агар «менинг ҳам ёрдамим тегсин», деб қарашиш баҳонасида ҳақиқатда ҳам келинлар олдида гувраниб турмаса, кичик келин шу кириб кетганича қайтиб чиқмайди. Катта келиннинг бир ўзига шунча иш оғирлик қилади. Эрталаб ишга боради бояқиш... Қайнонасининг феълига тез тушуниб қолгани учун, мана, тушганига неча йил бўлган бўлса, ҳар меҳмондан кейин бироз уйқудан қолса ҳамки, ҳамма ишини қилиб, хотиржам уйига кириб кетади.

Ҳали чоли бир пиёла чойини ичиб тугатмай, кичик келин биринчи бўлиб чиқди.

– Тойчоғингишни адасининг ўзлари ухлатар эмишлар: «Сиз оймгиларга қарашиб юборинг!» дедилар. Бу уйда ҳамма иш қилдиришни яхши кўради! Меҳмонлар йигирма кишига яқин бўлишди. Шунча харажатнинг бири, идиш ювадиган ходим олиб келинг, десам, ўғлингизга ёқмади. Бозор тўла шундай аёллар, бир пастда ювиб ташларди ўшалар...



Қайнонанинг чап қоши бироз кўтарилди. Энди жавоб берай деб турган эди, ичкаридан катта келин чиқиб деди:

– Вой, овсинжон, катта тўй қилибмизмики, махсус идиш ювувчиларни айтиб келсак. Тағинам қайинсинглимиз билан кичик опоқимиз ҳамма ёқни йиғиштиришиб, ҳатто пилесос қилиб, дастурхон-сочиқларни кир машинага тахлаб солиб ишлатиб кетишди-ку. Барака топишсин. Тунда машина ювиб, чайиб, сиқиб, ёйишга тайёр қилиб қўяди. Эрталаб дорга осиб қўйсак – бўлди! Бу ёғи ўзимиздан қочиб қутулмайди, кела қолинг... Кейин... Ўша идиш ювадиганлар ҳам бизга ўхшаган аёллар. Билмадим, улар ишласа-ю биз ҳай-ҳай кийим кийиб саллоланиб юрсак... Биласизми, ўтган гал негадир улардан андиша қилдим...

– Нега уяласиз? Идиш ювиш – уларнинг иши! Қилган ишини ҳақини олиб кетади, бекорга ишламайди-ку!

– Билмадим, овсинжон, уларнинг ҳам бола-чақаси, уйи, эри бор...

– Ҳа, бизга кўз тегади деб қўрқасизми?

– Нега қўрқаман?! Ўзимизнинг идрокимиз, вақтимиз, имконимиз етиб қилишимиз мумкин бўлган ишга мардикор солсак, яна улар аёллар бўлса, одам андиша қилади-да! Бунинг болалар тарбиясига ҳам таъсири яхши бўлмаса керак. Қолаверса, ўша аёллар уйига боргунча ўкинмайдими?

– Қизиқсиз-а?! Бировнинг ўкиниш, ўкинмаслиги билан нима ишингиз бор?! Бўлмаса улар ҳам сизга ўхшаб ўқишсин, олий маълумотли бўлишсин эди! Нима, биров уларнинг қўлидан ушлаб турибмиди ўқийман деганида? Сиз билан менга ўхшаб ўқисин!

– Бундай дейишингиз нотўғри, овсинжон! Ҳамманинг шароити ҳар хил. Мен шароитимиз шуни кўтараркан деб уларнинг кўнглини чўктириб, кўз ўнгида ял-ял юришимиз чиройли эмас, деб айтаяпман. Қолаверса, шу арзимас ишларни ўзимиз қилсак, ҳарна оила бюджети озгина тежаллади, уни бошқа бирон зарур жойга ишлатамиз. Эрта-индин болаларнинг мактаби очилади...

«Худое покиза кўнглингдан топ!» – қайнона ичида катта келинни алқади.

– Вой-бў! Қачондан бери болаларингизга тежалган пулли харж қиладиган бўлиб қолдингиз?!

Кичкина келин овсинига гап уқтиролмаслигини англаб, иссиқ сувни буради-ю тахланиб турган тарелка ва косалар ичи-



дан ўзиникини ажратиб олиб, сув тагига қўйиб тез-тез юва бошлади.

– Озгина ювадиган порошокдан қўшинг, болам, ёғли идишлар тоза бўлади, – деди қайнона.

– Ҳеч нарса қилмайди! Барибир кейинги меҳмондорчилик-кача сервантда туради. Сизни биламан-ку, кейинги гал ишла-тишдан олдин, албатта, тозалаб ювдирасиз...

«Ҳа-а, айрим феълимни яхши ўрганибсиз!» – хаёлидан ўтди қайнонанинг. У олдига ўзининг кенг фартугини боғлади-да келин юва бошлаган идишларни тоза сочиқ билан артиб, стол-нинг бир чеккасини очиб, ўша ерга тахлай бошлади.

– Қўяберинг, ойи, ўзимникини ювиб, тозалаб, кириб кета-ман, эрталаб ўқишга боришим керак...

Қайнонанинг чап қоши бир кўтарилиб тушди.

Ёшлигида бувисидан эшитгани бор эди. Қадимда мис билан олтинни ажратишда сир тоши деган нарсадан фойдаланилар экан. Сир тоши мисга теккизилса, миснинг ранги кўкимтир тусга кираркан. Сир тоши олтинга теккизилса, олтиннинг ранги ўзгармас экан. Қанийди, одамзоднинг ичини ҳам билиб берадиган шундай сир тоши бўлса-ю соф олтин билан мисни фарқлаб берганидек, одамнинг ҳам яхши-ёмонлигини, сахий ё бахиллигини, оқибатли ёки қизғанчиқлигини аниқлаб берса, хаёлидан кечди қайнонанинг. Яна ичида ўзига ўзи таъкидлади: «Эр ўзин сўз бирла бор қилди йўқдан». Ҳа, одамзод бир ҳаракати, бир сўзи билан ўзини намоён этади. Одам учун сир тоши – унинг сўзи-ю амали эмасми? Аммо ташида келинига «Мис чиқиб қолдинг-ку!» демади.

– Бу хонадонга келган меҳмоннинг сеники-меникиси бўлмагани каби уларга хизмат қилган идишларнинг ҳам сеники-меникиси йўқ, болам! – зардаси қайнаганини сездирмаслик ва қайнотага эшиттирмаслик учун атай секин деди қайнона. – Ўзингизникини айириб, қолганини қайси юз билан опангизга ташлаб кетасиз? «Ол, керак бўлса ювиб ол!» деганингизми бу? Бу чиройли иш эмас, болам!

– Кексаларга ақл ўргатиш бўлса! – кичик келин зарда билан ликопчани қўяётган эди, қўлидан отилиб кетиб, чил-чил бўлди. Дастадаги бир икки ликопчанинг ҳам четини учирди.

– Бу ақл ўргатиш эмас, болам! Борингки, шундай бўлса, билмаганингизни айтиб турсак ёмонми? Ахир шу ишларни



бутун сарамжон қилиб ётсак, эртага эрта билан ўзингиз, овсингиз ёруғ юз билан ишга, ўқишга кетасизлар...

– Ўзбеклар ҳам қизиқ! – кичик келиннинг бутун авзойидан «Жим турсангчи!» ёғилиб турар, аммо буни айтолмасдан, синган ликопчаларининг аламини бошқа нарсадан олишга ҳаракат қиларди. – Ота-онаси қизига бир дунё мол-мулк қилади, бу ёқдагилар уни аямай ишлатиб тез орада синдириб йўқ қилади... – у ликопча учқунларини териб, ахлат челақка солар экан тўнғиллашини қўймасди.

– Қизига асбоб қилганида оналар ичида «Қизим дастурхонлик бўлсин, меҳмон-изломни чиройли кутсин, мулозаматли бўлсин!» деб орзу қилади. Назарингизда бир дунё мол-мулк билан келган бўлсангиз, уларни асрашнинг, мана бундай борни йўқ қилмасликнинг ўзига яраша шартлари бор. Илгари эшитмаган бўлсангиз, эшитиб, қулоғингизга чиқмас қилиб жойлаб олинг! Келинлик сепининг умрини узоқ қилмоқчи бўлсангиз, аввало қилиғингизни равон, кўнглингизни юмшоқ, тил ва сўзингизни ширин қилинг. Шуларга риоя этмасангиз, зумда тилло халли чиниларингиз ҳам чил-чил бўлади. Буни ҳозир ўзингиз кўрдингиз. Ўзини хонадонининг бошқа келинларидан бойроқман деб юрган келинлар ҳам катталарга хизматини, кичикларга ширин сўзини раво билмаса, аҳвол чатоқ. Бойлигидан гердайиб, кишиларни оёқ ости қилган, ўзидан бошқаларни менсимаган, феъли-атворини тўғри қилмаган кишидан бойлик ҳам кийикдек ҳуркиб қочиб кетади. Бундай бойликнинг баракаси бўлмайди. Дили равшан, камтар, ҳасаддан йироқ кишининг давлатига эса давлат қўшилса-қўшиладики камаймайди. Агар кишининг қилиғи суқ бўлса, кўзи оч бўлса, бошқаларга ғазаб қилса, қаҳр қилса, бундай одамларнинг қўлида дунё ҳам чил-чилдир. Э, нимасини айтасиз, ҳатто бойлик ҳам одам танлайди, болажоним! Бувим раҳматли дили равшан, эзгуликка тўлиқ кишидан бошқа кишиларга ҳар куни, ҳар соатда наф тегади. Буни у ҳеч маҳал миннат ҳам қилмайди. Бировга яхшилик қилганда, ўзини кўзлаб бирон наф ахтармайди. Аммо худонинг ўзи бундайларнинг мукофотини беради, дердилар. Агар зориқиб турган одамга озгина нафнинг тегса, худо ҳам шуни ўн ҳисса қилиб қайтаради. Ана қарабсанки, сендан бой одам йўқ! Чунки бировга озгина нафнинг текканидан кўксинг кўтарилади, дилинг равшанлашади, деб таъкидлардилар. Бу гапларнинг нечоғли тўғрили-





гини мана ҳозир ўзингиз мисолингизда кўрдингиз. Бировга эмас, ўз уйингиздагиларга биров қарашиб юборишдан оғринган эдингиз, саники-маникига борган эдингизки, мана чиниларингиз сони камайди, энг асосийси, ўзингизни ўта феъли тор, зиқна қилиб кўрсатиб қўйдингиз. Бу биринчи марта эмас, болам, аввалдан кўриб-билиб юрибман, чамаси ҳаммасини ўзингизга айтиш вақти энди келди. Жоним болам, буларни яхшилаб ўйлаб кўринг...

Кичик келин индамай овсини ёнига ўтиб, унга кўмаклаша бошлади...

Яқингинада ўзим гувоҳи бўлган бу воқеани сизларга бекор айтиб бераётганим йўқ.

*Дуо: Омин! Илоҳо феълингизнинг кенглиги, назарингизнинг тўқлиги нур бўлиб чеҳрангизга фойз бахш этсин. Бу дунёда ҳар қадамингиз синов, ҳар кўргангиз катта сабоқ эканини англаб туриш туйғусидан, улардан сизни юксалтирадиган хулосалар чиқариш идрокидан бенасиб қилмасин!*

## **БИРЛАРИ – ҚУЁШ, БИРЛАРИ – ОЙ**

*(Уч йиллик келин иқрори)*

Тасаввур қилинг...

Тўй ўтди... Эртасидан янги ҳаётингиз бошланади. Атрофингизда янги одамлар... Одатда, бир кунда ўтадиган тўй тарадудига кўп вақт сарф қилинади. Ундан кейинги ҳаёт, янги шароит, янги одамлар билан муносабат ҳақида эса кўп қайғурмаймиз ҳам.

Дастлаб нотаниш кўринган бу одамлар сизга бегона эмас. Келинг, бир ҳикоя айтиб берай...

Бола эдим... Қўшни аёл чиқиб ойимлар билан ҳасратлашиб ўтирарди:

– Бирон марта бўлсин «Ойи!» деганини эшитмадим-а?! Бегонаманми унга, оппоғойи, айтинг, бегонаманми? Қанча жафо чекиб келин қилганман ахир! Аёл боши билан у билмаса қадримни – ким билади?! Отаси насихат қилмабди, онаси ўргатмабди-да! «Қизим, у ердагилар ҳам бундан кейин сенга – ота, она!» дейишмабди. Тиларига тирсак чиқибдими уларнинг...

– Эсизгина... «Келин бахти – тилида» деб шунга айтадилар-да...

Қўшни аёл чиқиб кетганига анча бўлган эди. Катталарнинг гапига қулоқ солишга одатланмаган эдик. Шунинг учун ҳам



ойимлар ўша кунни қўшни аёлни қандай, нима деб овутидилар, билолмадим. Ҳозирги гапни эса улар чамаси ўз хаёларига якун ясаб айтдилар шекилли. Балки биз, қизларини эшитишсин деб, атай айтгандирлар. Опаларим ўшанда юқори синфларда ўқишар эди-да.

Ҳа, анча йиллар ўтди. У вақтдаги болалар, мана энди ўзимиз ҳам қайнона– қайнота, бува-буви бўлиб ўтирибмиз. Хўш, қайнона – келин муносабатлари-ю, оиладаги бошқа муаммо-муносабатлар ўзгардими? Ҳаммаси аввалдагидек...

Икки йилча аввал дарсдан чиқиб келаётсам, яқингинада келин бўлган талабамиз айтадиган гапи борлигини, бироз вақт ажратишимни илтимос қилди. Бўш аудиторияга кирганда келингина шундай деб нолиб қолди:

– Тўйимизга бир йил ўтмасдан қайнонам ҳам, қайнотам ҳам жуда ўзгариб қолишган. Авваллари жуда меҳрибон эдилар. Дастурхонга ўтирганимизда доим олдимга уни-буни суриб қўйишарди. Тансиқроқ пишириқларни дастурхоннинг бир чеккасига ўраб, келгунимча илиниб ўтиришар эди. Ҳозир ҳамма нарса ўзгарган... Гўё мен йўқдекман... Турмуш ўртоғим эрта кетиб, кеч келадилар. Устоз, мен оиламга тобора бегоналашиб бораяпганимни сезиб, тобора даҳшатга тушаяпман... Нима қилай? Онамга айтсам, икки оила ўртасига совуқчилик тушириб қўяманми деб қўрқаяпман...

Гапнинг рости, келингинанинг мулоҳазақорлиги ёқди менга. Кўза синиб улгурмай, ташвишга тушибдими, худо хоҳласа, бахтини маҳкам ушлайдиган қизларимиздан бўлади, деган ишонч билан чин дилдан уч-тўрт марта суҳбат қурдик. Аниқроғи, опа-сингил бўлиб, турмушларини холис таҳлил этдик. Ўша келинимиз яқинда миннатдорчилик билдиргани атай келибдилар. Келинг, бор гапни шу келингинанинг ўзларидан эшитайлик. Сабоҳатой, келинг, ўзингиз сўзлаб беринг...

– Устоз тўғри айтдилар, опа-сингилдек самимий бир сидра турмушимизни таҳлил қилгандан сўнг кўп нарсага бошқача кўз билан қарай бошладим.

Кўплар тилидан «Ойижон! Адажон!» сўзларини қўймайдиган келинларни «устомон, артист келин экан» дейишади. Аммо ютгандан тили ширин келинлар ютар эканлар! Чунки кексалар яхши гапнинг гадоси, уларга ширин сўздан бўлак ҳеч нарса керак эмас экан... Буни англаб етмаганлар турмушда кўп



муаммоларга дуч келишади. Шуларнинг бири мана мен бўлдим...

Авваллари уйдагиларнинг менга бунчалик меҳрибон бўлганларининг асл сабаби менинг бу оилага янги келиб қўшилганлигим, уларга тез ўрганиб, ўз уйимдек ҳис қилишим учун эканлигини устоз айтганларидан кейин англадим. Тортинмаслигим учун қайнона ойимлар ва қайнотамлар уни-буни олдимга суриб қўйишар, ўғлилари, қизлари кўргани келганда олиб келишган нарсаларни емай, менга илинишар экан. Мен бўлсам буларни улар менинг бу уйга бойвучча келин номи билан келганим учун, мол-қолим тўкислиги учун қилишаяпти деб ўйлабман. Калтабинликни кўринг... Бу меҳрлари учун мен уларга ҳатто раҳмат ҳам демасдим. Худди ҳаммаси шундай бўлиши керакдек. Билсам, улар менга меҳр кўргизиб, меҳр кутишган экан. Баъзи дугоналарим «уйимдаги кексаларни сийлай» деб у-бу ширинликлар олиб кетишса, менинг ғашим келарди. Менчи...

Ўқишдан келишимни кутиб илиниб ўтирган овқатларини ердим-у, раҳмат демай, идишни ҳам ювмай кириб кетардим. Дарсим кўплигини баҳона қилардим. Айвонда мўлтайиб қолишарди. Кейин қайнонам инқиллаб (беллари оғрийди) туриб, ўзлари ювиб, дастурхонни қоқиб, тахлаб кўярдилар. Уйда кунларим ҳам уларни бирон тансиқ таомлар билан сийламасдим. Бир дамгина ёнларида суҳбатлашиб ўтирмасдим...

Шу тариқа секин-секин узоқлашиб боравердик. Аввал мен уларни пайқамагандек бўлсам, бора-бора уларга уйда бор-йўғим ҳам билинмайдиган бўлди. Қилмишимга яраша жазо-йимни олдим.

Кўзимни устоз очдилар. У киши «Боқиманда бўлиб қолибсиз-ку!» дедилар. Аввал жаҳлим чиқди. Кейин тушуниб етдим. Тўғри айтибдилар. Ундан ҳам баттар, тирик товон бўлиб қолибман. Вақт-вақти билан одам ўзини таҳлил қилиб туриши кераклигини ўргатдилар. Ўзингиз ўйланг... Сиз шу оилага келиб қўшилибсиз-у, бирон бир нарсага ўз ҳиссангизни қўшмабсиз... Йўлкира ва овқатингизга қуёв берсалар, кексалар қўлларидан келганича кўнглингизга қарашса... Сиз нима қилдингиз, дедилар... Биринчи навбатда, кексаларнинг кўнглини олинг, деб тайинладилар. Сизни уч йилдан бери биламиз, аммо сиз бундай эмас эдингиз, деб ўзимга четдан назар ташлашни ўргатдилар.



Ота-онангизнинг иқтисодий мавқеи қайнона-қайнотангиз-никидан бироз «баландроқ» бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳол сизни уларга нисбатан такаббурроқ бўлишингизга сабаб бўла олмайди. Негаки, биринчидан ҳеч ким сизни шу хонадонга келин бўлишга мажбурлагани йўқ. Ўз ихтиёрингиз билан, уларни ўзингизга тенг билиб келгансиз. Шуни англаган бўлсангиз, шу ерда униб-ўсишни, уларга яхши фарзанд тенгида бўлишни чин дилдан ният қилсангиз, такаббурлик, манманликни ўзингиздан йироқ қилинг. Негаки яхши фарзанд ота-онани ҳурмат ва иззат қилади. Асло улардан олдинда юрмайди. Ҳар сўзларини инобатга олади. Такаббур ва манман кишига сўз уқдириш эса баланд жойга сув чиқариш каби амри маҳолдир. Бирларини қуёш, бирларини ой билиб, улар «етовига юрсангиз»-гина, сўзларини қулоққа олсангизгина, яхши табибнинг маслаҳатларига кирган бемор тез тузалиб кетгани каби, сиз ҳам ўзингизга кўп манфаат келтирасиз. Яъни шу ерда «ўсиб-унишингиз» тез ва соз кечади, деб тайинладилар. Қайнона-қайнотангиз, қайин-бўйнингиз олдида сиз қанча камтар ва одобли, мулойим бўлсангиз улар кўзи ўнгида даражангиз шунча ошиб, кадрли бўлиб бораверасиз. Бошқаларга доим мурувват кўрсатганларгина меҳр, иззат ва икром топади, дедилар.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Турмуш тарзим бутунлай ўзгарди. Яхшилик билан кишининг кўнглини олиш осон экан. Қайнона-қайнотамларнинг аввалги меҳрлари қайтди. Уст-устига яхшилик кўрсалар одамлар, айниқса, кексалар дилларини хира қилган вақтларни тез унутиб, юзлари ёруғлашиб бораверар экан. Йўнилмаган таёқдек юрган эканман. Энди биррам яйраяпман улар бағрида. Ўғилчам катта бўлаяпти...


*Дуо: Илоҳо, қалбингизни меҳр ва муҳаббат тарк этмасин! Бошингиз узра қуёшингиз, сўлимгина моҳингиз сўнмасин!*

### **КўПДА БАРАКА, АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ БОР**

Аксарият қизлар катта хонадонга келин бўлганларидан нолийдилар:

– Келин бўлганимдан бери ҳар оқшом ўн иккита коса, шунча қошиқ, шунча пиёла юваман!

Ўзини билган киши катта ва аҳил хонадонга келин бўлганидан хурсанд бўлиши керак. Чунки кўпда барака, иноқликда қудрат, аҳилликда ҳикмат, сахийликда файз бор.



Сиз-чи, сиз қандай жойга келин бўлаяпсиз? Агар сиз ҳам катта хонадонга келин бўлиб тушаётган бўлсангиз, суюнишингиз керак. Негаки сизнинг камолга етиш суръатингиз тезлашади. Нега тезлашмасин? Ахир сизда оила аъзоларининг ҳар биридан ўзингизда йўқ бир кичик фазилатини бўлса ҳам юқтириш имкони яратилади-ку.

Биринчи суҳбатларимизданоқ эътиборингизни қаратаётганимиз ҳамда ҳар томонлама таърифини бераётганимиз ОИЛА аввало жамоадир. Жамоанинг зарур шарти – узоқ йиллар бирга яшашни мақсад қилиб, бир-бирига мослашув, келишув, бир-бирини қўллаган ҳолда илгарилаш. Кексаларимиз бунини сермаъно қилиб муросаи мадора дейдилар. Сиз жамоанинг аъзосимисиз, шуни истайсизми – истамайсизми, жамоа билан ҳисоблашмай ҳеч бир иложингиз йўқ. «Келин киши – кенг киши» деган гапни эшитганмисиз? Бу бизнинг феълимиз ниҳоятда кенг бўлиши кераклигига, барчага баробар муомала қилишимиз кераклигига, ҳуда-беҳудага ўзимизни биринчи, яъни «йирик план»га олиб чиқаверишимиз ноўринлигига ишора.

Оила қуриш остонасида турган экансиз, сиз бунини тўғри тушунишингиз, чуқур англаб етишингиз керак.

Жамоага қўшилган киши шу жамоа билан ҳамнафас бўлиш, ҳамқадам бўлиш каби хайрли ниятдан мосуво бўлса, янги жамоани қабул қилишга интильмас, унинг ажралмас аъзосига айланмас, жамоа уни ёт унсурдек ўзидан ситиб чиқариб ташлайди. Чунки оила узоқ йиллар мураккаб синовлардан ўтган жуда мукамал жамоа, мустаҳкам механизмдир. Унинг ҳар бир муруввати ҳалол ишламаса, яъни оила аъзоларининг ҳар бири ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажармаса, унинг вазифаси оиланинг бошқа аъзолари зиммасига тушади. Демак, мураккаб механизмнинг бошқа муруввати бу ортиқ юкдан зўриқиб, охири бузилиши муқаррар. Бунга, ўзингиз кўргансиз, эшитгансиз, ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Ўйлаб чиқараётганим йўқ, яқинда бир қўшнимиз келин туширди. Оила аъзолари беш кишидангина иборат жамоа бўлди: қайнона, куёв, келин, келин айтмиш «эрини ўлдириб қайтиб келган» қайинэгачи ва унинг беш яшар қизи.

«Қайинэгачи» сўзидан ва «қайтиб келган» сифатиданоқ кўпчилигингиз бир салпчиб тушдингиз-а?! Аммо ҳамиша ҳам уларга шундай «ёв қараш» қилишимиз керакмикин. Худо ҳам-



мамизни ҳар турлук қилиб яратгани каби қисматимиз ҳам ҳар турлук-ку. Шу турлук қисматни турлукча кўтарамиз ҳам.

Қўшнимиз хонадонидаги қайнона олтмиш ёшларда, касалманд, аммо ҳали ҳам хизматда, уй ишларига қарашишга ҳам қодир. Қайин ота қазо қилганлари сабаб, бу хонадонни бошқариш ҳам она зиммасида. Ўғил энди оила қурди ва она елкасидаги шу «бошқарувни» тезроқ ўғилга ўтказиб, зиммасидаги оғир юкдан қутилсам дейди.

Баланд қаватли бинонинг беш хонали хонадонида яшашади. Келиннинг феъли торлик қилмаса, «муросаи-мадора» тақчиллиги бўлмаса, бинойи яшаш мумкин. Бинойи яшаб келинаётган эди ҳам. Тиқ этган товуш чиқмасди бу хонадондан. Келин келгунича шундай эди. Келин келгач эса...

Келин янги оилани, янги жамоани қабул қила олмади шекилли, янги жамоа билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилмади. Мураккаб механизмнинг бир муруввати бўлиб оилага кирдию, ўзига лойиқ юкни зиммасига олмади. Чамаси у оила тутишга тайёрланмаган ёки ўзини шундай тутиши кераклиги ҳақида кўрсатма олган. Балки ўзига ўзи бергандир бу кўрсатмани. Аммо бунинг нотўғрилигини вақтида англаб етмади. Оқибат – яккаланиб қолди. Гаҳ десам, қўлимда-ку деб ўйлаган эри ҳам унга суянч бўла олмади. Чунки унинг тарбияси бўлакча, ўзига кўрсатмалари бўлакча. Хуллас, келин янги оилага ёт унсурдек кўшила олмади, унинг ажралмас аъзоси бўла олмади...

Тўйдан кейиноқ у ҳаммадан кеч туришни одат тусига киргизди. Ўрнидан тургач, шоҳи халатига ўралганича чиқиб, бир япроқ пишлоқ билан бир бокал кофе ичиб, яна қайтиб ўз ётоғига кириб кетади. Бир-икки ҳафта шундай давом этди. Бир кун пешинда тушлик қилишаётганда:

– Ҳамма келин-куёвларнинг «асал ойи» бўлади. Бизда ҳам ҳеч бўлмаса уч кун «асал ойи» бўлсин! Биз Бахтиёр акам билан ана шу «асал ойи»мизни тоғда, «Пирамида»да ўтказамиз... – деб эълон қилди.

Бахтиёр акасининг юзид ажабланиш ҳисси қотди-ю индамади.

Қайтиб келишгандан кейин ҳам кунлар шу тариқа ўтаверди. Келин пешингача ухлайди. Пешинда туриб эрталаб қайнона ёки қайинэгачи тайёрлаган нонуштани ейди. Кейин икки соатлар телефонга «осилади». Кейин ўз хонасига кирганича йўқ бўлиб кетади.



Эри ишдан қайтишига яқин пардоз-андоз қилиб, эрни кутиб олишга эшик олдида шай туради. Эрининг юзидан ўпиб, қўлтиқлаб ўз хоналарига етаклайди.

– Овқатга чиқинглар, – дейилгачгина шоҳи халатда столга келиб ўтиради. Худди овқатни ўзи пиширгандек қозон тепасига бориб, овқат олдини ўзи ва эрига сузиб олади. Бошқаларни кутиб ҳам ўтирмай, ликобчалардаги салатларни олдига сурганича еябошлайди.

Ўзини ўта эркин тутишидан янги уйга тез киришиб кетибди, ўзиники қилиб олибди, деяётгандирсиз? Шундаймикин? Бир ойдан сўнг ўртага нозик масала қўйилди-ю ўзи таранг муҳит портлаш даражасига келди. Ва портлади.

– Уйимиз катта, уни сотиб учта квартира олиш мумкин, – деди келин, – бизга, ойимга, қайинэгачимга... Ҳамманинг бир ерда яшаши шарт эмас-ку...

Дабдурустдан айтилган гап қайнонани шошириб қўйди. Мияси ғувиллаб кетди гўё.

– Болаларимнинг отасидан қолган уй бу... Сотилмайди ҳам... Бир мусулмон набира қизимга оталик қиламан деса, опангининг бахти очилиб кетар... Шундайлар ҳам бор... Аввал укамни уйлантирайлик, сизни укам ва келиним қўлига топшириб, хотиржам бўлай, деб опангиз кўнмай юрувди...

– Мен современный келинман!.. – шундан кейин келин бемор онага меҳр кўрсатиш унинг зиммасига кирмаслиги, колхоз бўлиб яшашга унинг иштиёқи йўқлиги, эри топганини катта оилага сарф қилиб, ўз орзу-ҳавасига қарай олмаётгани ҳақида ҳаяжон билан гапирди. У ҳозир гапириб олмаса, кейин ҳамма ўйлагани чилпарчин бўладигандек тез-тез ва мантиқсиз гапирарди. Ёшлигидан чиройли жойларга келин бўлишни орзу қилганини ҳам, «шўр пешона» бўлмаса, домга тушмаган бўлишини ҳам, онаси отасини «Қизингга участка олиб берасан!» деб қийнаётганини, лекин у участкага булар билан кўчмаслигини... Хуллас, ҳеч нарса қолмади – ҳаммасини тўкиб солди...

Ва ўша куни «ғишт қолипдан кўчди». Бир янги қурилган оиланинг икки аъзоси икки ёққа қараб кетди. Йигит бундай хотин билан яшай олмайман, деб туриб олганида, она ҳам, опа ҳам келиннинг ёнига тушиш, уни қайириш учун келиннинг бирон яхшилигини топиша олмади. Яхшининг ёнига тушилади-да.



Уларнинг ҳаёт йўли қайта яна кесишиши амри маҳол... Сут-да оғзи куйган, сувни ҳам пуфлаб ичади...

Ҳозир мени тинглаб туриб, овозимдаги афсус, бироз ранж ва ачинишни сезиб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Ҳа, тўғри, афсус ва ранж кўпроқ. Бировлар экан-ку, сизга нима дерсиз. Умуман, жичча ёмонлик олдидан ҳам бефарқ ўтиб бўлмайди, у катта кулфат келтириши мумкин. Афсус ва ранжим келиннинг ўз ҳаёти, бахти учун жонини фидо қилишни истамаганидан. Ўздан кечиб бўлса ҳам, бировларнинг кўнглини олмаганидан. Ахир у шу оилага ўз ихтиёри билан келин бўлди, лекин нега шу жамоага киришиб кетишга ҳаракат қилмади?


Ўзингиз ўйланг. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз умр бўйи асосан икки жамоа билан боғлиқ экан. Биринчи жамоамиз – оиламиз. Иккинчи жамоамиз – боғча, мактаб, институт, идора, муассаса, корхона ва ҳоказо... Қайси ёшда ва қандай жамоада бўлмайлик, кўпчилигимиз шу асосий икки жамоада ўзимизга икки хил кўрсатма берар эканмиз. Қандай дейсизми?

Диққат қилинг: турли тоифа, турли ёш, турли феъл-атвордаги кишилардан таркиб топган иккинчи жамоамиз – боғча, мактаб, институт, иш жойимизда биз атрофдагилар билан юлдузимизни юлдузимизга тўғрилаш учун қўлимиздан келган барча ишни (баъзида қўлимиздан келмайдиганини ҳам) бажарамиз. Бошлиқнинг қош-қовоғига қараб турамыз. Унга нима ёқишини, нимани хуш кўрмаслигини махсус ўрганамиз. Унинг яққол кўзга ташланиб турган камчиликларини кўриб туриб, кўрмаганга оламиз ёки кечирамыз. Бошлиқнинг кўп ишларига гашимиз келганда ҳам, буни асло сездирмаймыз.

Бундай диққат билан мулоҳаза қилсак... Айнан иккинчи жамоамизда биз ёшлиқдан кўп маротаба эшитганимиз, турмушимизда дастуримиз бўлиши керак бўлган «умр – муросаи мадора» нақлига риоя қилиб, яшашнинг олий намунасини кўрсатарканмиз! Ўзимизга шундай кўрсатма берганмиз-да!

Боғчага қатнай бошлагандан бери «урушқоқ қиз» номини олмаслик учун бошқа болалар билан таллашиб-тортишмаслик, озода қиз бўлиш, бошқалардан ўйинчоғимизни қизғанмаслик кўрсатмасини олганмиз. Буни бизга ота-онамиз ҳар куни синдиришга ҳаракат қилишарди. Лекин «ёмон қиз» бўлиб қолмаслик учун айтганларини эсимиздан ҳеч чиқармасликка интилардик.





Мактабда кўплар билан аҳил бўлишга ҳаракат қилмасмидик?

Нега ҳаётимизда асосий жамоа ҳисобланган – ОИЛАда айримларимиз ҳалиги келин каби ёт унсурдек тутамиз ўзимизни? Оқибатини эса кўрдингиз.

*Дуо: Илоҳо, ҳеч бирингизни бировларга меҳр, шафқат, мурувват кўрсатиб завқ олиш, тозариш ва юксалиш бахтидан бенасиб қилмасин. Кўндан оладиганимиз барака, иноқликдан оладиганимиз қудрат, аҳилликдан оладиганимиз ҳикмат, сахийликдан эришадиганимиз файз қалбимизга қувват бериб турсин!*

### ТУРКАНА ЎГИТЛАР

Яқинда бир китобда «туркана» сўзи «туркона» сўзидан келиб чиққани ҳақида ўқиб қолдим. Шунинг учун ҳам бу сўз аксарият ҳолларда туркий халқларга, яъни «ўзимизники», «шарқона», «халқона» маъноларини ўзида яшириб келар эканда, деган хаёлга бордим. Халқ табобатида туркана дори-дармонларнинг ўзимизга тез таъсир қилиши ҳақида кўп эшитганмиз. Ўзимизники-да! Туркана ўғит-сабоқларнинг ҳам таъсири ниҳоятда кучлилигига неча бор тан берганмиз.

Бу ўғитларнинг қуруқ илмий тилда эмас, ҳикоятлар, ривоятлар, ҳатто «фалончи айтди» тарзида келиши ҳам кўпчилигимизга маъқул. Ўша фалончи ўз ҳаёт тажрибасидан, яъни «бошидан ўтказганига» ҳам ишончимиз комил!

Бундай ўғитлар бир томондан зериктирмаса, иккинчи томондан уларда ўзингизга албатта сингдиринг деган мажбурият ҳам йўқ. Хоҳланг, қабул қилинг, хоҳланг, қабул қилманг! Ҳа, бир эшитиб қўйсангиз бас! Яна бир сирни ҳам айтиб қўяй. Шу ўғитларда келтирилган ҳикоят, ривоят, насиҳат, ўғитлар ҳозир миянгиизга жо бўлмаётгандек кўринса ҳам, ахир бир кун хотирангиз захирасидан албатта қалқиб чиқади. Қалқиганда ҳам айнан сизнинг дунёқарашингиз, лўнда ҳаётий хулосангиз сифатида қалқади. Вақтики келиб ўзингиз ҳам туркана ўғитлар айта бошлаганингизни сезмай қоласиз.

Куйида турли вақтда турли ҳаётий воқеалар сабаб бўлиб, бир эшитганда хотирамга жо бўлган, кейинчалик мана шундай учрашувларда турмуш сабоқлари тарзида хотирамда қалққан туркана ўғитлардан намуналар келтирамыз.

## ЕТИЛИШ

– Бошоқ тўлишганда, пишгандагина ўрилади, айланай болам! Вақтидан аввал ўрилса, ейдиган нонимизнинг сифати ҳам айтарлик бўлмайди. Кўтарган хирмоннинг ҳам ичидан чириш, қизиб, ўт кетиш хавфи бор. Вақти ўтказилса – бошоқлар тўкилиб, исроф бўлиб, барака кетади... Ёшларнинг балоғат ёшига етди дегани, ҳали уларнинг оила қуриш учун етилганини билдирмайди. Кўпинча боламизнинг бўйи бўйимиз билан тенг бўлди, ёши балоғат ёшига етди деб, ҳовлиқиб сарполарини тайёрлаб, ўғлимизга келин қидирамиз, қизимизга куёв мўлжаллаймиз...

Аслида улар ҳали етилмагандирлар ҳам. Яъни ақл ва идрок билан, юрак қўри билан ҳаётнинг, турмушнинг моҳиятини, оиланинг шоҳ масаласини тушуниб етмагандирлар ҳам. Том маънода етилиб улгурмаганлар турмушнинг илк «мушти» даноқ ўзларини йўқотадилар. Майда икир-чикирлар ҳам уларга муҳим ва биринчи даражали бўлиб кўринаверади. Оқибат – ажралиш...

Масаланинг яна бир томони: осон топилганни йўқотиш ҳам осон бўлади. Тўғри, биз болаларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз. Лекин улар шуни англаш, шуни қадрлаш даражасида етилмай туриб, тайёргинага эга бўлаяптилар-да. Ажралишларнинг кўплигига сабаблардан бири уларнинг ҳаётнинг асосий, яъни шоҳ масаласини англаб етмаганларидир...

Одатда, бу мавзу суҳбатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ёшларни оилага тайёрлашнинг энг зарур шартлари ҳақида бетиним баҳслашилади.

Ёшнинг улғайгачгина мунозарадан ҳоли хулосага келиш мумкин экан. Шундай фикрларнинг бирини айтсам: назаримда Одам Ато тоифасидагиларга ҳам, Момо Ҳаво тоифасидагиларга ҳам кичиклигидан меҳрни, ҳалолликни, ички-ташқи покликни, одамга ҳурматни, энг муҳими ўзингдан ўзгага шафқат, ҳамдардликни сингдирилса, улар кейин кўпда қийналмайдилар.

Қиз-йигитларни ҳаётга, оилага тайёрлаганда улар қалбида шу қадриятлар жой олмаган бўлса, оиладаги ҳар бир иш ўз-ўзидан «ўғил болалар иши» ва «қиз болалар иши»га, кейинчалик эса «эрнинг» ва «хотиннинг» ишига бўлинади. Бунинг оқибати бу юмушлар катта-кичиклигидан, оғир-енгиллигидан



қатъи назар – «менинг ишим нима!» дир. Инсон шу тариқа бировга яхшилик қилиб, бировга ҳамдард бўлиб завқ олиш, ҳузур қилиш бахтидан бенасиб бўлади. Бу қалб қашшоқлиги-га олиб келадиган йўлдир.

Биринчи галда биз ўзимизга ўзимиз хизмат қилишни ўрганишимиз керак. Катта оиланинг бир аъзоси сифатида шу оилага тегишли бирон юмуш қилганда, биринчи галда бу ўзимизга кераклигини ҳисобга олишимиз даркор. Қилаётган ишимизни кўнглимизга малол олиб, унинг натижасидан олдиндан завқ олиб, қувониб ишламасак (ахир яхши бажарсак «баракалло!» эшитамиз, бировнинг хурсанд бўлганини кўрамиз-ку), меҳнатдан оғринадиган, буни миннат биладиган бўлсак, биринчи навбатда, ўзимизга жабр. Бундан бировнинг эмас, ўзимизнинг кўнглимиз кун сайин бир поғона кўтарилиш ўрнига, бир поғона чўкиб, ғуссага кўмилиб бораверади. Негаки, ўзи бировга яхшилик қилиб завқ олмаган киши, бировнинг унга қилаётган меҳрибончилигини ҳам, яхшилигини ҳам пайқашга қодир бўлмайди. Бировлар билан оддий одамий муносабатлардан яйрай олмайди. Дили ҳам, тили ҳам «Яхшилигингизга яхшилик билан жавоб қайтариб, мен ҳам бир яйрай!» деёлмайди.

Етилиш деганда, инсон инсонсиз янаёла олмаслигини англагани, оиланинг тенг аъзоси сифатида унинг завқи-қувончи билан яшаши кераклигини англагани демакдир.

### Оталар сўзи...

Киши болаликда, ёшлиқда ота-онасидан, кексалардан кўп панд-насиҳат эшитади. Шу заҳотиёқ ёки эртасигаёқ эшитганларига амал қилиб кетмаслиги мумкин. Эшитганлари эътиқодга айланиши учун ҳам киши муайян даврни, оғир-енгил синовларни бошидан ўтказиши керак. Аммо бир нарсага: ёшимиз, мавқеимиз, маданиятимиздан қатъи назар умримиз давомида ҳар биримиз энг мўътабар мезон – ота-оналаримиз ўғитларига тез-тез мурожаат қилиб туришимизга ишонаман.

«Қари билганини – пари билмайди» дейилгани шумикин? Оталар сўзи – ақлнинг кўзи экалиги ҳам рост-ку. Шулар ҳақида ўйлаганда, тўрда мўйсафид ёки оппоқ сочли онахон ўтирган давра кўз олдимга келади. Қўлларидаги пиёладан оз-оз чой хўплаб, улар оғир-босиқ, паст овозда сўзлайдилар. Кеча билан бугун, бугун билан эрта ўртасида кўприк бўладилар.


Кўприкда турган кишига икки қирғоқ яхши кўринади. Улар атрофида бошларини эгиб ўтирган ёшлар уларнинг салмоқлаб айтган ҳар бир сўзларини диққат билан эшитадилар, бу сўзлар уларнинг томирига ўт бераётгандек, руҳига жон ато этаётгандек, секин бошларини тебрантириб кўйишади... Ўғитлар – ҳаётнинг жон озиғи.

Бу мумтоз кинофилмдан бир кўриниш эмас. Бу – ҳаёт. Минг шукрки, кўп оилаларимизда сақланиб қолган урф... Бобосидан панд-насиҳат эшитган миллат ёшларининг илдизи нақадар чуқур...

– ...Муסיқа асбобларининг бири соз бўлиб, иккинчиси созланмаган бўлса, улар билан ижро этиладиган куй яхши чиқмайди. Оилада ҳам эр хотинга, хотин эса эрга мос бўлиши, ҳар бир хатти-ҳаракати бир-бирига созланган бўлиши керак. Аммо турмушда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Худо ҳаммани ўзига яраша феъл-атвор билан яратади-да. Уй-дунёчиликда эр-хотиннинг бир-бирига мослашиб олғунига қадар неча фасл, неча қовун пишиғи ўтади. Кўпинча бу чолғу асбобларини мослашга нисбатан узоқроқ ва оғирроқ кечади. Барибир одам деган Тангри берган ақл билан иш қилсин. Баъзан баланд чиқиб, баъзан паст тушиб шеригининг ҳам ўзига мослашиб олишига қарашсин... Оила қурмоқдан асл мақсад қўлга соз олгандаги мақсад билан ўхшашми – аввал шуни англаш керак. Оила қуришдан мақсад бахтли, тотув яшаш, серфарзанд ва солиҳ одам бўлиш. Қўлга соз олишдан мақсад – чиройли куй чалиб ўзини ҳам, бошқаларни ҳам хурсанд қилиш. Созлар бир-бирига соз бўлмаса, чолғуси соз бўлган созанда маълум пардаларни сабр билан лозим бўлгунча чалиб туриши керак. Чолғусини унинг чолғусига созлаётган созанда эса унга қунт ва сабр билан, ихлос ва энг кераги, катта истак билан эргашмоғи, чолғусини айнан ўша пардада чалиб туриб, оҳанглар бир бўлгунича чарчамаслиги керак. Ана шунда куй чиройли чиқади...

Ҳаётнинг ўзи каби кўҳна бу гапларни машҳур созанда Турғун Алиматов қизлари Мухтасархоннинг элик йиллик юбилейларида қизлари ҳаётдан кўнгиллари тўлиб айтган эдилар.

Бу гапларни билганлар, ўз қалбларига жойлаб олганларнинг оилавий турмушда, ҳаётда гармонияга, камолотга, муштаракликка интилмасликларига ишонмайман.



## Оғриқ тишининг давоси ҳамиша омбир эмас...

Куни кеча Фалончихоннинг келини кетиб қолибди деб эшитдим. Ҳамма қатори бир оиланинг бузилганига ачиндим. Аёл бўлганим учун аёллар ҳақида ёмон гап айтилишига қаршиман. Лекин айнан шу келиннинг кетиб қолганига ҳайрон бўлганим йўқ. Анча енгилтабиатли кўринганди кўзимга...

Маҳалланинг ичига жойлашган стоматология поликлиникасида даволовчи врач бўлиб ишлайман. Бир куни Фалончихон келинини бошлаб келиб қолди. Дугонамнинг келин туширганига уч-тўрт ой бўлган эди. Ойдеккина келин экан. Аммо биринчи мулоқотданоқ хуснини ҳам унутиб, уни зарядланган милага ўхшатдим. Фалончихон:

– Келинимизнинг тишлари икки-уч кундан бери безовта қилаётган экан, бир кўриб қўйинг, ўртоқжон, қийналиб юрмасинлар! – деди.

Кетаётганида келинига тайинлади:

– Зебохон, мана, доктор опангиз билан таништириб қўйдим. Қўллари енгил. Маҳалламизда ҳамма бу кишидан миннатдор. Айтган вақтларида келиб, албатта тишларингизни даволатиб олинг!

Навбат келинга келганида уни юмшоқ ўриндиққа аранг ўтқаздим. Оғзини ҳам очишни истамасди.

– Тишингиз оғрияптими? – сўрадим.

– Ҳа, жудаям!

– Унда келинг, кўрайлик!

– Оғритасиз!

– Тўғри, балки оғрир, лекин чорасини албатта кўрамиз. Қани, оғзингизни очинг-чи?

– Оғритасиз! Яхшиси укол билан олиб ташланг! – ақл ўргатди келин.

– Оғриқ тишининг давоси ҳамиша ҳам омбир эмас, қизим! – дедим унга тасалли бериб.

Биз врачлар беморлар билан муомала қилишда анча оғирмиз. Касбимиз шуни тақозо қилади. Лекин келин ўша куни мени жуда қийнаб юборди. Тишининг касали ётар олдида тиши ва оғиз бўшлиғини тозалаб ювмаганининг оқибати эканини айтганимда:

– Катталарнинг ҳаммаси насиҳат қилишни яхши кўради! – деб ранжиди ҳам. У ҳар бир ҳаракатимга ишончсизлик билан қарар, ҳатто даво учун пул беришини писанда қилиб қўярди. Гўё пул берса, оғриқ қоладигандек. Хуллас, унга кетган вақтимда икки-уч беморнинг тишини даволаган бўлардим...

Ниҳоят тишига пломба қўйиб бўлдим. Оғриғи қолганига ишончим комил. Чунки эҳтиётини қилиб, укол қилганман, малҳам қўйганман. Бироз фурсатдан кейин уни қайта ўриндиққа ўтказдим.

– Яна нима қиласиз? Пломба қўйиб бўлдингиз-ку! – деди.

– Тўғри айтдингиз, ўша қўйилган пломба бироз қотди, энди унинг ғадир-будур жойларини текислаб, ўз тишингиз билан бараварлаб, силиқлаб қўяман. Шунда лунжингизни ҳам, тилингизни ҳам чақа қилмайди, – дедим унга тушунтириб.

– Керак эмас, яна оғритасиз! – деди ўжарлик билан.

Мен унга энди ҳеч ҳам оғриқ бўлмаслигини, лекин текисланмаса, тилини чақа қилиб оғритишини, овқат чайнашга қийналишини айтдим.

Йўқ, кўндира олмадим. Оҳиста яна тушунтирдим. Инсон тиши учун пломба бегона жисм ҳисобланишини, у тиш билан реакцияга киришиб, уч-тўрт кун ўтмай яна ўз тишидай бўлиб кетишини, оғирроқ бўлиб уч-тўрт кун чидаса, олам гулистонлигини айтдим. Борди-ю табиий озгина оғриққа, ноқулайликка чидамай пломбани кавлаб олиб ташласа, кейинги даво бундан анча оғирроқ кечишини ёш болага тушунтиргандек тушунтирдим. Барибир гапларимни бир мирига ҳам олмади. Оғзидаги сўлак шимишга қўйган пахта золдирларини ҳам олмасимданоқ шартта ўрнидан туриб чиқиб кетди. Раҳмат ҳам насия қолди... Дугонамга ачинганимча қолдим. Бундай келинлар билан муомала қилишнинг, йўлга солиб олишнинг ўзи бўлмайди... Келиннинг оиласини ташлаб кетиб қолганига шунинг учун ҳам ҳеч ҳайрон бўлмадим. Оғзидаги битта тишининг пломбаси бир-бирига сингишиб кетгунича сабр қила олмаган энгил келин, бутун бошли одам – ўзининг янги оиласи билан сингишиб кетишига қандай чидайди?

Келинлар тушган оилаларида ўзлариники бўлиб кетгунларича неча семириб, неча озадилар. Ҳаётда «Юк кўтарган – ютади» дейилиши бежиз эмас.



## Яхшики, яхшилар бор...

Яхши одамларга омадим борлигини кўп марта синаганман. Ҳар дам улар борлигига ва кўплигига шуқр қиламан. Яхши одамлар бор экан, дунёнинг мувозанати бузилмайди, деган хаёл юрагимда азалдан турғун.

...Эрта саҳар кўрган тушимдан юрагим қинидан чиққудек бўлиб уйғондим. Юз-кўзимдан майда ва муздек терни артар эканман «Ё раб! Булар недан аломат?» деганимча узоқ ўйла-ниб қолдим.

Нонушта тайёрлаб, уйдагиларни ишга кузатаяпман ҳамки, дилим чигили ёзилмайди. Телефон жирингласа, бирон нохуш хабар эшитаманми деб, гўшакни кўтаришга кўрқаман...

Ёлғиз қолдим... Бироқ на ўқиш, на телевизор ичимдаги тош-ни эритишга ёрдам бера олмади.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Очсам – яқин дугонам Раънохон. Қўлида бир даста гул! Бирини бирига саралаб олинган-дек, ним очилган атиргул гунчалари «Нафосат мана – менман!» деяётганга ўхшарди.

– Сабаб?! – дедим дугонамга қўлимга тутқазилган гуллари-га ишора қилиб, таваллуд бўлмаса, байрам бўлмаса...

– Вой, жуда соддасиз-да! – дедилар аслида гулни кўриб се-винганимдан мақсадига етган одамдек самимий қувониб, ҳам завқланиб кулиб. – Сабаб – Сиз, баҳор, Наврўз! Бир зиёрат қилгим келди Сизни!

Кейин эрталаб бир юмуш билан кўчага чиққанини, гул бо-зоридан ўтаётганида негадир шу дастага кўнгли ийиб, мен кўзига кўринганимни, соғинчи устун келиб, кўнғироқсиз ҳам келаверганини айтди.

– Юмушдан қолдирган бўлсам, узр, – деди.

Мен эсам унинг келганига ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Бир пиёла чой устида гулларга тикила-тикила дугонамга дилимдаги ғашликни айтдим. Кўрган тушларимни тафсилоти билан гапириб бердим.

– Инсон ўнгида-ю тушида кўрганини яхшиликка йўйиб яшаши керак, деб уқдиришарди ота-боболаримиз, донишмандлар ҳам буни кўп бор таъкидлашган, – дугонам сокин ва тиниқ кўзларини кўзларимга қаратиб шундай деди. – Одам руҳий мувозанатини йўқотганида китобларга муро-жаат қилиши кераклигини ўзингиз ҳам айтардингиз. Китоблар-

да инсон руҳиятини яхшиликка чоғлаш, йўналтириш ҳақида кўп ҳикматлар бор. Эсингиздами, Қуръоннинг «Нисо» сурасида яхши нарсаларни ёмон нарсалар ичига ўраб қўйиб берилгани ҳақида айтилган. Яхшига етгунга қадар инсоннинг сабр ва тоқати, иродаси, иймони синовдан ўтиши, ўзи-ю иймони кўпнинг олдида имтиҳон қилинишига ишора-ку бу. «Бешинчи кун келур албат, вале тўрт кун ёмон ўтар», дейишган машойихлар. Тушларингиз бир қадар силлиқ кечаётган турмушингиз, руҳиятингизни безовта қилибди. Аслида уларда ёмонликдан кўра яхшилик бисёр эмасми? Андек заҳмат, куйиниш, астойдил меҳнат оқибатида ҳалол ва яхши натижага эришишингизга ишора-ку бу. Ҳа, яхшилик аломати бу, опажон...

Мен дугонамнинг тиниқ кўзларига тикилганимча қулоқ солардим. Айни пайтда юрагимдаги ғулувлар тарқаб, ажабтовур чиройли сокинлик ҳукмронлик қила бошлаганини сезардим.

Яхшики, яхшилар бор, дердим ичимда.

### **Мум эна ҳақида қисса...**

...Қадим-қадим замонларда бир савдогар бўлган экан. Умрининг кўп қисми ўзга юртларда ўтар экан. Шунинг учунми ёши анча катта бўлиб қолган бўлса ҳам уйланишга кўнмас экан. Ахири кўпнинг маслаҳати билан уйланибди. Сафарга чиққунига қадар беш-олти ой саодатли ҳаёт кечирибди. Вақти келиб, савдогар яна сафарга отланибди. Йўл машаққатлари кўз олдига келиб, хотинини аяб, уни уйда қолдиришга қарор қилибди. Ёш ва гўзал келинга ўзгаларнинг кўзи тушмасин учун ҳовлиси деворларини баланд қилиб урдирибди. Зориқмасин, толиқмасин деб рўзғорини қайтгунича етадиган қилиб бадастур қилибди. Зерикмасин деб ҳовлиси ичига гулу райҳонлар экиб, шуларга қараб, парваришлаб овиниб юришни тийинлабди.

Кунлар ўтибди, кунлар кетидан ойлар ўтибди. Бора-бора навжувоннинг чеҳраси сўлиб, иштиҳоси ҳам йўқолиб борибди. Гулу райҳонлардан баҳра олай деб уларга яқинлашса, улар ҳам сўлиб, эгилибди. Мева дарахтларининг барги сарғая бошлабди.

Вақти-куни келиб, савдогар уйига қайтганида не кўз билан кўрсинки, гулдек ҳовлиси чўлу биёбон ўртасидаги жазирама нуқтага айланибди. Гўзал хотини қаза қилибди...





Савдогар куйибди, қайғурибди, аммо тақдирга тан бермай иложи йўқ. Дўсту биродарлари уни яна уйлантириб қўйишибди. Ҳовлиси яна яшнабди. Келин унда яйраб юрибди. Вақти келиб савдогар ўзга юртларга яна карвон сурибди.

Қайтиб келса... Яна аввалги ҳолатни кўрибди.

Ҳайратининг, қайғусининг чеки бўлмабди. Яна тақдирга тан берибди. Яна уйланибди. Аммо қалб аламлари ҳали битмаганидан, бу гал хотинини ўзи билан олиб кетишга қарор қилибди.

Фикрини айтганда аёли кўнмабди.

– Биз кетсак, гулдек ҳовли биёбонга айланади. Яхшиси, шу ерда худо деб, сизнинг қайтишингизни кутиб, ҳаққингизга дуо қилиб ўтираман, – дебди.

Юраги увишса ҳам савдогар рози бўлибди.

Орадан ойлар ўтибди, йиллар ўтибди. Сафардан қайтган савдогар бу гал хотинини омон кўрибди. У ўйнаб-кулиб юрганмиш. Гулу райҳонлар ҳам барқуриб, жаннат исини келтириб турганмиш. Шохдан-шоҳга шўх сакраётган булбуллар хошишига киши маст бўлармиш...

Савдогар ҳайратда донг қолибди. Суюнганидан тили калимага келмабди.

Орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин савдогар хотинидан аввалги хотинларининг нима учун ўлганини, ўзи қандай қилиб омон қолгани сабабини сўрабди. Уй-жойини яшнатиб ўтирганининг сирини очишни илтимос қилибди.

– Бунинг ҳеч бир сирини йўқ, – дебди аёл кулиб. – Сирнинг ҳаммаси анави мум знамнинг ичида! – Аёл токчада турган мумдан ясалган аёл ҳайкалига ишора қилибди. – Мен уни бир куни ертўлангиздан топиб олдим. Кейин у менинг бирдан-бир суҳбатдошимга, узун тунлар ҳасратдошимга айланди. Ҳасратларимни тинглайвериб, мум кўкси эриб, зардобга тўлган бўлса керак...

Савдогар мум ҳайкалчага яқинлашиб, қўлини унга теккизиб улгурмасиданоқ, унинг кўкси ёрилиб садо чиқибди: «Бешинчи кун келур албат, вале тўрт кун оғир ўтар!» Шундан сўнг ундаги бор зардоб оқиб тушиб, мум эна яна ўз ҳолига қайтибди...

Мум эна ҳақидаги бу қиссани эшитганмидингиз? Йўқми? Мен ҳам яқинда эшитдим. Эшитдим-у, одамнинг одамга нақадар кераклигини, одамнинг тафтини одам олишини, одам-



га қувватни одам беришини англадим шекилли шу ривоят ҳам умрим баҳри-байтини боғловчи сўзидек хотирамга жойланиб, руҳимга жон берувчи булоқларнинг бирига айланди.

### «Сабр – шодликлар калитидир»

Бағриларига йиғилганимизда ёшлари бир асрни қоралаб қолган бувижоним бизга ҳамиша Худодан сабр ва қаноат тилаб дуо қилардилар:

– Парвардигоро! Болаларимга сабр ва қаноат ато эт! Кўнгилларини шу сабр ва қаноат орқасидан келадиган хотиржамлик ва ҳаловатдан, фаровонлик ва роҳатдан бенасиб қилма!

Ёшлигимдан бу икки тушунчанинг буюк қудратига ишониб келганман.

Яқинда улар таърифини излаб топмоқчи бўлдим-да, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» га мурожат қилдим:

«Сабр – биринчи маъноси – ошиқмасдан кута билиш ёки ўзини тия олиш; тўзим; тоқат экан. Иккинчи маъноси – чидам, бардош. Учинчи маъноси эса қаноат экан».

Ростини айтай, ўқиганларимдан кўнглим тўлмади. Хаёлимдан бувим ўз дуоларига бу таърифлардан кўра кўпроқ маъно сингдирганлар, деган фикр қайта-қайта ўтаверди. Бувим руҳларига бу таърифларданда кучлироқ нарсалар қувват берганига ишонардим. Бувимнинг кўнгиллари сув ичган булоқлардан мен ҳам тўйиб-тўйиб ичишликни, қалбим бойишини истардим.

Кунларнинг бирида Алишер Навоийнинг қаноат ва сабр ҳақидаги мухтасар таърифини ўқиб қолдим. Излаганимни топганимдан қувончимнинг чеки бўлмади. Бувижонимнинг Навоийни билганларига ҳавасим келди. Ичимга сиздира олмай бу таърифни сиз билан ўртоқлашмоқчиман:

«ҚАНОАТ – булоқдур – суви олган билан қуримайди;  
хазинадур – нақдинаси сочган билан камаймайди;  
экинзордур – уруғи иззат ва шавкат меваси беради;  
дарахтдур – шохи тортинчоқлик ва ҳурмат ҳосили етказадди;

ҚАНОАТ – қўрғондур – у ерга кирсанг, нафс ёмонлигидан қутуласан;

тоғликдур – у ерга чиқсанг дўстга ва душманга қарамликдан халос бўларсан;



қуйлашишдур – натижаси юксаклик;  
зориқишликдур – фойдаси эҳтиёжсизлик, фаровонлик;  
йўлдур – қаттиқ, аммо севинтирувчи.  
САБР – аччиқдир, бироқ фойда берувчи;  
қаттиқдур – лекин заҳарни даф этувчи;  
ўртоқдур – суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб бо-  
рувчи;  
улфатдур – умиди узун, бироқ охири истакка элтувчи;  
уловдир – юриши тихир, аммо манзилга етказувчи;  
туядур – қадами оғир, лекин бекатга туширгувчи;  
САБР – шодликлар калитидур – ҳамма бандлар очқичи-  
дур...»

Ҳаётимда нечанчи марта аждодларимиз донишмандлиги-  
га, деганларининг турган битгани ҳикматлигига тан бердим.

### Онам айтган аллалар...

Тун сокинлигини кўшни уйдаги чақалоқнинг йиғиси буз-  
ди. Кўп ўтмай, қаршимиздаги балконнинг чироғи ёнди. Ёш  
она аввал нималардир деб болани овутмоқчи бўлди. Бола тин-  
чимагач, гўнғиллаганича ўтириб унга кўкрак тутди. Бола бир-  
икки эмгандек бўлди, аммо истагани «мамма» эмас экан ше-  
килли, яна йиғлай бошлади. Она уни бағрига босганича, ўнгдан  
чапга, чапдан ўнгга айлана-айлана алла айта бошлади:

– Об-бў-ў-ў-ў!

– Об-бў-ў-ў-ў!

Унинг охирги «ў-ў-ў!» си ўпкасидан бўғилиб чиқаётгандек  
кишининг қулоғига ўқдек тегарди. Бу оҳангда назаримда бо-  
лани юпатувчи, «Онанг ўргилсин! Жоним сенга гиргиттон! Тинч-  
лан, кўзичоғим!» дан кўра «Оббо! Яна тинчимни буздинг-а!  
Ахир бу нечанчиси!» каби зарда бор эди. Бола тинчиш ўрнига  
қаттиқроқ йиғлай бошлади. Она «Ухлай қолсангчи-ей!» деган-  
нича «алла» сини яна ҳам баландлатди:

– Об-бў-ў-ў-ў!

Баланд қаватли уйнинг яна бир-икки кўшни хонадонлари-  
да чироқ ёқилди. Ёш она бундан хижолат бўлдими, энди «Об-  
бў-ў!» сига монанд ҳар «ў-ў!» да боланинг елкасига тап-тап уриб  
турарди. Онанинг ҳаракати ҳам ўзгарди. У энди у ёқдан-бу  
ёққа чайқалмас, худди зикр тушаётгандек, ўғир янчаётган-



дек болани тепадан пастга, бағридан тиззасигача силталаб силкитарди.

Шу вақт ичкўйлаги устидан халат ташлаб олган Саври опа чиқдилар.

– Маним отажоним «умма» сўраётгандирлар. Ҳозир у кишига «умма» берамиз. Кейин алла айтиб ухлаймиз. Осмондаги оймўмалар мўлтираб қолади бизнинг алламизга... Оқаётган сувлар тўхтаб қолади бизнинг алламизга... – Бувижоннинг овози майин, сокин, ниҳоятда секин ҳам эди.

У шу сўзларни айтиш асносида ошхонадан пиёлада чой олиб чиқди, болани келинидан олиб, унга чой ичирди. Кейин болани бағрига босганича унинг пешонасини силаб, елкаларини сийпалаганича секин алла айта бошлади:

*Худойимдан айланай,  
Муродимга етказди, алла-ё, алла.  
Ҳилол ой қанотида  
Сизни менга тутқазди, алла-ё, алла!*

Бувижоннинг қўллари сеҳрлимиди ёки сўзлари сеҳрлимиди – болажоннинг йиғлаган овози бошқа эшитилмади.

Бола ҳали яхши ухламадими ёки Саври опа ўзлари шўнғиган олам сеҳридан чиқиб кета олмадиларми, ишқилиб тун сокинлигида уларнинг майин, кишининг қалб-қалбига кириб борадиган аллалари беш-ўн дақиқа эшитилиб турди. Улар секин, ниҳоятда майин хониш қилардилар:

*Онам айтган аллалар  
Юраккинам тубида, алла-ё, алла,  
Меҳрим қўшиб сўзимга  
Сизга айтаман алла, алла-ё, алла!*

Саври опа ҳали «Осмондаги оймўмалар ҳам лол қолади!» деб, билиб айтдилар шекилли, ҳарқалай кўкда тўлин ой муаллақ қотди, катта йўлдаги машиналар овози ҳам эшитилмай қолди. Уларнинг балконига қадар кўтарилган мажнунтолнинг сўлим шохлари ҳарир пардадек тебранарди.

*Ўроқ ойга аргимчоқ  
Солиб бераман сизга, алла-ё, алла.*



Юлдузлардан бир қучоқ  
Олиб бераман сизга, алла-ё, алла!

Инсон дунёга келишидан не эъзозу, не мукофотларга лойиқлигини, не меҳрларга зорлиги-муҳтожлигини умр аввалидан билиб, ўзида туйишга ҳаракат қилиши, истаганини топмаганида исён кўтариши рост. Меҳрга, аллага қониб ўсганлар бошқача бўлиши ҳам рост.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир кун қайнона ойим набираларга алла айтаётганларида қайнотамлар шундай деган эдилар: – Онаси, алланг шундай майинки, одамни эритиб юборадия! Ҳар гал алла айтганингда кап-катта бўлсам ҳам, йиғлагим келаверади...

Ҳар гал алла эшитганимизда, алла айтганимизда ўзимизда ҳам шундай кўтарилиш сезмасмидик! Алла эшитганда кишининг қалби шу энг майин, энг мунис, энг покиза ва ҳамиша ўзига хос қўшиқ билан тўйинади. Бу тўйинишни бола умрининг аввалиданоқ ҳис қилиб турганига нима етсин! Алла орқали болага онанинг, демак башариятнинг чексиз муҳаббати, умид ва орзулари, ният ва тилаклари, покиза дуолари сингади.

Кексаларнинг ривоят қилишларича, «Алла» аслида «Аллоҳ» сўзидан келиб чиққанмиш. Балки ҳақиқатда ҳам шундайдир. Аммо ҳар бир онанинг ўз алласида Яратганга муножат қилиши, ундан дилбанди, жигарбандини асрашни илтижо қилиши – кундек равшан нарса.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч бир онанинг алласи, оҳанги ҳеч ҳам бошқаларникига ўхшамайди. Уни ҳар бир она ўзича куйлайди. Балки Тангрининг ҳар бир онанинг жонию танига ўзига хос алла сўзи, ўзига хос оҳанг сингдириши ҳақидаги ривоятлар ҳам ростдир? Балки бу ҳолатда, онанинг алла айтиш ҳолатида ҳеч ким тагига ета олмайдиган сеҳр борлиги ҳам ростдир?

Унда алла айтаётганингизда ўзингизга Аллоҳдан бутун чарху дун эриб, ийиб, чайқалар ҳолатга келадиган майинлик, эзгулик ато этишини сўранг!

Дуо: *Илоҳо, эшигингизга сурнай хонишини олиб келадиганингиз фақат сизга аталган киши бўлсин! Қалбингиз ҳозирданоқ «Сиз – менинг керагим!» деб турсинки, бундай қалбда орзу қилганингиз Кумуш муҳаббати, Кумуш вафоси, Кумуш*



*идроки, Кумуш сабри, Кумуш фидойилиги ниш уриши шуб-ҳасиз! Илоҳо, оталаримиз ўғити, момоларимиз алласи қалбингизга муҳрлангани рост бўлсин! Омин!*

## БАХТЛИ БЎЛИНГ

Сизлар билан туркум суҳбатларимизни яқунлар эканмиз, беихтиёр Соҳибахон опанинг аёлларнинг бир йиғинида деганлари эсимга тушиб кетди:

– Оналарнинг қизларига айтар гапи кўп бўлади, айланайлар. Унашилгач, тўйдан кейин ҳам мавриди билан набира қизларимни ёнимга олиб, кўп насиҳат қиламан. Турмушдан, у ёқбу ёқдан гапираман. Бир-икки шундай суҳбатлардан сўнг, «Гапимни яхшилаб уқдингми, болажоним, қулоғингга сирға қилиб тақиб олдингми? Деганларим бу қулоғингдан кириб, унисидан елвизак бўлиб чиқиб кетмадимми?» деб сўрайман. Нима эсида қолди-ю, нимани уққанини синаш учун «тест» ҳам ўтказиб кўраман... Агар билсангиз, оналар ҳам, бувилар ҳам қиз узатганда тест синовидан ўтадилар. Узатган қизлари борган ерида тиниб-тинчиб кетса, қизнинг онаси ҳам, бувиси ҳам ҳаёт тестидан яхши ўтганини билдиради. Бир набира қудам борлар. Наргизагинамнинг ойижонлари. Шулар ҳар ҳафтада бир-икки кўнғироқ қилиб турадилар. «Катта ойиалари, сизга раҳмат, келин қизимни жуда яхши тарбиялаган экансизлар. Умру жонларига Оллоҳ барака берсин! Яқин-яқингача ҳам отасиз катта қилган ёлғизимга қандай келин насиб қиларкин, ўзи кемтик дилим яна ўртаниб қолмасмикин, деган фикр миямда чиғириқдек айланарди. Шукр, ўқишдан келгунларича соғиниб қоламан. Олинг, олинг қилишиб чой ичамиз. Бир жойга борадиган бўлсак, киядиган эғнимни бир-бирига мослаб, модний қилиб кийинтириб юборадилар...» дейдилар. Ўша қизим унашилгач, уй кўрарга мени олиб боришган эди. Қайтиб келгач, Наргизамни олдимга олдим-у, қулоғига кўп гапни қуйдим. Қайнона бўлмиш эрдан ёш қолган экан. Соғлом бўлса ҳам кўнгли яримта экан. Шу ўғлидан бўлак уйда ҳеч кими йўқ. Унинг кўнглини сен кўтарасан, болам. Ёш бўлса ҳам одми кийимларда анча катта кўринадилар. Парваришларини қил, деб тайинладим. Болам, ҳартугул ҳамма айтганимни қулоғига сирға қилган экан. Кечқурун онасининг ўрнигача ўзи тайёрлаб, у ёқ-



бу ёғига қараб, ўзи ўраб ётқизиб, чиқиб кетармиш. Қайнона бўлмиш телефонда айтади бу гапларни, қизим индамайди. Ҳар гап келганида ойисини ҳам бирга юринг, деб зўрлармиш. Оқшомлари бирга сайлга чиқишармиш. Ҳа, кўрсатганингга, шу гапларни эшитишга муносиб қилганингга шукр деб, дуо қилиб ўтираман. Бошқа қизларимга Наргизамни ибрат қиламан... Тестдан яхши ўтганимиз шу-да, айланай!

Бу гапларни эслаётганим бежиз эмас.

Мен ўтган суҳбатларимизни қандай ўзлаштирганингиз ҳақида Соҳиба опа каби тест ўтказмоқчи эмасман. Чунки бу суҳбатларда ҳар бирингиз фаол қатнашиб турдингиз. Ахир ҳар суҳбатимиз айнан сиз ҳақингизда бўлмаса ҳам, яқин келажатингизни белгилаб берувчи турмуш ҳақида бўлди-да. Баъзан баҳсларимиз қизиқиб, белгиланган вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолдик. Кўплашиб дилдан суҳбатлашдик. Баъзан онангизга ҳам айтолмаган фикр-мулоҳазаларингизни секингина менга айтдингиз. Ишонч учун ташаккур. Сўроқларингизга қониқарли жавоб бера олдиммикин? Суҳбатлар мавзусини танлашда асосан шу фикр-мулоҳазаларингизга таяндик. Баъзан бу суҳбатлар хаёлимдан кетмай, кейинроқ сизга ўхшаган қизларимга китоб қилиб тайёрлаш мақсадида чизгилар қоралаб қўйдим. Озгина бўлса ҳам бу суҳбатлар қалбингизни нурлантиргани рост бўлсин.

Гарчи суҳбатларимизда кўп масалаларга тўхтаган бўлсак ҳам, ҳамма керакли гапни айтиб бўлдик, дея олармиканмиз. Фикримга қўшилсангиз керак: ҳали олдингизда кутилмаган муаммолар кўп бўлади. Чунки ҳаёт сержило. Умрингизнинг ҳар куни янги синов келтиришига, янги сабоқ беришига тайёр туринг. Бу гап билан сизни чўчитмоқчи эмасман, асло. Дунё яралгандан бери оила бор, унинг шакли ўзгариши мумкин, лекин мазмунан ўша-ўшалигини эслатмоқчиман холос. Эртага келинсиз, индинга онасиз, эртаси чин соҳиба, кейин буви-сиз. Момо Ҳаводан бери аёл қисматидагилар мана энди сизнинг ҳам бошингизда. Эсингиздами, донишмандлар «Муҳаббат ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни янгартар!» демишлар. Оила ҳам шундай... Ҳаммаси ўзингизга борлиқ.

Энг ривожланган мамлакатларда ҳам, тамаддун тақозоси билан турмуш тарзи инсониятнинг ибтидоий даврига яқинлигича қолган қабилаларда ҳам оила қалъаси бор ва бу қалъа ичида аёлнинг мавқеи устунлигича қолган. Чунки қалъа ичи-



даги маънавий муҳитни аёл яратади. Шу муҳит кўпинча бутун жамиятга ҳам таъсир қилади. Аёл кишини юртнинг юзи, деб бекорга айтишмайди.

Касбим туфайли ва ҳаёт тақозоси билан кўп миллатларнинг оила мавзуйига оид китобларини ўқиб чиқишга тўғри келди. Китоблар инсон фикри мағзини тўқ қилади, дейишгани рост. Англаганим шу бўлдики, миллатидан қатъи назар, ҳамма халқлар ҳам оилани муқаддас даргоҳ, ўзгаларнинг мўралаши ман этилган мустаҳкам қалъа деб тушунишар экан.

Ҳақиқатда ҳам замонлар ўзгаради. Аммо башариятнинг энг нодир кашфи бўлган ОИЛА мангу! Бу муқаддас даргоҳнинг устувор қонун-қоидалари мангу.

Ҳа, башариятнинг оила, муҳаббат дарди бир. Бу борада йўл кўйиладиган хатолар оқибатида юракларни ўртайдиган изтироб дардлари ҳам бир.

Китобимизнинг бир ерида она ўз қизига шундай дейди: «Борлигим сенга сеп бўлсин, бир умрлик, вафоли сеп бўлсин! Шу уйдан барча яхши нарсаларни, мендаги бор фазилатларни ол! Илтижойим: хатоларим, адашганларимни – қўй! Қўлингдан келса, уларни тузат, бироқ зинҳор такрорлама! Негаки сен – менсан, буни унутма! Яна бир илтижойим – сен мендан кейинги ҳалқа бўлганингдек, менинг кечмишларимни ўзингдан кейинги бокира ҳалқага янада тозароқ етказ!»

Оналарнинг қизларига айтадиган гаплари ҳамиша кўп бўлади. Нуронийлик, дуогўйлик фаслига етганим шукри қуввати ила мен набира қизларимга айтмоқчи бўлганларимни сиз билан суҳбатларда ўртага ташладим. Давраимизни кенгроқ олиш умидида бу суҳбатларимиз чизгиларини жамлаб, тўлдириб, расамади билан жойлаштириб китоб тайёрладим.

Назаримда, ҳали яна кўп гаплар айтилиши керакдек. Ҳаёт ахир кўлмак эмас, бетиним ўзгариб оқувчи дарё! Айтилганлар ҳам – бошимдан кечирганлар, дугоналаримдан эшитганларим, кўрганларим, одамлардан эшитган ривоятлар ва ҳикоятлар, қалбимни қачонлардир қуш мисол осмонга кўтариб офтобда чўмилтирган, айрим пайтлар тубсиз жарга ирғитгандаги каби шувиллатиб, музлатган, кўп, ниҳоятда кўп ўйлантирган воқеалар!

Ҳа, оналарнинг қизларига айтар гапи кўп бўлади...

Кексаликнинг эзмалигига йўйманг-у, лекин шу ерда қизини узатаётган онанинг дил сўзларини айнан келтиришни лозим деб билдим.





### «Суюкли қизим!

Мен сен каби балоғатга етиб, бувижонинг билан сирдош бўлган пайтларимда улар менга бир китоб кўрсатгандилар ва ундаги отамлар тағизга чизиб қўйган сатрларни эсдан чиқармаслигим кераклигини тайинлаган эдилар. Унда шундай ёзилганди: «Тирик қалблар манзиллардан иборат. Қалб қачонки нур билан тўлса, унинг нурларининг ортган қисми бутун аъзойи баданга ёйилади. Қачонки қалб ботил билан тўлса, ундаги қоронғулик дарёси бутун аъзойи баданга тарқалади».

Бувинг ўшанда бошланаётган янги ҳаётим анча мураккаблигини таъкидлар эканлар, инсон доим икки зид орасида яшагани учун ҳам, ҳаминиша огоҳ бўлиши кераклигини уқдирган эдилар. Огоҳ бўлиши керак деганлари, албатта, қалбда қоронғулик устун бўлишига йўл қўймамлигим кераклиги эди. Мен буни яхши тушундим. Киши ҳаминиша ўз қалбини тозартиб, тоблаб бориши керак. Айниқса янги уйингда, чин уйингда фақат яхшилик изла, қалбингда яхшиликни олиб қол! Янги уйимдаги одамлар менга фақат эзгулик тилашади, шунга муносиб бўлишига интилишим керак, деб ўзингга кўрсатма бер, жоним қизим. Мени ва дадангинг юзларини ерга қаратма! Катта олимлар, элга нур таратувчи зиёлилар оиласида тарбия топганингни унутма!» – деб тайинлаган эдилар онажоним.

Бугун бу гапларни сенга етказишни ўзимнинг бурчим деб билаяпман. Сен уларни қулогинггагина эмас, қалбингга жойлаб ол, қизим!

Одамнинг қандайлигини билиш учун асл инсоннинг ўзгармаслигини, чин инсонлик мақомини бирдек юқори сақлаб туриш мушкуллигини, олтин зангламаслигини билиш учун кўп йиллар, кўп фасллар керак бўларкан. Инсон муттасил синовлардан ўтиб боради, она қизим. Буни унутма!

Мана салкам чорак асрдан бери шу хонадондаман. Оддий талаба эдим. Ўсдим, ундим, фан номзоди бўлдим. Сен ва уканг шу табаррук хонадонда катта бўлдинглар. Орзуларининг ҳаммаси бекаму кўст ушалди, десам хато бўлмас. Чунки бағримиз бутун, бобонг ва бувижонинг борлар. Улар оиламиз файзи ва баракоти, суюнчи, карвонбоишиси... Бағри бутунликда ҳикмат ҳам кўп, қувват ҳам кўп. Бу – қалбининг туғи бўлсин!

Мен келин бўлиб тушганимда улар ҳам худди қайнона ойинглар ва қайин отанглар каби ёш эдилар. Улар менга

оналик-оталик қилиш билан бирга, кўп жиҳатдан чин намуна бўлишди. Қайнона бувимлар билан бирга бўлган давримизни-ку бир мактаб дейман. Сени эркалаб, алла айтганлари ёдингдадир? Мактабдан келар вақтинг тиқ этса эшикка қараб ўтирардилар. Насиб бўлсин, укангнинг, сенинг ҳам бола-набираларингга уларга ўхшаган «катта ойи» бўлишни орзу қиламан. Улардан кўп нарса олдим. Шу ўрганганларимни, албатта, сизларга етказишим керак.

Баъзан ўйлаб қоламан: бошқалар ихлос қилар даражада ва нузли бўлиш учун киши қандай яшаши керак? Бобожон билан бувижоннинг турмуш қуришганига эллик йил бўлганда бир мен эмас, ҳамма уларга ҳавас қилди.

Бу оила тарихини сўзлаб охирига етиш қийин, она қизим. Сен шу оиланинг маънавий аъмоли-дастурида катта бўлгансан. Шунинг учун сени узатаётганда қалбим оналарга хос тушунуксиз тўғуларга тўлиқ бўлса ҳам, бу дастур сенга қувват беражагига ишонаман. Бу қувват сени тўғри яшашга, оламга ва одамларга тиниқ қарашга, ўз оиланг, ўз бахтингни маҳкам ушлашга ўргатади, деб ўйлайман. Ва бунинг оқибати мен ҳам вақти келиб гурур ила дерман:

Ё Раббим! Оҳларим ижобат – қиз бердинг, Ўзингга шукр!  
Жисмимдан мўъжиза қайтариқ – из бердинг, Ўзингга шукр!  
Кичикка иззатли, улугга қилиб мени тенг улуг,  
Қизим деб баҳомни эл ичра – «Сиз» бердинг, Ўзингга шукр!»

\* \* \*

Шундай, ойим қизим, оналарнинг ҳамиша қизларига айтар гаплари кўп бўлади. Уларни қулогингизгагина эмас, қалбингизга оласиз, деган умиддамиз.

Дуо: Илоҳо, зшитганларингиз қалбингизнинг бебаҳо мулкига айлансин! Илоҳо бахтибекамлик манзили томон йўлингиздаги нузли пояндоз бўлсин улар! Илоҳо, улар қуввати ила барча яхши ниятларингизга етинг. Юрган йўлингиз нур бўлсин, терганингиз дур бўлсин! Ҳазрат Навоий ташбеҳидаги дили пок, тили пок, ўзи пок дилбар аёл мартабасига эришиш насиб этсин! Ҳар бирингиз ўзингизнинг эрка бахтингиз бекаси бўлинг! Омин!

## Эр эпламоқ осон, лекин...



Келинлик — Бедиллик  
Хуш келибсиз, келин болам  
Келинсалом  
Уй остонадан бошланади  
Барака — кўлингизда, болам  
Қандай келин бўлмаслик ҳақида  
Армон  
Отанг келди, онанг келди  
Ял-ял ёниб юринг, келин болам  
Жуфтлик қудрати  
Руҳингга мадад сўра, томирингга — ўт  
Соҳибалик муборак, келин болам  
Оналик — катта шараф  
Одамийлик — буюк қудрат  
Эри севганни эл ҳам севаркан...  
Кўзим ёши катта дарёдир...  
Косов узун бўлса, кўл куймайди  
«Ҳусн — тўйда керак, ақл — ҳар кунини...»  
Зиёли — қалби нурли дегани  
Қалбингга қулоқ сол  
Шукр — яхшилик ҳамроҳи  
О, маҳбубам  
Сен ўзингчун сен ўзингсан..  
Аввало одам бўл  
Юлдузингни кўзлар юлдузим  
Аёвлигим  
Оилам менинг — қалъам менинг





## КЕЛИНЛИК – БЕДИЛЛИК

Халқимизда шундай гап бор: «Эр эпламоқ осон – этигини тортмоқ қийин!»

Тўйгача ҳаяжон нашидасида Аршу аълога чиқиб олган қизларимиз тўйдан кўп ўтмай ҳаётдан ҳам, муҳаббатдан ҳам безиб қолишаётганини кўп кўраяпмиз. Бунга сабаб нима?

Оналар эртаю кеч ё иш, ё рўзғор ташвиши билан банд, янгалару опалар ҳам ё ишда, ё ўқишда – қизларимизнинг кўпи «чоп-чоп», «топ-топ» муҳитига сингиб кетишган. Тик туриб овқат еб, шарқона эмас, европача (кўпроқ ўрисча), нисбатан жуда жўн ва юза муомалага ўрганиб қолишган. Улар «этик тортиш» сабоғидан анча узоқ. Шунинг учун янги муҳит бўлган келинлик – улар учун ўзга дунё ҳисобланиб, бу муҳитга бирдан мослаша олмаётдилар, деб ўйлайман. Аммо тез кўникиб, тез мослашиб, «ўз уйида юргандеклар» ҳам бор.

Қолаверса, айримларга «этик тортмоқлик»нинг қийин туйилаётгани, «этик тортишни» билмаётганликларининг асосий сабаби ҳозирги кунда аксарият қизларимизнинг «этик тортмоқлик» – қизлик, келинлик, аёллик вазифаларини бажариш, атрофидагиларнинг қўнғини олиш, қисқа қилиб айтганда, бир хонадоннинг ширин бекаси бўлишликни ўзларига ор билишларидадир. Охирги даврда «уйда қолиб кетиш» қўрқуви, «жамиятдан ажралиб қолиш» қўрқуви қалбимиздан «уйни яшнатгангина – жамиятни ҳам яшнатади» тушунчасини қувиб чиқарди шекилли.

Болалигимдан «Келинлик – Бедиллик» деган ташбеҳни кўп эшитганман. Юрагимнинг шунга чопиши сабабини Бедилнинг ўзидан кўп марта топдим:

*Ғариблар кулбасидин бошлагум Каъба тавофини,  
Ва ўз мажнун дилимни ҳам зиёратлар қилурман мен.*



Ўз қалбимизни зиёрат қилиб, ўзлигимизни танибгина ўзимизни танитамиз, яхши номимизни чиқарамиз, деб сабоқ бермаяптими Бедил? Нақадар оддий, нақадар буюк ҳаётий фалсафа! Ажаб, ўқиганим сари бу байтлар тилимдан дилимга кучиб, унда бир умр қолишини истаётганимни англаб бораман.

Назаримда, Бедилнинг ҳар байти инсонни яшашга ўргатадиган, унинг қалбига олижаноблик, инсонийлик, яхши хулқ ва одоб, муқаддас қадриятлар уруғини сочадиган қутлуғ байтлардир. Бедилдан озми-кўпми, тушунганимизча ҳаёт фалсафасини ўқиб ва уқиб борсак, уққанзимизни дилимиз кўзгусидан синдирмай ўтказиб борсак, назаримда қалбимиз булоғининг жаҳолатданми, билимсизликданми кўр бўлган ё атайлаб сўқир қилинган кўзлари очилиб, тобора нурафшон бўлиб боришига ишончим комил. Зеро, Бедилнинг сўзида сеҳр, байтларида эса ҳикмат бисёрдир.

*Ҳаёт лаҳзалик кўзгу, яшаб турган – сенинг аксинг,  
Ўзингни четга ол ундан, ҳаёт шу дамда пайқалгай.*

дейди Бедил.

Инсон ҳеч қачон ёлғиз ўзи яшамайди. У одамлар орасида, улар билан муносабатда бўлар экан, биринчи навбатда, унга «ўзни четга олишлик», ўзига четдан туриб назар ташлаб туришлик, ким ва қандайлигини билишлик, неларга қодирлигига баҳо беришлик, ўз борлиғи, хулқи, одоби билан «бул заминни гулзор қилишга» даъват этилганини англаб туришлик хос бўлиши керак. Бу тўғрида Бедил шундай дейди:

*Буюрибдур хокисорлар ташриф,  
Шул сабабдин бу замин гулзордир.*

Ажаб, бу сатрларни ўқиганда уққаным шуки, инсон инсон бўлиб дунёга келиб, ақлини таниб, ўзлигини тушуна бошлаганидан унинг дунёга келишдан, яшашдан мақсади «заминни гулзор» қилишдан иборат эканини, ўзгаларни, ҳаётни пайқаш учун эса аввало ўзини англаб етиши кераклигини сингдириб бориш керак экан. Айниқса, қизларимизга.

«Ўла-ўлгунингча ақл ўрганасан», дейди ақлли халқимиз. Бедилнинг иккинчи сеҳри шундамикин? Унинг байтидан бай-

тига ўтганинг сари минг бор дуч келганинг, минг бор кечирганингни қайтадан кашф қилиб бораверасан. Фақат бу галги кечинмалар аввалгисидан бир парда юксакроқ, бир парда чуқурроқ эканини англайсан. Атрофида ҳамиша одам – эри, ота-онаси, қайин-бўйни, болалари бўлган қиз – келин – аёл – она учун босиқлик, донишмандлик, меҳрлиликни бахшида қиладиган қудрат унинг ана шуларни доимо англаб, кашф қилиб туришида деб биламан. Ҳаёт фалсафаси, турмуш сабоғи унинг сув ичар булоғидир.

Бошимдан ўтгани, кузатганларимдан биламанки, ҳамма келинлар ҳам янги уйлари остонасидан турмушга, рўзғор ишига, қайин-бўйни билан муомалага, эр тутишга тайёр бўлиб ўтмайдилар. Кексаларимиз «Қизлар янга кўрсалар яхши бўлади», дейдилар. Лекин қиз боланинг «нарёғида» бўлиши катта гап. Нарёғида бўлмаса, бир янга эмас, ўн янга кўрса ҳам бекор!

Назаримда, қизларга «Сен – қиз боласан, бировнинг ҳасмисан, оила, болалар учун фидойи бўлишинг керак!» – деб уқдириб, улар ғурурини шу аснода илдиз олдирган оналар жуда тўғри қилишади. Фидойилик – ўзни қурбон қилиш эмас, деб ҳам қизларнинг этини ўлдириб бориш керакка ўхшайди. Фидойилик – кўра – била туриб, онгли равишда бирон катта нарса (бизнинг суҳбатимиз доирасида оила, бахт, болалар, истиқбол)га ўзини бахшида қилишдир. Аёл фидойилиги билан, ўзини аямаслиги билан, ўзидан бошқа ҳамманинг кўнглини овлаб, ўзини унутиши билан улуғдир. Ҳа – УЛУҒДИР! Апа шу улуғликка эришишда келинлик даври жуда қийин кечадиган, яхшиликка интилиб, сабот билан, ақл билан иш тутса – улуғлигининг илдизи унадиган, ўзига меҳр ва эътибор талаб қилсаю, ўзгага шундай меҳр ва эътибор бера олмаса – улуғлик илдизи қурийдиган даврдир.

Бу давр қайноналар учун ҳам оғир давр. Назаримда, қайнона келини, фарзандлари олдидаги масъулиятини чуқур тушуниб, ҳаётда икир-чикир деб аталадиган, аслида оила жиловини қўлида маҳкам тутиб турган ҳаёт, турмуш сабоғини муттасил тўғридан-тўғри келинига бериб бориши лозим. Буни қулоғига олса, онасиникидан ўрганиб келмаган келиннинг катта ютуғи бўлади. «Қайноналик келин – қарқара келин», деб бежиз айтишмагандир.

Сирасини айтганда, келинни ўз йўриғида тутиб, тарбиялаб олиш – қайнонанинг иши. Келиннинг ўз уйида кўрган, билган,



ўрганганлари катта ҳаёт дарсхонасида оладиганларининг зарраси холос. Шунинг учун ҳам ана шу катта ҳаётдан сабоқ берадиган қайнонанинг ўзи аввало том маънода Аёл, Она, Инсон бўлиши керак.

Шу маънода қуйидаги самимий суҳбатларимиз фақат келинларга, бўйи етган қизларгагина эмас, қайноналарнинг ўзларига ҳам фойдали бўлади, деган умиддамиз.

Дарахтнинг илдизига эътибор берганмисиз?

Катта ва йўғон илдизлар майда илдизчаларга бўлиниб кетади. Катта илдизлар шу майда илдизчалардан озиқ олади, ўз навбатида, катта дарахтни озиқлантиради, яшнатади.

Ахлоқ, одоб, таълим-тарбия ҳақида гап кетганида ҳам уни катта ахлоқ ёки кичик ахлоққа бўлиб бўлмайди. Одоб ўргатишда, таълим беришда майда мавзу деб айрим қирраларга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Инсонни чин инсон қилиб шакллантирадиган одоб, ахлоқнинг қанча кўп қирралари очилса, шунча яхши.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, КЕЛИН БОЛАМ

Неча-неча кун, неча-неча тунлар ҳаловатимни ўғирлаган, қалбимга неча бор баҳор тошқинидек жўшқинлик бағишлаб, ҳаяжон чўққиларига олиб чиққан тўй ҳам ўтди. Мана энди бағримдасиз, оиламнинг кичик фариштасидек ҳаммамизга севинч бағишлаб, алланечук руҳимизни баланд қилиб юрибсиз.

Кўрсатганига шукрлар бўлсин!

– Келинингиз ял-ял ёниб чиқиб, бир марта эгилиб таъзим қилгандаёқ, ҳамма чарчоқларингиз тарқаб кетади! – дейишганди.

Тўғри экан. У хонадан бу хонага ҳимо билан оҳиста-оҳиста юришингизни кўрганда, «Ойижон!» деб хуркибгина, айни пайтда алақандай эркаланиш ва келинларга хос тавозе билан чақирганингизни эшитганда ичимда чироқ ёнгандай бўлади. Қайта-қайта:

– Парвардигор! Кўрсатганингизга шукр! Ёмон кўздан, ёмон сўздан ўзинг асра! – дейман ичимдаги илиқлик ҳарорати билан.

Ҳақиқатда ҳам бор чарчоқларим чиқиб кетди!

Аслида бу чарчоқ деганлари анча олдин, тўй бошланиши дақиқаларидаёқ чиққан эди. Бунга ҳам сиз сабаб бўлдингиз.

Ўша дақиқаларда сиз назокатли, айна пайтда кўп маънони бағрига олган бир ҳаракат билан қалбимга бир дунё қуёшли кечинма олиб кирдингиз! Бу кечинманинг номини ҳаяжон деб ҳам, севинч, шукроналик, улуғликка етишув, бахти-бекамлик деб ҳам аташ мумкин. Лекин мен ўзимда шуларнинг ҳаммаси қаторида яна улкан масъулиятни ҳам ҳис қилдим.

Ўша дақиқаларда, «Тўйлар муборак»нинг титроқли садолари остида хонадонимга қадам босиб келар экансиз, бир қўлингиз билан ўғлим қўлини назокатли тутганингизча, ҳарир тўрингиз остидан сизни олқишлаётганлар орасидан жовдираб кимнидир ахтара бошладингиз. Кўзингиз уч-тўрт қадам нарида турган мени топиши билан қўлингизни ўғлим тирсагидан аста суғуриб, кўксингизга қўйдингиз-да назокат билан эгилиб таъзим бажо қилдингиз. Таомилигимизга қарши бўлса ҳам олдингизга бориб қолганимни, ростланаётган елкаларингизни икки қўллаб бағримга босиб, «Бахтли бўлинглар!» деганимни билмай қолдим!

*Босганингиз – оқ пояндоз – оқ орзумдан нишона.  
Хуш келибсиз, келин болам – оқ тонгларим ойдини!  
Тилломаску остонамиз, зардан битганмиз бироқ,  
Сизга дея аталган ул муҳаббатнинг байтини!*

«Қиз бола – бировнинг ҳасми», деган гап бор халқимизда. Бу – қиз боланинг ўз уйи вақтинчалик макон деганигина эмас, бу ана шу уйда кўргани, ўрганганини, олган сабоғини бошқа – «у уйда» такомиллаштириш, ривожлантириш дегани ҳамдир.

Сизнинг ўз уйингизда яхши тарбия кўрганингизни шу биргина ҳаракатингиздан оқ сездим. Шундай қилгин, деб буvingиз қулоғингизга қуйдилармикин, балки онангиз «Қайнона ойингларнинг кўнгилларини топ, мендан ортиқ кўрсанг ҳам розиман, уларга суян!», деб тайинладилармикин, ишқилиб, ўша биринчи таъзим менга кўп нарсани, биринчи навбатда, палатингиз тозалигини, эгса эгиладиган, етовга юрадиган, яхшига эргаша биладиган келин эканлигингизни, дилингизда эзгу ниётлар лиқ тўла эканлигини кўрсатди. Яширмайман, қалбимда ўзингизга нисбатан меҳр буловининг кўзини ўша дастлабки таъзим билан очдингиз ва буни бағоят назокат билан бажардингиз!





Хаёлларим дунёсида  
Сизни неча кўрдим мен,  
Сар ўғлимнинг буй-бастига  
Лойиқми деб сўрдим мен.  
Неча тунлар суҳбат қурдим  
Сизла туриб юзма-юз,  
Келин болам, хуш келибсиз,  
Сизга қалбим очдим мен!

Тўй ўтиб, чаллардан қайтаётганимизда ойингиз – қудам бўлмиш мен билан хайрлашаётганларида, овсинларингиз билан машинага чиқаётган сизга ишора қилиб:

– Қуда, опажон! Қизим ёлғизликда ўсган қиз, мен иш билан бўлдим, у – ўқиш билан, уйдаги кўп ишларга зеҳнини солди-микин-йўқмикин? Ўзингиз аста йўлга, рўзгор ишига соласиз-да?! Балки кўп нарсани билмас, ўзи мустақил пишира олмай-диган овқатлари ҳам кўпдир. Бир нарсани аниқ биламан, қизимнинг кўнглида бировга ёмонлиги йўқ, яхши гапнинг га-доси. Уйда ҳеч қаттиқ гапирмаганмиз. Етовингизга юрадиган, эгсангиз эгиладиган бола. Яхши гап билан йўлга соласиз, овсин опаларидан кам кўрмай, уларга ўхшаб лобару дилбар келин қилиб тарбиялайсиз, Сизга ишондим, қуда опажон! – дедилар.

Онаизор-да!

Қудамнинг филтиллаб турган кўзларига қараб, қизим – қайинэгачингизни узатаётган пайтимдаги кечинмаларим ёдимга тушиб, юрагим яна ачишиб кетди. Томоғимга бир нарса тик-қилди, менинг ҳам кўзларим ёшланди.

– Хавотир бўлманг, – дедим у кишига тасалли бериб. – Иншооллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. Болаларимизнинг бахтини кўриб яйраб юрасиз.

Ана шунақа!

Ойингиз – қудам сизни мен-у ўғлимга ишониб топширди-лар. У киши анча босиқ она эканлар, совчиликка борган айрим жойлардаги оналарга ўхшаб сизни кўкка кўтариб мақтаганлари йўқ. Турмушнинг кўп томонларини билдира олмаганларидан жичча хижолат бўлиб, ташвиш қилаяптилар. Ҳақиқатда ҳам бундан буён билмаганингизни қўлимдан келганича ўргатиш – мендан, астойдил сабоқ олиш – сиздан. Иккимизнинг муваффақиятимиз онангизнинг дилидаги ташвишлар-

ни саробга айлантиради. Қизининг тушган жойи йўриғига юриб, хонадонининг суюкли бекаси эканини ҳис қилган она бахтига тенг келадиган бахт йўқ, келин болам!

Назаримда, ўша таъзим билан сиз ҳам менга: «Ойижон, мана мен энди Сизникиман! Мен Сизга ўз оймга ишонгандек, балки энди улардан ҳам кўпроқ ишонаман! Сизга суянаман, ойижон! Мана, оилангизнинг катта кемасига мен ҳам чиқдим, илоҳим у тўхтаган қирғоқ ҳаммамиз учун ҳам бахт қирғоғи бўлсин!» – деяётгандек туюлдингиз.

О, болажоним! Оналар ҳеч қачон ўз жонларининг парчасига ёмонликни раво кўрмайдилар! Ишонган бўлсангиз, таянган бўлсангиз, жонимни қурбон қилиб бўлса ҳам, кемани Сиз истаган бахт қирғоғига олиб боришга ҳаракат қиламан. Боламгина эмас, Сизнинг ҳам бахтингиз олдидаги масъулият ҳисси менинг кўксимни тоғдек кўтарди, ҳали оқармаган бошимга донишмандлик ато этди, келин болам! Бу туйғуларни инъом этганингиз учун Сизга ҳам раҳмат. Кўрсатганига шукр!

Бугундан иккимиз шу катта, «ҲАЁТ» деб аталган китобни ўқишга тушамиз. Тушунмаганингизни сабот билан тушунтириш, кемани ҳар қандай шароитда ҳам бахт қирғоғига томон буриб туриш – мендан!

Аммо, келинг, келишиб олайлик: билмаганингизни уялмай сўрайсиз, айрим гапларим Сиз кутгандан бошқачароқ чиқса, хафа бўлмайсиз, қизиққонлик билан қаршилиқ қилмайсиз. «Нега ойм шундай дедилар экан?» деб бир мушоҳада қилиб оласиз-у, кейин ичингиздагини очиқ изҳор этасиз.

Мендан ҳаёт саборини олмоқчи бўлсангиз, бир шартим бор: қадимгилар «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит», қабилида иш тутганлар. Биз ҳам шундай қилармиз, лекин аксарият пайтда мен ҳеч воситачисиз, тўғридан-тўғри ўзингизга мурожаат қилавераман. Ахир қизим ўрнига келган қизимсиз, уйнинг бутун шакл-шамойили энди иккимизга боғлиқ! Ҳа, шундай, келин болам!

## КЕЛИНСАЛОМ

Келин бўлиб тушган янги хонадонингиздаги биринчи тонг эсингиздами, келин болам?

Тўй ҳаяжонлари тўлқинлари босилиб-босилмай, сурнай навоси қулоғингиздан кетиб-кетмай, биринчи висол кечасининг



ширин, икки томон учун ҳам иболи суҳбати тиниб-тинмай, сархуш кўзларингизга уйқу иниб-инмай туриб, оқара бошлаган тонг билан бирга сизни узатишиб келиб, келинбарорда қолган қариндошларингиздан бирининг овози кўзларингизни ярқ очиб, юрагингизни каптар мисоли ҳаприқтиргандир!

– Ассалому алайкум, келинсалом!!!

Бу тонг сизга ўзгача бўлиб туюлгандир, келин болам? Аслида ҳам шундай. Бу – сизнинг тонгингиз! Келинсалом ҳам сизнинг бу хонадондаги биринчи ва жуда ҳаяжонли, масъулиятли ҳаракатингиз.

Бу сизни янги қариндошлар билан яқиндан таништирадиган, сиз билан улар ўртасида меҳр ва муҳаббат риштасини боғлайдиган ғоят нозик ҳаракат! Шунинг учун бу тонг сизнинг шу саломингиз – таъзимингизни кўргани янги уйингизга янги қариндошларингиздан ҳам жуда кўпчилик йиғилади.

– Ассалому алайкум, келинсалом!!!

Куёв томоннинг сизга атаб тайёрлаган сарполаридан энг сархил, ўзингизга ярашигини кийиб сиз остонага – уларга пешвоз чиқасиз.

– Ассалому алайкум, келинсалом!!!

Бу ғоят чиройли тадбирни ўтказишнинг ҳам ўз қонунқоидалари бор. Сиз янги қариндошлар билан танишасиз, уларнинг сизга деб тайёрлаган совғаларини қабул қиласизгина эмас, сиз нозик таъзим билан бу хонадонга қиз бўлиб кирганингизни, шу хонадоннинг катта-кичигини эъзозлашга тайёр эканлигингизни билдирасиз!

– Ассалому алайкум, келинсалом! Аввалам бор, Икки олам сарвари, Яратган Эгамга салом!!!

– Ассалому алайкум, келинсалом! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга, барча азиз авлиёларга салом!..

Айрим жойларда бу нафис тадбирни жонли, қизиқарлироқ қилиб ўтказиш мақсадидами, одамларни кулдириш мақсадидами ҳазил аралаш:

*Эрта туриб маърашган,  
Ем қани деб сўрашган,  
Қўй, эчкиларга салом!*

каби лапарларни ҳам айтишади. Келинсаломни кўраман деб келган кексалар, табаррук буви-бувалар дуога қўл очишга чоғ-

ланиб турган ерда бундай ҳолат асло ҳазил бўлиб кўринмайди, албатта. Келин янгалар Аллоҳ ва Пайғамбаримиз шаънарига айтилган анъанавий ҳамд-салом сўзларидан сунг шу хонадоннинг энг кексаларини бир-бир тилга олиб, уларга келин-саломини йўлайдилар.

Янги қариндошлар келинга деб тайёрлаган совғаларини топширадилар, янги рўзғорнинг маълум даражада кам-кўстини тўлдирадилар. Келин томон ҳам уларга бу кун эсдалиги сифатида рамзий совғалар топширади. Илгарилари бу совғалар – келиннинг ўз қўли билан тикилган дўппилар, қийиқчалар, кашталардан иборат бўларди. Ҳозир эса дўконлардан кўпинча қимматбаҳо совғалар олинадиган бўлди. Келин томон учун «келинсалом» маросими анча чиқимли анъанага айланиб қолди. Мен Тошкентда кўрганларимни айтаяпман, кўрганларимдан чиқарган хулосамни ўртага ташлаяпман, холос.

Аввало, янги қариндошларнинг иззат-обрўсини келин томон берадиган салом совғаси билан ўлчаниши номаъқул, албатта. Инсоннинг қадр-қиммати мезони унинг фазилатлари, оқибати, меҳр-муҳаббатыда эканини унутмаслик керак.

Келиннинг саломи биринчи тонгдаги таъзимлари билан тугамайди, албатта. Дугоналарингиздан эшитган бўлсангиз керак, баъзи хонадонларда келиннинг фарзандлик бўлгунига қадар эрталаб анъанавий салом қилишини талаб этадилар. Айрим хонадонларда эса, аксинча, таъзим ила бажо келтириладиган бундай саломни, ўрнидан туриб ҳимо билан чой узатишларни кераги йўқ деб, чалларнинг эртасигаёқ тугатилади.

Келин тушган ҳовлининг файзи ўзгача, гашти ҳам асосан эрталабки саломларда билинади. Дастлабки ой келди-кетди кўп бўлган кезде, янги қариндошлар билан танишув даврида келиннинг уларни таъзим билан кутиб олгани, бошига тўр ёки рўмол ташлаб салом қилгани жуда чиройли кўринади.

Келинлик назокати, ибосини бундай нозик ишорада кўрсатишнинг қолақликка, эскиликка, айниқса, қуликка асло дахли йўқ! Айрим қизларимиз шундай тушуниб, эрталабки саломни ҳам, меҳмонларни таъзим билан кутиб олишни ҳам ўзларига эп билмайдилар.

Келинлик даври жуда кўп ҳаракатларда назокатли ишорага эга бўлиши керак. Эндиликда халқ сайллари, байрамларда, Наврўзи олам тантаналарида қўш-қўш келинларнинг салом-



ларини намойиш қилиниши бежиз эмас. Улар таъзимларига жавобан «Бахтли бўлинг!» иборасида халқ дуосини олишади. Тантаналардаги келинсаломлардан кўзланган мақсад, халқимиз удумини театрлаштиришгина эмас, келинлик ҳаракатларининг кўпга маъқул бўлган томонларини хонадонларга ҳам кўчириш, файзи ва гаштини юқтиришдир. Шунинг учун ҳам:

– Ассалому алайкум, келинсало-о-о-м! – ни эшитган меҳри дарё кишиларимиз шу заҳотиёқ:

– Алик сало-о-ом! – деб жавоб берадилар.

– Бахтли бўлинглар, қўша қаринглар! – деб дуо қиладилар.

Ҳар таъзимингизни кўрганда, нозик саломингизни эшитганда сизни мен ҳам дуо қиламан:

– Илоҳим, бахтибекам бўлинг, келин болам!

## УЙ ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Келинлик уйга қулф тушмайди, дейишади. Тўйдан бери кузатгандирсиз: уйимиз келди-кетдилик уй, вақт-бевақт меҳмон аримайди.

Кеча бомдод намозидан сўнг бувингизнинг Сизни дуо қилаётганларини эшитиб қолдим:

– Парвардигор, саҳарлаб туриб, эшик, остонани очиб қўйган неvara келинимнинг ҳамиша қулфи дилини очиқ қил. Бу остонадан ўтганларнинг яхши нияtlари вожиб бўлиб, унга солиқ фарзандлар ато эт! Очган эшигидан ҳамиша қут-барака кирсин. Ёмон кўздан, ёмон сўздан ҳамиша ўзинг асра!..

Бу дуодан менингда кўнглим яйраб кетди!

Эрталаб барвақт туриб жуда тўғри қиласиз.

Янги келинликда баъзан киши эрталаб ишни нимадан бошлашини билмай, эсанкираб қолади.

Уйғониб, юз-қўлингизни ювиб, енгилгина пардозингизни қилиб олгач, ишни бувингиз дуоларида айтганларидек, эшик очишдан бошланг. Кета туриб, айвон олдидаги кавуш ечилдиган жойга разм солинг-чи: ҳамманинг оёқ кийими ўз пойи билан турибдими? Кечқурун ётар олдида ҳаммасини жой-жойига қилиб, артиб-суртиб, пойгакни ҳам ювиб қўйгансиз. Тунда уйғонганлар, эшикка чиққанлар бўлиши мумкин. Оёқ кийимлар пойма-пой, чалкаш бўлиб кетмабдими? Овсинингизнинг болалари шўх, ўйнаб пойабзалларни сочиб юборган бўлиши ҳам мумкин.

Бир дақиқагина вақтингизни оладиган ҳаракат: уларни яна ўз пойи билан тахлаб қўйинг. Уларни расамадига келтираётганингизда оила аъзоларининг ёшига эътибор қилсангиз, яна ҳам яхши. Бувижонингизнинг кавушларини яқинроққа, кийишларига осон қилиб, юзини олдинга қаратиб қўйинг. Кўз қирингизни ташланг: пойабзални кийишда ишлатиладиган қошиқча жойидами?

Ётар олдида оёқ кийимлари ечиладиган супачани латта хўлаб артиб қўйган эдингиз, баракалла! Қаранг-чи, ҳозир ишга кетадиганларнинг оёқ кийимлари шайми? Улар ифлос, чанг эмасми? Чанг бўлса, албатта, артиб қўйинг. Йўқса, ҳозир эркаклар шошиб артилмаган туфлиларига қора мой билан пардоз бера бошлайдилар. Туфлилари ялтираш ўрнига хира тортиб қолади, бундан кишининг таъби ҳам хиралашади.

Уй эгасининг ҳам, кўчадан келган одамнинг ҳам таъби очилиши, кўнглига ёруғлик, фароғат ато қилиниши остонадан бошланади. Уй бекаларига бериладиган баҳо ҳам остонадан бошланади.

Ўзларига келин ахтариб совчиликка келган аёлларнинг биринчи навбатда остонага зеҳн солишлари бежиз эмас, албатта. Остона озода, саришта, ярақлаган бўлса, билингки, бу уйнинг соҳибалари жуда саришта, назокатли, дидли аёллар. Шунинг учун кунда эрталаб туришингиз билан кўчага сув сеппиб, супуриб, йўлакларни чиннидай қилиб қўйсангиз, даҳлиз озода, кавушлар пойи билан текис тахланган бўлса, билингки маҳаллаю қариндош-уруғ ўртасида яхши келин деган номингиз чиқади. Пойгаги ярақлаган келиннинг уйи ҳам ҳамиша жонга ҳузур бағишлайдиган бўлади.

Қулоғингизга яна бир гапни айтиб қўяй. Айрим дугоналарингиз ичида:

– Келин ўзи тушган еридагиларнинг оёқ кийими гача тозалаб қўйиши шарт эмиш! Нима, келин – малайми? – дегувчилар ҳам топилади.

У гапларни асло юрагингизга яқин олиб, шу арзимаган хизматдан оғриниб юрманг. Билингки, бу кичик хизматингиз, озода ва саришталигингизнинг белгиси бўлган ҳаракат сизга, биринчидан, кўп дуо олиб келади. Иккинчидан, шу нозик ҳаракатингиз билан уйдагиларни ҳам муайян тартибга, ҳамиша озода ва ораста бўлиб юришга ўргатасиз. Бир-икки бор пала-партиш кириб келган одам, қайтишида ювилган, артил-



ган, ўз пойи билан ёнма-ён турган пойабзални кўрса, қайтиб шундай қилмайдиган бўлади. Оиладаги кичик ёшдаги қизчаларнингку ортингиздан эргашиб, кавушларини тўғрилиб юришини кўришнинг ўзи завқли! Сиз уларга ибрат бўлаяпсиз, келин болам!

Меҳмонни эъзозлаш остонадан бошланишини кўрсатадиган бу кўҳна, аммо кўнгил очиқлигини намоён этувчи удумимиз унут бўлмаслиги керак.

Инсон табиатан орасталикка, покликка, гўзалликка интилади. Остонаси ярқиллаган уйдан меҳмон аримайди. Бу хонадон келини, соҳибасининг бахтидан пешонаси ярқирайди.

### БАРАКА – ҚЎЛИНГИЗДА, БОЛАМ

Бундай ўйлаб қарасак, қадим-қадимдан қолган удум-одатларимизда дунё-дунё маъно бор экан.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: келин бўлиб тушган кунимнинг эртасига қайнона бувимлар келинлик уйимга кириб фотиҳа қилиб, кейин деган эдилар:

– Юринг, келин болам, ертўлага олиб тушаман, қўлингизни хумдаги ёғга, супрадаги унга ботириб оламиз. Илоҳим, ҳаётингиз ҳамиша тўкин-сочинликда кечсин, супрангиздан ун, хумингиздан мой аримасин!

Менга бу гап ўша пайтда сал эриш туйилгандек эди. Миллий одатларимиз унутилаёзган, аёл кишининг уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиши қолақлик, уй бекалиги ор саналадиган пайт эди-да! Бармоғимни унга, ёғга ботириш билан бўйнимга қозон-товоқни осилади, «уйда ўтириб қоламан», деб чўчиган бўлсам ажаб эмас. Шунинг учун унча-мунча билганимни ҳам яшириб, жон ҳолатда бувимларга:

– Мен ҳеч нарса билмайман. Қўлимни унга-ёғга ботиринг-ботирманг, қозонда бори чўмичга чиқади-да! – дебман маҳмадоналик билан.

Кейин билсам «қозонда борини чўмичга чиқариш» учун ҳам алоҳида эп, алоҳида уқув, дид ва фаросат керак экан.

Анча пайтгача янги уйимдагилар бу гапимдан самимий кулиб юришди. Мен «самимий» деб айтаяпман. Чунки «қозонда борини чўмичга чиқара олмаганлар», шунга ўргатилмаганлар устидан кулиш, шу сабаб бўлиб оиласи бузилиб кетаётганларникидаги кулиш бошқача – дастлаб истехзоли, кесатиқли,



масхараомуз, кейин қаҳрли, сўкишли, қарғишли бўлишини ҳаётда кўп кўрдим. Бирида куйиндим, бирида ачиндим, бошқасида чуқур ўйга толдим. Қилган хулосам шу бўлдики, янги уй беҳисоб қурилиш материалларининг бир-бирига мосланиб, ўлчаб, ўйлаб моҳирона қурилишидан ташкил топганидек, оила ҳам ундаги кишиларнинг бир-бири билан муносабатидан ташкил топар экан. Бу муносабатларнинг барқарор бўлишида рўзғор икир-чикирларини билиш, уқувли бўлиш ҳам муҳим экан. Бунини вақтида англаб, чорасини кўрмаганликнинг оқибати ҳамиша вой бўлар экан.

Келинлигимда бўлиб ўтган, бир қарашда арзимасдек бўлиб кўринган бу кичик воқеани эслашимнинг боиси, келин тушган ерида эшитганини, кўрганини ҳамиша ўткир зеҳн билан сал мушоҳада қилиб турса, ўзига яхшидир. Қолаверса, кексаларнинг ҳикматли гапларининг маъзини чақишга уриниш билан киши ақлига ақл, зеҳнига зеҳн қўшилади холос.

– Илоҳим, тушган жойингиз гул бўлсин, қадамингиз қутли, қўлингиз баракали бўлсин, уйингиздан файзу барака аримасин!..

Бувингизнинг бундай дуоларини кўп эшитгансиз, келин болам! Бу гапларда ҳикмат кўп.

Рўзғорга қут ва барака киритишда хумдаги ёғга, катта идишдаги унга яхши ниятлар билан ботириб олинган шу қўлларингизнинг ҳам улкан ҳиссаси борлиги хаёлингиздан фаромуш бўлмасин.

«Тома-тома қўл бўлур», деган нақлни илгарилари ҳам кўп эшитгансиз, албатта. Рўзғорни файзу баракали тутиш ҳам арзимагандек кўринган жуда майда нарсалардан бошланади.

Биринчи галда ҳар бир ҳаракатингиз меъёрини билиб, чамалаб олинг: қозонга қайси овқатга қанча ёғ солишдан тортиб, тайёр таомни косаларга – кимга қанчадан сузиб беришгача – меъёрини билиб олишингиз пазанда, қўли баракали келин деган номингизни чиқаради. Бунга эришиш унча қийин эмас, чамада янглишсангиз, уялманг, мендан сўранг, сиз келгунча шу рўзғорда қозон-товоққа мутасадди бўлганлардан ўрганинг. Кўрсатилгани, ўргатилгани, айтилганини имкон қадар ёдда тутишга ҳаракат қилинг, бориб-бориб у кўникмага айланади. Айтилганларга бефарқ бўлманг, унинг оқибатида номингиз ё бефаросатга чиқади ёки довдир номини оласиз.





Шароит кўтарган ерда қозон-товоқ масъуллигини бирданга янги келинга юклаб қўйилмайди. Уни бир йил, ярим йил ошхонадаги ёрдамчи ишларга жалб қилиниб, кўзи, қўли пиштиради. Шунда келин юқорида айтганим – оиланинг ўзига хос меъёрини обдон ўрганиб олиш имконига эга бўлади. Улар кейин катта оилада ҳам, ўзлари алоҳида ажралиб чиққанда ҳам рўзғор тутишга қийналмайдилар. Бундай шогирдлик даври унинг зеҳнини, фаросатини пиштиради, ўзидаги кемтикни тўлдиради. Айрим келинлар буни нотўғри тушуниб:

– Меникилар ўлгудек зиқна, қозонини ҳам менга ишонишмайди! – дейишганини ҳам эшитганмиз.

Ҳай-ҳай, хулоса чиқаришга шошилмасликни истардим. «Шогирдлик» муддати шароит кўтарган ердагина берилишини унутманг, шундай бахтга эришган келинлар бу даврдан яхши фойдаланиб олсинлар.

Шароит йўқ жойда эса... Айрим оилаларда эркаклар кўпчиликни ташкил этади, дастёр талаб кексалар бор.

Келинг, келин болам, оқибати вой билан тугамасин учун баракали рўзғор тутиш қоидаларининг айримларини эслаб ўтайлик. Тушган куниданоқ рўзғорга аралашинишга мажбур бўлган келинларга асқотади деб ишонаман.

\* Биринчи ва энг асосий қоида – барака ўз қўлингизда эканини ҳеч қачон унутманг!

\* Уволдан қўрқсангиз, қолаверса «қўли бемаза» ёки меъёрини билмайдиган бефаросат келин экан, деган номингиз чиқмаслиги учун зинҳор-базинҳор пиширган овқатингизни музлатгичда икки-уч кунгача хили тобора кўпайиб туришига, кейин коса-коса қилиб эшикка чиқариб ташланишига йўл қўйманг.

\* Имкон борича «икки ичар» таом пиширманг. Бу дангасаликнинг белгиси холос!

\* Меъёрини билиш қозонга ёр солишдан бошланади. Ёр овқатингиз устида икки энлик қатлам пайдо қилмасин, косадаги овқатингиз жиққа ёғлигидан қайтиб чиқмасин. Бу биринчидан, соғлиққа зарар. Иккинчидан, тўқликни, фаровонликни, бисёрликни билдиради, деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз.

\* Меъёрини билмаслик кексалар айтмоқчи рўзғор жўмрагини оқар сувга тўғрилаб қўйиш билан баробардир. Палов ёки бошқа қуюқ овқатлар сузилган лаган ёки коса тубидаги ёғни



силқитиб, кичикроқ идишга йиғиб қўйсангиз, кейин бирон бошқа нарсага, масалан, пишириқларга ёки хоним каби хамир овқатлар юзига ишлатиб юборасиз. Зинҳор идиш билан бирга ювиб юборманг! Бу – хасислик аломати эмас, аксинча, рўзгор тутишда уқувли эканингизни билдиради.

\* Овқатдан сўнг бир тишлам нон билан косани сидириб, «ялаб» қўйиш кишининг қорни тўймаганлигининг белгиси эмас, унинг шукроналигидан, шарқона маданияти чуқурлигидан нишондир.

\* Сабзи, пиёз, картошкани қалин артиш – қўлингиз очиқлигини кўз-кўз қилмай, аксинча, бефаросат ва уқувсизлигинизни, рўзгорингизни, тер тўкиб масаллиқ топиб келаётганларни қадрламаслигингизни билдиради.

\* Рўзгорингизга келтирилган масаллиқни ҳамиша бир-бир саралаб олинг, йиригини – йирикка, майдасини – майдага ажратинг. Уринганларини алоҳида қўйинг. Аввал шуларини ишлатиб юборинг. Урина бошлади, деб уйдагиларнинг кўнглига ургунча бир хил овқат қилиш шарт эмас, бир масаллиқдан турли хил овқат пишириш мумкин. Бу – сизнинг, ёшлар айтмоқчи, фантазиянгизга боғлиқ. Кейин майдасидан бошлаб ишлата берасиз.

\* Рўзгорга келган сархил масаллиқлар ҳамиша меҳмонларга, кексаларга аталади. Бу – «хўжақўрсинлик» нишонаси эмас, меҳмондўстлигимиз, меҳмонни отамиздай улуғ билишимиз белгиси.

\* Олмадеккина хамир кифоя қиладиган жойда, катта зувланинг ҳожати йўқ. Қолган хамаингизни майда қилиб угра, манпар шаклида кесиб қўйган бўлсангиз, уни тезда ишлатиб юборинг, ҳафталаб патнисда чанг босиб ётиши, кейин ташлаб юборилиши уволи азмдир.

## ҚАНДАЙ КЕЛИН БЎЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Мен янги келин бўлиб тушганимда қайнона бувим ҳам бор эдилар. Улар ҳам қайнона бувижонингиз сингари уйнинг тўрида, қалин кўрпачалар устида, юмшоқ ёстиқларга суяниб, фаришталиккина бўлиб ўтирардилар. Бувижонингизга ўхшаб неварара келинларни улар ҳам эркалаб, ўзларига атаб фарзандлару неваралар олиб келишган тансиқ нозу неъматлар билан сийлардилар. Узун енглари ичидан чиқиб



турган сертомир қўлларида тансиқ нарсаларни бизга узатар эканлар, ҳар гал:

– Еб олинг, жон болам! – дердилар.

Баъзида уйда иккимиздан бўлак ҳеч ким қолмасди. Шундай пайтларда ишларимдан қутилиб, битта чойнақда чой дамлаб, олдиларига келиб ўтиришни яхши кўрардим. Ўтмиш ҳикояларидан сўзлаб беришлари ёқарди-да!

Кейин билсам, Катта ойимлар бу суҳбатлар давомида менга Бедилдан, яъни турмушдан, келинлик, уй-рўзгор ишларидан сабоқ берар эканлар.

Эсимда, кунларнинг бирида у киши менга бир ривоят мисолида қандай келин бўлмаслик ҳақида уқтирган эдилар. Киши одобни ўзига маъқул бўлмаган, эриш туйилган хулқдан, яъни беодобликдан ҳам ўрганиши кераклигини англаган эканлар. Бир умр эсимдан чиқмайдиган ўша кунги ҳикоянинг маъзини чақсам, у киши менга «Сен шундай келин бўлма, болажоним!» деганлари экан. Келинг, ўша ҳикояни сизга ҳам айтиб берай.

...Қадим замонда бир подшоҳ ўз келинининг уқувсизлигидан жуда куйибди. Лекин у жуда оилапарвар, адолатли подшоҳ экан. Тезлик қилмабди, кескин хулоса чиқариб, ҳозирги айрим бойваччалардек келинининг уйига молу давлатини бисёр қилиб олиб бориб қўймабди.

Масалани анча босиқлик билан ўрганган подшоҳ аввал ўз аркони давлатидаги турмушга чиқариладиган қизлар тарбиясига аҳамият бериш кераклиги ҳақида фармони олий чиқарибди.

Подшоҳ бу фармонишни беришдан аввал бутун мамлакати бўйлаб ўз хос кишиларини юборибди. Уларга ҳамма вилоятларда бўлиб, келин тушган оилалар ҳаётини яхшилаб ўрганишни буюрибди. Бахтли оилаларнинг ибратли томонини намуна қилиш зарурлигини уқтирибди. Келинидан куйган оилаларга алоҳида эътибор беришни, уларнинг ўзига кейинчалик шундай қилмаслик керак деб кўрсатиш учун ҳам, барча ёмон ҳислатларни эслаб қолишни, имкони бўлса келинларидан нолиган қайноналарни саройга йиғиб уларнинг ўз оғзидан эшитиш зарурлигини тайинлабди.

Қайси кўз билан кўрсинки, орадан кўп ўтмай подшоҳнинг саройи қайноналарга тўлиб кетибди. Бирлари оғзиларидан бол



томиб келинларини мақташса, бошқалари келинидан дод деб сочларини юлармиш. Эвоҳ, подшоҳ кўрса, иккинчи тоифадагилар, яъни ўзига ўхшаганлар кўп экан.

Ўз келинидан куйган, аммо чин дилдан чора излаётган подшоҳ бундай қайноналарнинг ҳаммасини сабр-тоқат билан эшитибди. Фақат эшитиб қолмай, қўлига қалам-қоғоз олиб, нималарнидир ёзиб ҳам ўтирибди.

– Олампаноҳ, келинимнинг дастидан уйимда озор топмаган жонзод қолмади, синиб-чега кўрмаган идиш ҳам йўқ. Ўттиз йил олдин онам раҳматли тўйимда берган хитой чинни лагани ҳам синиб бўлди! – депти қайноналарнинг бири ёниб. – Келинимнинг хусни чақмоқдеккина. Кўрсангиз ҳавасингиз келади. Ақли-ҳуши, ғайрати ҳам етарлидек. Аммо ҳеч иши олдинга босмайди. Қилган ишини кўрган одам «Қайси қўлинг сингур қилди?!» дейишдан ўзини аранг ушлайди. Ишлари шу даражада пала-партиш. Ҳамма ишга баробар уннайди. Менга беринг, деб қўлингиздан ишингизни олади-ю, бирортасини ҳам тугата олмай, дардисар ҳолда ташлаб кетади. Қўлимдан ишимни олар деб, не умидлар билан келин қилгандим. Ҳа, олди! Лекин уйимнинг фариштаси кетди. Қўллари режа билан иш қилишга ўрганмаган. Мисол келтир дейсизми, олампаноҳ, қайси бирини айтай!

Эрталабдан қумғонга ва ўчоққа олов ёқиш учун қўлига тушган ўтинни қалайверади. Пайраҳа билан ўт олдириб олинг, деб неча марта айтдим, неча марта кўрсатдим. Шунга юрса-ку, олам гулистон-а! У бўлса ҳўл ва йирик ўтинни ёндиролмай, ўчоққа энгашиб олиб пуфлайверади, пуфлайверади... Ҳамма ёқни қора тутун босади. Оловни зўрға ёндириб олгач, ачишаётган кўзларини кир қўллари билан ишқалайди. Неча бор кўзи офриса ҳам тавба қилмайди. Кўзини ишқаб келгунича сут тошади. Қумғон қайнаб, жўмракдан тошган сув оловни ўчиради, атрофни кул тўзони қоплайди. Сутни идишга солаётиб ё ярмини тўкади ё хурмачани тепиб юборади.

Келинимнинг овқат қилишидан-ку юрагим безиллаб қолди. Қизиган ёғга пиёз-гўштни асталик билан қозонга сирпантириб солиш ўрнига узоқдан туриб ирғитади, қозондаги ёғнинг ярми атрофга сачраб камаяди. Ўчоқ атрофи чирк бўлиб кетгани бир сари, ўзининг қўли-юзига сачраб доғ бўлиб кетганини айтмайсизми?

Айтганим билан, қилиб кўрсатганим билан бўлмапти. Ўзи нарёвида йўқ бўлгач, айтган билан фойдаси бўлмас экан. Ош-



хонадаги идиш-товоқни жой-жойига қўйганини билмайман. Қачон қарама пичоқ, теша, ўтин, идиш-товоқ, тезак ва пўчоқ ошхона юзига ёйилиб, оёқ босишга жой қолмайди. Аёлнинг эркакдан фарқи шундаки, у бир иш қилиши жараёнида атрофини йиғиб-териб, саранжомлаб туради. Менинг келиним бир иш қилганида ундан кейин йиғиштириш, тартибга солиш учун бир кишининг кучи етмайди. Пеш тушган идишни пеш ювиб қўя қолмай, қозонга уст-устига тахлайверади. Пиёлаю пичоққача, сабзи тахтагача ўшанинг ичида. Ювишга тушганда идишлар бир-бирига тегиб, ярми синади, ярми дарз кетади. Қўлини артган сочиққа пиёлани ҳам, пичоқни ҳам артади. Ҳай-ҳайламасанг, қозон сочиқ ҳам пиёла сочиқ бўлиб қолади. Қўлини ювиб, қозон сочиққа артганини кўп кўрганман.

Меъёр, ўлчов тушунчалари унга бегона. Идиш-товоқни каттадан кичикка қараб тахламай нобоп жойларга: курси чеккаларига, токча зиҳига қўйиб кетавергани майлия, ҳатто бола сини кўтарганда ҳам ё бошини у-бу ерга уради, ё бирон ери ни қайириб олади. Бола бечора онасидан зириллайди.

Супурганда ё супурган ери чала бўлади ё уйнинг чанги осмонга кўтарилиб, бироз ўтгач, супурилмагандек бўлиб тураверади. Кетмон чопгандек шиддат билан супуради-да, тўплаган ахлати олинмай, эртасигача яна ҳовли билан битта бўлади.

– Э, олампаноҳ, қай бирини айтай?

Унинг сўзини диққат билан эшитиб турган подшоҳ: «Бу муштипар менинг келиним ҳақида гапираяптими ёки ўзиники таърифлаяптими?» – деб дилидан ўтказибди.

Ўша кенгаш охирида подшоҳ бир фармон чиқарибди. Вазирнинг айтишича, подшоҳнинг қалам билан қоғозга ёзиб-чизиб ўтирганлари ўша фармонга асос бўлибди.

Фармонда қиз кўрган хонадонда қизнинг тарбиясига у туртилгандан бошлабоқ алоҳида аҳамият берилсин, дейилибди. Аввало қизлик уйда ҳам, у келин бўлиб тушган жойда ҳам, қизлар асло «сен»ланмасин, ҳамиша «сиз»лансин, деб буюрибди подшоҳ. Қизлар билан муомалада овоз кўтарилмасин, қўл югуртирилмасин, токи улар бошқалар билан муомалада мулойимликка ёшлиқдан ўрганиб борсинлар. Қизлар оёқ чиқарганлариданоқ ўз ёши, қувватига қараб уй юмушларига солинсин, токи улар озода ва саришталикка кичикликдан ўргансинлар, катта-кичикнинг ҳурматини жойига қўядиган бўлсинлар. Қизлар доим меҳр ва ардоқда бўлсинларки, токи келин

ва она бўлганларида ҳаммага меҳрибон, шамчироқдек нур таратсинлар, дейилибди фармонда. Яна ўша фармони олийда мамлакатдаги қизларни ҳаётга тайёрлайдиган махсус мактаблар очилсин, уларда энг оқила, зукко, қўли гул чеварлар, пазандалар, суҳандонлар, отинчалар дарс берсинлар, бу мактаблар учун зарур ашёлар давлат хазинасидан олинсин, токи ҳамма фуқаролар билсинларки, биз оила устунни, чироғи бўлган аёл, қизлардан ҳеч нарса аямаймиз, зеро, оила фароғати – давлат равнақидир, деган кўрсатмалар ҳам битилибди.

Подшоҳнинг ўша фармони олийси кучга кирганидан кўп ўтмаёқ подшоҳ тўғри иш тутганини англабди. Негаки очилган бу янги мактабларда биринчи бўлиб кеч бўлса-да «чиқмаган жондан умид» деганларидек, унинг келини ва қизлари, келинидан нолиган қайноналарнинг келинлари ўқишган экан-да.

Ўша фармоннинг бир бандида ўғлига келин қидириб совчилик қилиб юрган аёллар кирган ҳовлиларининг орасталигига, ошхона-ўчоқ бошининг йиғинчоқлигига, ҳатто ҳожатхонанинг тозаллигига эътибор берсинлар, иложи борица ўзлари танлаган қизни у ёки бу ишини, хизматини кўриб, синасинлар дейилган экан.

Шу-шу қизлик уй бир қарашда ажралиб турадиган саришта, келинлик уйлар эса фаришталик бўлган экан, болам!

## ШУ ОДДИЙ ҚОЗОН-ТОВОҚ

Бугун сиз билан шу оддий қозон-товоқ ҳақида суҳбат қилмоқчиман-у, кўз ўнгимдан онам раҳматли ҳеч кетмаяптилар. Илоҳим, гўрлари тўла нур бўлсин!

Бу биринчи марта шундай бўлиши эмас. Сиз билан бирон мавзуда сўзлашмоқчи бўлсам, эсимга болалигим, келинлигим тушаверади. Ўша пайтларда юрагимни гоҳо қийноққа солган, гоҳо вужудимни куёш қучгандек енгил қилган сабаблар – хотиралар билан ўртоқлашиб тураман. Қолаверса, «келин бўлган билар келин аҳволини», деган гап ҳам бор.

Менинг келинлик давримда авайлаб, шу даврнинг ўзига яраша шабадаларига олдирмай олиб ўтишган бувим, ойим, қайнона ойимларнинг менга, опаларимга, дугоналаримга қилишган насиҳатларини, ҳаётий сабоқларини сизга етказгим келади, ажаб эмас хотирангизда қолса.



Энди билсам, уларнинг ҳар сўзи, ҳар бир ҳаракатида катта маъно, катта сабоқ бор экан. Турмушнинг баъзан оғир кечадиган сўқмоқларидан бизни авайлаб, беозор ўтказмоқчи бўлганларини энди, сочим оқарганда, қайнона бўлиб бошимга келин тарбиялаш масъулияти тушганида яхши билаяпман. Сиз ҳам билиб оласиз, келин болам. Негаки сиз биз билан ўзингиздан кейинги авлод ўртасидаги боғловчи бўғин, ҲАЁТ деб аталмиш катта ва мураккаб баҳру байтнинг боғловчи қофиясисиз.

Дарвоқе, сиз билан ўчоқ боши, қозон-товоқ ҳақида сўзлашмоқчи эдик-а? Шу ерда онагинам – Букаримани эслаганимнинг боиси бор. У киши жуда пазанда, нозиктаъб, фаросатли аёл эдилар. Тошкентдек шаҳри азимда яшасак ҳам, биз яшайдиган маҳаллага газ, электр чироғи анча кеч келганди. Опаларим узатилаётганларида газ нималигини билишмасди.

Эшикдан келган совчилар тўғри ошхонага, ўчоқ бошига ўтганларини неча бор кўрганман. Қизлик уйга баҳо беришда, қиз монанднинг саришталигини аниқлашда шу оддий ошхоначалик аниқ мезон бўлмаслигини биз қизларга жуда барвақт тушунтиришган эди. Болалигимда буни англаб етмай, баъзида совчилар опаларим ошхонада бўлишса керак деб ўйлашаётгандир, дердим. Ахир улар кўпинча совчилардан ўша ерга беркиниб олишарди-да. Ошхонани кўрган совчилар ичида бизникидан оёғини узганлар бўлмасди. Ҳовли ҳамиша супурилган, ўчоқ боши эса бу ерда ҳеч қачон ўтин ёки хас-хазон ёқилмагандек чиннидай бўларди.

Болалигимда бўйим аранг оғзига етадиган катта тандиримиз тагидаги ўтин тахлаб қўйиладиган мўъжаз айвончада ҳамиша кичкина челақда лойли сув ва унинг ичида коптокдек латта турарди. Эсимда, ойим овқатни сузиб олишлари билан опаларимдан бири қозонга бир чўмич сув солиб ювиб, ювиндисини кўпинча сигир-бузоқларнинг терт қорадиган тоғорасига тўкишарди. Қозон сочиқни яхшилаб сиқиб, қозонни тозалаб артиб, қуритиб олишарди. Опаларимнинг бири қозон-товоқни юваётганида, иккинчиси тандир тагидаги ўша лойли челақни олиб, ўчоқ оғзининг оловдан қора бўлган жойларини латтани суюқ лойга ботириб-ботириб суваб қўярди. Опаларимдан кейин бу ишни ўзим ҳам кўп бажарганимданми, қизиган ўчоқ оғзига сурилган сомон сувоқ ҳиди ҳали ҳам димоғимда...

Буларни эслаганимнинг ўзидагина елкамга фаришта қўнгандек, дилим покизалик, саришталикдан яйраб кетади. Ўчоқ ва тандир оғзи қорайиб, ошхонанинг лойли деворлари қурум босиб ётганини ҳеч маҳал кўрмаганман. Ҳолбуки, ўчогимизга ҳар куни икки мартадан ўтин қаланар, кунора тандиримизда нон ёпиларди.

Баъзида ошхонага нисбатан озодалиқни қаттиқроқ талаб қилганим, сизга уни-бунни эслатиб турганимнинг боиси шундан. Сиз-у менга шу оддий ошхонамизга қараб баҳо беришадди, келин болам!

Авалло ўзимизнинг қўнглимиз ёришиб туриши учун, қолаверса, ошхонамизга биров бош суқиб қолса, боши айланиб кетмасин, бизга ёмон баҳо бермасин учун, келинг, ошхонамизни ҳамиша ораста тутайлик.

Ойим раҳматли доим «Биринчи навбатда оёқ остини очиб, саранжомлаб олиш керак», дердилар. Сиз ҳам шундан бошланг. Қўпинча ошхоналар тор, жиҳозлар эса қўп бўлади. Ошхонадан ҳеч бир нарсани бу керак эмас, деб олиб чиқиб ташлаб бўлмайди. Чунки бугун бўлмаса, эртага албатта керак бўлади. Варақи кесадигандан тортиб, гўшт чопадиган ойболтагача, чой қошиқдан тортиб, нисбатан кам ишлатиладиган човлигача ҳаммаси керак! Улар жой-жойида, тоза турмаса, аҳволингизга вой! Аввало керак нарсани керагида дарров топиб олишдан ожиз бўлиб қоласиз. Иккинчидан, тозалаб-саришта-лаб жойига қўймаган бўлсангиз, камарининг четига капгирни осиб олиб, кейин уни қидириб чирпирак бўлган, жирибийронлигидан ёғи ёниб кетган эркаклар қўйига тушасиз. Эркакларку, ойда-йилда бир овқат қилишгани учун уларга бундай ҳол кечирарлидир, аммо биз учун кечиримли эмас.

Газ плитаси, идиш-товоқ турадиган жавон, шкаф, масаллиқларни тўғраб, тайёрлаб оладиган столингиз орасида юришингизга, чаққон ҳаракат қилишингизга халақит берадиган нарсаларни четга суринг.

Рўзгорда катта-кичиклигига, тайёрланадиган таомга қараб ишлатиладиган 3-4 хил қозон бўлади. Меҳмон келишини, дам олиш кунлари тайёрланадиган тансиқ таомларни назарда тутмаса, аксарият уларнинг биттаси ишлатилади. Қолганини ювиб-тозалаб, керак пайтида олишга қулай қилиб, тахта жовоннинг тағроғига ёки хужрачага қўйинг. Зинҳор уч-тўрт қозонни уст-устига қилиб, коса тахлагандай тахлаб қўйманг.





Ҳар бирининг ичини тозалаб ювиб, қуритиб, ўз қопқовини ёпиб қўйинг.

Меҳмон келганида тутиладиган коса, лаган, пиёлалар кундалиқда тутиладиганлари билан аралашмагани маъқул. Биринчидан, сони кўпайиб ҳаракатингизга ҳалақит беради, иккинчидан, чувалашиб, ҳуда-беҳудага сув тагига боравериб, оҳори кетади, чети учади, синади.

Кунда тутиладиган ҳамма асбобларингизни ҳар ишлатганингиздан кейин ювганингиздан ташқари ҳафтада, узоғи билан ўн кунда бир порошоклаб яхшилаб ювиб туринг. Косаларингизнинг таги чирк бўлса, сирли тоғора-товоқ-кастрюлларнинг чети қорайиб ётса, ҳаммамизнинг кўнглимиз хиралашади. Лаган, тақсимча, ликобчаларингизни энг тагига каттасини қўйиб кичигига қараб тахланг. Шундай қилсангиз керагини тез топиб оласиз, ҳам синди-синдидан асрайсиз. Коса-пиёлалар ҳам шундай тахланади. Шуларни ҳам билмас эканманми, бунча ойим менга насиҳат қилаверадилар деманг. Косанинг ичига пиёла қўйиб яна устига коса тахлаб кетаверадиганлар, коса-қошиқ-пиёла– қошиқ-коса қилиб тахлайдиганлар ҳам кўп. Лаган-тарелка-тоғорача-ликобча шаклида дасталайдиганлар ҳам бор. Сиз бундай қилманг, келин болам!

Ҳозир энди узоқ ўтмиш бўлиб кўринади, аслида яқинда ҳам хонадонларда самовар қўйиларди, келинлар оқланган, рухланган самоварларини олиб чиқиб, уч кунда бир водопровод тагида ёки ариқда оқиб турган сувда ювишарди. Сизнинг чой чойгумингиз ҳам ўша келинларнинг самоваридек ярақлаб турсин. Орқа-ўнги қорайиб ётган чойгумдан дамланган олий навли ҳинд чойи ҳам томоқни қириб ўтади, жон болам!

Овқатга масаллиқ тайёрлашда уларнинг ҳар бирини алоҳида идишларга солсангиз, биринчидан меъеридан адашмайсиз, иккинчидан қозонга солишда қийналмайсиз, куйдирмасдан қовуриб оласиз. Сув солгандан сўнғ қозонингиз қайнаб чиққунича, масаллиқлардан бўшаган идишларни тезда ювиб олинг, ҳали қозон-товоқ билан юваман, деб орқага сурманг. Ҳам вақтдан ютасиз, ҳам керак бўлса, олиб ишлатаверасиз, сонини кўпайтириб, ўзингизга иш орттирмайсиз.

Ҳозир кўп хонадонларда ошхонага иссиқ сув олиб кирилган. Шунинг учун овқат сузиб олингани заҳоти қозонни ювиб қўйиш канда бўлмасин, келин болам! Овқатингиз кўпроқ

бўлган, уни эрталаб иситиб, ишга кетаётганларга едириш ниятингиз бўлса, сирли идишларингизнинг бирига кўтариб олинг, совигач, холодильникка қўясиз. Лекин зинҳор қозонда қолиб кетмасин. Бизга бувиларимиз «Қозон ювиқсиз қолса, шайтон ялаб кетади», деб уқтиришарди. Шайтон ялагани – бугунги ишни эртага қўйиб вақтдан, таом сифатидан ютқазилгани бўлса керак. Қолаверса, қозонларнинг қусадиган бўлиб қолишига, орқа-ўнги икки энлик қатирмоч бўлишига асосий сабаб – қозоннинг вақтида ювилмаганидир.

Овқатга фотиҳа ўқилгач, коса-лаганларни ҳам тозалаб ювиб, дастурхонни йириб олинг. Дастурхондаги увоқларни оёқ босадиган жойдан четроққа қоқинг, келин болам! Парранда-даррандалар еб кетади. Дастурхонингиз кечаю кундуз бирдек ёзиглиқ турмасин! Қоқиб, текис қилиб тахлаб қўйинг.

Икки-уч кунда дастурхонни, кунда кечкурун ошхона сочиқларини ювиш ёдингиздан чиқмасин. Бундан ҳаммиша оҳорли дастурхон ёзаётгандек дилингиз равшан тортади. Ўзингизгаям, меҳмонгаям тоза дастурхон ёзганга нима етсин!

Кечки овқатдан сўнг, ошхонада бажарадиган яна бир ишингиз, газ устини артиб олиш, иссиқ-совуқ сув оқиб турадиган мослама – раковинани тозалаб ювиш, энг муҳими – ошхона полини бир сидра артиб олишдир. Бу ишларни ҳар куни қилиш керак. Агар шундай қилмасангиз, иккинчи куниёқ газ плитангиз усти, сув тагидаги мосламалар кирланиб, таъбингизни хира қиладиган, полда юргангизда эса шиппаингиз чип-чип ёпишиб гашингизга тегадиган бўлади. Ишқилиб гашингиз келсинда, келин болам!

Ҳозир ошхона ишларини бир сидра айтиб ўтаётганим учун «вой-бў!» деб ваҳимага тушаётган бўлсангиз ажаб эмас. Аслида, ўз вақтида ва соз бажарилса, бу ишларнинг ҳаммасига алоҳида ва кўп вақт талаб қилинмайди. Овқат пишираётгандаёқ буларни навбати билан билиб-билиб қилиб оласиз. Озгина зеҳн, озгина хоҳиш бўлса бас, келин болам! Қолаверса, шукр қилинг, ёлғиз эмассиз, бинойи каттакон оиламиз! Яхши гап билан қайнингиз-у қайинсинглингизни ишга соласиз, мен ҳам қараб турмайман. Фақат сизга ташлаб қўймаймиз. Аммо баҳо сизга-ю менга берилади!

Ошхонани йиғинчоқ, саришта қилмай туриб, уйларни саранжом қилиб бўлмайди. Бунга эътибор беришингизни ҳам илтимос, ҳам талаб қиламан! Чунки оиладаги келишмовчилик-



ларнинг кўпи шунга ўхшаш арзимаган икир-чикирлардан чиқишини унутманг, бунга йўл қўйманг, келин болажоним!

## АРМОН

(Акс садо)

Ҳар бир ижодкор ҳаётида ўқувчи ва тингловчиларидан кўплаб мактублар олади. Уларни олиш менга ҳам насиб этган. Улар ҳар хил бўларди. Оқ қоғоз баъзида оқ ҳарир парда вазифасини ўтаганини, унинг ортида турган аёл менга, баъзида ўзига-ўзи ҳам айтиши қийин бўлган сирини айтаётгандек туюларди. Айрим пайтлар кафтимдаги бир варақ енгил қоғоз эмас, лаққа чўғдек вужудим ёнаётганини сезардим. Кафтимдаги – инсон юраги! У – инсон дарди! У киши вужудини гоҳ темирчининг босқонидаги ўтга солади, гоҳ сувга. Ўқийман, қувонаман, куйинаман, куламан, аммо ҳар гал хулосам бир хил бўлади: О инсон, о ҳаёт, мунча мураккаб бўлмасанг! Чигал муносабатлар тугунининг ечими қайда? Яна амин бўламанки, гарчи бу хатлар ортида биргина инсон ва унинг тақдири турган бўлса-да, у асло «шахсий» хатлар тоифасидан эмас. Унга қўшилиб мен ҳам куюняпман, мен ҳам куляпман, мен ҳам ўйлаяпман, демак у бир шахс дарди эмас, инсоният дарди. Кўпинча ана шундай хулосага келардим: менинг бу хатларни ўз ижод сандиғимда бисот қилиб сақлаб туришга асло ҳаққим йўқ! Шунинг учун ҳам уларнинг кўпи номини ўзгартирилган ҳолда ёки кимлигини аниқ айтилмаган ҳолда, албатта, кўпчиликнинг муҳокамасига ҳавола қилинарди.

Радиода «Қайнона сабоқлари» эшиттиришини бошлаганда ҳам, гарчи унинг мавзуи азалий, ҳеч қачон эскирмайдиган бўлса ҳам, суҳбатлар жараёнида мактублар кўп келишини, фикр-мулоҳазалар турфа бўлишини кутгандик. Ҳатто вақти-вақти билан эфирни бус-бутун шу мактубларга, фикр-мулоҳазаларга беришни ҳам кўнгилга тугиб қўйган эдик.

Келадиган мактублар, яширин ва ошкор билдириладиган мулоҳазалар асосан оналар, келинлар, ёш қизлардан бўлишини ҳам тахмин килардик. Дарҳақиқат, шундай бўлаётпти ҳам. Айрим хатларни ўқиганингда томирингга босиқлик, донишмандлик оқиб киргандек, ўзингни бир неча ёшга улғайгандек ҳис қиласан, бесаранжом кўнгил ҳаловат топади, тилингга шукр келади... Ёруғ дунёда юрганингга шукр, бировга кулиб



боққанингга шукр, ризқинг кўпдан кам эмаслигига шукр, меҳнатинг кўпга кераклигига шукр, ота-онанг, жигарларинг борига шукр, олдингда ва ортингда «Она!» дегувчи зурриётларинг борлигига шукр, насибанг бутлигига шукр...

Вожаба! Инсон инсон бўлибдики, азал абад шу ибтидоий нарсаларнинг борига севинади, шукр қилади. Зеро, инсонни бошқа мавжудотлардан фарқлабгина қолмай, камолатга етаклаган ҳам шу шукрлар бўлса ажаб эмас. Киши қалбига илоҳий бир ҳаловат ва шукроналик олиб кирувчи мактублар бор бўлсин! Кўпайсин улар!

Аммо мактублар ичида шундайлари ҳам борки, уларни ўқиганингга столдаги қоғозлар кўз ёшларга ғарқ бўлгандек туйилади. Аксарият бундай мактубларда манзил ва исм тўлиқ кўрсатилмайди, кўрсатилганда ҳам ошкор этмаслик ўтиниб сўралади. Келинлар қайноналарини золимликда айблашади, қайноналар келинларидан «Мени оёқости қилаяпти», деб шикоят қилишади. Эрларга қарши исён кўтариб ёзилган мактублар ҳам оз эмас. Мактубларда ўзаро келишиш, «юлдузга юлдузни мослаш», муросаи-мадорага юз тутиш камдан-кам.

«Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир».

Эсингизда бўлса, Лев Толстой ўзининг «Анна Каренина» романини айнан шу чуқур маъноли сўзлар билан бошлаган эди. Бугунги кунда ўз мактубларида «Мен бахтсизман!» деб дод солаётганларнинг кўпчилик қисми – бахтсизлигига сабаб қилиб вақтида олиб берилмаган кўйлак, ҳеч қачон бут бўлмаган рўзғор кемтигини кўрсатишаётгани билан бир-бирига ўхшаш. Уларни ўқиган, эшитган киши, айниқса ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрганлар «Қаттиқчиликни, катта ғам-кулфатни кўрмаган, уруш қурбонларини билмаган авлод-да, шунинг учун ҳам майда ташвишлар катта бўлиб кўринаяпти», дейиши табиий.

Табиат биз аёлларни фидойи қалбли қилиб яратган. Лозим бўлса биз бола, оила, турмуш деб ўз шахсимизга тегишли кўп нарсани қурбон берамиз. Очиғини айтиш керакки, бизнинг бу фазилатимиз дунё тургандан бери кимларни лол қолдирмади... Лекин эътибор беринг: бу қурбонлигимиз ортида катта бир нарса ётибди-ку! Масалан, боламиз катта бўлишини кўзлаб, биримиз илмий ишимиздан воз кечамиз, биримиз оила фароғатини сақлаб қолиш учун обрўли мансабни қурбон берамиз. Тул бўла туриб, яхши одамлар оғиз солганда фарзанд-



ларининг юзидан ўтолмай, бошқа турмуш қурмаган аёллар қанча...

Хуллас, ҳар мактубда инсон тақдири. Уларга бефарқ қараш гуноҳи азим.

Навбатдаги суҳбатимизга асос бўлган мактуб ўзгача. Айни пайтда, гарчи уни йигит киши ёзган бўлса-да, мавзуимиздан четдаги гап деб ҳам айта олмайман. Аксинча, оилани асраб қолиш, келинга ўрнак бўлиш, ўғилни гуноҳ ишлардан қайтаришда мактубда таърифланган аёл ҳар жиҳатдан аъло намуна! Шунинг учун бу мактубни сизга тўла ҳавола этмоқчиман. Қиссадан ҳиссани ўзингиз чиқариб оларсиз...

\* \* \*

«Оналар, қайноналар ҳақида эшиттириш бераяпсизлар. Қўлим рудда, кўзим йўлда, қулоғим радиода, кўпинча бу эшиттиришни диққат билан эшитаман.

Она ва оила. Она ва ҳаёт. Она ва умр. Она ва зурриёт. Она ва тақдир... Назаримда, булар бир-биридан ажратиб бўлмай-диган тушунчалар. Оналар бунча бир-бирига ўхшамаса! Ҳар гал эшиттиришдан кейин беихтиёр шу менинг онам эди, дейман. Дейишга дейман-у, армон дилимни чок-чок тилишлаб ташлаётганга ўхшайди. Аламимга зўрға чидайман. Мени иймонли-инсофли қилгунча, оиламни асраб қолгунча онаизорим қурбон бўлиб кетдилар...

Оилада иккинчи фарзанд эдим. Ҳамма оилада бўлганидек, биз билан кўпроқ ойим шуғулланардилар. Опамга, менга, укамга кўпчилик ҳавас қиларди. Мактабни ҳаммамиз аълога битирдик. Опамни турмушга узатган йилимиз армияга кетдим. Ойимни нечоғли яхши кўришимни, оиламиз нақадар бахтли оила эканлигини ўшанда билдим. Уч кунда бир ойимдан хат олардим. Бошқалардан ҳам хат ҳафтада канда бўлмасди. Узоқда бўлсам ҳам мен оиламиз билан яшардим. Хизматим унча оғир кечмасди. Иккинчи йили бизни Россиянинг катта шаҳарларидан бирига кўчиришди. Шаҳарга рухсат берилган кунларнинг бирида метрода ойимдан келган хатни ўқиб кетаётганимда қулоғимга бехосдан русча:

– Йўқ, бу бўлмайди, бу онасининг эркаси, бундан нимани ҳам олардинг? – деган гапни эшитиб қолдим. – Кўрмайсанми, қўлидаги хати бошқа тилда бўлса ҳам, аёл киши ёзганлиги дастхатидан билиниб турибди. Аммо характери жуда яхши,

оғир-босиқ аёл бўлса керак. Мен дастхатга қараб кишининг характерини била оламан...

Ўрнимдан туриб қизларга жой бердим. Улар анча катта ёшдаги аёллар эди аслида, лекин жуда башанг кийинишганидан ҳеч ким уларни ўттиз беш – қирқ атрофидаги аёллар деб атамасди.

– Солдат, бизни уйга кузатиб қўясанми, кеч бўлиб қолди? – деб тегажоғлик қилди биттаси.

– Йўқ, у олдин бориб онасидан рухсат сўраши керак, кўрма-япсанми, ҳали она сути оғзидан кетмабди-ку! – деди бошқаси.

Хуллас, метронинг охирги бекатида тушдик. Мен қисмга йўл олганимда улар ҳам шу томон юришди. Айтишларича, қисмимиздан бир қўча наридаги баланд қаватли уйда туришар экан. Танишдик.

Кейинги якшанбада уларнинг иккитаси – Ляля билан Света келиб, мени чақиртиришди. Дарвоза олдида биров гаплашиб турдик. Кейин Лялянинг бир ўзи келадиган бўлди. У мендан ўн уч ёш катта эди. Аммо қилиқлари, гаплари асло ўн беш яшар қизи бор аёлни кига ўхшамасди. Рухсат берилган кунлар шаҳарга, кундузги театр томошаларига, киноларга тушардик. Кўп ўқигани, кўп билгани сезилиб турарди. Баъзи суҳбатларда мен кўпроқ жим турардим, маданиятли ва билимдонлигига лол қолардим. Хаёлимда нега ўзбек қизларимиз шундай эмас, деб ўйлардим. Нега улар билан эркин гаплаша олмаймиз, дунёқараши нега бунча тор уларнинг, дердим.

«Дўстмиз», – дерди Ляля. «Дўстлигимиз» армиядан кейин ҳам давом этди. Тошкентга қайтиб келгач, уни меҳмонга чақирдим. Ўқишим битадиган йили у меҳмонга келди. Кўп ўтмай, қизи билан бутунлай кўчиб келди. Мусофир деб бориб турдим. Кези келганда, ойим билан таништирдим. Ўшандан бошлаб мен ойимни танимай қолдим. Мен билмаган ниманидир у киши англагандек, кўзларида ташвиш пайдо бўлди. Қайга бориб, қайдан келганимни тергайдиган бўлдилар. Отам ҳам шундай қила бошладилар. Менга бу оғир ботарди. Чунки Ляля:

– Нима, сен кичкина боламисан, армия кўрган йигит бўлсанг. Ўзи оналарнинг психологияси шунақа бўлади. Ҳали кўрасан, уйланингдан кейин хотининг билан онанг ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади. Оналар ўғилларини ўзлари яхши кўриб уйлантирган келинларига ҳам рашк қилади-



лар, – дерди. – Қўрқма, уйланишингга қаршилиқ қилмайман, биз дўстмиз холос, ушлаб қолмайман сени.

Ойим дадам билан суриштириб, Аяланинг қизи кимдан эканини ўзи ҳам билмаслигини, у енгилоеқ аёл эканини, вақтида ўзимни қўлга олмасам, охири вой бўлишини айтишди. «Биз дўстмиз, менинг дўстларимни ёмон кўришларингизга йўл қўймайман», дедим. Бу бизнинг – уч киши ўртасидаги энг жиддий гапимиз бўлди. Эртасига келсам, ойимни касалхонага олиб кетишибди. Югуриб бордим. Кўзларида ёш ғилтиллаб, деворга қараб олдилар.

– Бувинг раҳматли «Бировга айтадиган гапинг оғир бўлса, уни айтишга шошила, бир айланиб кел. Агар айтилиши шарт бўлса, шундан кейин ҳам айтаверасан. Айтилиши шарт бўлма-са, ўша айланганингадоеқ тилингдан ҳам, дилингдан ҳам кўтарилади. Орада бировнинг қалбини оғритишдан қутиласан», деб насиҳат қилардилар. Сенга оғир гапни мен, онанг айтаман, болам! Қадамнингни билиб бос! Оқ қандга ҳам бир гард тегса, уни ташлаб юборилади. Инсонга бир доғ тушса, ундан фориг бўлиш қийин. Жон болам, сен муҳаббат деб қабул қилаётган нарса – сени домига тортаётган тузоқ, ўзинг англаб етмаган бўлсанг, менга, отангга ишон! У ифлос аёл, вақтида тузоғидан чиқ, иродангни қўлга ол...

Ойимнинг кўзлари жиққа ёш эди. Ҳали ҳам кўз олдимда турибди бу кўзлар. Палатада ҳеч ким йўқ эди. Энгашиб бу ёшларни артгим келди. Энгашдим ҳам. Аммо қўлим бу ишни қилмади, тилим бошқа гапни айтди:

– Ҳамма аёллар ҳам бир гўр эканда. Сал нарсага ўламан деб қўрқитади, сал нарсага йиғлайди, сал нарсага пашшадан фил ясайди...

Ойимнинг кўзлари ҳайратда қотди. «Сенми – шу!» дерди улар унсиз ҳайқириб.

– Агар сенга бу гапни шайтонлар ўргатган бўлса, ёлғиз умидим Худодан. Парвардигор сени шайтон йўлидан олиб Раҳмон, иймон йўлига солсин! Сен – мен севган, мен ишонган, мен жонимни ҳам қурбон қилишга лойиқ ва тайёр бўлган ўғлимки, менинг ҳар ҳаракатимни бошқа нопок одам кўзи, қараш билан баҳоляпсанми, шунинг ўзи ёшлигингдан, гўрлигингдан нишона. Кўзингни оч, ўғлим! Инсоннинг биллагидан, вужудидан, борлиғидан куч-қудрат булоқ бўлиб оқадиган давр билсанг, жуда қисқа даврдир. Шунинг учун кучни ҳам, би-



лимни ҳам, вақтни ҳам қадрига етиб билиб-билиб ишлатилмаса, умрини узайтирилмаса, ўзидан пок ном, пок зурриёт қолдирмаса, кишининг умри сувга оқизилгани билан тенг бўлади. Бу – минг йиллардан бери исботланиши асло шарт бўлмаган ҳақиқат-ку, ўғлим...

Менга бу гаплар кор қилмади. Кунда бўлмаса ҳам, кунора Ляляникига бориб турардим. Келганимда сезардим, ойимнинг ҳамиша қувноқ кўзларига мунг чўкарди. Менинг кўнглимда раҳм уйғотиш учун шундай қиляптилар, гуноҳ иш қилаётганим йўқ, менга оғирлиги тушмаса, кейин йўлимга тўғаноқ бўлмаганидан кейин уларга нима, йигитликда ўйнаб қолганим қолади, дердим. Ҳар гал гап очилса, «Биз дўстмиз холос», деб Лялянинг гапини қайтарардим. «Сизлар бир умр меҳнат билан ўтдинглар, нима кўрдинглар, шунинг учун ҳам мени тушунмаяпсизлар», деб жаҳлим чиқарди.

Кунларнинг бирида келишилган вақтдан олдинроқ бордим Ляляникига. Бегона эркак бор экан. Дўстим деб таништирди. Шунда ҳам ойимнинг бир гал йиғлаб туриб: «Ўйнаш дўст бўла олмайди, болам», деган гапларининг маъносига тушуниб етмабман. Кейин бошқа, яна бошқаларни учратдим. Шунда ҳам унинг: «Менинг ҳақиқий дўстим сенсан», – деганига учиб юравердим.

Ляля менинг бошқа қизга уйланишимга қаршилиқ қилмайман, дерди. Бироқ тўйимиз куни эрта билан телефон бўлди. Унинг қизи Ира «Онам дори ичиб ўлаяпти, касалхонага олиб кетишди», деб айтди. Ишондим. Куёвлик либосимни ечиб, югуришимга оз қолди. Онам беҳабар эдилар-у, дадам ушлаб қолдилар.

– Аҳмоқ, лақма! – тўй куни эшитган гапим шу бўлди. Ҳа, бу ҳаммаси ҳақиқий фоҳишаларнинг найранги экан-у, мен билмас эканман.

Тўйдан икки ой ўтар-ўтмас, оилам барбод бўладиган, қайнонам келиб қизини олиб кетадиган бўлди.

– Саҳнадаги аёллар қаторига яна бири қўшилди, – дедим мен киноя билан қайнонам кириб келганида.

Ойим келинга рухсат бермадилар. Қайнонамга ҳам нималар деб ишонтирдилар, билмадим. Менга барибир эди. Ҳаммаси Ляля айтгандек бўлаётганди. Унинг ақлига, узоқни кўра билишига қойил эдим.





– Ўзбеклар анча эски анъаналарни маҳкам ушлаган халқ, уларнинг сендек замонавий йигитни тушуниши қийин, сенга армиянинг, замоннинг таъсири катта, сен талант, сен илғорсан, сенинг бутун вужудингдан интеллегентлик ёғилиб туради, театрсиз, киносиз туролмайсан... – дерди.

Кўп гаплар, кўп ишлар бўлиб ўтди. Ойимнинг кучлари қандай эдики, эрининг кўнгилсизлигини ошкор билган хотинни олиб қола олдилар? Нима дедиларкин унга? Балки қариндош-уруғидан номус қилиб қайтиб кетмагандир хотиним? Ҳозир бу тўғрисида кўп ўйлаяпман. Ўйлаганим сари бошим хотиним олдида тобора эгилиб бораётгандек туйилади. У эса сездирмайди. Тез-тез ойим бошига бориб тиловат қилиб, йиғлаб-йиғлаб келади-ю, сездирмайди. Оҳ, буни кўришнинг азоби нақадар қийноқли!

Ойим қазо қилмасларидан бир кун олдин ўғлим бир ёшга тўлибди. Меҳмонлар келишадиган экан. Ота бўлиб ўзинг кутгин, дедилар. Вақтим йўқлигини, кечқурун кеч келишимни айтдим. Ишхонадагилар Ляля билан алоқамни билиб, бўшагин, деб очиқ айтишди. Нуфузли идора эди. Ойлиги ҳам яхшигина эди. Йигитнинг хўрозига ҳамиша иш топилади дедимда, бир танишим орқали катта бир хўжайиннинг машинасини ҳайдайдиган бўлдим. Ойим бундан беҳабар эдилар. Ўша куни хабар топдилар, ранглари оқарди-ю, ошхонага киришимни имо қилдилар. Эшикни беркитиб деганлари шу бўлди:

– Отанг-у менинг энг яшноқ пайтимизда дунёга келгандингку! Ёшинг йигирма тўртга кириб, ота бўлибсан, аммо ўша дақиқаларда биз бошимиздан кечирган илоҳий бахтни сен кечирмаганинга ачинаман. Сен бундай дақиқаларни қўлдан бой бердинг. Сени дунёга келтирай деб ўлиб тирилганимдан сўнг биринчи марта қошимга олиб келишганда «Отагинам!» деб суйгандим! Қай кечинмаларим, қай орзу-умидларимни жо қилдим-а шу биргина сўзга! Ҳаммаси армон бўлиб томиримни куйдириши учунмиди?! Қалбингдан ўғиллик меҳрини кўприб ташлаган, оталик меҳрини ўғирлаган кимсанинг кўзи кўр бўлсин! Иблиснинг пуштикамаридан бунёд бўлиб, иблиснинг сутини эмган банда эмассан, сенга берган меҳрим, умидим юзини кул босгандир холос. Улар тирилади, томирингдан қоним югуради, япроқ янгилаиб, тоза илдизингдан сув ича бошлайди. Ўшанда ўзингга келишингга имоним комил. Аф-

сус, мен у дақиқаларни кўрмайман. У қийноқларингни оломайман, азобларингга шерик бўла олмайман...

– Яна ўламан деб кўрқитаяпсизми? Доим шу! Бир умр кўрқиб яшадим, етар! – дедим столга қаттиқ мушт уриб. – Жонга тегди, кўз ёшингиз ҳам, касалингиз ҳам! Мен қачон яшайман?!

Оҳ, шўр пешона! Яшаш деган нарсанинг маъносини билмасанг, сенга ақл ўргатадиган отанг, онанг бор эди-ку! Нега уларга эмас, дунёни дунё қилиб ушлаб турганларга эмас, келиб-келиб ўткинчи бир нарсага иқтидо қўйдим?!

– Ўзингни қўлга ол, болам! Онангни қарғишгача олиб борма, меники у ёқда турсин, келинимнинг кўз ёши-ю, болангнинг бир қараши сени жувонмарг қилиб ташлашга қодир. Худойим шундан асрасин сени!.. – ойимнинг менга айтган сўнги сўзлари шу бўлди.

Ўша куни қолдим, меҳмонларни кутиб олдик. Эртасига одатдагидек кеч келдим. Уй ўлик чиққандек жимжит эди. Укам армияда, дадам билан хотиним, болам касалхонада – ойим тепасида эканлар. Кайфим бор эди. Ётдим. Эрталаб турганимда кеч бўлган – ойимнинг жонлари узилган эди. Аввалига ишонмадим. Мени ўзлари ёмон деб ўйлашаётган йўлдан қайтариш учун шундай дейишяпти, деб тушундим. Яна аёлларнинг найранги, макри дедим. Аммо барибир нимадир мени касалхона томон етаклади. Борсам, юзларига рўмол ёпилган ойимни машинага солишаётган экан.

Энгашиб юзларини очай десам, дадам қўлимдан тутдилар. «Ҳаққинг йўқ!» дерди нигоҳлари...

– Болаларим катта бўлса, кўрмаганимни кўраман, етмаган орзуимга етаман, деб ўйлагандим. Афсус... Ҳалол ва пок яшадим. Ҳаромдан ҳазар қиламан. Сен тутган йўл ёмонгина эмас – ҳаром, гуноҳи азим. Ўзинг розилигинг билан уйланган оиланга бепарволик, пуштикамарингдан бўлган болага совуққонлик, оила ҳақида қайғурмаслик – гуноҳ! Оналар боласининг ёмонини яширади, аммо мен учун ўлимим олдида томизган сувинг ҳам заҳар бўлиб туюлар. Нопок йўлдан қайт, болам!

Айтилган пайтда эътибор бермаганим билан орадан олти йил ўтгач ҳам ҳамма гаплари сўзма-сўз қулоғим остида жангларга айланди. Кўзим очилган, ёмонни яхшидан аллақачон ажратиб олгандекман. Лекин ойимнинг ҳар бир гаплари аниқ-таниқ эшитилаверади.



Ўғлим бу йил мактабга чиқади. Ойим оқ фотиҳа берган хотиним билан иноқ яшаяпмиз. Дадам биз билан биргалар. Укамни уйладик. Болаларим учта бўлди. Аммо йиллар ўтган сайин ойим айтган қийноқ тобора ўткирроқ қалбимни тирна-япти. Мен шундай ёмон йўлга кирмасам, суyoқoёқ бир аёлнинг гапини ўзимга дастур қилиб олмасам, балки ҳали яшармидилар, деган гумон қалбимни тобора ўткирроқ пичоқ билан тилади. Ички бир овоз оилангни маҳкам тут дейди.

– Ўзингдан ўн уч яшар катта аёл домига тушиб, очилмаган гунчага уйландинг. Ундан даставвалига кўп нарсани талаб қилаяпсан, у ярамас аёл билан келиним ўртасидаги фарқни ажратиб ололмаёпсан, кўрнамак! Келинга ҳам эр тарбияси, ҳам қайнона тарбияси кераклигини билмаяпсан. Кўзинг очилганда кеч бўлмасин, яна!..

Бу ҳам ойимнинг гаплари.

Хатим узук-юлуқ бўлди. Бир мактуб билан инсоннинг шайтон йўлидан раҳмон йўлига ўтиш кечинмаларини тасвишлаб бўлармикин?

– Олган гулингни авайла, болаларингни ўзинг юрган йўлдан асра! – дейди яна бир ички овоз, ойимнинг овози оҳангида.

– Сени Аллоҳга топширдим. Ундан кечаю кундуз сенга бўлган меҳримни, фахримни, ифтихоримни қайтаришини илтижо қилиб қоламан. Илоҳим, сени ўзи раҳмон йўлига, иймон йўлига солсин!

Бу ҳам ойимнинг овозлари.

Қалбимда иймон борлигига, у тугаб битмаганига бўлган ишонч кучи билан ойим оиламни сақлаб қолганларини, хотиним қалбида менга – кўз очиб кўрган эрига меҳрининг сўнишига йўл қўймаганларини энди яхши билаяпман. Аммо айтганларидай, анча кеч билаяпман. Қалбимдаги қийноқларнинг беададлиги шундан...»

## ОТАНГ КЕЛДИ, ОНАНГ КЕЛДИ

Ҳа, келин болам, бугунги суҳбатимиз меҳмон кутиш, меҳмонларнинг энг улуғи – қудаларни кутиш, уларни иззат қилиш ҳақида бўлишини сезгандирсиз.

Сиз билан бу мавзуда гаплашиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Негаки, сезиб турибман, орадан унча кўп вақт ўтмаганига қарамай, қудаларимиз билан опа-сингилдай бўлиб кетдик.

Бизнинг сизларникига боришимиз ёки қудаларимизнинг бизникига меҳмон бўлиб келишлари мактубда тасвирланганидек, катта ташвишлар, руҳий тарангликлар, зўриқишлар билан асло боғлиқ эмас.

Дарвоқе, суҳбатимизни шу мавзуда олиб боришимизга ҳам бир мактуб сабаб бўлди.

«Ассалому алайкум!

Агар айбга буюрмасангиз, мени кўпдан бери ўйлатиб қўйган бир масала устида фикрингизни билмоқчийдим... Турмуш қурганимизга анча бўлиб қолди. Икки фарзандлик ҳам бўлди. Рўзгоримизда камчиликлар йўқ, негаки оила аъзоларимизнинг ҳаммаси ишлайди. Қайнотамлар айтмоқчи, кийим-кечак, латта-путтанинг энг зарурини олиб, оила даромадининг аксари ятини рўзгорга ишлатаяпмиз. Вақтинчалик бўлса ҳам орзу-ҳавасни бироз жиловлаб туришга тўғри келяпти. Тўғри, ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида шундай қилмаса ҳам бўлмайди. Рўзгоримизда камчилик йўқ, деярликнинг боиси, рўзгор бут бўлгани билан негадир меҳмон келадиган бўлса, айниқса овсиним ёки қайинзгачим томонидан қудалар келадиган бўлса, уйда анча руҳий таранглик сезиб қоламиз. Бирдан ойижон бесарамжон бўлиб, «Қудаларни ундай кутиш керак, қудаларни бундай кутиш керак», деб ташвишга тушиб қоладилар. Уч кун олдиндан уйқулари қочиб, ҳаммаёқни чиннидай қилиб тозалатадилар. Пардалар алмаштирилади, ойналар ювилади, қозонлар куйдирилади. Ёмонми дерсизлар? Булар жуда яхши. Баҳонада ҳаммаёқ кўзга чиройли ташланадиган бўлиб қолади.

Мени ўйлантириб қўядигани бошқа масала. Қудалар келди деб, яқин-узоқ қариндошлар айтилади. Жуда кўп егуликлар пиширилади. Кўпинча пиширган нарсаларимизни ейишга навбат ҳам тегмайди. Бир-икки соатга қудамни ёки боламни кўриб кетай, деб келишган қудалар катта зиёфатга атай келгандек узоқ ўтириб қолишади. Болалари, неваралари билан яйраб ўтиришга, дийдорига тўйишга вақт қолмайди. Расмий ташрифга келгандек, аллақандай парда ўртада тургандек бўлаверади. Биз, келинлар ҳам ҳазил-мутойибалардан нари, анча жиддийлашиб қоламиз. Тезроқ кетақолишсайди, деган пайтларимиз ҳам бўлади. Ҳолбуки, келганлар бизга бегона эмас, ота-онамиз, аммо бир кун олдиндан бизни жиловлаб олган руҳий тарангликдан, бесарамжон ташвишдан, ал-



лақандай ички зўриқишдан ҳоли бўла олмаймиз. Ота-онам келди, деб учиб юриш ўрнига руҳан толиқиб қоламиз. Нега шундай? Қудалар қандай кутилади ўзи?!»

Ўзбекчиликда ҳақиқатда ҳам қудалардан ортиқ ҳурматли меҳмон бўлмаса керак. У ҳам бўлса, менинг назаримда, миллатимиз қадриятлари ичида энг қадрлиси – фарзандлар билан боғлиқ бўлгани учун бўлса керак. Ўғил-қизимиз орқасида қуда-андалик бўламиз-да. Жондан азиз қизларимизни ишониб уларга топширамиз, эвазига ўзимиз ҳам ўғлимизга йўлдош сифатида тўйгача «биров» бўлиб ҳисобланган кишиларнинг фарзандларини оиламизга аъзо қилиб олиб келамиз. Ҳар иккала ҳолда ҳам тўйгача юракнинг бир чеккасини увиштириб «биров» бўлиб турганлар тўйдан кейиноқ биз учун баъзан эгачи-сингилдан ҳам яқинроқ қадрдонга айланиб, бинобарин, оиламизнинг тенг аъзосидек бўлиб қолишади. Менимча, ҳар галги учрашув, дийдор кўришув ана шу қадрдонлик, азизлик нурига, меҳрига, эъзозига айланиши керак.

Ўзимизники деганда айримлар сингари бемеҳрлик, оқибатсизлик, баъзан бефаросатлик ифодаси даражасида эътиборсизликка тушиб қолмаслигимиз керак. Диққат қилинг-а, келин болам, негадир ўзимники-ку деб опамиз ёки синглимиз меҳмон бўлиб келганда, айримларимиз тагига янги кўрпача солишни унутамиз, дастурхон тузатишни ортиқча деб биламиз. Қанчалик узоқ ёки яқиндан келишганига қарамай, бир коса иссиқсиз кузатган опа-сингилларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳарна бўлганда ҳам булар қадим-қадимдан меҳмоннинг ҳурмати, иззатининг белгиси бўлиб келган. Мактубда тасвирланган аёл дугонамиз балки ҳаддидан ошириб юборган бўлиши мумкин. Аммо келин болам, азизлар ҳамиша азизларча кутилишлари керак, буни унутманг.

Келинлик уй ўзи ҳамиша сарамжон-саришта бўлгани учун ҳар гал қудалар келишига ойна ювдириш, пардаларни алмаштириш шарт эмасдир, аммо келган меҳмон фарзанди жигарбандингизга ҳамроҳ бўлиб турган келинингиз ё қўлидаги сизнинг қизингиздан хотиржам бўладиган, кўнглини тўлдириб турадиган ҳаракатларни қилишимиз шарт деб ўйлайман. Хусусан, сизнинг отангиз-онангиз меҳмонга келишди, деб фарз қилайлик.

Минг «ўзимизники» ҳисобланишса ҳам, қудалар қудаларникига зарурат бўлгандагина келишлагини, бу даргоҳга беҳу-



дага қадам босилмаслигини унутмайлик. Бунинг ортида минг бир андиша бор, албатта. Аввало бу – уринтирмайлик, ортиқча харажатларга йўл қўймайлик деган андиша. Келган меҳмоннинг дилидан кечаётган ана шу андишалардан фориф қилишимиз керак. Бунинг ёрқин ифодаси кайфиятимиз, табассумимиз, меҳмон келганидан бошимиз осмонга етганини самимий билдириб туришдир. Бу туйғуларнинг самимийлиги аввало ўзимиз ишонишимиз, бундан дил-дилдан яйраётганимизни ўзимиз ҳис қилиб туришимиз керак. Нега ҳам шундай бўлмасин ахир! Бир оқила аёл айтган эди: яхши қудалар бориб-бориб туғишган эгачи-сингиллардан ҳам аъло бўлиб кетишади, деб. Демак, отангиз-онангиз келганидан яйраган сизнинг, эгачи синглимдек, қадрдонимиз келганидан суюнган менинг юзимда шу хурсандчилик барқ уриб туриши керак. Ҳалиги айтилган руҳий тарангликни енгувчи қудратнинг бири шу самимий севинч ифодасидир. Ана шу қудрат ўз кучини кўрсатмас экан, «ейишга навбат етмайдиган» таомлар билан тўлиқ дастурхонингиз ҳам қудачилик гашти, сурурини бера олмайди. Севинчингизни изҳор қила туриб уйингизда борини дастурхонга қўйинг, гарчи у тўлишдан анча йироқ бўлса ҳам, меҳмонларингиз кетаётганида «Бирам маза қилдимей, анчадан бери мана шундай ёзилишиб ўтирмаган эдим, раҳмат-ей сизга», деб кетади. Ишонинг, бундан кейин пайдо бўладиган дилингиздаги илиқликдан ўзингиз ҳам бирам яйрайсиз. Азизлар дийдорини соғиниб туриш – ҳаётнинг улуғ неъматидир! Буни ҳис қилмаслик, бунга интилмаслик, бунга эришмаслик оқибатида мактубда ифода этилган ташвишли ҳол, руҳий таранглик, зўриқишлар содир бўлади. Шунинг учун ҳам халқимизда буғдой нондан ҳам аълороқ нарса буғдой сўз эканлиги ҳақида жуда кўп ҳикматлар бор.

Қудаларни бир-бирига илиқ-иссиқ кўрсатадиган, вақти келиб эгачи-сингилдек қиладиганлар – фарзандлар. Онангиз, отангизнинг, масалан, нима таомларни хуш кўришини, қандай муомала-мавзуларни ёқтиришини сиз яхши биласиз. Агар ўша яхши кўрган таомлари билан сийласак, сўз орасида яна мен «Қаранг-а, қизингиз ойим анчадан бери менинг қўлимдан чўзма лағмон емовдилар, деб бир чиройли, кокилдеккина қилиб лағмон чўзибдилар», десам, қудаларим жуда яйраб кетишади-да. Нафсиламбрини айтганда, ҳақиқатдан ҳам ўзларини ўз уйларида ўтиргандек ҳис қилишади. Мезбонликни гоҳ



сиз, гоҳ мен қилиб, уларни тортиниш, ётсирашдан ҳоли қил-  
сак, бояги айтилган тарангликлардан асар ҳам қолмайди.

Қудалар келганда ҳар гал бошқа меҳмонларни, бошқа қуда-  
ларни ҳам меҳмонга чорлайвериш жоизмикин? Бундай қилиш  
янги қуда бўлганда, қариндошлар билан таништириш маъно-  
сида қилинади, албатта. Бирон каттароқ маросим, тантана  
муносабати билан меҳмон чақирилганда, давра кенгроқ оли-  
нади. Қолган пайтларда ҳоли ўтирилгани маъқул эмасми? Суҳ-  
бат давомида бир-бирини яхши ўрганишга, қадимгилар айт-  
моқчи «синашта бўлишга» ҳам бу қулай-ку!

Дастурхон ҳам хонтахта синадиган даражада бўлмаслиги,  
аммо қудалар сийланаётгани сезиладиган бўлиши керак. Бу  
унча мураккаб эмас, хуш кўрадиган таомлари-ю, чойга чи-  
ройли сомсами, ширинлик пиширсангиз, олам гулистон! Ҳали  
айтганимдек, икки қадрдон томонни яна ҳам қадрдон қила-  
диган кўприк бу ерда – сизсиз. Шунинг учун ортиқча чоп-чоп-  
ларсиз, ортиқча зўриқишларсиз, ташвишларсиз меҳмон кут-  
ганга, кейинги дийдор соғинчини оддиндан ҳис қилиб турган-  
га нима етсин! Шундай бўлсин, келин болам!

## **ЯЛ-ЯЛ ЁНИБ ЮРИНГ, КЕЛИН БОЛАМ**

*Бил, қаноат барглари бир сўз демай бийрон эрур,  
Писта мағзи жим қилур маъноларин изҳор яшил.*

*Мирзо Бедил*

Суҳбатни яна Мирзо Бедилдан бошлаганимга ҳайрон  
бўлманг, келин болам! Ҳар гал Бедилга мурожаат қилар экан-  
ман, ажаб, қай муаммо билан унга йўналсам, керагидан ортиқ  
бийрон жавоб топаётганимга ҳайрон қоламан. Ана шу байтда  
ҳам кўп маънони уқиб, бугун сиз билан келинларнинг ўзлиги-  
ни «жим изҳор» қиладиган томонларидан бири, айни пайтда  
ана шу «жим изҳор қилиш»да ўзининг «бийронлиги», ўз «мағ-  
зидаги маъноларни» кўз-кўз қилиши ҳақида, яъни келинлар-  
нинг кийиниши, сиз тенгиларнинг тили билан айтганда, ке-  
линларнинг «гардероби» ҳақидадир.

Яширмайман, келин болам, бу турмушдаги энг муҳим ма-  
салаларнинг биттаси. Негаки, келин бўлгач, онасининг чалларда  
қўйган сарполари-ю, куёв томоннинг тўйда юборган талай  
кийим-кечаклар ўртасида қолиб, гангиб қолган келинларни  
ҳам кўрганимиз бор. Ҳазилакам гапми ахир, қизлик пайтин-



гизда уч-тўрт қўйлакни ювиб, яхшилаб дазмоллаб ўқишга, ишга кийиб юрасиз-у, келин бўлгач, бирданига икки ёқдан ўттиз-қирқ сидра сарполик бўлиб қоласиз. Нафсиламбрини айтганда, шошиб қолиш ҳеч гап эмас. Ана шу шошилиб қолиш ички шукрона севинчдан нарига ўтмаслиги, бошқаларга ош-кора бўлмаслиги учун тўйдан кейиноқ имкон бўлса, уйдаги катта ёшдаги аёлларнинг бири, яхшиси қайнона ойингиз билан икки томон сарполарини бирма-бир саралаб олганингиз маъқул. Ана шу саралаш жараёнида, ишонинг, шундай қимматчилик пайтида бир газ матони фалон пулга олган онангизга миннатдорчилик, уйимга келган келиним ял-ял ёниб, кўзимни қувнатиб юрсин, деб сарпо йиғган қайнонангизга миннатдорчилик туйғулари қалбингизда ниш урса, янги уйингизга меҳр, қизлик уйингизга нисбатан уларни уялтириб қўймаслик бурчлари туғилса ажабмас. Борини бордек кўрсатиш, камини яшириб озгина уқув билан тўлдириб, бутунлик туйғусидан чин севиниб юриш сизнинг қўлингизда. Шунинг учун ҳам дастлаб гардеробингизни яхшилаб ўрганиб олганингиз маъқул. Бу тўйдан кейинги ҳафталарда шошилмай, ҳовлиқмасдан қилинадиган ишдир. Масалан, кечки овқатдан кейин эркаклар телевизор кўраётган ёки шахмат суришаётган пайтларда қайнона ойингизни ўз хонангизга таклиф қилиб, бир пиёла чой билан сийлаб, бамаслаҳат бажариб олишингиз мумкин.

Кўпни кўрган қайнонангиз, албатта, биринчи навбатда икки томон сарполарини аввало мавсумга қараб, қишлигини қишликка, ёзлигини ёзликка ажратишда қўмак берадилар. Кейин кийимлар кишилиги-кишиликка, уйлиги-уйликка ажратилади. Ўз навбатида, улар яна сархилланади. Масалан, кишиликлар ичидан атоқли меҳмонга кийиладиганларини (келинсаломлар, тўй-қашамлар) шифонерингизнинг тўрига чиройли қилиб илиб қўйинг. Керак пайтида дарров кийиб чиқасиз. Уйликлар ҳам бир сидра сараланади. Масалан, меҳмон келганда кийиладиган чиройли либосларингизни алоҳида қилиб осинг. Мавсумга қараб эрталаб, пешинда, кечқурун кийиладиганларни, байрам-ҳайитларда кийиладиганларни ажратиб қўйинг.

Ойижон, кийим кийишни ҳам катта муаммога айлантириб юбордингиз-ку, дерсиз. Чиндан ҳам бу жуда катта ва жиддий муаммо. Кийинишингиз, юриш-туришингизга қараб ди-





дингиз, қарашингиз, муносабатингиз, Бедил айтмоқчи «мағиз маъноларингиз» изҳор бўлади-да, келин болам.

Ана шу сархиллаш жараёнида сарподаги тикилмай қўйилганларни ҳам ажратиб, тиктиришни маслаҳатлашиб оласиз. Одатда, келин кийимлари кўп йилларга етади дейишади. Бу тўғри, лекин борини эскиртирмай, оҳорини тезда тўкмай, бемаврид кийим тиктиравермасангизгина шундай бўлади-да, келин болам!

Айримлар келин доим ясаниб юриши, тез-тез кийим алмаштириши керак деб, бир йилга қолдирмай, барча келинлик кийимларининг оҳорини тўкиб, кир тоғорада умрини тугатишади. Шунинг учун ҳам либосларингизнинг матоси нимаданлигини, турмуш-рўзғорда улардан қай даражада унумли фойдаланиш мумкинлигини билишингиз керак.

Эрталаб ҳовли супурганда, уй йиғиштирганда бошқалар чойга йиғилгунга қадар бажариб оладиган ишларга ювганда ранги ўчмайдиган халат-лозимларингизни кийганингиз маъқул. Биламан, халатларингиз кўп. Лекин атлас эзилади, кир бўлса тез-тез ювилишни кўтармайди. Яхшиси, ювганда айнимайдиган, енгил дазмол билан аслини тиклайдиган матоларни уй ишларини бажарганда қўрқмай кияверинг. Ортиқча сув тегишидан асраш учун ошхонада олдингизга фартук тутиб олсангиз яна яхши. Чойни тайёрлаб бўлгач, тезда бошқа либосингизни кийиб чиқинг. Бу ҳам чаққонлигингизни кўрсатади, ҳам атрофдагиларнинг кўзини қувнатади.

Чойдан сўнг ишга (ўқишга) кетасиз. Бундай жойларга ялатироғи йўқ кийимларингизни кийинг, келин болам. Келинман деб бошдан-оёқ ялатироқ либос кийганлар ўзига диққатни тортади, холос. Ундай кийимларингизни ҳали айтиб ўтганимдек, атоқли меҳмонга борганда киясиз. Томошаларга борганда ҳам улар ярашади. Кунда бир хил кийим кийиш ҳам яхши эмас, борида чиройли турланиб юрганга нима етсин.

Кечки пайт яна сув текканда зарар етмайдиган кийимларингизни кийиб, ошхонада бир оз қарашиб юборасиз. Овқат пайти албатта тафтами, парчаданми тиктирилган халат-лозим ёки қўйлақларингизни кийиб олинг. Бу янги келин тушган оиламизнинг кечки дастурхонига файз, тантанаворлик бахшида этади. Сизга қараб қайинсингилларингиз, бошқалар ҳам ним-байрамона кийинишади.



Тунги кийимларингизни ҳам алоҳида тортмага, қулай жойга тахлаб қўйинг. Қаранг, уларнинг ҳам ками йўқ экан, ҳам қўша-қўша. Мавриди келганида айтай, бошқа пайт қайтариб юрмаслигим учун. Зинҳор куни билан кийиб юрган қўйлагингизда ўринга ёта кўрманг. Биринчидан, ўша қўйлагингиз эртасига кийиб бўлмайдиган аҳволга келади, иккинчидан, ўзингиз қисилиб, дам олгандек ҳам бўлмайсиз. Тунги қўйлақларни тез-тез ювиб, дазмоллаб турсангиз, оҳори кетмайди, жиндай атир ифори билан тунингизга сеҳрлилик бахш этасиз.

Уйда ҳам, кўчада ҳам пойабзалингизни либосингизга мослаб кийиш кераклигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Уларни кийишда пала-партишликка йўл қўймасангиз, аясангиз умри узоқ бўлади, келинликнинг чиройли даври шунчага чўзилади.

Келин бўлиб ял-ял ёниб, хонадонимни тўлдириб юришингизни яхши кўраман, бу дунёнинг зийнатларидан бири.

Келинг, мана шу эркаклардан ҳоли ўтириб, иккаламиз бамайлихотир кийим-кечак ҳақида сўзлашиб олаётган бир пайтдан фойдаланиб, бир нозик масалани айтиб ўтай. Йўқ, бошингизни эгманг, келин болам, бу – сиз шундайсиз деб асло шаъма қилаётганим эмас, аксинча, куни кеча қўшни келинларнинг бириникига бир иш билан бош суқиб, менинг келиним ундай эмас ҳартугул, деб шукр қилганимдан ва илоҳим шунга ўхшамасин деганимдан.

Тунов куни, эсингизда бор, санчма (укол) дори олгани қўшнимизникига ҳамшира келинининг олдига чиқдим. Ошхонада экан:

– Опоқижон, уйга кираверинг, мен ҳозир ортингиздан кираман, – деди.

Ҳовлида турмаслик учун қайнонаси ҳам келиннинг хонасига бошлаб кирди. Келиннинг хонаси мен сизга айтсам, эгаси кўчиб кетган уйга ўхшарди. Ҳамма жойда кийим: лозим, қўйлақ, халат... Ҳаммаси ҳам атоқли матолардан. Бири-биридан чиройли. Лекин ғижим бўлиб у ерда, уйкалай бўлиб бу ерда ётибди. Хонага бош суққан одам ўтиришга жой тополмайди. Диванда эр кийими, стулда халат, каравотда рўмолу қўйлақ. Разм солиб турсам, қўшнимнинг келини тез-тез кийим алиштиргувчи эди. Шу нарсани мен сиздан ҳам талаб қиламан-а? Лекин турланиш керак экан, деб ечилган кийимни дуч келган жойга улоқтириб, бошқасини кийиб кетавериш керакми? Кейинги кийилгунча шуларни илгичга илиб қўйсаку, уйи ҳам



саранжом бўлади, ҳам кейинги кияётганида дазмоллаш учун вақт кетмайди.

Ортимиздан келган келин ҳар жой-ҳар жойда ётган кийимларни бир қилиб, юмалоқлаб гардероби тагига суқди. Кийимнинг аҳволига жоним ачишиб кетди, мен сизга айтсам! Сиз зинҳор ундай килманг, келин болам. Кийимни ҳам ҳурматлаб, сипоришлаб кийсангиз, у сизга обрўгина эмас, кайфият ҳам келтиради, оёқ-қўлингизни чаққон қилади, ишингизда унум келтиради. Бирини ечдингизми, бу уйга ҳеч ким кирмайди-ку, деб бепарволик билан дуч келган томонга улоқтирмай, авайлаб, текислаб илгичга илиб қўйинг. Одам деган биринчи навбатда киши кўзи учун эмас, ўзи учун саранжом ва ораста бўлмоғи керак-ку ахир!

Келин тушган уй файзли, фариштали бўлади, дейишади. Бу – тўғри. Файзу фаришта, биринчи навбатда, келиннинг орасталиги, саранжомлигида, келин болам. Шундай келинлардан атрофдагиларга бир ажиб нур ёғилиб, киши қалбига ҳаловат бахш этиб туради. Сизни мен ҳамиша шундай кўргим келади. Ял-ял ёнган келин деб шундайларни айтадилар-да!

## ЖУФТЛИК ҚУДРАТИ

Чойингизни дамладингизми, келин болам? Келинг, бирга ичайлик. Эрталабдан бери кузатиб турибман, ўзингизга ўзингиз нималарнидир тасдиқлагандек, ним зарда аралаш нималардир қилмоқчи бўласиз-у, ишингиз унмаяпти. Ҳатто неварам бечорани ҳам бир жеркиб ташладингиз. Эрталаб эрингизни кузатаётганингизда:

– Менинг жоним қирқтами? Барвақтроқ келинг, – деганингизни эшитиб қолдим.

Аёлларнинг жони қирқта бўлади, дейишиб ҳазиллашганини мен ҳам кўп эшитганман. Ёшим анчага бориб қолганидан кейин бу мақол биз – аёлларга берилган энг катта мукофот, деб тушуна бошладим. Иш, оила, бола, жигаржонлик, келинлик хизматлари билан ҳеч қачон чарчамаслигимиз, чарчаганда ҳам бир дам тин олиб, қуш мисол яна парпираб кетаверганимиз учун шундай дейишса керак-да. Хусусан, мен чарчамаслигимизнинг сабабини атрофимиздагиларга ҳамиша кераклигимизни ҳис қилиб туришимизда деб биламан.

Нима десангиз денгу, келин болам, аёлнинг жони қирқта бўладими ёки йўқми, аммо қўллари жуда мустақкам бўлиши керак. Ҳа, иккала қўли ҳам мустақкам бўлиши, қувватни юрагидан олиб туриши керак. Негаки аёл бир қўли билан иши, мансаби, мавқеини, иккинчи қўли билан эса уйи, оиласи, эри, болалари, энг муҳими – аёллигини мақкам ушлаб туриши керак.

Аёл кишининг қўлларини мустақкам қилиб турадиган манбалар – унинг оиласига меҳри, оналик фидойилиги, жигаржонлиги, оиласининг яхши, намунали оила бўлишига интилишидир. Ана шу туйғу ва истаклар унинг жонини қирқта, ўзини чарчамас, қўлларини меҳрли ва мустақкам қилади. Аёл ана шу меҳр ва истаклар ўзида ҳамиша мужассамлигига шубҳа қилмаслиги керак. Гумон пайдо бўлдими, билақдан мадор, дилдан меҳр, боринги, ҳатто юздан фаришта ҳам кетади. Узоққа бормайлик, мисолни мана ўзингиздан олинг.

Эрталаб эрингизни ишга ярим зарда билан кузатганингиз боиси, мана кўриб турибман, уйдаги ишингиз ҳам унмаяпти, бизга нонушта бердингиз-у, ўзингиз туз тотганингиз йўқ.

Бунга сабаб бор дерсиз. Тўғри, кейинги пайтда ўғлим эрта кетиб, кеч келадиган бўлди. Яна тахминан бир ойча шундай бўлишини ҳам тушунтирди. Сабаби: икки ўртоқ бир бўлиб, бир жойдан қўшимча иш олишибди. Бунинг уяти йўқ, ойлик етмайди, қўлида ҳунари бор. Майли, уйдан хотиржам бўлса, ишлаб турсин, камларингга яратарсизлар...

Қадимда «Ер кўриган подшоҳ аҳмоқ, эр кўриган хотин аҳмоқ» деган гап бўлгучи эди. Эрингиз – ўғлим эл ичида юрган эр киши бўлса, унга биринчи бўлиб сиз ишонмасангиз, ким ишонади? Эрим фақат меники, оиламники бўлсин деб калта ўйласангиз, аввало эрингизнинг оиладан ихлосини қайтариб қўясизмикин? Оилам учун топа қолай, бирим икки бўла қолсин, деган интилишини синдириб, ташаббусини сундириб қўясизмикин? Ҳозир кучи, иқтидори, энг муҳими интилиши борида майли ишласин, ҳалол топган пулларини оиласи, рўзғорига ишлатсин, бир нарсага эриша олаётганидан, интилганига қанот бўлаётганингиздан завқ ола билсин, орзулари кичикдан каттага қараб кетадиган бўлсин, жон келин болам! Ҳукумат ишидан, сиз-у биз деб олган қўшимча ишларидан мияси ғовлаб, чарчаб келганида шундай кутинг-ки, чарчоғи ёзилсин, боласи билан шўхликлар қилиб, ҳаётнинг зийнати – оила эканини билсин.



Энди яширадиган жойим йўқ, келин болам, бошимдан ўтганини элаб-элаб мағзини чаққанымдан олган сара гапларни айтаяпманда сизга.

Ҳайрон бўлманг, мен ҳам ёш бўлганман, мен ҳам келин бўлганман.

Хотин-қизларнинг ҳимоясида тик турадиган нуфузли идорада ишлардим. Эрингга қаттиқ тур, ўзингни оёқости қилишларига йўл қўйма, қайноналар жуда зулмкор бўлади, бўш келма, деб ўргатувчилар ҳам кўп эди. Дастлаб бутун вужудим билан шуларга амал қилишга ҳаракат қилдим. Кўп хатоликларга йўл қўйдим, тағинам қайнонам раҳматли анча оғир аёл эканлар, асталик билан ҳаётга бошқа кўз билан қарашни ўргатдилар. Кўп озорликларимни ёшлигимга йўйиб, ютиб кетдилар, асло писанда қилганлари йўқ. Яхши ният билан келин туширилаётган уйда, яхши умид билан қанот жуфт қилинаётган вужудда гашт ва сурурдан ташқари яна оқиллик ва одиллик, шу сурурни бир умрга асраб қолиш қудрати ҳам бўлиши кераклигини аста-секин тушунтирдилар. Адажонингиз билан тенг келаман деган пайтларим кўп бўлди. Аёлнинг буюклиги эри билан тенглигида эмас, бир поғона пастлигида эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Ҳаётдан ортда қолиб кетаяпман, театр-томошаларга тушмаяпман, деб кўзғолон қиладиган одам, аста-секин шу томошаларга олиб келган таклифномаларни қайнона-қайнотамга берадиган, болаларим билан ўтказадиган дамларни энг муқаддас дамлар эканини ич-ичимдан ҳис қиладиган бўлдим. Аёл боласи деб жамиятдан, борди-келди, тўй-ҳашамдан ўзини сал четга олиб туришида ҳам алоҳида завқ борлигини сездим, илоҳим сиз ҳам сезинг!

Эрталаб ўғлим эшикни зарда билан ёпиб кетганидек, адажонингиз ҳам зарда қилган пайтлар бўлди. Бироқ эримга қилган ҳар бир ўринсиз талабим оиладан фариштани қуваётганини, қарсиллаб ёпилган эшик рўзғордан баракани қуваётганини тез, минг шукрки тез англаб олдим. Эрталабдан чеҳрангизни кўрибоқ юрагим сирқирагани, чой баҳона сизни суҳбатга чорлаганим шундан, келин болам. Жуфт қанотнинг қудрати буюк бўлади, бир хилда нафас олишнинг файзу баракаси ўзгача бўлади. Оиламнинг бир парчаси бўлган сизнинг оиламиздан фаришта учмаслигини, файзу барака кетмаслигини истайман, жон болам!



Кечқурун эрингизни очик чеҳра билан кутиб олинг. Кези келганда эрталаб билмай зарда билан кузатганингизни, шундан ўзингиз кунни билан қийналганингизни авфона тарзда айтинг. Менга ишонинг, шундай қилсангиз, ўғлимнинг сизга меҳри ўн чандон ошади, иши баракали бўлади, сиздек жуфти борлигидан, уни тушунаётганингиз, унга ишонаётганингиздан қўнгли тоғдек кўтарилади. Шундай бўлсин, келин болам! Зеро, жуфтликнинг қудрати бир-бирига ишонишда, бир-бирини аяшда, бир-бирини ҳимоя қила билишдадир!

### РУХИНГГА МАДАД СЎРА, ТОМИРИНГГА – ЎТ

Тупроқ тўпиқни куйдирадиган, қўлларга шамсия-ю, сояда ҳам елпиғич олишга мажбур қиладиган асад кириб келганига анча бўлди. Унинг ҳарорати боғ-роғдагиларни, полиздагиларни шошираяпти. Ажаб, бу шошқалоқлик, назаримда кишилар қалбига ҳам ўтгандек – балоғат остонасига етган фарзанди борки тўйини кўришга ошиқиш уйғотаётгандек кўринади. Қайси кўчага кирманг, ҳар оқшом қатор тўйлар устидан чиқасиз. Фалончиникида тўй, писмадончиникида тўй...

Эрта-индин бизникида ҳам тўй.

Оналар ўзи шундай яратилганмикин, бу катта тантанали маросим тайёргарлигининг ғавғуси бошимда-ю, менинг бўлса кўз ўнгимга эшигимдан кириб келаётган кенжа келиним келаверади. Илоҳим, қадамингиз қутлуғ бўлсин, келин болам! Илоҳим, бундан кейин айтар сўзим, кўрар кўзим, дилимдаги армоним, юрмаган йўлларим рўёси – сиз эканлигингизни англаш ва шунданда севиниш туйғусини Яратгувчи сиздан дариг тутмасин!

Ажабо, қандай бўларкин бу биринчи қадамингиз? Истагингиз не? Орзуларингиз не? Қалбингизни не туйғулар тўлқинлантирмоқда? Менга – онангизга, келин қилган, қиз чиқарган, қалбининг деворларига не-не тўлқинлар-у тўфонлар урилган кишининг сўзларига ишонинг болам, ҳаммаси мана шу қадамингиздан, биринчи тилакларингиздан, биринчи орзуларингиздан, уларнинг нечоғли самимий ва заминли бўлишидан бошланади. Айтишларича, никоҳ кечаси келин билан куёв нимани тиласа, амалга ошармиш. Илоҳим, шундай булсин!

Халқимизда бир яхши удум бор – никоҳ кечаси келин билан куёв хосхонасига Қуръони каримни киритишади. Кекса-



ларнинг бири дуо билан Қуръоннинг қалби бўлган суралардан бирини очиб беради, янгалар муқаддас китобнинг шу саҳифасига икковингизнинг бошингизни эгиб, яхши тилаклар қилиш кераклигига, бугун қилинган тилаклар албатта ижобат бўлишига ишора қилишади. Ғоят ҳаяжонли дақиқалар. Халқ орасида шошилиб қолган келин-куёвларнинг муқаддас китобга тикилганча лом-мим дея олмагани ёки, аксинча, Лайлатула қадр кечаси осмондан учиб кетаётган оловли қушни кўргани заҳоти ухлаб ётган эрини маҳкаб ушлаб, уни тиллога айлантириб қўйган аёлдек фақат бойлик ва давлат сўраганлар ҳақида турли-туман афсоналар юради. Бежиз эмас, сабаби, шошиб қолиш ёки ҳаяжонда бир ўзанга тушиб олиш қийин. Негаки у дамлар келин-куёвнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қиладиган дамлардир. Таъбир жоиз бўлса, худди Каъба тавофидек дилларни поклайдиган, қалбларни ёритадиган дамлардир бу.

Ўғлим билан бошингизни ёнма-ён энгаштириб, Қуръони каримнинг очиқ саҳифаларидаги сеҳрли сатрларга қараб, энг эзгу тилакларни бирга-бирга илтижо қилинглр:

Сўранг: Илоҳим, осмон никоҳи икковингизнинг бошингизни доимийга қовуштирган, қалбингизни мангуга пайвандлаган бўлсин!

Сўранг: Илоҳим, ҳамиша нафасларингиз, ҳаёт йўлингиз ҳозирги юрагингиз уришидек ҳамоҳанг, бир-бирига акс-садоли бўлсин!

Сўранг: Яратгувчи табиатнинг ҳар япроғидан қувват, яшноқлигидан куч олиб туришдан бенасиб қилмасин!

Сўранг: Яратгувчи авлоду аждодларимиз руҳидан руҳингизга мадад, томирингизга беназир меросидан ўт бериб туришдан бенасиб қилмасин!

Сўранг: Ҳар қадамингиз саёҳат, сафар, ҳар қадам синов эканини, ҳар кўрганингиз катта сабоғу, ҳар луқмангиз катта мукофот эканини англаб туриш туйғусидан бенасиб қилмасин!..

Сўранг: Киши умрида бир марта кўрганидан тегишлича хулоса чиқариб, эшитганидан керакли сабоқни олишидан бенасиб қилмасин.

Идрок қилсангиз, сиз бугун ўғлим билан остонасида турган катта ҳаётнинг сабоқларини ҳаётнинг ўзи, табиатнинг ўзи моҳир муаллим мисол кўзларингиз орқали қалбингизга жо қилиб қўяди.



Оила деб аталмиш муқаддас юртнинг соҳибаси бўлдингиз бугун. Босиб ўтган йўлларим, қалбимдан кечган тўлақинлар сизнингда олдингизда турибди. Унинг айрим зарбаларидан сизни асраб қолиш туйғуси бўлса керак, табиатнинг ўзидан олган илк сабоқларимнинг бирини, бир умр менинг руҳимга мадад, томиримга ўт бериб келаётган манзарани эслаб ўтишни тақозо қилмоқда...

Қора денгиз бўйидаги инсон қўли билан яратилган боғи эрамда бағоят чиройли дарахтга кўзим тушганди. Номини «Беҳаё» деб аташаркан. Халқ орасида уни ҳатто «Курортчи аёл» деб ҳам юритишаркан. Ажаб... Дарахт гўё чиройини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек вақт-вақти билан пўст ташларкан, денгизда чўмилавериб, бадани қизариб куйган аёлдек яланғоч қоларкан.

Дарахтнинг ғалати номини эшитиш биланоқ ўтган-кетганлар қизиқишиб қарашаётганига, сермаъно қулишаётганига, айримлар қўлини текказишга, силаб-сийпашга, баъзида ҳатто осон кўчадиган пўстини шилиб кетишга ҳам журъат қилишаётганига эътибор бердим.

Шу боғда яна бир дарахт бор. Бошини эгиб, маъсумгина, худди бизнинг мажнунтолдек бирам латофатли турибди. Неча минг йил умр кўрган деб айтишди. Лекин ҳеч ким унга яқинлашмайди, минг йиллик бу муқаддас дарахтнинг битта дона игнали баргини-да юлиб олишга журъат қилмайди.

Кўзим шу икки дарахтда-ю, олган сабоғим қуйидагича бўлди, келин болам: оиланинг қанча кўп чанги чиқса, шунча кўп кулги бўлади. Бир марта оғизга тушиб, сирини ошкор қилиб қўйганлар ҳақида кўплар гапираверади. Шу масалани муҳокама қилишга лойиқлар ҳам, шунга маънан ҳаққи йўқлар ҳам ғийбатини қилаверишади. Ўша оиланинг бояги «Беҳаё» дарахтга ўхшаб пўстини шилишаверади.

Оилани муқаддас билиб, сир олдирмаганларга эса бояги минг йиллик игнабаргли маъсум дарахтга бўлгани каби ҳурмат билан қарашади, тил теккизиш у ёқда турсин, бирон игнасини юлишга андиша қилишади, шунинг ўзи билан унинг умрига умр қўшилади.

Менга қолса, узатилиш арафасида турган қизларимизга шу дарахтлар таққосини мушоҳада қилиб кўришни таклиф этган бўлардим. Токи, мушоҳададан кейинги хулосалари руҳларига мададу, томирларига ўт бағишлаб турсин.

Шундай, келин болам, бу муқаддас оқшом сўрайдиганингизни сўранг, илоҳим мустажо бўлсин!





## СОҲИБАЛИК МУБОРАК, КЕЛИН БОЛАМ

### Аёлнинг уч унвони

Эскитдан қолган бир гап бор: «Бирга туғулмоқ бор-у, бирга турмоқ йўқ». Дастлаб қайси донишманднинг оғзидан чиққанини билмаганим бу ибора шу кунлар тилимга кўп келяпти. Ҳар эслаганимда дилгинамни ҳувиллатиб, кўзларимдан қайноқ ёш оқизмоқда.

Ҳаёт қизиқ, келин болам! Ҳаёт жуда қизиқ!

Бир онанинг қорнидан талашиб тушганимиз опа-укалар билан гарчи вақт-бевақт кўп бирга бўлишга тўғри келмаса ҳам, отагинамнинг баланд тепаликка чархпалақдан сув чиқариб солган уйи, ёнғоқ-жийдасигача бор бўлган каттагина ҳовлида, бирга ялангоёқ юрганларимизни, танчанинг тўрт томонида филофли кўрпага ўралганча қирқинчи лампа ёруғида ҳар биримиз севган китобимиз устида мук тушиб тонг оттирганларимизни хумор қилиб эслайман.

Ҳар гал опа-укаларимни кўрганимда, гарчи кунда кўришмаётган бўлсак ҳам, ўша болаликдаги меҳр ўти сўнмаганини, қайтага йиллар ўтиши билан сиполашиб, кучайганини ҳис қиламан.

Бу ҳисни ошкор этиб бўлмайди. Уни ифодалаш ҳам гоят мушкул. Менинг назаримда, у жигарларимнинг бирон оғирини енгил қилиб бериш иштиёқимда, дардига малҳам бўлишга интилишимда яширинган. Вақти-бевақт бир-биримизни соғинишган, хумор қилишганда меҳр ришталари ўз-ўзидан ҳаммамизни боғлайдигандек туйилади. Биримиз қилган ҳаракат жигарларда ихтиёрсиз такрорланганини кўрганимда меҳр ришталарининг қудратига қойил қолган вақтларим кўп бўлган. Бу қудратнинг иддизлари отам-онамнинг ўша тепадаги қирқинчи лампали, танчали уйида эканини англаганим сари юрагим увушиб, кўзимга ёш келаверади...

Ажабо, мана энди болаларим ҳам ўз оиласи билан учирма бўла бошлашди. «Қиз бола бировнинг хасми» деган нақлга асосан қайинсинглингизнинг узатилганини ҳисобга олмасам, биринчи сизни учирма қиляпман.

Кўп эмас, 20 ой бирга яшадик. Оз эмас, 516 кун бир дастурхон атрофида ўтирдик. Меҳр ришталари қалбингизга жо



бўлиб улгурдимикин? Шу ердаги ҳаётингизни қўмсаб, хумор қилиб, қайда бўлишингиздан қатъи назар меҳр ришталари сизни шу ерга чорлаб турармикин?

Яхшими-ёмонми, ҳарқалай имконимиз доирасида бағримиздан чиқаётган кичик оилангизни бир ватанлик қилдик.

Ўғлимга у ватаннинг соҳиблиги, Сизга эса соҳибалик муборак бўлсин, келин болам!

Катта-кичик ёшдаги аёллар билан суҳбатлашганимда аксарият улар «қайнонадан бўлак туришни истамайдиган, мустақил уй тутиб, рўзгор тебратишни хоҳламайдиган келин бўлмайди», дея ишонтирмоққа киришадилар. Менинг қарашим бўлакчароқ, келин болам...

Назаримда, келин бўлмиш имкон бўлса, 2-3 болани атакчечак қилиб юргазиб, ҳаётнинг пасти-баландини ўрганиб, рўзгор тутиш, меҳмон кутишни ростмана ўзлаштириб олганига қадар катта қозонда қайнаб тургани маъқул. Бу айтганларимнинг ҳаммаси аслида алоҳида-алоҳида мактаб бўлиб, бу мактабни ўташ зеҳнали келин учун катта рўзгорда ҳам тез, ҳам соз кечади. Бошига тушса, ўрганиб кетади дегувчилар, ўрганиб кетиш жараёни ёлғиз ўзи турган келин учун анча узоқ чўзилишини инобатга олмасалар керак.

Ҳай, буларнинг ҳаммаси ўткинчи, шунчаки гаплар. Демокчи бўлганим, назаримда, фалакнинг гардиши билан сизни бироз барвақтроқ «мустақил» қилиб қўйдик. Зинҳор-базинҳор шу «бекалик»нинг шаклланиши даври узоққа чўзилмаслиги керак.

Сизга бир кичик ватан билан бирга уч буюк унвон ҳам берилди: **Сиз – онасиз, сиз – хотинсиз, сиз – бекасиз, келин болам!** Бу ном – унвонларни оқлаб, уччаласининг ёнига яхши деган сифатни қўшиб олишга ҳаракат қилишингиз керак! Яъни **яхши она, яхши хотин, яхши бека** бўлинг энди.

Бу ўзидан ўзи бўлмайди. Қиз болалигингиздан Сизни бунга тайёрлаб келишгани бир сари, сиз ҳозир – ўзингиз алоҳида хонадон соҳибаси бўлиб чиққанингиздан сўнг, айниқса, муттасил кўриб, ўрганиб, интилиб, изланиб туришингиз керак.

Биринчи навбатда, ўз зиммангиздаги вазифаларни зарурлиги, муҳимлигига қараб вақтингизни тақсимлаб оласиз. Ҳаммасидан олдинга шу кундаги биринчи даражали вазифаларингиз чиқсин. Сиз – онасиз, сиз – хотинсиз, сиз – бекасиз. Ана шу олий унвонлардан келиб чиқиб вақтингизни, қудра-



тингизни, меҳрингизни, муҳаббатингизни тақсимлайсиз. Уларни ўрнида бажариш учун эса киши муттасил билимини ошириб туриши керак. Эрлар каби хотинлар ҳам англамак, билмак учун ақл, тузук қилмак учун бир фикру ният, қарши турмак ёки бардош бермак учун ирода ва эзгуликка эга бўлишлари кераклиги ҳақида бир ақлли китобда ўқигандим. Соҳиба сифатида энди сиз ўз хонадонингизнинг устунлиги бўлишингиз, чироқ бўлиб ҳаммани ўзингиз атрофингизга чорлаб туришингиз, эрингиз, болаларингизнинг дилини ёритиб туришингиз керак. Ақл, фаросат, билим, энг муҳими меҳр ва муҳаббат ҳамда фидойилик булоғингиз ҳамиша қайнаб турмаса, зимангиздаги вазифаларнинг урдасидан чиқишингиз қийин. Шунинг учун келин болам, яхши нарсани кўрганда ўрганишни, ибрат олишни канда қилманг. Ёмон, келишимсиз ҳодиса устидан чиққанда улар устидан кулманг, масхара қилманг-у, шу нарсаларни ўз ҳаётингизда қайтарилишига асло йўл қўйманг.

Сизни бугун соҳиба деб кўп айтдим. Бу тушунчанинг ташбеҳи кўп. Унинг айрим томонларини ҳар гал оз-оздан очиб борамиз.

Таъбир жоиз бўлса, уй тутиш ҳам ўзига хос катта фан. Уни ҳам сабот билан йиллар давомида ўрганиб, ўзлаштириб борилади. Уй соҳибаси бўлган аёл таомларнинг анча хилини тайёрлашни, ҳар хил шароитда дастурхон тузашни билиши, бир уйни яшнатиб ўтириш учун керак нарсаларнинг қандай олинишини, уларнинг баҳосини, уй аъзоларининг даромади ва сарфхаражатларини билиши лозим. Мен сизга айтсам, бу унинг билиши керак бўлганларининг заррачаси, холос. Қолаверса, биринчи навбатда, тадбиркор бўлиши керак.

Бир жойга меҳмонга кетяпсиз дейлик. Кўчадан чиройли торт сотиб олдингиз. Бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Балки шу пулга масалиқларни сотиб олиб, уйда озгина вақт ва қунт сарф қилсангиз, кўчадан олганингизга нисбатан ширинроқ, тотлироқ, муҳими уч баравар арзонроқ совға олиб бормасдингиз? Нима, пиширишни билмайман дейсизми? Ўрганиш истагингиз бўлса, ҳозир пазандаликни ўрганишнинг минг бир йўли бор-ку, келин болам! Яна бир нарсани айтиб ўтай, ўзингиз пиширган совға – торт олиб борган жойингизда сизнинг қадрингиз, уйга қайишимлик аёл экан, деган ҳурматингизнинг ошувига хизмат қиларди.



Уйни ораста тутиш ҳақида сиз билан олдинги сабоқларимизда мавриди билан айтиб ўтгандик. Хонадонингиз алоҳида бўлгач, бирга яшаганимиздан кўра ишларингиз кўпайганини сезгандириз. Улар билан кунда шуғулланиш керак. Айрим дугоналарингиз уй ишларини ўта зерикарли ва бир хиллиги билан меъдага тез тегади дейишади. Ақлли ва ораста аёл овқат пишириш, кир ювиш, кийим тикиш, ямоқ солиш, уй супуриш, чанг артишни кунига канда қилмайди, яна шулардан завқ ва шодлик ола билади. Сиз бу ишларни атрофингиздагилар учун қилаётганингиздан шодланинг, улар бу зарурий хизматингиздан хурсандлигидан фахр қилинг.

Агар уй ичидаги ишларни билиб қилсангиз, ҳар нарсани ўрнида тутсангиз, ҳар бир кишига ўзига яраша муомала қилсангиз, ишонинг, бу уйда сиздан қимматлироқ, сиздан қадрлироқ, сиздан севимлироқ киши бўлмайди.

### Ўғлим эшитмасин

Энди, келин болам, ўғлим эшитмасин-у фақат қулоғингизга айтадиган бир мулоҳазали гапим бор. Деганларимдан ўзингиз хулоса чиқариб оларсиз.

Кузатиб турибман, рўзғорларингизни алоҳида қилганимиздан бери йўқлаб туришлар кўп бўляпти. Янги рўзғор деб даставвал бир сидра мош-гуручу қозон-товоқ олиб берганимиздан ташқари, қудаларимиз ҳам неча бор хабар олиб кетишяпти. Ҳар келганларида битта нимтами, халтада гуручми, идишда ёғми кўтариб келишади. Жигарларимизнинг, йўқлаб турадиганларимизнинг бориға шукр, келин болам!

Кузатиб туриб, Сизда ҳам шу шукроналикни кўриб, меҳрим товланди. Негаки сиз бу йўқловларни чамамда жуда тўғри қабул қилаяпсиз. Уларни жигарлик кўмаги, жигаржонларингизнинг меҳр инъоми деб билияпсиз. Сорахон сингари янги рўзғор қилганлар олдида бутун дунё, айниқса ота-онанинг, қайнона-қайнотанинг қарзи кўп деб қарамаяпсиз.

Биласиз, эл ичида кўп юраман, кузатганларимдан чиқарган хулосаларимни хонаси билан сизга айтиб бераман. Бугун Сорахонни зўрға тинчитганимиз можароси ҳақида айтиб бера қолай. Уқувликкинасиз, демоқчи бўлганимни ўзингиз англаб етасиз.

Бу оилани яхши билардим. Қайнона бўлмиш Санобархон ўқитувчи, қайнота бўлмиш Қодиржон катта корхонанинг ис-



теъдодли инженерни эдилар. Тўрт фарзандни вояга етказиб, оилали қилишди. Икки қизлари тиниб-тинчиб кетишган. Келинларининг ҳам Сорахон рўзгорини бўлак қилмагунича сири сиртга чиқмаётган эди. Йигитларни ҳам яхши биламан. Меҳнаткаш, интилувчан йигитлар.

Инсон шароитга қараб ўзгарар экан-да. Оғирлигини бировга солишга ор қиладиган болалар рўзгори бўлак бўлгач, орадан кўп ўтмай, рўзгор жоловини ўзгаларга ташлаб қўйишибди. Билишимча, бунга даставвал бояги айтганим, янги рўзгор йўқловлари сабаб бўлибди чоғи.

Бир-икки йил аввал Санобархон сал учини чиқаргандек бўлувди. Келинига, қудаларига қандай айтишни билмаётганини, шу алфозда кетса, оила издан чиқиши мумкинлигини ташвиш билан гапирганди. Аслида, ҳозир ғишт қолипдан кўчай деганда эмас, ўша пайтлар ётиғи билан аралашсак бўларкан.

Санобархоннинг ўғли билан келини бир-бирини илгаритдан билиб-таниб, муҳаббат билан оила қуришган эди. Қиз томонининг ота-онаси савдо соҳасида ишлашини, зиёли оиладан бадавлатроқ, «бақувватроқ» эканини ҳам билардик. Аммо Сорахон маҳаллада, қайнона-қайнотанинг қўлида эканида бу фарқ асло сезилмади. Рўзгори бўлак бўлиб, баланд қават уйлариининг уч хонасига эгалик қила бошлагач эса худди уни биров алмаштириб қўйгандек, ўзгарди-қолди.

Қудалар ўзларини кўрсатишга фурсат келгандек, кунда қизлариникига гўштми, тоғорада ошми, дудланган балиқ, қопда ун ёки гуручми ташлаб кетишадиган бўлишибди. Боя айтганимдек, рўзгорини янги қилганларга бир-икки ой яқинларининг шундай қарашиб туриши табиий. Лекин бу ҳол узоқ чўзилса, бунинг устига таъналар ошиб борса, унинг салбий таъсири кўп бўларкан. Сорахон доим шундай бўлиши керак, деб тушунибди шекилли.

Санобархон зийрак аёлмасми, буни сезгани заҳоти келинига:

– Келин болам, хонаси келганда асталик билан қудаларимизга оғир ботмайдиган қилиб, рўзгорингиз бутлигини, ҳамма нарсангиз етарлигини айтиб қўйинг. Ҳар куни овора бўлишиб сизни, куёвларини хижолатга қўйишиб, бунақа нарса ташишмасин. Токи улар бу ишни қизим рўзгорда қийналяпти, очинтўқин қолиб кетаяпти, деган хаёлда қилишаётган бўлишмасин яна! – деб тушунтирмоқчи бўлибди. Шунда Сорахон:

– Ота-онам, ака-опам олиб келишаётган бўлсалар, менга бегона кишилар эмас-ку, ўзларидан орттиришаётганини олиб келишаётгандир. Нима, шу ҳам гуноҳ бўлдимиз? – дебди.

Овсинига бошқа бир куни ҳатто: «Рўзғоримиз тўла-тўқислигини ойим кўролмаёптилар», депти.

Ичингизда Сорахоннинг гапини маъқулламаяпсизми, келин болам?

Йўқ, ўзидан орттириб, яқин кишисига қарашиб, янги рўзғорни «оёққа туриб олишига» кўмаклашиш асло гуноҳ эмас. Аммо ҳатто кўмак ҳам меъёрида бўлиши керак-да!

Келинг, келин болам, бу нарсанинг илдизига сал чуқурроқ қарайлик. Майли, қудаларидан бадавлатроқми, «бақувватроқми» бўлган қудалар ҳалидан-ҳали қизлариникига тоғорада ошми, гўштми, дудланган балиқ ёки косада қовурилган жигарми-гўштми юбориб туришлари билан қизлари тушган хонадонни, рўзғори бўлак бўлганидан кейин эса ўз куёвларини сал оёқос-ти қилаётганларини сезмасалар керак-да. Қолаверса, шу нарса ташишлари билан қизларини оилага, рўзғорни режада юритиш кераклигига тайёрламаганларини, удлик-шудликкина бўлишга ўргатмаганларини яширишга ҳаракат қилишар балки.

Ёшлигига бориб Сорахон масаланинг бу томонига яхши тушуниб етмаган. Дастлаб қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғи бу «йўқловлар»дан «рўзғорни бадастур тута олмаяпсизми, етишмовчилик кўп бўлмаяптими?»– деб хижолат чекиб, бошларини эгиб юришганини сезмаган. Кейин эса ҳамма нарсани уйимдагилар қилиб бераяпти, сиз фақат тайёрига яшаяпсиз, каби бўйин эгар гаплар билан эрининг рўзғорини бекаму кўст тутишга бўлган ташаббусини сўндириб борган. Бора-бора эру хотин эшикдан келишига ўрганиб, ҳатто келиб қолади, ота-онам ташлаб кетади, деб илинж қиладиган бўлиб қолишган. Бунинг отини «Олма пиш – оғзимга туш!»– дейдилар. Одамлар ёмон одатга жуда тез ўрганадилар, келин болам! Ишқилиб, сиз Сорахонлар хатосини такрорламанг.

Жигарларнинг бориға шукр, уларнинг вақтида йўқлаб, қўллаб турганига шукр! Аммо ҳар нарса меъёри билан бўлгани маъқул.

Уйингизда бирон маросим ўтказаятган бўлсангиз, кўплашиб қўллашиб юборишса, бошқа гап. Сиз ҳам вақти келганда қараб турманг. Аммо кундалик емишингизга аралашиб, бундай «қўллаб туриш» менга фақат зиён кўринади.



Ота-онасиникидан келганига керилиб, эрини менсимай қўйган келин билан узоқ суҳбатлашдик. Кўз очиб қўрган оиласининг удумлари-ю, яшаш тарзини эслатиб ўтдик, фарзандларни ўртага қўйдик, эрнинг совиган қўнглини иситиш йўллари-дан бири унинг рўзғор бошлиғи эканини ҳис қилдириш, ўчган ташаббусларини олов олдириш эканини тушунтирдик. Хуллас, ажралишга бориб қолган оилани тинчитдигу, хаёлим кечагина учирма қилганим – сиз билан ўғлимга кетди. Ишқилиб, сизлар меҳрни «қарз» деб билманглар маъносида дилимни сизга очдим, келин болам!

Ота-оналарни Аллоҳ шундай яратар экан, шекилли-да. Яхши овқатнинг олдини болам еса дейди, яхши кийимни болам кийса дейди. Аммо ёши бир жойга бориб, неварга кўргандан кейин ота-онани шу тапвишлардан озод қилиш кераклигини ўзи ҳам фарзандли бўлган фарзандлар тушуниб, вақтида англаб етиши керак экан-да. Энди бир кичик сирни айтайми?

Ота-онам мендан тинч бўлсин десангиз, қудаларимникига борганда имкони борича «ўзимники-ку айб бўлмайди» деб қуруқ борманг. Иккитагина нон-патирми, ўзингиз пиширган қатлама ё сомсами, пирог ёки тортми олиб борсангиз ва «Ҳар таом пайтида сизларни эслаб ўтирамыз. Олинглар, буларни сизларга деб олиб келдим, ўзим пиширдим, ширин бўлибдими?» деб қўйсангиз, бир илинжи ҳамиша қизидан бўлган ота-онанинг қўнгли «Ҳа, қизим кунда шундай овқатлар қилиб, ўзини ўзи эплаб ўтирган экан», деб ҳаловат топади. Бизни, сизни, эрингизни хижолатга қўядиган йўқловлар камаяди, келин болам!

### Қарз олманг

Эрталабки чой дастурхонини йиғиштириб тургандим. Ҳамангиз иш-ўқишга кетгансиз. Эшик тақиллаб қолди. Очсам, қўшни келин экан.

– Холажон, минг узр, менга... Вой кечирасиз, ассалому алайкум! Пулингиз бўлса, бизга озгина қарз бериб тулинг, деб сўрамоқчи эдим... Ўғлимга дўкондан сут билан творог олиб чиқай дегандим. Адамиздан эрталаб пул олиб қолмабмиз... Ишдан келишлари билан қайтарамиз...

Айтганини бериб юбордим. Аммо хаёлим тизгини ҳам анча чувалашиб кетди.

Сабаби, янги кўчиб келган келин биздан биринчи марта қарз сўраётгани йўқ. Билишимча, қарз сўрайдигани фақат бизгина эмас экан. Баъзида олганини айтганидек, ўша куниёқ эри ишдан келгани заҳоти чиқариб беради. Баъзида эса уч-тўрт кундан сўнг қайтаради.

Бировнинг ҳожатини чиқариш савоб дейдилар. Қўшни келинга зарур бўлганда қарз бериб туролганимдан хурсандман, албатта. Аммо, кўпинча, мана бугунгидек қарз сўрашга, бировга бош эгиб боришга мажбур қилаётган ҳолатларни ўйлайман. Узоқ хаёл суриб кетаман...

Болалигимда, урушдан кейинги оғир йилларда қўшнимиз қарз сўраб чиққандаги ойимнинг ҳолатлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда ойимларда сўралганни бергулик имконлари йўқ экан шекилли, аммо қўшнини ҳам ноумид қайтармадилар. Эсимда, ўшанда тоғамданми, амакимданми ўша пулни топиб келиб, қўшни опоқимга берганларидан кейин ойим бир энгил тортган, назаримда юзлари нурга тўлгандек жуда чиройли бўлиб кетгандилар.

– Қарз сўрамоқ осон иш эмас. Сўраганнинг бир юзи қора бўлса, бўла туриб бермаганнинг икки юзи қора, дейдилар, – дегандилар ойим ўшанда энгил тин олиб.

Киши фавқулодда алоҳида ҳолатлардагина қарз сўраши кераклигини, бу жуда мушкул иш бўлиб, одамнинг қаддини дол қилиб қўйишини болалигимдан ўзимга сингдириб олганман. Шунинг учун кўчиб келганига бир йил бўлган келиннинг тез-тез, яна арзимаган миқдорда қарз сўраши сабаблари ҳақида кўп ўйлайман.

Олганини ўша куннинг ўзида қайтариб берганида, бу оиланинг жамғармаси ҳамиша эрининг ёнида юрса керак, эрта-лаб пул ташлаб кетиш эрининг ёдидан чиққан, сўраб қолиш хотиннинг ҳам эсидан чиққан ёки ухлаб қолиб эрини кузатмаган, деган хаёлларга бораман. Энг зарур ишлари – болаларига егулик – сут, қаймоқ, творог олиб келиш, вақтида уни овқатлантириш ҳақида унутиш мумкинми ахир, деб қуйинаман.

Олган қарзини қайтариш чўзилиб кетганида эса ойликдан ойликкача етказиша олмаяпти шекилли, деб ачинаман. Аммо куни кеча мақтаниб кўрсатгани – янги чиққан қимматбаҳо газламани эслайман-у, ўйларим чуваллашиб кетади. Ёш-да ҳали булар, режа билан иш тутишни билмайди, зарурдан нозарур-





ни ажратиб ололмайдди, деган хаёлга бораман. Баъзида «менга нима» деб қўяман-у, барибир ўйлайвераман. Шундай пайтларда сиз беихтиёр эсимга тушасиз. Қўшни келин ўрнида сизни хаёл қилиб юрагим шувиллайди. Сиз-чи, сиз қандай иш тутяпсиз, келин болам?!

Алоҳида рўзгор юрита бошлаганингизга ҳам мана йил тўлиб қолди. Ҳар қалай «рўзгорнинг горлигига» тушуниб қолгандирсиз. Унинг ҳар кемтигини жуда усталик билан ва ўз вақтида тўлдириб турилмаса, кейин бутлаш қийин бўлишига энди ўзингизнинг ҳам ақлингиз етиб қолгандир.

Рўзгор иши – ҳисоб-китобни севадиган катта мактаб, келин болам! Унга қунт, идрок, ҳафсала ва муҳими, ўз юкини бировга ортмаслик хоҳиши керак!

Биз билан бирга яшаганларингизда рўзгор дафтар тутганимга кўзингиз тушгандир? Бу нарса ҳисоб-китобда янглишмаслик, режадан чиқиб кетмаслик учун керак.

Ҳафтада ёки ўн беш кунда бир дадангиз билан ўтириб, шу дафтарда ёзилганларни таҳлил қилиб чиқишимизга ҳам кўзингиз тушгандир? Бу дафтар бизга оиланинг иқтисодий мувоzanатини сақлаб туришимизга ёрдам берарди. Баъзида айрим танишларимиз:

– Ҳамма нарсани бундай ҳисоб-китоб қилишда кишининг боши айланиб кетади, топганингни фарра-фарра ишлата олмасанг, ишлашнинг, топишнинг нима кераги бор? – дейишарди.

Оҳ, келин болам-а! Киши аввалам бор топаётганининг, яъни даромадининг ҳисобини яхши билиши керак! Фақат ҳозир қўлига тушганинигина эмас, бир мунча вақтдан сўнг шу даромаднинг чўғи кўпайишини ёки, аксинча, озайишини ҳам башорат қила билиши керак. Биз адангиз билан ҳамиша бунинг уҳдасидан чиқардик. Шунинг учун топганимиз, топажанимизни ҳам сарф қилишни пухта режалаб олардик.

Биринчи навбатда, болалар емишини ўйлардик. Уларнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун зарур нарсаларнинг ой давомида узилмаслигини таъминлардик. Кейин рўзгоримизга умуман керакли маҳсулотларни сотиб олишга «оила бюджетидан» чегирардик. Кейин болаларга кийим-бош, ўзимизга кийим, дегандек...

Масаллиқ ҳамма жойда ҳам бир хил. Шу картошка, пиёз, сабзи, ёғ дегандек... Лекин шу бир хил масаллиқлардан овқат турларини кўпайтириш тўғрисида кўп бош қотирадим. Ай-

рим хонадонлардаги каби қозонимиз фақат мастава, мошхўрда, шўрвадан, ярлақанган кунгина – паловдан безилламасди. Болаларимиз суйган овқатларини ейишсин учун ҳафталик таомномани уларнинг ўзига туздирардик. Қийинроқ, тансиқроқ овқатларни шанба-якшанбага, меҳмон-излом келиб қолиши эҳтимол бўлган кунларга қўярдик.

Рўзғор дафтаримизда даромадимиз бир-икки сатрга сиғса ҳам, харажат қисмига варақ етмасди. Негаки унга яқинларга, ошна-оғайниларга олинадиган совға-саломдан тортиб, лозимандагача ёзиларди. Қанча оғир бўлмасин, даромад суммаси, харажатларнинг яқуний суммасидан юқорироқ бўлишига интилардик. Ана шу фарқ эвазига орзу-ҳавас дегандек галма-гал энгил-бош олардик, оилавий байрамларни нишонлардик. Ўйламай, ўлчамай иш туттирмасдилар қайнона ойимлар.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб ва қўшни келиннинг ўринли-ўринсиз қарз сўрашлари баҳона бўлиб, сиз ҳам шундай «Рўзғор дафтар» тутинг деб маслаҳат бермоқчиман.

Дадангиз ҳам, мен ҳам ёнимизда керагидан ортиқ пул олиб юрмаганмиз. Пулимиз, яъни ойлигимиз уйда, тайинли, ҳаммамиз биладиган жойда турарди. Болаларга у-бу керак бўлса, ҳеч қачон қўлига санаб берган эмасмиз. Ўзлари ўша жойдан олиб, қайтимини яна жойига қўйиб, бизга нима ва қанчага олишганини айтишарди. Шундай иш тутишимиз мени ҳам, биз уйда йўғимизда болаларни ҳам вақти-бемаҳал таниш-нотанишлардан қарз сўраш хижолатидан озод этган.

Сиз ҳам шундай қилинг, келин болам. Қолаверса, дафтар тутиб, рўзғор юритишингизни таҳлил қилиб туришингиз, одамни сабр-қаноатли бўлишга, керак бўлса ўз эҳтиёжларини тизгинлашга ҳам ўргатади. Ахир орзу-ҳавас, хархашалар ҳам аввало топишга, даромадга қараб бўлиши керак-ку. Режадан чиқиб, қарзга ботаётганда киши улардан узилиш йўлларини олдиндан билиши керак.

Илоҳим, рўзғорингиздан барака аримасин, «оила бюджет» турадиган жойингиз ойлик кунлари ҳам бўш қолмасин. Даромадингиз харажатларингиздан ҳамиша ортиқ бўлиб, «оилавий захира»нгиз тобора тўлиб бораверсин!



## Кир ювиш ҳам санъат

– Бир ками энди кир ювиш ҳақида сўз юритиш қолувми-ди, ойижон, – деманг, келин болам.

Шошилманг, мен ҳам аввалига бу мавзуни жўн ўйлаб эдим. Гап сиз ҳақингизда кетаётгани йўқ, шунинг учун ўзингизга олманг. Аммо бу мавзу хусусида сўзлашиш лозим экан.

Шифохонада ётганимда ҳамхона бўлган ўқитувчи аёлга кўзингиз тушган эди-а? Ана шу аёл бизга шундай ҳикоя қилган эди:

«Сиринг кўчага чиқсин десанг – келин қил», деганларида маъно кўп экан. Бу мақолни мен ҳам бир кекса аёлдан эшитган эдим. Балки бу мақол эмас, ўша кекса аёлнинг ҳаёт, турмушдан чиқарган лўнда хулосасидир. Лекин бу менга бошқа бир ҳаётий хулоса чиқаришимга ёрдам берди. Келинликни Бедилни ўқишдек мураккаб дейишади. Қайноналик ҳам бир зўр мактаб, қайноналикни ҳам чидаганга чиқарган экан. Айланай, келин қилгач, ишим ўн чандон ортди. Кир ювса, ўзига сездирмай қайта ювдим – чала ювганини билдирмадим. Овқатдан сўнг қозон-товоқ ювиш ҳам менинг бўйнимда бўлди. Боринг-чи, келинимдан ҳасрат қилай десам, авваламбор оғзимнинг қўли тегмади, қолаверса, сиримнинг сиртга чиқиш дарчасини ўз қўлим билан очиб беришни истамадим. Охири педагогикада жуда камдан-кам қўлланиладиган усулга ўтиб, бошқача иш тутишга мажбур бўлдим. Бир куни келиним кирини ёйган дор тагига ариқ қазиб, унга узун плёнка ётқиздим. Сунъий ариқча пайдо бўлди. Келин ёйган кирдан тушаётган мағзавани шу ариқчага йиғиб қўйдим. Бир ухлаб турганидан кейин кўзини катгароқ очишни илтимос қилдим-да ўзига кўрсатдим.

– Болам кирни тоза ювинг, совун ҳиди, эски кирлар ҳиди қоляпти, одамнинг қўнгли тортмайди бундай энгилни кийишга ҳам, бундай ўринда ётишга ҳам, – деганларимда неча бор гап қайтариб, тоза ювиши, тоза чайишига қасам ҳам ичарди-да. Бу гал ҳар тугул индамади.

Бошқа бир куни ишдан келсам, идиш-идишда, товоқ-товоқда, пешинда ёзилган дастурхон устида мусичалар ку-кулаб увоғ териб, косадаги овқат юқларини чўқилаб юрибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, овқат еб бўлгач, дастурхонни йиғиб, идиш-товоқни ювиб қўйинг, деб минг марта айтаман, қуло-

гига олмагач, ўзим қиламан. Лекин ўша кун ишдан чарчаб келдимми ёки бошқаларнинг келинларига ҳавас қилдимми, ишқилиб юрагим сиқилиб кетди. Ҳаммасини йиғиб, ҳовлига қараб улоқтирдим. Чирк бўлиб кетган қозон билан ювиқсиз косаларни тахладим. Қайнонаси, ҳадемай эркаклар ҳам ишдан келадиган пайтда донг қотиб ухлаб ётган келин хосхонасига олиб кириб, кўзгуси олдидаги пардоз анжомлари олдига «яса-тиб» қўйдим. Вой, кулманглар, айланайлар, сизлар куляпсиз-у, менинг ўша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур қилинглар...

Нимасини айтасиз, шундан кейингина кир тоза ювиладиган, озгина ҳафсала билан дазмолланадиган, қозон-товоқ ювиқсиз қолмайдиган, кеча куйдириб берганим қозон сув тагида қолиб кетавериб, бир ҳафтада яна асли ҳолига қайтмайдиган бўлди...

Сизларнинг кўзингизга жуда золим қайнона бўлиб кўри-наётган бўлсам керак-а? Шунчаликка етгунича айтсангиз бўлмасмиди деяётгандирсиз?

Айтганда қандок, овсинжонлар! Аммо қулоғига олмаса нима қилай? Икки ойлик эмас, икки йиллик келин-а! Онасиникида ўрганиб келмаган бўлса, зеҳн солиб, билмаганини сўраб, айтганни қилиб алақачон ўрганиб кетиши мумкин бўлган муҳлат бу. Бошқа томонларни қўяверай, лекин қайнона ойимлар кир ювишни ҳам бир санъат дердилар...

Ҳамхона аёлнинг гаплари ҳаммамизни анча ўйлантириб қўйди. Лекин гапида жон бор, келин болам! Ҳақиқатда ҳам кир ювиш билган одамга бир санъат! Уни идрок билан, уқув билан ўрганган келин ораста номини олиши турган гап.

Ҳойнаҳой ичингизда «Мен тўғри юваяпманми, ойижон?»-деб сўрагингиз келиб тургандир? Анча дуруст иш қиласиз, масалан, сочиқни қўйлак-шимларга, боланинг эгнини катталар кирига аралаштирмайсиз. Бу – яхши. Менга қолса, аввало кир тўплайдиган одатни йўқотиш керак.

Алмаштиришга энгил-бош ҳам, ўрин-бош анжомлари ҳам, сочиқлар ҳам етарли-ку деб, тушган кирни тоғорага босиб, унниқтириб, моғор бостириб, ойда икки марта кир ювишга одатланмаслик керак. Ўн беш кун тоғорада ётган кирнинг ҳам эгасига зарда қилгандек ювилиши, тоза бўлиши анча қийин. Пеш тушган кирни пеш ювиб, дазмоллаб жойига қўйсангиз, ўзингизнинг дилингиз равшан тартади. Керак пайтида қидириб, диққат бўлиб, шошиб қолмайсиз.



Борди-ю бирон сабаб бўлиб, кирингиз йиғилиб, ювилмай қолса, бир бошдан уларни сархиллаб олинг. Дастурхонларни алоҳида ажратиб олиб, уларни биринчи навбатда ювинг. Кейинги навбатда кир машинага ўринбош филофларини, чойшабларни солинг. Эркакларнинг оқ кўйлақларини машинада ювмаганингиз маъқул. Чунки аксарият уларнинг ёқалари ва енг учлари кир бўлади. Бундай кўйлақларни тоғорага озгина порошок солиб, 10-15 дақиқа ивитиб қўйинг. Кейин ёқа ва енгларини тозалаб ишқаб, ҳаммасини бир-икки мижиғлаб олсангиз топ-тоза бўлади.

Эсингизда бўлсин, юз-қўл артадиган сочиқларни алоҳида ювганингиз маъқул. Машина айланганида улардан майда оқ иплар-толачалар ажралиб чиқади. Сувим ҳали тозаку деб, сочиқлардан кейин солган нарса тоза бўлади-ю лекин бояги ажралган оқ толачалар уларга илашиб, кейин сизга иш кўпаяди.

Кир ювиш ва чайиш жараёнида кирларни рангига қараб ажратиб олишга аҳамият бермасангиз, бирининг ранги бирига ўтиб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўясиз. Шу тариқа бирдан бирига ўтган рангни кетказиш амримаҳол.

Бувим раҳматли доим кир ювишда энг муҳими – уни тоза чайиш деб таъкидлагувчи эдилар. Шунинг учун ювган кирингизни қайта-қайта чайишга, сув ўтиши қийин бўлган нозик ерларини ағдариб, ишқалаб-ишқалаб чайишга одатланинг. Совун ва кукунли совун ҳиди тамом кетсин, ёйганингизда бояги келинникига ўхшаб мағзава эмас, тоза сув оқиб турсин. Одатда, тоза сиқилган кирдан сув оқмайди. Кучингиз етмай чалароқ сиқсангиз ҳам, тоза чайилган кир сизга панд бермайди.

Энди кир ёйиш «санъатига» ҳам пича тўхталиб ўтайлик. Санъат деганимга мийингизда кулиб қўяпсиз-а. Лекин сирасини айтсам, келин болам, кир ювувчининг бутун меҳнатини дор намоиш қилишини унутманг. «Шундай ҳам қурий-веради», деб кирни шунчаки дорга ташлаб қўймайдилар. Катта-кичиклигига, рангига, хилига қараб текислаб, қоқиб ёйилган кир эгасининг ниҳоятда дидли ва орасталигини намоён этади.

Баланд қават уйда яшаганимиз учун кўпчиликнинг катта кирларини пастга, махсус ажратилган ердаги устунларга тортилган дорга илганини кўп кўрганман. Баъзида шундай санъаткорона ёйилган кирларни кўриб баҳри-дилинг очилади. Кексаларимиз:



– Илоҳим, фалокатинг арасин, тоза дилингдан топ! – деб дуо қилишади.

Дорга ёйилган кир билан кир ювгувчининг диди орасидаги муштараклик кўзга дарров ташланганини қаранг! Айниқса, болаларнинг пайпоқли иштонлари, кўйлакчаларининг дорга пала-партиш ташлаб қўйилиши жуда хунук кўринади.

Бир текис, чоклари текислаб осилган кирни қуриганида йиғиб олиш, ўрни-ўрнига тахлаш ҳам осон. Қолаверса, дазмол босиш жараёнида қилинадиган ишларнинг ярмини бажариб бўлдим, деяверинг. Шундай, келин болам, илоҳим сизни ҳам дуо қилиб юришсин!

### Эшикли уй

Болалигим урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган, келин болам! Ҳозир невараларим ўйнаётган турфа ўйинчоқлар қаёқда дейсиз? Бўйранинг чўпидан бинойи қўғирчоқлар ясаб, безардик. Тол баргагидан соч попуқлар тақардик. Ишқилиб, болалик дунёйимизни қўлдан келганча бойитардик-да!

Аммо гап бу ҳақида эмас, келин болам. Мен ўшандай оғир пайтларда ҳам ойимларнинг (Олоҳ улардан рози бўлсин!) меҳмоннинг қадр-қимматини жойига қўйиб кутишлари тўғрисида сўзлаб бермоқчидим.

Ўйимизда кичкина хонадаги қутидан бўлак бошқа нарсага қулф тушмасди. Ҳойнаҳой, унда нима бор эди, деб сўрарсиз? Сизнинг бутун деворни эгаллаган катта ишкопингизнинг «бар» деб аталувчи хонасидаги каби меҳмонга аталган нарсалар-да, келин болам!

Унда ҳамиша уч-тўрт ликопчада қанд-қурс, ёнғоқ-майиз, қопқоқли шиша идишларда мураббо, қиёмлар турарди.

Шу хонадонда олти бола катта бўлди, аммо ҳеч биримиз бу қутидагиларни олишга журъат этмасдик. Ундагилар меҳмон учун аталганини билардик. Ойимлар:

– Эшикли уй, битта-яримта келиб қолса, яна уялиб қолмайлик, – дердилар.

Ўша қутидаги қулф ҳам «хўжақўрсинга», шунчаки осиб қўйилганини кейин билдик. Ойимларнинг «Уялиб қолмайлик яна!» – деганлари боис, ҳеч биримиз унга тегмасдик-да! Меҳмон ким бўлишидан қатъи назар энг улуғ киши эканини ойим бизга шу тариқа англади борганлар.



Бу мавзуда сўз юритаётганимга ҳайрон бўлаяпсиз. Ҳатто сезиб турибман:

– Ойижон, мен ҳам болаларга айтаман-ку! – демоқчисиз.  
Лекин...

Сизларникидан кичик ўғлимникига, овсинингизникига кетганимга ҳали икки ҳафта бўлгани йўқ-а. Ўшанда зимдан кўриб турувдим, ўғлим – эрингиз бозор қилиб чиқди. Ҳўл мевалардан ташқари анча-мунча писта-бодом, майиз, ёнғоқлар олиб келди. Ахир ўзингиз уни шундай қилишга ундадингиз:

– Ойимлар бизникида меҳмонлар, дадаси, дастурхон қуруқ турмасин! – деганингизни ўзим эшитгандим.

Ичимда севиндим ҳам. Севинганимнинг боиси, ўғлимнинг мени деб анча харид қилгани учун эмас. «Эшикли уй... Биров келиб қолса», – дедим-да, келин болам.

Дарҳақиқат, ўшанда яқин қўни-қўшнилар чиқиб туришди. Айрим ўзим тенги қадрдонлар ишга кетганингизда зерикмасинлар деб суҳбатлашиб ўтиришди. Ўғлим олиб келган ўша қанд-қурсларни қўйиб, чой ичиб ўтирдик.

Бугун келишим билан тўғридаги қўшнингиз Зарифанинг қайнона ойилари чиқдилар. Чой қўйдим... Дастурхон ёзиб, нон келтирдим. «Бар»ингизни очиб, не кўз билан кўрайки, аввал тўлиб турган биллур идишларнинг кўпи бўш! Бир-иккисининг тубида жиндек-жиндек майиз, ёнғоқ турибди, холос.

Меҳмонга хижолатлигимни сездирмасдан, овсинингиз бериб юборган қатлама-сомсаларни ўртага қўйдим. Пиёлаларига ёнғоқдек новвот солиб бердим. У ёқ-бу ёқдан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Чой ҳали совиганича йўқ келинг, сиз ҳам бир пиёла ичинг, келин болам!

Қадимгиларнинг меҳмонхонаси токчасидаги патнисда ширинликлар устига сочиқ ёпилганча, доим тайёр турарди. Меҳмон келди дегунча, дастурхон ёзилиб, нон ва тайёр патнис қўйилиб, чой бериларди. Сизлар энди биллур идишларда, замонасига ярашиқ мана бундай сервантларда сақлайсиз. Аммо қаерда сақлашингиздан қатъи назар, меҳмонники ҳамиша бежовлиқ турсин.

Болалар еб қўйишди ёки «бизникига кунда меҳмон келаётибдими», деган баҳоналар ўринли эмас. Эшикли уй дейдилар бунди, келин болам. Қолаверса, болалар ёшлик чоғиданоқ уйига меҳмон келганда энг яхши нарсалар билан сийланишини билишсин. Янги бўлмаса ҳам тоза дастурхон ёзиш, тахмондан



бошқа кўрпача олиб солиш, қўлига сув қуйиб, сочиқ тутиш кераклигига кўникма ҳосил қилишсин.

Бозор қилиб чиққандан кейин биллур идишларингизни мева, писта-бодом, ёнғоқ новвот билан тўлдириб:

– Буларни меҳмонларга олиб қўямиз-а, болалар, ўзингиз меҳмон олдига қўйиб хурсанд қиласизлар, – десангиз, билан, болаларингиз тегишмайди. Бутунгидек идишларни бўша-тиб қўйишмайди.

Уларни ҳам меҳмон келганда дастурхон тўкинлигини кўриб, севинишга ўргатинг, келин болам!

Тўкин дастурхон эвида бўлса, исрофгарчиликни англатмайди. Бу кўнгли кенглик, қўли очиклик, сердастурхонлик аломатидир. Бу энг муҳими, одамни қадрлаш, бошқани ўзингдай, ҳатто ўзингдан юксак билиш, кишининг ҳурматини жойига қўйиш демакдир. Бу инсонга ўзлигини танитиш, ўзига ҳурмат туйғусининг турғун бўлиб қолишига кўмаклашиш демак.

Бундай қараганда, меҳмонга ҳурмат кўрсатиш, меҳмонга борганда эъзоз кўриш ҳам бу дунёнинг зийнати. Меҳмондўстликнинг маданий-маънавий, тарбиявий аҳамиятининг катталиги ҳам шунда. Болаларимизга ўзбекона инсонга ҳурматни сингдириб боришда, салом-алик, муомала маданиятини ўргатишда меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш катта ҳаётий сабоқ вазифасини ўтайди.

Қолаверса, меҳмонга бориш, меҳмон кутиш билан болалар «кўпга», «маъракага» олиб кирилади. Давра одоби, жамоатда ўзини тутиш, маъракада ўтириб-туриш ўргатилади. Буларнинг ҳаммасини болалар аввал уйда кўришлари керак. Шунда эшикли уйингиз «дастурхонли уй», «меҳмондўст уй» деган номни олади, келин болам. Ҳа, шундай булсин!

### Қиш тадориги – ёзда

Ҳаммасини эшитдим, келин болам. Қишга деб тайёрлаган ўрик компотларингиз уч кун ўтмай ҳаммаси пақ-пақ отибди. Мураббойингизга разм солсам, суви тагига чўкиб турибди. Демак, у ҳам ачийди. Маромига етказиб қайнатилмаса, шундай бўлади. Айрим қайноналарга ўхшаб «эсиз, шунча шакар, шунча мева увол бўлибди», деб уришсам ўринсиз. Аввало вақт ўтмасин деб, менинг касалхонадалигимда қишга шарбатлар, ҳовлимизда пишиб етилиб турган ўрикдан мурабболар тай-





ёрлашга уринганингизнинг ўзи яхши. Қолаверса, ҳар йили ёшларга ишонмай бу нарсаларни ўзим бажариб ўргатиб қўйганим, чакки бўлибди. Келинларни ёш болали деб аярдим-да. Келинг, энди овсингизни ҳам чақиринг, биргалашиб тайёрлаб олайлик. «Қиш тадоригини ёзда кўриш керак», деган гап бор. Чилла ўтмасин, ҳали ҳам вақт ганимат.

Аввало шиша банкаларнинг ҳаммасини тозалаб ювайлик. Бунинг учун хабарингиз бор, фақат шу банкаларни ювишга тайёрлаб қўйган оқ сурп латта бор. Зеҳнингизни солган бўлсангиз, банкаларни хўлаб ўша сурп сочиққа кир совун суриб, банканинг ичи-ташини тозалаб ювардим. Кейин аввал совун теккан қўлимни билагимгача тозалаб ювиб, сўнгра банкаларни ҳам тозалаб қайта-қайта чайрдим. Шу ишни энди сиз қилинг. Ювилган банкаларни дастурхонча (тоза ювилган) устига тўнтариб қўямиз. Бошқаларини ювгунча, тоза банкаларни газ устидаги чойгумга (қасқонга) оғзини пастга қаратиб парлатиб олса ҳам бўлади. Парланган билан парланмаган банкалар адашиб кетмасин учун парланганларининг оғзини тепага қилиб қўйинг. Бу – аввалроқ ювиб, тоза дастурхон устига қуриб қўйган меваларимизни мўлжаллаб, уларга солиш учун ҳам қулай.

Қаранг, олчамиз сероброқ, ўригимиз озроқ, олхўри ва олма ҳам етарли экан. Косани тўлдириброқ олча солинг, 8-10 та ўрик, тахминан шунчадан олхўри, 4-6 та олма солинг. Энди навбат шакарга келди. Тўғри айтдингиз, келин болам, шакар қиммат ва танқис бўлгани учун ўтган йилдагидан сал камроқ соламиз. Уч литрли банкаларга 5 ош қошиғида шакар солсак, етарли бўлади, деб ўйлайман. Гилос пишиғида тайёрлаган гилос шарбатларига, эсингизда бўлса, зеҳн солган бўлсангиз 3 ош қошиқдан шакар солгандим. Гилос олчадан ширинроқ бўлгани учун етарли бўлди. Шарбат жуда нордон бўлмасин учун бу гал 5 ош қошиқдан шакар соламиз. Энди навбат қайнаган сувга келди. Чунки банкаларни парлаб бўлдик, меваларни, шакарни солиб чиқдик. Газдан энди сув қайнатиш ва қайнаган сув солиб устига қопқоғи қўйилган банкаларни 15-20 дақиқадан қайнатиб олиш учун фойдалансак бўлади. Бир қайнаганда икки банкани бемалол тўлдирадиган катта чойгумимиздан фойдаланганимиз маъқул. Аммо диққат қилинг, сув яхши қайнасин, ҳатто жўмрақларида ҳам хом сув бўлмасин. Газнинг биттасига тоғорачага сув қуйиб, паст оловда темир қоп-



қоқларни қайнатиб қўйинг. Мева солинган банкага яхши қайнаган сувни тўлдиргач, темир қопқоқнинг биттасини дарров унинг устига омонат қўйинг. Махсус ушлагич билан, агар шундай ушлагич бўлмаса, сочиқ билан банкани аста қўтариб, сув қайнаб турган сирли челака ёки кастрюлга аста туширинг. Сув банканинг ташқарисида бўғзидан пастроқда бўлсин. 15-20 минут қайнагач, банкани аста олиб, қопқоғини ёпқич билан бураб маҳкамлайсиз. Ҳар бир банкани ёпиб бўлгач, ётқизиб, қопқоқ силиқ ёпилганини, албатта, текшириб кўринг. Ғадир-будур ёпилган қопқоқ ҳаво ўтказиб, икки кун ўтмаёқ шиша банка пақиллаб, отиб юборади.

Ёпилган банкаларнинг тагига юмшоқроқ нарса солиб, ётқизиб, «думалатиб» қўяверинг. Ҳамма банкаларни беркитиб олгач, темир қопқоқди томонини ерга қилиб, болалар тега олмайдиган жойга иссиқ қилиб ўраб қўямиз. Бунинг учун эски адёлни, кўрпачами, чопонми ишлатса ҳам бўлаверади. Улар обдон совигач, яъни 4-5 кундан кейин қиши билан турадиган жойига, ертўлага олиб, қатор қилиб териб қўяверасиз. Мева шарбатлари (компотлар)ни мен шундай тайёрлайман. Бузилган, қопқоғи отилган ҳоллар ҳали бўлгани йўқ. Буни менга қайнона бувингиз ўргатганлар. Билганимни энди мен сизларга айтаяпман, келин болам.

## БУҒДОЙ КЕЛИН

«Камалак» радиожурналида «Қайнона сабоқлари» рукнини ташкил этганимизда суҳбатларимизнинг тингловчилар қалбида акс-садо беришига, уларнинг фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билан қатнашишларига, эшиттиришимизни бойитишларига жуда ишонгандик. Дарҳақиқат, таҳририятимизга кўплаб мактублар келиб турибди. Улардан биз опа-сингилларимизнинг ички олами нақадар бойлигини, ниятлари, интилишлари ҳамиша поклигини англаб, хурсанд бўламиз. Қуйидаги мактуб бугунги суҳбатимизга туртки бўлди:

*«Ассалому алайкум «Камалак»нинг сергайрат ижодкорлари!*

*Кейинги пайтларда радионинг ҳамма тўлқинлари ўзимиз учун хизмат қилаётгани оқибатида унинг мавзулар доираси ҳам кенгайиб бораётганининг гувоҳимиз. Хусусан, илга-*



рилари эътибор берилмай ёки эътибор берилса ҳам қолоқ деб қораланиб келинган ўзбекона турмуш, шарқона одоб ва ахлоқ, оилавий муносабатлар, рўзгор тутиш тарзлари, урф-одат, оила маданияти муаммолари ва бошқаларга эътибор кучайиб бораётгани қувонарлидир. Босма нашрлар қимматлашиб кетгани сабабли радионинг мавқеи айниқса ошди.

Кейинги пайтларда «Камалак»нинг эшиттиришларида никоҳ, оила, турмуш сабоғи хусусида кўп маънили суҳбатлар бўляпти. Яхши мавзулар кўтариляпти. Уларда жамият замини ҳисобланган оила, оилавий муносабатлар, асрлар давомида оила пойдевори мустаҳкам тутиб келган масалаларга эътибор тортилаётгани мақтагуликдир.

Собиқ иттифоқ даврида ҳам юртимизда бошқа республикаларга қараганда, ажралиш нисбатан оз бўлгани кўп эътироф этиларди. Менимча, бунинг сабаби бизда урф бўлган кўп оилалилик, яъни бир катта оила қошида бир нечталаб кичик оилаларнинг оёққа туриб олгунигача бирга бўлишидир. Ана шу даврда қизларимиз келин – аёл – оила соҳибаси жараёнларидан ўтиб, турмуш сабоқларини оладилар. Бу ёш оила учун энг масъулиятли давр, ҳаёт синовларидан ўтадиган давр. Назаримда, «Камалак»нинг доимий «Қайнона сабоқлари» саҳифаси ана шу давр оила муносабатларига чуқур тўхталиши билан яхши иш қиляпти.

«Келин бўлган билар келин аҳволини», дейишади. Ўзимда кўрганим, яқин қариндошлар, ҳамкасблар оиласини кузатувларимдан биламанки, келинларда аксарият ана шу даврда кўпроқ довдираш, ўзини йўқотиш, эсанкираш ҳоллари учрайди. Улар ҳаётида салбий ҳодисалар рўй бермаслиги учун нима қилиш керак? Қандай қилса оиланинг умри узоқ, пойдевори мустаҳкам бўлади? Шулар ҳақида кўпроқ суҳбат ўтказишингизни илтимос қиламан.

Эҳтиром ила ишингизга муваффақият тилаб Заҳро Мусаева, Тошкент ш.»

Заҳрохоннинг мактуби мени кўп ўйлантириб қўйди. Синглим жуда тўғри айтибдилар. Янги келинлик анча масъулиятли давр. Айни шу даврда ҳақиқатдан ҳам довдираш, ўзини йўқотиш, эсанкираш ҳоллари учрайди. Заҳрохон қандай қилса, оиланинг умри узоқ, пойдевори мустаҳкам бўлади, дептилар.

О, келин болам-а! Қанийди тайёр бир йўриқнома ёки рецепт бўлса! Қизларимиз, келинларимиз шунга ўқиб, керак бўлса ёдлаб олишса-ю, рисоладагидек яшаб кетишса! Йўқ, буни умр савдоси дейдилар, болам! Ҳар ким ўз пешонасига битилган бахтни ўзи маҳкам ушлаб қолиши керак. Бу осон эмас, ҳеч ҳам осон эмас! Аммо, билсангиз, келинларга мушкулани осонлаштирадиган ҳаракатлар кўп. Қиз эсликкини бўлса, оилада яхши тарбия топган бўлса, уйим-жойим, оилам, бола-чақам дейдиган келин бўлса, кексаларимизнинг дуоларини ўзига дастур қилиб олади.

Нимасини айтай? Сиз – ёшлар кўпинча дуо ва панд-насиҳатларга ўткинчи бир нарсага қарагандек қарайсизлар. Кексаларнинг вазифаси гапириш, панд-насиҳат қилиш, деб ўйлайсизлар. Ҳолбуки, ўша сизга панд-насиҳат қилаётганлар бошидан кўп савдони ўтказиб, юраги сизларга ачишаётганидан гапираётганини хаёлингизга ҳам келтирмайсизлар.

Янги келин-куёвлик даврида ёшларни кўп дуо қиламиз, насиҳат ва маслаҳатлар берамиз. Агар келин бола шунга амал қилса, ишонинг, ҳеч ютқазмайди. Қайтага янги ниҳол янги хонадонга тез мослашиб, Заҳрохон айтмоқчи довдираш содир бўлмайди. Бу ниҳол яхши униб, япроқлари барқ уради. Худди Мукаррамахонга ўхшаб «Буғдой» келин номини олади. Келинг, мен ҳам панд-насиҳат қилиб ўтирмай, Мукаррамахон ҳақида гапириб бера қолай. Ажаб эмас, ибрат олсангиз!

Мен бу келин билан «Турон» санаторийсида бирга даволанган эдим.

Мукаррамахон қувноқ, серғайрат, айни пайтда мулоҳазали ва мушоҳадали жувон экан. У андишали, мулозаматлилиги билан тез кунда мен билан бир палатада даволанаётган бошқа аёллар – тошкентлик Донохон ва Раънохонларнинг ҳам меҳрини қозонди. Ҳамширалар ва даволовчи врачлар қалбида ҳам ўзига нисбатан илиқлик уйғотди.

«Бировни кўриб фикр қилсан, бировни кўриб – шукр», деганлари рост экан. Менинг назаримда, Мукаррамахон маълум даражада биз – шаҳарлик аёлларнинг ҳаётга қарашимизни, мурсою мадора тушунчамизни, бизни ўраб турган қадриятлар – оила, турмуш, болалар, набираларга муносабатимизни ҳам ўзгартириб юборди десам, ишонинг, келин болам!

Мукаррамахон Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоғида яшар экан. Шу ердаги маиший хизмат уйида меҳнат қилар экан.



Сухбатларимиз орасида Мукаррамахон бизни кўп марта ўз қишлоғига таклиф қилди. Оддий, беҳашам, аммо ҳаётнинг ўзи каби содда ва кўҳна қишлоқ аёллари ичида ҳам олижаноб, ажойиб инсонлар кўплиги ҳақида фахрланиб гапирди. Уларнинг биттаси, ўзининг қайнонаси – 13 фарзанднинг онаси, жаҳонгашта аёл Бибисора опа ҳақида-ку кўп таъриф қилди. Бибисора опанинг бир марта суҳбатини олган киши катта ҳаёт мактабидан ўтишини, қалби анча бойишини иссиқ меҳр билан сўзлаб берди.

Мукаррамахоннинг суҳбатларини тинглар эканман, мен бу ҳаётсевар, дардга саботли, уйига садоқатли, болаларига фидойи аёлнинг яшаш шароитини кўз ўнгимга келтиришга кўп марта уриндим. Бу шароит биз – шаҳарликлар шароитидан анча фарқ қилади, келин болам!

Унинг ўчоқда фўзапоя ёқиб овқат тайёрлаган, қоронғуда сигир соғиб, кув пиширган пайтларини кўз олдимга келтирдим. Одамларга ваъда берган буюртмани эрталабгача битириб, эгасига етказиш учун туни билан иш тикканини тасаввур қилдим. Жун йигириб, болаларига камзулчалар тўқиган, кир ювган, дазмол урган пайтларини кўз олдимга келтирганим сари бир унгагина эмас, ҳамма қишлоқ келинларига дилимда ачиниш ҳисси пайдо бўлса ҳам қойил қолардим. Унинг қизиқувчанлиги, ҳар хил вазиятдан фақат яхшилик излаши, курашувчанлиги, уддабуронлигини айтмайсизми, келин болам! Гапнинг рости унинг кўп фазилати шаҳарлик келинларимизга ибрат бўларлик эди.

Барвақт туриб, Мукаррамахон кўпинча муолажалардан сўнг биринчи навбатда кутубхонага борар эди. Кўп газеталарни ўша ернинг ўзида эринмай ўқиб чиқарди. Тадбиркорлик, кичик корхоналар ҳақидаги янгиликларга қизиқарди. Инсон тақдири, маънавияти, одоб ва ахлоқига оид диққатга сазовор каттароқ мақолалар кўриб қолса, кутубхоначидан илтимос қилиб газеталарни бизга ўқиб бериш учун палатага олиб келарди. Ҳаммамиз биргаликда ўқиб, мушоҳада қилардик. Унинг гапларидан, содда, айни пайтда чуқур қарашларидан кўп ўқиши, ўқиганларини ҳаёт билан, турмуши, атрофидагилар билан солиштириши сезилиб турарди. Унинг озгина яхшиликка ҳам оламжаҳон қувониб кетиши ҳаммамизнинг меҳримизни уйғотди. Набирам Жавоҳирнинг эғнидаги мана шу жажжи нимчани биз билан гаплашиб ўтириб икки оқшомда

эрмак учун тўқиб берди. Менинг севинганимни кўриб, ўзи ҳам бир дунё севинди денг! Нимасини айтасиз, келин болам, меҳри дарё жувон экан Мукаррамахон!

Баъзида суҳбатлар орасида уни ҳаёт эркаламаганини, анча мураккаб вазиятлар, синовларни бошидан кечирганини билиб қолардик. Лекин у ҳаётдан безмабди, айрим тантиқ келинларга ўхшаб тез энгилмабди, «берсанг – ейман» қабилида иш тутишни ор билиб, уйи, оиласи учун тиришиб-тирмашибди. Катта хонадон, катта қозондан насибасини сузиб ейиш, шу қозонга ўз улушини бошқалардан кам қилмай қўшиш уни анча чиниқтирибди. Шу мактаб туфайли Мукаррамахон чаққон ва зукко бўлибди.

Мукаррамахон ҳозирча етти келиннинг биттаси экан. Тўғри, улар яқинда рўзгорларини бўлак қилишган. Бироқ Мукаррамахон ўзини Бибисора опа хонадонининг илдизидан узилган, деб ҳисобламайди. Аксинча, ўша илдиздан қувват олади. Ўз хонадонининг ҳам келин бўлиб тушган еридек бақувват тортиб кетишсини орзу қилади. Қайнонасининг кўп фазилатларини ўзига «юқтиришни» истайди.

Назаримда, Мукаррамахон айрим шаҳарлик, анча эрка келинларга ўхшаб, тайёрини кутиб ўтирадиганлардан эмас экан. Унинг ўзи одамларга, энг аввало яқинлари – турмуш ўртоғи, онаси, болаларига шодлик инъом этиш, қўлидан келганча яхшилик қилиш билан ўз кўнглини кўтариб, шодланиб юрган аёл кўринади. Мен унинг эгизаклари – Фотима ва Ҳусан учун кўйлак ва камзул тўқиб бўлган пайтдаги ички шодлигини кўзида кўргандим. Бир куни шаҳарга тушгани баҳона, эри болаларига кийимлар харид қилибди. Уни «лойиқ келармикин» деб Мукаррамахонга кўрсатгани олиб келганида унинг кўзлари бир нурланиб, қалби ҳам тўлқинланиб кетганини кўрдим.

Балки сиз ҳам, келин болам, айрим тенгдошларингизга ўхшаб «болаларига кийим тўқиса нима қилибди? У ахир – она! Шундай қилиши керак. Эри болаларига кийим олса нима қилибди? У ахир – ота! Болаларини кийинтириш унинг вазифаси!» – дерсиз. Балки ҳақдирсиз. Лекин мен ўша дамлардаги Мукаррамахоннинг кўзларидаги нурни унута олмайман. Бу – алоҳида нур, келин болам! Сиздан яшириб нима қилдим. Минг афсуски, ҳар кимга ҳам туйиш насиб этмаган, ҳар кимнинг ҳам қалбини гуллатмаган алоҳида меҳр, алоҳида фидойилик нури бу. Бундай нури шодлик, самимий меҳр



пешонасига бир умр ошиқу маъшуқликда қўш қаришлик насиб этган, аёл – оналигини эрта туйган, борлигим – оилам, болаларим, азиз остонам деганларда, жуфтлик қудратининг қадрига етганларда бўлади. Илоҳим, бу нурдан сизга ҳам насиб этсин!

Доно халқимизда «Арпа жойига тушса – буғдой бўлади», «Онанинг аччиқ сўзи фарзанднинг ақл кўзини очади», деган мақоллар бор, келин болам! Мукаррамахон қайнонасининг, яқинларининг оқила маслаҳатларини тўғри тушунган, тушган жойимда буғдой бўлиб унай деб ният қилган келинлардан экан. Ҳа, тўлиқ ва бўлиқ буғдой келин бўлибди.

Келинлик – Бедиллик дейишган. Ҳаёт шу қадар мураккабда. Аммо бир донишманд аёлнинг «Қайноналик ҳам катта мактаб, айланай!» деган гапи эсимга тушди. Ҳозиргина айтиб ўтган «Янги ҳаёт»лик Бибисора аянинг етти келини бор. Демак, бу аёл ўша айтилган мактабда етти марта сабоқ олган, насиб этса, яна уч марта сабоқ оладиган. Бу оқила аёлнинг олтин деб олган келинлари жез чиққан кезлари бўлмадимикин? Бўлгандир, албатта. Аммо ҳеч бир ҳолда у сирини сиртига чиқармаган экан. Ўз илдизи, мавқеи, кўпда кўрганига таяниб, вазминлик билан, мушоҳада билан иш тутган экан. Йўқса, келини у ҳақида шунчалик меҳр ва муҳаббат билан гапирмасди.

Афтидан, Бибисора ая ўғилларига Қуръондаги «Аёлларга яхшилик ила ҳамҳаёт бўлинглар», деган гапни ҳам сингдирган кўринади. Кимки ўз бола-чақасига яхши муносабатда бўлса, ўша яхши одам эканлиги укдирилган ҳадисда. Ана шу ҳислатлари унга етти келинини ўз етовига солиб олишда, улар қалбида меҳр қозонишда, энг асосийси уларда ўз оиласи, ўз остонасига нисбатан ҳурмат уйғотишда ёрдам бергандир. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, унинг келинларига дастлабки йиллар, мактубда айтилмоқчи довдираш йилларида тўғри йўл кўрсатиб, руҳига мадад бўлгандир. Тўғриси айтсам, келин болам, бу жаҳонгашта аёлга ҳавасим келди.

Мана шунақа гаплар, келин болам. Заҳрохон мактуби баҳонасида Мукаррамахонни ҳам эсладик. Унга Аллоҳдан эзгуликлар тилаймиз: илоҳим, бешта қора кўзи бахтига, турмуш ўртоғи, жигарлари бахтига соғ бўлсин! Илоҳим, қалбида жўш ураётган эзгу ниятлар юрагига, билагига қувват берсин, томиридаги ўтти сўндирмасин, руҳига мадад бўлсин!

Оҳангарон қир-адирлари ҳозир кўм-кўк бўлгандир. Илоҳим, табиат яшноқлиги, жигарларининг меҳри унинг хаста юрагига буюк қудрат олиб кирсин. Фарзандларининг камоли, роҳатидан насиб этсин!

### ОНАЛИК – КАТТА ШАРАФ

*Тангрига минг ташаккур,  
Мақсудимга етмишдир.  
Ҳилол ой қанотида  
Камронимни бермишдир!*

Неча-неча вақтли орзуларим ушалиб, Сиз – она, мен эса буви бўлган субҳи сабо онлари дилимда шу сатрлар пайдо бўлган эди. Сизни она бўлишдек шундай улуғ бир шарафга, мениким на ўлаб, на тасвираб бўлмас саодатга етказган, янги меҳмон пойига пояндоз тўшаш бахтига мушарраф қилган Тангрига беадад шукр!

Оналик муборак бўлсин, келин болам! Авлодлар занжири-ни жисми бекам зурриёт билан улашлик улуғлиги, ўзидан яна бир ўзини яратиш қодирлигини туйиш ва бундан-да неча қарра кўтарилиш муборак бўлсин! О, болажоним, бу жуда катта шараф!

Бугун сизга тақдим қилганим рисола ни очинг, унда шундай сатрларга кўзингиз тушади:

«Бир она боласини дунёга келтирар, тириклигининг қуввати бўлган сути бирла уни тўйдирар, кучоғида ўстирар, суюкли юрак мевасининг роҳати учун ширин уйқуларидан, бутун тинчлигидан кечар. Унинг тарбияси-ю, бахтли бўлиши учун жону юрагидан тиришар. Унинг учун чекмаган жафоси, қилмаган фидокорлиги қолмас. Тириклигининг сўнгги нафасига қадар уни севар. Боласининг бир оз боши оғриси, унинг саломатлигини қайтариш учун молу жонини берар. Унга ҳар замон жоним деб мурожаат қилар. Унинг бу сўзи жуда тўғридир. «Жаннат оналар оёғи остидадир», деган Ҳадиси шариф оналарнинг нақадар ортиқ ҳурмату муҳаббатга лойиқ эканини кўрсатмак учун етарлидир.

Она қадрини керагича билмак учун она бўлмак лозимдир...»

Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Оила» рисоласидаги шу ўқиган бандингизнинг сўнгги иборасини қайта ўқинг: «Она қадрини керагича билмак учун она бўлмак лозимдир...»





Ана шундай буюк туйғуни, улкан бир ҳақиқатни билмаклик муборак бўлсин, она қизим!

Иккимиз тенг бўлдик бугундан эътиборан. Сиз ҳам она бўлдингиз. Бу катта шараф дедим. Уҳдангизга насиб бўлган бу шарафни аъло қисмат дея кўтариш, «суюкли юрак мевасининг роҳати учун ширин уйқулардан, бутун тинчлигидан кечиш» овирлигини сездирмайдиган сониялар борки, улар туфайли сиз ўзингизда ажиб буюкликни кашф этасиз, томир-томирингиздан Ҳаёт, Меҳр, Муҳаббат, Шафқат, Адолат, Фидойилик... қўйингки, ЭЗГУЛИК оқаётганини ҳис қиласиз. Сиз буларнинг ҳаммасини оппоқ сутингиз билан гўдакнинг бўрсилдоқ лаблари орқали ажиб тепиниб турган юраккинасига жо қиласиз. Ана шу буюклик сизга илоҳий илҳом бериб, нолиш нималигини билмай, кўзингиз куйлайди, лабингиз куйлайди, қалбингиз куйлайди:

*Ишқ денгизи тубидан  
Излаб топган гавҳарим,  
Алла-ё алла,  
Муҳаббат гулзоридан  
Суйиб олган сўярим,  
Алла-ё алла!*

Оналик муборак бўлсин, келин болам! Улуғлик муборак бўлсин! Бу улуғлик қудратига ўзингиз ҳам ҳайрон ҳолда ҳамон куйлайсиз:

*Ўроқ ойга аргимчоқ  
Солиб берайми сенга,  
Алла-ё алла,  
Юлдузлардан бир қучоқ  
Олиб берайми сенга,  
Алла-ё алла!*

Юрагингизга, томирингизга, вужудингизга қуйилиб келатган бу илоҳий кучдан ўзингиз ҳам масрур оқ пояндоздан битта-битта босиб ўтасиз! Бу пояндоз сизга Курраи Замин – Сиз – Комроним ўртасидаги илоҳий ришта бўлиб туйилмаяптими, келин болам?! Яратган Тангрим қалбингизга шуни етказганига шукр! Оналик муборак бўлсин, келин болам! Ўзингизга ҳам насиб этган катта шараф муборак бўлсин!

Уйимизга «Янги меҳмон» – Комроним кириб келиши муносабати билан мен ҳам она бўлганимда бувиларингиздан, кексалардан эшитганларим, ҳикматномаларда ўқиганларим, бир умр ёдимда қолиб руҳимга қувват, томиримга ўт берган айрим гапларни Сизга ҳам айтиб ўтмоқчиман:

- Ҳар гал чақалоқни қўлингизга олиб эмиза бошлаганингизда, шу саодатли сонияларни сизга инъом этган ягона Яратгувчига шукр қилиб, қудратига ҳамду санолар айтинг, унинг улуғлигини тан олинг. Йўқдан бор қилган болангизга «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан кўкрак тутинг. Кексаларимиз «бисмиллаҳ...» билан кўкрак эмган боланинг юзи фариштали, қалби нузли бўлади, дейишади.

- Ҳадисларда аёлларга ҳомиладор бўлиш, туғиш, эмизиш, болаларига марҳаматли бўлиш башорат қилинган, агар эрлари билан яхши муошарат қилиб, намоз ҳам ўқисалар, жаннатга киришлари шубҳасиз дейилган.

- Чилмали чақалоқ хонасида ҳам худди янги келин-куёвлик даврингиздаги каби тунлари чироқ ёниб турсин.

- Момоларимиз азал-азалдан уни асрайди, деб чақалоқнинг ёстиғи остига қулча нон қўйишни одат қилишган. Келинг, яхши иримни биз ҳам тарк қилмайлик.

- Чақалоғимиз танглайини ким кўтаради, қулоғига ким азон айтади деб сўраяпсизми, келин болам? Албатта, синашта, фариштали, пок ниятли қариндошлар яхши дуолар билан унинг танглайини кўтаргани, қулоғига «Оллоҳу Акбар!»ни етказгани маъқул. Бунинг хосияти катта, келин болам!

- Чақалоққа исм қўйганда ҳам хосиятли кунларни танлаш лозим. Қариндошлар исмини қўймасликка одатланган маъқул. Борди-ю уларга ҳавас қилиб шу исмни қўйишга қарор қилинса, албатта улардан розилик сўраш керак.

- Ота-оналаримиз ёки бирон табаррук кишининг исмини болаларимизга қўйганда, уларни сизламоққа, иззатини жойига қўймоққа одатланиш керак.

- Болани эмизидан олдин покланиб олиш ёдингиздан чиқмасин, келин болам. Либосингизни ва баданингизни ҳамиша тоза тутинг.

- Эмизикли аёл олдида овоз кўтарилмайди, акс ҳолда сути қочади, дейишади.

- Болани эмизаётган даврда чақалоқдан ортган сутни соғиб олинг. Лекин бу сутни ҳар ерларга тўкманг, яхшиси, гул-



нинг тагига оҳиста қуйилгани маъқул. Сутни соғиб оладиган идишингизга бегоналарнинг назари тушмасин.

- Боланинг сочи, тирноғини олганда ҳам эҳтиёт бўлинг. Кексалар боланинг сочини гулнинг тагига, олинган тирноқларни тоза жойга кўмиш даркор деб насиҳат қиладилар.

- Чақалоқнинг кийимлари алоҳида совунда, алоҳида тоғорада ювилади. Унинг кийимлари қоронғида қолмаслиги керак. Йўқса учинади, дейишган момоларимиз.

- Боланинг бир сидра идиш-товоғини ҳам алоҳида тутиб, ҳамиша озода сақланишига эътибор беринг. Токчада бир чеккада турган бу пиёла, қошиқча ва бошқа бола идишларининг устига тоза сочиқ ёпиб қўйинг.

- Пичоқ, қайчи, болта каби кескир буюмлар кўздан узоқроқ турсин.

- Онанинг эҳтиётсизлиги туфайли қуйиб қолган болада онанинг ҳаққи қолмайди, деб огоҳлантирадилар момоларимиз. Шунинг учун иссиқ чой, чойнак-пиёла ва овқат солинган бошқа идишларни боладан нари тутинг.

- Бармоғингизда тилло ёки қумуш узук бўлсин. Кир-чир ювганда қўлингиз озода туради, пок бўлади.

- Болани эмизаётганда, йўргаклаётганда, хуллас унга яқинлашганда сочларингизни турмаклаб, рўмол ўраб олишни унутманг. «Соч – фалокат!» дейишимизнинг боиси, унинг узун толаси бола қўлига, бўйнига, оёқлари ёки бошқа нозик жойларига ўралиб қолиб, азоб бериши ёки бирон ёмон оқибатга олиб келиши бўлса ажаб эмас.

- Тунлари боланинг бир меъёрда эмиши, онага роҳат баришлаб, кўзига уйқу келтиради. Фафлат босиб ухлаб қолиш фалокат эшигини ланг очиш демақдир. Минг чора қўлласангиз ҳам бунга йўл қўйманг.

## **БОШОҚЛАР ТЎЛИҚЛИГИ – ЖАМИЯТ БЎЛИҚЛИГИ**

*(акс-садо)*

Бугун сиз билан ўзимни анча ўйлантириб қўйган бир хат хусусида ўртоқлашмоқчиман, келин болам. Назаримда мактуб мендагина эмас, ҳаммада мулоҳаза, айримларда эса балки мунозара уйғотадиган мактубдир. Келинг, яхшиси уни биргаликда ўқийлик!

«...Ёшим йигирма иккида. ТошМИнинг бешинчи курсида ўқияпман. Авжи турмуш қурадиган вақтимиз... Бизникига



ҳам, дугоналаримникига ҳам кунига кўплаб совчилар келади. Азбаройи кўплигидан ўртоқларим билан «Совчиларнинг ини бузилганми?» деб ҳазиллашиб қўямиз. Уйимизда кунда фақат шу тўғрида гапирилишини-ку асти қўя беринг! Гўё бутун дунё бизнинг тўйимиз ташвишини қилаётганга ўхшайди. Яқинда бир қариндошимизнинг гапи менга жуда қаттиқ таъсир қилди:

– Сен ҳам йигит танлайдиган бўлиб қолибсан! Биламан, ТошМИнинг қизлари ўзи шунақа!

Унинг шундай ҳукм чиқаришига нима сабаб бўлди деб сўрасиз?

Ҳалиги қариндошимиз дарак қилиб, уйимизга уст-устига совчи келаберди. Ёзи билан, кузи билан қатнашди. Ойим билан дадам:

– ТошМИда ўқиш қийин, бешинчи курсни тугатиб олсин, кейин узатамиз, – дейишса ҳам қатнайверишди.

Ростини айтсам, бизникиларга совчиларнинг кўп томони маъқул бўлди шекилли, қатъий «Йўқ!» дейиша олмади. Балки ҳалиги қариндошимизнинг:

– Бу йилдан кейин қизингиз ўтириб, «қари қиз» бўлиб қолади! – деганидан чўчишгандир.

Охири маслаҳатлашиб, йигит билан қиз бир-бирини кўрсин-чи, деган қарорга келишибди.

Мустақиллик байрами кезлари эди. Йигит томон Истиқлол саройига машҳур хонанда концертига билет ташлаб кетибди. Ойим боришимни маслаҳат бердилар. Йигитнинг ойиси билан кўп марта учрашганларини, бамаъни аёлигини, икки қизи, олти ўғли борлигини, тақдир битилган бўлса, ўша аёлинг олтинчи, кенжа келини бўлишимни айтдилар.

Ота-онамнинг гапларини ҳеч икки қилган эмасман. Шунинг учун маслаҳатларига кирдим.

Концертга тушдик. Аммо хонанданинг қувноқ кўшиқлари йигитни кўрганимдаги қалбимга илашган ғашликни йўқотолмади. Нима десам экан? Айтишларича, совчи юбораётган йигит мендан тўрт ёш катта эди. Бироқ қаршимда турган йигит озгин, рангпар, елкалари кичик бўлганиданми, мендан анча ёш кўринар эди.

ТошМИнинг бешинчи курсида талабаларнинг кўп нарсага ақли етиб қоларкан. «Йигитнинг қандайдир дарди бор!» деган хаёл миямни пармалаб ўтди. Гап унинг нимжонлигида ҳам



эмасди. Юзи таг-тагидан қандайдир синиқ, кўзларининг ости ичидан сарғимтил кўк, энг муҳими бу кўзларда нур йўқ эди.

Концертдан сўнг бу хавотирли ўйларимни ойимларга айтдим. Улар мени қайта мажбур қилишмади. Лекин ҳалиги дарақлаган аёл жуда норози бўлди:

– Ичмаса, чекмаса, ёмон йўлга юрмаса, қизингизга яна қандай йигит керак?! – деганмиш ойимларга. – Бола ёшлигидан шундай нимжон, мулойим бўлиб ўсган-да!

«Мулойим»лиги табиатидан, феълидан эмас, ичида шу ёшгача энгиб ўтолмаган қандайдир дарди бўлса керак, деб айтолмадим уларга.

Ҳаёт текис эмас, унинг кўп қийинчиликлари, кўп синовлари бўлади, деб ўргатишади домлаларимиз. Оиланинг муқаддас остонасидан қўлини маҳкам ушлаб ўтадиган умр йўлдошларимизнинг соғлом, кўзлари қувноқ, серрайрат бўлишини исташимиз табиий, албатта. Ахир жисми соғлом, руҳи тетик, қадами дадил кишилар ҳаётда анча мустақил, орзу-умидда дадил, умр йўлдошларига суянчиқ бўладилар-ку! Бироқ шундай йигитлар камайиб кетганга ўхшайди. Негаки, кўп дугоналарим ҳам менинг аҳволимга тушиб қолишаяпти. Йигитнинг бўйи паст, нимжон, бирон касали борлигидан чўчиб, совчиларни қайтаришаётган ҳоллар кўп. Оилада бешинчи, олтинчи... бола бўлган йигитлар билан ўйлашиб турмуш қуриш керак, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Шулар ҳақида сизлар нима дейсиз?

Минг мулоҳаза ва андиша билан исмимни ёзмадим. Тушунарсиз деган умиддаман. Сизларга ижодий муваффақиятлар тилайман...»

Кишини анча ўйлантириб қўядиган мактуб-а, келин болам! Беихтиёр Амир Темурнинг ўз «Тузук»ларида ёзган фарзандларига жуфти-ҳалол танлашда иккинчи томоннинг насл-насабига эътибор бергани ҳақидаги фикрлар эсимга тушди. Қарангки, замон айланиб энди қизлар, уларнинг ота-оналари йигитларнинг фақат ҳуснига эмас, унинг бардам-бақувватлигига катта эътибор бера бошлашди.

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларидаёқ, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташкил этилгани, шу номда орден таъсис этилганлиги бежиз эмас. Тиббиёт ходимларининг, маориф жонқуярларининг, мамлакатимиз раҳбарининг соғлом авлод, бахтиёр ва руҳи тетик авлод учун қайгу-



риши, мамлакат миқёсида катта ишлар қилиш кераклиги хусусида бонг ураётгани жуда ўринли. Гап келажак авлод, миллат ҳақида кетар экан, унинг жисми-жони тўлиқ ва бўлиқлиги учун курашиш жамият ва ҳукуматнинг бирламчи ишига айланаётганидан қувонаман-да, келин болам!

«Сезаётган бўлсангиз, кейинги вақтларда телевизорда кўплаб чет эл кинофильмларини кўрсатишмоқда, – деб ёзибди яқинда «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан Америкага бориб ўқиб келган қизлардан бири. – Чиройли манзаралар, чиройли кийимлар, қувноқ ва серкулги одамлар... Мен шу кинолардаги ёшлар ҳақида гапирмоқчи эдим. Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг жисмлари йирик, бақувват, руҳлари тетик, қадамлари адл ва дадил. Америкада бўлганимда ўз ҳаракатларида анча мустақил, орзу-умидда дангалчи ва кўрқмас йигит-қизларни кўплаб учратдим. Менга улар кўп томонлама камолга етган бўлиб кўринишди. Соғлом руҳ, соғлом тан учун меҳнатнинг, интилишнинг катта-кичиги бўлмас экан, деган хулосага келдим. Эрта-индин бинойи илмий унвон оладиган тенгдошларимиз тунлари кўчаларнинг ахлатини йиғиштирувчи бўлиб ишлашдан, касалхоналарда беморларга тунги навбатчи бўлишдан ор қилишмас экан. Аксинча, ҳақиқий ҳаётнинг бир поғонасини ўтаётган кишидек, бу ишларни маълум даражада фаҳрми, билмадим, балки ҳалол ишлаб топилган пулнинг ғурурими, ишқилиб сертабассумлик билан бажаришаётганининг гувоҳи бўлдим. Биз ҳам руҳ эркинлиги-ю, бадан саломатлиги, бақувватлиги устида баробар қайғуришимиз керак...»

Сиз билан биргаликда бу мактубларни қайта ўқидим-у, республиканинг юзини, қалбини дунёга кўрсатишга қодир йигит-қизлар кўпайиб бораётганидан яна қувондим. Қаранг, келин болам, иккала мактуб муаллифи ҳам ёш, ҳаётини энди бошлаётган қизлар. Лекин улар ўзларинигина ўйлаётганлари йўқ, жамиятимиз келажаги ҳақида қайғуришяпти. Уларнинг сўзларини ўқиб, қизлар тўғри айтишяпти: «Бошоқнинг тўлиқлиги, жамият бўлиқлигидир», дегим келди. Бошоқ кўчма маънода, албатта. Фарзандларимиз қанча баркамол, соғлом, тетик бўлса, жамиятимиз келажаги шунча фаровон бўлади. Шу нуқтаи назардан қизларнинг қайғуришида жон бор. Ҳукуматимиз илк одимларидаёқ юқорида тилга олган фармонларни беҳуда чиқаргани йўқ. Биз мустақиллигимизга қай сеп, қай



маънавият, қай муҳит, қай экология, қай руҳият, қай саломатлик, қўйингки қай аҳволда келдик? Туғилиш кўп деб бонг урдигу, болалар ўлими, ҳомиладор аёллар, туғадиган аёллар орасида ҳам ўлим кўплигини халқдан яширдик. Кўп, сурункали, узлуксиз туғиш аёлларнинг силласини Оролдек қуритиб, маънавиятини тўзитиб бораётганини, қалбимиз оғриб ичимизда тан олсак ҳам, ташимизда иллат ва сабабларни мушоҳада қилишга, тегишли маблағ ажратиб, буларнинг олдини олишга ожизлик қилдик. Нимжон, дардсинган миллат бизники – ҳукумат эса Масковда эди-да, келин болам.

Эл ичида юрганим учун аёл қалби, руҳиятининг беқиёс жилваларини кўраман, кўп ўйлайман. Кетма-кет, заиф ва нимжон болаларнинг туғилишига асосий сабаблардан бири мусулмон аёлининг иймони бутлиги, гуноҳдан қўрқиши ҳам эканлигини яхши биламан. Гуноҳдан қўрқиб, боласини олдиrolмайди. Қайси мусулмон аёл юраги тагидаги муждани жонидан жонни суғургандек олиб ташлагиси келади? Болани олдириш – нафақат гуноҳ, аёл ҳаёти учун ҳам хавфлилиги ҳақида ку гапирмай қўя қолай. Мустақилликдан кейин ҳукуматнинг дастлабки саъй-ҳаракати ана шу гуноҳ ва хавфнинг олдини олиш ҳақидалиги мени қувонтираяпти. Ҳозир аёлнинг туққанидан кейин ўз саломатлигини тиклаб олиши, бола тушган жойга боладек овқат ейиши, онанинг меҳр булоғини тўлдириш кераклиги, боланинг нормал ва соғлом парвариш қилиши учун имкон йўллари топилаётганидан хурсандман. Булар устида врачлар бетиним ишлашаяпти.

Оналар бамисоли қайнар булоқ бўлиб яшамоқлари керак. Негаки оилада, жамиятда эзгулик муҳитини шу аёллар яратади. Баъзида ҳолсизлик, мадорсизликдан оёғини зўрға кўтариб босаётган аёл – оналарни кўрганимда юракларим эзилиб кетади. Бу ҳолатнинг сабаби узлуксиз ва сурункали туғиш, деб тўғри айтишяпти. Чилалар – катта-кичиклигидан қатъи назар, жуда кичик муддат. Икки туғиш орасидаги танаффус қанча узоқ бўлса, аёл шунча саломатлигини тиклаб олади.

Илгарилари «10 та туғдим – 6 таси омон», «15 тадан учтаси қолди», деган гаплар бўларди. Ҳозир оз бўлса ҳам, соз бўлсин қабалида иш тутиб жуда тўғри қилишяпти. Дардманд аёлдан туғиладиган болалар ҳам дардманд бўлиши, оилага ҳам, жамиятга ҳам кўп ташвиш орттириши энди сир эмас. Дардманд туғилган болаларга қанча уринманг, онасининг қорнида оли-



ши керак бўлган нарсани тўлиқ бера олмайсиз. Бундай болалар бир умр онасининг, оиланинг, жамиятнинг муттасил назоратида, демакки ташвишида бўлади. Туғуруқхоналардаги реанимация бўлимларида амаллаб туғдириб олинган болаларни табобатнинг сўнгги сўзлари билан ҳаётга қайтаришга, келажакда жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун биринчи навбатдаги зарур ёрдам кўрсатилади, у ердаги фидойи врачлар янги туғилган болалар ўлими кўрсаткичини камайтиришда жонбозлик кўрсатадилар. Лекин барибир болалар дунёга келганини оламга эшиттириб соғлом «инг-а-а!» билан туғилса, қандай яхши!

Башарият авлодлар занжирини бардавом қилиш – аёл зиммасидаги муқаддас вазифа! Аёл – оналар ўзлари қўшажак ҳалқаларнинг жисмонан соғлом, руҳан баркамол бўлиши учун фарзандлари дунёга келмасидан анча илгарироқ қайғуришлари керак, келин болам. Бу борада кўчамиз муқолишида яшайдиган опоқингизнинг тутган йўлини тўғри деб бўлмайди. Янглишмасам, бу аёлнинг ўнга яқин болалари бор. Қачон қараманг, кўчада кир-чир юраверишади. Опоқи: – Мен боғча опа ёки муаллим эмасман, олий маълумотим ҳам йўқ. Булар билан қандай шуғулланаман, – дейдилар. Болаларнинг биронтасида ҳам олий маълумот йўқ. Аммо бозор-ўчарга учар дейишади. «Юмалаб-сумалаб катта бўлаверармиш», «бирини бири суяб кетаверармиш». Йўқ, келин болам, бундай ўйлаш нотўғри. Бошоқ тўлиқ ва бўлиқ бўлсагина нон ширин бўлади. Фақат нонгина эмас. Келаси йил яхши ҳосил олиш учун ҳам бўлиқ ғалладан уруғликка олиб қўйилади. Жамиятга ҳам, оиланинг ўзига ҳам ҳар томонлама камол топган кишилар керак. Ҳозиргина ўқиганимиз иккала мактубда ҳам келажак авлодга бўлган жонкуярликни туйиб, севинаяпман-да, келин болам!

### ЯХШИ НИЯТ – ЁРТИ МОЛ...

– Ойижон, дуо қилинг, бугун корхонада қилган ишларимиз юзасидан ҳисобот берамиз. Дуойингиз кучи билан эсон-омон ўтиб олай, юқори баҳо олиб, кечкурун сизларни ҳам севинтирай! – дедингиз ўқишга кетаётганингизда.

– Олтин бошингиз омон бўлсин, келин болам! Омадингизни берсин, янги йилда яхши орзу-ниятларингиз сизга қанот





бўлсин! Кўпнинг олдида бошингиз эгилмасин! – деб дуо қилдим сидқидилдан.

Ўзим эса фақат оналардагина бўладиган қандайдир хавотир билан ортингиздан қараб қолдим: «Ишқилиб яхши баҳо олсинларда. Янги йилга бир ёруғ кайфият билан кириб борсинлар. Осон эмас, ўқишни битирай деяптилар, охирги довон қолди...»

Хавотирим бежиз эмас, келин болам. Ўқув йили бошланганидан то янги йилга қадар шаҳримиздаги катта корхоналарнинг бирида диплом олди тажрибасини ўтадингиз. Назаримда, мана шу ярим йилда анча ўзгардингиз. Вазминлашдингиз чоғи. Кунда кайфиятингиз баъзан ҳуд, баъзида беҳуд қайтингиз. Сиздаги бу ўзгаришларни кўриб, бироз ичимда куйиндим ҳам. Менга ўз касбингиздан, танлаган йўлингиздан ҳафсалангиз сўнгандек кўринди. Шунча йиллик ўқиганингиз бекор кетмасайди деб кўрқдим.

Бир ҳафтадан бери мук тушиб, меҳмонхонадаги катта стол юзини қоғозларга тўлдириб, алланарсаларни ёздингиз.

Сизни ҳимояга кузатиб, неварамни ухлатдим. Кейин «Эшикли уй – биров келиб қоладими», деб меҳмонхонага кирдим. Туни билан дарс тайёрлаган бўлсангиз ҳам ҳаммаёқни чинничиноқ қилиб қўйибсиз, барака топинг! Ўзимга бу ерда қиладиган иш топмай, унутиб қолдирганингиз – бир дарслик китобингизни олиб меҳмонхонадан чиқдим. Эшикни ёпаётганимда китобингиз орасидан бир нарақ қоғоз тушди. Қоғоз сизнинг дастхатингиз билан тўлиқ эди. Бировнинг хатини ўқийдиган одатим йўқ. Бироқ қоғоз охирироғидаги «Ё парвардигор!» хитоби диққатимни тортди. Яна сўнгги пайтлардаги сиздан бўлган хавотирим дилимни тирнаб ўтди. Шошиб саҳифани бошидан ўқий бошладим: «Ишим юзасидан корхоналарга бош бўлган идораларга кўп боришга тўғри келди. Идораларда ўз иқтидори, малакаси, билими, қобилиятини қоғозбозлик гирдобига кўмиб ўтирганлар кўплигини шу «дипломсиз» ақлим билан ҳам тушуниб турибман. Бу – замбарак билан чумчуқ овлашдек кўринади. Енгил саноат корхоналаримиз эса ўз маҳсулоти билан «жаҳон бозори»га чиқолмаяпти. Нега? Ўша узоқдаги жаҳон бозорига чиқолмасак ҳам, жилла бўлмаса, ўз халқимизга манзур маҳсулот чиқара олмаётганимизнинг сабаби фақат кадрлардан тўғри фойдалана олмаётганимизми? Ёки бошқа сабаблари ҳам борми? Корхоналарнинг ишини,



кишиларнинг эҳтиёжини яхшилаб ўрганмай туриб, бунинг тагига етиш амри маҳол экан. Мен тенгилар катта бурилиш қилиши кераклигини ҳис қилиб турибман. Аммо қандай? Ҳозирги ҳамма ўзини нима қилиб бўлса ҳам пул топишга ураётган бир даврда менинг бу гапларим кўпчиликка қулгили кўринар. Аммо мен буни чин дилдан айтаяпман. Ё, парвардигор! Ўзинг қалбимга мадад бер! Томирларимдаги ўтни сўндирма! Қалбимга ишонч бер! Элим учун, юртим учун ҳам бурилиш қилишимиз керак! Институтдан сўнг вазирликда ишлашдан бош тортдим. Тажриба ўтаган корхонага юборишларини илтимос қилдим. Кўзлаган мақсадим, ўйлаган ниятимга етиш учун ҳам шундай қилиш керак!..»


Яхши ният муборак, келин болам! Ўргилиб кетай сиздан! Ният қанчалик яхши бўлмасин, у буюм ёки зеб-зийнат эмас, уни муборакбод этиб бўларканми деб ҳайрон бўлманг, келин болам. «Яхши ният – ёрти мол!» деган нақл бор. Қолаверса, яхши ният олижаноб кишиларнинг қалб мулкидир. Ёш бошингиз билан элингиз, юртингиз учун куйинаётганингизда олижаноблик қирраларини кўриб севинганимдан муборакбод этаяпман.

Яхши ният қила билганингиз ана шундай яхши хислатлар эгаси эканингиздан нишона, келин болам! Бир жойда ўқиганим бор эди: «Яхши хулқ ва ақл кучи... инсоннинг қимматли хислатидир. Бизнинг ўзимизда ва хатти-ҳаракатимизда шу икки хислат бор бўлса, афзалликка ва мукамалликка эга бўламиз ва уларнинг иккаласи туфайли биз олижаноб ва яхши инсонлар бўламиз: бизнинг ҳаёт тарзимиз саховатли, бизнинг хулқ-атворимиз эса мақтовли бўлади». Янги йил олдида фарзандларим қатори сиз – келин боламининг яхши ниятингиз – ўз касбингизни яхши эгаллаб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиш истагингиз билан танишганимдан ичимда чироқ ёнганини яширолмай қолдим.

*Бўронни севмаса, дил нечун тепур?  
Тириклик не керак бемеҳнат, беғам...*

деган экан шоири замон.

Дунёда неча киши бўлса, уларнинг ҳеч бири бошқасини такрорламайди. Демак, ҳар бир киши ўзи бўлиб яшаб ўтиши, ўзлигини кўрсатиб, ўзига хос из қолдириб кетиши керак. Ва-



рақдаги дастхатингиздан буни сиз чуқур англаганингизни сезиб, чин қалбдан муборакбод этаяпман, келин болам!

«Тақдирни қўл билан яратур инсон», деган ҳикматни ҳаммамиз биламиз. «Нима эксанг – шуни оласан», деган мақол ҳам болалигимиздан ёд бўлиб кетган. Давр тақозоси, авлодлар тажрибаси, донишмандлар даҳоси билан яралган афоризм ҳам ҳеч ёдимдан чиқмайди, келин болам. «Ҳаракат эксанг – кўникма оласан, кўникма эксанг – характер оласан, характер экиб эса тақдир оласан!» Шундай, келин болам, ким нимани кўрса, ким нимага интилса, ким нимани қандай тушунса, ким нимага интиқ бўлса, ким нимани дилдан соғинса, шу бўлади. Яхшиликни кўриб, яхшиликни эшитиб, яхшиликни соғиниб, яхшилик қилишга интилиб яшаган инсон эзгулик мевасини олишига шубҳа йўқ! Шунинг учун ҳам янги йилингиз, яхши ниятларингиз, эзгу интилишларингиз муборак бўлсин, келин болам! Орзу-ниятларингиз қўш қанотингиз бўлсин! Ўғлим билан қўша қариб, аждодлар руҳи сизларга мадаккор бўлсин.

### ОДАМИЙЛИК – БУЮК ҚУДРАТ

Одамийлик, эзгуликнинг қудрати буюк, келин болам! Эзгулик ҳаммага, ҳар биримизга, ҳар дақиқада жуда керак. Бунга ўзингиз ҳам неча бор ишонч ҳосил қилгансиз. Қандай дейсизми? Эслаб кўринг, асослими-асоссизми, бировга қўполлик қилган, зардангиз қайнаган кунда кечгача таъбингиз хира бўлиб, ишингиз орқага кетавермаганмиди? Оддий, кунда бажариб юрган ишингизга ҳам уқувингиз етмагани ҳам рост-а? Зардангиз вулқони пасайгандан кейин ҳам талай пайтгача ичингизни алланарса кемиргани ҳам тўғри-а?

Фақат ана шу кайфиятда узоқ қолиб кетманг. Бундай қийноқли кайфият чангалидан чиқиб кетиш ҳам ўз қўлингизда. Ҳозиргина ўзингиз зарда қилган кишининг сизга қилган бирон бир яхшилигини эсланг. Балки ўзингиз ҳам унга неча бор яхшилик қилгандирсиз? Эсланг, ўша – унга яхшилик қилган дақиқаларингизда қалбингиз ҳозиргидек тош қотмай, аллақандай илиқликдан, сернурликдан яйраб кетмабмиди? Ўшанда шу киши сизга дунёдаги энг яқин кишингиз бўлиб кўринмабмиди? Эсланг, ўша кун нечоғли қанот қоқиб юргандингиз, кўзингиз чақноқ, билагингиз кучга тўлиқ, юзингиз файз-

ли, қўйиб берса, тоғни талқон қилгудек қудрат бор эмасмиди вужудингизда?

Эсланг! Эслаганингиз сари чимирилган қошларингиз жойига туша бошлайди, оқаринқираб турган юзингизга қизиллик югуради, гезарган лабларингизда табассум пайдо бўлади.

Эсланг! Бу одам сизга яқин, қадрдон эди-ку! Сиз ҳам унга жуда қадрдон эдингиз-ку! Икковингизга боғлиқ бўлган яхшиликларни эсланг. Ичингизни кемираётган нарсани ҳайдашга, қалбингиздаги тошни эритишга, билагингизнинг яна кучга тўлишига фақат шу икковингизга боғлиқ яхшиликларни эслашингизгина ёрдам беради.

Сезаяпсизми, оёфингизнинг ўзи сизни ҳозиргина зарда қилиб келган кишингиз томон тортаяпти. Боринг! Балки ундан кечирим сўраш ҳам шарт эмасдир? Балки ундан ҳам ўтган бўлса, унинг ўзи ҳам қийналиб тургандир? Унинг ёнига борганингизнинг ўзи сизнинг олижаноб киши эканлигингиздан нишона!

Олижаноб кишилар қандай бўлади, деб сўраяпсиз-а, келин болам. Юқори даражада одобли, хулқ-атворли, одамгарчилиги баланд, асл кишиларни олижаноб кишилар дейилади. Яна олийҳиммат, юраги эзгуликка тўла кишилар ҳам шу тоифага кирадилар.

Биринчи қадамни қўйишингиз билан ана шундай яхши хислатлар эгаси эканлигингизни исбот қилган бўласиз. Бу қадам сизни ҳам, атрофдагиларни ҳам кўп ёмон нарсалардан асраб қолади. Одамийликнинг қудрати яратувчилик, бунёдкорликдир. Қаҳр, ғазаб, зарда эса томирларда, айниқса юрак ва мия қон томирларида соғлиққа ёмон таъсир қиладиган моддаларнинг йиғилишига, тўпланишига сабаб бўлади ва кишини ёмон ҳаракатларга ундайди.

Соат механизми қанча оддий бўлса, унинг умри шунча узоқ, хизмати ҳам шунча беминнат бўлади, деган гапни қаердадир ўқиган эдим. Инсонлар муносабати, муомаласи асосига ҳам биринчи галда одамийлик, эзгулик каби башариятнинг энг бирламчи ва оддий фазилатлари қўйилса, ҳаётдаги кўп мураккабликлар, зиддиятларнинг олди олинган бўларди, деган хулосага келаман. Хулоса ҳам фикрнинг ўзидек оддий. Аммо ота-боболаримиз ўзаро бир-бирини тушуниш, «умр – мураса демак» қабилида иш тутиш оқибатида кўп қўнгилсизликларнинг, зўриқиш ва зиддиятларнинг олдини олиб келганлари



ҳақидаги ўй қалбимга илиқлик бағишлайди, уларнинг оддий буюклигига тасанно айтаман.

Кишининг хизмат қиладиган ери ҳам, ундаги кишиларнинг бир-бири билан муомаласи ҳам оиладагидек гап. У ерда оддий инсоний муносабат – бир-бирини хотиржам тинглаш, бир-бирини тушунишга интилиш, бир-бирига яхшилик, эзгулик тилаш иқлими яратилмас экан, демак у ерда порох омборининг муҳити ҳукм суради.

Буюк одобимизга хос бўлган фазилатларимиздан бири – катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ҳам аслини олганда халқимизнинг одамийлигидан, қалбининг эзгуликка тўлиқлигидан нишондир.

Айрим вилоятларда кўрганим, халқимизга хос бир хислатни айтиб ўтмоқчиман. Тошкентда алақачонлардан бери от минилмайди. Аммо қишлоқларда от миниб кетаётган ёшлар пиёда кетаётган кексаларга рўпара келишганда отдан, албатта, тушиб салом беришганини, ҳол-аҳвол сўрашиб, оғирини енгил қилишга тайёриқларини билдиришганини кўп кўрганман. Шу дамларда муйсафиднинг кўзлари учқунланиб, атрофдаги ажинлардан нур бўлиб ёғилганини ҳам пайқаганман. Ҳа, нима десангиз-денгу, келин болам, аммо яхшилик қилиш, эзгулик исташ ҳаммага ҳамиша керак!

Эслаб кўринг, ҳаётингизда эзгу қалбли, олижаноб одамларни кўп учратганмисиз? Ҳеч ҳам учратмаган бўлишингиз мумкин эмас. Ўзингиз тахассуб қилишни истамаган, ўша кишига ўхшашни истамаган, у сизнинг қалбингизни илитгани каби сиз ҳам бировларнинг қалбини иситишни истамаган пайтингизнинг бўлмаганига ишонмайман. Яхши хислатли ёки серфарзанд, табаррук кишилар билан гаплашганда очиқ-ойдин «Сизга ўхшаб юрайлик!» демаган бўлсангиз ҳам, бошқалар шундай деганда, қалбан уларни қувватласангиз ҳам, бу сизнинг яхши одамларга ҳавасингиз борлигини билдиради. Агарки, сиз ўзингизни яхши одам деб ўйлаётган бўлсангиз, бу яхшилик сизга бошқа одамлардан ўтган. Эзгулик, олижаноблик шунақа «юқувчан» бўлади.

Агарки, умрингизда олижаноб биронта инсонни учратмаганман дейишда қатъий бўлсангиз, айб, аввало, ўзингизда эмасмикин? Одамлардан яхшилик кўрмаганингизнинг боиси, улардан фақат ёмон хислатларни қидираётганингиз эмасми? Донишманд халқимизда бир яхши ўғит бор: Бирон киши



ҳақида яхши гап айтолмасанг, яхшиси индамай қўяқол! Бинобарин, бошлигингиз ёки ҳамкасбларингиз сиз яхши таниган кишини асоссиз ёмонлашаётган, танқид қилишаётган бўлишса, улар сўзини тасдиқлашга шошилманг. Сиз ўша танишингизнинг яхши томонларини билсангиз, уни асоссиз ёмон отлиққа чиқараётганларга айтинг. Сизнинг шу сўзингиз билан улар ўз фикрини ўзгартиришса ажаб эмас. Демак, сиз одамийлик намунасини кўрсатдингиз, бир эзгу иш қилдингиз. Индамай кетишингиз эса бир чеккаси ўша танишингизга нисбатан сотқинлик бўлса, иккинчи томондан бу асло одамийлик, олижаноблик эмас.

Кишиларга эзгулик, табассум улашиш олижанобликдир. Ўз уйингизга, дўстингиз уйига ҳам табассум билан кириб борингки, атрофдагилар ҳам нурингиздан баҳра олсин. Табассум олижаноб, қалби эзгуликка тўлиқ кишиларнинг бош фазилатидир. Табассумлари билан улар яхши одамлар билан дийдорлашув қувончидан қалблари нурланиб кетаётганини изҳор қиладилар. Қалби кулиб тургувчининг қўли ҳам эзгу ишлар, хайрли ишлар қилишга тайёр туради, келин болам!

## НОНУШТАНГИЗ ТАЙЁРМИ

**Қайнона:** – ...Вой болажоним, Дурдонахон, саҳар-мардонлаб ошхонада нималар қиляпсиз? ...Ҳали жуда вақтли-ку, болангиз билан ярим тунгача ухламадингиз, яна...

**Келин:** – ...Ассалому алайкум, ойижон, яхши дам олдингизми? Кеча ўғлингиз бозордан ялпиздан тортиб отқулоққача олибдилар. Биласизку, кўк сомсани яхши кўрадилар. Шунинг учун эрталабки чойга янгилик қилиб кўк сомса пиширмақчийдим...

**Қайнона:** – Ҳа... барака топинг, болам... Эрингизнинг ёқтирган таомини тайёрласангиз, сизга меҳри ошаверади. Келинг, мен ҳам қараб турмай, тезда бўламыз... Сизнинг ҳаракатларингизни кузатиб туриб, ўзимнинг келинлик даврим эсимга тушиб кетди. ...Каттагина хонадонга келин бўлгандим. Нонуштага ҳамма баробар ўтирмасди. Қайним эрта саҳарлаб ишга жўнарди. Кетидан қайноғам шошилиб туришарди. Энг кейинда, ҳамма хизматга, ўқишга, боғчага кетиб бўлгач, кексалар – қайнотамлар билан қайнонамлар дастурхонга келишар-



ди. Газ танқис пайти, самоварнинг чўғини ўчириб қўймай, суви парланиб кетмасин, деб эсим кетарди.

Шунақа урф эканми ёки оғир дамлармиди, ишқилиб дастурхонга эрталаб қанд, нон, мураббо, сарёғ қўйиларди.

Узум пишиғи пайтида ликопчада олтинранг узум ҳам қўярдим. Эрталабки дастурхон жуда чиройли бўлишини истардим. Қанийди, ҳамма бирдек баҳраси очилиб, раҳмат, келин, деб дуо қилса...

Катта бўлган уйимизда эрталабки нонуштага оймлар кўпинча қуймоқ пиширардилар. Баъзан тухумларни тозалаб ювиб, самоварнинг қопқоғи тагига, кунгирали жойига қатор қилиб териб қўярдилар. То биз юз-қўлимизни ювиб келгунимизча тухумлар пишарди. Мактабдан қайтгунимизча тўқ юрардик. Сигир, эчкимиз бўлгани учун уйимиздан сут-қатиқ аримасди. Келин бўлиб тушган ҳовлида эса сигир-бузоқ, товук йўқ эди. Аммо эрталабки нонуштага ҳаммага ёқадиган таом пишириб, уларни хурсанд қилишни жуда истардим.

**Келин:** – Ойижон, нонуштага қандай иссиқ таомлар тайёрлардингиз? Ишқилиб, вақтни кўп олмасмиди? Ширин ва тез пишадиганлари бўлса айтинг... мен ҳам ўрганиб олай, майлими?...

**Қайнона:** – ...Ҳа, болам айтаманда, ўрганганингиз – ўзингизники. Пиширганингизни дуо қилиб ҳаммамиз еймиз. Мен билан бирга ишлайдиган Мукамбар холангиз бор-ку, жуда пазанда аёлда. Шу холангиз янги келинлик даврида ўзи ҳам анча қийналганини айтиб, жуда жўяли маслаҳат берди. У ҳар кун эрталаб нонуштага, албатта, бирон бир иссиқ таом тайёрлар экан. Тушлик ёки кечки таомдан фарқи шундаки, эрталабки нонушта анча енгил таомларни талаб этади. Дугонам кунда нима пиширсам экан, деб ўйлаб ўтирмаслик учун ҳафтанинг етти кунига мослаб тахминий таомнома ҳам тузиб олибди. Дугонамнинг бир кун ширгуруч, бир кун қуймоқ (сизлар уни блинчик дейсизлар), бир кун оширилган хамир орасига гуручми, картошками солиб пирожки, яна бир кун холвайтар, бир кун қатлама, манний бўтқа, ҳатто айрим кунлари ярим косадан маъниликкина қилиб мастава ҳам қилиб бераркан.

**Келин:** – Ўҳ-ҳў... ойижон, бунинг учун яхшигина пазанда ҳам бўлиш керак-ку... Очиги мен унчалик... билмайман-да, қўлимдан...

**Қайнона:** – Ҳа... Ҳа... қўлингиздан келади, болам... Ҳамма ҳам бирданига билмайди. Ўзим-чи, мен ҳам аста-секин ўрганганман. Ўқиш билан бўлиб, мени ҳам уйда қозон-товоққа унча солишмаганди. Ҳа, энди эзгуликнинг кечи йўқ, дедимда, дугонамнинг бошини қотирдим. Ҳаммасини ўрганиб олмагунимча тинчитмадим. Оқибатда, у ҳам хурсанд, мен ҳам хурсанд. Хурсандлигимнинг боиси, бу таомларга унча вақт кетмайди, масаллиқни ҳам меъёрида ишлатса бўларкан. Дейлик, эрталаб пирожки пиширмоқчи бўлсам, кечки овқатга икки-уч картошкани ортиқча солиб юбораман. Пишгандан кейин, совутгичга қўяман. Юмшоққина қилиб хамиртурушли хамир тайёрлаб, ўраб қўяман. Эрталабгача тобида ошади. Пишириш эрталабда чой қайнаб, ҳамма юз-қўлини ювиб келгунча бир пастда бўларди. Бошқасини қўйинг-ку, ярим соатга қолмай тайёр бўладиган мастава пиширганим, ҳаммаларига маъқул бўларди. Кексаларнинг дуосини айтмайсизми? Бориб-бориб Мукамбар холангиз рўйхатига ўзим ҳам қўшадиган бўлиб қолдим.

**Келин:** – Вой, қандай қилиб?..

**Қайнона:** – Бу, жуда оддий, келин болам! Дейлик, иккитагина тухумни яхшилаб ийлайман, бўлка нонни тилим-тилим қилиб, ийланган тухумдан ярим қошиқ суртаман-у ёғда жазбуз қилиб оламан. Қарабсизки, нонушта қуруқ нон-чойда эмас, бинойий иссиқ нон-тухум билан ўтади, қоринни ҳам тўқ тутади. Яна... эрталабда шошилиб қолмаслик учун баъзида кечқурунлари нонушта ҳаракатини қилиб қўярдим. Ахир мен ҳам келинман, эрталаб ишим фақат нонушта тайёрлашгина эмас. Ҳовли супуриш, болаларни боғчага отлантириш, яна пардозандоз дегандай... Шунинг учун кечқурун олмадеккина хамир қориб, бир пиёла қийма тайёрлардим. Телевизор кўриб ўтирибми, кечки чой устидами майда қилиб чучвара туғиб, совутгичга қўйиб қўярдим. Эрталаб вақтли кетадиганларга лойиғини солиб берсам, шундай хурсанд бўлишардики... Шунанга, келин болам, эрталабда уйдагиларни нон-чой билангина эмас, озгина иссиқ енгил таом билан сийлаганга нима етсин! Майли, болам, вақтингизни олмай, мана гап билан бўлиб, туғиб ҳам қўйибмиз. Дарров пишириб ола қолинг, қолган гапни кейин давом этираммиз...

**Келин:** – Хўп ойижон, ҳозир тайёр бўлади...





## ЭРИ СЕВГАННИ ЭЛ ҲАМ СЕВАРКАН...

Ҳа, шунақа экан, келин болам!

Эскидан қолган гап бор: «Бировни кўриб фикр қиласан, бировни кўриб – шукр!»

Бугун мени маҳаллага, хотин-қизлар кенгашининг йиғилишига чақиришганидан хабарингиз бор. Кенгашда ўтирибман-у ҳам фикр қиламан денг, ҳам шукр!

Кўчамизнинг муқолишидаги хонадонга сиздан бир йил аввал келин бўлиб тушган дугонангиз Лобархон бор-ку? Бирга ўқигансизлар шекилли. Шу келин тушмагур эримдан ажрашаман, деб судга ариза берибди. Ҳа, ҳайрон бўлманг. Бир сиз эмас, ҳамма ҳайрон. Ҳатто эри ҳам, қайнона, қайнота ҳам хабарсиз экан бу савдолардан. Судья, ҳартугул аёл киши бўлиб, бамаъни экан, аввал оила билан танишай, у ёқ-бу ёқни яхшилаб ўрганай деб маҳаллага келибди. Кейин аризани судда кўриб чиқишга лойиқ эмас, деб маҳалла ҳукмига қўйибди. Бир ҳисобда тўғри қилибди, тўй кўпнинг маслаҳати билан бўлганидек, ажралиш ҳам кўпнинг муҳокамасига тушадиди-да.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деб тўғри айтишган экан, келин болам! Бугун ҳам биров у деди, биров бу деди. Ростини айтсам, кўпчилик келинни койиди. Енгилликда, тантиқликда айблашди. Турмушга тайёрланмаган деб онасига таъна тоши отишди. Кўпнинг олдида бош эгилишидан худонинг ўзи асра син. Куёв томон андишадан бошини кўтаролмай ўтирди. Аксарият гапирганлар қизнинг онасига теккизиб-теккизиб гапиришди. «Ҳамма гап, ҳамма иллат – онада!» деб айтишди. Аммо қизнинг онаси Мавжудахон «Шармандага шаҳар кенг» дейдиганлардан экан шекилли, ҳеч кимга гап бермай, ҳамма ни бир-бир мот қилишга уринди.

Нимасини айтасиз, гап кўп. Келин томоннинг қўяётган асосий айби куёв тез-тез янги кўйлақлар олиб бермас эмиш, зебзийнатлар билан сийламас эмиш. Келиннинг бирга ўқиган дугоналарининг ва қариндош-уруғларининг эрлари шундай қиларкан. Эрнинг қанчалик севиши олиб берган совға-саломининг салмоғига қараб билинади, деб она бўлмиш бидилаб турибди денг. Ўқиган билан уқмаганда бу аёл, деб фикр қилдим. Шундай қудаларга йўлиқмаганимга шукр дедим. Аёл юртма-юрт юриб, мол олиб келиб, мол сотиб шишиниб кетиб-



ди. Ҳамма нарсани пул билан, мато билан ўлчаркан. Буни қизига ҳам юқтирибди.

Охирида куёвни эшитишди. Бола бечора ўтирган еридан сал туриб, дона-дона гапирди. Ўзини зўрға ушлаб тургани кўриниб турарди. Маҳалладаги кексаларга ҳурмати унинг кескин ҳаракатини тизгинлаб турарди.

– Суд агар хотинимнинг аризасини ўринсиз деб билган бўлса, менинг аризамни инобатга олар? Мана шу гаплардан кейин аризани мен ўзим беришга қарор қилдим. Кўриб турибсиз, мен бу ерда ота-онам билан ҳам, бошқалар билан ҳам маслаҳатлаша олмадим. Аммо назаримда, шунча гаплардан кейин Лобар билан яшаб кетишимиз қийин бўлса керак. Мен ҳаётимни ўқиган, тушунган қиз билан боғладим, турмушнинг пасти-баландини бирга ўтармиз, деб ўйлагандим. Бир-биримизга суянчиқ бўламиз, деб ишонардим. Кўриб турибсиз, бирон бир жиддий сабабсиз отам билан онамнинг бошини шунча одамнинг олдида эгиб қўйишди. Мен қандай қилиб уни умр йўлдошим деб айта оламан?..

Ажабо, унинг гапи қиз билан онасига қаттиқ таъсир қилди. Йигит чиқиб кетганидан кейин ҳозиргина қақиллаб турган қуда бўлмиш маҳалла аёлларини ўртага қўйиб, қудасига ялинишга тушди.

– Ҳаммасига сиз айбдорсиз, – деб йиғлаб юборди Лобархон онасига қараб. – Биб-бинойи юрувдим, ариза бериб нима қилардингиз тинч уйимни бузиб?

Шу вақтгача бир чеккада бошини эгиб ўтирган Сурайёхон кўзида ёши ғилтиллаб шундай деди:

– Шунча дардингиз бор экан дадангизга, менга, ўғлимга айтсангиз бўлмасмиди, Лобархон? Уйимиздагилар ориятли, қатъиятли одамлар эканини ҳали ҳам билиб олмадингизми? Эрини қўрқитиш учун ҳам ажрашаман, деб судга ариза берадимми одам? Болангизнинг отаси тирик, онаси тирик туриб етим қолишидан қўрқмадингизми? Буларнинг тақдири нима бўлади энди?

Сурайёхон гапираяптию, ич-ичидан титраб кетаётгани биланиб турарди.

Э, келин болам, нимасини айтасиз? Қўшнимизга қараб биз ҳам эзилиб кетдик. Шу пайтгача бу хонадонда шунча дард бор экан-ку, биз бирон шарпасини ҳам билмаган эканмиз-да. Ҳамма ҳайрон. Чамаси йиғининг навбати энди қизнинг онаси Мавжудахонга келган эди:



– Ажралиш ниятимиз йўқ эди, қуда. Ариза берганимдан қизимнинг ҳам хабари йўқ эди. Ниятим бироз пўписа қилиш эди холос! – унинг гапини эшитиб кўпчилик бир сапчиб тушди. – Куёвимизнинг қизимни яхши кўришларини, қудаларимиз келин ва невараларини бошларига кўйишларини биламан. Ўзга юртларга юрадиган дугоналаримникида бошқачарoқ эди. Шунга ҳавасим келиб, куёвимни «гаҳ» десам кўлимга кўнадиган қилиб олмоқчи эдим. Сафардан келганимда мени машина билан аэропортда кутиб оладиган, қизим эса олиб келган нарсаларимни сотадиган бўлса, менга ҳам, ўзларига ҳам фойда дегандим...

– Қизингизга яхши ақл ўргатмабсиз, қуда! Суд бирданига ажратиб юбормаслигига ақлингиз етган, албатта. Илгари ўйламаган бўлсангиз, энди ўйланг, қуда: ўзга юртлардан олиб келган қайси матойингиз невараларингизга ота, қизингизга эса эрлик қилади? Уларнинг кўнглини нима билан овлайсиз энди? – Сурайёхон тобора ўртаниб гапирарди. – Хонадонимиз эркаклари юрт қатори топиб, рўзгорини юритиб туришибди. Бировга оғирлигимиз тушганича йўқ эди. Қизингиз очман, яланғочман, деб бормагандир уйингизга? Ёки шундай қилдингизми, Лобархон? Шундай хонадонлар ҳам бор, лекин қизнинг онаси боласига сабрни ўргатади, ойнанинг ўн беш куни қоронғу бўлса, ўн бешти ёруғ деб, қалбига умид учқунини солади. Эрингиз-ку мана шундай ишларингизга чидай олмай, этак қоқиб кетган хонадонингизга қизингиз қайтиб борса, қайси юрагингиз билан кўтарасиз бу номусли юкни, қуда?

Мавжудахон нимадир деб гапирмоқчи эди, гапи бўғзида қолди. Маҳалла оқсоқоли Солиҳ ака борларку, шу киши шартта сўзини бўлди:

– Маҳалламизга қиз берган қудаларнинг йигит томонни босиб олишга уринишини энди кўраяпман. Йигитимиз отасига ўхшаган ўқиган, андишали, мўмин бола. Кўзимиз ўнгида катта бўлган. Уйланиб, болали бўлгач ҳам бу хонадонни кўпга ўрناق қилиб кўрсатардик. Тўғри айтдингиз, опой, бу оила зиёли, маданиятли, диёнатли оила. Лекин уларни асло камбағал, фақир деб айта олмайсиз. Мана, қизингизни қаранг, кийиниши, кўриниши, невараларингизнинг яшноқлиги шундан далолат бериб турибди. Эри севганни эл ҳам севади, дейишади, опой! Шу пайтгача бу оиладан бирон бир садо чиқмагани учун аввало Сурайёхонни, қолаверса қизингизни ҳурмат қилардик.



Ўйламай қилган бир иш билан уларнинг юзига қора суртмоқчи бўлдингиз. Қизингизни шу қилиғингиз билан эри меҳридан, эл ҳурматидадан айирдингиз. Суд ҳам анойи эмас, албатта. Дарров ажратиб юбормаслигини билиб қилдим деяпсиз яна уялмай... Шу десангиз, бир нарсани ўйлаб қолдим: назаримда, битта осойишта, ҳалол оилани бузишга уринганингиз учун маҳалла энди сизнинг устингиздан ариза ёзса тўғри бўлар. Одам деган ҳар бир сўзи учун жавоб бериши керак-да! Қизингиз ҳам аризани сиз ёзганингизни айтиб йиғлаяпти. Бундай ҳолга мен шу ёшимда энди дуч келаяпман. Шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, Сурайёхон, синглим, келинингизга эрининг, сизнинг, қайинотасининг дилини овлашига имкон берайлик. Оилангизнинг қандайлигини кеча қилган қудангиз эмас, биз яхши биламиз, бизнинг бошимизни эгиб қўйди қудам, деб ўйламанг. Икки бола ҳали ўзингиз айтгандай етим бўлмасин. Келинимиз ўз бахтини маҳкам ушласин, остонасининг поклиги учун курашсин. Ажаб эмас, эрининг ҳам, элнинг ҳам меҳрини қозонса яна...

Ҳа, келин болам, мана шунақа қизиқ ҳангомалар... Ишқилиб болагиналарнинг бахт қуши бу ҳангомалар зарбидан «пар-р!» этиб учиб кетган бўлмасин-да.

### **КЎЗИМ ЁШИ КАТТА ДАРЁДИР...**

*(акс садо)*

Ростини айтиб қўя қолай, радио тинглайдиган одатим йўқ. Уйимизда радио ҳам йўқ шекилли. Онам олиб берган машинани ҳайдаганимда илгарилари унча-мунча «Машъал»ни эшитардим. Ҳозир яхши автомагнитофон қўйиб олганман. Тагида йигирматача диск бор. Шуларни қўйиб, эшитганимча, манзилга бориб қолганимни сезмай қоламан.

Ёш, келишган жувоннинг машина ҳайдашини, бармоғида калитларни ўйнатиб, ишга кириб кетишини кузатганлар ҳавас қилишини ҳам биламан. Лекин бу менга аввалларидагидек завқ бағишламайди. Негаки, турмушим бузилганини, машинани менга шунчаки эрмакка бойвачча онам олиб берганини қоровулдан тортиб, бинодагиларнинг ҳаммаси билади. Шунинг учун бошимда охирги пайтлар қуюндек айланиб, мени ўз гирдобига тортишга ҳаракат қилаётган фикрларимни ҳайдаш учунгина магнитофонни баланд қилиб юраман.



Бугун эса эрталабдан бу ҳувиллаган уйда бир ўзим нима қилишимни билмай, юрагимни тобора эгаллаб бораётган ғашликни йўқотиш учун магнитофоннинг радио тугмасини босиб юборибман.

Дам олиш куни эди. Онам, акам, келинойим яқин қариндошимизникига тўйга кетишган.

Одатим бўйича эринибгина нонушта қилдим. Уч-тўрт печенье билан аччиқ кофе ичдим.

Бўш қолсам видеомагнитофонни айлантириб ўтирардим. Бугун ҳам шу ният билан видеокассеталар турадиган жавонга қарадим. Тўйлар... Тўйлар... Синглимнинг тўйи, менинг тўйим, акамнинг тўйи туширилган кассеталар.

Одатда, укам прокатга кинофильмлар олиб келарди. Бу гал жавони бўш...

Тўй кассеталарини кўриб юрагим сиқилди. Яна эски – анчадан таниш бўлиб қолган ҳис қалбимни чирмаб олди. Миллий боғда уларни – Қодир акамни хотини ва ўғиллари билан бирга кўрганда ичимни ачиштириб ўтган туйғу яна дилимни чок-чок қила бошлади. Билмадим, нечанчи марта кассетани ёқиб юбориш учун қўлимга олдим-у қандайдир бир куч уни яна жойига қўйишга мажбур қилди. Бу қандай куч? Балки бизга бахт тилаб, тўйимизда қилинган дуолар, ҳеч бўлмаса шу кассетани асраяптимикин? Бу кассетани бизда ҳеч ким видеомагнитофонга қўйиб, томоша қилмайди. Лекин менинг тўйим туширилган кассетани ташлаб, яшириб, ёқиб юборишга ҳам ҳеч ким журъат этмайди, ҳеч кимнинг мажоли етмайди. Бутун оиламиз бўйнига осилган тавқи лаънатга ўхшайди у: унутиб бўлмайди, ташлаб қутулолмайсан ҳам...

Енгилроқ мусиқа эшитиб, кўнглимни ёзиш мақсадида магнитофон олдига келдим. Хорижий қўшиқчиларнинг бири ёзилган кассетани унга жойлаб, тугмани босдим. Қушиқ ўрнига таниш бир актрисанинг овози эшитилди. Беихтиёр, хаёл билан магнитофоннинг радио тугмасини босибман. Сизнинг «Оналик муборак, келин болам!» деган эшиттиришингиз кетаётган экан:

«Сизни она бўлишдек улуғ бир шарафга, мениким на ўлчаб, на тасвирлаб бўлмас саодатга етказган, янги меҳмон пойига пояндоз тўшаш бахтига мушарраф қилган Тангрига беадад шукр!..»



Бошқа тугмани босиб, овозингизни учиришимга нимадир ҳалал берди. Чамаси бу «нимадир» – тўй кассетамизни ёқиб юборишга ҳалал берадиган туйғуга яқин эди. Охиригача эшитдим...

Ажралишганимизга беш йил бўлган бўлса, беш йилда биринчи марта ўкраб-ўкраб йиғладим. Негаки, сизнинг овозингиз қулоғимга қайнона ойимларнинг овози бўлиб эшитилди.

Нега бу сўзларнинг чин юракдан чиқаётганига, уларнинг самимий эканлигига ишонмадим?! Нега ўша хонадоннинг ҳар бир кишисининг ҳар қандай хатти-ҳаракатидан ўзимга қаратилган ёмонликларни изладим? Нега келинликнинг қайнона ойим айтмоқчи авжи эркаланиб, яйраб юрадиган «асал даври»ни ўзимга заҳар-заққум қилдим? Нега? Нега? Нега?!

Охириги тўрт йил ичида ана шу «Нега?»лар ҳар куни миямни кемираяпти, ичимни емираяпти! Аммо жавоб йўқ! Бирдан бир тўғри жавоб – «Ҳаммасига ўзим айбдорман!» деган сўз дилда зардоб бўлиб ётипти-ю, тилга чиқмайди. Чиққани билан энди кеч. Қодир акам уйланиб, икки фарзандлик бўлдилар.

– Лобар қизим ерда кул босиб қоладиганлардан эмас, не-не бойваччалар рухсорига интизор! – деб башорат қилинган мен эса тобора сўлиб бораяпман!

– Ўйлаб иш қилинг, Лобархон! – дегандилар қайнона ойим иш ажралишга бориб етганда. – «Юк кўтарган ютади», деган гап бор, қизим! Сизга ташлаб қўйган юкимиз ҳам йўқ. Бироқ вақти келиб, кўзингиз очилганида кеч бўладими, деб қўрқаман, – улар ниҳоятда ўртаниб гапирардилар. – Нима истаётганингизни, сизга нима кераклигини билмай аросатда кетаяпсиз. Оила, турмушнинг қадрига етадиган вақтингиз келди, эс-ҳушингизни йиғинг ахир! Эрингиз, бутун оиламизнинг меҳрига меҳр билан жавоб бермасангиз, бу меҳрларнинг уволи тутади, қизим!

– Кеч... Кеч... Кеч... – ичимдан чиққан ўкраш томоғимни бўғади. Кўзим ҳеч нарсани кўрмайди.

Вақтида эс-ҳушимни йиғганимда, «менга нима керак ўзи?!» деб ўзимни ўзим вақтида имтиҳон қила билганимда, шундай бахтсиз бўлмасдим! Одамлардан меҳрни очофатлик билан юлиб олавермай, ўзим ҳам меҳр улаша билганимда ҳозирги «...Оналик муборақ бўлсин, келин болам! Авлодлар занжирини жисми бекам зурриёт билан улашлик улуғлиги, ўзидан яна бир ўзини яратиш қодирлигини туйиш ва бун-



дан-да неча карра кўтарилиш муборак бўлсин!» каби сўзлар қайнона ойим тилларидан менга, фақат менгагина аталган бўларди.

Сиз мен энди ҳеч қачон туйишим мумкин бўлмаган туйғулар ҳақида оддий нарса ҳақида гапиргандек бир маромда гапирардингиз:

«... Бир она боласини дунёга келтирар, тириклигининг қуввати бўлган сути бирла уни тўйдиарар, қучоғида ўстирар, суюкли юрак мевасининг роҳати учун ширин уйқудан, бутун тинчлигидан кечар. Унинг тарбияси-ю бахтли бўлуви учун чекмаган жафоси, қилмаган фидокорлиги қолмас. Тириклигининг сўнги нафасига қадар уни севар...»

Буларнинг ҳеч бирига қодир эмасман! На меҳр улашишга, на фидойи бўлишга мени ўргатишмаган. Ўргатишмаган... Ўргатмоқчи бўлган кишиларни эса онам гапига кириб, мен менсимадим.

Катта бўлган муҳитимда эшиқдан келган кинига эгнига қараб, сўзидаги мол-дунёнинг мавқеига қараб баҳо бериларди. Келин бўлиб тушган хонадоним эса бунинг тескариси эди.

«Тенг тенги билан...» Сен қандай қилиб ўз оламингдан тескари оламга тушиб қолдинг, дерсиз?

Мен ўқиётган институтда қайнонамнинг яқин дугоналари ишларди. Шу аёлдан ўғиллари Қодир акамга муносиб қиз тавсия қилишни сўрабдилар. Тақдир чекларига мени рўбарў қилибди. У аёл бизнинг уй муҳитимизни билмасди. Одамлар кўзида эса мен бошқа турлук эдим...

Хуллас, кўп ўтмай тўй бўлди. Унинг қандай чиройли ўтгани, каминанинг нақадар файзли келин бўлганлари, қайнонам ёзган пояндоздан у кишининг ёнидан маликалардек гердаёйиб ўтганларим ҳалиги видеокассетада тасвирланган.

– Биринчи таъзимингизни ойимларга берсангиз хурсанд бўлардим, – дегандилар ўшанда Қодир акам.

Мен ўзимни эшитмаганга олдим. Онамнинг:

– Жилловингни дарров эрингга, қайнонангга бериб қўйма! – деган гаплари эса қулоғимга қўрғошиндек қуйилиб қолди.

Шу эгилмаганимча эгилмай, мана беш йилдан бери ўз уйимдаман.

Онам дастлабки ойлар:

– Ҳозир авжи ўйнаб-қуладиган, яйраб оладиган вақтларинг. Ота-она бўлиш қочмас, улгурасизлар! – дердилар.



Фарзандлик бўлмасликнинг минг бир чораларини менда синаб кўрдилар чоғи. Қайнонам эса аксинча, неварга кўришни жуда орзу қилардилар.

Онам:

– Катта еб, катта ичиб, яхши кийиниб ўргангансан. Интеллект оила экан, ойликка қараб яшаб бўлмайди ҳозир. Эринг ишини ташлаб, тижорат билан шуғулланса бўларди. Мен билан бир-икки Дубайга бориб келсин. Пул топишни ўргатаман! – дердилар.

Қайнотам билан қайнонам эса бунинг аксини сўзлашарди:

– Кўп ёшлар қўл қўйиб оладиган ойликка қаноат қилмай, ўзини бозор-ўчарга уриб кетаяпти. Ана шу кайфиятга берилиб кетманглар. Эндигина иш бошладинглар. Нима қилиб бўлса ҳам касбингизни, малакангизни оширишга ҳаракат қилинглар. Рўзғор ташвишини қилишга сизларга ҳали эрта. Кийимларингиз ҳам етарли. Замонасига яраша тил ўрганинглар, ўз соҳангизни пухта эгаллаб олинглар...

Хуллас, шунга ўхшаш гаплар. Мен бу гапларни аранг эшитардим.

Қайинсинглим Наргизахон уйга жуда кам келарди. Қайнонамнинг унга айтадиган насиҳатлари ҳам доим энсамни қотирарди. Уйидагиларнинг ҳоли-аҳволини обдон суриштириб бўлгач, қайнонам кўпинча шундай дердилар:

– Ойинг жуда бамаъни аёллар. Бувинг-ку фариштадеклар. Ишқилиб, шуларнинг кўнглига қара, дуосини ол. Даданг ишдан келганларида дарров қўлларидагини олиб, бир пиёла чой бер. Куёвимнинг кўнглини ол. Ҳуда-беҳудага уйга бораман, деб уларни хит қилма, болам! Ўз уйингдан тин. Худога шукр, яхши ўтирибмиз. Келинойиларинг қарашиб туришибди.

Кўпинча Наргизани куёв эрталаб ишга кетаётганида ўғли билан қўйиб кетарди. Ишдан чиққач келиб, бирон фурсат меҳмон бўлиб, кейин олиб кетарди. Куёв кутиладиган кун қайнонам тиним билмасди. Наргизанинг ўзи ҳам онасини аяб, қараб турмас, пешинга қолмай тансиқ овқатлар, сомсалар, турли салатлар тайёр бўларди. Қайнонам бирон марта бўлсин:

– Эртага қайинсинглингиз билан куёвимиз келишаркан, тадоригингизни кўринг, – демасдилар. Қайинсинглим келса, менга қайтага мазза – уйларимизни ярақлатиб, яхши таомлар пишириб бериб кетарди. Гўё бу уйда мен эмас, у келиндек. Аммо бирон марта юзимга солган эмас.





Бир куни Наргизахон шу томонларга иши тушиб, бирров хабар олгани кирганида мен ҳам уйда эдим. Унинг бу ерга келганидан уйидагилар хабарсизлигини билган қайнонам шундай деганини ўзим эшитдим:

– Чакки қилибсиз, қизим! Сўрамай, хабардор қилмай бирон ерга борманг! Уйингиздагилар хавотир бўлишади. Қолаверса, муомалага ёлгон аралашмасин. Қудалар ўртасидаги парда кўтарилмасин, болам! Уйга бораман десангиз, бирон марта йўқ дейишмайди. Ўзлари машинада олиб келиб, олиб кетишади. Иззатингизнинг қадрига етинг. Бугунгига ўхшаш ҳоллар бўлганда «Йўлим тушса, бирровгина уйдан хабар олиб чиқсам майлими?» деб сўрасангиз, қайтага хурсанд бўлишади. Қизларнинг турмушига кўпинча мана шундай яшириқча юришлар совуқчилик туширади. Оқибатда, келин сутни оқ деса, қайнона ҳам, эр ҳам ишонмайдиган бўлиб қолади...

Қайнона ойим болаларини койиган, диллари ранжиган пайтда «сиз»лаб гапиришларини пунда билдим. Бу ҳаммаларига калтакдан ҳам, уриб-сўкишдан ҳам қаттиқроқ таъсир қиларди.

Ўша куни Наргизани изига қайтариб юбордилар. Бечора хомуш бўлди-ю, онасига индамай кетди.

Шундай гапларни эшитганда баъзида юрагим орқамга тортиб кетарди. Наҳотки менинг ҳафтасига уч-тўрт кунлаб дарсни ташлаб уйимга бориб, ойим билан валақлашиб ўтиришимдан хабардор бўлсалар? Наҳотки мен борадиган кунлар келинойимни ишдан олиб қолиб, менга хизмат қилишга мажбур этишларидан, акам бечора ишини ташлаб бозор қилиб келишдан хабардор бўлсалар?! Менга теккизиб гапираяптилармикин?

Хуллас, кўриб турибсизки, бу икки хонадондаги муҳит худди икки қутб муҳитига ўхшаш ҳар хил эди.

Ҳомиладор бўлганимда ўз туққан онам қанча жеркиб, уришган бўлса, қайнонам шунча кўп севиндилар. Қодир акамнинг ҳам оғзи қулоғида.

Кечқурунлари Қодир акам ишдан келгач, қайнонамнинг маслаҳати билан Тошкентнинг гўзал жойларига сайрга чиқамиз.

– Руҳингизни тинч, яхши мувозанатда ушланг. Яхши нарсалар ҳақида кўпроқ ўйланг, – дердилар қайнонам.

Бу сайллар мен учун маза эди. Қодир акамга истаган нарсамни олдираман. Гўё мен ҳомиладор бўлиб, у кишини ўзим-



га тобе қилиб қўйгандек. Пули бор-йўқлиги билан ишим бўлмасди. Бир ходим ойлиги билан тенг стипендиямни бермасдим. Кунда бу сайлар, қолаверса институтда ҳушимга келганини олиб ейиш учун, йўлқира учун пул сўрардим. Ўртоқларимнинг эрини, ҳомиладор хотинига олиб бераётган нарсасини бирига ўрни қўшиб, менга ҳам олиб беришни талаб қилардим.

Баъзида Қодир акам чақимчилик қилмаяптими, деб пойлоқчилик қилардим. Балконда сўзлашиб ўтиришса, парда орқасидан тўрт оёқлаб эмаклаб бориб, қулоқ солардим. Йўқ, гап мен ҳақимда бўлмасди. Умумий гаплар. Нега, нега мен ҳақимда, менинг ҳусним, «каттаконларнинг боласи ўқийдиган жойда» ўқишим, онам қилган импорт сарполар ҳақида гапиришмайди?! Нега қойил қолганликларини билдиришмайди?

Мен шунга ҳайрон эдим. Ўз уйимизда суҳбат мавзуси фақат шулар ҳақида бўларди. Фалончининг қизига қилган гарнитурни, зеб-зийнати, тақинчоқлари бир-бир муҳокама этиларди. Ойим бирон ерга тўйга бориб келсалар, кейин икки соат ўша тўйга кимнинг нима кийиб боргани-ю, кимнинг олдига нима қўйилгани ҳақида гап бўларди.

Қайнона ойим мени кўпда тўйларга олиб юрмасдилар. Бир-икки гал тўйдан қайтганларида:

– Тўй яхши ўтдимми? Санъаткорлардан кимлар келди? Келинга қандай сарполар қўйилди? – деб сўраганимда, мени шу нарсалар қизиқтириши мумкинлигига ҳайратланганларини яширмай:

– Келиннинг чалларга нималар кийиб борганига эътибор бермабман-а. Ёшларга ҳамма нарса ярашади! Бир чиройли келин бўлибди, ишқилиб бахтли бўлсин! Онасининг неча сидра қўйганини сўрамадим. Кимга керак бу, келин болам?! Ҳар ким қилса боласи учун қилади. Ҳалолидан, беминнатидан қилсин-у, бола-сига буюрсин, яйраб-яйраб кийиб юришсин! – дердилар.

Шу билан тўй таассуротлари тугарди. Қайнонамнинг бу томонларини ўз онам жуда тез «чақиб» олган эдилар.

– Ойинг ўлгур, матоларнинг фарқига ҳам бормайди. Бир тиктирган қўйлагини қуданикига икки-уч марта кийиб бораверади. Олдига нима қўйгани билан ҳам иши йўқ.

Шундан фойдаланиб, бошқалардан қайнонамни паст кўришдан ор қилмасдилар. Лоақал қизим ўша ерда-ку демасдилар.



Чалларимда менга деб қўйилган қирқ сидра сарпога қайнонамнинг қайрилиб боқмагани, тақинчоқларимга эътибор бермагани ойимга қаттиқ таъсир қилган экан. Қайнонамнинг кўзи чақнаши, ҳаяжонланиши, уйимга шунча нарса олиб кетаяпман деб севиниши, таъзим қилишини кутган бўлсалар керак-да! Шундай бўлмади! Ойимнинг алам алангаси ҳеч ўчмасди. Шунинг учун орадан бир йил ўтмаёқ тақинчоқларимнинг ярмини уйимдагиларга айтмай ҳам олиб қўйдилар. Сарподагилар ҳам неча бор оборот бўлиб келди. Қайнонам сезсалар ҳам, сезмаганга олиб юравердилар.

– Ота-онанинг боласига қилгани – хамиртуруш холос! Худо бераридан қўямасин. Ҳамиша ризқингизни тўқ, насибангизни бут қилсин. Пешонангизга ҳалолидан, беминнатидан, ғойибидан берсин! – дердилар.

Бу гапларнинг ҳаммаси уйимизга оқмай-томмай етиб борарди. Чунки ҳали айтганимдек, бош қоронғулик баҳона институтга кетаяпман деб кунда уйга борардим ёки онам ишхонасига бориб диванда ётиб-ётиб келардим. Ишхонадагилар, маҳалладагилар учун мен ўзимни уйда тинчлик билмайдиган, рўшнолик кўрмайдиган, зуғумли қайнона қўлида қорни овқатга тўймайдиган, кечаси-ю кундузи қўли хизматдан бўшаймайдиган келин қилиб кўрсатган эдим. Дугоналаримга ҳам шундай. Уларнинг биронтаси бизникига бирон марта келмагани учун гапларимга чиппа-чин ишонийшарди. Ҳомиладорлигимнинг дастлабки пайти бироз озганим менга қўл келиб, ҳамма ачиниш билан қарар, онам ётган жойимга овқат келтириб оғзимга тикардилар.

– Қизим жойига тушмади! Қудам ўзимга лойиқ, куёвим қизимга лойиқ бўлмади, – деб жавраганлари жавраган эди.

Қайнонам эса аксинча:

– Вақти-вақтида овқатланиб, билиб-билиб ишингизни қилиб юринг. Бола катта бўлиб кетмасин, ўзингиз қийналасиз туғишда. Ишқилиб икки жонни саломат қилсин, – дердилар.

Ойим буни эшитганда бизникига келиб жанжал қилишдан эринмасди:

– Овироёқ қизни қийнайверасизми? Келинингизга егулик ҳеч вақо йўқ, уйингизда хизмат қилса бўлди экан-да.

Баъзан ойим шанғиллаганини қўни-қўшнилар эшитарди. Қўпинча бу жанжаллар бир хил тамом бўларди: – Туғадиган хотинга парвариш керак. Уйда тура қолсин. Юр, кетдик!

Шу олиб кетишларда ўн-ўн беш кунлаб қолиб кетардим.

Шу тариқа муҳит ажралишга етилиб борар, бунга фақат Қодир акаму қайнонам оғирлик билан йўл беришмасди.

Қайнонам рост айтган эканлар, ётоқчилашим эвазига охирги ойда боладан айрилдим. Ҳатто операция билан ҳам болани сақлаб қолиша олишмади. Врачлардан эшитадиганимни эшитдим.

Менинг тантиқдигиму ойимнинг «шармандага шаҳар кенг» қабилидаги қудаларга хос бўлмаган муомаласига бола туфайли чидаб туришган экан шекилли, кўп ўтмай одатдагидек уйимга аразлаб кетганим баҳона ажралишдик. Орқамдан онам кутганидек ҳеч ким «ялиниб» бормади. Судда ойим на мен айтган гапларга (уларнинг кўпи бўҳтон эди) одам тугул чинор ҳам йиқиларди. Аммо на Қодир акам, на бошқалар финг дейишмади.

Кейин эшитдим, Қодир акам уйландилар. Онам тўй кунини ҳам билган эканлар, бориб роса жанжал қилибдилар. Билишимча, ҳеч маҳал қудаларига ҳеч нарса демаган қайнонам ўша куни ойимга:

– Мавжудахон, қизингизнинг бахтига фақат сиз зомин бўлдингиз! Бу гуноҳни кўтариб юришнинг ўзи бўлмас! – дебдилар.

Уйга келгач, ойим қадаҳни тўлдириб-тўлдириб коньяк ичдилар-у оғзиларига келганини қайтармай «минғаймас», «учённий» қайнонамни қарғашга тушдилар.

Эртасига ишдан «больничний»га чиқиб, Дубайга жўнаб кетдилар. Кейин бадавлат куёв келишини кўп кутдилар. Аммо ўша куёвдан дарак йўқ эди. Афтидан, ҳамма ҳам бизнинг кимлигимизни яхши билиб олган эди.

Сал бўлмаса, синглимнинг бахтига зомин бўлай дедим. Мен қайтиб келгач, унга келиб турган унча-мунча совчиларнинг оёғи узилди.

Ниҳоят, мана, уни узатганимизга тўрт-беш ой бўлди. Ўртамиёна хизматчилар оиласига тушди. Шу баҳона ойимнинг эски қўшиқлари яна янгиланди.

Фақат бир парда пастроқ жаранглайди. Аммо бу ҳолатлар менга аввалгидек завқ бермасди. Бахти қаролигимга бошқалар қатори мен ҳам тобора фақат ойимни айблардим. Бирикки марта буни очиқ айтдим ҳам. Бир-биримизни тобора аямайдиган бўлиб бораяпмиз.



– Эрсиз мен ўлаётганим йўқ, сен ҳам ўлмайсан! Тагингда машина, бировга қарамлик жойинг йўқ. Янги қандай газлама чиқса, Тошкентда биринчи сен киясан, ношукур банда! – дейдилар ҳар гал.

Дадам бизни нега ташлаб кетганларига энди тушуниб етдим. Онам ўз қисматини менда қайтарганини ҳам энди англадим. Балки ўзига тасалли бўлиш учундир? Балки бугунги мен ўкраб йиғлаганим каби йиғлашлардан, юрагининг нимта-нимта бўлишларидан қўрқиб шундай қилгандир. Лекин онам эрсиз қолганида қўлида акам, мен, синглим бор эдик. Куйган юрагига малҳам бўлгандирмиз. Биз билан овингандир. Аввал биз ҳам адамни унга қўшилишиб қораладик. Онамнинг ҳар гапига ишондик. Унга кўпроқ ён босиб, ачиндик. Унинг бирон бир яқин сирдоши, ҳурмат қиладиган кишиси йўқ эди.

Акам уйлангач, менинг эса уйим бузилгачгина отасиз ўсганимизга, оилада тўлиқ тарбия олмаганимизга асосан онам айбдорлигини англаб етдик. Аммо ҳамон онамга қаттиқ гапирмаганмиз. Унга бирон киши рўпара келишдан ҳам, бас келишдан ҳам қўрқшини билардик.

– Ўзи худо уриб қўйган бўлса, мен ҳам тенг келайми? – деган эди ён қўшнимиз онамнинг одатдаги жанжалидан ўзини четга оларкан.

Ойимни «худо ургани» ҳаммадан устун бўлай деганининг оқибати эканига энди ақлим етаяпти. Ақлимнинг киришига бир воқеа ҳам сабаб бўлди шекилли. Дадамни уйдан ҳайдаганимиздан бери (менинг ўзим ҳам бир марта бизни кўргани келганларида қўлларидаги майда-чуйдаларни олиб қолиб, уйга киритмай, юзларига эшикни қарсиллатиб ёпганман), учовимизга берадиган алиментларидан ташқари, мен ўзим ишлайдиган идораларига ҳар ой бориб, юз доллардан олиб турардим. Ойим бошқача пулни тан олмасди. Охирги борганимда институтни битирганим билан табрикладилар ва бундан буён биз – ундан кечган болалари олдида ҳеч қандай қарзлари қолмаганини айтдилар. Пул бермаганлари эмас, ундан кейин айтган гаплари ичимни ўртаб, кўзимни очди:

– Пешона экан, шунча йил ичида сизлардан кўрмаган меҳрни кейинги оиламдан топаяпман. Қанча қилсам ҳам улар учун оз!

Ҳа, ҳозир кўп нарсага ақлим етади, лекин иложсизман. Мен ҳам худо урганларданман-да...



Шу хаёллар билан эшиттиришингизни охиригача тингладим.  
Эшиттириш тугади, лекин кўзим ёшлари тинмади. Бедилнинг:

*Қатор киприкларим ёшим йўлин тўсолмайди,  
Балиқларнинг қаноти беркитолмас катта дарёдир...*

деган сатрлари маъзига энди тушунаяпман: Кўзимдан оқаётган ёш мисоли бир катта дарёдирки, балиқларнинг қаноти билан бу дарёни тўсиб бўлмагани каби, киприкларим ҳам ёшимни тиндиrolмайди. Аввало мажруҳ қалбимни даволаш керак. Ким даволайди?!

Шу пайт эшик қўнғироғи чалинди. Кўз ёшимни апил-тапил артиб, эшикни очдим. Синглим экан... Нега Гавҳар бу ерга эрталабдан келди, деб юрагим шиф этди, аммо авзойи бузуқ эмаслигини кўриб, сал тинчидим.

– Кел, – дедим қизарган қовоқларимни яшириб. – Тинчликми?

– Тинчлик! Бир дам олиб кетай деб келдим-да! Уйдагиларга кутубхонага бораман дедим. Ҳеч ким йўқми? Кеннойим бўлса, бир қозон кабоб қилдирай девдим...

Унинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Чамаси неча вақтдан бери юрагимда йиғилган вулқон отилди! Мен ўзимни танимайдиган даражада портладим:

– Бу ер сенга санаторий эмас – дам оладиган! Бу ер сенга ресторан эмас, кеннойинг ҳам официант эмас – овқат тайёрлаб, ётган диванингга келтириб берадиган! Қозон кабобни уйингда – қайнона, қайнотанг, эринг билан бирга ейсан! Ўзинг пишириб берсанг, мазалироқ туйилади! Қани, жўна уйингга!!!

Гавҳарнинг ҳолатини сизга тасвишлаб бера олмайман. Унинг кўзлари катта-катта очилиб, чакаги пастга осилиб қолди. Агар шу пайт куёвимиз Камолжон кириб келмаганда, биласизми, синглимни олдимга солиб, муштлаб эшикдан ҳайдашдан ҳам тоймас эдим!

Қандайдир ички бир сезги менга куёв синглимнинг «Кутубхонага бораман!» деганига ишонмай, орқама-орқа пойлаб келганини айтиб турарди. Вой, худо, мен тантиқлигим туфайли эрдан эрта ажраб, онамнинг қисматини қайтарганимдек, синглим ҳам менинг изимдан кетипти-да! Лекин Қодир акам менинг ҳар бир сўзимга ишонардилар. Қайнонам ҳам. Булар олдинроқ огоҳ бўлишибди-да! Балки огоҳ торттирган мендир-



ман, менинг «тарихим»ни эшитишгандир, хулоса чиқаришгандир.

– Келинг, Камолжон! – дедим ўзимни босиб олиб. – Келинг! Келиб яхши қилибсиз! – Қандайдир асабий ички титроқ билан дастурхон ёздим. Майда-чуйда олиб келдим. Синглимнинг ранги ўчиб, куёв эса бошини эгганича жим ўтирарди.

– Орқамдан пойлаб юришга нима ҳаққингиз бор?! Ўз уйимга ҳам кела олмайманми?! – Гавҳар «қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида бидирлай бошлади.

– Ўчир овозингни! – дедим синглимга, эътирозга ўрин қолдирмай.

– Камолжон! – дедим куёвга чой узатар эканман, – бунимаҳкам ушлайсиз, ука! Ўн гапидан тўққизи ёлғон бўлса ҳам, маҳкам ушланг! Менинг тойишим ҳам худди ҳозир Гавҳарни кига ўхшаб, қозон кабоб ейишни хоҳлаган, кеннойимга хизмат қилдириб, дарсга бориш ўрнига онамникида диванда чўзилиб ётишдан бошланган. Лекин менга ишонинг, синглимнинг бу келиши, алдаши – биринчиси. Иккинчи, учинчиларидан кейин оила бузилишга бориб етади...

Биласизми, овозим жуда бўғиқ, томоғимга нимадир тикилган эди. Назаримда, боя айтган вулқоннинг ҳаммаси ҳали чиқиб улгурмагандек эди...

– Менга қара, Гавҳар! – дедим кейин синглимга ҳар сўзимни қулоғида қўроғошиндек қотсин, деган умидда дона-дона қилиб. – Менга қара! Агар худди сенга ўхшаб уйимдагиларни биринчи бор алдаб, бу ерга келганимда онам талтайтирмай, олдига солиб қувганида эди, мен ҳозир икки болалик бўлиб, ўғилчаларимни эркалатиб юрган бўлардим. Куни кеча Қодир акамни ўғилчалари, хотини билан кўрдим. Бу кунимдан ўлганим яхши эди, Гавҳар! Ўша аёлнинг ўрни меники эди! Ойим туфайли, менинг бахтимни кўзлайдиган у уйимдагилардан бўлак одам топилмагани туфайли, мана беш йилдан бери шу ерда ўтирибман. Бу кошона вақти келса, ўлик чиққан ерга ўхшайди. Бойвачча онамнинг мени овутиш учун олиб берган машинасини миниш тугул, ишга пиёда бориб келсам ҳам, қозон кабоб ўрнига қотган нон есам ҳам ўша аёлнинг ўрнида бўлишни жуда-жуда истардим... Шу алпозга тушиб қолма, Гавҳар! Лозим бўлса, онам ва менинг қисматимиздан ҳазар қил, аммо бахтингни маҳкам ушла!



Ўзим зўрға турганим учун уларни узоқ ушламадим. Зарурат бўлган пайтлардагина фақат Камолжон билан бирга келиб туришни тайинлаб, хайрлашдик. Кетаётганида Камолжонга секингина бўлган воқеани қуда холамларга айтмаслигини илтимос қилдим. У ҳам «тушундим» дегандек қўлимни самимий сиқиб хайрлашди.

Мана шунақа гаплар. Битта эшиттиришингиз кайфияти билан бутун ҳаётимни кўз ўнгимдан ўтказиб, дилим ўртаниб турган эди. Синглимнинг бу қилиғи бор зардобни юзага чиқарди. Патос бойлаб ётган яра ёриди.

Синглимни ҳайдаб тўғри иш қилдим, деб ўйлайман. Ҳозир бўлмаса ҳам, вақти келиб, буни унинг ўзи ҳам тушуниб олади.

Бизга хат йўллашдан муддаоинг нима деб сўрарсиз? Аввало, сабоқларингиздаги кўп гап ҳаётини ва тўғрилигига мен чин дилдан ишонаман. Бахтимни бой бериб, онам давлатига ишониб, тилимни беш қарич қилиб юрган пайтларимда бу гаплар балки бачкана кўринарди. Лекин ҳозир шундай эшиттиришларни кўпроқ тайёрлашингиз керак, иложи бўлса мен каби оилага енгил қарайдиганлар мисолида кимларнингдир кўзини очишингиз керак, деб ўйлайман...

Сизларга муваффақият тилаб, Лобархон. Жиззах шаҳри.

## КОСОВ УЗУН БЎЛСА, ҚЎЛ КУЙМАЙДИ

Ў, келин болам-а! Ҳозир қайга борманг, уч-тўрт киши тўпланган ерда, албатта, бозор иқтисодиёти ҳақида гап кетади-я! Ҳаммаси ҳам майли-я, шу бозор иқтисодиёти деган нарсанинг ўзи одоб-ахлоқ, хусусан қизлар, келинлар тарбиясига ҳам ўзининг изини ўтказаётганига севинаман денг. Чунки аниқ-таниқ сезиб турибман, қизларимизни хонадонларда илми, меҳр-муруватли қилиб тарбиялаш билан бирга, удлик-шудликкина қилиб, сепликкина эмас, эпликкина қилиб ҳам тарбиялашга аҳамият беришяпти-да. Тўғри-да, келин болам, «Косов узун бўлса, қўл куймайди!» деганлар.

Қаёқдаги гапларни топасиз-а ойижон, деманг болам. Билиб гапираяпман.

Бизнинг ёшлигимизда, яъни ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида сал бошқачароқ эди. У вақтларда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тиклашга кўпроқ аҳамият бериларди. Қизларнинг «ўқиб олиши», бир ишнинг бошини





тутиши, «ўз кунини ўзи кўриб кетишга қурби етиши» кабилар ҳамма нарсалардан устун эди. Мен ҳам шуларнинг биттаси эдим-да, келин болам. Агар дарс тайёрлаётган бўлсам, уйда энг зарур иш бўлса ҳам безовта қилишмасди. «Бошига тушса, ўрганиб кетади», дейишарди-да. Натижада, биз тенгиларнинг кўпи «типпа-тикроқ», яъни уй юмушларига уқувсизроқ бўлиб ўсдик. Тўғри, кўпимиз иш жойимизда яхши инженер, ўқитувчи, доктор, хуллас жуда яхши ходим бўлдик. Ўша йилларда кўплаб фан докторлари, фан номзодлари етишиб чикди. Хотин-қизлардан кўплаб раҳбар ходимлар тайинланди. Аммо мен сизга айтсам, кўпимиз оилада панд бериб қўйдик. Кўлимизда кўша-қўша диплом бўлгани билан, уйда оддий овқатларни пиширишни, тезу соз уй йиғиштиришни, меҳмонни яхши кутишни билмайдиганларимиз кўп эди. Мен ўзим ҳам, ҳозир сизга ўргатаётган ишларнинг ҳаммасини бувингиздан ўрганганман-да, келин болам! Яхшиям, бувингиз кўп сиримни ошкор қилмадилар. Ўзлари, катта опоқингиз билан биргаликда секин-секин мастава пиширишдан тортиб, норин қоришгача ўргатишди. Менингу сирим четга чиқмади, аммо айрим дугоналарим уйида анча гап-сўзлар, борди-келдилар бўлиб ўтди. Айримлари болалари билан ҳам ажралиб кетишди. Худонинг ўзи асрасин, шундай бўлишдан. Ўзимдан ўтганини ўзим билиб, эрингизнинг, қайнингиз, қайинсинглингизнинг қўлига «узунроқ косов беришга», яъни уй юмушларига эрта солишга ҳаракат қилдим. Ҳали кичкиналик вақтиданоқ қайинсинглингиз эшикдан кирган киши ечган оёқ кийимини текис қилиб қўйишни, ифлоси бўлса ювиб, чангини артиб қўйишни билди. Буни менга бувингиз келин ёшимда ўргатган эдилар.

Мақтабга чиққанидан сўнг уларни секин-секин ошхонага кўниктирдим. Қизим ҳам, ўғилларим ҳам биргаликда овқат пиширардик. Хамир овқат қиладиган куним, ҳаммалиги баробар манти тугишар, чучвара тугишар, лағмон чўзишарди. Каттароқ бўлгани сари ишни тақсимлаб берадиган бўлдим. Бирига бир кун уй тозалашни буюрсам, бошқасига овқат қилишни, учинчисига ҳовлига қараб қўйишни айтардим. Тез-тез вазифасини алмаштириб турардим. Бир хил иш қилаверса, одам, айниқса болалар тез зерикиб қолади-да. Аммо қай бирлари қандай бажаришаётганини, албатта, текшириб турардим. Кўпроқ қийналаётган ёки эпини келтиролмаётганининг ёнида бўлардим.

Ҳаммаси ҳам уй ишини роса эплаб кетгандан кейин ишни тақсим қилмайдиган бўлдим. Ўзлари келишиб олишадиган, билиб-билиб бажарадиган бўлишди. Айни пайтда уччалоғи ҳам олий мактаблар дипломига эга.

Бир йили десангиз, оғриб касалхонага тушиб қолдим. Қа-йинсинглингиз ўн икки яшар қиз эди. Бир куни Эркин акангиз иссиқ сомса кўтариб бориб қолди. Олий мактабнинг энди биринчи курсида ўқирди. Келманглар, десам ҳам кунда бо-ришади. Эркин акангиз сомсани очиб, палатадошларимни ҳам таклиф қилди, ўзи бизга чой дамлагани чиқиб кетди. Қара-сам, хонадонда тайёрланадиган сомса. Худди ўзим пишира-диган сомсага ўхшаб кетган. Юзига мурч ҳам сепилган. Ов-синларим ёки опаларим келишган бўлса, пишириб беришиб-ди-да, деб ўйладим.

Чой дамлаб келган ўғлим сомсани қизим қилганини, ҳамма одатдагидек қарашиб юборишганини айтди. Кўнглим бир ғалати бўлиб кетди. Мен касал бўлиб, қизим бечора ҳали ўн иккига ҳам тўлмай, уй ишига шўнғибди-да...

– Мактабида имтиҳонсиз синфдан синфга кўчди. Ойимга бир иссиқ сомса қилайлик деб, ҳаммамизни барвақт уйғотди. Ҳатто адам ҳам қарашдилар. Кейин ҳаммамиз нонуштада, худди сиз борингиздагидек иссиқ сомса едик. Адам ишга кет-дилар. Қизингиз ҳам келаётган эди, «адам тушликка чиқиб қолсалар, уй ивирсиб ётмасин, йиғиштириб ола қолай, ойим-ларни кўргани кечқурун бораман», деди.

Болаларимнинг ўқишни ҳам, уйни ҳам эплаб ўтирганига севиндим. Лекин барибир кичкина қизда. Кўнглим хавотирга тўлди.

– Сомса жуда ширин бўлибди. Ойим жуда хурсанд бўлди-лар, деб айтиб қўй синглингга! Эҳтиёт бўлинглар, овқат қила-ётганда қўл-юзига қизиган ёғ сачрамасин. Пиёз-гўштни ўзинг солиб берсанг ҳам майлига, болажоним, – деб тайинладим Эр-кин акангизга.

– Хавотир бўлманг, ойижон, – деди у, – навбатчиликни қатъ-ий қилиб қўйганмиз. Овқатни ҳам ўргатганингиздек галма-гал қиламиз. Уйни кунда йиғиштираяпмиз. Сизнинг ўрнин-гизга Нозима ҳаммамизни текшириб турибди, – деб кулди Эркин акангиз.

Ўша куни кечқурун Нодир акангиз дамлаган ошдан олиб боришди. Кўнглим анча хотиржам бўлди.



– Қўл-кўзи дард кўрмасин болаларингизнинг! Уларни вақтида уй юмушига солиб, жуда тўғри қилибсиз, синглим! – дейишди палатадошлар ҳам. – Бундайлар бошига тушганда ҳам, бир хонадоннинг келини бўлганда ҳам панд беришмайди.

– Ҳа, нимасини айтасиз, «Косов узун бўлса, қўл куймайди», деб шуни айтишади-да, – қўшилишди бошқалари.

Шу десангиз, келин болам, бирам севиниб кетдимки. Оналарга болалари раҳмат келтирса, болалари тўғрисида яхши гап эшитса, хуш ёқаркан!

Ойим нега булар тўғрисида гапириб қолдилар, деб ўтириб-сизми, айланай келин болам? Ҳозир шу ёққа келаётганимда кўчанинг бошида икки-уч қўшни аёллар тўпланишиб, бозор иқтисодиётдан, қимматчиликдан гапиришаётган экан. Бирининг келини қўшни дугонаси, худди ўзи каби келинга бир тоғора лозиманда – анув «Капалак» деган пирог бор-ку, шундан буюрибди. Қайнона бўлмиш хуноб – хизмат ҳақини қўшганда фалон пулга тушибди. Одам қилган ишни одам қила олмайдими, келин болам? Наҳотки ўша келиннинг ўзи шуни пишира олмаса? Билмаса, ўргансин! Ҳай, жон келин болам, бу менинг гапим эмас, қайнонасининг қўшниларга айтаётганини қайтараяпман холос!

Элнинг гапини элақда тутиб бўлмайди. Эртами-кечми келин қайнонасининг гапини эшитади. Қарабсизки «Кўни-қўшнига чиқиб, ёмонлаган қайнонам!» лапар бошланади. Худо асрасин!

Уларнинг гапини эшитдим-у, бир хаёлга бордим: шундай пишириқларга уста келинлар маҳалламизда бошқаларга ҳам ўргатишсин. Маҳалла хотин-қизлар сардори борку – Лобархон, ўшанга ҳам учрашиб келдим. Жуда яхши бўлади, дейишди. Сиздан ҳам илтимос қилишса, йўқ, деманг, келин болам, савоб бўлади. Билганингизни ўргатинг.

Ана шунақа ўйлар билан келаётсам, эшигингизни Комронбек билан Жавоҳирбек очишди. Пилдиллаб Ойзодангиз келди. Шу десангиз, мана келгунингизча дастурхон ёзиб, кўрпача солиб, чой беришиб ўтиришибди. Ойзодангиз туфлимни тўғри-лаб, бир парча духоба билан артиб қўйди. Ўргатиб, яхши қилибсиз, келин болам. Ўзларига лойиқ-лойиқ иш топиб, ишга солаверинг. Вой, ўзим қоқиндиқ бўйларингга, болажонларим!

**«ҲУСН – ТҶЙДА КЕРАК, АҚЛ – ҲАР КУНИ...»**

**Келин:** – Худо мени гўзал қилиб яратганида, ҳеч ҳам армоним бўлмасди! Ҳамма менга маҳлиё қарарди, эрим оғзимдан чиққанини муҳайё қиларди, кўчада одамлар анграи-и-иб қолганини кўриб, яйраб-яйраб юрардим...

**Қайнона:** – Оҳ, келин болам-а, ёш бўлмасангиз шундай дермидингиз? Нима, ҳусн қаймоқ ёки мураббомидики, унга нон ботириб есанг! Ўша сиз айтган «маҳлиё боқишлар», «анграиб қолишлар» бир сонияли! Кўздан йўқолдингиз, унутилдингиз деяверинг.

Аслида одамга баҳо беришда киши хотирасида «яхши одам экан», деган нарса узоқ қолади. Бундайларни кўрмасанг ҳам интиласан, суҳбатини олгинг келаверади, кўнглинг ёришиб кетади.

Киши ёшлигида сизга ўхшаб «Оламни гўзаллик қутқаради!», «Чиройли одам – кучли одам, унинг қўли ҳар нарсага етади! У нима иш қилмасин, ҳамма кечиради», деб ўйлайди. Ҳатто ёшлар ўз мезон, меъёр, идеалларини ошкора қилишдан ҳам уялишмайди. Яқинда газетада шундай эълон ўқигандим: «23 ёшли қомати келишган барно йигит 17 ёшдан ошмаган, оёқлари келишган чиройли қизга уйланишни истайди. Манзилим...». Бунинг ёшларга ёмон таъсири шундаки, газетада шундай эълон ўқиган қизларнинг кўпи ойна олдига югуриб боради: «Чиройлиманми? Оёғим келишганми?» Ўзини биладиган, эслиҳушли қизлар бу эълонга кулиб кетаверишлари мумкин. Аммо, афсуски, келин болам, бундайлар жуда озда. Ҳалиги ойнанинг олдига югуриб борганлар эса ҳақиқий «чирой» ва «келишган» тушунчалари ўзи нималигини англаб етмасдан турибоқ ўз ҳуснига, демакки аввало ўзига ишончсизлик пайдо бўлади. «Ойи, мени нега чиройли қилиб турмагансиз-а!» Бу саволни эшитган, дунё ва ўзи ҳақидаги тушунчалари ҳар хил бўлган оналарнинг бири саволга жавобан кулибгина қўяди, иккинчиси эса қўл остидаги нарсани қизига қараб отади: «Мана сенга чирой, мана сенга ҳусн! Сен кимдан ибрат олаяпсан? Кимга тортаяпсан ўзи?!»

Ҳаётнинг мезони, бахтибекамликнинг асоси фақат ва фақат чиройдир, деб биладиган қизлар янглишадилар, ҳаётда кейин кўп қийинчиликка дуч келадилар. Руҳий тушкунлик, мутғасил нолишлар, маъюслик ботқоғига ботишлар кўпинча,



шундай қарашини ўзгартирмаган қизларда бўлади. Негаки, чирой менимча – бу ташқи жисмоний сифатлар эмас. Агар аёл бахтиёр бўлса, тўлиқ оилада (яъни оталик, оналик, бува – бувилик оилада) тарбия топиб, ўзига ишонса, ҳаракатлари эзгу ва дадил бўлса, ишончим комилки, бундай аёл тезда дилбар аёл номини топади. Демак, келин болам, чирой кўпроқ кишининг (аёлнинг) ўзига муносабатида, ўзига талабчанлигида яширинган дейиш мумкин. Яъни ҳаётга нечоғли дадил кириб борганига, ўзини бахтли бўлишга қай даражада тайёрлаганига, ўзлигини нечоғли дилбар ва фидойижон қилиб кўрсатишга тайёрлигига боғлиқдир.

**Келин:** – Ўзини фидойижон, дилбар қилиб кўрсатиш нима, ойижон?

**Қайнона:** – Илгариги гўзаллик мезонлари ҳозир анча ўзгарган. Илгарилари «гўзал», «чиройли» деб, ҳақиқатда гўзал юзюю қомати баркамол, келишганларни айтиларди. Ҳозир косметиканинг шундай хиллари чиқиб кетганки, уларни ақл билан, дид билан ишлатилса ҳар қандай кўз, бурун, юзни анча келишимли, ҳатто чиройли ҳам қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу кўпчиликка сир эмас. Балки шунинг учун ҳам гўзаллик, чиройлилик тушунчаларининг мезони ўзгаргандир. Чиройли пардоз ортига яшириниб олди ҳақиқий ҳусн! Балки шунинг учун ҳам ҳозир, ҳали айтганимдай, гўзал, чиройли деганда кўпроқ ички мазмунга, яъни аёлнинг ўзлигини нечоғли дилбар қилиб кўрсата олишига қараб баҳо берилади.

Аёл – Момо Ҳаво аслида эркак – Одам Атонинг ёрдамчиси сифатида яратилган, дердилар бувим раҳматли. Одам Атога яратмоқлик, бунёдкор бўлишлик буюрилган экан. Аёл эса унинг ҳамроҳи, маҳбубаси холос. Бувим, қизлар шунга кўникиши, эрнинг чизган чизигидан чиқмаслиги керак, дердилар. Агар аёл аталмиш қадриятига бувим мезонлари билан баҳо бериладиган бўлса, демак, биринчи навбатда, унинг ўз эрининг қандай маҳбубаси сифатида, қандай маслаҳатчиси ва болаларининг нечоғли меҳрибон онасилигига қараб баҳо бериш керак.

**Келин:** – Вой, ойижон, унда аёлнинг эри билан тенг ҳуқуқчилиги қайда қолди? Сизнинг гапингизга қараганда, аёлларга баҳо бериш мезонларини эркаклар яратар экан-да. Ўзи уларга нима ёқишини ҳеч ҳам олдиндан билиб бўлмаса! Дидларининг тайини йўқ. Помидор полизининг қўриқчисидек қоқсуяк, баланд бўйли бир дугонам бор эди. Оёқлари тарашадек



текис. Бировнинг устидан кулиш, айтганингиздек, гуноҳ-ку, лекин шу қизга ҳам эр чиқармикин, дердик. Тавба, кейинги ҳафтада тўйи бўлармиш. Бир йигит икки йилдан бери орқасидан сарғайиб юрган экан. Писмиқ дугонамиз бизга айтмабди ҳам. Бодринг тузлайдиган бочкадек дум-думалоқ бошқа бир дугонамизнинг ўтган йили тўйи бўлганди. Куни кеча ўғиллик бўлди. Эри нукул «дўмбоққинам!» – деб суярмиш. Бечора илгаригагидек озишнинг ташвишини қилмай қўйибди. Бундай қарасанг, ҳамма ҳуқуқ эркакларда-ю, аёлларга яхши хотин, садоқатли маҳбуба, болаларининг меҳрибон онаси сифатларига қараб баҳо берилади, дейсиз-а. Худога нима ёзибди, қиз бўлиб туғилганлар?!

**Қайнона:** – Ҳай-ҳай, қизишманг, келин болам! Сал мулоҳаза қилсангиз, оқила ва дилбар аёллар аслида «давлатни бошқараётган» эрларини киши билмас бошқараётганларини тушуниб оласиз.

**Келин:** – Қандай қилиб, ойижон? Ахир сиз аёлни ҳеч нарсага, нолга тенглаштириб қўйдингиз-ку! Яна ўзингиз ҳам аёлсиз-а...

**Қайнона:** – Қизишманг, деяпман-ку, келин болам! Тўғри айтдингиз, аёл ҳуснига баҳо бериш, дўмбоққиними, қилтириққиними ёқтириш, танлаш – эркакларнинг иши, эркакларнинг ҳуқуқи. Куёв қидириб, ўзига ёққанини ахтариб совчиликка юрган қиз томонни ҳали ҳеч кўрганим йўқ. Аммо шу ҳукмдор эркакларни аёллар бошқаришини унутманг. Қаердадир «оқила, донишманд бувижонлар уйда ўтирганларича давлатни бошқарадилар», деб ўқигандим. Кўчма маънода айtilган бўлса ҳам бу жуда тўғри гап. Жуда топиб айтган, ким айтган бўлса ҳам. Негаки, аёл эркакнинг ҳолатини бошқаради. Оила мувозанатининг жиловни аёллар қўлидадир. Фақат, келин болам, бу бошқарув ғоят назокат билан, одоб билан, эркакнинг ғурурини эгмаган ҳолда ва унинг ўзига сездирилмай олиб борилади. Одам Атодан бери шундай бўлиб келган, келин болам!

**Келин:** – Билмайсизми, ҳозир юмшоқлик, назокат, андишалилик модада эмас-да, ойижон!

**Қайнона:** – Тўғри айтдингиз, улар ўрнини ақл, билимдонлик, уддабуронлик, боя мен айтганимдай, ўзлигини кўрсата билишлик эгаллаган. Ойнанинг олдида узоқ-узоқ ўлтириб, ўзига-ўзи «мен қандай гўзалман-а!» деган қизларнинг бу ме-



зонларга тушолмай қийналишини кўрсангиз! Улар қомат фақат ва фақат шакл эканлигини, унга мазмун берилиши кераклигини англаб етишмайди-да. Шаклга лобар, оқила, билимдонлик мазмунини кирита олганлар ва ўзларини фидойижон қилиб кўрсатганларгина ўзини дилбар қилиб танитишади.

**Келин:** – Ҳо, сизга қолса, «Тошкент маликаси», «Самарқанд маликаси», «Ўзбекистон маликаси» конкурслари бўлмағур тадбирлар экан-да? Ахир улар қанчадан-қанча гўзалларни излаб топишади, дунёга танитишади-ку.

**Қайнона:** – Мен бундай тадбирларни аслида қўлдамасам ҳам, лекин маълум даражада фойдаси борлигини ҳам тан оламан, келин болам. Биринчи яхши томони бизда ҳам халқаро мезон, ўлчовларга жавоб берадиган гўзалларнинг борлигини намойиш этишяпти улар. Лекин шарқ, ўзбек қизлари учун гўзаллик мезони Одам Атодан бери ҳаё, назокат, ибo, маъсумалик ичра яширинган ғурур билан камтаринлик бўлиб келган. Қайси ғурурли, камтарин қиз саҳнага чиқиб, ўз қоматини кўз-кўз қилади?! Ана шуниси менга ҳеч сингишмайди. Ғурурли, камтарин қизлар, мен сизга айтсам, совчи кутиб уйда ўтиради, ота-онасини ҳурмат қилади, ўзини келажак турмушга, аёл ва она бўлишга тайёрлайди. Бахтини маҳкам ушлашга ҳаракат қилади. Лекин совет тузуми даврида мактабда ўғил болаларни ҳақиқий эркак бўлишга, қизларни эса том маънода ўз уйининг фариштаси бўлишга ўқитишмагани бир сари, уларни «башарият келажакнинг қурувчи»си қилиб тарбиялашгани учун бу анъаналар унут бўлиб кетди. Минг шукрки, мана энди момоларимиз, оналаримизнинг изни қайтиб келяпти.

**Келин:** – Пахмоқ қизнинг бахтини берсин! – деб ўтириш экан-да.

**Қайнона:** – Нега, келин болам? «Сочи узуннинг ақли калта бўлади», деб сизга ким айтди? Тарихда ҳам юртни бошқарган гўзал, уддабурон аёллар кўп бўлган. Тўмарис ҳақида, Нодирабегим ҳақида эшитгансиз. Замонамизнинг донишманд шoirаси Зулфиябегим билан кўп йиллар бирга ишлаганман. Ўз ақли, ёниқ эҳтироси, чуқур шеърлари билан оламга танилганлар. У кишида ҳусн билан ақлнинг баркамол уйғунлигидан кўп кишилар лол бўлганлигининг шоҳидиман. Ҳа, келин болам, ҳусн билан ақл, шакл билан мазмун уйғун бўлганга нима етсин! Ҳали худо ҳамма нарсани ҳам тўла-тўкис беравермайди,

дейишади. Беради! Ана шу берганини асраб-авайлаб, мазмунини бойитиб бориш керак. Аёл ўзлигини шундай намоён қилади, дилбар номини олади. Оқила аёллар аёл қанчалик гўзал бўлмасин, агар унда бошқаларни ўзига тортиб турувчи нур бўлмаса, эртами-кечми «хунукка» чиқиб қолишларини яхши биладилар. Бу – табиат қонуни. Шундан асрасин, келин болам! Чунки атрофдагилар шакл билан эмас, мазмун билан муносабатда бўладилар. «Хусн тўйда керак, ақл – ҳар кун», деб шунга айтишса керак-да. Чиройлиларга ҳавасингиз келибди, нурлиларга ҳам эргашинг, келин болам!

### ЗИЁЛИ – ҚАЛБИ НУРЛИ ДЕГАНИ

Агар мен бугун суҳбатини тинглаган қизларнинг бири сизнинг дугонангиз эканини билмаганимда, балки бу мавзуда сўз юритмасдим, келин болам!

Хабарингиз бор: эрталаб ўзим кўп йиллар ишлаган идорага бир маслаҳатли иш билан чақиришган эди. Бекатда троллейбус кутиб турсам, метродан икки қиз алланарсаларни суҳбатлашиб чиқиб келишди. Уларнинг бири – дугонангиз Барнохон эди. Уйимизга уч-тўрт марта келган, бирга дарс тайёрлар эдинглар. Мана шу дастурхонда ўтириб чой ичганмиз... Унинг нимадандир жаҳди чиққан экан шекилли, мени ё танимади ёки танимаганга олди. Хуллас салом ҳам бермади.

– Ота-онаси зиёли бўлса, ўзи фалон институтни битирган бўлса, тегиб кетаверишим керак эканда! Йиғиштиринглар, дедим. Бир куним энди ойликдан ойликкача мўлтираб ўтиришмиди? Зиёлининг топгани нима бўларди? Оиласини боқишга ҳам етмайди. Яхши кийинишни-ку қўявер! – дугонангиз лаби-лабига тегмай бидилларди.

Бир кўнглим тўхтатай дедим. Яна Холисхоннинг қайнонаси ҳар нарсага аралаша берар экан, демасин дедим. Аммо дугонангиз қаттиқ янглишибди, ўз бахтига зомин бўлиб қолмасайди. Нега дейсизми? Негаки, зиёли дегани – қалби нурли дегани, келин болам. Қалби нурга тўлиқлар эса ҳеч қайси замонда хор бўлмаган. Чунки одамзод нурсиз яшай олмайди.

Жамиятимиздаги шиддатли ўзгаришлар туфайли йўқ ердан айрим «бойваччалар» пайдо бўлгани рост. Лекин булар жамиятнинг тарихи, маданияти, маънавиятини кўз-кўз қиладиган зиёлилар ўрнини боса олмайди!





Донишмандларнинг ҳикматли гаплари зиёли кишилар хотирасида қолиб, авлоддан-авлодга ўтади. Оддий бир мисол: қадимий китобларнинг бирида «ўз падаринг ва волидангни эъзозла, умринг узоқ бўлгувсидир», деб ёзилган. Узоқ умр кўришни, саодатли ҳаёт кечиришни орзу қилган одам буни билиши керак. Қалби бу ҳикмат билан нурланган бўлиши, ўзи шу ҳикматга амал қилиши керак. Бу вазифани зиёлилар бажаради.

Узоқ умр, саодатли ҳаёт деб бежиз айтаётганим йўқ. Зеро, зиёлилик маънавий, ахлоқий саломатлик дегани-ку, келин болам. Саломатлик эса ҳамиша фақат жисмоний эмас, онгли узоқ умр кўришнинг ҳам гаровидир, деб қадимгилар кўп айтишган.

Маърифат тарқатадиган, ҳамиша том маънодаги зиёлилар билан гавжум бўлган идорада қирқ йилдан ортиқ ишлаганим учунми дугонангизнинг зиёлилар ҳақидаги гапи менга ёмон таъсир қилди. Йўқ, мени ҳақоратлагандек бўлгани учун эмас, келин болам, асло ундай эмас. Эрта-индин сиз билан бирга олий маълумотли дипломини қўлига оладиган, қай бир даврага кириб адабиёт, халқнинг эзгу қадриятларидан ваъз айтadиган мутахассиснинг «зиёли» тушунчасини англашдан узоқлиги таъбимни хира қилди. Чин зиёли кимлигини шунча китоб ўқиб ҳам дугонангиз ҳали билмабди.

Балки сиз ҳам худди дугонангизга ўхшаб ва яна кўплар ўйлаганидек, кўп ўқиган, олий маълумотли, кўп саёҳатларда бўлган, жаҳонгашта, бир неча тилларни билган кишини зиёли деб айтилади, деб ўйларсиз? Мана шу фазилатларнинг ҳаммасига эга бўла туриб, зиёлиликдан узоқ бўлиш мумкинлигига бугун дугонангизнинг ўзи яққол мисол бўлди. Лекин бу фазилатларнинг кўпига, масалан олий маълумотга эга бўлмаган кишиларнинг ич-ичидан зиёли одам бўлиши мумкинлигига мен кўплаб мисол келтиришим мумкин. Ҳаётимда олий маълумоти йўқ, умрида ўз қишлоғи, нари борса вилоят марказидан нарига ўтмаган, бирон марта самолётда учмаган кишиларнинг маънавий-маданий қадриятларимиздан таъсирланганини, билимга қизиқишини ва илмли кишиларни гоят эъзозлашини, тарихга қизиқишини кўп кўрганман. Бу оддий, дугонангиз тили билан айтганда «қишлоқи» кишиларнинг табиат чиройидан завқланганини, бошқа кишилар билан суҳбатлашганда одоб сақлай билганини, бошқаларни тушунишга



ҳаракатини, унга ёрдам беришга тайёрлигини кўриб ҳузур қилган пайтларим кўп бўлган. Очигини айтсам, уларда лоқайдлик йўқ, қўполлик йўқ, ўртоғингиз айтмоқчи – «юмшоқ супурги». Аммо охирги бурда нонини ҳам сиз билан бўлиб ейишга тайёр, охирги қўйини сўйиб бўлса ҳам, сизни сийлагиси келади.

Идорамизга ташриф буюрадиганларнинг чўнтаги қаппайиб юрганини билмайман, аммо кўзлари тўқ бўларди, биров бойиб кетса, ҳасад билан қайдан олдинг дейишмасди. Очигини айтсам, улар билан бугунги учрашувдан ҳам яйраб-йяраб келдим. Дугонангизнинг таъбимни хира қилгани ҳам тез ўтиб кетди.

Эътибор билан кузатдим, уларнинг ҳеч бири дугонангиз айтмоқчи «зўрға кун кечираётганларга» ўхшамасди. Наҳотки ўзини камтар тутиш, маданиятли мунозара юритиш, манмансирамасликни ҳозирги ёшлар «камбағал зиёлилар» табақасининг фазилати деб тушунишса?! Зиёлилик – ўз номи билан атрофга зиё таратиш, нур таратиш-ку, келин болам!

Сиз ёшларга қандай, билмадим-у, лекин менимча ўзини бойвачча қилиб кўрсатишга уриниш, манмансираш, атрофга қаҳр ва ғазаб билан қараш, ҳамма нарсага ўз пули ва мавқеини пеш қилавериш одамнинг маънавий ва руҳий заифлигининг, яшашга қобилиятсизлигининг, кўзидагина эмас, қалбида ҳам нур йўқлигининг белгисидир. Бир сўз билан айтганда, улар – қалби том битган одамлар.

Ҳали дугонангизни «ўз бахтига зомин бўлиб қолмасайди, афсус», дедим. Бу гапни бежиз айтмадим. Негаки, ўз қалбини нурлантиришдан қочибди у. Зиёдан қочган одам ўзгаларни тушунмайди, ҳаммани ёмон отликка чиқаради, ҳаммага қаҳри келади. Бундай одам ўта қашшоқдир. У ўзи кундан-кун қашшоқлашиб боргани бир сари, ўзгаларнинг ҳам тўғри яшашига ҳалал беради.

Бугун дугонангизнинг ғазабли юзига қараб туриб, исми Барно бўлса ҳам, унда чиройдан, нафосатдан асар йўқлигини кўрдим. Ғазабли, ҳамиша нолиб, дунёдаги ҳамма нарса фақат меники деб яшайдиганларда чирой ҳам, назокат ҳам бўлмайди деганлари рост экан.

Шу қизнинг бир жойга боришини, бир хонадоннинг келини бўлишини тасаввур қилишга ҳаракат қилдим. Ростини айтсам, қанча ҳаракат қилмай, унинг атрофидагилар учун, де-



макки аввало ўзи учун «эзгулик муҳити»ни ярата олишига кузим етмади. Бундайлар тўйнинг эртасигаёқ талаб қилишни бошласа керак. Кунда эр ишдан қайтаётганида унга зеб-зийнат, кийим-кечак олиб келиши керак, бўлмаса у нима учун эр? Талаблари кун сайин ўсиб боради, кўзи тобора очиқиб боради, табиийки, эр ҳам, атрофдагилар ҳам буни кўп ўтмай тушунишади, тенгини топмаганига афсусланишади. Қизнинг ўзи ҳам миясига «жойига тушмадим» деган кўрсатмани сингдириб олади, бутун ҳаракати-ю муомаласи шундан келиб чиқади.

Қисқасини айтсам, келин болам, бундай хонадонда «эзгулик муҳити»дан асар ҳам бўлмайди. Ҳолбуки, биз қиз, келин, она бўлганимиз учун ҳам биринчи вазифамиз атрофимизда шундай муҳитни яратишдир. Кўзи ва қалби зиёга тўлиқлар, нурга тўлиқларгина бунга қодирдирлар.

### ҚАЛБИНГГА ҚУЛОҚ СОЛ

- Менга қулоқ солинг!
- Гапимни эшитинг!
- Сен аввал мени тушунгин!
- Гапимга қулоқ сол!

Диққат қилсангиз, бунга ўхшаш қалб нидосини кунда неча марталаб эшитишга тўғри келади-а? Ўзбекларда яна «Келинг, бир отамлашайлик!» деган гап ҳам бор. Бу – «Келинг, суҳбатлашайлик, бир дардлашайлик», деганидир, келин болам!

Одам борки, ҳамиша «дардлашиш»га, ўзини тинглай биладиган, тушуна биладиган кишиларга муҳтож. Ахир унинг «Мени эшитгин» дегани – «Мени тушунгин» дегани-да.

Қаранг-а, бир қарашда қаршингда турган кишини эшитишдан осон нарса йўққа ўхшайди. Аслида-чи? Аслида бировни эшита билиш ҳам бир санъат! Йўқ-йўқ, мен «текин қулоқ» вазифасини ўташни айтаётганим йўқ. Қулоқ сола биладиган одам деб, сўз айтгувчининг фикри изнига туша биладиган одамга айтилади.

Бировни эшита билиш одамийликнинг, юксак маданиятнинг, кишининг аввало ўзини англаши ва бировга англата билишининг ёрқин белгисидир.

Бировни эшита билиш ҳам санъат дедим-а, келин болам? Билсангиз, бу анчагина мушкул санъат ҳам. Тўғрироғи, бу

санъатни эгаллаш, бир умрлик кўникма ҳосил қилиш анча мушкул. Ҳозирги даврда катта авлод кишиларининг қулоғига анча қийин ўрнашаётган бизнес мактабларида, жамиятни бошқарадиган идораларга ходимлар етиштириб берадиган илм масканларида бу санъатни анча қунт ва сабот билан ўргатишяпти дейишади. Инсонларнинг бир-бири билан мулоқотига бағишланган адабиёт борки, уларнинг ҳаммасида ҳамсухбатни эшита билиш ҳақида анча мухтасар сўз юритилади. Чет мамлакатларга бориб ўқиб келаётган тенгдошларингиз билан бу хусусда гаплашиб кўринг, улар албатта олган сабоқларининг талай соатлари кишилар билан тўғри мулоқот қилиш, ҳамсухбатини тинглашга ўрганишга бағишланганини айтишадди. Нега?

Негаки, олимларнинг айтишига қараганда, жамият ва касбкорнинг илгари силжишига кўмак берадиган ажойиб ғояларнинг тўқсон тўққиз фоизи кишиларнинг бир-бири билан мулоқоти маҳсули ўлароқ дунёга келаркан. Ажабо, олимларнинг шу фикрини ўқиганимда, ижодда ҳам худди шундай-ку, деган гап хаёлимга келади. Устозимиз Зулфия бегим муттасил: «Фикр – фикр уйғотади. Жим турманг! Ўқинг, одамлар билан суҳбатлашинг, дардлашинг!» деб шогирдларига тайинлар эдилар. Шунинг учун ҳам у кишининг ижод бисотлари ҳеч қачон ҳувиллагани йўқ. Мия ҳужайраларининг мунтазам тўлдирилиб турилиши, юрак умрнинг ҳар сониясидан ҳаяжон туйиши оқибати мисралари чуқур фалсафага тўлиқ, ўлмас шеърлар бунёд бўлди.

Сезаяпсизми, миянинг тўлиши, юракнинг ҳаяжонга тушиши, томирларга ҳаётбахш қон етказиб бериши учун ҳам хоҳ бевосита (суҳбат), хоҳ билвосита (ўқиш) тарзидаги мулоқот керак экан одамга!

Талабалик йилларимизда домламининг таниқли ёзувчи Бернард Шоунинг бир ҳикмат-ҳазилини айтиб бергани ёдимга тушди: «Агар биттадан олмага эга бўлган икки киши бир-бири билан шу олмани алмашса, оқибат ҳар иккиси ҳам бояги-боягидек биттадан олмага эга бўлиб қолаверади. Борди-ю, улар фикр алмашса, оқибат ҳар иккови ҳам кам деганда иккитадан ғояга эга бўлади».

Англадингизми, келин болам, ўз ишини йўлга қўйишни истаган, оёққа туриб олишни хоҳлаган ёшлар учун бунинг англаш нақадар зарур! Ахир бу аввало ўз атрофидаги кишиларни



билиш, улар фикри, ғоясини билиш демакдир. Бу биринчи навбатда, уларни тинглай билишни ўрганиш керак, бошқани тинглаш одобини эгаллаш керак, деганидир.

Бировга қулоқ сола билиш, бировни тушуниш осонми, деб сўраяпсиз? Йўқ албатта, ўзгаларнинг фикрини англаш, тушуниш инсон учун энг мураккаб жараёндир. Вақти келса, одам ўзини ўзи тушуна олмайди, қалбининг туб-тубига мўралашдан қўрқади! Демак, ўзгаларни англаш ундан-да жуда қийин!

Шарқ одобномаси ҳаммамизни бундай катта маданиятга, боринги юқорида айтганимиздек – санъатга кичик ёшимизданоқ ўргатиб келганини унутмайлик. Оддий мисол: уйимизга меҳмон келса, севинамиз. Дастурхон атрофида кўпроқ келгувчига, меҳмонга сўз берилади. Кўпроқ уни тингланади. Катталар гапираётганида уларнинг гапини бўлиш одобдан эмаслигини ёшлигимиздан биламиз.

Буларнинг ҳаммаси бировни тинглаш кўникмаси бизга ёшлигимиздан сингдириб борилганидан далолатдир. Бу кўникмаларни санъат даражасигача кўтариш ўз қўлимиздандир. Албатта, вазифа ҳам, қоидалар ҳам тобора мураккаблашиб боради. Чунки биз энди вазифаси катталарнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтиришдангина иборат бўлган ёш бола эмасмиз. Бизнинг ҳам ўз қарашимиз, меҳримиз ва қаҳримиз, ўз феълимиз ва ўз майлимиз бор.

Қоидалар деб бежиз айтаётганим йўқ. Узоқ муддат нашриётда муҳаррир бўлиб ишлашим жараёнида, кўрганим, кузатувларимдан бировни тинглашни, эшита билишни, бировни тушунишни истаган одам бир неча қоидага оғишмай риоя қилиши керак, деган хулосага келдим. Бу қоидаларни сизга ўхшаган келинчаклар, уй бекаларидан тортиб раҳбарларгача билса ёмон бўлмайди.

Аввало киши суҳбатдошининг феъл-атвори ёки ўзини тутиши, кийиниши, бирон бир қилиғи ўзига ёқмаётган ёки ҳатто ғашини келтираётган бўлса ҳам, ўз шахсий қарашлари, дид ва майлларини тизгинлай билиши, суҳбатдошига яхшилик ишташга интилиши керак.

Иккинчидан, айтилаётган фикрнинг моҳиятини, асосий маъзини топиб олишга ҳаракат қилиш зарур. Бу кўпинча осон кўчмайди. Айниқса, суҳбатдошингизнинг касби сизнинг касбингиздан, қарашлари сизнинг оламингиздан узоқ бўлса, унинг сўзлари ўз касби атамаларига тўлиқ бўлса, ниҳоятда



босиқлик билан тушунмаганларингизнинг тагига етишга ҳаракат қилинг. Бу бир томондан, сизни бойитса, иккинчи томондан, суҳбатдошингизни тез тушуниб оласиз ва унинг қалбида ўзингизга нисбатан ҳурмат уйғотасиз.

Суҳбатдошингиз айтаётган гаплар ичида ҳақиқий факт (реал ҳодиса) қайси-ю, унинг ўз фикри-баҳоси қайсилигини ажратиб ола билиш ҳам керак. Бу жуда мушкул, лекин жуда зарур иш. Одатда, факт сўзлагувчининг мулоҳазаси, қараш, баҳосига ўраб, чирмалган бўлади. Сўзлагувчи айтилаётган фикр ичида юргани, «яшагани» учун унда факт билан мулоҳаза, қараш, баҳо уйғунлашиб кетган бўлади. Унинг ўзи буларнинг ҳаммасини факт ўрнида кўришга ўрганиб қолади.

Муҳим қоидалардан яна биттаси – хулоса чиқаришга шовилмаслик керак. Агар суҳбатдошингиз сўзида хоҳ бевосита, хоҳ билвосита сизга алоқадор танқидий фикр бўлса, ўзингизни босиб турунг. Агар жаҳлингиз чиқишига, ғазабингизнинг туғён уришига йўл берсангиз, сиз ҳеч қачон суҳбатдошингизни тўғри тушуна олмайсиз.

Сиз одамларни нечоғли диққат билан, олижаноблик ва санимийат билан эшитсангиз, одамлар шунга қараб ўзларини ҳурмат қилишяптими ёки менсимаяптими – яққол билиб олишади. Ҳурмат қилишаётганини сезишса, ҳурмат билан, меҳр билан жавоб беришади. Менсимаётганингизни ҳис қилишган заҳоти, ичларида сиздан ихлослари қайтади.

Бу тинглаш санъатини эгаллашдаги машаққатлар тезда ўзининг самарасини кўрсатишидан далолатдир, келин болам.

Қадим донишмандлар айтган экан: агар турфа фикр бўлма-са, улар ичидан энг яхшисини ажратиб, танлаб олиш имкони ҳам бўлмайди. Ҳалиги олма ва фикр алмашиш ҳақидаги мисол эсингиздами? Бировни тинглай билиш санъатини эгаллашингиз, ўзингизнинг нечоғли одобли эканлигингизни кўрсатиш учунгина эмас. Турфа одамни тинглаб, қалбингиз турфа фикр билан бойиб боради. Одмингиз дадилроқ, аниқроқ, тўғрироқ бўлади. Иродангиз мустаҳкамроқ, изнингиз барқарорроқ бўлади.

Бировни эшита билган одамнинг душмани кам бўлади, келин болам! Тўғри-да, ўзингизнинг ҳақлигингни билиш, буни бошқаларга англатиш учун ана шу бошқаларни тинглай билишинг, ўз фикрингизнинг бошқалар қалбида қандай акс-садо бераётганини тарозига солиб, посонгизини тўғрилашинг ҳам керак.



Мени эшитинг, қалбимга қулоқ солинг, деган одам аввало бошқаларни тинглашга ўрганиши, бошқаларни англаши керак!

### ШУКР – ЯХШИЛИК ҲАМРОҲИ

Болангизнинг чеҳраси очиқ, бугундан тузала бошлайди, худо хоҳласа. Туни билан мижжа қоқмадингиз. Бирпас биз қарайлик деб, тунда хонангизга кирсам, кўнмадингиз. Ичингиз бола деб бир сидирилса, оқшом ҳам туз тотмадингиз, очликдан бир сидирилаётгандир. Болажон бўлсангиз, айланай. Мен нонуштангизни тайёрлаб қўйдим. Келинг, тойчоғимни менга беринг-чи, бир бағримга босиб утирай, сиз насибангизни еб олинг.

Ҳа, оналикни осон деб ким айтибди?

Бу аёл – онанинг дунёдаги энг муқаддас ва азалий бурчи – оналикка дахдорлиги учун бўлса керак. Ҳа, келин болам, оналикнинг мушкуллиги, қийинчилиги билан бирга буюклиги, муқаддаслиги ҳам борки, худди шу нарсаларни томирларида ҳис қилган аёлгина шу юксак туйғулар қудрати билан оналикнинг оғирлиги, мушкуллигини ҳам енгиб ўтади. Мана, сиз ҳам туни билан болани қўлингиздан қўймай, бир марта бўлса ҳам оҳ демадингиз. Дилингиздан шу туйғулар жой олгани учун ҳам шукр. Мен ҳам буларни неча бор бошдан кечирганман. Одамга шукроналик туйғуси ҳам ўзидан ўзи келмас экан.

Ҳаётимда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, аммо қудрати умримга татигулик дақиқалар нашидасини унутолмайман. Оилам, ишим, болаларим туфайли бошимга бир мушкул иш тушса, шу бахтли дақиқаларни эслайман, қаддим тикланиб, вужудимга туганмас куч, қалбимга фидойижонлик ато этилаётганини сезаман. Шу сониялар бахтини мендан дариф тутмаган Яратгувчига шукроналар айтаман.

Бу қандай сониялар дерсиз?

Биласизми, болам, тўнғичимни илк дафъа қўлимга олиб, унга кўкрагимни тутганимда буюк бир кашфни очдим – мен ўзимнинг кўҳна оламга дахдорлигимни, табиат билан уйғунлигимни, у билан муштарақлигимни ҳис этдим! Ана шу туйғу қалбимга ажиб бир улуғлик, буюкликни олиб кирди. Ўша лаҳзалардаёқ мен шу дақиқаларгача кечирганим: юраккинам остида бу сирли мавжудотни тўққиз ой кўтарганимдаги мушкулликларни ҳам, ҳали вужудимни тарк этмаган тўлғоқ азоб-

ларини ҳам унутишга тайёр эдим. Энг муҳими, шу сониялардан эътиборан шу пайтгача бўлган ҳаёт қийинчиликлари, турмуш икир-чикирлари, назаримда, пастда қолиб кетди, аҳамиятини буткул йўқотди. Улар қўлимдаги шу мурғак вужуд олдида жўн нарса бўлиб кўринди. Ўшандан бошлаб буюкликни ато этган Яратганга шукрим умрим давомида ҳамроҳим бўлди!

Мен ҳам бора-бора Оллоҳнинг инояти билан ўзим яратганим ана шу кичик вужуд учун ҳар нарсага қодирлигимни, унинг учун ўроқ ойга арғимчоқ солишга, юлдузлардан унга бир кучоқ териб беришга қодирлигимни, ҳамиша шунга тайёрлигимни ҳис қилдим. Ана шу туйғу алма бўлиб унинг қулоқларига кирди:

*Йигинг қалбим фигони, эркам,  
аллаё алла,  
Кулгинг лабим хандони, эркам,  
аллаё алла...*

Яна танимга, томиримга буюк қудрат ато этган Яратганга шукрим бир умрлик ҳамроҳим бўлди!

Яна шундай бахтли сония – туғуруқхонадан тантана билан олиб келганим ана шу янги меҳмон шарафига пойимизга ёзилган пояндоздан ўтиб борганимиз пайти рўй берди. Эзгулик рамзи ёзилган пояндоз кўзимга беҳад ҳаёт йўли бўлиб кўринди. Шу йўлда учрайдиган барча шодлик ва заҳматларни жигаргўшам билан бирга ўтишим кераклигини, оналик бурчи қанчалик мушкул бўлмасин, уни охиригача ўташга қодирлигимни ҳис қилдим. Ичимда шу оқ пояндозга ҳеч қачон доғ туширмасликка ҳаракат қилишга онт ичдим.

Шу буюк туйғу ва кечинмаларни ато этган Яратганга шукрим бир умрлик ҳамроҳим бўлди!

## **О, МАҲБУБАМ**

*(акс-садо)*

Ишонинг, киши ўз маҳбубаси (кечирасиз, «хотиним» дейиш кўполроқ туйилди) ҳақида ёзиши анча қийин экан. Аммо ёзмам ҳам бўлмайди. У ҳақида гапириб бермасдан туролмаслигимни аниқ билаяпман.





Ёшим йигирма тўртда. Киши бу ёшида маҳбубаси ҳақида нима ҳам дея оларди, дерсиз. Ўқиган китоблари, қурган кинолари таъсири остида ярим ёлгон, ярим тўқилган бир нима деса керак-да, деб ўйлаётгандирсиз. Ундай эмас. Охирги бир йил ичида бутун бир умрни яшаб ўтгандек ҳис қиляяпман ўзимни...

Ҳарбий хизматни ўтаб, институтни ҳам тугатдим. Бир йил аввал ойим уйлантириш тараддудига тушиб қолдилар. Ҳарна ёрдам бўлар деб, хизматдан сўнг ўқишни кечкига ўтказгандим. Кундузи ишлайман. Йўқ, завод ёки фабрикада эмас, бир хусусий фирманинг дўконида. Эрта кетаман, ярим тун қилиб қайтаман. Ўқиш ҳам баъзида чиллаки бўлиб кетади. Армияда чўлда бўлганим, кейин оч-наҳор юрганларим эвазига ошқозонимда яра пайдо бўлибди. Тўйдан бир ой ўтгач, биринчи бор қаттиқ оғриқни сездим. Учинчи хуружидан кейин врачларга мурожаат қилмасам бўлмади. Ётқизишди. Текширишди. Жарроҳлар аралашмаса бўлмайди дейишди. Ота-онам бағрида бўлса ҳам, уйда янги келин ёлғиз деб, аввалига рози бўлмадим. Аммо оғриқ зўрайиб борарди. Шунда биринчи марта дилимга ғулув аралашди, ваҳима босди: борди-ю (отини айтишга ҳам қўрқасан киши) рак бўлса-чи?! Ундай эмас, аммо ўн икки бармоқ ичақда ҳам яра бор дейишди. Оғриқнинг зўрлиги шундан экан. Хуллас операцияга рози бўлдим, кейин билсам, шундай розиликни маҳбубамдан ҳам, ота-онамдан ҳам олишибди. Демак, иш анча жиддий экан.

Маҳбубам ҳақида гапираман деб, ўз касалим ҳақида гапирётганимга ҳайрон бўлманг. Ҳақиқий жуфти ҳалолнинг, маҳбубанинг, умр йўлдошининг қандай бўлишини шу йигирма яшар Дилнурда кўриб билдим.

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейишарди. Ҳамма вақт ҳам шундай бўлмас экан. Мени касалхонага ётқизишгач, кўп ўтмай, «Эринг ўлади», деб онаси Дилнурни кўчириб олиб кетибди. Тўғрироғи, молини олиб кетибди, Дилнур эса бизникида, ўзи келин бўлиб тушган уйда, бироқ шип-шийдам хоналарда қолибди. Адам билан ойим хоналарни баҳоли қудрат тўлдиришибди. Ўқишга Дилнур шу уйдан қатнаб турибди. Буларнинг ҳаммасини мен анча кейин, ўзим юрадиган бўлганимда, уйга рухсат беришганида билдим.

Дардим оғирлигини, операция зарурлигини билганида Дилнурнинг ранги оқариб кетди. «Хушидан кетмаса эди!» деб ҳам қўрқдим. Қўлимдан келганича юпатишга ҳаракат қилдим.

– Ошқозоним кичикроқ, ичагим калтароқ бўлса ёмонми, камроқ овқат талаб қиламан, вассалом!– деб ҳазил ҳам қилиб кўрдим.

Дилнур ўзини мен кутгандан кўра тезроқ қўлга олди. Худди қари энагалардек ёнимдан ҳеч қаерга силжимасди. Ойим келиб зўрлаб ўқишига юборардилар. Яқиндагина Дилнур ичидагини очиқ айтди:

– Оғриқ зўридан, касаллик ваҳимасидан эсингиз оғиб қолмасайди, деб кўрқдим. Одам ёлғиз бўлса, миясига ҳар хил нарсалар келаверади-да...

Операциядан олдинги кунни Дилнурга агар уйига – ота-онасиникига бориб турса, қаршилигим йўқлигини, кейин келишини айтдим. «Кейин» бўладими-йўқми ўзим ҳам билмасдим.

– Аллоҳ Момо Ҳавони Одам Атога ҳамроҳ, маҳбуба, ёрдамчи қилиб яратган экан. Сизни асраш, авайлаш, парвариш қилиш – менинг бурчим. Никоҳимиздан кейин мен сиздан ўзга ҳаётни тасаввур қила олмайман. Пешонамизга шу дард, шу кўргиликлар ёзилаган экан, уларни биргаликда енгамиз... – Бу унинг яширин «Кетма!»ларимга жўнгина жавоби эди.

У мени бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмасди. Чамаси у менинг ўзим ҳам ёлғиз қолишдан кўрқаётганимни, тузалиб кетишимга ишонмаётганимни сезаётган эди.

– Ёмон нарсаларни хаёлингизга келтирманг. Ҳаммаси яхши бўлади, мени айтди дерсиз! Юрагим сезиб турибди, ҳаммаси яхши бўлади...

У йўқ пайтларда ўз дардим билан ўзим юзма-юз қолишдан кўрқардим. Бу ерда ҳамма нарса, ҳатто деворлар ҳам кишига дори ҳидини уфураётганга ўхшайди, тунларнинг тонги кўринмайди, қанча ҳаракат қилма, уйқу келмайди. Атрофдан оҳ-воҳ эшитилади, кимлардир ҳаёт билан видолашади... Жинни бўлиш ҳеч гап эмас...

Фақат қанийди кишида ҳеч бўлмаса ўлимнингни муносиб кутиб оладиган куч бўлса... Биров келиб, қўлингни кесиб олмаган ёки оёғингни бер, эвазига жонинг омон қолади, деса жон-жон деб берардим. Жоним омон қолса бўлгани. Фақат анча кейин, операциядан чиққач, узоқ тунлар Дилнур ойим билан навбатма-навбат биргаликда тонг оттиришганда мен ўзим учун бир ғалати кашфиёт қилдим: ўша жоним омон қолса бас деганларимда, ич-ичимдан қандай бўлсам ҳам Дилнур билан



бирга бўлсам бўлди, деган фоний бир истак борлигини англадим.

Дилнур мендан ҳам кўпроқ дард чекаётганини билардим, сезардим. Вужудимни парвариш қила туриб, дилимга йўл топишга ҳаракат қилаётганини, қалбимни ёлғизлик ва умидсизлик балосидан қутқаришга уринаётганини сездим.

Операциядан бир ҳафтала ўтгач, мени палатага олиб чиқишганида, тунда чўчиб кетдимми ёки алаҳсираб турибми унинг шундайгина оёқ томонимда ерга оппоқ чойшаб солганича Қиблага қараб сажда қилаётганини кўрдим... Бадавлат одамнинг боласи, нуфузли дорилфунуннинг талабаси кўзларида шашқатор ёш билан Худодан менинг соғлиғимни тиларди... Эркак киши ичимда нимадир, аниқроғи ёнроқдек оташ у ёқдан-бу ёққа думалаётгандек туйилди. Кўзларимдан унсиз қайноқ ёш оқарди. Қўларини юзига «Омин!» деб тортди, менинг ҳолатимни кўриб, саросимага тушди. Жойнамоз вази-фасини ўтаган чойшаб билан шошиб ёшларимни артди. Ўша тун келин бўлганидан бери биринчи бор ўз ихтиёри билан озган ва дардманд юзларимдан ўпиб қўйди.

Ўша тундан кейин қалбимда қандайдир ўзгариш бўлди. Мен ўзим билмаган ҳолда икки оёқда юриб туриб ҳам, ойим ва опаларим унинг ўзига алоҳида пишириб келган овқатларни менинг, уларнинг зўри билан еб туриб ҳам мен каби озиб, кўзлари катталашиб, ўзи маъсумлашиб қолган мана шу маҳбубам ихтиёрига, изнига тушиб қолдим. Тунлари у парваришимни қилар, бошқа пайтлар қайрилиб боқмайдиган овқатларни ширин уннатиб ичирар, худди мен кичкина гўдакдек ҳамма хархашамни кўтарарди. Яна узоқ, жуда узоқ гаплашиб ўтирарди. «Ухла, эрталаб ўқишга борасан», десам ҳам ухламасди. Бирга кечирган ҳаётимизни тўй кунидан бошлаб дақиқама-дақиқа эсларди, ўз ҳикоясидан ўзи сархуш бўлиб, юзлари қизарарди, мени ўз тасаввуримдан бошқача, китобларда, киноларда тасвирланадиган илоҳий муҳаббат соҳиби қилиб кўрсатарди. Мен баъзан жуда ёш, ҳеч нарса билмайдиган, на ҳис, на туйғунинг қадрига етмайдиган қизга уйландим, деб ўйлаган вақтларим учун уялиблар кетар эдим. Ажабо, қизлар, келинлар ҳақиқий аёл бўлиб қачон уйғонаркин? Менинг маҳбубам қачон камолга ета қолди?

Наҳотки кутилмаганда бошимизга тушган бу синовлар унинг аёллик ўзлигини кўрсатишига туртки бўлган, сабоқ



бўлган бўлса? Ё худо! Маҳбубамни топганимда ундан, менинг фариштамдан жудо қилма! Ўзим ҳам сезмаган ҳолда Дилнурни топишимга, ичимда илоҳий бир нарсанинг пайдо бўлишига ёрдам берган оғир дардни юборганига ҳам шукрлар қилардим. Айирма бизни деб худога илтижо қилардим! Аллоҳ унинг дуоларини-ю менинг илтижоларимни ижобат этди: мен тузала бошладим. Ёшлигим учунми, операциядан кейинги жараёнлар жуда тез ўтди. Бир ойда уйга чиқдим. Келсам, хоналаримиз одми, янги келинларникига ўхшамайди. Онаси унинг молларини олиб кетганини ўшанда билдим. Демак, тирик қолишимга ишонмаган. Қизи эса ишонибди...

Тузалганим эвазига дадам янги мебель, янги жиҳозлар олиб бермоқчи бўлдилар. Кудалар тарафидан ҳам мебелени, эгнибошини олиб бориб берамиз, деган хабар келди. Дилнур на унисига, на бунисига кўнди:

– Ўғлингиз касал бўлиб анча чиқим қилдингиз, – деди у дадамга, – ҳашамлар бизга керак эмас. Тузалиб ишга тушиб кетсалар, худо хоҳласа, ҳаммасини ўзимиз оламиз.

Онасининг юзи ҳанузгача шувут. Афсус, дунёда ҳаёт ва яқинингга меҳрдан қимматроқ ҳеч нарса йўқлигини у ўз қизидан ҳам анча кейин англади. Ишқилиб, англаган бўлсинда...

Бугун Дилнур мени бир севинчли хабар билан жинни қилаёзди: Худо насиб қилса, яқинда ота бўлармишман.

«О, Маҳбубам! Энди сени кафтда кўтариш навбати менга келибди!» дедим суюниб.

*Жаҳонгир, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.*

## ИБОДАТГА УНДАР КЎНГИЛ

*Аё сиз жабр чекиб, ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий – сиз, илоҳий – сиз!*

Бу байт Жалолиддин Румийдан, келин болам. Одам, олам, эзгулик, одамийлик қадриятлари каби бу байт ҳам мумтоз ҳисоблангани билан ҳар бир авлод, ҳар бир инсон уни ўзича кашф қиладиган, ўзича маъзига етадиган дақиқалар бўлади. Ҳикматларнинг умри узоқлиги шундан.

Қай кечинмалар, қай кўргиликлар, қандай руҳий кўтаринкиликдан сўнг пайдо бўлганикин бу умри боқий байт?



Кишилар умри давомида танҳоликни, ёлғизликни истаган пайтлар бўлади. Ҳеч ким сизни хафа қилгани йўқ, ҳеч ким муҳаббатингизни ҳам инкор этган эмас. Аммо сершовқин давралар, югур-югур кучалар, кишиларнинг «керак!», «топ!» ташвишлари юрагингиз деворларига шундай зарбалар берадики, уни – қалбингизни беихтиёр ҳовучингиз орасига авайлаб олгингиз, эҳтиётлаб кимсасиз ерларга, тоғлар бағрига, тиниқ оқаётган сойлар бўйига, сарғимтир барглари чирс-чирс узилиб тушаётган боғларга, хуллас, сизнинг қалбингиз билан суҳбатингиз – ибодатингизни ҳеч ким эшитмайдиган ерларга кетгингиз келади! Ботаётган қуёшнинг қизил шафағига тикилиб туриб, кўзингиздан ёш сизиб чиқаётганини сезмайсиз ҳам. Майли, йиғланг! Бу ёшлар сизнинг шу сокин, сирли, муқаддас олам билан бирлашиб кетганингиз, уйғунлигингизнинг белгиси! Буни вақти-вақти билан бўлсада туймай қолишликдан асрасин худо!

Сезаяпсизми, ҳаётнинг ўзи муқаддас, ҳаётнинг ўзи илоҳийга айланиб бораётгандек кўриняпти-а сизга! Шу сершовқин, серғавғо, серташвиш оламдан муштдеккина юрагингизни олиб чиқиб кетганингизга, у билан – шу серғавғо оламда етимдек дилдилаб қолган қалбингиз билан ёлғиз қолганингизга, айрим пайтлар илоҳийга тикилгандек унга тикиласиз. Унинг замон зарбларидан, юмшоғу қаттиқ тепкиларидан олган жароҳатларини даволайсиз. Малҳамингиз ҳам антиқа – сокинлик, қайноқ кўз ёши-ю, ибодатдагидек аёвсиз ва ошкора суҳбат...

Қалбнинг нидосига ҳам вақт-вақти билан қулоқ солиб туриш керак! Уни ҳам рағбатлантириб туриш керак!

Эсингиздами, унинг нидолари ўқтин-ўқтин қулоғимизга чалинарди-а? Яхши кишилар билан суҳбатлашганда шу суҳбат оқибати ўзимиз алақандай юксалиб, тозариб бораётганимизни ҳис қилиб, ичимиздан ҳаяжон вулқони кўзгалганини сезардик. Лекин уни шу заҳотиёқ «Бу уят!» деб яширардик, ҳаяжонни бўғардик. Китоб ўқиганимизда қалбимизнинг нидоси баъзи пайтлар беихтиёр кўз ёши бўлиб юзага чиқарди. Бундан уялиб, шошиб-пишиб атрофга қарардик, биров кўрмادимикан, қалби юмшоқ экан демасин, деб тезда кўз ёшимизни артардик. Аслида бу ҳам қалбимизнинг поклигидан, файзлигидан нишон бўлган яхши ҳаяжон нидоси эди-ку! Унинг росмана ҳислари, туйғулари, кечинмаларини ошкора қиладиган белгилар устига шайтон даъвати билан тош босавердик...



Бу нурли, аслида шуурли ҳаяжонларни, қалбимизнинг нидо-ларини шеър қилишдан уялдик, куй қилиб туширишдан ҳуркмадикми? Аммо бугун сезаяпсизми, қалбимизнинг туб-тубига яширганимиз шу туйғу, шу нидо, шу ҳаяжонлар муштдеккина қалбимизни портлаш даражасига олиб келаяпти, Аллоҳ берганини шайтон кучи билан яширишга уринганимиз учун эмасми бу!

*Туйғуларим, ҳисларимдан тортинмай қўйдим,  
Жилов унут, тизгини ҳам йўқолди гўё.  
Деяримни деб олайн, юмшасин қалбим,  
Кўз ёшларим оқсин майли, тўғонсиз дарё!*

Ё, Аллоҳ! Ўзинг берган қалбни жонлантириб, шайтон иродасини куйдириш ўз қўлингда! Қалбимни шайтон босган тошлардан тозалаб, эзгулик сари етакла!

Ё, Қодир худо! Қалби нурсиз, қалби мажруҳ киши эзгу ишларга қодир бўлмаслигини кўрсатганинг учун ўзингга шукр! Ўзинг мадад бер, ёмонликдан асра!

Ё, Аллоҳ! Мени ибодатга ўргат, токи қалбим сен билан юзма-юз бўлганда ва чин ибодат билангина юзидаги тошларни олиб ташлашга қодир бўлади.

Қалбимни ишонч билан озиқлантир, унга умид бағишла! Эзгу ишлардан қувонишни, кулфатда кишилар билан бирга қайғуришни ўргат!

Ё, Аллоҳ! Менга чиройли сабрларингдан ато этгинки, қоронғудан сўнг сенинг ироданг билан ёруғ келишига, бир ёмондан сўнг икки яхшининг келиши муқаррарлигига ишончим мустақкам бўлсин!

Ибодатингда сенла юзма-юз турганимда шу муштдеккина қалбимга аввало Ўзингга, Ўзинг яратган Оламга, Одамга, оилам ва мендан қолажак зурриётларга чексиз муҳаббат ато эт!

Кишининг ўз умри давомида танҳоликни, ёлғизликни истаган дамлари бўлади. Чунки унинг Аллоҳ билан ёлғиз қолиш эҳтиёжи бор. Уни Аллоҳ яратган ва унинг Аллоҳдан сўрари кўп!

Дунёда неча киши бўлса уларнинг ҳеч бири бошқасини такрорламайди. Демак, ҳар бир киши ўзи бўлиб яшаб ўтиши, ўзлигини кўрсатиб, ўзига хос из қолдириб кетиши керак.

Ким нимани кўрса, ким нимага интилса, ким нимани қандай тушунса, ким нимага интиқ бўлса, ким нимани дилдан



соғинса – шу бўлади! Яхшиликни кўриб, яхшиликни эшитиб, яхшиликни соғиниб, яхшилик қилишга интилиб яшаган инсонга Аллоҳ эзгулик мевасини ваъда берган.

Эй, Қодир худо! Яхши ниятларимни кўш қанотимга айлантир! Қалбимдаги уммон жўшқинлигини сўндирма!

## СЕН ЎЗИНГЧУН СЕН ЎЗИНГСАН..

Инсон! Ҳар ким ҳам шу мўътабар сўзга лойиқ бўлишни хоҳлайди, албатта. Аммо юксак ахлоқий мезонлар талабига жавоб берадиган, беҳисоб яхши фазилатларга эга бўлган кишинигина биз ҳақиқий, чин инсон деб атаймиз.

Инсон ёшлигиданоқ шу улуг сўз билан аталишга лойиқ бўлиши учун ўзини ўзи имтиҳон қилиб туришга одатланиши керак. Бунинг учун у тез-тез ўзига «Нима учун яшаяпман?», «Одамларга нима яхшилик қилдим?», «Кимга нафим тегаяпти?», «Кимнинг оғирини енгил қилдим?» каби оддий саволларни бериб туриши ва уларга ғоят ҳалоллик билан жавоб беришга интилиши керак.

Дарҳақиқат, вақт-вақти билан ўзингизга, ўз тилингиз билан айтмоқчи «ич-ичингизга» бировнинг кўзи билан қараб, ўзингизга одилона баҳо беришга уриниб кўринг.

Ана шунинг оқибатида сиз ўзингиздаги бор иқтидорингизни намойиш қилишга қодирлигингизни англайсиз. Вужудингизни, руҳингизни бошқара олиш қобилиятига эгаллигингизни тушуниб етасиз. Сиз ҳар бир ишга завқ ва шавқ билан киришасиз. Мустақил фикрлай оласиз. Мустақил иш тута оласиз. Анча қатъиятли бўлиб қоласиз. Жўшқин шахслар сирасига киришингиздан, ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга шайлигингиздан қувонасиз.

Холис ва одил туриб ўзингизни шундай баҳолай олишингиз ўзингиздаги камчиликларни, салбий иллатларни йўқота бориб, яхши фазилатларингизнинг кўпайишига ёрдам бериши мумкин.

Ҳамма ҳам шундай эмас-ку, дейсизми? Ҳа, тўғри. Кўзгалиш даражаси паст, имкониятлари чегараланган, сушт кишилар ҳам бор. Бундай одамларга ўз қадрини тўла билмаслик, ўзининг маънавий ва ақлий имкониятларини тўла намоён қила олмаслик, тортинчоқлик ҳам хос бўлади. Улар ҳам холис туриб ўз камчиликларига қарши қаттиқ курашишлари керак.



Бундай одамлар инсон ўзи ҳавас қилган, ўзига зарур бўлган фазилатларга фақат ўзи, ўз кучи ва иродаси билан эришажаги мумкинлигини унутмасликлари керак. Инсон аввало ўз кўзи, ўз баҳосида ҳақиқий инсон бўлиб қолиши керак. Мирзо Бедилнинг:

*Ўз-ўзингдан қилмайин ваҳм, журъат эт, ўтгил кечиб,  
Сен ўзингчун сен ўзингсан мисли уммон ҳар нафас.*

байти ҳам ўзини билган, ўзлигини англаган инсоннинг имкониятлари доираси чексизлигига ишорадир. Инсон ўз камолати ҳақида муттасил ўйлаши, қайғуриши керак.

Дунёдаги жуда катта-катта руҳшунос олимлар тан олган оддий ҳақиқатларнинг бири шуки, ҳеч ким, ҳеч қачон сизни ўзингизчалик яхши била олмайди. Шунинглаб етгач, ўзингизни имтиҳон қилаётганингизда ич-ичингиздаги, фақат ўзингизгагина аён бўлган хислатларни ҳам худди ибодатдагидек юзага олиб чиқишдан қўрқманг.


Келинг, ўзини ўзи имтиҳон қилишнинг осон ва оддий йўлини синаб кўрайлик.

Қўлингизга қоғоз ва қалам олинг. Қоғознинг чап томонига ўзингизда бор ижобий фазилатларингизни тепадан пастга қараб (устун шаклида), қоғознинг унг томонига эса худди шундай тарзда салбий хислатларингизни ёзиб боринг. Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ўзингизчалик яхши билмаслигига, бошқа ҳеч ким бу ёзувларни кўрмаслигига таяниб, ҳатто энг қалтис вазиятларда ҳам ўзингизни аяманг, одил бўлинг.

Дейлик, сиз кўп марта онангизнинг кўнглини олмоқчи бўлдингиз. Унга гул совға қилсангиз, боши кўкка етишини ҳам биласиз. Унинг қувончини кўрганда дилингиз яйрайди. Аммо бирон марта бўлсин, онангизга гул совға қилганингиз йўқ. Чунки сиз кўчада гул кўтариб юришдан, маҳаллада айримларнинг сизни «нозиктаъб» дейишидан ёки айрим «бой» тенгдошларингизнинг «шу ҳам совға бўлибдими» дейишидан уяласиз. Шундай дегувчилар топилади ҳам.

Уятчанлик аслида ижобий хислат ҳисобланади. Лекин бу ерда сиздаги тушунча сохта уятчанликка киради, демак, салбий. Сизнинг эса уни енгиб ўтишга иродангиз ожизлик қиляпти. Сиз шу даражада иродасизлик қиляпсизки, ҳатто бошида онангизни хурсанд қилишдай яхши ниятингиз борми-йўқли-





гига ҳам шубҳа пайдо бўлди. Чунки сиздаги шу бир яхши фазилат – бировга яхшилик қилишни бошқа икки салбий хислатингиз – сохта уятчанлик ва иродасизлик босиб кетаяпти. Демак, қоғозга ҳам бир яхши фазилатингиз қаршисига икки ёмон хислатингиз ёзилди. Ҳисоб тили билан юритилса, 1 : 2 бўлди.

Шу тариқа ўзингизга шафқатсиз баҳо бериб чиқишингиз оқибатида қарайсизки, салбий хислатларингиз ижобийларни анчагина босиб тушаяпти. Улар орасидаги фарқ катталигидан ҳатто тушкунликка ҳам туша бошладингиз. «Мен ўзи аслида қандай одамман – яхшиманми ёки ёмон?» деган хаёлга ҳам борасиз.

Салбий хислатларингиз кўп бўлиши мумкин. Аммо ўзингиз ҳақингизда «ёмон одам эканман», деб хулоса чиқаришга шовилманг.

Вақти-вақти билан ўзингизни тергаб туришингиз, яхши-ёмон хислатларингизни таҳлил қилишингизнинг ўзи сизнинг аслида яхши одам эканингиздан далолатдир. Сизга ишонса, таянса бўлади. Бундай кишиларнинг дўстлари ҳурмат қилишади, ишда ҳам уларнинг ўзига яраша ҳурмати, мавқеи бўлади.

Бироқ ҳалигина ўзингиз тузган рўйхатдаги қатор тизилиб турган салбийларга қараб ваҳимангиз келмасин. Қандай қилсам, уларни рўйхатдан бирма-бир йўқотиб бораман, деб хаёлга ҳам ботманг. Яхшиси, чап томондаги «ижобийлар»га кўпроқ эътибор беринг.

Ижобий хислатларингизнинг ҳаммаси ўзингизда турғун, мустаҳкамми? Айримлари ҳақида иккилансангиз, барча чоралар билан уларнинг ҳам мустаҳкам фазилатингизга айланишига ҳаракат қилинг. Шунда ўнг томондаги «салбийлар»дан бир-иккитаси ўз-ўзидан тушиб қолади. Ахир, эсланг-а, қалбингиздаги онангизга гул совға қилиб уни қувонтириш ниятингизни амалга оширсангиз, буни қайта-қайта бажарсангиз, қоғозга тушган дастлабки икки салбий хислат ўз-ўзидан йўқ бўлади-ку! Ҳали ҳам салбийлар кўп-ку, дейсизми? Бунга жавобан сиз бошқа «ижобийлар»ни ҳам муқим фазилатингизга айлантириб бораверинг. Яъни, кўпроқ «салбийлар»ни ўчириш ҳақида эмас, ижобийларни кўпайтириш, муқим қилиш ҳақида қайғуринг. Ижобийлар кўпайган сари салбийлар ўз-ўзидан йўқолиб бораверади.

Мен бу гапларни «осмондан» олаётганим йўқ. Бундай қараш бизга ота-боболаримиздан мерос эканини эслатиб ўтмоқчи-



ман, холос. Бизнинг давримиздан етти аср аввал яшаб ўтган мутафаккир Насриддин Тусий ҳам худди бизга ўхшаб қўлига қоғоз-қалам олиб, «ижобий фазилатлар» ва «салбий фазилатлар» жадвалини тузган бўлса керак. Фақат унинг рўйхатида «ижобий фазилатлар» кўпроқ бўлган. Олим ахлоқийликнинг ўн тўрт омилини талқин қилади. У ўзининг бу рўйхатига сабр-тоқат, эвидалик, ёрдам ва дўстона муносабат, одамийлик, сасийлик, юмшоқлик, олижаноблик каби жами ўн тўртта фазилатни киритади. «Салбий хислатлар» рўйхатида эса у ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга олиб келадиган етти «омил»ни санаб ўтади. Бу рўйхатга у хасислик, жаҳддорлик, қизғанчиқлик, адоват сақлашлик, шаҳвонийлик, манманлик, ҳасадгўйликни киритади. Олим, агар кишилар ўз ахлоқий қиёфаларини ўзгартиришга ҳаракат қилсалар, ўзларига ярамас одатларни бартараф этсалар, унда уларда юқоридаги салбий хислатларга қарама-қарши ижобий фазилатлар ривожлана боради, деб ишонтиради.

Унинг фикрича, тарбиянинг асосий мақсади кишида ижобий фазилатларни шакллантиришдан иборатдир. Олимнинг «Ахлоқи Насрий» асари ўз вақтида Шарқда жуда машҳур бўлган экан. Унда миллат, жамият равнақида яхши тарбиянинг муҳимлиги таъкидланган. Олим ўз китобида ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари, саховатлилик, бахт, инсоннинг олижаноб хислатлари, қадр-қиммат, садоқат ва самимийлик, саломатлик тўғрисида жуда қимматли фикрларни берганки, қаранг, орадан етти аср ўтиб ҳам, улар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Эътибор бераяпсизми, олим ўша даврдаёқ киши ўзида яхши фазилатларни шакллантириши учун саломат бўлиши зарур, деб таъкидлайди. «Соғ танда – соғлом ақл» балки ўша даврдан қолган ҳикматдир.

Насриддин Тусийдан етти аср кейин ёзилган академик Д.С.Лихачевнинг қуйидаги гаплари буюк мутафаккир қарашларига ҳамоҳанг эканлигини ким инкор қила олади?

«Мен таърифларни хуш кўрмайман, – деб ёзади бизга замондош бўлган мутафаккир, – ва кўпинча уларга тайёр эмасман. Лекин мен виждон билан ор-номус ўртасидаги фарқни кўрсатишим мумкин. Виждон айтиб беради, яъни йўл кўрсатади. Ор-номус амал қилади. Виждон ҳамиша қалб тубидан келиб чиқади ва виждон туфайли киши у ёки бу даражада мусаффолашади. Виждон кишини кемиради! Виждон қалба-



ки бўлмайди. Лекин ор-номус тўғрисидаги тасаввурлар тамомила қалбаки бўлиши мумкин.

Қорлаверса, шу қалбаки тасаввурлар жамиятга жуда катта зарар етказди... Ички ор-номус нимада ифодаланади? Кишининг ўз сўзида туришида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, расмий шахс сифатида ҳам, шунчаки бир киши сифатида ҳам ўз сўзида туришида ифодаланади. Ўзига тўғри бўлган киши ахлоқий нормаларни бузмайди, ўзини муносиб тутади. Бошлиқлар олдида хушомадгўйлик қилмайди, бошқаларнинг нотўғри фикрига мослашмайди, ўзининг ҳақлигини кўрсатиш учун ўжарлик қилмайди, бировлардан қасд олишга уринмайди, ўзига керакли одамларга давлат ҳисобидан турли ҳадя-инъомларни қилиш, керакли одамларни ишга жойлаштириш ва ҳоказолар билан шуғулланмайди...»

Қаранг-а, битта ижобий фазилатнинг кишида турғун бўлиб қолиши учун қанча салбий хатти-ҳаракатларга йўл бермаслигимиз керак экан.

## АВВАЛО ОДАМ БЎЛ

**Келин:** – Кексаларимиз аксарият «Аввало одам бўл!» деб дуо қилишади.

Одамийлик тушунчасига нималар киради?

Инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган маънавий қадриятлар қай фазилатлардан таркиб топади?

Қай фазилатларига қараб биз кишиларга «Яхши одам экан!» ёки «Ёмон одам экан» деб баҳо берамиз?

**Қайнона:** – Кексалар ёшларни яна инсофу товфиқли, ҳаёндишали, меҳр-оқибатли, каттага ҳурматли, кичикка меҳршафқатли, мурувватли, ҳалол ва ҳимматли, диёнатли ва ваъдага вафоли бўлишга чақирадилар. Ана шундай фазилатлар инсонийлик, одамийликни, кишининг одоб дунёсини ташкил этади. Шунинг учун ҳам «Инсон одоби билан», «Олтин олмадуо ол!», «Одоб – олтиндан қиммат!» каби ҳикматлар минг йиллардан бери халқ қалбида сақланиб келади.

Шуниси қувончлики, кейинги вақтларда бу ҳақда кўп гапириладиган бўлди. Инсонийлик қадриятларининг айни шу тушунчаларини унутаёзганимизни, қалбимиз қуруқлашиб бораётганини, инсонда инсонийликни уйғотиш даври келганини чуқур ҳис қила бошладик.



Яхшики, маънавиятимизни, руҳиятимизни, қалбимизни бир поклаб олишимиз, халқ педагогикаси булоқлари кўзини кенг очишимиз, халқ одобномасидан сабоқ олишимиз кераклигини чуқур тушуна бошладик.

Нега? Нега тўғ замон билан ҳамнафас бўлиш ниқоби остида, ҳаётнинг текис-нотекис, паст-баланд, поку нопок кўчаларидан тирикчилик дебми, ҳаммадан устун бўламан, дебми ҳаллослаб югураверганимиздан дил сандигимиздан Эзгулик, Яхшилик, Одамийлик, Мурувват, Меҳр-шафқат, Оқибат, Самимият, Фидойилик, Бурчга садоқат, Хайрихоҳлик, Ҳимматлилик каби энг нодир қадриятларимизни тушириб қолдираёздик? Буларсиз инсон инсон эмаслигини била туриб, буларсиз томирларимиздаги қон зардоб бўлиб қолишини била туриб, нега, нега уларнинг қалбимиздан чиқар йўлларига тўғон қўймадик?!

**Келин:** – Қалбимизнинг қуруқшаб қолаётгани, кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб боришига кўплар атом асри деб ном олган замонни, киши мияси фаолиятини анча енгиллаштиришга, билагига қувват бўлишга даъват этилган компьютерлаштириш даврини, бозор иқтисодиётини баҳона қилиб кўрсатишади. Бунга асос бормикин?

**Қайнона:** – Ҳа, ҳам руҳий, ҳам жисмоний зўриқиш даврида яшаётганимиз рост. Аммо буларнинг ҳаммасини инсониятнинг тафаккури яратди-ку! Яна инсон мияси бунданда зўрроқларни яратиш мақсадида зўриқиб ётибди-ку!

«Замон, замон», деймиз-у, аммо бу замондан инсон қадими етмайдиган жойларга қочиб кетиб бўлмайди. Таркидунё қилиб чўлга, тоғга чиқиб кетмоқчи бўлганлар ҳам йўқ ҳисоби. Шундай қилинганда ҳам жисмоний ва маънавий зўриқишларсиз яшаб бўлмаслигини англаб, тезда қайтиб келинади. Зеро, ўшандай пассив ҳаётнинг ўзи ҳам кишини беаёв кемириб боради. Чунки фақат ўзинигина севган кишининг ҳаёт синовларига бардош бериши қийин. Ҳаётни, одамларни эмас, фақат ўзини севадиган бундай киши доим ўз қисматидан, ҳаёт синовларидан нолиб юради. Нолиш эса олдинга босиш эмас, орқага қайтишдир. Ўзаро меҳр, ҳурмат, муҳаббат, андиша бор жойда ғам, ташвиш чекиниши ҳақида ўйлаб кўрсак, ҳар бимиз ўз ҳаётимиздан кўплаб мисоллар топамиз.

Расул Ҳамзатовнинг бир шеърини эсланг:



- Қувонч, айтчи шошасан қайга
- Мени севган қалбларга, албат!
- Ёшлик, сен-чи ошиқдинг қайга?
- Мени севган қалбларга, албат!
- Куч, жасорат, сизлар-чи, қайга?
- Мени севган қалбларга, албат!
- Сиз-чи ташвиш, андуҳлар қайга?
- Мени севган қалбларга, албат!

Қиссадан ҳисса сифатида гўрлари тўла нур бўлгур устоз шоирамиз Зулфиябегимнинг киши ўзига ўзи қувонч, ҳаяжон излаб яшамоғи керак, деган шеърини хулосалари ёдимга тушади

**Келин:** – «Бахилнинг боғи кўкармас», деган мақолнинг маъноси нима?

**Қайнона:** – Инсоннинг эзгулик каби оддий ва буюк туйғуларсиз яшаши қийин. Меҳр-муҳаббат нурларигина киши қалбини ёритади, бу нур унинг ҳаёт йўлига таралади, уни гўзал қилиб кўрсатади.

Мисолни мураккаб инсоний, ижтимоий муносабатлардан қидирмайликда, одми, кундалик ҳаётимиздан бир чизги берайлик.

Эрталаб оила аъзолари бир-биримизга ишга-ўқишга яхши бориб келишни тилаганимиз оқибати кунимиз мазмунлироқ, кўнглимиз ёрқинроқмасми? Бежиз айтишмайди, яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб турган киши кучли, қанотли, муруватли бўлади деб. Ундайлар бошқаларга ҳам шундай муҳаббат билан қарайди.

Ёшларни кузатишни, улар билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Уларнинг биз катта ёшлиларга, ўзаро муомаласига, ҳаётга муносабатига қараб ота-онасининг, буви-бобосининг меҳрига қанчалик қонган ёки аксинча, қанчалик ташналигини сезиб тураман. Ота-она бир-бирига муҳаббатли бўлса, биринчи навбатда, бу муҳаббат нури болалар чехрасини ёритади. Назаримда, бундай оилаларда ўсган болаларнинг кексалар айтмоқчи «фариштаси» бўлади.

Бу гапларим янгилик эмас, албатта. Инсон номи борки, унинг боши мағрур бўлиши учун, биринчи навбатда, унинг қалбида ота-онасининг меҳр-муҳаббати билан йўғрилган яхши туйғулар ниш олиши керак, завоқ топмай униши керак.



Умуман, ўқиганларим, кузатганларим, эшитганларимдан қилган хулосам шу бўлдики, ҳали юқорида айтган зўриқиш, зиддиятлиликни енга оладиган куч инсоннинг ўзида, унинг инсон бўлиб қолишидадир.

Инсон маънавият деб аталмиш хазина оламини бойитиб, унинг қалб, юрак, кўнгил деб аталмиш хазинабонини чиниқтириб боради. Чиниқтириб боргани сари бу зўриқишга дош бера оладиган бўлади.

Демоқчиманки, давримиз нечоғли техник, роботли, компьютерли бўлмасин, айти шу мураккаб ва тезкор даврга инсон ўзининг яхшига меҳрлилиги, ёмонга мурасасизлиги, курашувчанлиги, ўз қарашларини ҳимоя эта олишга қодирлиги, сидқидилдан меҳнат қилиши, нарсани жойидан олиб, бошқа жойга қўйиши билан эмас, шу нарсани ўзи яратишга интилиши, ўз олдига катта мақсадларни қўя билиши, шу мақсадлар учун кураша олиши, янглишишдан қўрқмаслиги, янглишганда ишни янгитдан бошлашга қодирлиги, гўзалликка интилувчанлиги, ночорга ачинувчанлиги билангина дош бера олади. Дош бера оладигина эмас, шу даврнинг яна илгарилаши учун, замон тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўша олади. Шоири замон айтмоқчи, агар юракни, қалбни гоҳ чўғга, гоҳ сувга солиб, чиниқтириб турилмаса, ундан оташ сўз чиқармиди?

Бундай кишини ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан инсон, бир сўз билан айтганда, чин инсон деймиз.

**Келин:** – Дунёда инсоннинг ичини билишдек мураккаб нарса бўлмаса керак-а, ойижон?

**Қайнона:** – Аммо дунёда инсончалик ўз ички дунёсини бир хатти-ҳаракатида, сўзида, юзининг бир ишорасида ошкор қила оладиган мавжудот ҳам бўлмаса керак.

Мураккаблик, менинг назаримда, ўша хатти-ҳаракат, ўша сўз, ўша ишоранинг минг бир хил қарашни ифода этишида ва уларни ҳар ким ҳар хил тушунишида, ҳар ким унга ўз «қаричи» билан ёндошишида.

«Қаричлар» эса бир хил эмас. Ҳар кимнинг тушуниш оламини, қалбини акс этиб турадиган кўзгуси ҳам бирдек тиниқ эмас.

Ўз кўрганини, эшитганини қалбининг хира ёки синиқ кўзгусидан ўтказиб, ўша синиқ ва хира аксни «фақат меники тўғри!» деб туриш одабийликдан кўра худбинликка кўпроқ хос бўлса керак!



Ўзбекона маънавият, шарқона одобимизни тиклаш оқибати ўлароқ, кишилардаги энг яхши фазилатлар юзага чиқаётганини кураёпмиз. Лекин айни шу пайтда кишилар қалбининг, вужудининг, томирининг ковак-коваклариди писиб, яшириниб ётган барча қусур, иллатлар ҳам (мен уларни бепарда қилиб «худбинлик», «риёкорлик» дейишга тилим борма-япти) юзага қалқиб чиқаётгани ҳам ҳақиқат.

Одатда, кишиларга уларнинг ўз хатти-ҳаракатларига қараб баҳо берилганда, яхши, инсонпарвар, одамгарчилиги зўр, муруватли, меҳр-шафқатли, оқибатли, меҳнаткаш, меҳмондўст, самимий, очиқ кўнгилли, фидойи, байналминалчи, садоқатли, ваъдага вафоли, саховатли, мард, пок, ҳалол, олижаноб, ҳимматли, ростгўй, масъулиятли, бурчни тушунадиган, орномусли, иймонли, диёнатли, виждонли, иффатли, инсофли, иродали... деймиз.

**Келин:** – Атрофимиздаги кишиларнинг ҳаммасига фақат шу фазилатлар хос бўлганда-ку олам гулистон эди-я!

**Қайнона:** – Аммо куннинг тунди бўлганидек, ёмон, шафқатсиз, диёнатсиз, тошбағир, виждонсиз, оқибатсиз, ишёқмас, бахил, ичи қора, эгоист, вафосиз, қизғанчиқ, қўрқоқ, нопок, қаллоб, ёлғончи, уятсиз, инсофсиз, имонсиз... одамлар ҳам бор.

Кейингиларнинг мавжудлигигина эмас, ҳатто айрим вақт биринчилардан устун келишга муваффақ бўлгани учун ҳам кейинги пайтларда юртимизда одамлар эзгулик, одамийлик танқислигини, қалблар биринчи санаб ўтилган фазилатларга чанқоқлигини ҳис қила бошладик. Минг шукрки, маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан мукамал, феълан фаол шахсларни тарбиялабгина миллатимиз юзини, юртимиз шаънини кўтариш чора-тадбирлари ҳақида қатор фармони олийлар, йўриқлар қабул қилинмоқда.

Инсон номи буюк! Ҳар ким ҳам яхши одам деган номга лойиқ бўлишни хоҳлайди, албатта. Аммо юксак ахлоқий улкулар (идеаллар) талабига жавоб бера оладиган, юқорида санаб ўтилган яхши фазилатларга эга бўлган кишинигина биз ҳақиқий инсон деб атаймиз.

Баъзида ёшлардан атом асрида, бозор иқтисодиёти даврида инсоннинг ичини, одамнинг яхши ёки ёмонлигини аниқ билиб берадиган мўъжизакор асбобнинг бунёд этилмаганига афсус эшитиб қоламан. Кўпинча шундай асбоб кишининг ўзида эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан.



Дарҳақиқат, инсон инсонийликни даъво қилса, биринчи бўлиб ўз ичига боқиши, ўз кўзгусини, қалби сув ичаётган булоқларни поклаши, ана шундан кейингина ўз иқтидори, истеъдоди, малакасидан келиб чиқиб ўзига холисона баҳо бериб, ўзидан (асло «ўзига» эмас!) жамиятга кўпроқ наф келадиган вазифаларни сидқидилдан бажариши керак. Ҳазрат Навоий ҳам халқ ғамини, ташвишини ўйлайдиган чин инсонларгина ҳақиқий одамдир, деганлар-ку. Менимча, бу – замоннинг биздан биринчи талаби.

### ЮЛДУЗИНГНИ КЎЗЛАР ЮЛДУЗИМ

**Қайнона:** – Келин болам-а, тўйлар хўп яхши нарса-да! Ёшларга унча билинмаса керагу, лекин одам сал чарчайди-да. Кишилик кийимларингизни алмаштирдингизми? Мен ҳам уй кийимимни кийиб чиқа қолай. Унгача сиз маъниликкина қилиб битта чой дамланг. Тўйдан қайтган бўлсак ҳам, ўз уйингнинг чойи бошқача бўлади-да. Сизлар буни ҳали билмайсизлар. Ишқилиб, кўша қаринглар...

**Келин:** – Келинг ойижон, чой тайёр! Ҳали келин билан куёв таъзим билан кириб келишаётганда бир отахон дуо қилдилар-ку, вой жудаям ғалати бўлиб кетдим-а! Жуда нуроний одам эканлар ўзлари ҳам! У киши аввал худодан куёв бахтига ҳам, келин бахтига ҳам барака тиладилар. Аллоҳдан ҳамиша икковига яхшилик ва бахтибекамлик ато этишини сўрадилар. Юлдузингиз ҳамиша бир-бирингизга иссиқ келсин, деб дуо қилдилар. Худди ўзимнинг тўйим бўлаётгандай, катта дадам фотиҳа қилаётганларидагидай кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

**Қайнона:** – Нозик дилли бўлсангиз, ўзим ўргилай! Кексаларнинг дуосида гап кўпда, келин болам! Яхшилик тиланган дуолар кишининг йўлини ёритиб туради, қалбига тўғри йўл кўрсатади. Келинг, гап навбати шунга келган экан, юлдузлар ҳақида гаплашиб олайлик...

Кексалар «Юлдузи юлдузига тўғри келсин» дейишганда, баланд нарвон қўйиб ҳам одам боласи чиқа олмайдиган кўкдаги юлдузларни назарда тутишмайди, албатта. Келин билан куёв шу кундан эр ва хотин номини олиб, бир кичик оиланинг соҳиби бўлишди. Дуода ана шу эр билан хотиннинг муомала-ю муносабати бир-бирига мос тушсин, деб илтижо қилинади. Бу мосликда бутун умр, бутун ҳаётнинг маъноси яширинган-да,





келин болам! Негаки эр ва хотиннинг самимий муносабати, меҳр-муҳаббати иддиз олган оилада туғилган болалар тўлиқ ва бўлиқ, демак бу оиланинг инсониятнинг узун занжирига қўшаётган ҳалқачалари ҳам муносиб бўлади. Одамда одамийлик, меҳр-муҳаббат шу оилада яралганидек, қалбидаги инсоний қадриятлар ҳам шу ерда камол топади, мева беради, четга ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун юлдузнинг юлдузга тўғри келишида гап қўп!

**Келин:** – Шу юлдуз деганлари ҳамиша ҳам бир-бирига мос келаверадимми ёки...

**Қайнона:** – Ёки мослаб туриладими, демоқчисизда-а, келин болам? Ҳа, баракалла! Ўғилдир, қиздир турмушга тайёрланган, оила қуришдан мақсадини аниқ биладиган бўлишса, ҳаётлари давомида, муросан мадора жараёнида юлдузларини мослаб борадилар.

Ойим раҳматли «Бир оғирга бир енгил», «Бир яхшига бир ёмон» деган иборани кўп ишлатардилар. Дунёда нечта одам бўлса, шунча характер, шунча феъл-атвор бўларкан. Кишиларнинг ҳамиша мижози бир-бирига тўғри келиши қийин. Биров «пов» этиб ёнса, бировнинг кўзида битта учқун ёқиш учун бир аср етмайдигандек кўринади...

**Келин:** – Вой, ойижон, гапингиз, домламининг гапларига ўхшаб кетди! Кеча дарсда темпераментларни ўтгандик. Темперамент кишиларнинг индивидуал руҳий хусусиятлари эканини тушунтириб бердилар-да, домламиз улар тўрт хил – холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик бўлишини айтдилар. Кейин холериклар билан флегматиклар ҳақида гапирганларида худди сизга ўхшаб улар ҳам: «Бировлари» пов этиб ёнсалар, бирлари тепса тебранмас бўладилар», девдилар. Вой, гапингизни бўлиб қўйдим-а, кечиринг, ойижон, маза қилиб эшитаётувдим.

**Қайнона:** – Олимлар ҳам ҳаётдан олиб гапирадилар-да! Лекин одам оила қургандан кейин юлдузи-ю, сиз айтмоқчи темпераменти, мижози қандай бўлишидан қатъи назар, киши нима қилиб бўлса ҳам мувозанатни сақлаб туришга уриниши керак.

Ишлаб юрган пайтимда бир ёшгина ҳамкасбимиз бор эди. Шўх, ташаббускор, давраларни роса қиздирарди.

Цехимиздаги энг илғор аёллардан эди. Қаерга биздан вакил керак бўлса, шу жувонни юборардик. Битмаган ишни



битириб келарди-да. Бошлаган ишини охирига етказмагунча қўймасди. Ўзи ҳам тинчимасди, бировни ҳам ҳоли жонига қўймасди. Шундоқ жувоннинг бир хил ишлари кўпчилигимизни ранжитарди. Ловулаганида одамни аямасди. Бу камчилигини ўзи ҳам биларди.

– Мен ловуллаб турган пайтимда эрим индамасликлари билан ютиб кетадилар, – дерди у. – Ўзимни ҳеч тўхтатолмай дилимга-ю тилимга келганини қайтармай, гапириб-гапириб оламан. Индамайдилар. Агар шунда бир-икки гап қайтариб қолсалар борми, нақ олам офат бўлади! Оиладан асар ҳам қолмайди. Лекин у киши индамай енгиб кетадилар. Ана шу хислатларига беш кетаман-да!

Мен пенсияга кетаётганимда ёш бўлса ҳам ўша аёлни ўрнимга цех бошлиғи қилиб тайинлашларини маслаҳат бердим.

**Келин:** – Кишини аямайдиган, қизишганда қўпларни хафа қилиб қўядиган одати бор эди дедингиз-ку, шундай бўлса ҳам...

**Қайнона:** – Ҳа, келин болам! Жамоамизга келиб қўшилгандан кейин секин-секин ўша ёмон хислатларини йўқ қилдик. Уйда эри, қайнонаси ловулаб турганида индашмаса ҳам, олови ўчгандан кейин камчилигини тушунтириб туришди. Шундай яхши жувон бўлди-ки, одамнинг ҳаваси келарди. Ана шундайлардан яхши сардорлар чиқади-да, келин болам! Одам дейдиган юдузни юдузга мослаб яшаши кераклигига бу жувонни бекорга мисол қилиб келтирганим йўқ.

Одамга феъл, мижоз, «оғирлик» ёки «енгиллик» туғма берилгани билан улар доимий ва ўзгармас экан деб ўйлаш нотўғри. Тирик жонда! Одамнинг ёши улғайиши, оила ва иш шароити, таълим-тарбия таъсири натижасида улар ўзгаради. Демокчи-манки, эр-хотиннинг юдузи бир-бирига мос келмаган, турли характердаги ва турли мижоздаги одамлар бўлишига қарамай, ният яхши бўлса, мақсад тўғри бўлса, юдузларни бир-бирига мослаб, мурсоаи мадора қилиб, келишиб, муносабатни мослаб бориш керак.

**Келин:** – Кеча домламиз ҳам шунга ўхшаш гапирдилар-а, ойижон. Улар айтдиларки, одамий яшаш, одамий ният қилиш, шу ниятларнинг амалга ошишида инсонларча ҳаракат қилиш керак. Инсон ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларини бошқара билиши, лозим ерда уларга муайян йўналиш бера билиши ҳам керак экан. Домламиз онгли инсоннинг бунга кучи етади, деб ишонч билан гапирдилар.



**Қайнона:** – Жуда тўғри айтибдилар! Менинг назаримда, юлдузни юлдузга мослаб яшаш қобилияти халқимизнинг қонқонига сингиб кетганга ўхшайди. Кўп болали оналаримизни олинг-а! Улар ўз болаларига «Ўнталасининг ўрни бошқа», деб уларнинг ҳар бирининг феъли, характери, сиз айтмоқчи темпераментларига қараб муомала қиладилар. Олий маълумотли дипломи йўқлар ҳам онгли кишилар намунасини кўрсатадилар. Қолаверса, аёллар, айниқса оналарнинг келишувчанлиги, кечирувчанлиги, фидойилиги ҳам уларнинг табиий моҳир рушунос қилиб яратилганини, улар домлангиз айтмоқчи ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларини бошқара олиши, юраккиналарига керакли йўналиш бера олишга қодирлигини кўрсатмайдими?

Домлангиз жуда тўғри айтибдилар. Ҳаётда эр-хотиннинг юлдузи бир-бирига тўғри келиб яшаши уларнинг ўзларига, юракларига қандай кўрсатма беришларига боғлиқ.

Битта гапни айтай, сиз қулоқ солинг, келин болам. Бу кузатувларимдан қилган хулосам-да!

Ҳар биримиз ўз ҳаётимиз давомида икки жамоа билан боғлиқмиз. Биринчи жамоамиз – оиламиз. Иккинчиси – боғча, мактаб, институт, иш, корхона, муассаса ва ҳоказо...

Диққат қилсангиз, иккала жамоада кўпчилигимиз ўзимизга икки хил кўрсатма берар эканмиз.

Қаранг, турли тоифа, турли ёш, турли темпераментдаги кишилардан таркиб топган иккинчи жамоамизда биз юлдузимизни юлдузимизга тўғрилаш учун қўлимиздан келган барча ишни (баъзида қўлимиздан келмайди деб ўйлаган нарсаларни ҳам) бажарамиз. Бошлиқнинг қош-қовоғига қараб турамиз. Унга нима ёқишини, нимани хуш кўрмаслигини махсус ўрганамиз. Унинг яққол кўзга ташланиб турган камчиликларини ҳам ё кўрмаганга оламиз ёки кечирамиз. Бу камчиликларга ғашимиз келаётганини асло сездирмаймиз. Қаранг-а, «умр – муросаи мадора демак» қабилида иш тутишнинг олий намунасини ишимизда яратиб қўйибмиз!

Ҳа, бу ёмонми? Нимаси ёқмади сизга дейишдан олдин сидқидилдан ўзимиздан ўзимиз сўраб кўрайликчи: биринчи жамоада, яъни уйимизда ҳам шундаймизми? Уйда ўз қадрдон жуфтгимизни, боламиз, ота-онамиз, ака-укамизни бошлиқни билиб олишга урингандек билишга ҳаракат қиламизми? Ишда бошлиққа нисбатан бўлганидек уйда ҳам, яъни муқаддас даргоҳимизда ҳам эътиборли, кечирувчанмизми?

Атрофимиздагиларнинг қай мижозга тегишлигини-ю, унга кандай муомала қилиш кераклигини ҳеч ўйлаймизми?

Нима учун уйдагилар – энг қадрдон, қондош-қариндош кишиларимизга нисбатан кечирувчан эмасмиз? Нега улар ишда юриш биз учун ҳақоратдек туйилади? Нима учун ишда бошлиққа хамиша «паст келамиз-у», онда-сонда жуфтимиздан «пастроқ туришга» бўйнимиз ёр бермайди? Нима учун жуфти ҳалолимизнинг феъли-атвори, мижози яратгувчидан, ирсиятдан эканини, у бизга ёқмаган тақдирда ҳам уни бирданига, дабдурустдан ўзгартириб бўлмаслигини била туриб, ўзимизникини маъқуллайверамиз?

Бунинг ҳаммаси-чи, келин болам, биз ишда ўзимизга ўзимиз «Ўзимни шундай тутишим керакки, бошлиғимга ёқайин. Бу – зарур. Бу – керак!» – деб кўрсатма берганимизнинг, бор имкониятларимизни ишга солиб, шу кўрсатмани бажаришга интиганимиз оқибатидир! Аслида уйда ҳам фақат ҳиссиётлар билангина, руҳиятнинг ўзи билангина яшамай, ақлимизни ҳам ишга солишимиз, шундай кўрсатмани қаттиқроқ беришимиз керак эмасми? Шунда ажралишлар у қадар кўп бўлмасмиди?

Менинг назаримда, юлдузи юлдузига чап бўлиб турганлар ҳам, биринчи навбатда, ақл, виждон тарозуси билан асосий мақсадни аниқ белгилаб олишлари керак. Асосий мақсад, бирга яшаш, оилани, болалар боши узра ёғду сочиб турган Қуёш ва Ойни асраб қолиш бўлса демак, юлдузни юлдузга мослаштиришга уриниш, келишишга ҳаракат қилиш лозим.

Ҳа, келин болам!

Юлдузларнинг бир-бирига мос тушгани яхши, албатта. Бу – ўзаро меҳр-муҳаббат ва оқибат асоси. Аммо инсон ўз жуфти-ҳалолининг юлдузини кўзлаб, юлдузларни бир-бирига мослаб юришга интилиши билан ҳам табиатнинг бошқа мавжудотларидан фарқ қилишини унутмаслик керак.

Юлдузларнинг бир-бирига мос тушганига, кишиларнинг бир-бирлари билан мослашиб, келишиб, севишиб яшаганига нима етсин! Шунда биздан қолажак ҳалқалар ҳам анча мустаҳкам бўлади!



## АЁВЛИГИМ

(Радиожурналист Муқаддасхон Халилова  
билан суҳбат)

– Раҳима опа, «Ёшлик» радиоканалида турмуш, оилада муомала маданияти, муросаи-мадора, юлдузга юлдузни мослаб яшаш хусусида сўз юритадиган «Қайнона сабоқлари»ни бошлаганимиздан бери тайёрлаб берган «сабоқларингиз»нинг бир китоб бўлганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Ишончим комилки, бу китоб сабогимизда иштирок этаётган келинларгагина эмас, эрта-индин эшигида сурнай навоси янграшини ҳаяжон билан кутаётган қизларимизга, келин тушириш орзусида юрган оналаримизга ҳам жуда фойдали бўлади. Узоқ йиллик меҳнатингиз, биз билан ҳамкорлигингиз шунчалар ҳосил берганидан хурсандимиз.

– «Эр эпламоқ осон, лекин...» деб номлаганимиз бу китоб менингина эмас, ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли яралгани учун «Ёшлик»нинг ҳам ижодий мулки бўлиб ҳисобланиши тарафдориман. Дилимиздаги гапларни, ёшларимизга айтмоқчи бўлган эзгу истакларимизни бир мажмуа сифатида кўриш насиб қилгани учун ҳам шукрлар бўлсин!

– Сабоқларимиз мобайнида кўпчиликнинг истагига кўра навбатдаги суҳбатимизни оиладаги энг эъзозлилар – қизлар тарбияси хусусида олиб борсак. Суҳбатимизни шартли равишда «Аёвлигим» деб атадим. Қизларимиз дунёга келиб, вояга етгунча оиланинг, айниқса оналарнинг, бувиларнинг масъулияти ҳақида гаплашсак.

– Муқаддасхон, тўғри айтдингиз, қиз бола, яъни миллат келажagini яратувчи инсонни жисман соғлом, қалбан меҳрли, руҳан тетик қилиб тарбиялаш азалдан оналар уҳдасига ёзилган. Кексаларимиз қиз келтирадиган раҳмат ҳам, худо кўрсатмасин, лаънат ҳам биринчи навбатда она шаънига, шу қизни Аллоҳ инояти билан дунёга келтирган, вояга етказган, қанча-қанча шодлигу изтиробларни бошидан кечирган инсон шаънига бўлади, деб тўғри айтишган.

– Ҳикояларингизнинг бирида янги меҳмоннинг, яъни қиз боланинг дунёга келиши дақиқаларидаги оналарнинг қийноқли, ҳаяжонли кечинмаларини жуда таъсирли тасвирлагансиз:

«...Кўзимни очганимда олам ҳаддан зиёд чароғондай кўринди. Кўзларим қамашиб, беихтиёр киприкларимни уларга қалқон қилдим. Бемажол вужудимда чидаб бўлмайдиган оғриқ билан яна алланима бор эдики, бунинг нималигини ўзим ҳам ҳали тушуниб етолмасдим.

– Тирикми?! – вужудимдек бемажол шивирлади лабларим ҳам.

– Тирик! Тирик! Суқсурдай қиз! Муборақ бўлсин!

– Кўрсам бўладими? – менинг товушимда ишонч йўқ эди. Миямдан чақин тезлигида «Яна ҳушидан кетмасин деб алдашяпти шекилли», деган фикр ўтди.

Доя ичимдан ўтганини сезгандек, дам ўтмай мен ётган махсус хонага фақат туғуруқхоналардагина йўргакланиши мумкин бўлган услубда йўргакланган чақалоқни олиб кирди.

Негадир чақалоқ, тик, гўлачадай типпа-тик эди. Тахтақдек қаттиқ боғлангани учунми, юзлари кўзимга лўппи кўринди. Кўзлари юмуқ, сочлари пешонасига тушиб турибди. Қошлари ўрнида нафис мўйчизиқ тортилгандек...

– Меникими? – сўрадим ҳамон кўзларимга ишонмай.

– Сизникиман, ойижон! Сизникиман! Мана «паспорти»ни ҳам кўринг! – чақалоқни елкасидан баланд кўтариб турган доя аёлниг гўдагим тилидан гапираётганини анча кейин ангайдим.

Кўзларимга бор қувватимни йиғиб, чақалоқ белидаги клеёнка қийтиғига тикилдим. Унда ўзимнинг фамилиям ёзилганди. Боятдан бери бор идрокимни бошимга, кўзимга йиғаётгандим. Бирдан шу таранглик қайгадир сингиб, бўшашиб кетдим. Кўзларимга негадир қайноқ ёш келди. Кейин улар қулоқларим ортига оқиб тушаверди, оқиб тушаверди!..

– Онагинам! – ўз овозимни ўзим танимадим. У қандайдир оловли эди. Шу биргина сўз билан мен айни пайтда дилимда борини изҳор қилган эдим. «Оллоҳ, менга қиз инъом этибсан, Ўзингга беадад шукр! Қиз кўрдим! Дунёга мен сенинг ироданг билан ўзимдан яна битта ўзимни яратдим!»

Доя аёл мени чамаси сал жўнроқ тушунди.

– Ҳа, киши она бўлганидагина онаси қадрига етади. Ўзи ҳам дунёга шундай қийноқлар билан келганини ҳис қилгандан кейингина киши инсонга, ҳаётга, онага бошқача кўз билан қарай бошлайди.

– Онагинам!



Ҳозиргина жоним соат мили каби Ҳаёт ва Мамот ўртасида бориб – келиб турганиданми ушбу сўз билан борлиғимни ифода этмоқчи бўлдим шекилли.

Давом вужудимни биринчи бор қўлимга олаётганимда беихтиёр тилимга «Қизгинам, аёвлигим!» деган сўзлар келди. Гўё шу сўзлар билан Онам, Ўзим, Келажак ўртасида узилмас ришталарни боғлаганимни ҳис қилардим»...

– Раҳима опа, ҳозирги парчада тасвирлангани каби, қиз кўрган она ўз муждасини «Онагинам!» дейишини кўп эшитганман. Назаримда, шу биргина сўз билан у инсоният занжиридаги бирлик узлуксизликни ифода этади. Ана шу кичкина парча баҳона, келинг, сиз билан қизли хонадон, қиз ўстираётган оналар қалбидаги кечинмалар ҳақида сўзлашайлик. Бу кечинмалар сизгада бегона эмас.

– Ҳа, бу кечинмаларни бегона қилмаган Оллоҳга беадад шуқр. Аввалги китобим – «Аёл қалби» опа-сингилларимиз қўлига текканидан сўнг кўп фикр-мулоҳазалар эшитдим. Деярли ҳаммасида бир асосий мулоҳаза – аёлнинг том маънодаги аёл, ота-боболаримиз айтмоқчи «рисоладагидек» аёл бўлиши учун унинг шаклланиши даврида, яъни қиз болалик даврида тарбиясига катта аҳамият бериш керак, деган мулоҳаза илгари сурилган. Айнан шу даврда қиз боланинг кўзига мумкин қадар кўпроқ атроф-муҳитни кўрсатиб, қулоғига кўпроқ нарса қуйиш керак экан. Ана шу фикр-мулоҳазалар асос бўлиб, қолаверса, сиз билан биргаликда тайёрлайдиганимиз «Қайнона сабоқлари» рукнига келаётган хатлар сабаб бўлиб, навбатдаги кўнглим дафтарини очишга ва уни «Аёвлигим» деб аташга қарор қилдим. Унда битилган ва битилажак сўзлар худди айтганингиздек вояга етаётган набира қизларимизга, ўзим ҳар гал учрашувларига ошиқадиган қизларимизга она, опа, аёл ижодкор сифатида айтмоқчи бўлган сўзларимдир.

– «Аёвлигим!» Раҳима опа, ростини айтсам, бу сўзни мен илгарилари эшитмаган эканман. Ҳарқалай одамнинг томирига «Шашмақом»ни эшитгандаги каби чиройли бир туйғу бахш этадиган сўз экан. Ўзагида аяш, асраш, авайлаш, эъозлаш маънолари бўлса керак-да?

– «Аёвлигим» деган бу ғоят нозик сифатни мен Миртемир домланинг шеърларида учратгандим. Гўрлари тўла нур бўлсин



домланинг, бу сўзни сатрлари орасидан «ўғирлаб» олганим учун кечирарлар.

Назаримда, ўзбек оилаларида отанинг, она ва опаларнинг, ака ва ҳатто укаларнинг аёл зотлик мўъжизага нисбатан азалий эъзозли муносабатини мана шу сўз билан, мана шу сифат билан жуда тўғри ифодаласа бўларкан. Ахир қайси асл китобни ўқиманг, қадим-қадимдан ўзбек оилаларида қиз болани сара чиннидай, оқ қанддай асраб-аяб келинганини кўрасиз. Қадим-қадимдан қизларимизнинг нозик ибоси аввалам бор уларга нисбатан нозик муомаладан озиқ олиб келган, меҳрдан тобланган. Кумушбибининг отаси Қутидорнинг, Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожиларнинг ўз уйларидаги қиз-аёл-келинларига бир мўъжизага қарагандек қараб, нозик муомала қилиш саҳналарини ўқиганда, ёшгина шоҳ Бобурнинг онаси, опасига, айниқса ёстиқдошига муомаласи лавҳаларини ўқиганда ўзбек борки, ҳали айтганингиз каби қалбига иссиқлик югурмай иложи йўқ.


Буларнинг ҳаммаси юқори табақадагиларга, «оқсуяклар»га, сарой аҳлигагина хос, шунга ҳавас қиласизларми деб яқин-яқингача ҳатто ҳавас, тақлид, муомала маданиятини нозик тушуниш истагимиз, умидимизни тизгинлаб келинди. Яхшига ҳаваснинг, тақлиднинг нимаси ёмон?

Тошкентнинг кўҳна Қоратош маҳалласида шоиртаъб оилада катта бўлиб, ота-она ўрнида тўрт сингисини узатган, укасини уйлаган, ёшлигидан Абдулла Қодирийнинг асарлари руҳида ўсган Собир тоғамлар раҳматлининг ўз сингиларидан биронтасига, опа-сингилларнинг ҳам биров-бировига ва кичик укаларига бирон марта «сен»лаб гапирганини эслолмайман. Холаларимнинг бир-бирларини сизлаб гапиришида мана энди, болаларим улғайганда ўзим ҳам жуда катта маъно туймоқдаман.

– Бу маънавият илдизимиз тўқлигидан нишона.

– Ҳа, кузатган бўлсангиз, ўсиб-унаётган қизларни ўзбек хонадонларида ажиб улуғ зотга таҳаасуб қилиниб «Онам!» деб чақиришади, «Она қизим!» деб эркалашади, «Онагинам!» деб суйишади. Она билан қизнинг биринчи бор кўкрак тутиб эмишдан бошланган сирдошлиги бир умрлик ва муқаддас бўлади. Бу сирли қўрғонга унча-мунчалар кира олган эмас. Бир авлоднинг иккинчи авлодга қолдирадигани кўп бўлганидек, онанинг қизига айтар сўзи ҳамиша кўп бўлади. Қизининг эса





Оламга, Ҳаётга интилиши ҳамиша кучли. Бу – она шу сирли булоқдан сув ичганининг, бу булоқни ҳамиша беғубор тутишга интилганининг оқибатидир.

– Қиз ўстириш қийин дейишади, ростми?

– О, буни бағрида қизи бор оналардан сўранг! Уйда қизи балоғатга етаётган оналарнинг юрагида не гавҳарлару, не инжулар ётибди! Сизни ҳам Муқаддасхон, худо бундан бенасиб қилмаганига шукр қилинг!

– Ҳозир қиз ўстираётган она кўнглидан ўтаётган ҳис-ҳаяжонлар ҳақидаги монологингни биргаликда тингласак...

– «...Боғимда бир гул ўстираяпман, у атиргул гунчасидек сеҳрли-сеҳрли. Уни шамоллардан, қуёш жазирамасидан, ёмон кўздан, ҳатто булбулнинг бевақт хонишидан асраш ҳаётим мазмуни бўлиб қолди. Бу йўлда менга ҳеч ким, ҳеч нарса бас кела олмайди. Ҳамма-ҳаммасини енгиб ўтишга қодирман. Шамолдан қовжираш, жазирамада жизғанақ бўлиш мен учун ўстираётган гунчамнинг бевақт очилиши ёхуд бевақт заволини кўришдаги қийноқлардан энгилроқдир ва тотлироқдир...»

Она билан бола, гул билан лоланинг суҳбатига қулоқ тутганмисиз? Ҳа, оналарнинг қизларига айтар ёниқ сўзлари кўп бўлади:

«Бугун сенинг ёшинг ўн еттида!

Бугун олам сенинг кўзингга мактабни битириш оқшомига кийганинг – шафтоли гулидек нафис, пушти кўйлагингдек ҳарир, енгил, ўзингдек бокира, эзгулик ва яхшиликка, романтикага тўлиқ кўринаётгандир?!

Бугун ҳаёт сенинг кўзингга гўзал, серзавқ, сурурли ва сеҳрли бўлиб туйилаётгандир?!

Бугун одамларнинг ҳаммаси сенга тенг, дўст, ҳамдам, фидойи бўлиб кўринишаётгандир?! Ҳа, ҳаммаси аслида шундай!

Лекин нечун менинг қалбимда сенинг бўй бастинг билан севиниш, хулқингу одобинг билан сурурланиш туйғулари ила яна тасвирлаб бўлмас, қийноқли изтироб ҳисси ҳам ёнма-ён? Нечун сен самоларга сирли-сирли боққан серюлдуз кечаларда менингда кипригимга уйқу инмайди? Нечун мен мижжа қоқмай тонг қаршилайман? Нечун сенинг кечинманг, назарингга, ҳаяжонингга лойиқ нарсаларни кўрган, ўқиган, эшитганимда қалбим сенинг қалбинг каби ўзгача сурурли тўфонга



тўлиш билан бирга, яна унга кўрқув ҳам кириб олади?! Нечун сенинг назаринг тушган нарсаларнинг биридан завқ олсам, иккинчисидан жароҳатига туз теккан кишидек юрагим ачишади?!

Чунки бугун сенинг ёшинг ўн еттида!»

– Муқаддасхон, бу давр қизлар тарбиясидаги энг масъулиятли, энг назокатли, айна пайтда энг қалтис давр ҳисобланади. Чунки бу қизларнинг кўзига олам яшноқ, айтиш мумкинки, лола рангида кўринган, қизларнинг нафис хаёлларга бериладиган, ишонувчан, романтик даври.

– Раҳима опа, айнан шу давр тўғрисида бир қатра ҳикоянгиз ҳам бор. Янглишмасам, «Узилмас кўнгли» китобингизда ўқигандим.

«... Вой, ана лола!

Унинг қўлида лола, кучоғида лола. Табиат уни бугун лола рангга кўмиб ташлашга қасд қилган кўринади – оёқлари остига ҳам сон-саноқсиз лолаларни сочиб ташлабди. Бироқ унинг кўзлари баланд қоя устида тебраниб турган ягона лолада эди.

– Вой, ана лола!

Танқолиги учунми, қоя устидаги лола шундай гўзал, киши қалбини алланечук қилиб юборувчи шундай нафис эдики, қизнинг лаблари беихтиёр шивирлади:

– Жудаям чиройли-я!

– Олиб берайми?!

– У ерга чиқиб бўларканми?


– Мен чиқаман!

– Жиннилик қилманг!

Аммо йигит алақачон узоқлашиб бўлган эди. Тирмашиб қоянинг ярим белига етгандаёқ, қаро терга тушиб кетди. Пастга қараган эди, боши айланди. Ета олармикан? Жуда қалтис жойда экан, уза олармикан? Бирдам иккиланиб қолди. Зимдан қизга кўз ташлади. Минг-минг лолалар ўртасида у улкан лола бўлиб ёниб турарди! Ўзига ошно бўлиб қолган аллақандай илиқ ҳис бошидан оёғигача яна жимирлаб ўтди. Юрагининг тепкиси тоғда акс-садо бераётгандай...

Кўлларининг шилиниб кетганига қарамай, яна шиддат билан юқорига кўтарила бошлади.

Қанча муддат ўтди, билмайди. Қизнинг кўзи ҳамон ўша қоя устидаги ёлғиз лолада. У жуда гўзал, ягона... Шу лола томон



тирмашиб кетаётган йигит ҳам яккаю ягона туйилиб кетди қизнинг қўнглига. Ташвишли ҳаяжондан юраги энтикди: «Негаям кўрсатдим-а ўша лолани? Нега унинг шу тик ва қўрқинчи қояга чиқишига йўл бердим?! Тезроқ туша қолсайди!..» Бироқ юрагининг таг-тагида бошқа орзу. Баланд қоядаги ўша лолани бутун унга бошқа биров эмас, синфидаги энг шўх бўлгани учун ҳам охирги партага «сургун» қилинган мана шу йигит олиб беришини истайди...

Йигит қўллари дорбоз таёғидек кериб, қоянинг лола ўсган чеккасига яқинлашаётганида қиз «Вой!» деб кўзларини кафти билан беркитиб олди.

Қанча муддат ўтди, билмайди. Кўзини очганида қаршисида йигит тиз чўкиб, иккала кафтида ўша лолани узатиб турар эди...

Улар ўн етти ёшда эдилар!..»

«Оҳ, қизгинам, менинг ёниқ лолагинам! Бу ҳаяжонларинг менгаданиши, менгаданиши азизку-я, лекин қалбимда шу ҳаяжон билан ёнма-ён турган қийноқли туйғуларни қай сўзлар билан ифода этай сенга?»

– Қизи бор оналарнинг қалбида гурур, сурур, фахр билан бирга, бир умр ифода этиб бўлмас хавотир ҳам бўлади, деганлари рост эканда? Раҳима опа, бир шеърингизда ана шундай хавотирнинг лаҳзалик ифодасини сезгандим:

*Гўзаллиги, нафислигидан,  
Яноқлари ёниқлигидан,  
Борлигини унутиб бутун  
Чайқаларди лола уззу кун.*

*Қўнимни йўқ парвона каби  
Атрофида учади ари.  
Лола ёниб ҳаяжонидан  
Қалбин очди севгиси сари!*

*Олиб илку охирги бўса,  
Кетди ари, сўлиди лола...  
Ишқ майини тўйиб сипқормай,  
Юрагида қолди доғ, нола...*

– Киз боланинг айнан «лола»лик пайтида онаси ҳамиша сирдоши, энг яқин кишиси бўлиши керак. Чунки она қалбида



ҳақиқатда ҳам Сиз айтган юксак туйғулар билан бирга, қийноқли изтироб ҳам бўлади.

«Бу қийноқли изтироб бир мендами ёки қиз боққан она-ларнинг ҳаммасидами?» деб ўзимдан ўзим кўп сўрайман. У қийноқ оналар юрагига қачон, қайси асрда илаша қолди? Нега замонларнинг, фаслларнинг ол ранги оналар юрагидаги бу азалий изтироб рангини, шаклини ўзгартира олмади?!

Сўрамишлар:

– Дунёда ўлимдан ёмони нима?

– Қизингнинг ноқобил бўлиши!

Бу даҳшатни бошидан кечирганларнинг дилиданда, тилиданда бундан даҳшатлироқ нидо чиқади:

– Қиз асрагандан кўра туз асрасам бўлмасмиди?!

Дол бўлган қадлар, эгилган бошларга келадиган хулоса ундан ҳам даҳшатли:

– Қиз келтирган номус ўлимдан кучли!

Нега, нега янги-янги замонлар бу азалий маталларнинг маъносини, тигини ўтмаслаштира олмади?! Қайтага «замонавийлаштириш», «овропалаштириш» каби сунъий тушунчалар оналар ярасини чуқурлаштириб туз сепмадимми?

Сен туғилганинг дамдан бери бу қийноқли изтироб ғурурим, сурурим, меҳрим ёнидан бир дам силжиганини, хоҳ уйғоқ, хоҳ уйқуда бўлмайин, бир дам қалбимни тарк этганини билмайман. Қачон, қандай қилиб у юрагимнинг энг кўринмас бурчагига, аммо ҳукмдор бурчагига жойлашиб олди?! Унинг ўткир тигини биринчи бор қачон ҳис қилдим? Биринчи бор жароҳатини қачон олдим?

Бевақт узилган, «юрагида доғ, ноалар қолган» лола қизларни кўрганимда эмасми?

Нега, нега ҳар гал бир бахтсиз ҳодисага дуч келганимда «Оҳ, шунинг ўрнида менинг қизим бўлганда нима қилардим?! – деган хаёл дилимни тирнаб ўтади?! Хаёлнинг ўзигаёқ вужудимни совуқ тер босади? Сен туғилгандан бери бировларнинг дардига бефарқ қарай олмайдиган бўлиб қолганман, негаки ҳар гал бахти қаролар ўрнига ўзимни-ю сени қўйиб кўраман. Хаёлот изтиробни шунчалар, ҳаётини изтироб бошига тушганларга Тангридан сабр сўрайман!

Қалб ярасини вақт ҳам даволашга ожизлигини сенга қандай тушунтирсам, не сўзлар билан англатсам экан? Бугун сенинг ёшинг ўн еттида, Аёвлигим!

Сенга айтар сўзим нақадар кўплигини билсанг эди!



Ҳаётнинг серқирра довларидан бирини ўтганимдан кейин қизлар тарбияси ҳақидаги дастлабки тасаввурларим чилпарчин бўлди. Мен сенга бутун дунёни фақат нафис, пушти рангда кўрсатмоқчи эдим. Ҳа-ҳа, мен сени бу дунёнинг даҳшатларидан, ёмон одамлар ҳам мавжуддигидан чалғитиб, аяб олиб ўтиш ниятида эдим. Дунёни кўзингга нашидали, сурурли, ҳаминша табассумли қилиб кўрсатмоқчи эдим. Тўғри яшаганларга тикон кирмайди, ҳаёт зарбалари уларни четлаб ўтади, деб ўйлардим. Йўқ, Аёвлигим, онанг қалбида ўзгача қийноқли изтироблар қонталашиб қолмаслиги учун сен ўша тиконларга, зарбаларга тайёр туришинг керак, ўзингигина эмас, бошқаларни ҳам бу зарбалардан ҳимоя эта билишинг керак!

Бугун сенинг ёшинг ўн еттида! Бугун сен буларни билишинг керак!

– Раҳима опа, афтидан қизларимиз вояга етгани сари, ҳозирги парчадан кўриниб турибдики, уларни ҳаётнинг паст-баландига, аччиқ-чучугига ҳам тайёрлаб бориш керак экан. Мана, неча йилдирки, «Ёшлик» радиостудиясининг «Камалак» радио журналига «Қайнона сабоқлари» саҳифасини тайёрлаб берасиз. Фикрингизни Рихсixon Иброҳимова тингловчиларга гоаят нафис қилиб етказадилар. Раҳима опа, мавзуларингизнинг чексизлиги, баъзида кишининг хаёлига келмаган гапларни ўртага ташлашингиз, аммо ҳар гал ҳам ҳар қандай муҳтдан яхшиликни кўзлаб чиқиб кетишига интилишингиз биз ёш журналистларни ҳам ҳайрон қолдиради, ҳам бизга сабоқ бўлади. Ёзиб берганларингиз ўз қизингиз, келинларингиз билан муносабатда бошингиздан кечирганларингизми ёки кузатувларингиз маҳсулими? Саволим қалтисроқ туйилган бўлса, жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин. Сўраганимнинг боиси, аввало қизлар тарбияси, бўлажак келинлар тарбияси хусусида гап юритаямиз, қолаверса, ҳали айтганимдек, мавзунини жуда ўйлаб, изчиллик билан, ҳатто мен ёдингизга солмасимдан ҳам аввал етказиб беришингизга, бу ишга, яъни радионинг топширигига ўта масъулият билан қараганингиздан мамнунлигимдир.

– Муқаддасхон, саволингиз сал қалтисроқлигини сезиб турибман. Айрим дугоналарим бу эшиттиришимиз боис (менку эфир ортидаман) Рихси опани «Республика қайнонаси» деб ҳам атай бошлашибди. Бунинг тагида озгина ҳазил, озгина

фахр ҳам бор. Сиз ҳам ҳозир чамаси ўз уйингизда аҳвол қандай демоқчисиз. Аввало шуни айтиш керакки, ёшимиз, касбимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ҳам шу жамиятнинг маҳсулимиз. Менинг қиз-келинларим ҳам «осмондан», «ўзга сайёралардан тайёр инсон, тайёр келин бўлиб тушишган эмас. Юртда бор маънавий таранглик, меҳр танқислиги бизда ҳам мавжудлигини ҳис қилиб тураман. Баъзан бу юрагимнинг оғриқ нуқталарига тегинади... Омоҳдан ҳозир бағримни тўлдириб турганларнинг ҳаммаси ортимда қолишини, иймонли, яхшиларга эргашадиган солиҳ фарзандлар бўлишини илтижо қиламан. Уйи, бахти, оиласини маҳкам ушласин, деб сўрайман. Ақлим, қалбим етганича ҳаётдан олган сабоқларимни бошқалар, хусусан, сизнинг тингловчиларингиз билан ўртоқлашиш асло «ақл ўргатишга» кирмаса керак. Борингки, айрим мавзулар бошимдан ўтганининг ҳосиласи бўлса ҳам, бу «Сирни сиртга чиқариш эмас», аксинча ўзгалар салбийсини қайтармасинлар, ижобийсини эса илдиз олдирсинлар, деган яхши истак холос. Бу ижодкорларга хос фазилат-ку! Хусусан, ҳозирги мавзуйимизга қайтадиган бўлсак, ҳамма оналар ҳам қизини аяшни истади. Уларнинг ҳаётда қаттиқ синовларга дуч келишинигина эмас, бармоқларига ҳатто зирапча киришини ҳам раво кўрмайдилар. Лекин Бедилни ўқишни қизларимизнинг ўзлари ўрганишлари керак. Қийинчиликларнинг ҳам ўзига яраша гашти, сурури, энг кераклиси, сабоғи бўлади. Оналар қизларига айтар сўзларида ҳаётдан ана шу сабоқни ола билишни ўргатишлари керак. Чунки... Чунки қиз – онанинг иккинчи «мен»и, иккинчи умри, юрагининг тубида пинҳон қолган армонларининг рўёси, ушалмаган орзуларининг ушалиши... Она қизининг қалбини шунинг учун ҳам авайлагиси келади. Бир вақтлардаги ўз қийноқларининг бирон чимдими унда қайтарилишини, ўз изтиробларининг анча енгил пардада бўлсин унда нола бўлиб эшитилишини истамайди.

– Бунинг учун назаримда қизларни, яъни ниҳолларимизни бошқа ерда тез илдиз олиб кетишга тайёрлаш керак. Лекин қандай қилиб?

– Муқаддасхон, бу борада ота-боболаримиз, оқила момоларимиз тутган йўл бизга қувват берсин. Улар «Қиз бола бировнинг хасми», деган гапни қизларининг этига жуда ёшлигида ноқ сингдириб боришган. «Бир жойга» боришга қизлар гўдаклигиданоқ тайёрланган. Ҳозир бу гапларни ёшларимиз ғурурини поймол қилиш деб тушунадиган кишилар ҳам кўп. Бу ҳам



уйда олган тарбиянинг акс-садоси. Айрим хонадонларда қизларга доим «меҳмон» деб қаралади. Ота-онасиникида кўриб қолсин дейилади. Аёл ўзидан меҳр, шафқат, нур улашиши кераклигини унутишади. Ўзига нисбатан муттасил эътибор талаб қилиш билан ўсган қизлар биров билан бир бурда нонни, кўғирчоғини, кейинроқ меҳрини бўлашишга қодир бўлмай қоладилар. Бундайлар ҳаётда кўп қийналаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Ҳолбуки, қиз – она – буви – фидойиликдан, ўзини атрофидагиларга бахшида қилишдан иборат узун ва мураккаб йўлдир.

Бир ривоят эшитганим бор эди. Тангри Таоло Одам Ато билан Момо Ҳавони яратиб, уларга фазилат улашаётганида Одам Атога куч-қудрат, уддабуронлик, тадбиркорлик, шафқат бериб, Момо Ҳавога биргина калит берган эканлар. Азалу азалдан оналар, бувилар қизларимизга шу калит билан кишилар кўнглини олишни, бахт, осойишталик, файзу-барака ҳукм сурган хонадон эшигини очишни ўргатиб келишган. Шунинг учун ҳам бувиларнинг, оналарнинг қизларига айтар сўзлари кўп бўлади:

«... Билсанг эди, сенга айтар сўзим нақадар кўп! Булар – бошимдан кечганлар, дугоналаримдан эшитганларим, кўрганларим, одамлардан эшитган ривоятлар ва ҳикоятлар, қалбимни қачонлардир қуш мисол осмонга кўтариб, офтобда чўмилтирган, айрим пайтлар тубсиз жарга ирғитгандаги каби шувиллатиб, музлатган, кўп, ниҳоятда кўп ўйлатган воқеалар! Мен уларни билганимга қанча вақтлар ўтганидан қатъи назар, вақтики келиб сенга айтиб берарман деб бутун тафсилотлари биланда эслаб қолганман. Худди бугунгидек минглаб чақноқ юлдузлари қўл билан узгудек пастга тушган ойдинли тунлари сенла ёнма-ён ўтириб сирлашмоқни орзу қилган дамларим кўп бўлган. Ҳаёт, рўзғор, тирикчилик деб аталмишга асира бўлиб, бу орзуларим жуда кам ушалган...

Менинг сенга айтар сўзим нақадар кўплигини билсанг эди, Аёвлигим! Ўн тўққиз йилдан бери гоҳ маъсум, гоҳ хандон сен билан сирлашиб келаман. Эрта-индин эшигимизда янграйдиган сурнай хониши иккимизнингда дилимизни бир пардада ҳаприқтиради... Айтмоқчи бўлганларимни-ю, айтишим керакларининг ҳаммасини айтдиммикин сенга? Ҳамма-ҳаммаси қулоғинг-у қалбингга жо бўлдиммикин? Айтганларим қалб кўзингга тушадиган сирли калит бўлармикан-ки, бу ерда кўрган, эшитганларингни у ерга сеп қилиб олиб кетсанг?! «Сирдошинг ким эди?» дейишса, «Онам!» дейишинг-ку тайин, «Онам



менга жон ато қилдигина эмас, қалбимга аждодларим руҳини, момоларим меҳрини ҳам солди!», дея олармикансан?

Эртага сени «бировнинг хасми» деб эмас, мен ўзим, ўзлимнинг қайтариғи, иккинчи «ман»им деб, ушалмаган орзуларим ушатгувчиси, боролмаган манзилларим кўргувчиси, қилолмаган ишларимнинг ижрочиси, бир сўз билан айтганда «оқ тонгларимнинг ойдини», деб узатаман. Фуруримнинг баландлиги, ифтихоримнинг кучлилиги, руҳимнинг юксаклиги шундан.

Қизини узатаётганда оналар йиғлашади дейишади. Мен эса дейман ҳойнаҳой:

*Ўзимми ё ўзлимми,  
Кетар мендан сар-сар,  
Кўзимдаги ёш эмасдир,  
Қалбимнинг дур, гавҳари!  
Юрган пойинг гулзор бўлсин,  
Чаман бўлсин илоҳим!  
Аёвлигим, бир умрга  
Суюнч бўлсин Иброҳим!*

Йўқ, Аёвлигим, мен асло йиғламайман, негаки «у ерда» сен борган кундан бошлаб мендан-да ёшроқ, менданда чиройлироқ, менданда латофатлироқ, менданда ғамзаси кучлироқ, менданда меҳлироқ, менданда... яна бир «мен» илдиз олиб, туб ёзиб, палак отади, иншааллоҳ!

Не бахтки, унинг меваси ҳам мен ўн тўққиз йил аввал ўзимдан яхшироқ ўзимни дунёга келтирганим каби, сенинг ўзингданда яхшироқ бўлажак!

Билсанг эди, сенга айтар сўзим қанчалик кўп! Биз ҳали жуда кўп гаплашамиз. Кўп сирлашамиз. Аммо бугун сенга айтар сўзимнинг аввали-ю охири:

– Борлигим сенга сеп бўлсин, бир умрлик, вафоли сеп бўлсин! Шу уйдан барча яхши нарсаларни, мендаги бор фазилатларни ол! Илтижойим: хатоларим, адашганларимни қўй! Қўлингдан келса, уларни тузат, бироқ зинҳор такрорлама! Кўнглим синган, дилим ўқ еган дақиқаларни такрорлама! Негаки сен – менсан, буни унутма! Яна бир илтижойим, сен мендан кейинги ҳалқа бўлганингдек, менинг кечмишларимни ўзингдан кейинги бокира ҳалқага янада тозароқ етказ!





– Эшиттиришимизда иштирок этганингиз учун «Ёшлик» номидан раҳмат!

– Таклиф қилганингиз учун сизларга ҳам раҳмат. Касби-корингизга барака берсин.

## ОИЛАМ МЕНИНГ – ҚАЛЪАМ МЕНИНГ

Сиз ҳам бу суратга узоқ тикилиб қолдингиз, келин болам! Тўйингиздан сўнг бутун оиламиз йиғилиб, бағри бутунлиқда тушилган сурат. Мен ҳам унга тез-тез тикилиб, хаёл суриб қоламан. Баъзан уни ярим аср олдин олинган бошқа бир сурат билан таққослайман. У вақтлар мен сиз каби янги келинчак эдим. Тўрда қайнота-қайнонамлар. Оллоҳ раҳмат қилсин, жуда яхши одамлар эди. Мана шунча вақт ўтиб кетибди...

Ҳа, умрни оқар дарё, деганлари рост экан, келин болам.

Ушбу сурат – унинг бир сония тинган лаҳзаси. Бу – маним тиллоларга алишмасим, дурру гавҳарларга бермасим, умрим мазмуни, кўнглимнинг муттасил сув ичар покиза чашмаси – оилам! Яъни – қалъам!

Сурат оиламнинг ишдан, юмушдан, ўқишдан, эзгулик кетидан қувишдан бир сония тинган лаҳзаси! Тинган ҳолдаки у вужудимнинг ҳар парчасида шукрлардан беадад байтлар яратди, жўшқин дарёлигида кечаю кундуз ҳамду сано –ўзига!

Шукрларнинг аввали бир пок оилада мени яратганига, яна бир пок оилада яралганга жуфт қилиб боғлаганигадир!

Шукрларнинг энг улуғи бедов туйғуларим тизгинлиниб, гўдак узра сокин, маъсум ва маҳзун эгилтиргани, қалбимни таърифларга сиғмас хокисорлигу буюклик ила тўлдиргани учундир! Алла айтсам, овозимга қайтариқ вужудимгина эмас, кўкда ой ҳам тингани учундир. Гўдакларимнинг тетапояси билан одимимнинг шаҳдамлашиб боргани учундир!

Оиланинг файзли гўшага, муқаддас даргоҳга айланмоғи учун аёлларга ўздан кечмоқлик, фидойилик буюрилганини вақтида англагани учун ҳам Тангрига шукрлар бўлсин!

Аёлга яна оилани асраш, эркакни асраш, фарзандларни асраш каби кучли туйғу билан боғлиқ улкан жасорат мерос эканини билдиргани учун ҳам шукрлар бўлсин!

Бу туйғу аёлнинг ўтда ёнишига, сувда чўкишига йўл қўймаслигини, ҳар не оловлардан бошимизни худонинг ўзи омон олиб



чиқишини ҳар биримиз умримизда неча бор синаймиз. Синовлардан ўтганимиз сари обрўймиз, ҳурматимиз ўз оиламиздагина эмас, чор атрофда, жамиятда ҳам барқарорлашиб бораверади.

Мен мана шу сурат баҳона бағримда бир сония тиниб, Оламга-ю Одамга тиниқ нигоҳ ила қараб турганларнинг кимлигую, нима иш қилиши ҳақида гапирмоқчи эмасман. Баҳони эл берсин, келин болам! Зеро, иншааллоҳ, инсон экканини ўражаги сабоғини ҳаёт менга кўп кўрсатди.

Мен ҳаёт синовлари оша бу суратга тушолмаганлар ҳақида, бу давранинг ҳали яна анча кенгайиши борасидаги умидларим ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасман. Зеро ўсиш, улғайиш, тараққий этиш ва тозариш Тангрининг бандага буюргани, иншааллоҳ!

Мен суратдагиларнинг ҳар бири менинг мен бўлиб шаклланишимда қўшган ҳиссаси, ҳар бирининг олдин мenden олиб, эндиликда мени офтобларга чўмилтираётган меҳри, муҳаббати, ўзига хос фазилатлари, эрка қилиқлари ҳақида соатлаб ва чарчамай гапиришим мумкин. Чунки...

Бу – менинг катта довлардан ўтган, катта оқимларга қуёйилган, эзгу тилаклари юзага олиб чиққан оилам!

Бу – менинг суюнчларимга қўш суюнч берган, ташвишларимда юпатган, эгилганимда суяган, АЁЛ аталмиш нозик отимга тош тегишига йўл қўймаган, ўқ тешмас зирҳли қалъам!

Қолаверса, оилам – менинг улуғ адабгоҳим. Довон орти довланигини кўрсатган, сўқмоқ сўнгги равонлигини уқтирган, ирмоқ охир уммонлигига ишонтирган, инсон қалби ҳамиша ўт билан сув ўртасида тобланишини англаган, аёл жинси ҳаётдан беиз кетмаслигини далилаган оилам!

Шукримнинг беададлиги шундан. «Ёмон кўздан, ёмон сўздан Ўзинг асра!» дея момоларим дуосини қайтаришим ҳам шундан келин болам!

Мана сиз ҳам қаторда бир чиройли бўлиб турибсиз. Илоҳо, мен бугун айтаётган шукрона туйғулар йиллар оша сизнинг ҳам қалбингизни тўлқинлантирсин:

**Довон орти довлон экан, минг шукр, кўрдим,  
Сўқмоқ сўнгги равон экан, минг шукр, кўрдим,  
Ирмоқ охир уммон экан, минг шукр, кўрдим,  
Умрим – Жавҳар, Комрон экан, минг шукр, кўрдим,**

## Келинг, бир сирлашайлик...



Севги — бу...

Қизлар муҳаббатга жиддий қарайдилар

Шаҳзодангиз келур албат

Жаннатни орзу қилган, дўзахдан қўрқади...

Қайнона ҳам она

Йиғлома қиз, йиғлома...

Келинг, бир сирлашайлик

Назокатнинг етти сири





Қизлар билан ўтказилган мактабдаги бир учрашувда фақат севги ҳақида етмиш олтита хат (савол) беришибди.

Мавзуни бу ёққа буришимизга, сирлашиб олишимизга, оқибат шу китобнинг ёзилишига қизларни қизиқтирган шу саволлар ҳам сабаб бўлгандир. Ахир бир учрашувда етмиш олти саволнинг ўндан бирига ҳам қизлар қалбини қондирадиган жавоб бериш қийин, албатта.

Қизларнинг, келинларнинг, ёш жувонлар, оналарнинг ўзаро сирлашишига ҳамиша мавзу топилади. Шунинг учун кўпчилик қиз-аёллар учун «Келинг, бир сирлашайлик!» ибораси энг севимли ибора бўлиб қолган. Сиз ҳам бундан мустасно эмас-сиз.

Энди бир фурсат суҳбатимизни нозикроқ мавзуларга буриб, бир сирлашиб оламиз. Ҳайрон бўлманг. Сезиб турибмиз, сўрайдиганингиз кўп. Одатда, иш ва ўқишдаги муаммоларни шароитга қараб ва холис ҳал этиб олаверасиз. Бунда сизга ҳамкасблар, дугоналарингиз, устозлар, буви ва онангиз, опангиз ёрдам беришади. Бироқ турмуш деганлари туганмас жумбоқларнинг ўзгинаси. Кўп саволлар сизни анчадан бери қийнаб келишини ҳам тушунапмиз. Лекин улар билан врачга ёки бошқа мутахассисга мурожаат қилишдан уяласиз. Китоб эса сизга яқин сирдош бўлиб қолди.

Сирлашиш асло ғийбатлашиш дегани эмас.

Сирлашганда киши билмаганини ўрганади, камини тўлдиради, онгини ўстиради. Одатда, бир-бирларига самимий муносабатда бўлганлар сирлашганда, биридан кейин фикр қилади, иккинчисидан кейин шукр қилади. Бу дегани киши ўзини ўзи худди кўзгуга солгандек, суҳбатдошининг ёки воқеа қаҳрамонининг ўрнига қўйиб кўради, таққослайди. Озгина мулоҳаза қилса, ана шундай фикр қилиш, шукр қилишлардан сўнг ўзининг кўп хатоларини тузатади, камчилигини йўқотади.

Ғийбатлашганда-чи?



Бунда аксарият бировнинг камчиликлари «қозонга солиб қоврилади», киши ўзини шу қоврилаётганлар ўрнига қўйиб қўрмайди, яъни ўзимда шу масалалар қандай деб ўйлаб ўтирмайди, демак мақсад яхшилик томон бурилиш эмас, аксинча гуноҳга ботиш бўлиб қолади. Муқаддас китобларда қайта-қайта ғийбатнинг кечириб бўлмас гуноҳлиги таъкидланади. Бунга эҳтиёт бўлмоқ керак.

Қиз-жувонларнинг сирлашиш мавзуси, айримларнинг билиб-билмай ғийбатлашиш объекти қилиб, асосан уларнинг энг яқин кишилари олинади. Булар: кўз остига олинган йигитлар, эрлар, кўпинча қайноналар, қайинэгачи ва қайинсингиллар, баъзида ҳатто ўз туққан оналари... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш ҳам мумкинدير. Шу яқин кишилар билан бирга яшалади, турмушнинг пасти-баландига шулар билан чиқилади. Демак, муаммолар бўлади. Муаммони эса ақл билан ўйлаб, яқин киши билан сирлашиб ёки дуч келганга ҳасратини дастурхон қилиб, демак ғийбатлашиб ҳал этишга ҳаракат қилинади. Ҳар қалай жуда бегоналар ҳақида сирлашилмаслигига ишонч ҳосил қилгандирсиз.

Сирлашганда сирлашаётган тарафлардан ҳалоллик, покизалик, холислик талаб қилинади. Сир ўртада қолиб кетиши керак ҳам. Ғийбатлашаётган тарафларга эса бундай масъулият қўйилмайди. Шу сабаб ўртадаги гап, ҳатто энг нозик гаплар ҳам қўшнидан қўшнига қўшилиб, масофа билмай оширтошиб кетаверади. Оқибатда, бундайларнинг ўша ғийбатлашган объект – эри, қайнонаси, қайинэгачи олдидаги иззат-ҳурмати йўқолади, «кўза синади», яъни турмуши мўрт бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ўз бахтини қадрлайдиган оқила келинлар оилага тегишли муаммоларни шу оиланинг ўзида ҳал этадилар, оиланинг сири четга чиқишига зинҳор йўл бермайдилар.

Ана энди биз ҳам бироз сирлашиб оламиз, бироз мулоҳаза қиламиз-у, лекин гап шу ерда қолади-а?

### СЕВГИ – БУ...

Балоғат ёшига яқинлашганингиздан бери «Севги нима?», «Муҳаббат нима?» саволлари дилингизда тобора турғун бўлиб бораверганди. Уни баъзан ё ўзингиз ё дугонангиз тилингизга чиқарган вақтлар ҳам бўлди. Мана, келин ҳам бўлдингиз. Бу



саволлар энди сизни кўпроқ ўйлантиради. Аммо бу ибтидоий саволга жавоб топиш бунча мушкул-а?

Кузатасиз, ўқийсиз, ўйлайсиз, аммо кўнглингизни тўлдирадиган жавоб топа олмай хуноб бўласиз. Бу саволга ҳаммани бирдек қаноатлантирадиган жавобнинг ўзи йўқ-да! Шунинг учун бу суҳбатда ҳаётда кўрганemiz, ўқиган, кузатганларимизни бир мушоҳада этиб кўрайлик. Сиз ҳам жиддий ўйланг. Айримлар ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Баъзан ўзингизга ёққан ёки ёқмаган кишилар ўрнига ўзингизни қўйиб, бир яхшилаб мушоҳада қилиб олиш кишига, ишонинг, кейинчалик кўп хатоларнинг олдини олишига ёрдам беради.

*«Ишқ инсоннинг ичини, жигарини ёқадиган пурҳикмат оташдир. У ақлни шошқин, қалбни жўшқин қилади. Инсонга катта қўрқувларни кичик қилиб кўрсатади... – деб таъриф берган эдилар бундан минг йил аввал шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари ва яна огоҳлантиргандилар: – Кўзни кўр, эшитиш туйғусини суст қилиб қўяди... У инсон бўғзини сиқади, нафасдан бошқа ҳеч нарса ундан ўтмай қолади, ўласи ҳолатга келиб қолади...»*

Ҳинд донишманд файласуфининг фикри ҳам эътиборга лойиқ:

*«Ақл майли ҳурматни тугдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни тугдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб, севги-муҳаббатни тугдиради.»*

Француз мутафаккири Вольтер: *«Севги-муҳаббат – бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танга бир вақтнинг ўзида ҳужум қиладиган энг кучли, завқли ҳис-туйғулардан биридир»*, дейди.

Бу гаплар сизнинг ёшингиздагиларга анча «жиддий» туюлади, тўғрими?

Чунки сизнинг ёшингиздаги қизларнинг аксарияти биринчи кўришданоқ севиб қолишга ишонади. Кўз ва қалб бир «ярқ!» этдими, тамом, ана шу севгидир, деб ўйлашади.

Аслида айнан севги ўзи ҳақида кўпроқ мулоҳаза қилишни, ақлни ишлатишни талаб қилади. Кўп, жуда кўп нарса бизнинг севги ҳақидаги тасаввуримизнинг қандайлигига, бу қарашларга нечоғли содиқлигимизга боғлиқ. Чунки...

Чунки икки қалб муҳаббатидан завқ олиш, бу муҳаббатни тобора аланга олдириб бахтибекам бўлиш ёки аксинча, бир-бирини тушунмасликдан бахтсизликнинг қаро ғуссасига бо-



тиш, айнан шу севги ҳақида қандай тасаввурга эгалигимизга боғлиқ.

Шундай қилиб, биз севгини қандай тушунамиз?

Бошимиздан кечирганимизга, кўнглимиздан ўтганига, дилимиз қонган ё, аксинча, қонмаганига қараб ҳаммамиз ҳам вақтики келиб маълум даражада «муҳаббатшунос», «севгишунос» бўлиб қоламиз, албатта.

Бу суҳбатимизда сиз кўп ўйлаётган муҳаббат ҳақида «бошидан ўтганлар» хулосасидан намуналар келтирмоқчимиз. Ўзингизнинг қарашингиз қай бирига яқинроқлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Севги бу – бир-бирига меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилишдир, деб таъкидлашади айримлар.

Бу тоифадаги аёллар табиатан жуда назокатли, жуда меҳрли бўладилар. Улар ўрнида ўзингизни тасаввур қилиб кўринг. Кўзингизга ёрингиздан, жуфти ҳалолингиздан ўзга ҳеч нарса кўринмайди. Жуфтингизнинг озгина эътибори, ишқий ҳаяжони ҳам сизни кўкларга кўтаради. Сиз ҳаммадан бекитиқчи тутадиган кундалигингизда ёрингизнинг таърифига лойиқ сўзлар ахтарасиз. Сизнинг назарингизда жуфтингиз яккаю ягона, дунёда унга тенг келадиган киши йўқ. Унга бир умр садоқатли бўлишга қасам ичишга ҳам тайёрсиз. Қанийди бир умр икки кабутардек бир-бирларингизга қараб «ку-ку»лашиб ўтирсангиз. Бундан ортиғи бўлмас! Сиз осмонлардасиз...

Ва, аксинча, жуфтингизнинг озгина эътиборсизлиги, бемаврид айтган кескин сўзи, бироз кўполиги, озгина тушунмовчилик ҳам (ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз) сизни «У мени севмайди!» деган хулосага олиб келади, ҳафсалангизни пир қилади, сиз қўлингизни ювиб, қўлтиққа тиқишга, никоҳни бекор қилишга, «дунёдан танҳо ўтишга» ҳам тайёрсиз! Бу – осмонидан ўз вақтида тушолмаганларнинг, реал ҳаётни тасаввур этолмаганларнинг ва жичча ўзсеварларнинг қараши ахир, азизим...

Келинг, яхшиси унгача бормай турайлик. Сизнинг ҳали дарз кетмаган муҳаббатингизни асраш ҳақида озгина ўйлайлик. Нега шундай бўлаяпти?

Балки сиз болаликдаги осмонийми, илоҳийми муҳаббат ҳақидаги тасаввурларингиздан соқит бўлолмаётгандирсиз? Ҳаёт ҳамиша бетиним илгарилайдиган жараёнлигини унутдингизми? Демак, биз ҳам катта бўламиз. Меҳрдан эҳтиросга,



ёқтиришдан муҳаббатга, ёшлиқдаги яширин оқ уришлардан эркак ва аёл ўртасидаги ишқий ўйинларга ўтилажаги сизга қоронғумиди? Ҳаммамиз ҳам одаммиз. Хаёлингиздаги улкунни эмас, ёнингиздаги одамни севишингиз керак. Унга, тақдирингизга битилганига аста-секин кўникиб боришингиз табиийлигига қониқиш ҳосил қилишингиз ҳам керак.

Севги, бу – илоҳий инъомдир, дейишади баъзи одамлар.

«Осмон никоҳи» деган гапни ҳам кўп эшитгансиз-а? Ҳаммамиз ҳам ёшлиқдан орзу-ҳавасларга берилувчан бўламиз. Унинг қанотида еттинчи осмонларга чиқиб оламиз. Ана шу хаёлот даврида тақдир бизни йўлиқтирган жуфтимиш ўша хаёлот оламимиздаги илоҳий бўлиб кўринади. Осмону фалакдан вақтида туша олмаганимиз учун жуфтимиш биз етиб бўлмайдиган, бизнинг ўзимиз ҳам унга нолайиқ бир нарсадек бўлиб кўринади. Ерга тушгач эса жуфтингизнинг у ёки бу камчилиги, нуқсони дарров хафсалангизни пир қилади. Фашингизни келтиради. Унутмангки, ҳаётнинг ўзи, муҳаббатнинг ўзи ҳам хаёлотимиздан кўра бойроқ, мукамалроқдир. Фақат буни англаб етишга ожизлик қиляпмиз. Шунинг учун ҳам реал ҳаёт, ҳақиқат, ҳатто жуфтингиз ҳам сизга жуда кўпол, сирли, мавҳум бўлиб кўриняпти. Сиз уни тушуниш, англаш, қўлингиздан келганича яхши томонга буришга уриниш ўрнига, ундан ура қочаяпсиз. Нега шундай?

Севги – бу илоҳий бир нарсаю, у сизнинг иштирокингизсиз ҳам пайдо бўлаверади, ўзи алоҳида яшайверади, деб ўйлаяпсизми? «Севги – илоҳий инъом, сал адашсанг, сал гуноҳ қилсанг, тангрининг ўзи берган инъомини қайтариб олади», деган ақидага ишоняпсизми? Шунинг учун ҳам кўз ўнгингизда муҳаббатингиз сўниб, ўлиб бораётганини кўриб туриб ҳам, қўлингиздан ҳеч нарса келмаслигига олдиндан ишониб, тақдирингизни осмонларга топшириб қолавердингизми? «Сендан ҳаракат, мендан барака!» деган гапни унутибсиз-да.

Севги бу – жинсий қизиқишдан, бадан талабини қондиришдан бошқа нарса эмас... Шундай дегувчилар ҳам афсуски топилади.

Буни, айниқса, сизнинг ёшингиздагилар чуқурроқ ўйлаб кўришлари керак. Жинсий эҳтиёжнинг устунлиги, ҳамиша унинг домида бўлиб, бошқа ҳеч нарсани кўрмаслик, тан олмаслик – кишидаги бошқа инсоний туйғуларни топтайди. Одатда, муҳаббатга бундай фақат физиологик муносабатда





бўлиш охир-оқибат руҳий бегоналик, ётликка олиб келиши мумкин. Чунки бундай ишончда юрган одамлар учун ким билан бирга бўлишнинг унча аҳамияти йўқ. Жинсий қониқиб, сексуал бўшаниб олса бас...

Эр-хотиннинг муҳаббат муносабатида жинсий алоқанинг аҳамиятини ҳеч ким инкор этмайди, албатта. Аммо фақат у деб инсоний бошқа туйғулардан – меҳр-муҳаббатдан, шафқат-мурувватдан, хуллас, муҳаббат деб аталмишнинг бошқа бир дунё фазилатларидан воз кечиш, ишонинг, бу – ҳозирги одамлар билан тош даври одамларини фарқлай олмасликнинг ўзгинасидир.

Севги бу – аслида йўқ нарса-ю, сентиментал кишилар уни ўзлари ўйлаб чиқарганлар, дегувчилар ҳам кўп.

Бундай одамлар табиатан ниҳоятда жиддий бўладилар. Улар ҳамма ҳис-туйғуларини ақлнинг қаттиқ назоратига бўйсундира оладилар. Вақтларини аслида йўқ «севги-муҳаббатга», «романтикага» сарф қилишни аҳмоқлик деб ўйлайдилар. Уйлансалар, эрга тегсалар ҳам, ҳамма нарсани совуққонлик билан олдиндан режалаб, ипга тизиб чиқадилар. Кейин умр бўйи шу белгиланган қоидаларга амал қилинишини қаттиқ назорат қиладилар. Муҳаббатнинг баъзан муайян қоидаларга сизмай қолиши, бўйсунмаслигини улар тушунмайдилар. Ҳис-туйғуларга берилишни улар ортиқча деб биладилар. Эр-хотинлик бурчини ҳам аввал келишилгандек муайян вақтда бажарадилар. Аста-секин эр-хотиннинг бир-биридан узоқлашиб боришини табиий деб биладилар. «Ёшимиз муҳаббат ёшидан ўтди», деб ўзларини оқлайдилар ҳам. Муҳаббатни, яъни эр-хотинчиликни улар фақат бурч, ундан ўзга нарса эмас, деб биладилар. «Муҳаббат ўзи бор нарсами?» деган саволга улар ҳеч иккиланмасдан «Йўқ! Эр-хотиннинг ўзига тегишли бурчи, вазифаси бор холос!» деб жавоб беришлари мумкин.

Севги бу – инсоният занжири узилиб қолмаслиги учун табиатнинг усталик билан қўйган тузоғи! Ана шундай қарашдагилар ҳам бор.

Бундай одамлар севгининг завқ-шавқига асло қарши эмаслар. Аммо табиатнинг сенга берилган меҳр-оқибат ўрнини бусбутун тўлдиришининг шарт, деган талабига улар бутунлай қарши чиқадилар. Гарчи муҳаббат муносабатларида аксарият бундай одамларнинг ўз хоҳиши, иродаси устувор бўлса-да, кўпинча уялмай-нетмай: «Бир неча дақиқагина муҳаббатга берил-



ганим эвазига кетидан бир дунё мажбуриятларни бажаришга мажбур этадилар!» дейишлари ҳам бор. Ўзларини чироқнинг ёруғига маҳлиё бўлиб, қурбон бўлган парвонага ўхшатиб ҳам юрадилар.

Севги, бу – ўзга инсон учун ўзингни ўз ихтиёринг билан қурбон қилишдир, дейишади айримлар. Улар ҳам ўз қарашида ҳақ, албатта.

Чунки... Бундай ўйлаб қарасанг, шу икки нарса: севги билан фидойилик бир-бири билан уйғунлашиб, бутун бир туйғу бўлиб қолганига тан берасан киши. Уларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди ҳам. Ахир киши севгисини биринчи бор ўз изтироблари орқали намоён этади-да. Бу изтироблар севгилингнинг бахти ва саодати учунку!

Ўё севгилисининг бахти ва саодати учун ўзини бус-бутун унга бағишлашга қарор қилиб, айримлар яхши кўрадиган ишидан (эрига бағишлаши зарур бўлган вақтининг кўпини иш олаяпти деб!) воз кечадилар, ёрга бахшида қилишим керак бўлган қалб кўри ёру-дўстларга кетиб қолаяпти деб, яхши дўст ва дугоналардан ҳам воз кечадилар. Таъсири ўтмасин, деб ҳатто қариндош-уруғлардан ҳам кечилади. Сиз ўз жиловингизни ўз ихтиёрингиз билан тамоман севган кишингиз ихтиёрига топширасиз. Ана шунинг отини ҳақиқий севги деб ҳам атайсиз. Бундай шароитда аксарият ҳолларда тез орада иккала томон севгиси ҳам сўнади. Қандай қилиб дейсизми?

Одатда, киши ўзини бошқа кишига нечоғли кўп қурбон қилса, унинг ихтиёри тузоғига кўпроқ илиниб бораверади. Айни пайтда дили тубида ёрини йўқотиб кўйиш кўрқуви ҳам ўсиб боради. Ахир сиз ҳамма нарсадан воз кечдингиз-у, ўрнига ўрин севгилингиздан ҳеч нарса олмадингиз-да! Аксинча, севгилингизда сизнинг ана шу тузоқдек кўринган севгингиздан қандай қилиб бўлса ҳам қутилиб кетиш истаги пайдо бўлиб ва ривожланиб боради. Одатда, бундай никоҳ умрини сизнинг доимий ҳадигингиз, унинг эса ўзсеварлиги (эгоизми) бироз узайтиргандек бўлади.

Бироқ кўп ўтмай, сиз инон-ихтиёрингизни кўшқўллаб топшириб кўйган ўз эркингизни тамоман йўқотиб кўйганингизни ва бу эркини жуфтингиз маҳкам ушлаб турганини, жиловини хоҳлаган томонга бураётганини англайсиз. Шундагина руҳингизда «қул қўзғолони» содир бўлиб, энди жуфтингизга нисбатан аввалгидек фидойиларча муҳаббат ўрнини нафрат эгал-



лай бошлайди. Муҳаббатга муҳаббат билан жавоб берилган ердагина у барқ уради. Тўғри, бошида сиз фидойилигимга яраша ёрим мени чин муҳаббат билан севади, деб ўйлагансиз. Бун ҳис қилмаганингиздан кейин дилингизни алам, нафрат, зое кетган муҳаббатнинг аччиқ изтироблари эгаллайди. Булар оқибатида дилингизда нафрат ва ўч ҳисси авж олиб, у никоҳни тамом барбод қилади.

Севги бу – эҳтирос, деган ишончда юрганлар ҳам кўп.

Бундай деб ўйлайдиганлар жуда эҳтиросли, севги можароларига енгил берилувчан кишилар бўладилар. Улар севгиси йўлидаги бор нарсаларни суриб-супириб тушадиган тоғ жилғасига ўхшайди гўё. Бундай эҳтирос олдида енгилмай туриш жуда қийин, аммо ихтиёрингизни бус-бутун унга топшириш ҳам телбаликнинг ўзгинаси.

Бундай эҳтироснинг тўфонига фақат энг тажрибалиларгина бас келиши мумкин, аксариятлар «домида қолишади». Жуфтларининг эҳтироси ўзиникидан озгина паст бўлса, рашк оловида ёнадилар. Бундай эҳтирос эгалари ўз туйғуларига гарқ бўлиб, ўз жуфтлари ҳақида мутлақ унутишлари ҳам мумкин. Айнан ўзлариники каби эҳтирос ола олмай, жуфтининг севгиси-ю садоқатини шубҳа остига оладилар, дарду дунёлари қоронғу бўлади. Билмайдиларки, жуфтларининг бор-йўғини улар ўз эҳтирослари билан янчиб ташладилар, унга ҳам жичча эркинлик қолдирмадилар. Бундай одамлар икки ёқламалик севги завқ-шавқидан эмас, аксинча, ўз эҳтиросларига гарқ бўлишдан кўпроқ руҳланадилар. Очиғини айтганда, бундай одамларга севгилиси эмас, ўзининг унга бўлган туйғуси муҳимроқдир. Муҳаббат эса унинг учун ўзини кўрсатиш имконини яратадиган воситадир холос.

Севги бу – мистик қуюн, дейсизми. Кейин хотираларга бериласиз-а? Биринчи гал кўрганингиздаёқ хаёлингизга «Бу – ўша!» деган фикр келганди-а? Кейин ўша заҳотиёқ унга нисбатан ўзингизда тушунтириб бўлмас тортиш кучини сездингиз. Ҳис-туйғу эмас, нақ қуюннинг ўзгинаси! Икковингиз ҳам икки томоннинг хоҳишини аниқ ҳис қилиб турардингиз, айтилмаган фикрни аниқ англадингиз, бир-бирингизнинг қалб оҳангингизни аниқ эшитиб турардингиз. «Бир тан, бир жон!» деб шунга айтилади-да, дердингиз ишонч билан.

Бироқ икковингиз қанча кўп бирга бўлсангиз, қундалик икир-чикирлар сизларни бир-бирингиздан тобора узоқлаш-

тирарди. Сиз бир-бирингиздан шунчалик узоқлашдингизки, ахир бир кун англаб етганингиз шу бўлди: муносабатларингиз «оддий», «ҳамманикидан фарқи йўқ!» Наҳотки киши бир-бирини қайтадан кашф қила олмайди, наҳотки ўша юксак бирлик туйғуси бошқа қайтиб келмайди?!

Афсус, «ўтганга салавот!» дейди киши. Ўтганни қайтариб бўлмайди. Буни англамаганингиздан хаёлингизга келган фикр «Бу – у эмасди!» бўлади. Шу фикр қувват бериб, энди сиз ягона, бетакрор «ўша» муҳаббатни излаб кетасиз. Унга ўхшашини кўришингиз биланоқ, ўйламай-нетмай ўзингизни унинг кучоғига отасиз. Эртами-кечми бу ҳам сароб бўлиб чиқади. Сиз яна янгисини излай бошлайсиз. Ўша дастлабки, борлигингизни қуюндек ўраб олган туйғу сизга тинчлик бермайди: «Нега илоҳийдек кўринган муҳаббат бизни тарк этди? Ахир биз иккимиз ҳам уни ушлаб қолишга бор кучимизни бердик-ку!»

Муҳаббатни ушлаб туриб бўлмайди. У доим ҳаракатда, ўсувчан ва ўзгарувчан. Сиз ҳам ҳаракатда бўлишингиз, ўсишингиз, ўзгаришингиз керак. Сизнинг иштирокингизсиз, саъй-ҳаракатингизсиз у романтик босқичда қотиб қолаверади. Сизнинг интилишингизсиз у муҳаббат мен билан бир умр шундай қолади, деган ёлгон ишончда юради... Бора-бора бу рашингизга ҳам тегади.

Муҳаббат санъатини онгли равишда эгаллаб бориш билангина эҳтиросли севгининг илоҳий кучини ҳис қилиш мумкин.

Севги бу – бир умр ўрганиб, эгаллаб бориладиган санъатдир.

Шу хулосага келгунча севгининг неча турини кўриб чиқмадик-а. Уларни бир-бир эслаб кўрсангиз, озгина мулоҳаза, мушоҳада қилсангиз, севги ўз сирларини чин дилдан ўрганишга киришган қалбларнигина чинакамига қувонтириши мумкинлигини англайсиз. Аслида, севги ҳаётсеварларнинг йўлини ёритиб туради, зеро, севги ҳаётни севувчилар, унинг офир-енгилини енгувчилар учун фақат илҳом булоғигина эмас, дунёни билиш воситаси ҳамдир. Ҳар янгиликка сиз бағрингизни очасиз ва севгилингизга ҳам бус-бутун ишонишга қодирсиз. Бундай муносабатларда қурбонларга ўрин қолмайди, чунки ҳеч ким бошқасининг эркига ҳукмронлик қилмайди. Севгида сиз бир бутунсиз ва айни пайтда ҳар бирингиз ўзингизча эркилисиз. Севги сиз учун ҳисларнинг эртактардагидек покизалиги холос. Унда илоҳий меҳр ҳам, идеаллаштирилган романтизм



ҳам, сизни муҳаббат тугёнларига фарқ қилувчи эҳтирос ҳам, бир-бирингизга нисбатан чексиз ҳурмат ва иззат ҳам мужас-самлашгандир.

Санъатнинг бошқа ҳамма турларида бўлгани каби севги санъатида ҳам тажрибалар, изланишлар, илҳом ҳам керак. Фақат шундагина севгида омадли бўласиз!

Тўйингиз ўтганига қанча бўлди... Севги эса сизга ҳамон сир-ли кўринади. Шундай...

Халқимизнинг бир яхши удуми бўйича никоҳ кечаси сизнинг, яъни келин билан куёвнинг хосхонасига Қуръони каримни киритишгани эсингиздами? Кексаларнинг бири дуо билан Қуръоннинг қалби бўлган суралардан бирини очиб берганди, янгалар муқаддас китобнинг шу саҳифасига икковингизнинг бошингизни эгиб, яхши тилаклар қилиш кераклигига, бугун қилинган ниятлар албатта ижобат бўлишига ишора қилганди. Ўша дамлар икковингиз руҳиятингизга қаттиқ таъсир қилди-а? Таъбир жоиз бўлса, худди Каъба тавофидек дилларни поклайдиган, қалбларни ёритадиган дамлар эди бу. «Яхши ният – ёрти мол!» дейди халқимиз. Энг эзгу тилакларни илтижо қилинади, чунки сўзнинг моддийлашуви аниқ бўлган дамлардир бу! Биз ҳам сизлар билан бирга Олоҳдан осмон никоҳи икковингизнинг бошингизни доимийга қовуштиргани, қалбингизни мангуга пайвандлагани рост бўлсин, деймиз. Илоҳим нафасларингиз, ҳаёт йўлингиз ўшандаги юрагингиз уриши каби бир-бирига ҳамоҳанг, бир-бирига акс-садоли бўлсин!

## ҚИЗЛАР МУҲАББАТГА ЖИДДИЙ ҚАРАЙДИЛАР

Мирзо Улуғбек туманидаги ўрта мактабларнинг бирида юқори синф ўқувчи қизлари билан бўлган суҳбатда залдан ижодкорлар минбарига шундай мактуб юборишибди:

*«Ўзбек йигитларидан кўплари (аксарият шаҳарликлар, вилоятлардан келиб шаҳарда ўқиётганлар) рус қизлари ёки ҳаётга сал энгилроқ қарайдиган ўзбек қизлари билан кўп «висол» (русча – «свидание») қилишади. Бизнинг тилимизда – юришади. Ўша йигитлар учрашиб юрган даврларидаёқ шу қизларга ўлсалар ҳам уйланмасликларини билишади. Ёмон томони шундаки, бунга «юрагон» қизларнинг ўзлари ҳам билишади. Унда...*



Бундай висоллар уларга нима беради? Мақсад «ўйнаб қолишимиз»? Ёки қизлар билан йигитлар бундай муносабатларда «муҳаббат тажрибасини» орттирадиларми? Тўғри, улар балки беармон қучоқлашишар, ўпишишар... Учрашувлар бусиз бўлмайди дейишади. Оқибатда, доғда қолаётганлар тобора кўпайиб кетаяпти. Газеталарда, радио-телевиденида уларнинг афсусли, пушаймонли дил изҳори тобора кўпроқ берилаяпти. Айрим газеталар учун бу «мода», «сенсация» дейишади. Балки бизга ўхшаган ёш қизларга ибрат бўлсин, деб бундай хатларни кўплаб беришаётгандир. Ўқитувчимиз бўлса қизлар ҳаётга жиддий қараши керак, газеталарга бундай хатларни ёзаётган қизлар ақлсиз ва беандиша қизлардир, дейдилар. Худо ҳамманинг пешонасига бир чиройли тақдир битган, албатта, унинг қадрига етиш керак, дейдилар.

Ўша йигитлар, ўша ҳайиқмайдиган қизлар вақти келиб «пешонасига битилганига» етишишиганида ўз тақдирига битилгани билан биринчи бўса, биринчи висол қадрига ета олишармикин?

Қизларнинг туйғулари, кечинмалари, умуман, ҳамма нарсаси анча чуқурку! Демак, бўлиб ўтганлар, кўрган, кечирганлари уларнинг бир умр эсларида қолади. Ўша юрагон қизларнинг худо ярлақаб бахти очилса, оила қурса, ҳақиқий висол онларида уларнинг ҳоли нима кечади? Ўша хотираларидан уялиш, эрим билиб қолмасмикин, қўлогига етиб келмасмикин деган қўрқув, андиша бир умр уларни қийнаб ўтмайдими?..»

Шу мактубни ҳеч хаёлимдан чиқара олмайман. Назаримда, қизгина ўзи кўндаланг қўяётган саволларига ўзи ва яна жуда тўғри жавоб бераёттир. Ахир унинг охириги сўзларига «Тўғри юрган, тўғри турган одам виждон азобига қолмайди», деган маъно яширинган-ку!

Ростини айтсам, мени севинтирган нарса ҳам айнан шу бўлди. «Ҳаётга енгил қарайдиганлар», «юрагон», «ҳайиқмайдиган» қизлар борлигидан хавотири, охириги саволига яширган маънога кўра, қизгинанинг ўзи кўп ўзбек қизларимизга хос бўлган оғир-босиқликни олий фазилат биладиганлардан, бокиралик, шарм-ҳаё қизларнинг энг катта ҳам бойлиги, ҳам афзаллиги деб ҳисоблайдиганлардан бўлса керак, деган ишонч юрагимга қувват беради.



Ҳаётда «Сув келса – симирадиганлар», «Тош келса – кемирадиганлар» аксарият шундай қизлардан, мулоҳазалилардан чиқади.

Бундай қизлар оламга, одамга, оилага, демакки муҳаббатга ҳам жиддий қарайдилар. Қизгинанинг ўзи ҳам таъкидлаяпти: «Қизларнинг кечинмаси, туйғулари, умуман ҳамма нарсаси анча чуқур-ку!» У нақадар ҳақ!

Фақат қизгина ёшлигига борибми ёки кўзлари кучаларда, транспортда, истироҳат боғларида кўп кўрганларига таянибми, европаликлар («рус қизлари») учун «юрағонликни» табиий деб қабул қилаётганга ўхшайди. Аслида бундай эмас.

Аслида аёл кишининг ҳаёти эркакларникига нисбатан минг бора нозикроқ ва серқирралироқ эканини ҳамма миллат вакиллари баб-баравар эътироф этишади. Ўрта аср маданиятида бўлгани каби янги даврда ҳам айнаи ўша Европа аёлларининг ахлоқий поклиги мезонларида ҳам асосан бизнинг қизларимизга хос бўлган бокиралигу, шарм ва ҳаё устун қўйилади.

Ҳамма миллатларда ҳам қизлар муҳаббатга жиддий қарар эканлар. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ва айнаи шарм ва ҳаё ҳамма миллат аёллари учун уларни минг бир балолардан муҳофаза этувчи қалқон бўлиб келган, шундай бўлиб қолади.

Ҳадисларда «Ҳаё – иймондандир», деб бекорга айтилмаган. Менимча, ҳаё – аввало худодан, қолаверса, бизни таниган ва танимаган одамлардан уялишдир. Қудсий ҳадисда келтирилишича, Аллоҳ Таоло буюрмишки: «Эй инсон фарзанди, агар мендан уялмасанг, ҳарна хоҳласанг қил!» Яъни, оқибат мендан уяладиган, менинг қаҳримга лойиқ ишларга йўл қўймайдиган иш бўлса, хоҳлаганингни қил, акси бўлса, охири ёмон.

Ана шу чегарадан кўркмай ўтадиганларнинг муҳаббати чин муҳаббат бўла олармикин? Ундай муҳаббатнинг оловига исина олмасанг ҳам, тутуни бир умр кўзларингни кўр қилиши, ёшлантириши муқаррар-ку. Қизгина айтмоқчи «Оқибатда доғда қолаётганлар тобора кўпайиб, газеталарда, радио-телевидениеда уларнинг афсусли изҳорлари тобора кўпроқ берилаяпти...»

Ҳамма миллатларда ҳам қизлар муҳаббатга жиддий қарайдилар деганимни Урвингнинг қуйидаги сўзлари билан тасдиқламоқчиман: «Муҳаббат бобида аёллар эркакларга нисбатан анча сермулоҳазакорроқлар, чунки муҳаббат аёл учун чин маънодаги улуғ туйғу ва бутун ҳаётининг мазмунидир».

Бундай ўйлаб, солиштириб, қиёслаб кўрсанг, умумбашар ахлоқ дастури амалларининг аёл аталмишининг олдига қўяётган талаблари бир хил ва бизнинг аждодларимиз қиз бола тарбиясида бунга, айниқса, қаттиқ риоя этиб келганлар.

Қатор илмий китобларда қайд этилишича, муҳаббат, оила масалаларини ҳал этишда йигитларда аксарият биологик омил (чирой, қад-қоматнинг келишганлигига эътибор) устунлик қиларкан. Қизларнинг эса фақат кўзи билангина эмас, қалб билан, ақл билан, ҳатто қулоқ билан ҳам севишини биламиз. Демак, уларда биологик, руҳий, ақлий, ижтимоий омиллар қарийб баробар иш беради. Туйғуларининг чуқурлиги балки шундандир. Лекин менинг назаримда, ҳар бир одимнинг оқибатини ўйлашда ҳам, улар шу тўрт омилни баробар ишлатсалар керак.

Йўлда юрмасанг ҳам, доимо йўлнинг бошини кўзла, деганлар. Катталарга қулоқ солсанг, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқилган ҳикматларни кўп эшитасан. «Севганида энг ақлли йигит ҳам тентак бўлиб, қизнинг эса ақли тўлишади», деган гапнинг маъносини аёл жинсига мансуб ҳар бир инсон яхшилаб англаб олишини жуда-жуда истардим. Чин муҳаббатнинг ҳақиқий кўриқчиси бўлиши айнан аёлга буюрилганига ишора бор эмасми бу сўзларда?

«Аёлнинг бир тола сочи билан филни боғлаб қўйса бўлади», деган мақолга ишонгим келади. Айни пайтда ҳалиги қизгинанинг хавотири кўнглим тубида турибди! Кўпчилигимиз «Вой-эй, жуда рисоладагидек қизлар экан!» деб юрганларимиз орасида «юрағонлари», кўра-била туриб тиконга, чўғга оёқ босаётганлари ҳам бор. Чамаси бундайлар ҳамма замонларда ҳам бўлган шекилли. Менга қаттиқ таъсир қилган бир ҳадисни эслатиб ўтмоқчиман.

Саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббоснинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад с.а.в. шундай деган эканлар: «Менга дўзахдаги даҳшатли манзарани кўрсатдилар: у ердагиларнинг аксари кўпчилиги ношукр хотинлар эдилар». У зотдан сўрадилар: «Ё, Расу-





луллоҳ, бу аёллар Худога ношукрлик қилдиларми?» Пайғамбаримиз жавоб қайтардилар: «Улар ўз эрларига нисбатан ношукрлик қилганлар. Агарда бундайларга доимо яхшилик кўрсатсанг-у арзимаган айб сендан ўтса, ношукр хотин: «Мен сендан ҳеч бир ёруғлик кўрмадим», деб айтади», – дедилар ва давом этдилар: «Қайси бир аёл ўлса, эри ундан рози бўлгандагина жаннатга тушгайдир».

Бу ҳадиснинг умри қарийб бир ярим минг йиллигига кичининг ишонгиси ҳам келмайди. Ахир «Мен сендан нима кўрдим?» ни ҳозир ҳам ҳар қадамда эшитаяпмиз-да.

\* \* \*

«Муҳаббатнинг ўзи бор нарсами?» сўрашади минг бор қоғозда-ю оғизда ўша мактабдаги учрашувга ўхшаш суҳбатларда. Жавобига ҳам минг бора «Бор!» деймиз. Сўзимизни китоблару ҳаётдан олинган мисоллар билан мустаҳкамлаймиз. Аммо бугунги куннинг руҳи билан яшаётган ёшлар яна «Нега ҳамма муҳаббат тўй тантаналари-ю, нари борса яна бир-икки ой нари-берисида ўлади?!» деб сўрашади.

Бунга нима деб жавоб берасиз?

Ахир бу аччиқ, лекин – ҳақиқат!

Яна узоқ баҳс-мунозарага киришамиз. Мавзуни бу ёққа буришимизга, сирлашиб олишимизга қизларни қизиқтирган шу саволлар ҳам сабаб бўлгандир.

Тўйни қизларимиз қандай тушунишади ўзи? Тўй улар назарида икки қалбни бир яхлит Қалбга айлантирувчи, Муҳаббатнинг «сеҳрли оламига» йўналтирувчи «сим-сим»ми ёки бирини икки қилиб берадиган, зеб-зийнатини кўпайтирадиган халфанами?

*Ёр қучоқда бўлса ҳамки, кимдир у, билмаймиз ҳеч,  
Ойнадек ойдин агарчи бағримиз бўстонимиз...*

деганлар Мирзо Бедил.

Қизларимизнинг асл мақсадлари шу сирларни билиш – ёрни таниш, уни суяш, унга суяниш, ойнадек ойдин бағрини унга баҳшида қилиш, момоларимиз тили билан айтганда «Эрни эр қилишми?»



## Ёрни улар

*Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,  
Ўзгага бермоқ эса тушимга кирмас ухлаб...*

даражасида ўзларининг ўзларидан-да юқорироқ кўя оладиларми?

Уйдан ўтганини дугонаси борми, таниш-нотаниш борми – кўнглини дастурхон қилиб ёзиб юрган, шу билан ўзини ҳам қийнаб, оилавий муносабатларини ҳам мушкуллаштираётган келинлар қайдан пайдо бўлаяпти?

\* \* \*

Иш тақозоси, жамоат ташкилотларининг топшириғи билан кўплаб оилаларни, айниқса ёш оилаларни ўрганамиз. Афсуски, кўп ёш жувонлар табиатида очкўзлик, юлғичлик, ҳатто маълум даражада агрессивликни кўриб, лол қоласан киши. Уларда аёл жинсига хос бўлган назокат, нигоҳида тиниқликни қидирманг, овора бўласиз.

Санаб ўтилган бу барча салбий фазилатлар асосан тўйдан кейин, турмушнинг дастлабки йилларида намоён бўлади. Гўё сал олдинги «асалдеккина», «шакардеккина», «ширин сўзли», «иболи» қиз умуман бўлмагандек. «Уч ой ўтмай муҳаббат деб ўйлаб юрганларим саробга айланди!», «Тўйдан кейин кўп ўтмай муҳаббатим битмас-туганмас қаҳрга айланди!» деган гаплар ҳам учрайди қизгина айтмоқчи матбуотда ҳозир кўплаб босилаётган мактубларда.

«Муҳаббатдан қаҳргача бўлган масофа – бир қадам!» дегувчиларга ишонмайман.

Инсон кўнгли султониятида бир туйғунинг пайдо бўлиши, унинг тилини «Ҳа!» ёки «Йўқ!» деган қарорга келтиргунича бўлиб ўтадиган жараёнлар жуда мураккаб жараёнлардир. Бир туйғу турғун бўлгач, унинг акс туйғуга ўсиб ўтиш жараёни унданда мушкул руҳий эврилишдир. Балки дод дейишдан олдин: «Юрагимдаги ўзи чин муҳаббатмиди?» деб сўралгани, чуқур мулоҳаза қилингани маъқулдир?!

Худога беадад шукрки, ҳаётда чин муҳаббатнинг ўз соҳибларини руҳан енгилмас қилганининг, кемтигини тўлдирганининг, ҳусни йўққа жозоба ато этганининг кўп маротаба шоҳиди бўлдик. Ҳамманинг диди ҳар хил эканлиги тўғри.



«Кишининг диди билан рангга баҳо беришда – шерик бўлмас» («На вкус и цвет – товарища нет»), дейди одамлар. Бироқ кўпчилик хунук деб эътироф этган аёлнинг (аёлларга нисбатан бундай сифатни ишлатганим учун Аллоҳ кечирсин!) ҳам бола эмизаётгандаги рухсорига бир қаранг! Қанча меҳр бор! Қанча нур бор! Айни пайтда қаҳрни ифода этган гўзал чеҳра ҳам сизни ўзидан итаришига неча бор шоҳид бўлгансиз-ку! Аёл кишининг қаҳри ўз умр йўлдошинигина эмас, борлиқни ҳам кунпаякун қилиши мумкин. Минг афсуски, бу ақида тобора кўпроқ қалбларда турғун бўлиб қола-япти.

Аёлнинг беадад меҳр ярашган чеҳрасига бу қаҳр қайдан келди? Нечун бу қаҳр аёл чеҳрасида тобора турғун бўлиб қола-япти, деган саволни ҳам кўп беришади. Аввало бу ҳадисда айтилган аёлнинг ношукрлиги, ўзи чин деб қабул қилишга уринаётган туйғулари асли ёлгонлигидан, Худонинг ўзига берган буюк яратувчилик кучини туйиб юришга ожизлигидан эмас-микин, деб кўп ўйлайман.

Сухбатни жуда кўтаринки руҳда бошлаб, охири ўзингиз ҳам тушкунликка тушиб кетмадингизми, деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, ундай эмас. Ҳаёт сўқмоқлари нотекислигини, бу йўллардан чидаганларгина омон чиқишини яхши биламиз.

Мен аввало қиз-келинларимизнинг ҳаммаси шундай, дейётганим йўқ! Қизларимизнинг юрак билангина эмас, ақл билан ҳам севишини юқорида айтдик. Йигит томонидан ўта эҳтиросли муҳаббат тўлқинига дуч келганда ҳам, чин муҳаббатли, ақлли қизлар «Жиннилик қилманг!», «Девонаи Машраб бўлиб кетинг-э!» дан тортиб, бу эҳтиросни жиловланининг ҳам, муҳаббатларини оёқ ости қилдирмасликнинг ҳам, айни пайтда йигитларни тўғри тарбияланининг ҳам минг бир йўлини топадилар. Ҳайрон бўлманг, аёл – бош тарбиячи!

Мени хавотирга солаётгани бошқа: аввало хаёл, ҳавас, қолаверса, ҳирс гирдобига ўзини ўйламай отганлар кейин «Билмайин босдим тиконни, тортадирман жабрини!» деб бутун жамиятни оёққа турғизиш ниятида, ўз хатоларини, тўғрироғи гуноҳларини уялмай матбуотда муҳокама қилишга ундайдилар. Ҳали ўзлари ҳам тушуниб етмаган туйғулари, ҳатто ҳаракатлари, майллари, истакларини ўртага дастурхон қилиб ёзадилар.

Инсон аввало ўзини билиши керак, ўзини билган худосини ҳам билади, деганлар донишмандлар.

Унда, «Муҳаббат гирдоби»га ўзини кўпинча ўжарлик билан отаётганда ҳеч кимга билдирмаган, ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган қизлар (эндиликда ёш жувонлар) нега айбли, ҳаёсиз ишларини тафсилотлари билан ошкора этишади, деб ҳам ўйлайман.

Тўғри, инсон табиатида бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратиш хусусияти анча турғун. Қолаверса, инсон худди болалигидаги каби бир меҳрибон кишининг ўзига ачинишини, бошини силашини исташи умрининг охиригача сақланиб қолади ҳам. Лекин ўз хатолари, ўз гуноҳларини дoston қилишдан мақсад ҳам ўша инсон табиатидаги эътибор талабликнинг бир кўриниши деб бўлармикин?

Кеча танишган йигитга бугун ўпич беришга рози бўлган қизлар ҳақида, ота-онасининг ризолигисиз, никоҳсиз қовушган қизлар фарёдини ўқиганда айримларнинг «Аввалроқ калланг қаерда эди?!» деганларини кўп эшитганмиз. Аксарият одамлар қалбларини минг титкиламасинлар, бундай қиз-аёлларга нисбатан ачиниш ҳиссини топа олмаётганликларини ҳам айтишади. Аксинча, муҳаббатдек улуғ туйғунинг ниқоби остига беркинганларга, шу муқаддас сўзни хор қилганларга кўпчиликнинг қаҳри ҳам келади. Лекин бу аксарият катта ёшдаги аёлларга хос мулоҳаза, хавотир, куюниш...

– Кумушлар, Раънолар шунча майдалашиб кетдиларми? – деганди кўпни кўриб қўйган китобсевар дугонам.

Кўп газета ва журналларда тобора бодраб бораётган бундай кўнгил изҳорларининг ёшларга, муҳаббат остонасида турган қизларга таъсири бўлакча бўлишидан қўрқаман. Оммавий ахборот воситаларида шундай кўнгил изҳори – хатларга саҳифа-саҳифа жой ажратилиши тўғримикин, деб ҳам ўйлайман.

Русларда «Тақиқланган мева ширин туюлади» деган мақол бор. Айрим хатларни чоп этиш билан ҳали туйғулари, майл ва онглари тўла шаклланиб улгурмаган ёшларнинг қизиқиши, ҳирсини уйғотиб қўймаяпмизми? Кўнглида ҳаёсизлик ёки гуноҳга ҳазардан аввалроқ, ўзлари ҳам яширинча бўлса-да, синаб кўриш хоҳиши туғилиши ҳам мум-



кин-ку. Чунки ёшлик – бебошлик, деб, бекорга айтишмаган-ку.

\* \* \*

Хавотирларни ростга яқин далил билан кунпаякун қиладилар: «Ҳозирги қизлар бошқача!»

«Сизларга маза – бизга ваҳимали қилиб кўрсатишаётган даврдан эсон-омон ўтиб олгансизлар. Биз учун ҳали ҳаммаси олдинда! Шу йўллардан покиза ўтиб олишимизга ёрдам берсангизлар, адашганлар кам бўларди!»

Бу – ўша Мирзо Улуғбек туманидаги учрашувда юқори синф қизининг билдирган мулоҳазаси.

Исмингиз нима эди-а, қизгина? Гулгунми, Дилбарми, Саодат ё Севарами? Наргиза ёки Гулчеҳрами?

Сўзларингиз менга қанчалик қувват берганини билсангиз эди!

Дилимдагини юзага чиқаришимга синфдошингизми, мактабдош дугонангизми минбарга жўнатган мактуби сабаб бўлганди. Унинг ва сизнинг сўзингиз дилимда қачондан бери паноҳ топмоқ истагида бўлган фикрни барқарор қилди: «Фарзандларимиз биздан кўра тасаввур қилиб бўлмас даражада ақллироқ, мулоҳазакорроқдир! Биз уларнинг ёшида бунчалик ақли эмасдик. Фақат уларда шакл ҳам тасаввур қилиб бўлмас даражада биз катталар учун аксарият салбий бўлиб кўринадиган томонга ўзгарган, лекин мазмун – ўша-ўша!»

Йўқса, «ўтиш давридан» эсон-омон ва покиза ўтганларга «маза!» деб ҳавас қилишмасди. Яхшиларга эргашиш – адашмасликнинг тўғри йўли эканини англашмасди. Покиза ўтиб олишни, этақларига гард юқтирмасликни орзу қилишяпти ахир! Яхши ният – ярим амал! Умид – ишонч йўлининг боши ахир! Йўл юриш олдидан йўлнинг бошини кўзлашяпти-ку ахир!

Бу ҳолатни ҳис қилмоқ, тушунмоқ, фарзандларимизга тенглашмоқ керақдир бизга. Ҳатто муҳаббат бобида ҳам улар устунроқ, тезоброқ кўринадилар.

Ҳа, қизларимиз момолари, оналари, опалари каби ҳамон муҳаббатга жиддий қарайдилар! Шундай бўлиб қолади, иншааллоҳ!

## ШАҲЗОДАНГИЗ КЕЛУР АЛБАТ

Севги... Муҳаббат...


Яшириб нима қилдик, бу – одамзодни кўп қизиқтирган, лекин ҳали ҳеч ким таърифини мукаммал қила олмаган мавзу...

Нима бўлганда ҳам муҳаббат жуда индивидуаллиги, яъни ҳар бир киши уни ўзича, ҳеч кимга ва ҳеч кимникига ўхшамаган тарзда бошидан кечириши аниқ. Инсонни муҳаббатдан узилишига, шунчалар мураккаб туйғудан кечиблик кетишига йўл қўймайдиган яна бир буюк ҳақиқат ҳам бор: муҳаббат инсонни олижаноб қилади, қалбини тозартади, бошқаларга меҳрибонроқ, ғамхўрроқ, фидойироқ қилади, келажак режаларини тузиш ва уларни бажаришда ботирроқ қилади. Унинг ички оламини нурга тўлдиради. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, муҳаббатнинг инсон камолотида мавқеи беқиёс.

Лекин шундай таърифи чиройли нарса қалбимизга қачон, қандай кириб келишини олдиндан ҳеч биримиз билолмаймиз. Бировда олдин, бировларда кейин... Бировларда ёниб-куйиб, бировларда суйиб-суйилиб...

Ҳамма ўқиган китобларингиз ичида шу мавзуга кўп қизиққанингиз ҳам, бир чиройли муҳаббатни орзу қилганингиз ҳам, уни кутганингиз ҳам рост. Ҳали қизалоқ вақтингиздан кўриб-кўриб тўймаган, ҳатто ўша кичик ёшингизда ҳам ичингизда енгил хўрсиниб-хўрсиниб томоша қиладиган, сизни ҳаяжонга соладиган «Қизил елкан» (эсингиздами?) фильмидаги покиза қиз Асоль каби кутяпсиз... Сиз ҳам у каби атрофингиздаги шароит, муҳитдан қатъи назар бир бокира, иффатли қиз бўлиб борлигингизни, ўзингизни «фақат унга» бахшида қилгингиз келади. «У» эса ҳали йўқ. Аммо келишига ишонасиз. Шунинг учун сабр билан кутасиз... Кутасиз...

Бу ҳали тушунуксиз, аммо умидли кутишингизда беихтиёр қулофингизда жаранглаб қоладиган «Сиз ўшамми?» сизга қувват беради. Сиз «Уни» аниқ-таниқ ёнингизда кўряпсиз, оташ нафасини ҳам сезаяпсиз, бу нафас юзингизни куйдираётгандек... Қалбингизда Кумушнинг Отабекни чимилдиқда биринчи бор кўргандаги ва ўз бахтига ишониб-ишонмай тургандаги титроқли ҳаяжони... Ёшлигида бу хаёлларнинг ҳаётга айланиб қолишини орзу қилмаган қизнинг ўзи бўлма-са керак...



Ҳатто ўз тақдиримизни ҳал қилишни ота-онамиздек яқинларимизга ёки «бировлар» қўлига топширишаётганда қалбан исён кўтаришга қодир энг шаддодларимизни ҳам титроққа солади Кумушнинг бу сўзлари. Узатилаётган неча қизларнинг болиши остида шу «Ўткан кунлар», «Чолиқуши» ва яна бошқа китоблар! Нега? Нима бор бу китобларда? Нега Кумушнинг, Фариданинг мактубларини ҳеч унутолмаймиз? Бир ўйлаб кўринг-а!

Биринчи ўринда – энг гўзал Ҳаё бор уларда! Яна ҳаёнинг қиз қалбида турғунлиги, мустаҳкамлиги оқибатида келадиган Итоат... Сабр... Тоқат... Ва ниҳоят, шуларга бош эккани учун улкан ажр: «Сабрнинг таги олтин!» Қизнинг нуқрадек кўз ёшларида сим-сим оқиб кетаётган умидларнинг, қалбида сўниб-сўниб бораётган муҳаббат шамининг БАХТ бўлиб порлаши эмасми бу! Отабекка шундай мактублар битган оқила, зукко, покиза Кумушдек бир қизнинг, Отабекни дор остидан қайтаришга қурби етган Кумушнинг ўзи билмаган, кўрмаган, ишонмаган бир одамга турмушга чиқишга қарши исён кўтаришга қурби етмасмиди? Етарди. Тўйи эсингиздами? У ҳаё, уят пардасини босиб ўтолмай, ота-онаси лозим кўрган йигитга турмушга чиқиши керак... Удумларга қарши чиқишга, азиз отасининг бошини ҳам қилишга, мунис онасини номусларга қолдиришга ички бир куч, у ҳам бўлса – ҲАЁ йўл бермади. Эвазига мукофот олди: қаршисида Отабекни кўриб, «Сиз – Ўшами?!» дейишдан, кутилмаган бахт мадҳиясидек янграган ажиб кулгудан ўзини тиёлмади...

Ҳаё – қиз қалбини не-не мавҳумликлар, балолардан асрайдиган қалқон, не-не щамолларга бермайдиган ишончли устун.

Қизларимизнинг миллий ўзлигини, қизларимизнинг менталитетимизга хос шаклу шамойилини бир-икки жумла билан ифодалаш қийинлигини биласиз. Аммо мумтоз адабиётимизда ҳам, хориж адабиётида ҳам, ҳаётда ҳам, юқоридаги шу икки сўз – «Сиз – ўшами?» билан қизларимизнинг бутун ички оламини намоён қила оладиган мисоллар жуда кўп.

Нодирабегим ҳақидаги ривоят эсингиздами?

Подшоҳлар ҳаётида ҳам бўларкан-да... Кунларнинг бирида базму жамшид оқибати сархуш келган амирга нимадир маъқул келмай, Нодирабегимнинг жавобини берибдилар: «Кўнглингизга керагини, қўлингизга сиққанини олинг-у уйин-



гизга кетаверинг, тонг отиб, уйғонганимда сизни бу ерда кўрмай...»

Малика бўлсалар ҳам «Эр амри – вожиб!» деган гап уларга ҳам тегишли. Амир уйқуга кетгач, Нодирабегим ишончли кишилар кўмагида уни шоҳона ясатилган аравага олиб чиқиб, она юрт – ота уйи томон йўл оладилар. Йўлнинг талай қисмини ўтганда амир чанқаб уйғонадилар-да, Нодирабегим берган сувдан ичиб, куйган кўнгилаарининг ҳовури пасайиб, аравада кетаётганларидан ғоят ҳайратланиб: «Нима қиляпсиз?» деб сўрайдилар. «Отамникига кетяпман!» жавобини эшитгач, бадтар ҳайратга тушиб: «Мен-чи?» саволини берадилар. Шу ерда уловни тўхтатмаёқ, маликаи даврон изоҳ берадилар: «Амирим! Тунда мен учун қадрли нарсаларни олиб, отамникига кетишимни амр этдингиз. Даргоҳингизда менга сиздан бўлак қадрли нарса йўқ, амрингизни бажаришим керак бўлгани учун сизни аравага солиб, отамникига қайтаяпман!»

Айтишларича, маликанинг ақл-фаросатига қойил қолган амир умрининг то охирига қадар эс-ҳушини йўқотар даражада майхўрликка берилишдан ўзини тийган экан.

Аёлларга хос бўлган муҳаббат, буюк садоқат ва поклик нафақат унинг ўзини ва ўзлигини, балки жамиятни ҳам фахш ва зино қабоҳатидан сақловчи энг катта қуролдир. Фариданинг («Чолиқуши») кундалигини варақлаганингизда бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилдингиз. Эсланг, не-не бойлар, не-не амалдорлар, зобитлар йўлиқмади унинг мусофирчиликдаги адоғи кўринмайдиган заҳар-заққумлар кечган йўлида. Шамдеккина парпираб турган севгиси уни не балолардан омон олиб чиқмади-я. Қизларимизнинг ҳар бири ўзларида ҳам шундай кучнинг борлигига ва ўзлари ҳам кўп нарсага қодир эканликларини билишлари, бунга ишонишлари керак.

Ҳаё ва вафо қизлар учун жуда керакли фазилатгина бўлиб қолмай, гўзал ахлоқнинг асосидир ҳам. Шундай ахлоқли қизлар гулдан гулга ўтиб қўниб юрган капалак мисол ҳар кимларга шайдо бўлиб қолавермайдилар. Ўз номларини пок тутадилар. Номни пок тутиш, аввало ўзига катта ҳурмат билан қараш, қизлик ғурури қадрини билиш демақдир. Кузатган бўлсангиз, аксарият бундай қизлар ўзлари ҳам кимнидир ёқтиришларини билдирмайдилар, аксарият ўша ёқтирган йигитларининг ҳамма айтган гапларига киравермайдилар, кўнгилаарини дастурхон қилмайдилар. Ҳатто синаш учун улар би-





лан жичча аччиқроқ ҳам бўладилар. Одатда, бундай қизлардан ҳар қандай бедов йигитлар ҳам ҳайиқиброқ турадилар. Аста-аста ўз камчиликларини йўқотишга киришадилар ва бунга эришадилар ҳам. Демак, унинг кўнгли борлиги рост, демак, унинг ниятлари жиддий.

Ҳаёли ва иболи қизларнинг харидорлари кўп бўлгани учун улар «совчи пойлаш»дан озодгина эмас, аксинча совчиларининг кўплигидан «куёв танлаш» мақомига ҳам эгадирлар. Совчилар ҳам покиза қизлар эшигида айланадилар-да.

Қизлар ўсмирлик чоғлариданоқ хаёлларида, орзуларида ўз идеалларини яратиб оладилар. Бироқ ҳаётда тўла идеал одамнинг бўлиши қийин. Идеалликка бир-бирини яхши кўрганлар бир-бирини тўлдириб, тузатиб, бир-бирига фидойилик кўрсатиб эришадилар. Шу жиҳатдан муҳаббатни инсон аста-секин яратади, десак тўғрироқ бўлар.

Яна кўп қизлар оддий ёқтириш билан муҳаббатни унча фарқлай олмайдилар. «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» деганларидек, инсоннинг ёқтирганлари кўп бўлиши мумкин, муҳаббатни эса бир кишига бағишланади.

Таниқли актёрлар, шоирлар, чемпионлар, футболчи ёки теннисчиларни ёқтириб қолиб, суратларини йиғиб юрадиган қизлар ҳам кўп. Айрим қизлар дуч келган даврада тўплаган суратлари коллекциясини намоиш этиб, ундан ҳам ёмони ўша таниқли одамнинг қачон қандай кийим кийиши-ю, қачон уйлангани, тўйи қайси машҳур ресторанда бўлгани, нечта боласи борлиги, қайси санъаткор қизларнинг бошини айлантиргани ҳақида миш-мишларни уялмай «достон» қиладилар. Одатда, бундай ёқтириш кўп вақтга чўзилмайди. Ёрлақаса, бу ёқтириш муҳаббатга эмас, самимий мухлисликка ўсиб ўтиши мумкин. Аммо бундай қизларнинг шаънига бу ҳам яхшимас.

Яна қизлар ўртоқлик, дўстлик туйғуларини муҳаббат билан адаштириб, баъзилар қийналиб ҳам юрадилар. Кўп қизлар дўстлик, албатта, муҳаббат босқичига ўтади, деб ишонадилар.

Баъзан кишининг баланд бўйи, қадди-қоматининг келишгани, ўзини жуда улфатижон тутиши, ҳамиша ўзига ярашадиган кийимларни кийиши, суҳбатлар вақтида давра эътиборини торта билиши, шеър ёзиши ёки ёддан кўп шеър билиши, кўшиқ айтиши ёки бирон чолғуни чалишни билиши кабиларга қараб қизлар уларни ёқтириб қоладилар. Уларнинг ширин



гапига учиб, шундай одамлар билан танишлигидан ғурурланиб, алданиб қолганлар ҳам бор. Ҳар бир қизнинг ўз шаҳодаси, ўз тақдири бўлиши ҳақидаги ишонч уларда кунпаякун бўлади. Кишининг бундай алданишлардан кейин одамларга ишончи йўқолади, дунё ҳам кўзига кеча-кундуз қоронғу кўринаверади. Энг ёмони «номига доғ» тушади. Уни ювиш қийин кечади. Бундайларнинг яна ва яна «алданиши» осон, аста-секин бу ҳаёт тарзига айланади, бундай ҳаёт тарзини оқловчи воситалар ахтариб топилади... Ғурур эса яна қайтиб эсга олинмайди. Энг ёмони – ҳаё ундайлардан ҳазар қилади. Аксарият бундай қиз-аёллар вақтинчалик ёшликдаги хуштор ва жазманларини демаса, ёлғиз ўтишга маҳкумлар.

Йигитлар билан муносабатда эркин бўлмаган қизлар қолақ, дегувчилар ўз маънавий ожизликларини ошкор этадилар холос. Ахир қиз қалби куч, қўполлик, беҳаёлик билан эмас, соф муҳаббатни кўрсатувчи чиройли ахлоқ ва одоб, одамийлик билан забт этилади.

Афсуски, ҳозир дунёда қизлар йигитларга нисбатан кўпроқ, шунинг учун ҳам уларнинг биринчи талаблариданоқ ҳўп дейиш керак дегувчилар ва оқибат, шундай қилганларидан изтироб чекаётганлар ҳам кўп. Ўзига фақат бир оқшомлик қиз қидираётган йигитлар бундан фойдаланиб қолишади. Ўзини ҳурмат қиладиган қизлар ҳеч бир вазиятда йигитларнинг ўзи билан бундай эркингина, суюқ муносабатда бўлишига йўл қўймайди, дастлабки учрашувларданоқ дуч келганга «кўзини сузмайди», албатта. Юқорида айтган бўлсак ҳам яна қайтарамиз, ниятлари, мақсадлари жиддий бўлган йигитлар биринчи талабданоқ ҳар нарсага кўнадиган қизларни ҳурмат қилишмайди, муҳаббат, оила ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу бекор гап эмас. Чунки...

Йигитлардан уларга қизларнинг қай фазилатлари ёқади-ю, қай фазилатлари ёқмайди деб сўралганда, улар кўпинча ёқадиган фазилатлардан дастлаб эзгу ниятликни, иккинчи камтарликни, учинчи ўринда оқиллик, тўртинчи ўринда назокатликни ва вафодорликни қўйишларини айтишади.

Ёқмайдиганлар сирасида эса биринчи бўлиб ахлоқсиз ва суюқоёқларни, иккинчи ўринга енгилтақларни, учинчи ўринга чекувчиларни, кейин қийшанглайдиган ва таннозларни қўйишларини айтишган. Буни унутмаслик керак.



Киши ёшлигиданоқ ўз шаъни ҳақида ўйлаши, ёмон отлиқ бўлиб қолишдан кўрқиши керак. Маънавий олами бўм-бўш қиз-аёлларгина ўз шаънлари ҳақида ўйламайдилар. Чунки улар асл ҳаётнинг мазмуни ўйин-кулгидан, ясан-тусандан, хушторларни алмаштираверишдан иборат, деб ўйлайдилар. Бундайлар чин муҳаббатни ҳис қила олмайдилар ҳам. Ҳар кимнинг пешонасига ўз шаҳзодаси, ўз ёрқин бахти, ўз муҳаббати битилганига ҳам ишонмайдилар.

Ҳолбуки, кишини юксакларга айнан муҳаббат кўтаради.

### **ЖАННАТНИ ОРЗУ ҚИЛГАН, ДЎЗАХДАН ҚЎРҚАДИ...**

Аслида мактуб саккиз тахта эди. Биз ундан атиги уч банд кўчириб олдик:

*«Ёшлигимда кўп эшитганман бир ҳикояни. Жаннатда икки шоҳсупа (тахт) бўлар экан. Уларнинг тагидан асал билан сут оқиб турар экан. Шу пайтгача шу икки тахтга ўтириш ҳеч кимга насиб қилмабди! Ёшлигимда жуда катта гапирган эдим, худо хоҳласа ўша тахт мен билан қайнонамники, деб. Тўйдан кейин худо хоҳлабди, кейин эса йўқ. Ёшлигимдан пок ниятим олдида уятлиман. Муқаддас ниятимни амалга ошира олмаганим учун сизни ҳам, ўзимни ҳам кечира олмайман...»*

*Қайноналар тўғрисида ҳар хил гаплар эшитганим учун қайноналар яхши бўлмас экан, деган фикрда эдим. Лекин сизни кўриб, Худо мени жуда яхши кўрар экан, зўр қайнона насиб қилибди, деб ўйлаган эдим ҳақиқатдан. Аммо бизни ҳам «қайнона-келин» муносабатлари ўз домига олди. Ҳеч қайси қайнона келинини яхши кўрмас экан, ҳеч қайси келин қайнонасини. Ундай эмас, яхши кўрадиганлар ҳам бор, деманг! Бўлса ҳам вақтинчалик ё алоҳида бўлиб чиққанидан сўнг ва ё билмадим у ёғини. Шу фикримга қўшилинг! Балки ноҳақдирман. Лекин вақтинчалик чиқарган хулосам шу бўлди! Негадир уч ойдан кейин сиз 90°га ўзгардингиз, тўғрирои мен бўлсам керак...»*

Аввалига мактубнинг «ёниб» ёзилганини инobatга олиб, бандига банд ила, сатрига сатр ила жавоб бериш керакмиди деб ўйладик. Муаллиф бўлмиш келин тушунармикин, у билан баҳсга, мунозарага киришиш фойда берармикин, деган хаёл мактубни киши шахсияти, характери хусусида ишлайдиган экс-



пертларга кўрсатишга ундади. Уларнинг мактуб таҳлилидан сўнг билдирган фикри бизни анча ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатда «Гап гапиргин уққанга...» деган гап ҳам борлигини ёдимизга солишди... Уларнинг тахмин қилишича (мактуб кайфияти ҳам шуни кўрсатиб турибди), унинг муаллифи ўзиникидан ўзга фикр билан ҳисоблашишга ҳам, муросаи-мадорага ҳам ўрганмаган. Қолаверса, ўзи таъкидлаётганидек, ўсиб унган муҳитида «қайноналар яхши бўлмас экан, деган фикр...», «ҳеч қайси қайнона келинини яхши кўрмайди, ҳеч қайси келин қайнонасини» каби руҳий «кўрсатма» қалби ва онгига синдириб келинган. Бу кўрсатма аввал ишончга, кейин ҳаётий дастурга айланган. Бугун, яъни турмушнинг илк мушти шарпасини сезиши биланоқ, яъни «тўйдан уч ой кейин» айнан шу кўрсатма келинни «90<sup>0</sup> га ўзгартирган». Шунинг учун бу кўрсатма бугун келиннинг гўёки аламзада қалбида ҳамма нарсадан устувор! Ҳатто тўй олдидан Никоҳни қайд этувчи даргоҳ ходимининг, худди шунингдек масжидда домланинг анъанавий «Фалончига эрга тегишга розимисиз?» деган саволарига «Ҳа, розиман!» деб жавоб берилгандан кейинги ўз зиммасига юкланадиган катта масъулият ҳиссидан ҳам, Худога берилган сўзни бажармаслик, Унинг ғазабига, дуога қўл очиб Унинг ваъдасига гувоҳ бўлганларнинг қаҳрига учраш ҳиссидан ҳам устун бу кўрсатма. Ҳатто «Ҳар қандай кўйга тушмай, ёнимда полвоним, арслоним, мингта қувончларга ва мингта бахтларга алишмайдиганим – ўғлим бор» (келин хатидан учинчи банд) деб ёзган одамдаги бу кўрсатмага эргашиш туйғуси шу ўғлининг яхши кўрган ва суюкли бўлган отасидан шафқатсизларча айириб олиш, болагинанинг тирик ота ортидан отамлаб бўзлаб қолишиданда, мунгли ўсишидан-да устун!

Тўғри, оналар боласининг бахтиёрлиги, қувончи, бағри бутунлиги учун ўзларининг «минг бахтлари»ни қурбон берадилар, ҳатто кундош азобига чидаётганлар ҳам бор. Бу ҳолдачи? Бу ҳолда болагинанинг эртага онасига, яқинларига қайтарадиган меҳр томирларига аёвсиз болта урилмаяптими? Мактубда «онамни севаман, эъзозлайман!» дейиляпти-ю аслида қизнинг қайтиб келиш сабаблари онасининг:

*Қайтган қиз отасин бошлари эгик,  
Қайтган қиз онасин кўзларида ёш,*



Қуёшин сўндириб, ойин сўлдириб,  
Қайтган қиз қандайин кўтаради бош?!

кечинмаларидан-да устунмикин? Бу кечинмаларни умр савдоси тарозусининг посонгиларига бир қўйиб, чамаланса бўлармиди?

Мактуб муаллифи қайнонасига ўзича гўё «аччиқ», «ўртайдиган» хат ёзиб, уни ўгринча собиқ уйига киргиздириб юборибди. Балки бунинг ўрнига ўша қайнонанинг кўзларига тикилиб очиқ суҳбатлашса, майли-да қайдадир қоқиалаётгани-суқиалаётганини айтса, аҳволи руҳияти ва бошқа кўп нарсалар ойдинлашмасмиди, куйган юраклари совимасмиди, асосийси, вақтики келиб, йиллар ўта армонлар дилини ўртамасди, аламлар тилини гунг қилмасди... У тутган иш тариқаси қалбига сингдирилган ўша «мендан бошқа ҳамма ёмон» кўрсатмасининг шайтоний тараннуми эмаслигига ишончи ҳамиша комил бўлиб қолармикин?

Ўзимиз истамаган ҳолда мактуб ёзган келиннинг уйдирма изтиробларига «бандма-банд», «сатрма-сатр» мулоҳаза юритишга киришиб кетибмиз. Бунинг охири бўлмас. Чунки унинг мактубининг ҳар сатри, мутахассислар айтмоқчи, озгина холис мулоҳаза юритадиган кишида эътироз уйғотмай қолмайди. Аммо у эътирозларни ўнлаб саҳифаларга сиғдириб бўлармикин? Алқисса, гапни шу ерда тўхтатиб қўяқолсак ҳам бўларди. Лекин...

Лекин «коса тагидаги ним косани» сиз ҳам сезаяпсизми? Назаримизда, унинг мактубида жиндек ажриқда тўлғониш, иккиланиш йилат-йилат этиб қолаётгандек. Айни шу йилат этган нарса киши қалбида «У ҳали ёш. Адашаяпти. Аммо тўғри йўлга тушиб кетишдан, эски кўрсатма, қарашларидан фориғ бўлишдан қўрқаяпти (чунки бу кўрсатмаларни энг яқин одамлари сингдирган), муҳими, фориғ бўлиш йўларини топа олмай қийналаяпти», деган умидли ўйни пайдо қиляпти.

Унинг жаннатдан хабардорлиги бизни огоҳ тортишга ундаган биринчи хислат.

Ҳақиқатда ҳам муқаддас китобларнинг ривоят қилишларича «...етти қават осмон устида муаллақ турган саккиз жаннат – Дорус-салом, Дорул-хулд, Жаннат ун-наъим, Жаннат ул-аъдин, Жаннат ул-маъво, Жаннат Дорул-Жалол, Жаннат ул-Фирдавс, Боғи Эрамнинг ариқларида сутдан оқ, асалдан ширин шарбатлар оқиб турур».



Тахт масаласига келсак, у ҳам жаннатда бор экан. Тахт ҳақида ўша китобларда шундай ривоятлар бор: «Аҳли Беҳиштнинг уйи етмиш турлук сарой, ҳаммасини олтундан, лаълу жавоҳиротлар бирла мурасса қилинғон. Ҳар бир саройнинг катталиги бир ойлик йўлдуз. Ҳар саройда минг хужра, ҳар бир хужрада минг бир тахт, ҳар тахтда икки минг турлук бисот, икки минг турлук ёстиқ, ҳар хужрада етмиш минг ҳур, ҳар ҳурнинг эғнида етмиш қат ҳулла, бошида тож, қўл қовуштириб турурлар...»

Мактуб муаллифи жаннат нималигини билибгина қолмай, уни орзу қилаётгани ҳақида ўқидингиз... Фақат...

Фақат... Муаллиф ёшлиги туфайлими (балки у амал қиладиган дастурий кўрсатмаларида булар ҳақида айтилмагандир), Аллоҳ на бу дунёда, на у дунёда (жаннат ва дўзахда) ҳеч бир нарсани мақсадсиз ва ўринсиз («бўш туриш» учун) яратмаслигига ақли етмабди. Балки буни унга жаннат тўғрисида сабоқ берган кишилар атайлаб айтишмагандир.

Қайда-қайда-ю, лекин айнан жаннатда аҳли Беҳишт теппа-тенг! Жаннатда тўр ва пойгак йўқ! Бу дунёдаги каби «тўнга қараб тўрга чиқариш»лар йўқ! У ерда алоҳида гўзаллар ҳам, алоҳида хизмат кўрсатганлар ҳам йўқ! Аҳли Беҳиштнинг асл гўзаллигининг, Пулсиротдан осон ўтганининг сабаби – иймонининг бутлиги, Лавҳи Маҳфузга битилган савобининг кўплигидадир. Аҳли Беҳиштнинг юзидан бировларни айблаш, қараш, таъмагирлик эмас, чиройли нур ёғилади...

Жаннатдаги алоҳида «қайнона-келинларга» аталган, ҳамон бўш турган тахтлар ҳақидаги сохта ривоятлар бу дунёда мунофиқларнинг ўзларини оқлаш учун, ёшларга сингдираётган «кўрсатмаларини» ниқоблаш учун эмасмикин, деб ҳам ўйлайсан киши. Гўё «Хў, келинпошша, қанча ҳаракат қилма, барибир қайнонанга ёқмайсан. Қайноналар ўзи шунақа, ўрга бармоғингни қоронғуда шамчироқ қилиб ёқиб турсанг ҳам уларга ёқмайсан, барибир. У тахтлар Одам Атодан бери ҳеч кимга насиб қилмаган, интилсанг ҳам, интилмасанг ҳам, сенга ҳам насиб қилмайди!» – дейишмаяптими улар?

Яна бир муқаддас ҳадис бор: «Жаннат – оналар оёғи остидадир!» «Она» деган тоифага хат муаллифининг онаси, буви-си, холаси ҳам киришини ёшлиқ қилиб унутибди шекилли. Эрта-индин ўзи ҳам уларга етиб қайнона бўлади. Яхши келин бўлиб жаннатга «пропуск» ололмаган экан, қайнона бўлиб



ҳам у тахтга етишмаслигини ўзи олдиндан башорат қилма-  
яптими?!

Бундай ақида билан ҳаётларини бошлаган қизларимизнинг  
кўпи тезда огоҳ тортиб, эс-хушларини йиғиб олмасалар, улар-  
нинг ҳаёт кемалари бахтсизлик қирроғи томон сузиши аниқ.

Қиссадан ҳисса яна шуки, жаннатдан хабардор бўлган ва  
уни орзу қилган одам, дўзахдан ҳам хабардор бўлади ва ун-  
дан қўрқади.

Жаннат таърифини иқтибос келтирган китобимизда «Дўзах  
шундоқларнинг жойидурки, амонатга хиёнат қилур, эр-хотун  
бир-бирини ҳурмат қилмай изо (изза, уят, айб) ва ихонат (бе-  
парволик, писанд қилмаслик, беҳурмат қилиш, таҳқирлаш,  
хўрлаш) қилур»...

Бу – еттинчи дўзах – Хутамага тушадиганлар таърифи  
ҳақидаги ривоятдан.

Кўриниб турибдики, бу дунёда яйраганларнинг, фақат мен-  
гина ҳақман деб кўксига урганларнинг, солиҳман деб бошқа-  
ларни ишонтиришга ҳаракат қилганларнинг ҳаммаси ҳам  
жаннатга тушавермас экан.

Дўзах таърифидаги иллатлар хат муаллифига ҳам илашма-  
димикин, аслида бахтсизлигига айнан феълидаги шу илаш-  
ганлар сабабмасми, қалбини-ю борлигини бир кўтариб, янги-  
лаб олиши керакмасмикин, деган саволни беришдан ўзимиз-  
ни тийдик. Хат ёзаётган вақтидаги кўкларга ўрлаган аланга-  
сини «қайтган қиз» тамғаси бўйнига осилгандан кейинги ҳаёти  
бироз сўндирган бўлса ажабмас. Сўндирмаган, қалб кўзи очил-  
маган бўлса, сўзимиз ҳам, саволимиз ҳам албатта, эсиз! Ай-  
римларга гап уқдириб бўлмайти дейишгани рост. Бироқ...

Бироқ қалб кўзининг очилишига мойиллик бордек. Унинг  
хатидан олинган шу уч банд кўчирмадаги айрим сўзларга эъти-  
бор беринг-а: «Балки янглишаётгандирман», «яна билмадим»,  
«балки мен ўзгаргандирман», «вақтинчалик хулосам шу  
бўлди»... Иккиланиш, «ажриқда думалаш», ўз йўлини, ўз сўзи-  
ни топиш қийноқларининг нишидек кўринди улар бизга. Фа-  
қат шу кайфиятда узоқ қолиб кетмаслик керак. «Эгилган бош-  
ни қилич кесмас», деган гап ҳам бор доно халқимизда.

Унга ёрдам бўлармикан маъносида юрагимиздагини ай-  
тишнинг, унинг мактубига жавоб беришнинг бошқа йўлини  
тутишни маъқул билдик. Ўйласа, ёшгина умридаги шу уч бос-  
қич – қизлик даври, оила қургандан кейинги ҳаёти даври,



«қайтган қиз» даврини ҳолисанлиллоҳ солиштирса, мулоҳаза қилса, ўзи тўғри хулоса чиқариб олар.

Қалб кўзининг очилишига зора шу ривоятлар туртки бўлса...


## ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

Турмуш қурганингиздан кейин оилангизда сиз билан энг яқин муомалада бўладиган кишиларнинг бири – қайнона ойингиздир. Бундай ўйлаб қарасангиз, бу табиийдир. Чунки икковингиз ҳам шу хонадоннинг соҳибаси ролини ўйнайсиз. Фақат у киши – етакчи соҳиба. Кўп, жуда кўп сабаб бор у кишининг етакчилик қилишлари учун. Ахир ўйланг, ёшлари ҳам, тажрибалари ҳам, уй-рўзгор тутиш малакалари ҳам шуни тақозо этади. Сиз эса етовдасиз. Буни ҳеч қачон унутмаганингиз маъқул. Ҳамма вақтлар, ўзбек халқи бошидан кечирган ҳамма тузумлар даврида ҳам келин оилага фарзандлар қаторидаги бир фарзанд сифатида қабул қилиб келингани учун ҳам шундай бўлиб келган. Уйингизда келино-йингизнинг мавқелари ҳам шундай эди-а? Шунинг учун дастлабданоқ маълумотингизнинг юқорилигини ёки хизматдаги мавқеингиз уларникидан баландлигини пеш қилиб, ўзингизни қайнонангиз билан тенг ёки ҳатто улардан юқори-роқ кўришларини талаб қилманг. Сизнинг улардек бўлишингизга, кексалар айтмоқчи «ўн-ўн беш қовун пишиғи бор». Уларнинг қўлларидан ишларини олиб, улар йўриғига тўғри юришни сабр-тоқат, сабот билан ўрганмасангиз, уятга қолишингиз турган гап.

Оилада ҳамманинг ўз ўрни бор-а? Бобо, буви, ота, она, кейин навбати билан фарзандлар... Ҳатто уйдаги катта ўғига тенг кўрилиб, келин қилиб олинган бўлсангиз ҳам, эрингизнинг ёнидан жой эгаллагунингизча аввало шу оила аъзоларининг ҳаммасининг бир сидра ишончини, меҳрини қозонишингиз керак бўлади.

Йиллар, асрлар оша жамиятда, ҳаётимизда, руҳиятимизда эҳ-ҳе қанча ўзгаришлар рўй беради! Ахир цивилизация деган нарса бир жойда турмаса! Мана, олий маълумотли келинлар сони юртимизда шундай маълумотга эга бўлган қайноналар сонидан анча ошиб кетди. Бироқ оила тузугига маълумотли келинлар етакловчи бўлсинлар, деган банд киритилгани йўқ-да! Умуман, оила ва инсон руҳиятидаги ўзгаришлар умумци-





визациядан сал секинроқ кечаркан. Нега шундай деяётганимни ҳозир тушунтириб бераман.

Яқинда «Машъал» радиостудиясидаги «Дилкаш суҳбатлар»да иштирок этаётганимда телефонда студия билан боғланган катта ёшдаги эркак кишининг ташвишли овозини эшитдим: «Хотин-қизлар ҳақида кўплаб керак гапларни ёзаяпсизлар. Барака топинглар... Лекин айрим келинларга ҳам насиҳат қилиб қўйсанглар яхши бўларди... Сал ҳаётга жиддийроқ қарашсин ахир! Айрим келинлар мен олий маълумотлиман, қайнонам эса саводсиз, эримда ҳам диплом йўқ, деб ажрашиб кетишяпти! Маҳалламиздаги бир келинни қайнона-қайнотаси бош бўлиб, минг азоб билан контрактини тўлаб, олий маълумотли қилишди. Куни кеча эрини олиб, бўлак бўлиб чиқиб кетди. Кексалар ёлғиз қолишди. «Саводсиз» қайнонанинг «Оила бузимасин! Қайда бўлса ҳам, боламнинг боши омон бўлсин! Невараларим етим қолмасин!» дейишга, яна чолу кампир кўп йиллардан бери «Болаларимизга оғирлигимиз тушмасин» деб йиғиб юрган ўлимликларини харж қилиб, жой олиб беришга ақли етибди-ю, «билимдон» келиннинг «Кексалар ёлғиз қолишмасин, умрининг охирида шуларни яшнатиб юрай!» дейишга ақли етмабди-да! Э, ўшанақа келинларни... Навойини тўққан онада ҳам олий маълумот бўлмаган-ку!..»

Ростини айтсам, бу гап юрагимнинг оғриқ нуқталарига теккани учунми, бироз ўзимни йўқотгандек бўлдим. Микрофон очиқ эди-да... Тўғридан-тўғри мулоқот бўлаётган эди. Вақт эса ҳамisha чекланган...

Тингловчининг гапидан кейин биринчи ҳис қилганим алам ва афсус бўлди. Цивилизация шунча илгарилаб кетса-ю қизларимиз маънавияти ундан шунча орқада бўлса-я! Сабаби бундан чамаси ўттиз йиллар олдин биз, ижодкорлар ўтирган саҳнага юборилган бир хатча ёдимга тушди. Ўша кезлар «Қайноналар» деган кичкина рисолачам чоп этилган эди. Шу баҳона ёшлар давраларига кўп суҳбатларга таклиф этишди. Кимлардир (асосан катта ёшдаги аёллар, аксарияти – қайноналар) рисолаани маъқуллашди, чамаси улар менинг фақат ижобий қайнона ва келинларни ибрат қилиб кўрсатишдан мақсадимни ҳам тушунишди: танқиддан кўра яхши ибрат одамларга тезроқ таъсир қилади. Кимлардир эса (ёшлар, аксарияти – келинлар) «Ҳаётда бундай бўлмайди!» деб эътироз билдириш-



ди. Аксарият қаҳрамонларнинг исми, манзили, ишлаш жойи аниқ бўлса ҳам, демак келинлар ишонқирашмабди...

Чет тиллар институти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети) француз тили факултетигадаги учрашувда биз ижодкорлар ўтирган саҳнага талаба қизларнинг бири шундай хатча юборибди:

*«Яна кўп ўтмай мен олий мутахассис деган диплом билан қишлоғимизга қайтиб бораман. Турмушга чиқиш ҳар бир қизнинг бошида бор савдо. Мен ҳам бундан мустасно эмасман. Агар куёв ўзимизнинг Бештерақ қишлоғимиздан бўлса, қайнонам нари борса қишлоқ мактабини битирган оддий аёл бўлади. Чунки оналаримиз тенги аёллар ичида олий маълумотлиси – иккита муаллимимиз холос. Аммо уларнинг биз тенги ўғиллари йўқ. Мен бўлажак қайнонам билан қандай яшайман? Нимани гаплашаман? Орамизда ер билан осмонча фарқ бўлса, мен уни қандай ҳурмат қиламан?»*

Демак, қизгина ўзини осмонда, маликалик тахтида, қайнона – онани эса ерда кўряпти...

Маликалик тахтига аввал қулчилик эшигидан ўтиб борилади, ойим қизим, бу эшиқдан ўтганларнинг тахти мустаҳкам, бахти мустаҳкамдир, дегим келди.

Кейин хаёлимга «олий маълумотли»ларнинг эмас, ҳақиқий билимли, том маънодаги зиёли кишиларнинг фазилатлари кела бошлади:

*Ҳақиқий билим эгалари ўта камтар бўладилар. Билим ва камтарлик уларни барча ёмон, ярамас амаллардан тийиб туради.*

«Билимдон» келинчак эса ўзини кичкинагина оилани тўзатишдан тия олмабди...

*Ҳақиқий билим эгалари билимни ҳамиша ўз иззат-нафсларидан, молу мулкдан афзал билганлари учун ҳам кўпчиликка наф келтиришлари билан элда азиз бўладилар.*

Келинчак эса икки кекса одамнинг кўнглини ола билмагани бир сари, уларни қароқчидек талаб кетибди...

*Ҳақиқий билим кишининг инсонийлигини оширади. Яхшилик кўрмоқчи бўлган одам, аввало бошқаларга яхшилик қилиши кераклигини билади.*



Келинчак ўзига яхшилик қилиб, контрактини тўлаб ўқитганлар юзига оёқ босибди, «контракт қарзини» лоақал меҳр, парвоналик билан уза олмабди...

*Ҳақиқий илм кишилари саҳоватли бўладилар. Улар ўзларида борини ўзгалардан аямайдилар. Атрофдагиларнинг ҳам илми ўзлариники билан тенг бўлишига интиладилар. Улар аураси атрофга нур таратади.*

Келинчак эса ўз йўлини ёритиб турган ёғдуни шафқатсизларча ўз қўли билан ўчирибди...

*Ҳақиқий билим эгаси маънавий гўзал бўлади. Маънавий гўзаллик эса маълумотдан, мансаб-даражадан, ҳусндан ҳам кўра кўпроқ обрў-эътибор келтиради.*

Келинчак бунинг аксини намойиш этиб кетибди: онги қолоқ, маданияти ночор, феъли офир қиз ўнта дипломга эга бўлса ҳам маънавий гўзал бўла олмаслигини исботлабди...

*Ҳақиқий билим инсонга қут, шараф-шон беради, унинг номини улуғлайди.*

Келинчак эса ўз шаънига доғ тушириб қўйибди...

Таққос ва мулоҳазадан зерикмаган бўлсангиз, ўзингиз ҳам давом эттираверинг: *Ҳақиқий билим эгаси...*

Сиз ҳам англагандирсиз, бундай қизларнинг тойиши анча аввал, тўйдан ҳам аввалроқ, қайноналар она ўрнида бўла олмайдилар, деган кўрсатмадан бошланган.

## **ЙИҒЛОМА ҚИЗ, ЙИҒЛОМА...**

*(Икки келин мактуби устида мулоҳаза)*

Шу вақтгача ўз онангиз билан яхши дугона, сирдош эдингизлар. Турмуш қургач эса... Огоҳ бўлмасангиз, муносабатларингизни яхши ўйлаб ва тўғри йўналтириб турмасангиз, кейин қийналиб қоласиз. Айнан шундай мавзуда сўз юритишимизга қуйидаги мактублар сабаб бўлди.

Биринчи мактуб:

«... Ўз тўйида йиғлаган қизларни кўрганмисиз?

Мен кўп дугоналаримда кўрганман...

Дарвозаси олдида сурнай хониш қилиб турганда узатилаётган ҳамма қизлар ҳам, уларнинг оналари, амма-холалари, опа-сингиллари ҳам йиғлайдилар.

Сурнай одамнинг юрагини нега бундай тўлқинлантираркин? Нега одамни камалак доирасининг нақ тепасига олиб чиқиб қўйгандек бўларкин?!

Атроф бирам тоза! Бирам беғубор! Одамлар бирам сертабассум ва фариштали... Бу ёруғликка кўзларинг дош беролмай, шаффоф шудринг мисол кўз ёшларинг милкингга инади.

Қиз уйимдан қалбим шу шудринг мисол топ-тоза чиқиб кетаётгандекман. Ниятларим ҳам қуёш нурида ялтиллаётган шудринг мисол қалбимни заррин нурга тўлдиради...

Бувам фотиҳага қўл очганларида ана шундай туйғу чўққисида эдим... Ҳамма менга қараб турар, кафтлари қалбларидаги тоза, самимий ниятларини илиб олишга тайёрдек кўксилари узра фотиҳага очилган эди... Уларнинг кўзлари ҳам нам...

Шу дам...

– Тўхтанг, дада! Келинга бошқа машина юборишмагунча «Омин» қилманг!.. – бу онамнинг сўзлари эди.

Уларнинггина кўзларида нам йўқ. Уларнинггина кўзлари ўтли эди. Уларгина менинг қалбимни юксакаларга кўтараётган соф туйғуларимдан йироқ эдилар...

Ҳамма саросимада қолди.

– Кўча тўла минг хил чиройли қора иномарка машиналар бўлса-ю, қуёвнинг дидига куйдирги чиққанми нима бало, оппоқ «Волга» юборганини қаранг! Қизим ўтириб қолган қиз бўлганида ҳам «Ҳа, майли!» дердим. Энди ўн тўққизга чиққан қиз бўлса! Бундай келинга «Мерседес»ми ёки бошқа чиройли машина юборса асакаси кетармиди?!

Эшик олдида ярақлаб турган машина маркаси ва рангига онамдан бошқа ҳеч ким эътибор бермаган эди. Бир менгина дераза ойнасида кўрган эдим, ойимга ёқмаган шу машина кўзимга бахтим манзили томон элтадиган оққуш, йўқ, оппоқ елканли кема бўлиб кўринганди...

Онамнинг гаплари мени саросимага солиб, ичимда титроқ уйғотди. Кипригимдаги шудринглар юзимга дув тўкилди. Негадир улар энди шаффоф эмас, ҳам қайноқ, ҳам аччиқ эди...

Нега ойим мени худди бегонадек «келин» деб атаяптилар? Нега қалбим ишонгани, бир умр суянмоқчи бўлган кишимни ёт одамдек «қуёв» деяптилар? Назаримда, ойимнинг ғазаб чақмоғи ҳозир бахтимни чок-чок қиладигандек...



– Буважон! – дедим секингина ёнимда фотиҳа бераётган бувамларга, – биз набира куёвингиз билан айнан шу машинани танлагандик. У худди сиз эртақларда айтган оқ кемага ўхшайди...

Бувам мени бағриларига босиб, пешонамдан ўпиб қўйдилар-да қўлларини баланд қўтариб:

– Қани, оми-и-ийн! – дедилар. – Эшигимизда турган ана шу оқ тулпор болагинамни куёв болам олдиға, ўз чин манзилиға, чин бахтиға элтиб қўйсин! Болаларимнинг бахтиға гард юқмасин! Илоҳо, қўшгани билан қўша қариб, серфарзанд, сердавлат, сермеҳр бўлишсин! Ўсишсин, унишсин, бутун боғланган ришталар умр поёнигача маҳкам бўлсин! Омин, Оллоҳу Акбар! – дедилар.

Ўша куни ойимлардан бошқа ҳамма тўйимизда яйраб ўтирди, иккимизга чиройли тилақлар билдиришди. Дилимдаги гашликни ҳайдашга қанча уринмай, барибир унда нуқтадек кичик доғ қолди. Ишқилиб, бувам дуо қилганларидек, қўша қарийлик, бахтимизга гард юқмасин, ришталар абадга боғланган бўлсин...»

Одамни анча ўйлантириб қўядиган мактуб тўғрими? Аммо у ҳақида фикр юритиш, қизларини тўйларида аччиқ йиғлашга мажбур қиладиган, дилларида доғ қолдирадиган оналарга «Ҳай ўртоқ, озгина мулоҳаза билан иш тутинг!» дейишдан олдин иккинчи мактубни келтирайлик-да, кейин дилимиздагини айтайлик.

«Ҳайит яқинлашганда қайнона ойимлар менга шундай дедилар:

– Икки уйнинг пайвандчиси сизсиз, келин болам! Яна ўн беш кундан сўнг рамазон ҳайити. Рўза тутмасангиз ҳам, Олоҳим икки жонни саломат қилсин, рўзанинг ҳурмати, рўзадорлар, уйингиздаги кексалар ҳурмати кунда саҳарда мен билан баробар туриб саҳарлик тайёрлаяпсиз. Яхши ниятларингиз ижобат бўлсин! Дадангиз ҳар куни сизни «Худойим шу келинингни кўпдан кам қилмасин, дилини ҳамиша равшан қилсин!» деб дуо қиладилар. Шунинг ўзи сизнинг уйимизнинг ҳақиқий аъзоси бўлишга уринаётганингиздан далолатдир. Дадангиз билан маслаҳатлашиб, қудаларимиз ҳайит йўқловига уринишмасин, биз ўзимиз чиройли қилиб дастурхон безайлик, яқинларимиз келиб қўлингиздан ҳайит чойи ичишсин, деган қарорға келдик. Билишимизча, айрим келинларнинг

оналари рамазон бошланмасиданоқ ҳайит йўқлов ташвишига тушиб қолишибди.

Қудаларимизга борганингизда айтинг, уринишмасин. Биронта ҳам тоғора юбориб, овора бўлишмасин. Керак нарсани ўзимиз тайёрлаймиз, деб кўнгиларини хотиржам қилинг, келин болам. Имконлари бўлса, ҳайитнинг биринчи кўни дам олиш кўни-ку, уй ичлари билан келиб, бирон фурсат ўтиришиб, кўнгиллари яйраб кетишсин!

Ойижоннинг айтган гапларини қандай эшитган бўлсам, шундайлигича ойимларга айтдим. Хурсанд бўлсалар керак, деб ўйлагандим, кутилмаганда қовоқларини уйиб олдилар. Кейин дилимни чилпарчин қиладиган даражада ойижоннинг таклифларига терс жавоб қайтардилар:

– Бунча паст бўлмаса қайнонанг?! Майли, индамай тур, арафада эликдан ортиқ тоғора юбориб, бир шоширмасам, отимни бошқа қўяман! Кўнгилларида бизни камбағал деб аяптилар-да? Ерга ураяптиларми ҳали бизни? Ота-бувалардан қолган одат, албатта, қиламан йўқловни!

Ойим тайинлаганларидек, қайнона ойимга ҳеч нарса демедим. Аммо келин бўлиб тушган уйимдагилар олдида ўзимни гуноҳкор сезар, кўнглим синиб, нима қилишимни билмас эдим.

Арафа ҳам келди...

Ойим айтган йўқловларини юбордилар ҳам. Назаримда, қайнона ойимлар ойимнинг жуда ўжарликларини яхши сездилар-у, оғир бўлдилар. Яхши ҳамки, бозор деган нарса бор экан. Ҳайит арафаларида у ерда «одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилиши мумкин» экан.

Ойим кутганларидек, қайнонам «шошиб» ҳам қолмадилар. Ҳайит йўқлов олиб келганлар бир пиёла чой ичиб, арафа ошини еб бўлгунларича Анвар акам билан қайним бозордан қайнона ойим айтган ҳамма нарсаларни олиб чиқиб беришди. Тоғоралар тўлдириб-тўлдириб тугиб қайтарилди. Билмайман, бундан ойимнинг кўнгиллари тўлдимикин?

Ойим қайтган тоғорадагиларни кўни-қўшниларга тарқатибдилар, қолганини ҳайитимдан кейин қўшнининг молига олиб чиқиб беришибди. Нарсаларнинг увол бўлгани бир сари, икки уйим орасига киши билмас совуқчилик тушганини, бунга асосан ўз онам сабабчи эканларини ҳам сезиб турибман. Лекин ўз туққан онамга қандай қилиб ақл ўргатаман?!

Қандай қилсам, бахтимни маҳкам ушлаб қоламан?!»



Иккала мактубда ҳам мени севинтирган нарса – қизларимизнинг ўз бахти устида қайғуриши, мустақил фикрлашга интилиши бўлди.

Бундайлар ўз бахтлари ҳимоясида қаттиқ турадилар. Қанча қийинчилик бўлса ҳам улар иродаси мустаҳкам. Элда «Тош келса – кемиради, сув келса – симиради» сифати ана шундайларга берилади. Ўз бахти учун киши аввал ўзи курашмоғи кераклигини улар яхши билишади.

Афсуски, ҳамма қизлар ҳам шундай ўйламайдилар. Ўз тақдирини ота-онасининг, асосан онасининг юқорида бир учини кўрсатган ўжар феъли ихтиёрига ташлаб қўйганлар ва бундан аччиқ йиғлаб қолаётганлар қанча?!

Келинг, бирга мулоҳаза қилайлик. Суҳбатни иккинчи мактубдан бошлай қолайлик...

Сир эмас, ўзбекчиликда, қудачиликда кўпинча ташаббус йигит томонда бўлади. Ана шу ўзбекчилигимиз ва асрий одоб-ахлоқимизга риоя қилган қиз томон аксарият «етовга юради», «пастроқ тушади» ва кўп нарсада ютади.

Мактубдан кўриниб турибдики, ташаббус кўрсатаётган қайнона анча мулоҳазали фикр юритапти. Ҳомиладорлиги туфайли рўза тутмаётган келинининг хизматига қайнона ташаккур билдириб, одоби туфайли келин эндиликда «ўзиники» бўлиб қолганини билдираяпти.

Дарҳақиқат, Рамазон ҳайити биз учун дилларимизга жило бериш, руҳимизни поклаш йўлида муқаддас ибодатларимиздан ҳисобланган Рамазон ойининг ўттиз кунлик рўзасини тутиб, бажарган ибодатимиз шукронаси, бундан қалбимизнинг юмшаганини ҳис қилишдан суюнч нишонаси байрамидир. Бу ниятимиз, ҳаракатимизнинг Китобу ҳадисларда буюрилганига мослиги руҳимизни янада кўтаради, дилимизга равшанлик, хотиржамлик келтиради.

Шу дамда бундан кўп асрлар аввал яшаган, лекин бутун ижоди халқимиз орасида ҳикмату донишга айланган, ўғитлари ҳамон дилимизга қувват бериб турган Мирзо Бедилнинг бир байти эсимга тушди:

*Уримиз тўлсада манманликка  
Бир нафас бирла бари бекордир...*

Бу байтни эслаганимнинг боиси айрим ҳолларда ва яна қайд этаманки, айримларимизнинг ниҳоятда калта ўйлашимиз, кейинни кўзлаб иш тутмаслигимиз, сувнинг оқимини, замоннинг нафасини ҳис қилмай иш қилишимиз оқибатида шундай ёруғ байрам иккинчи мактубда қайд этилганидек кибримиз, манманлигимизнинг, ўринсиз ғуруримизнинг намоёйишига айланиб, қизларимиз кўз ёшига сабаб бўлиб қолаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Гап аёллар ҳақида, қалбида кибри устун аёллар ҳақида кетаяпти, албатта.

Аслида биз, яъни аёллар ўзимизни нечоғли заиф, ожиз деб таърифлашга, вақти келса, бор талантимизни кўрсатиб шуни намоёйиш этишга ҳаракат қилмайлик, яна қайтараман, айнан биз уйнинг об-ҳавосини яратамиз, айнан биз оиланинг ахлоқий, маърифий, маънавий муҳитини таъминлаймиз. Айнан биз шу кичкинагина вужудимизга момолардан олган яхши урф-одатларимизнинг оғир юкини жо қилибгина қолмай, уни тўлдириб, бойитиб келажак авлодга етказамиз.

Бу ҳол битта ўзбекларда эмас, дунёдаги барча миллатларда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам бизни – Аёл, Оналарни оиланинг устун дейишади.

Шу нозик қад билан устун бўлиш осонми?

Қийин, албатта!

Лекин бизни яратган Оллоҳ ана шу мушкул ва савобли амаларимиз учун «Жаннат оналар оёғи остидадир» деб мукофотини олдиндан ваъда қилиб ҳам қўйибди. Бир жон билангина эмас, «қирқ жон» билан бу мукофотга лойиқ бўлишга интилаётган, етмиш икки томиримиздан бунга қувват топаётган ҳам биз ўзимиз.

Лекин юқоридаги мактубларда келтирилгани каби баъзида айримларимиз панд бериб қўяётган ҳам ўзимиз эканимизни, бу билан порлоқ бахти томон интилаётган фарзандларимизни қийнаб қўяётганимизни чин юракдан тан олмагунимизча, ўзимизда, руҳимизда, қарашимизда ўзгариш ясамагунимизча, буни тузатишимиз мушкул.

Негаки, «ота-бувамиздан қолган урф-одат»нинг аслини тўғри тушуниб етмагунимизча, чамаси кибру манманлик отига миниб юраверишимиз аниқ.

Ҳайит йўқловлар ота-бувамиздан қолганми?

Ҳа, қолган! Аммо қандай шаклда?





Азалдан янги қудалар бундай катта байрамларда бир-бирини йўқлашган, албатта. Ҳайитлар орасида янги қариндошлик, қизи орқасида куёвлик, ўғли орқасида келинлик бўлганлиги шукронасининг ифодаси бу йўқловлар.

Нондек азиз бўлишсин учун нону патир, заминдек серҳосил бўлишсин учун ундан қилинган бўғирсоғу қуштили дегандек...

Ҳайитларда оила аъзолари покланиб, яна шу дамларга етказганига шукроналик рамзи сифатида охорлик кийинишганими? Ҳа, имкон қадар шунга ҳаракат қилинган! Уйда қизлар оналари бошчилигида оталари, акалари, укаларига дўппи-қийиқлар, ятаклар тикишиб, ҳайитларда совға қилишган. Оиланинг узатилган қизи бўлса, «сен ҳам бизнинг хотирамиздасан» маъносида қизларига ҳалиги нон-патирга қўшиб охорлик рўмолми, кўйлакми юборишган. Уйларига янги келин туширилган бўлса, «сен ҳам энди ўз боламиз бўлдинг» маъносида уни ҳам совғасиз қолдиришмаган. Бу чиройли урф-одатларимиз ҳақида агар ўз оиламиз шажарасини, тарихини, тузугини яхши билмасак, адабиётларда мисоллар кўп.

Лекин биз адабиётни ўқимаймиз, ўз маънавий илдизимиз моҳиятини билмаймиз, япроқмиз-ку қунватни илдизимиздан олмаймиз. Шу сабабли кўп нарсаларни урф-одат деб ўзимиз ўйлаб чиқарамиз. Унча-мунча билганларимизни ўзимиз истаганча бемалол ислоҳ қилаверамиз. Ҳеч бир нарсага таянмаган «янгиликларни» ўйлаб чиқараверамиз. Кейин яна айнан ўзимиз «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси»га бир кулиб – бир йиғлаб, бир кулиб – бир йиғлаб муқом қилаверамиз!

Кибр билан, манманлик билан қизнинг онаси «бир нафас бирла барини бекор» қилди. Энди қизи тўйдан кейин ҳам йиғлар даражада кўнгли паришон.

Биринчи мактубни ёзган келингина қизим мени кўп жиҳатдан хурсанд қилди. Сезаяпсизми, ўз тақдири, ўз бахти учун жуда зукколик билан курашадиган авлод етишиб келяпти!

Тутган оқилона йўригини қаранг: балки машина масаласида у куёв бола билан келишмагандир ҳам, андиша кучлилик қилиб ундан балки «Қандай машина юборасиз?» деб сўрамагандир ҳам!

Аммо шу бир оғиз «Биз шунга келишгандик...» дейиш билан у кўп олдида куёвнинг ҳурматини тиклади. Тикладигина эмас (муроса учун ёлғонни Оллоҳ ҳам кечиришга ваъда берган), бун-



дан бу ёғига куёвнинг етовига юриш, бориға қаноат қилишға тайёрлигини чиройли тарзда намойиш этди чамамда.

Онанинг ўринсиз кибрли сўзига кириб, бошқа машина келтирилгунига қадар ҳаммани тик оёқда турғазиб қўймади. Қизгина сурнай хонишини керагидан ортиқ чўздириб, мотам маршига айлантормади, тўй уники эканини шу «келишган-миз» билан исбот этди қўйди. Афсус, куёв томон қиз онасининг талабини бажаргунча, сурнайчилар “Сурнай навоси” ўрнига енгил-елпи куй чалиб “тўйни қиздириб” туришгани ҳақида, “Ҳозирдан етовга юрмаган қиз, кейин юрармиди?” (англаяпсизми, “қизнинг онаси” эмас, “қиз” дейиляпти) деб, куёвнинг кийган зар чопонини қизникига ташлаб кетгани ҳақида ҳам эшитганмиз.

*Йиғлома, қиз, йиғлома-ё, тўй сеники,  
Остонаси тиллодано уй сеники...*

Тўй – қизники, тўғри, аммо қангомалар аксарият оналарники.

Қўшиқда қуйланаётган «тилло остона»нинг аслида рамзийлигини тушунмай, бошқаларнинг исёнига кўр-кўрона қўшилаётган қизлар қанча! Аслида ўзларининг-ку исён кўтариш хаёлларига ҳам келмас. Чунки ўзлари тасвири биринчи мактубда келтирилган жуда нозик ҳолатда бўладилар: «...Сурнай одамнинг юрагини нега бундай тўлқинлантираркин? Нега одамни камалакнинг нақ учига олиб чиқиб қўйгандек бўларкин?!


*Атроф бирам тоза! Бирам бегубор! Одамлар бирам сертабассум ва фариштали... Бу ёруғликка кўзларинг дош беролмай, шаффоф шудринг мисол кўз ёшларинг милкинга инади.*

Қиз уйимдан қалбим шу шудринг мисол топ-тоза чиқиб кетаётгандекман. Ниятларим ҳам қуёш нурида ялтиллаётган шудринг мисол қалбимни заррин нурга тўлдиради...»

Юқоридагиларга ўхшаш «доно» оналар «уларнинг кўзини очадилар». Ва, аксарият бир умр қизларининг гоҳ ошкор, гоҳ яширин йиғлаб ўтишларига сабабчи бўладилар.

Аслида-чи? Аслида қандай бўлиши керак?

Аслида тўй маросими қизини узатаётган она учун қизига берган тарбиясини кўп ўртасида намоеън этадиган имтиҳон



эмасми? Қизини том маънода муҳаббатли, иффатли, меҳрибон, иродали, тоқатли, вафодор, бир сўз билан айтганда, онанинг юзини ерга қаратмайдиган қилиб ўстирдими? Қизларни оналарнинг қайтариғи, деб бежиз айтишмайди ахир.

Қиз ўстирган оналарнинг халқона одобини маҳкам ушлаган, унга риоя этган оналар бойликни, ҳашамни биринчи ўринга қўйишларига гумоним бор. Қолаверса, оқила оналар «Мен бир вақтлар шундай қийналган эдим, қизим асло қийинчилик кўрмасин!», «Менга мана бундай машиналарда юришлик насиб қилмаган эди, энди қизим нашидасини сурсин!» қабилида иш тутмай, қизларининг ўша қийинчиликларни руҳий оғриқсиз енгиб ўтишларига ёрдам берадилар, фаровонлик аста-секинлигини қизлари руҳиятига сингдирадилар.

Уйда қизи вояга етаётган оналарнинг ўзига хос одоби бўлиши керак, албатта. Қизлик уйга келган совчилар, биринчи навбатда, қизнинг онасига эътибор беришлари бежиз эмас. «Онасини кўриб, қизини ол!» деган гап бор-ку ахир! Агар қизнинг онаси «Мен қизимни фалон жойда ўқитдим, фалон едирдим, фалон кийдирдим! Қизим энди фалон иззатларни кўриши керак!» деб турса, ўз қизининг бахтига зомин бўлиб қолиши мумкин.

Биринчи мактубдан кўриниб турибдики, қизгина оқилалик қилиб, бува донолик қилмаганларида, қизгина бошидаги бахт қушининг «пар-р» этиб учиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Қизи бор оналарнинг ҳеч ерда битилмаган, аммо ҳаёт синовларидан обдон ўтган ўзига хос йўриқномалари бор. Унга риоя этган оналар қизларини янги уйга меҳрли қилиб ўстирадилар. «Сув келса – симириб, тош келса – кемириб» бўлса ҳам, чин уйини бўстон қилишга даъват этадилар. Муҳаббатини авайлашга, рост сўзлашга, хизматдан оғринмасликка ундайдилар.

Қиз боланинг момоларимиз айтмоқчи «бировнинг хасми» эканини билган ақлли оналар қиз томирига иккинчи мактубда айтилганидек, кибр аралашувининг олдини оладилар. Ўзлари қанча бадавлат эканликларидан қатъи назар, қизларининг ана шу бадавлат уйларига эмас, балки «чин уй»ларига, «борадиган жойларига» болалигидан меҳрли қилиб ўстирадилар. Айнан шу меҳр қиз боланинг, яъни ёш ниҳолнинг борган жойида тез илдиз олиб, гуркираб кетишига ёрдам беради.

Кези келганда қиз узатаётган онанинг кечмишлари, тугёнларини ҳеч бир асбоб билан ўлчаб бўлмаслигини, лекин қизнинг онаси ҳар бир асаб толасини тизгинлай билиши кераклигини айтмоқчимиз.

Момоларимиз қудалар уйини «ўзга юрт», «ўзга қўрғон», «ўз подшоҳи, ўзгача аъмоли бор мамлакат» деб аташади. Қизларини эсли-хушли, меҳрли, тоқатли, сабрли ўстирган оналар у хонадоннинг ички ишларига аралаштиришдан тийиладилар.

Аввало қиз ўстираётган онада қизининг тақдир илоҳий битган ерда тиниб-тинчиб, ўсиб-униб кетишига яхши ният, ишонч бўлсин! Она қизига сеп йиғмасаям майли, юрагини яхшилик билан тўлдирсин, назарини тўқ қилсин. Қизига берган молдунёни чамаласа, янги оиланинг кўражак фаровонлиги олдида урвоқчалик бўлмас. Аммо қилинган молини, йўқловини пеш қилиб, қизнинг онаси жипслашиб келаётган оиланинг пойдеворини дарз кетказиши мумкинлигини иккинчи мактуб мисолида яққол кўрдик.

Ўзига эмас, ўзгага, «бировларга», «ўзга юртга» меҳрли, яхши ниятли қилиб қиз ўстирган оқила оналарнинг хаёлига заруратсиз қизининг оила ишига аралаштиш келмайди.

Биринчи ва иккинчи мактубга қиссадан ҳисса маъносида Мирзо Бедилнинг юқорида келтирган байти давомини келтирмоқчимиз:

*Буюрибдир хокисорлар ташриф,  
Шул сабабдан бул замин гулзордир.*

Камтарин бўлиб, бу заминни гулаатиб юришимизнинг ўзида савоб кўп.

Ҳар биримиз шуни кўнгилга тутиб, амал қилсак, аввало ўзимизнинг, қолаверса, фарзандларимизнинг, оиламизнинг, демак, юртимизнинг тинчилигига ҳисса қўшган, дилимизнинг равшанлигини, хотиржамлигимизни таъминлаган бўлаемиз.

Икки тенгдошингиз, янги келинлар мактуби баҳонасида қиз ўстирган оналар ҳақида бироз фикр юритдик. Мақсад сизни бироз мулоҳаза, мушоҳадага тортиш. Иккала мактуб муаллифига ўхшаб ҳаётга, оилага жиддий қарашингизга ишонамиз. Қизларимизнинг назари тўқ, нигоҳи олам ва одамга тиниқ бўлса, мактубдаги буважон дуо қилганларидек, умр поёнига биргаликда ва пиру бадавлат бўлиб етишилади.



## КЕЛИНГ, БИР СИРЛАШАЙЛИК

Мазкур китобнинг ушбу бўлимини бошқаларнинг кўзидан йироқроқда, ҳайиқиброқ, ҳаммадан яшириб-яшириб, аммо анча диққат билан ўқишингизни, ундан керакли хулосалар чиқаришингизни тасаввуримизга келтиряпмиз.

Агар ҳаётда учраб турадиган бир-икки воқеалар ҳақида эшитмаганимизда, балки бундай мавзуда гаплашмасдик ҳам.

Мутахассис шундай ҳикоя қилади:

Тўйнинг индинига мурожаат этган янги келин масалани жуда кескин қилиб қўйди:

– “Ажралишмоқчиман...”

Аввалига ажралиш масалаларини бошқа идоралар кўришини келинга тушунтироқчи бўлдим. Бироқ бу даргоҳга бекор келмагандир, деган хаёл мени тўхтатди. Барибир дабдурустан чиқарилган кескин ҳукмга мен ҳам саволни қисқа ва кескин бердим.

– Сабаб?

– Эрим мени қониқтирмади! – кескинликдан тушмай жавоб берди келин.

Тўғриси атай, жавоб мени анча додиратди. Янги келин бўлса... Тўйи ўтган кунни ўтибди...

– Қовуша олмадингизми? – ичимда умид йилт этгандек бўлди, бу ерга келиш сабабини англагандек эдим.

– Йўқ, ундай эмас. Чойшабга қизлик белгиси суркалиб, қизариб қолганини мен ҳам, куёв ҳам, янгалар ҳам кўришди. Эримнинг хурсандлиги кўзидан шундай билиниб турарди. Чойшабни қайнонамга суюнчи деб чиқариб беришибди... Гап ундамас, гап менинг қониқмаганимда! Бундай эр билан яшашни истамайман...

Келин билан қисқа суҳбатданоқ “қониқиш” деб унинг оргаэмни назарда тутганини ангадик ва бунинг янги турмуш қурганларда дарров бўлмаслиги ҳам мумкинлигини тушунтирдик. Маълум бўлишича, келин тўйдан аввал эр-хотинчилик ҳақида минг хил, асосан, ғарбдан олинган таржима адабиётларни ўқиган ва уларни тўғридан-тўғри ўзига татбиқ қилмоқчи бўлган. Ғарбда эса аксарият қизлар яхшигина “тажриба орттириб”, яъни аллақачон аёл бўлиб эрга тегишади. Иф-фат пардаси аксарият ҳолларда унча аҳамиятта эга ҳам эмас. Келингина қониқмаганига далил сифатида бундан йигирма

олти аср аввал яшаб ўтган юнон муҳаббат куйчиси бўлмиш Сапфонинг бир шеърини китобда ўқиганини, аммо ўзи не умидлар билан кутган биринчи кечада ўзида бу туйғуларнинг ҳеч бирини ҳис қилмаганини, шунинг учун ҳам муқаррар ажралишга қарор қилганини айтди.

Янги келин ўша шеърни ҳам кўрсатди:

*Қаршимда турганни тангрим деяйми,  
Деяйми илоҳим, кўздек яқиним.  
Тиз чўкиб, менданми, кулгумдан у маст,  
Жиддий қулоқ осмиш сўзимга маним.*

*Сўзлаш қайда! Тутиб бўлмас шўх ирмоқ –  
Юраккинам сени кўргач – бўлди ҳап!  
Асли гунгми эди тилим ёки сен,  
Кучим олган каби қирқдинг уни ҳам!*


*Соқовман, вужудимда ёниқ титроқ,  
Томирларда оқар қонми ё олов!  
Кўзларим юмугу нафасим оташ,  
Қулоқда не жаранг? Бу – мен ё биров?!*

*Нима бу? Фаввора мисол тинмасдан,  
Қайноқ тер қуйилар ҳар тук, жонимдан.  
Майсадан кўкроқман, роса буғриққан,  
Чиқарга келдим, эй тангрим, ё жон!*

*Лек чида! Чидаш-ку – илоҳий лаззат,  
Вужудинг чуқурроқ бўлса-да фақат...*

Шунақаси ҳам бўларкан-да, деяпсизми? Юрагингиз ҳам уюшаяпти-а?

Сизни бу мавҳумликдан чиқариш учун айтиб қўя қолай: келинчак билан уч-тўрт суҳбат ўтказдик, жинсий ҳаётнинг айрим, у шу вақтгача аҳамият бермаган томонларини тушунтирдик. Масалан, оилавий ҳаётнинг дастлабки уч ойида келин назарда тутган оргазмни аёлларнинг 22 фоизи, биринчи йилнинг охирига келиб 42 фоизи, йил давомида 72 фоизи, 10 йил яшаганда аёлларнинг 89 фоизи ҳис этиши мумкинлиги ҳақида илмий далиллар келтирдик.



Шукрки, у сўзимизни диққат билан эшитди...

Келингина насиҳат ва суҳбатлар учун миннатдорчилик билдирди. Ҳозир улар эр-хотин, аёлларимиз айтмоқчи, “биб-бинойи” яшаётганларини ҳам биламиз. Хайрлашаётганида ҳатто хизматимиздан қониқиш ҳосил қилганини айтди. “Тиббиётнинг бу нозик томони бизда ҳам анча ривожланибди...” – деб ўз мулоҳазасини ҳам яширмади. Мана шунақа гаплар...

Келинчак, албатта, ҳақ эди. Замон анча ўзгаргани, анча илгарилаб кетгани, қизларимизнинг жинсий ҳаёт, жинсий тарбия масалаларига қарашлари ҳам катта ёшдаги аёлларникига нисбатан анчагина фарқ қилиши, бу масалада “қизларимизнинг саводлироқ” эканликлари ҳақида кўп гапирилаяпти.

Лекин, барибир эркаклар асрлар давомида фойдаланиб келган жинсий ҳаёт эркинлигига аёллар эришган эмаслар, уларнинг бундай тўлиқ эркинликка эришишлари ҳам гумон. Бунга эришиш амри маҳол. Шарқда ҳатто буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Негаки, рўйи азалдан ҳатто ўз танамиз ҳам “бировга”, бўлажак эримизга тегишли деб сингдириб келинган, “иффатлилик пардаси” ҳам фақат улар учун асралган бебаҳо бойлик!

Секс табиатига озгина қизиқиш, англашга ҳаракат эса ҳамма замонда ва ҳамма юртларда ҳам аёл учун гуноҳ ҳисобланиб келинган. Бу борадаги ҳар қандай ахборот яширилган. Секс эркаклар учун қанчалик аҳамиятли бўлса, аёл учун ҳам шунчалик табиий эҳтиёжлиги тан олинмаган. Шунинг учун ҳам секс ҳақида эга бўлган озгина тушунчамиз қиз учун бу гуноҳи азим ва секс фақат эру хотиннинг хуфия машғулоти эканлигини билишдан иборат бўлган холос.

Икки жинс орасидаги оралиқ ҳамиша узоқ сақланган. Таққиқлар оқибати қиз бола билан ўғил боланинг бирга ўйнаши, бирга дарс қилиши, бир-бирини тушунишга, дўстлашишга интилишига йўл қўйилмаган. Оқибат ҳар бир қиз учун ахир бир кун бошидан кечирини шарт бўлган жинсий ҳаёт сирли ва қўрқинчли, тушунуксиз олам бўлиб қолаверган.

Кўп, жуда кўп аёллар ўзлари учун эру хотинчилик, жинсий ҳаёт кўзларини қора белбоғ билан маҳкам боғлаб, мураккаб лабиринт эшигидан зўрлаб киритиб юбориш билан тенг бўлганини тан олишади.

Ана шундай мавҳум ҳолатда бўлган янги келин – аёлдан бошқа томондан, яъни ахлоқ-одоб томонидан, оилани мустаҳ-



камлаш, эрни маҳкам ушлаб туриш талаб қилинади. Аёлнинг ҳаётдаги том маънодаги ўрни яхши хотинлигида, яхши оналигида деб таъкидланади. Аммо бунга эришиш осон эмас, бунга ҳам хоҳиш-истак, вақт, уқув, малака керак.

Эрига суюкли ҳаммага суюклидир, дейди кексалар. Ана шу суйиб-суюлишнинг йўли қандай? Эрга тегаётган қизлар буни англаши, ҳаётда қийналмаслиги учун нималарни билиши, нималарга итоат этиши керак?

Шу мавзуда кимга сўз очсак, қарийб ҳамма турмуш қурган аёллар бир нарсани эътироф этишади: қизлар турмушга берилгунича оилавий ҳаётнинг кўп томонларини, масалан таом пишириш, уй тутиш, меҳмон кутиш ва ҳоказоларни ўргансалар-да, қовушиш куни оқшомидаги янгаларнинг наридан-бери гапини назарга олинмаса, ҳеч ким уларга эр-хотинликдан гапирмаганини, бу улар учун ҳамиша ёпиқ мавзу бўлиб қолаверганини тан олишади. Аёл орғазми нималигини, у нима учун, қачон, қандай содир бўлишини кўп аёллар анча кейин англаганлар, айримлар буни билмас ҳам эканлар. Бир суҳбатни мисол тариқасида келтирай. Бу ҳам аёлнинг эр-хотин муносабатларини том маънода англаб етиши, қониқиши учун анча вақт кераклигини кўрсатади:

– Иккинчи боламни туққанимдан кейин менда қандайдир ўзгариш содир бўлди. Эримни соғинадиган, тунги ишлардан оловланиб кетадиган бўлдим. Уят бўлса ҳам айтай, авваллари асло бундай эмасдим... Ёки бирон ёмон касалга чалиндимми-кан? – аёл ҳам уялиб, ҳам ташвишда кўзини ерга олади.

– Мана шу шеърда тасвирланганидекми? – сўрайман ундан. Шеърни унга кўрсатишдан мақсадим, албатта, аёлга далда бериш, яъни табиийликда уят йўқлигини англатиш эди, холос. Иккимиз ҳам аёлмиз. Қолаверса, мутахассис бўлсам ҳам, менга мурожаат этганлар билан оқ халат кийиб суҳбатлашмайман... Ишончли тарзда ўтган суҳбатгина яхши самара беради...

– Ҳозирги тунлардаги аҳволи руҳиятим шу шеърда тасвирланганига яқин, – деди у томиридан ўтли бир нарса югургандек беихтиёр қизариб ва яна секин учқунли кўзларини ерга қадади.

– Энди тушунаяпсизми: тириклик бор экан, жинсий ҳаёт ҳам мавжуд. Жинсий ҳаёт фақат эркаклар учунгина эмас, аёллар учун ҳам зарурлигини, усиз авлодлар давоми йўқлигини ҳам англай бошладингиз чоғи. Ана шу давом авлоднинг қан-





дай бўлишигина эмас, ҳатто ўзингининг ҳам руҳиятингиз, саломатлигингиз қандай бўлиши кўп жиҳатдан айнан шу жинсий ҳаётга боғлиқлигини ҳам англаб, хоҳ ошкор, хоҳ яширин ўзингиздан: “Менда шу масалалар қандай? Умуман жуфтим билан бу борада муносабатимиз қандай?” деб ҳам сўраб-сўраб қўяётгандирсиз.

Сирлашишга келишган эканмиз, сиздан ҳам сўрамоқчи эдик: сизнинг ўз жуфтингизга муносабатингиз қандай? Бирингининг тўйингиз ўтганига энди бир ой бўлгандир, бирингизникига эса икки-уч йил. Ўйлаб кўринг-а, Сапфонинг шеъридагига ўхшаш ҳис-ҳаяжон сизга тез-тез ошно бўладими? Балки умуман нотанишдир? Ўринга “жон-жон деб” ётасизми? Ёки бурч туфайлими? Балки “ўлганингиз кунидан” дир? Бунда сиз ўзингизни айблайсизми ёки жуфтингизни?

Жинсий ҳаётда ўзингизни тенг ҳуқуқли жуфт деб биласизми? Сиз-ку жуфтингизнинг ҳаминиша “кўнглингиздагидек” бўлишини, сизни “эритиб-эритиб юборишини” жуда-жуда истайсиз. Жуфтингизга ҳам сиз истагандек исталган бўлишингиз учун нима қилишингиз мумкин? Эрингиз учун ҳам хотин, ҳам “жазман” бўла оласизми? Бунинг чегараси қайда? Нималарга қодирсиз? Нималарга тайёрсиз? Эрни “ушлаб қолиш”-да фарзандлар, мол-мулк ва яна бир қатор омилар қаторида, маълум даражада ҳатто улардан олдин тўшакнинг моҳияти катталигига ишонч ҳосил қилиб улгурдингизми?

– Тўғри, табиатан аёл аъзолари шундай яралганки, у эркаклар каби тез ва осонликча лаззатлана олмайди, – деб суҳбатни давом эттирди мутахассис. – Чунки аёлнинг ҳиссий (лаззат) аъзоси бўлган клитор эркакларнинг аъзосидан мислсиз кичиклиги бир сари, анчагина чуқурда ҳамдир. Ўғил болалар кичкиналигида “булбули” билан гурурланиб, ҳаммага ундан “нос” улашгани ҳолда, қизлар ҳам ўзларида шундай аъзонинг борлигини, аксарият эрга текканларидан кейингина кашф қилишади. Унгача биринчи воқеада мисол келтирганимиз келинчак каби ҳовриқиб, дарровдан ажралиш масаласини ўртага қўймасдан, ақл билан (кўпинча ҳис-туйғуни ҳам фақат ақл тизгинлай билади ва бошқаради), мулоҳаза билан бекамбахтлик томонига қадам қўйишни ўйлаш керақдир...

– ...Сиз юқоридаги иккала воқеани таҳлил этганингизда, демак жинсий ҳаётнинг ўзига яраша босқичлари бор экан-да, деган хаёлга келдингиз. Тўғри ўйлаяпсиз. Бу босқичлар жин-



сий ҳаётнинг муҳим таркибий қисмлари бўлганлиги учун уларнинг аёл ва эркекларда ўзига хос ифодаланиш хусусиятларини билиб қўйишингиз фойдадан ҳоли эмас.

Дастлабки босқич – либидо, яъни аёлда ҳам, эркекда ҳам жинсий яқинлашиш хоҳиш-истагининг пайдо бўлиши, ҳирсинг юзага келиши. Бу ҳол эркекларда аёлларга нисбатан осонроқ ва тезроқ юзага келиши мумкин. Аёл кишининг дийдорини кўриш, овозини эшитиш, кийинишидан қониқиши, ногоҳ аёлнинг қўли ёки елкасига тегиниб кетишнинг ўзи эркек кишининг ҳирсини қўзғатиши, ҳатто у билан яқин бўлиш истагини пайдо қилиши мумкин. Аёлларда эса руҳий ҳолат физиологик ҳолатдан устунроқ бўлгани учун либидо кечроқ пайдо бўлади.

Ундан кейинги босқич – эрекция деб аталиб, у қўзғалиш юзага келишидан бошлаб, жинсий алоқага тайёрлангунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу босқичда аёл жинсий аъзоларида бир қатор ўзгаришлар юзага келади: қин сал намланади, клитор, катта ва кичик уятли лаблар катталашади, секретция безлари, айниқса жинсий аъзолар безларининг иши зўраяди, тана қизийди, терининг шиллиқ қавати қизаришига ўхшаш ҳолатлар пайдо бўлади.

Аёлларда эрекция пайдо бўлиши эркекнинг ширин гапирishiга, жинсий алоқа қилинадиган жойнинг бегоналарнинг кўзи тушмайдиган холи, бежавотир бўлишига, эркекнинг уни ўпиб эркалашига, эроген зоналарини силаб-сийпалашига, баданнинг ва ўриннинг тозаллиги ва хушбўй бўлиши каби бошқа яна кўпгина сабабларга боғлиқ бўлади. Булар, албатта, эркек киши учун ҳам аҳамиятли, бироқ аёл киши учун ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Эркекларнинг аксарияти эрекция босқичида иложи бори-ча ҳирсини тезроқ қондиришга ҳаракат қилса, аёллар кўпроқ лаззатланиш учун бу вақтни мумкин қадар чўзишга ҳаракат қиладилар. Эр-хотин муносабатларининг бу нозик томонига эркеклар эътибор билан қарашса, мукофотига аёлнинг ҳам жўшқин эҳтиросини олишлари мумкин. Аксинча, аёлнинг эрекция босқичини тўла ўтмагунича, аёл қини намланмагунича, қўзғалиши интиҳосига етмагунича эркекнинг “шошиб қолиши” оқибатида аксарият ҳолларда аёлнинг жинсий аъзоларида оғриқ пайдо бўлиб, у тўшакдан безиб қолиши мумкин...



Кейинги фрикция босқичи, одатда, олатнинг қинга кириши ва фрикцион ҳаракатларнинг бошланишидан то оргазм – жуфтлар лаззатланиши юзага келгунича бўлган вақтни ўз ичига олади. Кўпчилик аёллар фрикцион ҳаракат фақат эркаклар вазифаси деб ўйлайди. Ҳолбуки, бундай ҳаракатлар аёллар томонидан ҳам бўлса, оргазм ҳиссининг келиши осонлашибгина қолмай, лаззати ортади. Бу эркак ва аёл томонидан жинсий алоқани барабар эмоционал идрок этилишини кучайтиради. Айнан шундай пайтларда аёл киши жуфти билан бир вақтда юқоридаги шеърда тасвир этилганча лаззат олади ва бутун вужуди эриб, ором олади, жинсий алоқа тугаганидан кейин ҳам жуфтлар қониқиш ҳосил қилиб, енгил тортади.

Асосийси, бу туйғулар эртами-кечми ҳамма аёлларга ҳам таниш бўлишини истаймиз. Аёл ҳам, эркак ҳам ўзларини шундай, яъни юқоридаги шеърда тасвирланганидек, муҳаббат чўққисидан узоқроқ сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишлари керак.

Мутахассис билан суҳбатимизни шу ерда тугатсак ҳам бўларди. Аммо унинг маслаҳатига кўра, амалиётида кўп учраб турадиган эру хотин ўртасидаги нозик муносабатларга, жинсий ҳаёт психофизиологиясига оид саволларнинг айримларига тўхталиб ўтишга, мутахассиснинг бу саволларга жавобини сизга ҳам ҳавола этишга қарор қилдик.

Савол:– Кўзғалиш ва ўз жуфтини кўзғатишда турли кўзғатиш шаклларидан фойдаланишнинг жинсий алоқага ижобий таъсири борми ёки булар айб, жинсий тубанлик ва бемазагарчиликларнинг жинсий ифодаланган шаклларидан бирими?

Жавоб: – Севги ва муҳаббат асосида жинсий ҳаёт кечираётган куёв ва келин, эр ва хотин учун икковларига маъқул бўлган ёки бири иккинчисига бахтли дақиқаларни тақдим этиш ниятида танланган жинсий ҳолатни кўзғатиш ва кўзғалиш шакллари ахлоқсизлик ҳисобланмайди ва жинсий ҳаётда бунинг аҳамияти каттадир. Бу ҳатто жуфтларнинг бир-бирини яхши билишини, бир-бирига ишонишини кўрсатиб, оқибатда бу шакллар икковлари ўртасида ички бир сир бўлиб қолиб, оиланинг мустаҳкамланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки бунда эркак ва аёл бир-бирини умр йўлдоши тариқасида яхшироқ, жинсий ҳаётни эса нисбатан бой, ижодий, теран идрок этишади. Бу эса, одатда, оилавий ҳаётда маълум вақтдан кейин юзага келадиган



психофизиологик тўйинишни сусайтиради, қайлиқларни, айниқса эркакларни жинсий тўйинишдан сўнг “янги лаззатли учрашув”ни бошқа ёқлардан қидиришдан, оиладан ташқарида жинсий муносабатлар ўрнатишдан сақлашга ёрдам беради.

Вафосизликнинг олдини олиш ёки унинг миқдорини камайтириш, оила мустаҳкамлигини ошириш аксарият эр-хотин, яъни жуфтларнинг ўз қўлида. Кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан вафосизлик қилган эр ёки хотин ўз жуфти ҳалолидан керагича меҳр, муҳаббат, эътибордан ташқари, яна озгина “жазман” ликни туйғач, аслида ўз турмуш ўртоғидан яхшиси йўқлигига яна бир бор иқрор бўлади ва ўзга билан янги учрашувлар қидиришни тўхтатади. Инсон ҳаётида бир хилликдек тез жонга тегадиган нарса бўлмайди. Шу жумладан, жинсий ҳаётда ҳам ижодкор бўлиш, ишқ-муҳаббат ўйинлари шакллари янгилаш билан ҳам киши умр йўлдошига бахтли дақиқаларни тақдим этиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Савол: – Аёл кишининг жинсий қониқишида олатнинг катта-кичиклигининг аҳамияти борми?

Жавоб: – Кўпгина сексологлар фикрича, агар олат кўзгалмаган, эрекция бўлмаган ҳолда уч сантиметрдан кичик бўлмаса, хотин кишининг жинсий эҳтиёжларини тўла қондира олади. Кўпчилик аёлларнинг фикрича, аёлнинг жинсий эҳтиёжларини қондиришда олатнинг ҳажми муҳим рол ўйнамас экан. Аёл оргазми олатнинг ҳажмига эмас, эркакнинг эътибори ва жинсий уқувига, аёлнинг жинсий кўзгалганлигига, психозеротик тайёрлигига боғлиқ.

Савол: – Қизлар гименлари (қизлик пардаси) бутунлигига қарамасдан ҳомиладор бўлиб қолишлари мумкинми?

Жавоб: – Севишган ёшларнинг маълум қисми никоҳгача жинсий алоқа қилиш ахлоқ-одобга тўғри келмаслигини яхши уққан ҳолда бир-бирлари билан петтинг кўринишида муносабатда бўладилар ва баъзан давомли петтингни ҳам қўллайдилар. Гименнинг ҳайз қони чиқадиган тешик қисми бўлади. Ёшларнинг петтинги натижасида манийнинг бир қисми жинсий лабларга тушиб, чаққонлик билан тешикдан ўтиб бачадонга киради ва бачадон найларига боради. Агар шу кунларда қизнинг тухумдонида ген тухум ҳужайраси пишиб етилган ва у бачадон найида бўлиб қолса, дарҳол оталаниб, ҳомила юзага келиши мумкин.



Савол: – Севги билан сексинг боғлиқлик жойи борми?

Жавоб: – Севгини секс сақлайди. Агар сизда бир-бирингизни тушунишда муаммо пайдо бўлиб, ранж-алам тўпланиб қолган бўлса, бир-бирингиз билан яқинлик қилишдан қайтманг. Бир-бирингизнинг орангиздаги кекни исботлашдан кўра секс билан шуғулланинг. Ўз нафсини қондирган эркак сизга албатта меҳрибончилик ва марҳамат кўрсатади. Қолган муаммоларни ҳал қилиш қийин бўлмайди.

Савол: – Айрим эрлар жинсий алоқанинг “Чавандоз аёл” шаклини маъқул кўрадилар. Бунинг аёл учун зарари йўқми?

Жавоб: – Жуфтлар учун жинсий алоқанинг мақбул шаклидан бири шундай аталади. Бу эрларга аёлнинг энг нозик лаззат нуқталарини топишда ёрдам берибгина қолмай, икковининг оргазмини интиҳосига етказади.

Савол: – Жинсий алоқанинг соғлиққа қандай нафи бор?


Жавоб: – Тиббиётда жинсий алоқа йўли билан турли хасталикларни батамом даволаб юбориш, қайтариш ёки енгиллатиш мумкинлиги исботланган. Жинсий алоқа меъёрида бўлсагина соғлиққа фойда, акс ҳолда зарар эканлигини унутмаслик керак.

Яхши жинсий алоқа уйқусизликнинг ягона ва табиий дорисидир. Аввало алоқа тўғрисида ўйлаш хаёлот оламини янгилайди, кишига ором бахш этади. Биологик яхши жинсий алоқа табиий уйқу дорисидир, у олдинга соғлом мизғишга келиб, сўнг чуқур уйқуга айланади. Бу айтилган ҳолатни қоида сифатида айтадиган бўлсак: эр-хотинни тўшакда жинсий алоқадан кейин уйқу элитмаса, жинсий муносабатда қандайдир камчилик бор. Лекин ҳаммаси яхши бўлса, бўшашган тана, оёқлар, сустлашган кўзга уйқу малҳам бўлади. Эру хотиннинг енгил қадам ташлаши, порлаган кўзлари кечаси бўлган яхши алоқа нишонасидир.

## НАЗОКАТНИНГ ЕТТИ СИРИ

Яхши қиз, яхши келин, яхши жувон номига биринчи бўлиб назокатлилар эришадилар.

Аввало «назокат» сўзининг маъносини кенгроқ тушунишимизга ёрдам берадиган бу атаманинг синонимларига эътибор берайлик. Назокатлик – зарофатлик, нафосатлик, латофатлик, хушқадлик, хушандомлик, хиромандлик, нозиклик, ма-



йинлик, мулойимлик, юмшоқлик, латифлик, заифлик, ишвалилик дегани.

Сўзларга изоҳ берадиган луғатларни, бадий асарларни ўқисангиз, айниқса шеърятда бу сифатларга яна кўплаб сифатлар қўшилиб бораверади. Русларда бу сифатларнинг ҳаммасини биргина «женственность» сўзи билан ифодаласа бўларкан. Бу сифатларнинг ҳаммаси ўзбекларда аксарият қиз-аёлларга нисбат берилганда ишлатилади. Аёл зотининг буюклигини-ю, унинг таърифида тилимизнинг бойлигини кўринг!

Айримлар назокатли деб фақат чиройли, қадди-қомати келишган ва гўзалларга айтилади деб тушунадилар ва бунга яхши, ўхшатиб пардоз қилиш билан эришса бўлади, деб ўйлашади. Йўқ, диққат қилинг, ахир бу сифатлар қиз-аёлнинг ҳуснига эмас, асосан дилига нисбатан берилаяпти-ку! Ҳа, булар ҳуснига эмас, дилга чирой берувчи фазилатлар. Чиройли дилларнинг эса ўзига яраша нури бўлиб, у юзга кўчади ва уни жуда чиройли қилиб юборади. Чунки:

Назокатли деб юриш-туриши, ҳаракати ва муомаласи нозик, гўзал, латиф ва ёқимли, одоблиларга айтилади...

Назокатли деб мулойим, майин, бировларга қаттиқ гапирмайдиган, озор етказмайдиган, раҳмдиллиларга айтилади...

Назокатли деб муомаласи хуш, латофатлиларга айтиларди...

Назокатли деб юмшоқ, мулойим, нафис, мулозаматли, такаллуфли, сезгир, фаҳм-фаросатлиларга айтилади...

Назокатли деб зукко, ҳозиржавобларга айтилади...

Назокатли деб жозибали, илтифотли, нозик, чиройли муомалалиларга айтилади...

Назокатли деб ипакдек майин муомаласи киши кўнглига хуш ёқадиган, юмшоқ кўнгилиларга айтилади...

Назокатли деб одобли, хушхулқ, гап-сўзи, хатти-ҳаракатлари ниҳоятда ёқимлиларга айтилади...

Ҳа, назокатли деб назокатлиларга айтилади.

Биттагина сўз... Лекин қаранг, қандай сўз!

Энди бир ўйлаб кўринг, юқорида санаб ўтилган фазилатларга эга бўлганларни ким ҳам хунук дея оларди? Борди-ю, худо бундайларга ҳусн бермаган тақдирда ҳам, ичидан нурлантириб қўйибди-ку!

Биргина қиз-аёлларнинг ўзига шунча сифатми деяётгандирсиз. Умуман олганда, назокатли бўлиш қийинми?



Назокат сабоқларини бувимиз, ойимиз, опаларимиздан кўп эшитганмиз. Фақат уларга бефарқ бўлмаслик керак. Қаранг, назокатли бўлиб кўринишнинг дастлабки сирлари сифатида қайнона келинининг ташқи кўринишига, кийинишига, юриш-туриши, ўзини тутиши, ҳатто гапирадиган гапларига аҳамият бераяптилар: «...чирс ўгирилиб, «тап-тап» юриб кетиш келинларга ярашмайди...» Сезаяпсизми, ташқи қиёфа, кийиниш, юриш-туришлар одоб ва ички маданият билан узвий боғлиқ экан.


Кишининг юриши унинг қандай одамлигини кўрсатади. Қиз-аёлларнинг борадиган жойларига, кийган кийимларига қараб юришлари, қадам ташлашлари ҳам ўзгаришини биласиз. Спорт кийимида тез, эркин (лекин оёқни катта-катта ташлаб эмас) юрсангиз, кўйлак кийганингизда бошқача, хиром айлаб юрасиз. Назокатли қиз-аёлларга, биринчи навбатда, латифлик, юмшоқлик хос. Кўлларни силтаб, ортиқча ҳаракатларни кўп қилиб, баланд овозда гапириш, қаттиқ кулиш, қисқаси, қайнона айтмоқчи «тап-тап» юриш уларга ярашмайди... Назокатли кўринаман деб ортиқча пардозга берилиш ҳам нотўғри. Ортиқчаси ортиқча-да. Меъёрдан ташқариси қиз-аёлларни енгилтак қилиб кўрсатиши мумкин.

## Оналарим – моҳларим

Қайноналар  
 Учта чит кўйлак  
 «Ҳимо» нима, ойижон?  
 Ҳаловатли одам...  
 Яхшилигим оширган  
 «Қалам кетмондан оғир»  
 Табаррук узук  
 Онамнинг гаплари  
 Бизнинг аёллар  
 Ё, хаёл  
 Фарзанд борки...  
 Ёзишга қийналяпман...  
 Нон  
 Тоқат ва итоат  
 «Хотин девор»  
 Тилла узук  
 Доимий савол  
 Боқий зарралар







## ҚАЙНОНАЛАР

Яширмайман, оила, турмуш, қайноналар, келинлар, оиладаги ўзаро муносабат-муомала мавзулари ҳамма ёзувчи ва журналистлар ижодида катта ўрин эгаллайди. Бусиз иложи йўқ. Балки бу мавзу менда етакчироқ бўлгандир... Балки кўп ижодкор дугоналаримнинг «Саодат» журналининг ҳақиқий «Ростонбуви» си – сизсиз!» деб юришлари бежиз эмасдир.

Бу бир қарашда қалтис ва тойинчоқ, ҳатто баланд парвозларни кўзловчи ўртоқларга майда кўринган мавзуга киришганимнинг сабабини билиш учун ижозатингиз билан озгина ўтган асрнинг олтамишинчи-етмишинчи йилларига саёҳат қиламиз. Биринчи «Қайноналар» рисоласи ўша даврда, 1981 йилда «Ўзбекистон» нашриётида оммавий тиражда, яъни кўп нусхада чоп этилган. Унда ҳеч нарса – на қаҳрамонлар, на воқеалар ўйлаб чиқарилмаган.

Даврлар ўтаверар экан, оила эса мангу, унинг устувор кўрсатмалари, одобномаси пойдевори мангу, қувонч ва ташвишлари, дард ва изтироблари ҳам мангу экан.

Ушбу рисола қайта ишлаб, сизга тақдим этишга журъат этдим.

Мазкур рисола қаҳрамонлари – мунис ва меҳрибон қайноналар, ўз уйларининг ардоқли кишилари – келинлардир. Уларнинг биздан фарқ қиладиган алоҳида фазилатлари ҳам йўқ – ҳамма қатори яхши тилак, яхши ният билан яшаб, оилада осойишталик сақлаб келаётган фариштали аёллар.

Аслида рисоланинг ёзилишига қуйидаги мактублар сабаб бўлганди.

«Салом, ҳурматли редакция! Сизга бу хатни ... кўчада туврувчи М. исмли аёл ёзмоқда. Мен оғир аҳволда, қоронғу зиндон ичида ҳаёт кечирмоқдаман. Сизлардан илтимос, ёруғликка чиқишга ёрдам берингиз! 22 ёшимда турмушга чиқдим. Эрталаб соат 6 дан кеч соат 12 гача шу хонадоннинг хизматини қиламан. Қайнонам келинни чўри деб ҳисоблайди. Ишга бориб келишим учун 10 тийин пул беради. Ойлигимнинг ярмини бермайдиган бўлдим. Шундан кейин қайнонам ҳатто ушоқ

нонни ҳам яшириб қўядиган бўлди. Радио қўйдирмайди, телевизор кўрсатмайди. Турмуш ўртоғимга ҳар хил бўлмағур гапларни айтиб, бизни уриштиради. Қандай қилиб бу уйда яшаб бўлади? Бутун ёш умрим хазон бўлди! Менга ҳаётнинг қизиғи қолгани йўқ. Лекин қизим учун чидаб келаяпман.

Ҳурматли редакция, менга ёрдам беринг! Ёруғликка чиқиш, бахтли ҳаёт кечирриш учун нима қилиш керак? Маслаҳат беринг! Қайнонамни (Ҳожи она-ку у) яхшилаб мақола қилиб чиқаринглар, бошқаларга ибрат бўлсин. Мен тушган зиндонга адашиб бошқалар тушиб қолмасин...»

«Ассалому алайкум, ҳурматли редакция! Мен ўз ҳаётимдан биргина воқеани ёза қолай. Мен оддий аёлман, далада ишлайман. Ўқитувчи ёки врач эмасман. Лекин ҳаётимда шундай воқеалар бўладики, уни ёзиб таърифини келтира олмайман. Замонамиз яхши, фаровон замон.

Қайноналар, келинлар ҳақида гап очдинглар. Ижозат берсангиз, мен ҳам суҳбатда қатнашсам.

Мен бир нарса тўғрисида кўп ўйлайман. Армон эмас-ку, лекин шу ғубор ҳам бўлмаса яхши бўларди-да.

Менинг ҳам ўз оилам, турмуш ўртоғим, қайнона-қайнотам, қайинбўйним бор. Ўз онам мана икки йилдирки оғриб ётибдилар. Жонинг ачир экан. Бот-бот бориб тураман. Жойларини офтобга ёйиб, ўзларини ювиб-тараб келаман. Буни келинойиларим ҳам қилишади. Уларга раҳмат! Лекин мен ҳам қизман-ку! Бироқ, шу бориб, келинойиларимга қарашиб турганим қайнонамларга ёқмагандек бўлиб туйилади. Баъзан гап билан чимдиб оладилар: «Уйига қатнагани-қатнаган», дейдилар. Шунда ойимнинг касаллари билан ўксиб юрган қалбимга баттар нина санчилгандек бўлади. Мен уларни ўз онамдан кам кўрмайман. У киши ҳам онам. Икковлари ҳам бирдек. Қайтага қайнонам яқиндайлар. Эртаю кеч ёнимдалар, шунинг учун улардан кўнглим тўқ. Баъзи вақтлари ўз оғизларидан: «Болам, чопқиллаб қудамлардан хабар олиб келинг. Кекса одам, боласига кўнгли зор кетаётгандир», дейишларини орзу қиламан. Икки кўздай менга яқинлар, дилимдан ўтганини биладилар-ку ахир. Дилим бут бўлиб, кўнглим тордек кўтарилиб кетарди. Келинларининг кўзидан ичидагини ўқийдиган, тўғри йўлга солувчи, таскин берувчи, жондек азиз қайноналар, мунис, азиз, оқила қайноналар жуда кўп. Менинг қайнонам ҳам шундайлар. Бояги гапни шикоят деб ўйламанг, ҳаётимда шикоятга ўрин йўқ...»



\* \* \*

Қайноналар... Келинлар...

Ушбу мавзуда сўз юритаман деб сира ўйламаган эдим. Ри-сола ёзиш-ку хаёлимга ҳам келмаганди.

– Мана, қаранг-а, – деди бир куни «Саодат» журнали бош муҳаррири ўринбосари Холидахоним Аҳророва, қизларни кўриб чиқай деб таҳририятга кирганимда.

Стол устида папка-папка хатлар уюлиб турганди.

– Ҳаммаси келинлардан келган... Хат эгалари бирдек ўз қайноналаридан шикоят қилишган... Айтсам, ишонмасиз, аммо бир келинчак, «агар ихтиёр менда бўлганида, ҳамма қай-ноналарни девор остига қатор тургизиб, пулемётдан отиб таш-лардим!» деган... Ўқиганда юракларим орқамга тортиб кета-ди, шуларни ёзганлар ўзимизнинг қизларми деб... – Холида опа уф тортадилар.

Хатлар... Улар ҳақиқатда ҳам шу қадар кўп эдики, Ҳожар холанинг машҳур сумкасига солсанг, яна қанчаси ортиб қоли-ши табиий. Маҳалламизда яшайдиган Ҳожар холанинг ош хо-мини солиб юрадиган қанордек сумкасини айтаяпман. Бу, ҳазил, албатта. Лекин газета ва журналлар таҳририятларида хатларга нисбатан жуда катта масъулият билан қарашади. Шунга ўрганилган. Ҳар қандай бўшанг ходим ҳам, энди ижо-дим сўниб боряпти деб ўйлайдиган ижодкор ҳам дарёдек оқиб келадиган хатлардан жонланмай иложи йўқ. Хатлар кишини фикр қилишга чорлайди, булоқдек тетиклантиради, янги-янги режаларни кўнглингга солиб қўяди.

Беихтиёр мен ҳам ҳамкасбим айтган «шикоят» хатларига интилдим. Иккитасини олиб ўқий бошладим. Юқорида кел-тирганим ўшалар...

Эсимда, ўшанда журнал топшириғи билан навбатдаги хиз-мат сафарига отланаётган эдим.

Одатдагидек сафар олдидан қилинадиган ишларни бир-бир хаёлимдан ўтказдим.

Эркакларга маза! Хизмат сафарига чиқишадиган бўлса, аёли сафар сумкасини ҳозирлаб беради, сумканинг майка, пайпоқлар жойлаган бурчагини тайинлайди, дафтар-қалам-ни юзароқ жойга қўйганини кўрсатади. Болалардан беха-вотир, яхши бориб, ишларни муваффақиятли битириш ти-лагини билдиради. Оқ йўл тилаб, охири бир ўпиб ҳам қўяди...



Аёл хизматчиларнинг эса хизмат сафари олдидан тараддуд ишлари анчагина. Аввало эрини очиқ юз билан рухсат беришига кўндириши керак. Токи қайтгунича болаларига қовоқтумшуғини солиб, уларнинг чақноқ чеҳрасини сўндирмасин. Кейин онаси ёки қайнонасини болалари олдига келиб туришларига кўндириши керак. Бунга ҳам осонликча эришиб бўлмайди: яхши гапириб, елкаларини силаб, йўқни йўндириб, олдиларига рўзғорни бекаму кўст қилиб қўйиб дегандек... Ҳа, нима бўлганда ҳам рўзғори бўлак келинларнинг хизмат сафарига чиқиши осон эмас.

Ҳа, қайноналар...

Ўша икки мактуб дилимни ғаш қилиб турарди. Икки аёл, икки келинчак, гарчи исмини ёзишмаган бўлишса ҳам, юрагидаги кечинмасини яширмай ёзишибди. Ана шунинг учунми бу мактублар таъсиридан чиқиб кета олмасдим. Балки ўша мактубларни ўқиганим учундир, мухбирлик касбим туфайли қайси шаҳар ёки қишлоқда бўлмай, қайси замондошим билан сўзлашмай, қайнона-келинлар муносабатига эътибор берадиган бўлдим. Ахир қаҳрамонларимнинг аксарияти ё келин ё қайнона эдилар-да.

Иккинчи мактуб эгаси тўғри ёзибди. Киши кўнглидек нозик нарса бўлмаса керак. Салга тоғдек кўтарилади, салга чилчил синади.

Ҳа, киши кўнглининг биллурдек нозиклиги рост. Балки шу нозиклиги туфайлидир, халқ орасида «Қайнона-келин ўртасига фақат эси йўқ тушади», деган гап бор. Бир маҳаллада қайнона-келин можаросига чек қўйишганмиш. Рост, рост! Кейинги уч-беш йил мобайнида маҳалла қўмитасига биронта қайнона ўз келинидан ёки, аксинча биронта келин ўз қайнонасиндан шикоят қилиб келмаган эмиш. Маҳалланинг ҳаваскор ижодкорлари томонидан тўқилган янги нақл шу қадар самара берибди.

«Эрга тегмасанг – қайнона қайда?!» дейишаркан улар қайнонасиндан шикоят қилиб келган келиннинг ҳасратини обдон эшитгач.

«Ўғил уйламасанг – келин қайда эди?!» дейишаркан улар навбат қайнонага келганда.

Бу илмоқли, тагдор нақлни эшитгач, келин ҳам, қайнона ҳам лабларини тишлаганларича, бошларини эгиб қайтиб кетишар экан.



\* \* \*

Шундай қилиб хизмат сафарига йўл олдим...

Беруний шахрига оқшом етиб келдим. Меҳмонхонага жойлашиб, бир вақтлар дорилфунунда бирга ўқиган дугонам Гулсанамга телефон қилдим.

– Қаердасиз? – сўради Гулсанам салом-алиқдан сўнг, – овозингиз жуда яқиндан эшитилаяпти.

– Шаҳрингизда, меҳмонхонада...

– Вой, ўлманг (Гулсанам илгарилари ҳам шошиб қолганида шу иборани ишлатарди)! Ҳозироқ бориб олиб келаман. Уят эмасми, биз туриб, сиз – меҳмонхонада...

– Санамжон, безовта бўлманг, ўртоқжон, эртага бафуржа учрашамиз. Барибир ҳузурингизга киришим керак. Ҳозир кеч бўлиб қолди, ноқулай, болаларингиз... қайнонангиз...

– Ана шу қайнонам сизнинг Тошкентдай жойдан келиб, меҳмонхонада мусофирлардек турганингизни эшитсалар, кейин менга нақ кун бермайдилар...

Эътироз билдириб улгурмадим, гўшакнинг қисқа-қисқа бетоқат товуши қулоғимда қолди.

Кўп вақт ўтгани йўқ, хона эшиги шиддат билан очилди: Гулсанам! Ўша-ўша, ўзимизнинг қувноқ Гулсанам. Фақат сал тўлишибди, улғайибди... Кўзларида, ҳаракатида тўғри йўлни танлаб, мақсади сари шахдам бораётган кишиларга хос осойишталик, ҳаётсеварликни сезиб турибман.

Гулсанам дорилфунунда ҳам аълочи, жамоатчи эди. Ўқишни битиргач, она шахри Берунийга йўланма билан келди. Ўрта мактабда ишлади. Кейин уни туман ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари қилиб сайлашганини эшитгандим.

Туман ишлари ҳам ёмон эмас. Ёзадиган очерким баҳонасида туман ташвишлари, келажак режалари билан танишдим. Қилинадиган ишлар кўлами катта. Бу вазифаларни бажариш учун раҳбарлар ҳам ниҳоятда уқувли, жонкуяр, билимли, халқпарвар бўлиши керак. Гулсанам шу раҳбарларнинг биттаси. Лекин у ҳозир уйида. У бу ерда – келин, болаларига она.

Гулсанамнинг оддийгина безалган уйида ўтирганимда зимдан қайнона ва келиннинг ўзаро муомаласига эътибор берман. Бунга сабаб боя, Гулсанамнинг телефонда айтган «нақ кун бермайдилар» дегани бўлса, яна битта сабаб – юқорида айтиб ўтганим ўша хатлар эди. Лекин қанча кузатмай, оддий она-бола муносабатидан бўлак ҳолатни кўрмадим.

Гулсанам билан кўп йиллардан бери энди кўришишимиз эди. Шу орада у турмуш қурибди. Олдинма-кейин тўрт фарзандлик бўлибди. Болаларнинг ёшидаги фарқ унча сезилмагани учун уларнинг исмини менгина эмас, Гулсанамнинг қайнонаси – Ўғилжон опа ҳам адаштириб юборардилар. Бундан завқланиб-завқланиб қуламиз. Бола бор жойда гийбатга ўрин йўқ, деб шуни айтишса керак-да, ўша оқшомги суҳбат қалбимда узоқ ўчмас бир илиқлик қолдирди.

– Тошкентдай жойда ўқиб келгач, ишга шўнғиб кетибди, турмуш қуриш хаёлига ҳам келмас эди. Туманда ҳамма танийдиган ёшулли бўлиб қолди. Аёл боши билан тиним билмайди, юрт сўрайди. Элнинг иши эса эрта бошланиб, кечда тугайди. Бунинг иши-чи? Тунда ҳам тамом бўлмайди! Лекин мен ҳам қаттиқ туриб олдим. Фарзандларнинг кўп бўлгани яхшида! Мен ҳаёт эканман, сенга оғирлиги тушмайди, ўзим энага бўламан, дедим... Ҳартугул, сўзимга кирди. Умуман, шунча йил бўлди-ю, юзимга тик боққанини, сўзимни икки қилганини билмайман. Бу уй-дунёчиликда жуда керак...

Ўғилжон опа мен билан сўзлашиб ўтирганида, Гулсанам ошхонада жаз-буз қилаётган эди. Момо невараларининг шўхлигига, қилиқларига меҳр билан тикилар, келинига имо қилиб, ҳикоясини давом этарди:

– Гулсанам остонамдан ҳатлаб ўтганида, бир болам икки бўлди деб севиндим, шукр қилдим. Мана энди, берганига шукр қилай, битта болам олтига бўлди! Аммо ҳеч бири етовимдан чиққани йўқ.

Ҳеч кузатганмисиз, ўтган умридан ризо кексаларнинг кўзига дарров ёш кела қолади. Бу севинганларидан, умр изсиз кетмаганидан бўлса керак-да. Ҳа, шундай. Ўғилжон момо ҳам дамо-дам узун енги билан кўзларини артиб туради. Менинг ҳар бир сўз мазмунига алоҳида диққат қилаётганимдан, балки эртага ўзи ҳам қаҳрамонимга айланиб қолиши эҳтимоли борлигидан, умуман, менинг мухбирлигимдан беҳабар ўзини жуда эркин тутардилар.

– Қайноналарнинг етовига ҳамма келинлар ҳамиша ҳам киравериши керакми, бошқача бўлиши мумкин эмасми? – сўрайман сал айёрлик билан.

– Қайнонами, келинми, барибир, оиладаги икки аёлнинг бири етаклаши, иккинчиси етовга юриши керак. Шунда келишиб, муросаи-мадора билан иш қилади-да...



Гулсанам билан ҳам узун тунда узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Болаларининг ҳаммаси бувиси билан ухлаш истагини билдиришди. Гулсанам улар учун равон айвонга қатор қилиб жой солди. Ёнига қайнонаси учун қалин тўшак тўшади. Бу жой юмшоқроқ, ёстиғи ҳам баландроқ эди. Оппоқ чойшаб ёзди. Гулсанам меҳр билан кунда бажаришга одатланган ишини қилаётгани сезилиб турарди.

– Аксига Худойбердининг Тошкентга, мажлисга кетганини қара, ўртоғинг келганини кўриб бирам хурсанд бўларди, – деди Ўғилжон момо Гулсанамга. – Дарёдан балиқ тутиб келиб меҳмон қиларди, айлантириб ҳаммаёқни кўрсатарди. Жуда томоша қиладиган бўлиб кетди Беруний ҳам. Ёшуллилар чунон чаққон чиқишди, обод бўлсин, деб роса терлашяпти... – бу сўзлар оддий самимият билан айтилган эди.

– Сизнинг қайнонангиз бўлакчамилар ёки уларни сеҳрлаб олганмисиз? Қайноналарга ҳам ўхшамайдилар-а. Она-бола бўлиб кетибсизлар.

Мен бу гапни Гулсанамга тунда, икки дутона ёшлигимиз, талабалик йилларимизни эслашиб бўлгандан сўнг, ишимиз, оиламиз ҳақида гаплашаётганда айтдим.

– Сиз ўзингиз орқада қолиб кетибсиз, ўртоқжон, – деди кулиб Гулсанам. – Сиз хаёлда тутган «золим» қайноналар ўтмишда қолиб кетган. Илгариги қайноналар ҳукумат ишида ишлашмас эди. Шунинг учун келиннинг, ишлаган аёлнинг қадрига етишмасди. Ҳозирги қайноналарнинг аксарияти ишлаб чиқариш стажига эга, бошқача қилиб айтганда, ишдан ажралмаган ҳолда қайноналик қилишади! Бу жуда қийин иш. Бундай қайноналар меҳнатнинг, роҳатнинг, оила фароғатининг қадрига етишади. Қолаверса, тўғри айтдингиз, қайнонам ўзи бўлакчалар. Ҳамманики ўзига-ю... – Гулсанам нималарнидир эслаб хаёлга кетди. – Ўзингиз айтинг, бошқача муносабатда бўлиб бўладими? Кеча-кундуз болам деб турсалар, ўзимнигина эмас, болаларимни ҳам еру кўкка ишонмасалар... Биласизми, қаерда қайнона-келин ҳақида сал кўнгилсиз гап эшитсам (юртчилик, шунақаси ҳам бўлиб туради, аёл раҳбар деб кўпинча шундай можароли ишларни менга рўпара қилишади), тўй кунимиз кўз олдимга келади. Мен келинлик либосида уларига кириб келаяпман-у кўзларида ёш билан фотиҳа бердилар: «Ували-жували бўлинглар, бир-бирингизга садоқатли бўлинглар, ҳеч кимдан кам бўлманглар», деб дуо қилдилар. Яна



қўп гаплар айтилди, ҳаяжонимдан эслаб қола олмадим. Лекин ўша дақиқалардаги бу мунис кўзларда филтиллаб турган ёш ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Бундай қарасам, Худойбердининг кўзлари ҳам филтиллаб турибди. Мен ҳам чидаб тура олмадим. Онаизор шундай фотиҳа бериш учун неча йиллар ўй ўйлашини биласизми? Ўша дамда Худойберди аста кўлимни сиқиб қўйдилар. Тушундим. Онамни мендек ҳурмат қил деганлари эди бу...

Берунийга сув тошганини эшитгандирсиз? Онамнинг бўлақчаликларини шунда яна билдим. Ҳамма раҳбарлар, соғ одам борки, аҳолини бешикаст, тинч жойга кўчириш билан банд эдик. Уйдан хабар олишга имкон бўлмади. Худойберди акам врачлар, табиийки, у киши ҳам кела олмаганлар. Кўчирилмаган ҳовли қолмадимикин, деб кўчаларни машинада яна бир айланиб чиқаётганимда не кўз билан кўрайки, остонамизда онам ҳақ деб ўтирибдилар! Аранг у кишини машинага кўтариб олишга улгурдик. Машинамиз шитоб билан кетаяпти-ю, орқамиздан пишқириб сув қувиб келяпти.

– Нега кетмадингиз, ахир бу кўчадаги аҳолининг ҳаммаси кўчирилди-ку? – деб сўрадим. Биздан хавотир олибдилар... Ҳеч нарса дея олмадим...

Гулсанам билан қайнонасининг ўзаро муомаласига алоҳида диққат қилаётганимнинг асосий сабабини унга айтдим. Хатларни ҳам кўрсатдим. Эл ичида юрган аёл, қолаверса, у ҳам – келин. Нима деркин?

– Бу мактубларга сиз нима жавоб қилган бўлардингиз, Гулсанам?

– «Зулмат»... «Зиндон»... Ўтган замонларни эслатади-я бу сўзлар. Ўқигач, бехос вужудингда титроқ туради, – деди Гулсанам хаёл билан биринчи хатни қайта қўлига олар экан. – Баъзан бизнинг туман хотин-қизлар кенгашида ҳам шундай можароларни ҳал қилишга тўғри келиб қолади. Кўпинча текшириб бўлганимиздан кейин шикоятга ўрин йўқ экан-ку, деган хулосага келамиз. Қизиғи шундаки, қайнона ҳам, келин ҳам айнан шу хулосага келишади. Бир куни бир кампиршо нима дейдилар денг:

– Болам, сен ҳам ҳукуматсан-ку, шу «қайнона», «келин» деган сўзларни йўқ қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришнинг иложи йўқми? Ўрнига фақат «онам», «қизим» деган сўзлар ишлатилсин, деб фармон бер – олам гулистон! Мен кампирни айтди





дерсан, бу иллатлардан қутуласизлар. Ахир ҳеч ким онасидан ёки қизидан шикоят қилмайди-ку!

– Хатларга келсак, – деб давом этди Гулсанам, – аввало, кекса одамни хоҳ олдидан, хоҳ орқасидан сенсираш яхши эмас. Менимча, биринчи хатга иккинчи хатнинг эгаси жуда яхши жавоб бериб қўйибди. Ишончим комилки, иккинчи аёл бу хонадон билан ҳеч қачон сан-манга бормайди. Хатнинг руҳини сезиб турибсизми: у аввало турмуш ўртоғига жуда ҳурмат билан қарайди, қайнонасини «икки кўздек яқин» деб, қайин-бўйинлари ҳақида ҳам ҳурмат билан гапираяпти. Бундай аёллар оиласида келишмовчилик чиққан тақдирда ҳам (чиқмай эса иложи йўқ, қайси хонадонда йўқ дейсиз?) жуда эҳтиётлик билан бартараф қиладилар. Мактубидан сезилиб турибдики, унинг эгаси оила чироғининг ҳамиша порлаб туришини иста-япти, иккинчидан, шу уйдагиларнинг биронтасининг кўнгли дарз кетишини асло хоҳламаяпти. Биринчи хатда ана шу руҳни, авваламбор, ўз бахтини асраш, авайлаш истагини кўрмадим. Ҳамма иллат ана шунда! Аёл – оила устунни, аёл – оила чироғи, деб бежиз айтишмаган. Оилани асраб, уни ҳақиқий фароғат ўчоғига айлантириш учун ёш келинда ҳам кексаларга хос сабот, кечира билишлик, фидойилик фазилатлари бўлиши керак. Нимасини айтасиз, агар бу мавзуда гап очиладиган бўлса, неча-неча китобга етарли фикр-мулоҳаза айтиш мумкин...

Шу вақт эшик очилиб, Ўғилжон момо кириб келдилар.

– Гулсанам, дугонангга телефонда Тошкентни улаб бер, гаплашиб олсин, онаизор хотиржам бўлади...

– Ҳа-я! Қаранг, ёдимдан кўтарилибди. Рақамингизни айтинг, – деди Гулсанам менга қараб, – линия тунда бўшроқ бўлади, дарровгина улаб беришади.

Дарҳақиқат кўп кутмадик. Гўшакни катта ўғлим кўтарди:

– Ойижон! Ассалому алайкум! Хавотир бўлманг, яхши ўтирибмиз. Қўнғироқ қилиб қоларсиз деб кутиб турувдик. Бувижоним шу ердалар. Сиз келгунингизча бизникида турадилар. Мана ўзлари билан гаплашинг.

Болаларимнинг хурсандлиги шундай овозидан сезилиб турарди. Доим шундай: буваси, бувиси келишган кун уйимиз байрам бўлиб кетади.

Гўшақда энди қайнона оймларнинг овозлари эшитила бошлади:

– Яхши етиб бордингизми? Самолётда қийналмадингизми? Ишларингиз яхши кетаяптими?

– Раҳмат, ойижон! Яхши келибсиз. Болалардан кўнглим тинч энди.

– Эрталаб сизнинг кетингиздан қайниларингизни ишга кузатдик-ку, дадангиз билан невараларимиз олдига кела қолдик...

– Раҳмат, ойижон, яхши ҳам бахтимизга сизлар борсиз...

Яширмайман, нимаики яхшилик кўрган бўлсам, нимагаки эришган бўлсам, бунда у кишининг ҳиссалари катта. Биз, келинлар қайнонамиз Хужиста опани ҳазиллашиб «ўн дипломи она» деймиз. Баъзида кулишиб «катта овсин» деб ҳам чақирамиз. Айтилган ўн дипломнинг бештаси беш ўғилники бўлса, бештаси – беш келинники. Шундай дейишимизга асос бор. Келинларнинг аксарияти ўқишни шу оилага келгач битиришди. Қайнона оймиз бараварига куйиб-пишиб, бараварига ҳаракатда бўлдилар. Ҳар биримизнинг яхши меҳнат қилишимизда у кишининг ҳиссалари жуда катта. Ахир келинлар ишлаганида невараларга ўзлари қарайдилар-да. Бир эмас – ўн уч неварани боғчагача соғлом қилиб тарбиялашда кўмаклашдилар.

Телефонда Тошкент билан гаплашиб олгач, Гулсанамга ана шулар ҳақида гапириб бердим.

– Бизга ҳавасингиз келаётувди, ўзингизнинг қайнонангиз ҳам зўр эканлар-ку! – деди Гулсанам кўзлари кулиб.

Ҳа, аёл – оила устуни, аёл – оиланинг порлоқ чироғи. Лекин осонликча эришадими нозиккина аёл бу катта ташбеҳларга? Қаердадир паст тушади, қаердадир баланд келади. Қанча бардош, қанча ирода керак устундек мустаҳкам туриш учун, чироқ бўлиб бошқаларнинг кўнглини ёритиш учун. Бу юксакликка қалбида яхши тилак жўш урган аёлларгина кўтарила олади. Ҳа, яхши тилак...

\*\*\*

Бу ҳикоя ҳам бир умр ана шундай яхши тилак билан яшаб келган аёл ҳақида. Лекин яхши тилакнинг кўри юракда сўнмасин учун ҳам, яхши тилакнинг машғаласи бир умр порлаб, сени олдинга чорлаб турсин учун ҳам, аёл муттасил курашиши керак. Ахир ҳеч нарса ўзидан-ўзи бўлмайди-да.

«Ҳаракатда – барокат!» деб бежизга айтишмаган. Бу аёлнинг катта ва мазмунли ҳаётидан чиқарган оддий хулосаси шун-



дай. Уни Андижон вилоятида танимаган, ҳавас қилмаган одам топилмаса керак. Ўз меҳнати билан у шу қадар катта обрў топган.

– Теримчидан раисликкача бўлган ҳамма поғоналарнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган раҳбар-да, ишнинг кўзини ҳам билади, одамлар билан муомалани ҳам, – дейишади у ҳақида бировлар.

– Бақирмади, чақирмади, аста-секин жамоа хўжалигини юзага олиб чиқди, – дейишади бошқалари.

– Аммо-лекин ёлғонга ҳам, ёмонга ҳам, ҳаромга ҳам кун бермайди! – дейишади учинчилар.

Бу таърифлардан сўнг кўз олдингизга юрса ер гурсиллайдиган, овозидан атроф гулдирайдиган шаддод раис аёл келса ажаб эмас.

Мен уни ҳар хил муҳитда кўп кузатдим. Мажлисда ҳам, маъракада ҳам, вилоят раҳбарлари орасида ҳам, ўз жамоа хўжалигининг оддий аъзолари даврасида ҳам, ниҳоят ўз уйида, болалари атрофида ҳам. Рост, қомати дуркун, юз-қўллари офтобда, шамолда, меҳнатда қорайиб, пишиб кетган. Тошкентга, мажлисларга борганида кенг кўйлақларга ўрганмаганми, қўша-қўша орденлари тақилган костюмда салқин-салқин идораларда ўзини бироз ноқулай сезади. Аммо гап пахта ҳақида, дала ҳақида кетса, сувга тушган балиқдек жонланади. Телевизордами, радиодами иши, жамоа одамлари, режалари ҳақида гапирганда қорозга ёзиб келганлари унут бўлиб, одми сўзлар билан соддагина қилиб гапираверади. Табиатан у кўп гапирмайдиган, аксинча, кўпроқ суҳбатга қулоқ соладиган аёл. Яна неча ўйлаб, бир кесадиган аёл. Шунинг учунми бир сўзи икки бўлмайди, мулоҳазалари эътирозга дуч келмайди. Лекин гап ҳозир унинг лавозими, ишидаги обрўси, ютуқлари ҳақида эмас. Мен унинг хонадондаги ўрни ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

У билан бирга уззу кун дала кездим. Зимдан уни кузатаман, аммо асло чарчаганга ўхшамайди, ҳамон тетик.

Қуёш пахтазор ортига ботганида меҳмонхонага боришим ҳақида айтдим. У рухсат бермади. Уйига олиб кетди.

– Жамоа меҳмонхонасида жой оз, уни ҳам шу кунларда механиклар эгаллашган. Катта хонадон, бизникида қолаверинг, – деди.

Эътироз билдирмадим, уни уй шароитида ҳам кузатмоқчи эдим.

Ҳақиқатда катта хонадон экан. Эшиқдан киришимиз билан бир неча бола келиб, унинг тиззаларига ёпишди. Опа ҳаммасини суйди, эркалади, улардан онаси, акаси, дадасини сўради. Чулдираган гапларини эшитди, бу гапларга тушунди ҳам. Шу орада овозини сал кўтариб:

– Гулчеҳрахон, меҳмон бор, қаранглао! – деди.

Ошхонадан бўлса керак нозиккина, қош-кўзлари пиликдек аёл чиқди, сўрашиб, дарҳол сўрига кўрпача ташлади. Ҳойнаҳой, келини бўлса керак.

– Ая, илиқ сув тайёрлаб қўйибман, ювиниб оласизми? Гавҳарой, аянгга сув қўйиб юбор!

Ҳовли этагида ҳам иморат бор экан. У ердан оқ-сарикдан келган ёшгина жувон чиқиб, яқин келиб сўрашди.

– Яхши келдингизми, ая!

– Ҳорманг, ая!

– Чарчамадингизми, ая!

Бу дамда неваралар каби атрофни қиз-келинлар тутди. Келини қайси-ю, қизи қайси ажратолмай қолдим. Меҳмон бу хонадонга янгилик эмаслиги, ҳар дам келган меҳмонга хурсандликлари ошкора кўриниб турарди. Муомалалари оддий, самимий эди. Бу ерда қолишга рози бўлганимдан қисилмадим.

Кейин билсам, бу юрганларнинг иккитаси, ҳали айтган оқ-сарикдан келган аёл – Матлубахон билан, қош-кўзлари пиликдек деганим – Гулчеҳрахонлар опанинг келинлари, қолган учтаси эса қизлари экан. Қизлари Ҳафизахон, Насибахон, Матлубахонлар бугун дам олиш кўни бўлгани учун оналарини кўргани келишибди. Кечга яқин қизлар она дийдорига, янгалар суҳбатига тўйишиб, ижозат сўраб, уй-уйларига қайтишди.

– Қудаларни сўраб қўйинглар, – деб тайинлади она.

Янгалар оз-оздан бўлса-да улар кўлига совға-салом тутишди, болаларига ширинлик беришди, жим бўлиб кетмасликни тайинлашди.

Қизлар кетгач, катта келиннинг қизи Гавҳарой келиб, дўхтир аммаси тикиб келган кўйлакни бувисига кўз-кўз қилди. Келинлар болаларнинг ажабтовур ширин қилиқларидан гапириб беришди. Опа қулоқ соларди-ю кўли нима биландир банд эди. Мана неварасини кўтариб бориб, унинг шира бўлган юзини водопроводда ювиб, тозалаб артди. Дастурхонга яна нималар-



дир олиб келди, музлаткичдан кичик хурмачалардаги қатиқни олди. Газ устида қайнай бошлаган чойни олиб дамлади. Келинларнинг бирини ўғли билан уйидан хабар олгани юборди: «Қудамни кундузи далада кўрмадим, тинчмиканлар?» Иккинчисини бир нима деб севинтирди.

Болаларнинг ухлайдиган вақти бўлди. Келинлар уй-уйларига кириб, уларни тинчитишди. Биттаси, чамаси шўхроғи бувиси билан қолди.

– Кел, болам, сен мен билан ётақол, – деб бағрига олди уни бувиси, кейин менга тушунтирди, – жуда олов бўлган шу кунларда. Умри узун бўлсин, аммо ҳозир илон чангаласа ҳам билмайди. Авраб ухлатмасам, ака-укаларини қўймайди, онаси қолганларини эплаб ухлатсаям... Бири-биридан майда, кўрдингиз-ку...

Осмонда юлдузлар чарақлаб, телевизорда кўрсатувлар тамом бўлгандан сўнггина бу катта хонадонда ҳам сукунат чўкканини пайқадим. Келинлар ҳам ухлашди. Бўйдоқ йигитлар – унинг кенжа ўғиллари Ғафуржон билан Алижонлар ҳам ухлашди. Бу орада опа келини билан ёпилганда бир тандир тўлгулик нонга хамир қорди, ўқувчи ўғилларининг эрталаб киядиган кийимларини бир-бир текширди. Яна нималардир қилди. Шундан сўнггина у ҳам менга хайрли тун тилаб, ниҳоят жойига чўзилди.

Қанча огоҳ ётмай, унинг саҳар қай вақт турганини сезмай қолибман. Узоқлашаётган машина товушидан уйғониб кетдим. Ҳали соат беш ҳам бўлмаган экан. У эса аллақачон далага жўнаб кетибди.

– Хавотир бўлманг, ҳали замон келадилар, – дейди Матлубахон. – Одатлари шундай, тонгда далаларни бир айланиб келадилар, кейин нонушта қиламиз...

Опа келгунларича сигир соғилиб, нон ёпилиб бўлди. Кузатиб турибман, иккала келин билиб-билиб, чаққон ҳаракат қилишяпти. Сен қил, сен қил қабилида иш тутганлари ҳам йўқ. Уларнинг ҳар бир ҳаракатларида ажабтовур келишувчанлик бор эди. Катта ўғиллари Мухторжон билан Соибжон ҳам ишга отланишди, болалар борчага кетишга тайёр, келинлар ҳам отлангани кириб кетишди. Катта дастурхонда нонушта тайёр, аммо ҳеч ким ўтирмади – онани кутишарди.

– Қаерда бўлсалар ҳам, албатта, нонуштага етиб келадилар. Бизни ишга ўзлари кузатадилар. Шундай бўлмаган кун одам

ўзини йўқотиб қўяди негадир. Аям нонуштага келмасалар, негадир дунё хувиллаб қолгандек бўлади, – деди кичик келин Гулчеҳрагон.

Мана яна мотор овози эшитилди. Болалар эшикка югуришди. Шиддатли одимлардан унинг келаётгани билинарди. У қўлини ювиб, дастурхонга биринчи ўтирди, кейин бошқалар. Гангур-гунгур нонушта бор-йўғи ярим соат давом этди. Кейин она дастурхонга дуо ўқиди. Катта ҳовли яна хувиллаб қолди...

Опа кабинетига кириб, қандайдир қоғозларни кўтариб чиқди. Демак, энди жамоа идорасига боради.

Идорада бироз кузатиб ўтирдим. Ҳамманинг унда иши бор. Опа ниҳоятда банд одам. Ҳозирги мана шу қандайдир қоғозларга имзо чекаётган, кимларгадир кўрсатмалар бераётган, кимнидир койиб, кимнидир мақтаётган аёл, мен кеча кечқурун ва ҳали нонуштада кузатган меҳрибон онага, содда, куюнчак аёлга ҳам ўхшарди, ҳам ўхшамасди. Идорада ўтирган бу аёл билимдон, шиддаткор, шу билан бирга жонкуяр эди. Балки оилада зарур бўлган фазилатлар, раҳбарга хос фазилатлари билан чоғишиб кетгани учун ҳам у ҳамма ерда шундай обрўга эгадир. Шу самимий ҳурмат унга сўнгги йилларда эркаксиз уч қиз, тўрт ўғилни вояга етказишда, олий мактабларда ўқитишда ёрдам берди. Фақат ўз болаларигина эмас, оиласига кейин қўшилиб, ўз боласидек бўлиб кетган келинлари ҳам унга ўхшашни орзу қилишади.

– Уйга келгач, раисман, чарчаб келдим, деб оёғимни узатиб ўтириб олсам, она бўлиб, аёл бўлиб уларга – энди ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўра бошлаган келинларим, болаларимга қандай ибрат кўрсатаман? Қайнона бўлганимдан бери кўп разм соладиган бўлганман. Биз каби эл ичида юрган хотин-қизларнинг оиласидаги тиқ этган товуш ҳам атрофга момақалдироқдек бўлиб эшитилади... Қолаверса, майда гапларга вақтнинг ўзи йўқ: мен ишда, улар ишда, кечқурунлари бўлса неваралар билан андармонмиз...

Бу аёлнинг исми Хайрихон Эргашева. У Андижон вилояти Балиқчи туманидаги илғор хўжаликнинг раиси эди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин уни.

\* \* \*

Бундай диққат қилсам, юқоридаги ҳикояларнинг бир нозик томони бор экан. Бирида келин – раҳбар лавозимида,



иккинчисида қайнона – хўжалик раиси. Калта ўйлаган айрим дугоналарим «Раҳбар бўлгач, уйда ҳам устун бўлади-да, ҳам-мани ўзига қаратади, бундай уйда келишмовчилик бўлмай-ди, чунки ҳамма ўша катта лавозимдаги қайнона ёки келинга тобе бўлади», деб айтишлари мумкин. Шундаймикин? Мана яна битта раҳбар келиннинг сўзини эшитинг-чи. Унинг исми Тошхон. Фамилияси Ҳожиқосимова. Ҳа, топдингиз, бу ўша – Бўзда донг таратган, замонамизнинг шиддатли, чақноқ қизи Тошхон – Олтинқўл туманининг биринчи раҳбари.

– Тунми, кунми машина Асакага кириб келиши, мана шу уй эшигига яқинлашиши билан хаёлан ўзимни ўзим барча лавозим, доврўқлардан озод қиламан. Бу дарвозанинг нарёғида мен – келинман, мен – онаман, мен – бекаман, мен – маликаман! Бу сўзларимга ҳайрон бўлаяпсиз-а. Ҳозир тушунтириб бераман. Дарвозанинг нариги ёғида мени бўйи бўйимни босиб кетган уч фарзандим, тиқ этса эшикка қараб ўтирган қайнонам кутиб туришганини бир лаҳза ҳам унутиб бўладими? Мен ана шу азизларим хизматида бўлсам, ўз қўлим билан бир пиёла чой берсам, ярим коса мастава тутсам, дейман. Аёл учун бу хизматдан ортиқ бахт бормикин?! Биласизми, ишчими, хизматчими, деҳқонми, врачми, раҳбарми – аёл – онанинг келишини уйда қандай интиқлик билан кутишади! Аввало ўғил ўстириб, келин қилиб, кексайганимда роҳатини кўраман, деб орзу қилган муштипар ва мушфиқ она кутади. Қуруқ эмас, ҳозир келиб қолар, қўлимдан ишимни олар, гангур-гунгур қилиб ўтирармиз, деб баҳоли-қудрат уйни тебратиб кутиб ўтиради.

Сезасизми, сиз кириб келишингиз билан юзларидаги ажинлар таранг тортади, кўзларидан ажабтовур нур ёғилади. Балки у сизнинг хизматингизга, пишириб қўйган овқатини сузиб келишингизга ҳам зор эмасдир. Лекин тайёр овқатни сузиб келганингизда, гўё уни сиз пиширгандек дуо қилади, сизни мақтайди. Сиз – унинг ёшлиги, сиз – унинг мадорисиз!

Сезасизми, кириб келишингиз билан ўзини қайга уришини билмай турган эрингиз ва болаларингизнинг иши қовуша қолади.

Сиз кириб келишингиз билан саволарига китоблардан жавоб қидираётган қизингиз қулофингизга алланарсаларни шивирлайди. Диққат билан эшитинг! Бу сизнинг ёшлигингиз!



Бу сизнинг келажагингиз! Кулоқ солинг гапига. Сиз унинг учун ҳаммадан ҳам кераксиз. Сиз унинг учун орзу, ширин хаёл, ўзи ўхшагиси келган сиймосиз.

Сезасизми, сиз кириб келишингиз билан бу уйнинг чироғи ёқиди гўё, кишилар ҳаловат топди. Сизнинг борлигингизнинг ўзи буларнинг катта давлати.

Шуларни сезганингиз учун ҳам, ишда чарчаганингизга қарамай, уй юмушлари сизни толиқтирмайди. Қайнонанинг юзидаги ажинларнинг ёзилганини кўриб чарчоғингиз кетади, эрингиз, ўғлингиз, қизингиз сўзларини тинглаб кун ташвишларини тамом унутасиз. Баъзида аёл зотининг жони қирқта бўлади, деб ҳазил қилишади. Чарчамаслигингизнинг сабаби атрофингиздагиларга кераклигингизни ҳис қилиб туришингиз эмасми? Ўзининг кичкина сеҳрли мамлакатида, ўз оила-сида бахт чироғини ёқа олган аёл буни жуда яхши ҳис қилиб туради.

Лекин баъзи аёллар шу бахт чироғини ўз қўли билан ҳам ўчириб қўйиши мумкин. Тасаввур қилинг, эшикдан кириб келган келин:

– Ассалому алайкум, ойижон! Вой, анча уринибсиз-а, мана ҳозир қарашиб юбораман. Эсизгина, болалар ҳам кечикишибди-да. Мен ҳозир кийимимни алмаштириб чиқаман. Энди сиз дам олинг...

Ёки бўлмасам:

– Ҳа, келдим! Бирам чарчадимки! Жуда оғир кун бўлди-да. Мажлис устига мажлис. Яна суюқ овқатми? Қуюқроқ ул-бул қила қолмабсиз-да! – десин.

Бу гапларнинг қайси бири ёқади қайнонага? Қайси бири ўринли? Албатта, биринчиси, дейишади кўпчилик. Шундай дейишга деймиз-у, нега баъзан ўзимиз унутамиз? Шуни, оддийгина муомалани ўрнида қилиб, бизга кун билан интизор бўлганларни эркалаб, ўзимиз ҳам эркаланиб юрмаймизми ахир.

Яхши келин уйининг эрка маликаси бўлади, деганим ана шундан!

Агар остона ҳатлаб уйга кирганимда юмшоққина, ипаго-йим қайнонам (исмлари ўзлари билан – чин Лазокатлар), фа-риштадеккина, ёшлари тўқсонга яқинлашган қайнотам – Ра-жабали бува бўлишмаса, назаримда ҳаммаёқ ҳувиллагандек кўринади. Улар бўлса, бағрим бутун, илигим тўқ, нуқул эрка-





ланавергим, шулардан ширин гап эшитавергим келади. Яйраб, яйраб юраман. Уларнинг ақли, аммо содда гаплари, ҳаёт ҳақидаги фикрлари доим ишимда асқотади. Ҳеч қайси китобда йўқ гаплар улардан чиқади. Фарзандларимиз Қудратбек, Матлубахон, Бахтиёржонларга ҳам доим уларни ҳурмат қилишни тайинлаймиз.

Яширмайман, айрим раҳбар аёллар хонадонларида келин ёки қайнона бўлишларидан қатъи назар уйда ҳам лавозимларидан тушишмайди. Бундай оилада самимият борлигига ишонмайман. Тўғри, балки атрофдагилар унинг ҳурматини ўрнига келтиришар, ёнбошига болиш беришар, кўлига сув қуйишар, тайёр овқатни тутишар, лекин ўша аёл — қалам билан тасвишлаб бўлмайдиган аёллик, оналик бахтини сезарми-кан?!

Самимият бор хонадонда қайнона ҳам, келин ҳам турмушнинг икир-чикирларидан, ниҳоятда оз муддатда ўтиб кетадиган қийинчиликлардан юқори туришади!

— Оила тутиш, ўзи келин бўлиб тушган хонадоннинг ҳамма аъзолари томонидан бирдек суюкли киши бўлиб кетиш қийин, албатта, — деб ҳикоясини давом эттиради Тошхон Ҳожиқосимова. — Бироқ ана шу дақиқада унга катталарнинг кўмаги айниқса зарур. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Туманимизнинг обрўлиқкина ходимларидан бирининг оиласига аралашига мажбур бўлиб қолдик. Эри масъул ходим. Баъзи-баъзида эмас, кўпинча эрта кетиб, кеч қайтишга мажбур. Бор жанжал шундан чиққан экан. Устига-устак хотин ўринсиз рашк қила бошлаган. Қарасак, икковининг ҳам обрўси эл олдида кетадиган. Лекин дабдурустан «уйингизда шунақа бўлаётганини сезаяпмиз», деб аралашсак бўлмайди. Ахир ариза ҳам йўқ-да. Ўйлаб-ўйлаб бошқача иш тутдик. Келиннинг онаси жуда оқила аёллигини билардик. Ёшларга сездирмай у билан суҳбатлашдик. Секингина бўлаётган воқеага, орага совуқчилик тушиб қолиши мумкинлигига шаъма қилиб ўтдик. Биз кутганимиздек, оқила кампир оила устидаги ҳамма булутларни баргараф қила олди.

— Қадимда «Ер қўриган подшоҳ аҳмоқ, эр қўриган хотин аҳмоқ» деган мақол бўларди, — дебди у қизига. Куёвим эл ичида юрган эр киши бўлса, унга биринчи бўлиб сен ишонмасанг, эл қандай қилиб ишонади?! Эрим фақат меники, оиланики бўлсин деб, қайтага обрўсини кетказиб қўясан-ку. Қайтага

ишдан ҳориб, эл ташвишларидан мияси говлаб келганида уйда шундай қутгинки, чарчоғи ёзилсин, қайда бўлса ҳам сени, невараларимни, шу уйни соғиниб келадиган бўлсин...

Бу суҳбат одамни анча ўйлантириб қўяди-а?

Рисоланинг қаҳрамонлари фақат ибратли келинлару оқила қайноналар бўлади, деб мақсад қилиб қўйган бўлсам ҳам айрим оилаларда ана шу самимият арзимаган нарсалар туфайли йўқолишига оз қолганига икки-уч мисол келтирмоқчиман.

\* \* \*

Санам хола келин туширгунларича кўни-кўшни, қариндош-уруғларининг ҳаммасига келин бўладиган қизнинг таърифини қилиб юрдилар:


– Ҳа, айланайлар, ўғилгинамга мос қаллиқни кўп қидирдим-у, кўнглимдагини ниҳоят топдим ҳам! Ҳа, топдим! Ўғлимга доим «Болам, пешонанг отангникидек кенггина. Хотиндан ёлчийсан, худо хоҳласа!» дердим. Мана, айтганим келди! Илмининг ўзи бир дунё мол-а! Худо кўрсатса, кимсан аспиرون келиннинг қайнонаси бўлиб, олдимга солиб олиб юраман...

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Бироқ кўп ўтмай, Санам холанинг ҳасратларидан чанг чиқиб қолди:

– «Ҳой Санам, танлаб-танлаб тозисига учрама яна!» дейишарди-я. Мана, айтганлари келди! Қайнонанинг гапига кирмайдиган келинлар ҳам бўларкан-а! Уй-рўзғорда қиз монанд ҳам шунчалик типпа-тик бўладими-а?

Норозилик аввал бошданоқ юришдан чиқди. Кўрса кўргудеккина келин туширган қайнона, Назирани қариндош-уруғига кўз-кўз қилишни истарди. Қани энди аспиرون келинини олдига солиб, тўрт тарафга меҳмондорчиликка юрса, бу дунёнинг зийнати деб қайноналикнинг гаштини сурса! Бироқ, бир гал қайнотанинг, бир гал қайнонанинг кекса ота-онасиникига келинсаломга бориб, назокат билан уларнинг ҳурматини бажо келтирган Назира бошқа қариндош-уруғларникига боришдан бош тортди.

Келин ўзига етгунча бир сўзлик экан, Санам хола қанча қилмасинлар, у бошқа ерга меҳмондорчиликка юрмади. Шундан кейин Санам хола тўнларини тескари кийиб олдилар. Ахир улар ака-ука, опа-сингилларининг узатилган қизларини, туширган келинларини чорлаб, ўтқазиб қўйган эдилар-да. Ўз



билгиларича келинни қайириб олмоқчи бўлдилар. Турса ўпоқ, ўтирса сўпоқ дея бошладилар.

– Ҳой Назираой, нега ҳовлини эшикдан тўрга қараб супурасиз? Уйимга фалокат киритмоқчимисиз, нима бало?!

– Ие, умрингизда ҳовли супирганмисиз ўзи? Ҳеч замонда ҳовлини тўрдан эшикка қараб ҳам супирадиларми? Давлатимизнинг баракасини учирасиз-ку, келинпошша!..

Бундай гапларни умрида биринчи бор эшитаётган Назира аввалига нима қилишини билмади, кейин ҳовлини айлана шаклида супириб, тўрт жойга ахлат тўплаб, олиб ташлайдиган бўлди. Бироқ бу билан ҳам иш тугамади.

– Вой товба, ўн саккиз йил ўқибсиз-у битта мошкичири пиширишни ҳам ўрганмабсиз-да? Пичоқ билан қирқиб ейдими буни, айланай келин?!

– Ҳой келинпошша, овқатингиз яна шўр! Юз марта айтгандирман тузни бирданига солманг, бир чимдим, бир чимдимдан солинг деб...

Бу гапларнинг кети кўринмайдигандек эди. Бир куни уларникига Моҳира буви – Санам холанинг қайнонаси меҳмонга келдилар. Агар ана шу оқила, бағри кенг она олтин қафаси тикандек туйилиб қолган қушчани авайлаб жойига қўндирмасалар, ўз паноҳларига олмасалар, билмадим, иш нима билан тугар эди. Кампиришо бир-икки кундаёқ разм солиб, аҳволни тушундилар: «Айрим аёлларга ҳайронсан. Қайнона бўлиб улгурмай, ўзларининг келинлик даврларини, диллари нақ шамчирокдек липиллаб турган вақтларини унутадилар-қўядилар. Санам келиним ҳам унутибди». Моҳира буви шундай хулоса чиқардилар.

Бир куни кечқурун янги келинлик даврини бошдан кечириб Мирзо Бедил ғазаллари мағзини чақишдан ҳам қийин кечиши, қайноналарнинг ҳам бир хил эмаслиги ҳақида гап кетди.

– Ҳозирги келинларга Бедил ҳам мушкул бўлмай қолди. Барчаси давлат ишиниям, уйиниям, бола-чақаниям эплайпти, – гапга аралашдилар Моҳира буви. – Айрим қайноналар бунинг қадрига етмайди. «Ўқияпти-ю, уй тутишни билмаяпти, типпа-тик», – деб койишади. Ҳамма ўз суйган ошини ичганидек, ҳамма билганича, ўзига ёққанича уй тутлади. Уқуви йўқ келинлар илгари бўлмабдими? Илгари қайноналар хўпам сабрқаноатли бўлган эканда-а? Ахир келин бечора унинг қўлига

13-14 ёшида келиб, на уйни эпларди, на эрни. У келинларнинг ўзи тарбия талаб бўларди. Мен ҳам шунақа жуда ёш келин бўлганман. Маҳалламиздаги беш-ўнта қиз ва мен отин ойининг қўлида ўқирдик. Унинг унча-мунча юмушларини ҳам қилардик. Бир куни томга чиқариб, лой тептирдилар. Шўхроқ эканманми ё қизларни атай кулдириш учунми, қўйлагимни липпамга қистириб, зикр тушаётгандек «Ҳай жон обло, ҳай жон обло!» деб лой тепаётсам, акам кўриб қолибдилар. Шу «ашулам» менинг бошимга етган. Эрга бериб юбордилар. Бола эдим-да қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Қайнонам раҳматли бир куни мошхўрда пишириб туришни буюрдилар-у, ўзлари зарур юмуш билан қаергадир кетдилар. Билмадим, олдин мошни солдимми ёки гуручними, хуллас мошхўрда пишди деб, тузини кўрарманми – арки намоқоб! Вой, мен ўлай, дедим-у кўча ариққа олиб чиқиб, ҳеч кимга кўрсатмай, бир чўмич ариқ сувини қозонга соламан. Қани ўрнига келса! Шунинг устига қайнонам келиб қолдилар. Уялганимдан девор бўлдим деяверинг. Раҳматли, индамадилар. Битта кичик пиёлада мош ювиб келишни буюрдилар. Кейин биргаликда овқатни пишириб, ичдик. Мендан ўтмай турган эди, келинлик даврларидаги бир-икки қизиқ воқеаларни айтиб, бояги кўнгил хираликни чиқариб юбордилар. Бир куни тайёрлаган холвайтарим ҳам думалоқ-думалоқ, ҳам қаттиқ бўлиб қолди. Шунда ҳам койимадилар.

– Майли, болам, зарари йўқ. Унни яхши қовурмабсиз холос. Мана ҳозир бир дамда пиширамиз. Сиз шарбат тайёрланг, мен ёғига қарай, дедилар-у, холвайтар пиширишни ҳам ўргатиб қўйдилар. Э, нимасини айтасиз, қўйган самоварим қайнама-са, ёнига мук тушиб йиғлаб ўтирардим. Ҳозирги келинлар ундай эмас. Энг қийин овқатнинг отини айтсангиз ҳам, ботирлик билан ишга киришаверишади. Билмаганларини ўргатадиган сирли китоблари бормиш. Унда уч юз хилдан ортиқ қуюқ-суюқ таомни пишириш йўли кўрсатилган эмиш. Энди ўша вақтларни ўйласам ўзимга-ўзим, агар қайнонам ҳозирги айрим қайноналарга ўхшаб, қўни-қўшнига чиқиб ёмонлаб юрсалар борми, ёмон отлиққа чиқардим-қолардим, дейман. Йўқ, у киши ёмонимни яшириб, яхшимни ошириб, «келингинам қўллик-оёқликкина» дерканлар. Раҳматли доим «Келиннинг қандай ном чиқариши қайнонага боғлиқ. Ўзининг келин-



лик даврини унутмай, келинга чин она бўлиб, муомала қилса, йўл-йўриққа солса, олам гулистон!» дердилар.

Ҳикояни тинглаб, кулиб ўтирганлар Моҳира бувининг сўнгги сўзларидан кейин Санам холанинг ғалати бўлиб қолганларини сезишмади. Ҳикоядаги мошхўрда билан ҳолвайтар воқеаси Санам холанинг келинлигида юз берган эди. Шунинг учун Санам холанинг юраклари така-пука бўлди: «Ойим ўша келин мен эмас, мана шу Санам эди!» деб, янги келин олдида мени изза қилмасалар бўлгани».

– Ҳа, яхши одамни унутмас экансан. Қайнонам тўнғичимни уйлантирганамдан кейин қазо қилдилар. Шунгача бир қозондан овқат ичдик, оғизларидан бир марта бўлса ҳам «келин» деган гапни эшитмадим. Доим «болам» деб чақирардилар, раҳматли.

Моҳира буви «бояги келин Санам эди, энди бўлса ўз келинини қийнаб ўтирибди», демаган бўлсалар ҳам, Санам холанинг ўзлари Назирага кўп озор берганларидан уялдилар. Бундай ўйласалар, ҳеч қандай асоссиз, инжиқликдан экан шу ишлар. Янаям оғир экан Назира, кўтарибди. Бор-э, деб кетиб қолса нима қилардим? Шу хаёллар билан Санам хола туни билан қийналиб чиқди.

Эрта билан Назира қўлига одатдагидек супирги олди-ю, айвонда ўтирган қайнонасига кўзи тушиб, яна таъна эшитишдан безилабми, секингина сўради:

– Ҳовлини қаёқдан бошлаб супирай, ойижон?

– Вой, болам, қизиқ савол берасиз-а. Қаёқ ўзингизга қулай бўлса, ўша ёқдан супираверинг. Иш вақтингиз бўлган бўлса, отлана қолинг, кечга қолманг, мен чойингизни дамлай, – деб ҳозиргина Назира айвонга келтириб, қопқоқлаб қўйган, патиллаб қайнаб турган самоварга яқинлашди.

Қайнонасидан анчадан бери бундай ширин гап эшитмаган Назира бирпас унга тикилиб турди, кейин бирдан кўнгли ёришиб кетди, бориб Санам холани кучиб, юзидан ўпди:

– Ойижонимдан ўргилай!

Уйдан туриб буларни кўрган Моҳира буви ҳам мамнун жилмайиб қўйди.

Оқила, зийрак кампир арзимаган нарса учун келиб чиқадиган можаронинг олдини олган эди.



\* \* \*

Умри холанинг яқиндагина туширган кичик келини Зарифанинг аммаси тўйга айтиб кетди. Янги қуда эмасми, бир дастурхонга сомса, бир дастурхонга баррадек нон тугилди-ю, Умри хола деганлар келинини олдига солиб, савлат тукиб, таксида тўйга етиб борди.

Хола уйига қайтгани замоно оғзидан бол томиб, у ерда кўрсатилган иззату ҳурмат ҳақида эрига гапира кетди:

– Вой-бўй, дадаси, бу дунёга кел, қуда қил, айшини сур экан! Ҳай-ҳай-ҳай! Эшикка чиққанда қарасам, ковушимнинг чангигача артиб қўйишибди-я! Энди денг, куюқ тортилсаям, суюқ тортилсаям первой менга келади, кейин бошқаларга. У ёнбошимга қарасам ҳам «Олинг, айланай қуда!»ни эшитаман, бу ёнбошимга қарасам ҳам «Олинг, ўргилай қуда!» дейишади. Зарифахонга биринчи марта совчи бўлиб боргандаёқ айтмабмидим сизга: «Ҳой, дадаси, бу Абборингиз бало, қизи тушмагур тагли-зотли экан!» деб. Мана, айтганим келди. Сепида биронта кам-қўсти йўқ. Қариндошларини айтмайсизми, бирам одамшаванда, бирам ширин сўз! Лекин дадаси, жуда уялиб қолдим-да бугун. Қани энди ер ёрилса-ю, менгина ўлмагур кириб кета қолсам!

– Ҳа, яна нима бўлди? – деб сўради хотинининг ҳар гал тўймаъракадан келганида шундай кўпириб ўтиришига кўникиб қолган Болтавой ака лоқайдгина.

– Ўзингиз ҳам бундай йўл-йўриқ кўрсата қолмадингиз одамга. Бўлмаса айтдим-а «дадаси, янги қудалик жой, нима қилишим лозимикин?» деб. Айтдимми ё йўқми-а?

– Сўраган бўлсанг нима қилибди? Айтдим-ку билганингни қил, деб. Кошки бировнинг маслаҳатига кирсанг...

– Ҳа, айтмадимми?! Дарров билганингни қил, дейсиз. Таяинлироқ бир маслаҳатни пулга сотиб оламан сиздан. Менгина тушмагур тугунимга атиги бир кийим штапел қўйиб борибман. Улар-чи? Улар зап боплашди-да мени. Ипаклик қўйлак, шойи рўмол, одмигина велюрдан лозим... Келинпошшага ҳам бош-оёқ сарпо. Ўғлингизга бош-оёқ! Сизга – чопон! Мана-мана кўринг!

– Ҳо! Берган худога ҳам ёқибди, деганлари шу эканда. Сарполар муборак бўлсин! Қани-қани кўрайлик. – Болтавой ака хотинини ранжитмаслик учун тугунга яқинроқ сурилиб ўтирди.



Умри хола олдин бир тугунни очди, кейин «наригисига тугибман шекилли» деб иккинчисини очди. Бироқ сарполар унда ҳам йўқ эди. Умри хола «Ё, тавба!» деб тугунлар ёнига ўтириб қолди. Кейин эсига бир нарса тушгандек:

– Ҳа, энди билдим – ош баҳона бўлган. Ошни солган-у, сарполарни олиб қолган қудам. Кўпчилик олдида мана кўринг, деб сарпо кўйиб, обрў олди. Кейин олиб кўйган. Ҳа, худди шундай қилган!

– Кўй, хотин, қаёқдаги гапни гапирасан-а. – Болтавой ака юпатмоқчи бўлди уни, – йўлда тушириб қолдиргандирсан?

– Вой, умримда бир тийин йўқотган хотинмидим мен-а, айтинг! Энди келиб-келиб тугилган сарполарни тушириб қолдираманми? Йўқ, дадаси, уларни атай олиб қолишган дедимми сизга, атай қилишган!

– Кўй, энди, келининг эшитиб қолса, хафа бўлади, – уни бошишга уринарди Болтавой ака.

– Бо худо! Эшитса-эшитмаса, кўрқадиган жойим борми? Бошида айтгандим сизга, ўзи хоҳлаб тегадиган қиз қандай бўларкин, деб. Шунга йўл кўйган ота-онанинг зоти қандайкин, демабмидим... Бўлмаса, битта жойда ишладим деб, бошлашиб кетаверадими? Аброргинамни қўлга ўзи илинтирган, ҳа, илинтирган! Бўлмаса, болагинамга уйда ўтирган қизлардан озмунча кўрсатдимми? Йигитгина ўлмагур кўнмади-я. Зоти паст девдим ўшанда. Зоти паст бўлмаса, икки машинада қақир-қуқур – нуқул ишқоп, девону, стол-пустоларни юборармиди? Шу ҳам молми? Ҳа, палаги қани, дорпечи, кирпечи, қозиклунгиси қани?!

– Келининг замонавий, хотин! Нима қилади латта-путтани? Керагидан ортиғи билан қилди-ку, қудам бечора!

– Вой замонавий бўлмай кетсинлар! Ҳа, замонавий бўлса, эрта билан чойда қайнота-қайнонага эгилиб салом қилишни ҳам билмади-ку. Яна замонавийми? Ҳаммаси кўр-кўрона! Бечора Аброргинам бир илинди, илинди-да! Пешонаси шўр экан болагинамнинг!

– Секин! Эшитади ахир! – фиғони чиқди Болтавой аканинг.

– Рост-да! Таглик-зотликкинага ҳам учрамади болам бечора. Зотликкина бўлса, олиб чиқиб, шартта битта машинани тўхтатиб, пулини тўлаб солиб юбормайдими бугун?! – Яна сарполарни олиб қолгани ортиқча!



Умри хола Зарифанинг жияни кузатиб чиққани, такси топа олмай, минг хижолат билан шаҳар транспортига ўтказиб юборгани ҳақида индамади.

Очиқ деразадан ҳамма гапни эшитиб турган Зарифа индамай кўзидан ёш тўкар, нима дейишини ҳам билмасди.

Шу вақт эшик очилиб, Зарифанинг онаси тугунча кўтариб кириб келди.

– Вой, қудажон, қилган ишингиз бор бўлсин! Сарполарни шундай ёнбошингизга қўйганингизча ташлаб келаверибсиз. Ҳозир уй йиғаётиб кўриб қолдик. Йўлда тушириб қўйдикми деб безовта бўлманглар, деб чопқиллаб ола кела қолдим. Бахтимга такси учраб қолди. Аслида мендан ўтибди, ўзим тугиб, кузатишим керак эди. Хизматдан бўшай олмадим... Айбга буюрмайсизлар, қуда...

Она деразадан қараб турган қизининг кўзларида ёш кўриб, гапидан тўхтаб қолди... Умри хола ҳам индай олмади.

– Қани ичкарига киринглар, қудапошша. Ҳозир қудангиз меҳмондорчилик таърифини қилаётган эди... – деди Болтавой ака хотини учун хижолат бўлиб.

\* \* \*

Ушбу икки воқеага ҳукм чиқариш муҳтарам китобхонга ҳавола қилинади. Тўқликка шўхлик қабалида иш тутаётган айрим опа-сингилларимиз ўтган аср биринчи ярми қайнона-келинлари ҳақидаги қиссадан ўзлари ҳисса чиқаришсин.

\* \* \*

Биринчи воқеа...

Ўриқ гуллари бодраб қолган эрта баҳор эди. Айвон олдидаги ариқ лабида тўрт-беш кетмон жойдаги бинафшалар қийғос очилиб, қуёшнинг илиқ нурига юзларини тутишган. Бу бинафшаларни Рисолат ая экканини Яккатеракда ҳамма билади. Ҳар баҳор бу ҳовлига кирган одамга у «Омонлик-омонлик, кўрмайлик ҳеч ёмонлик!» деб тўрттагина бўлса ҳам қўлига бинафша тутарди. Бугун келини Санобархон бу бинафшалардан олиб, йиғлай-йиғлай тирикдек ётган қайнонасининг ёстиқлари устига сочди.

Бутун қишлоқни жанозага хабарлаб чиқишди. Аммо уруш бўлгани учун қишлоқда одам жуда кам эди. Ҳамма адирла,





эрта уйғониб, бўрсилаб қолган тупроққа чигит экишяпти. Ҳар дақиқа ғанимат.

Кечки пайт раис бува икки эркак билан кириб келди. Иккови ҳам яқинда фронтдан келган — бирининг чап қўли йўқ, бирининг ўнг оёғи.

Рисолат аяни тобутга солиб, устига малла-ю паранжи ва мирсак ёпилганда, хотин-халажнинг йиғиси авжга чиқди — тобут кўтаришга эркак етишмас эди. Раис бува билан чап қўли йўқ киши тобутнинг бош томонини кўтаришди. Рисолат аянинг ўн тўрт ёшли навдадек бўйдоргина набираси билан ўнг оёғи йўқ собиқ жангчи тобутнинг оёқ томонидан кўтаришди. Бироқ, ҳали оғир ёғоч оёққа ўрганмаган жангчи, оғир юк остида қийналар, шинелининг бағри ёғоч оёқларига ўралишиб қолар, тобут кўтарган бошқа уч кишининг одимига мос қадам ташлолмасди.

Шунда Санобар шахд билан уйга кирди. Камзулини ечиб, фронтга кетган эрининг қозикдаги тўнини олиб кийди. Белбоғ билан белини маҳкам боғлади. Сочини чамбарак қилиб, устидан телпак билан бостирди. Югуриб чиқиб, беш -ўн қадам илгарилаган тобуткашларга етиб олди-да, оёқсиз жангчи қўлидан тобут дастасини олди.

Ўша куни Яккатерак тарихида биринчи марта аёл киши тобут кўтарди, биринчи марта хотин-халаж қабристонгача тобутни кузатиб бориб, жаноза ўқишди. Ўша куни Санобархон Рисолат аянинг энг яқини — ўғли қилиши керак бўлган вазифани бажарди — Рисолат аяни ўз қўли билан авайлаб тупроққа қўйди. Рисолат ая учун қиёматлик фарзанд бурчини бажарди.

\* \* \*

Иккинчи воқеа...

Рихсихон унинг қирқ беш йиллик келини. Қирқ беш йилдан бери тилидан «ойижон» тушмади, эшитгани «болам» бўлди. Лекин бугун у ўзини ҳеч тута олмас, ўксиб-ўксиб йиғларди. Билса, онадан ҳам аъло экан қайнонаси.

— Нега мендан яширдингиз, онажон, билсам дардингиз енгиллашмасмиди, балки яна яшармидингиз?!

Сабабики, она бўлмиш келинининг қалбини жароҳатламай деб, бир умр юрагида энг оғир сирни сақлаб келибди. Оналар учун энг оғир бўлган дардни...



Ўғлидан қора хат келган машъум кунда она уйда ёлғиз эди. Йўқ, кичик набираси беланчақда ётарди. Лекин унинг ақли ҳеч нарсага етмайди. Бувисининг томоғига бир нарса келиб тиқилганини ҳам, унсизгина остонага шилқ этиб тушганини ҳам билмади. Уни неварасининг ғингшигани ўзига келтирди. Амаллаб турди. Беланчақни итарди, бола кўна қолмади. Қорни очлиги ёдига тушди. Токчадаги қути тагидан иккитагина пряник олди, чойга ивитиб яна болага яқинлашди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Шу дам шамол оёғи остига ўша машъум қора хатни учуриб келди...

– Сен ўлгунча онанг ўлса бўлмасмиди, вой, боле-е-ем! – унинг овози ғайриоддий увиллаб чиқди. Нафаси бўғзини куйдирарди, кўз ёшлари чўғ бўлиб юзларини ачитарди.

Болага овқатини берарди-ю, нималар деб айтиб йиғлаётганини ўзи ҳам билмасди. Гўдак яна уни ўзига келтирди. Дунёнинг ишларидан хабарсиз бу бола унинг елкалари аро сирғалиб тушган пешонабоғини қўлларида ўйнаб, юзига интилар, назарида унинг кўз ёшларини артмоқчи бўларди. Ёки унга шундай туйилдими-а?! Булоқдай қайнаб чиқаётган кўз ёшлари таққа тўхтади. Болани беланчақдан даст кўтариб олиб кечгача қўлидан қўймади.

Кечқурун Рихсихон ишдан кела туриб, болаларини боғчадан олди. Уйга киргач, қайнонасининг синиққан юзига қаради-ю:

– Набирангиз роса қийнабди-а, ойижон. Энди сиз бироз дам олинг! – деди. Интилган боласини қўлига олиб, остонага ўтирган кези унга кўксини тутди. Онани соғинган бола энди чиқа бошлаган тишлари билан унинг кўксини тишлар, онасининг юзига шапиллатиб, қиқир-қиқир куларди. Унинг бу кулгусида бахтиёрлик ҳам, ана шу бахтиёр болада бўладиган ширин қувлик ҳам бор эди.

– Бугун тушимда уйимизда тўй бўлаётганмиш, – деди Рихсихон қайнонасига, – ҳовлимиз бирам чиройли бўлиб кетибди-ки. Ўғлингиз янги беқасамларини, йўл-йўл беқасамлари борку, ўшани кийиб, қувнаб юрганмишлар. Иккаламиз чиройли нонлар ёпибмиз. Даста-даста нонлар... Бирам кўп... Ўғлингиз келсалар, тўй қилиб берардик. Майли, боримни сотиб бўлса ҳам яхши тўй қилиб берамиз-а, ойижон!

Онанинг нимчаси чўнтагида турган бир парча қоғоз назарида бағрини куйдираётгандек эди. Айтолмади... Айтишга қудрати етмади...



– Худоё айтганингиз келсин, болам, – деди у ўртаниб. Унинг овозидаги бу титрашни Рихсихон ўзи каби соғинч туйғусига йўйди. Соғинмасинми-я шундай ўғилни!

Орадан йиллар ўтди. Она қора хатни эски сандиқдаги бисотининг тагига солиб қўйди. Кечаги кунгача келинининг «ана келадилар, мана келадилар», деган илинжини буза олмади. Бошқа ўғлини кига ҳам кетмади. Невараларига бош бўлиб, шу уйда келини билан қолди. Неваралардан авара кўрди, шукр, чевара ҳам кўрди.

Кеча оқшом Рихсихонни ёнига яқинроқ ўтиришини илтимос қилди.

– Болам, айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим... Бугун андек бошқачароқ бўлиб турибман. Худога беадад шукр, сизлардан кўнглим тинч. Бағрингиз бутун, невара ҳам кўрдингиз. Бир ўғлим орқасида мана бир ҳовли одам бўлди. Эрсиз катта қилдингиз, илоҳо роҳатини кўринг! Боламдан афзал мени бошингизга қўйдингиз. Мингдан-минг розиман... Болаларингиздан, худодан қайтсин, болам! – унинг кўзларида ёш кўринмасди, овози ҳам титрамасди.

Рихсихон кампирнинг қуруқлашиб қолган қўлларини сизлар экан, унга далда беришга ҳаракат қиларди.

– Яшаш бўлса, менчалик бўлар... Дунёнинг қаттиқчилигини ҳам, яхши кунини ҳам кўрдим. Ёшим ҳам одамлар ҳавас қилса арзийдиган ёш. Биттагина илтимосим бор сиздан... – Она у ёғини гапира олмади. Томоғига бир нарса келиб тикилгандек безовталанди.

Она тўшак тагидан бир парча сарғайган қоғоз олиб Рихсихонга узатди:

– Болам, сизнинг хабарингиз йўқ. Бедарак кетди, деб юрибсиз. Сизни ўйлаб, аза очмадим... Менга... қазоим етиб... жон болам, Қудратжоннинг ўша беқасам тўнини менинг кийимларим ёнига илинг. Менга йиғламанглар, уят бўлади – етти мучалдан ортиқ яшадим... Майли, унга аза очинг...

Тунда кампиргина тилдан қолди. Эртасига пешинда чиқаришди. Аммо Рихсихон ҳамон ўзига кела олмайди. Ҳа, қайнонаси онадан ҳам азиз экан, уларни кўз қорачиғидек асрабди!

\* \* \*

Дарҳақиқат, рисола аввалида келтирилган мактубда айтилганидек, «келинларнинг кўзига қараб ичидагини ўқийдиган,

тўғри йўлга солувчи, таскин берувчи, жондек азиз, мунис, оқила қайноналар жуда кўп...» Улар туфайли келинлар ўзлигини топадилар, жамиятда, оилада ниҳоятда қадрли шахс бўлиб етиладилар. Шулар ҳақида ўйлаганимда, ҳамкасбим кўрсатган шикоят хатлари эмас, меҳр ва эъзозга тўла мактублар эсимга келади:

*«Бутун санаторий бўйича биздан эрта уйғонадизгани бўлмаса керак. Бугун ҳам Санобархон мендан илгари уйғонибдилар. «Ҳа, ўртоқ, мунча барвақт туриб олдингиз?» деб сўрамоқчи бўлдим-у столда нимадир ёзиб ўтирганларини кўриб, индамадим. Аста туриб, шарпасиз ташқарига чиқдим. Юз-қўлимни ювиб келганимда, Санобархон мактубни тугатган, шундоққина деразамиз тагидан оқаётган шарқироқ Угамга, ундан нари ўркак-ўркак тоғларга, қуёшнинг заррин нурларига тикилиб, аллақандай хаёлу ҳаяжон оғушида дераза ёнида турардилар.*

*– Ассалому алайкум! – дедим.*

*– Ваалайкум ассалом! – нурили табассум билан алиқ олдилар. – Яхши ухлагингизми? Мен негадир тузук ухлолмадим. Агар имкон бўлса, қанот боғлаб учиб кетардим уйимга. Сал соғинчимни босай деб, келинимга хат ёздим. Эрталабки сайрда почта қутисига ташлаб ўтамиз-а? Ҳарна барвақт боргани.*

*– Туш кўрдингизми дейман-а? – ҳазиллашдим мен.*

*– Йўқ, туш кўрганим йўқ. Лекин келганимдан бери катта келиним кўз олдимдан кетмаяпти. Кетаётганимда руҳи сал бесарамжонроқ эди шекилли. Сездирмасликка уринди-ю... Ҳай, майли, мана ёзган хатимни ўқинг-чи. Сал далда бўлармикин дейманда.*

*Санобархон мен томон суриб қўйган мактубни олиб ўқий бошладим.*

*... «Азизам Захроҳон! Ассалому алайкум!*

*Соғ-саломат юрибсизларми? Уй, болалар, Рустамжон тинчми? Ҳамма соғ-омонми? Кайфиятингиз қандай, қизим? Руҳиятингиз оламида тинчликми? Ажабо, кўришмаганимизга ҳали икки ҳафта бўлгани йўқ-ку, назаримда бир йил ўтгандек. Мен билан хайрлашиш учун келгандаги ҳолатингиз ҳеч кўз ўнгимдан кетмаяпти. Назаримда, фаромуш эдингиз. Сабабини кўп ўйладим. Рустамжондон, болалардан-ку*



кўнглим тинч. Сиз ҳам улардан розидирсиз. Қолаверса, уйдан нотинч аёл жилла бўлмаса қайнонасига зарда қилмаса ҳам, ўғлидан жичча писанда қилиб қўярди. Сизда буни сезмадим. Биламан, иродангиз мустаҳкам аёлсиз. Бу соҳада онангиз тенги бўлсам ҳам, сизга ҳавасим келади. Ўша кунни Сиздан нима бўлди, деб сўрай олмадим. Назаримда, бу замон тўлқинлари Сиз раҳбар бўлган корхонада ҳам билинганга шекилли. Ҳарқалай мени кузатишга келганингиздаги ўша кунги ҳолатингизни унутма олмаман. Ҳеч кўз олдимдан кетмаяпсиз. Баъзида хаёлан қайнона-келин узоқ-узоқ гаплашиб, тортишиб, баҳслашиб қоляпмиз. Қанимкон бўлса-ю, Сиз билан бир ҳоли қолиб, бир тўйиб «ҳасратлашсак!» Лекин қалбингиздаги «ҳасрат» ҳали пишиб етилмади ҳам шекилли-да. Томчи тўлганида узилганидек, ҳасрати етилганида киши ўзи ҳасратлашгани одам ахтариб қолиши табиий. Одатда, руҳингиздаги нотекислик, қўнимсизлик, хаёлотингиздаги мувозанатсизлик бор ҳасратингизни, сизни қийнаётган нарсаларни бошқа билан ўртоқлашсангиз, аста йўқолади. Кекса муаллиманинг гапига ишонинг, баъзи-баъзида одамга «текин темир қулоқ» жуда керак бўлади. Қанийди-я, у ҳамма гапингизни эшитса-ю, жаранг этиб қулфланиб, эшитган гаплари ҳеч чиқмас бўлиб ичида қолиб кетса! Назаримда, ана шундай темир қулоқ вазифасини ўтайдиган одам ўша кезлари сизга жуда керак эди. Шундай пайтда мени кузатишингиз кераклиги ҳам сизга жичча таъвиш бўлди шекилли. Ёлғиз қолишга муштоқдек кўриндингиз кўзимга. Айнан ана шундан: ўз дардингиз, таъвишингиз, изтиробингиз билан ёлғиз қолишдан асрасин!

Ҳаммаси ўтиб кетдими?


Ўзингизни ўша кунни, назаримда, жуда кўтаринки руҳда кўрсатишга ҳаракат қилдингиз. Ичингиздагини мендан бошқа ҳеч ким сезмади ҳам шекилли. Ҳатто ўғлим ҳам сезмаганга ўхшади. Аммо сиздаги бу кўтаринкилик «Менга бало урмади, урмайди ҳам!» қабилида ўзини бепарво кўрсатишга уринишга ўхшаб кетди. Ойим сезмасалар бўлди, ўзлари қачондан бери орзулаган сиҳатгоҳга кетаверсинлар, ўз дардтаъвишимни ўзим енгиб оламан, деган йўриқни тутишга қарор қилдингиз чоғи. Ана шулар ҳақида келганимдан бери ўйлайман.

Сиз каби бир катта корхонанинг раҳбари бўлмасам ҳам, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотганман, қизим. Менда ҳам сиздаги каби ҳолатлар кўп бўлган. Биласизми, фақат меҳнат билан ютиб чиқардим. Сизга ўхшаганлар ҳам бутун аламини ишдан олади. Меҳнат сизга ҳам, менга ҳам ибодатдай гап: юракни бўшатамиз, руҳимиз тиниқлашади, кўзимиз ойдинлашади.

Бу ерга келиб бекорчиликда босиб ўтган ҳаёт йўлиму давр, одамлар ҳақида кўп ўйлайман. Камолга етиб авжи иш берадиган пайтингиз галати, биров тушуниб, биров тушунмайдиган «ўтиш даврига» тўғри келди. Назарингизда ит эгасини, мушук бекасини танимаётгандек кўриняптими? Ҳамма билганича ўз ёғига ўзи қовирилаётгандек... Қаллоблар, зўрлар, зари борлар жамиятнинг устки ва анча қалин қатламини эгаллагандек бўляптими? Бу Тошкентдагина эмас, байрамона кайфият ҳукм суриши керак бўлгудек мана шу ерда ҳам сезиляпти. Ҳамма бир хил нарх тўлаб, путёвка олган, ҳамма баравар бўлиши керак бўлган мана шу ерда ҳам, айрим кимсалар атрофидаги яловкаларни кўрганда, беҳосдан намоқоб ютгандек ўхчийман.

Сизлар тўғри тарбиялангансизлар. Балки бугунги барча изтиробларингиз ҳам шундай тарбия оқибатидир. Жилла бўлмаса, бўйи эшикка етиб қолган болаларингиз учун ҳам жамиятнинг ўзаги барибир ҳалол ва пок одамлар эканини кўрсатиб беришингиз керак. Болаларингиз сизни шунинг учун ҳам ҳурмат қилишади. Ҳаммасининг ҳам умрини, бахтини, ҳалол омадини тилаб қоламан. Сизнинг бахтингиз, ҳаётдаги ўрнингиз ҳам ана шу болаларингиз! Ишда-ку ҳар хил вазият бўлади. Бундай муҳит ўтиб кетади. Боқий қоладигани – болаларингиз, эрингиз, бахтингиз! Буни ҳеч қандай вазиятда унутманг. Қаддингизни тик ушлаб турадиганлар ҳам шулар, қизим!

Сизни жуда соғиндим. Ҳаммангизни ҳам. Лекин тўнғич келин онага бошқача яқин бўлиб қоларкан. Мен ҳам сизда шундай ҳис уйғотган бўлсам, армоним қолмасди. Соғинчимни арзимас совға билан босай десам, «эркин нарх» бу ерларда ҳам роса гашитини суряпти. Сизгинани «олтин балиқ» кўйлагида тасаввур қилиб, тижорат дўконига кирсам, бир кийимлигини фалон пул дейди. Ҳафсалам пир бўлди. Ҳа майли, бундай ҳоллар ҳам йўлига тушиб кетар. Ишқилиб, одамлар



молига қўшиб одамийлигини ҳам пуллаб юбормасалар бўлгани.

Соғ бўлинглар! Невараларимни ўпиб қўйинг. Сизни бағримга босиб, дуо қилиб қолувчи Ойингиз.

Хатни кўз кўтармай ўқиб чиқдим. Ўша кунгина эмас, кейин ҳам алла вақтларгача кўнглимда ёқилган чироқ ўчмай юрди. Худди субҳидамда ёзилган мактубни Санобархон катта келинига эмас, менга битгандек. Бошқаларнинг ҳам руҳини мувозанатга тортар, деган умидда мактубни сизга юбордим. Салом билан Шукрия.

\* \* \*

«Азиз опа-сингиллар. Мактуб ёзганим билан номимни очиқ айтмаганим учун кечиринглар. Агар мен ҳозир ўзим ва қайнонамнинг номини очиқ ёзгудек бўлсам, кўп йиллардан бери яшириб келган сиримиз ошкор бўлади. Буни ҳозирча ўғлимиз билмаслигини истардик. Катта бўлса, бафуржа, балки қайнонамнинг ўзлари унга айтиб берарлар.

Ўрта мактабни битиргач, уйимиз олдидаги заргарлик фабрикасида ишлардим. Цехимиздагиларнинг ҳаммаси хотин-қизлар, оппоқ халатларда ишлаймиз. Ишимиз озода. Дунё кўзимга шу қўлимдаги буюмлардек ялтиллаб ва гўзал кўринарди. Оғзимдан куй тушмасди. Меҳнат мен учун катта шодлик эди.

Ўн саккиз ёшимда шу хонадонга тўнғич келин бўлиб тушдим. Қайнона ойимлар бир қарашда жуда тунд, ичимдагини топ, дейдиганларга ўхшаб кўринардилар. Унинг устига баланд бўйли, суяклари йўгон, басавлат аёл эдилар. Маҳаллада шунинг учунми у кишидан ҳайиқиброқ туришарди. Мен ҳам аввалига қисиниб-қимтиниб юрдим. Кейинчалик эса уларнинг бирам оқила, бирам меҳрибон эканликларини билдим. Серфарзанд бўлганлари учун бирон ерда ишламаган эканлар. Балки шунинг учундир эрталаб ишга кетаётганимизда, кечқурун ишдан қайтганимизда ҳаммамизга алоҳида эътибор қилардилар. Назаримда, ишлаганларга ҳаваслари келарди.

Тез орада жуда иноқ бўлиб кетдик. Она-бола, опа-сингилдек эдик. Қандай иш бўлмасин, бирга қилардик, кийимни ҳам бир хил кийишга ҳаракат қилардик. Мендан бахтли одам йўқ эди. Онам томондагилар ҳам жуда севинишарди.

Лекин... Баъзида бахтим узоққа чўзилмайдигандек кўри-наверарди. Сабаби... Орадан уч-тўрт йил ўтган бўлишига қарамай, ҳали фарзанд кўрмагандик. Сезиб турардим, қайнонам мендан ортиқ эзилардилар. Невара кўришни орзу қилардилар. Аммо улар ҳам ичларидагини ўғиллари каби менга сездиришни истамасдилар. Ойдан ой, йилдан йил ўтгани сайин мен ич-ичимдан эзилар, кўпинча ҳеч кимга сездирмай йиғлаб ҳам олардим. Ана шундай вақтларда хомушлигимни сезсалар, қайнона ойим койиб берардилар:

– Нега ўзингизни қийнайсиз? Ахир бунда сизнинг айбингиз йўқ-ку. Бу ҳам худонинг бир синови. Худонинг синовига бевардошлик қилиб бўлмайди, Унинг қаҳри келади. Ҳали ажаб эмас, орқа-олдингиз болага тўлиб кетса! Агар сизларни шу йўлдан қисган бўлса, бу – бахтсизлик деган гап эмас-ку! Шукр, яхши эрингиз бор, ишда ўзингизга яраша обрўйингиз бор, майли кичкинагина жамоага бўлса ҳам сардорсиз... Дусту биродарларингиз, мана шукр, уй тўла қайинбўйингиз бор. Бу ҳам одамнинг жуда катта давлати, болам. Ўй ўйлаб ўзингизни касал қилиб қўйманг...

Қайнонамнинг бундай гаплари таскин берарди. Бироқ бола оилани ушлаб турадиган занжир, деб бекорга айтишмаган экан. Қайнонам, эрим билан иноқ эдик, лекин ана шу муҳим занжирнинг етишмаётгани тобора сезилиб борарди. Чунки оилада мен энди ёлғиз келин эмасдим.

Бизнинг тўйимиздан икки йил кейин қайнимни уйлантирдик. Бир йил ўтмай, овсинимнинг ойиси ўғил неварасига бешик ясаб келди. Тўйда елиб-югуриб хизмат қилаяпман-у назаримда, ҳамма менга қараётганга ўхшайди. Ичимдан ўтаётганини ўзим биламан. Одамларнинг «Сизга ҳам фарзанд ато этсин!» деган дуоиси ҳам, фалон поликлиникада яхши доктор бор экан, фалончи ўн йилдан кейин тугибди, деган гаплари ҳам юрагимга тикондек қадаларди.

Асабларим тобора таранглашиб, илгариги қувноқ, шўхшодон келинга ўхшамасдим. Рангим ҳам синиқиб, озиб борардим. Овсинимнинг тобора суйгунчак бўлаётган ўғлини ўйнатаётганимда, унинг ширин қилиқларига маҳлиё бўлиб, ўзимни унутиб, яйраб кулардим. Лекин ойим билан овсинимга ёки эримга кўзим тушиши билан таққа тўхтардим. Улар менинг чеҳрам очилганидан хурсанд бўлишса, мен ачинишяпти, деб ўйлардим.





Қайнона ойимларнинг маслаҳатлари билан икки-уч йилдан бери Педиатрия илмий-текшириш институтида даволанардим. Юртга танилган, қўша-қўша китоблар ёзган врачлар даволашарди. Бироқ... Эрим ҳам, қайнонам ҳам гарчи менга таскин беришга ҳаракат қилишса-да, бир кунмас бир кун сабрлари тугашини юрагим зириллаганича кутардим. Шундай бўлди ҳам.

Олти йил деганда, биринчи марта эрим уйга қаттиқ маст бўлиб келдилар. Бундай аҳволни ҳеч кўрмаганман, кўникмаганман, нима қиларимни билмай қолдим. Ойим келиб ёрдамлашдилар, амаллаб, деярли кўтариб айвонга олиб чиқдик.

– Қаерда бўлақолдийкин бу кўр бўлмагур? – дедилар ойим.

– Одамлар ўғил тўйи кўряпти... – дедилар эрим, солиб берган жойимизга ётар эканлар.

Бундан уч-тўрт кун бурун бир ўртоқлари ўғил тўйига айтиб кетгани эсимга тушди. Демак, ўша ерда тенгдошлари, дўстлари орасида бошларини кўтаролмай ўтирганлар, кейин аламларидан ичганлар... Ўзимча шундай хулоса чиқардим.

Тонг отгунича мижжа қоқмадим. Эрим ҳам безовта бўлиб чиқдилар. Ичиб келиб жанжал, тўполон қилсалар, тугмайсан деб таъна қилсалар ҳам шунчалик бўлмасдим. Даҳлизга кўрпача ташладим-у, ёстиқни икки буклаб ёта қолдим. Уйқу қаёқда?! Эрталабгача йиглаб чиқдим. Эрим ҳам тонгга яқинроқ гивирлашдан тўхтадилар. Хабар олай-чи, деб кирсам, бошлари ёстиқдан тушиб кетибди. Ёстиқни суриб қўймоқчи эдим, қарасам у ҳўл! Демак, улар ҳам мендек эрталабгача йиглаб чиқибдилар! Кўксимга биров ханжар санчгандек бўлди!

Овсинимнинг яна ой-куни яқин эди. Эрта-индин кўзи ёрийдиган... Чидолмайман энди! Чидолмайман! Ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетишим керак! Секин чиқиб кетмоқчи бўлдим. Қаерга бораримни, нима қиларимни билмайман. Аммо қатъий қарорга келган эдим. Қаердан куч пайдо бўлди, билмайман, томогимда алланарса тиқилганича секин туриб кийиндим. Чироқни ёқмай, тонг гира-ширасида олти йил яшаган уйимни кўздан кечирдим-у аста зинадан тушдим. Дарвозанинг калитини бураётганимда биров келиб қўлимдан ушлади. Ойим! Бошяланг, оёқяланг қайнонам қаршимда турардилар. Ўзимни туюлмадим, у кишининг бағриларига отилиб, ўкраб йиглаб юбордим.



– Ойижон, рози бўлинглар! Ўзгингизнинг умрлари ўтмасин. Сиз ҳам улардан набира кўринг, орзу-ҳавас қилинг...

Аламдан ўртаниб, кўп гапларни айтдим шекилли, лекин ҳаммасининг мазмуни шунга келиб тақаларди. Индамадилар. Йиглаб бўлгунимча бошимни силаб «Онанг ўргилсин!!! Онанг ўргилсин! Эй, парвардигор, шуларни тирноққа зор қилмасанг нимайди?!» деб чуқур хўрсинардилар. Оғизларидан ўт пуркарди.

Ўша кунни қайнонам мени қўйиб юбормадилар. Елкамдан тутиб, ўз хоналарига олиб кирдилар. Иш вақтигача мени овутиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Олти болани беваликда катта қилганларини, бировларнинг кирини уйга олиб келиб ювганларини, уруш даври қийинчиликларини гапирдилар. Ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, ўн беши ёруғ, болам, дедилар.

Эрим ишга кетаётганларида уччаламиз бирга нонушта қилдик. Эрим бошларини кўтариб на менга, на оналарига тик қарай олмас эдилар. Мен ҳам худди шу алпозда эдим. Эримнинг аҳволларига ичим ачишар, лекин кетиб қолганимда баттар бўлишларига ҳам ақлим етиб, ўртанардим. Чойни ойим қўйдилар. Назаримда, биз чойни эмас, чой бизни ичди...

Кеч ишдан қайтсам, овсинимни тўлгоқ тутиб, туғруқхонага олиб боришибди. Ўз дардимни унутиб, унга мумкин бўлган егулик олиб, олдига кетдим. Тунда кўзи ёриди. Фоти-ма-Хусан кўрди! Келиб қайнонамни табрикласам, мени бағриларига босиб йигладилар. Кўз ёшларини биринчи марта кўришим.

– Келди-кетди кўп бўлади, болам, рухсат беришса, таътилингизни ола қолинг. Опа-укачилик шунда билинади, овсинингиз қувватга киргунича уйда бўлганингиз маъқул.

Шундай қилдим ҳам.

Кўнгли ўксимасин дебми, овсиним туғруқхонадан чиқадиган кундан бир кун аввал ойим уйимдаги анжомларни йиғишимни, шу уйга жой қилишимни айтдилар. Ҳайрон бўлдим-у, айтганларидек қилдим. Уларнинг ўйлаганлари бошқа экан...

Овсиним чақалоқлар билан келганларида менинг уйим пойгагига пояндоз ёзилди! Чақалоқлар биринчи менинг уйимга кирди! Ҳам қувониб, ҳам хўрлигим келиб, елиб-югуриб меҳ-



монларга хизмат қилдим. Меҳмонлар кетишиб, кечки пайт ёлғиз қуда хола — овсинимнинг ойилари қолдилар. Шунда мен билан эрим учун қутилмаган қувончли хабарни айтишди. Ҳусан — бизники эмиш! Биз тарбия қилар эканмиз уни!

Мен қулоқларимга ишонмасдим. Ойим анча узоқ — Худонинг ишларига шак келтириш учун эмас, қалбимизда меҳр уйғотиб, ўз фарзандларимиз йўли очилишини тилаб-тилаб, шундай қарорга келганларини... Оллоҳнинг инояти билан жўралаб ўғиллар кўришимиз ҳеч гапмаслигини... овсиним билан иноқлигимиз, оилага киришимлигимиз, очиқ кўнгиллигимиз мукофотини, албатта, олажагимиз ҳақида гапирдилар. Қуда холамлар ҳам йиглаб туриб дуо қилдилар: «Қудамларнинг келинларга муомалаларини кўриб, йўқ дейишим инсофдан бўлмас... Худонинг ўзи йўл кўрсатгани илоҳо рост бўлсин... қизимга икки фарзанд ато этгани балки сизнинг бахтингиз, ризқингиздир... Кўражак фарзандларингизга йўлбошчи бўлсин! Менинг эса бир қизим икки бўлди, Оллоҳга шукр! Энди овсингина эмас, чин опсингилсизлар!»

Овсиним билан қучоқлашдик, йиглашдик... Ака-ука ҳам шундай...

Демак, бу ишларни ойим азалдан ўйлаганлар. Овсинимни, қайнимни ҳам шунга кўндирганлар.

Ойим чақалоқларнинг исмини одатдагидек Фотима ва Ҳусан эмас, Лобар ва Сардор деб аташни таклиф қилдилар: «Бўлажак ука ва сингилларига чин сардор бўлиб юрсин!» Икковлари бир ҳовлида катта бўлишади, ҳозирча билдирмаймиз-у, агар лозим бўлса, катта бўлишганда айтармиз, аммо икковингиз ҳам иккала болани тенг кўриб, меҳрингизни аяманглар, деб тайинладилар.

Тунни билан чақалоқ тепасида ухламай чиқдик. Тушимми бу ё ўнгимми?

Ўша ҳафтанинг ўзидаёқ ойим қўярда-қўймай болани бизга расмийлаштирдилар. Фақат қорни очганда овсиним эмизиб берадилар, қолган вақтда чақалоқ мен билан ойимларда. Бир йил декрет отпускасини олдим, Сардор юриб кетгач, яна ишга тушиб кетдим.

Айтсам ишонмассиз, туриб-туриб ўз бахтимга ўзим ҳам ишонмайман, ростми деб қўяман. Меҳр-меҳр уйғотади, деганлари рост эканми ёки врачларнинг қилган муолажалари



ниҳоят таъсир қилдим, ўғлимни эркалаб, қилиқларига се-  
виниб юрганымда севинчим устига севинч қўшилди. Мен ҳам  
ҳақиқий она бўлишимни сеза бошладим. Ўзимга ишонмай,  
врачга бордим, гумонимни тасдиқлади – мен ҳомиладор экан-  
ман. Эримдан ҳам аввал ойимларга келиб айтдим. Севин-  
ганларидан «Ўзингга шукр, Оллоҳим! Кўрсатганингга шукр!»  
– дедилар.

Мана шунақа гаплар. Бутун бахтимнинг сабабчиси мана  
шу қайнонам – йўқ, чин онам, овсиним бўладилар. Ҳозир икки  
ўғлим, икки қизим бор. Катта ўғлимиз, меҳр пайвандчимиз  
ҳозир ўн уч ёшда. Агар ўша машъум тунда ойим олиб қолма-  
ганларида, овсин-синглимнинг олижаноблиги бўлмаганда,  
кемтик кўнглимни ва бағримни тўлдирмаганларида, эзгулик  
йўлида мендан ортиқ курашмаганларида шу болаларим ҳам,  
шу бахтим ҳам бўлмасди.

Гарчи номимизни яширган бўлсам ҳам, қўни-қўшнилар,  
қариндошлар, ёру биродарлар билишади, айтганларимнинг  
ҳаммаси рост. Шунинг учун ҳам бу содда, лекин улуг аёлга  
бир умр таъзим қилишга тайёрман! Бахтимга умрлари зиё-  
да бўлсин, набира тўйларини ўзлари бош бўлиб ўтказиб,  
авараларини бағриларига босишни насиб этсин!»

\* \* \*

Қайнона – она, аёл бўлгани учун ҳам биринчи бўлиб кели-  
нининг тарафини олади, унинг ҳимоясида туради. Фақат она-  
ларгагина хос бўлган фидойилик билан, ғамхўрлик билан  
ёшларни не балолардан, хатолардан асрайди.

– Турмуш қурганимизнинг дастлабки йилларида бизнинг  
ажралиб кетишимизга озгина қолди. Бу айрилиқнинг оқибат-  
ти нақадар фожиали эканини ғурур чўққисидан туриб эрим  
ҳам, мен ҳам кўра олмасдик, негаки бу фожиа қоронғу жар-  
ликда эди. Балки озгинагина бардошли бўлганимизда шу да-  
ражага бориб етмасмидик. Ҳар қалай одам бошига ана шун-  
дай кун тушмагунича оддий ҳақиқатни – вақтида тишни-тиш-  
га қаттиқ босганда пайдо бўладиган оғриқ ғам-ташвиш азо-  
бидан минг чандон енгил эканлигини тушуниб етмас экан. Биз  
ҳам буни билмадик. Эркакка хос сабот эримда топилмади,  
аёлларга хос нозик ҳис, кечирувчанлик, бардош, сабр, қаноат  
менда етишмади шекилли-да...

Хайриятки, бу нозик ҳис, бу сабот қайнонамда бор экан.



Оиламизда нимадир бўлганини, иккимизнинг орамизда тубсиз қоронғу жарлик пайдо бўлганини улар ҳаммамиздан олдин сездилар, оналик кўксиларини фожиага қалқон қилиб қўйдилар. Жаҳолатнинг бир оғиз оғир сўзи туфайли ажралиб кетаётган бизни бошқа бир сўз — меҳр сўзи билан бирлаштириб қўйдилар.

Боламиз ёшига етай деб, атак-чечак қила бошлаганида нимадир бўлиб эрим билан айтишиб қолдик. Нимадан чиққанини ўзимиз ҳам кейин эслай олмадик. Аммо қизиққонлик билан кўп гап айтиб юборибмиз. Охирги гап бир-биримизга муносиб эмаслигимизга келиб тақалди.

— Агар болам бўлмаганида... — дедим мен ўзимни босолмай, — нима қилишни ўзим билардим!

— Шу бола деб яшаб юрибман-да! — дедилар улар ҳам.

Менга ана шу гап жуда алам қилди. Гўё мен ҳечман, гўё мен бир кишини бахтиёр қилишга қодир эмасман... Аёл зоти учун бунинг нақадар ҳақоратли эканини тушунасиз-ку! Шу сўз учун эримни кечира олмасдим. «Кетаман, дердим ўзимга ўзим, кетаман! Кимлигимни кўрсатиб қўяман! Ахир ўқитувчиман-ку! Ишим ҳам тайин, хор бўлмайман. Боланинг тирногини ҳам кўрсатмайман. Боши очиқ, ана хоҳлаганини топиб олаверсин! Кўрарман уни бахтли қилган ўша нозанини»...

Ўша дамда мендан ботири йўқ эди. Биз аёллар шундай дамларда жуда осмону фалақда бўламиз. Кўз олдимизда касбимиз, ойлигимиз, обрўйимиз туради. Ўзимизни ўзимиз хаёлан олиб чиқиб қўйган чўққидан тушишимиз амримаҳол! Армонлар, пушаймонлар, изтироблар эса узоқда, биз уларни кўргимиз ҳам, эшитгимиз ҳам келмайди. Нима бўлса-бўлар...

Оиламиздаги дарз кетиш хавфини биринчи қайнонам пайқадилар. Пайтини топиб, ўғиллари билан гаплашдилар. Сўзларининг таъсирини сезиб турсам ҳам, ўғиллари биринчи бўлиб кечирим сўрамадилар.

Икки кун ишимда на ҳаловат, на унум бўлди. Пешиндан кейин айниқса, юрагим сиқила бошлади. Ишлолмадим. Бошим оғриётганини баҳона қилиб, охирги икки соат дарсни ҳам ташлаб, уйга келдим. Ўғлим бешиқда ухлаб ётарди. Қайнонам бешикнинг ёнгинасида кўзойнақларини тақиб, яқинда ювган кўрпачамни қавиб ўтирардилар. Алланарсани хиргойи қилардилар, киприклари шу қўшиқлариданми, хаёллариданми, алланечук намли эди... Салом бериб, кийимимни алмаштирга-

ни хонамизга кириб кетдим. Чиққаннимда хонтахта устида дастурхон ёзиглик, чой дамланган, қайнонам мени кутиб ўтирган эканлар.

– Яхши келиб қолдингиз, бир ўзим ҳеч нарса егим келмай, зора тойчоғим туриб қолса, деб ўтиргандим (қайнонам ўғлимни доим эркалаб «тойчоғим» деб атардилар). Келақолинг, чой иссиққина экан. Овқатга кейин уннармиз...

Ўтирдим. Лекин гап-гапга қовушмас эди. Худди ўғиллари билан эмас, у киши билан аразлашгандек. Шу алпозда бир-икки пиёла чой ичар-ичмас:

– Неварангиз тургунча бироз ишим бор эди, – деб туриб кетаётсам ойим:

– Менга қаранг, бугун ангишвона билан кўрпа қавийдиган игнани қидираётиб, қутидан тойчоғимнинг биринчи хатларини топиб олдим. Йўқолмасин, ўзингиз асраб қўйинг, катта бўлганида, тўйида ўзига беринг. Келин билан неварам ҳам сизларга, отаси-онасига ўхшаш мана шундай меҳрли, садоқатли бўлишсин...

Нима гаплигига тушунмай серрайиб қолдим. Ойим қўлимга кўрпача тагидан олган бир даста қорозларни тутқаздилар. Биттасини очишим биланоқ тушундим! Бу – ўғлимиз туғилганида мен билан эримнинг бир-биримизга ёзган хатларимиз эди. Улар туғуруқхонада ёзилгани учун ҳам ойим «тойчоғимнинг биринчи хатлари» деган эканлар. Ҳалати бўлиб ўз хонамизга кириб кетдим.

Ишлаш қаёқда? Хатларни ўқидим! Энтикиб-энтикиб, ўзимни уришиб-уришиб ўқидим. Наҳотки шу хатларни мен, мен ўзим, ўз қўлим билан ёзган бўлсам?! Уларнинг ёзилганига ҳали бир йил ҳам бўлмади-ку. Наҳотки ўша дамдаги ҳаяжон, ўғилчамнинг адасига лойиқ сўз ахтариб қийналганларим, бир умр ўғлимга яхши она, у кишига эса садоқатли, вафодор хотин бўлишга берган ваъдаларим унут бўлса?! Бу келишмаган ғурур қаердан келди? Наҳотки ўша кўпол гапларни мен, бир синф боланинг хархашасига бардошли педагог айтган бўлсам? Жанжал нимадан чиқди ўзи? Шу уйни, эримни, шу оқила, зукко қайнонамни ташлаб кетиш хаёлигача бордимми-а мен аҳмоққина! Нега-нега, дарз кетишга йўл қўйдим? Эркак кишига қараганда аёл кишининг феъли кенгроқ бўлиши керак, деб ўзим неча марта дугоналаримга насиҳат қилардим-ку. Энди эримнинг юзига қандай қарайман? Нима деб кечирим сўрай-



ман! Наҳотки кечаги гапларни айтган ҳам, мана бу хатларни ёзган ҳам менман?! Қачон айниб улгурдим? Наҳотки майда икир-чикирлар мана бу юксак, пок, илк бора кўксимдан си-зиб чиққан она сутидек оқ туйғуларим, эримга бўлган меҳримни сўндираёзган бўлса?!

Мана шу хатларни вақтида қўлимга бериб, кўзимни очиб қўйганлари учун қайнонамдан жуда миннатдор эдим. Ҳа, у киши бир оғиз сўз айтмадилар, лекин мени қоронғу жарлик оғзидан қайтардилар. Менга ишонибдиларки, бир оғиз таънаю дашном демай, ўзи тушуниб олар қабилида иш тутибдилар. Раҳмат, ойижон!

Мен кечгача, эрим ишдан келишларигача ҳам сабрим етмаслигини билардим. Тезроқ у кишидан кечирим сўраш керак эди. Бир соат олдин бўлса ҳам хуфтон дилини ёритишим керак! Секин телефонни олдим. Ҳаяжон билан керакли рақамларни тердим.

– Алло, бу – мен...

Мени тинглаётган киши, албатта, ҳам ҳайратда, ҳам кўрқувда эди. Яна нима деркин, яна қандай ҳақоратларни айтаркин... деган фикр хаёлига келган бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун у киши жим эди. Оғир нафас олиб кутарди. Қайнонам эшитиб қолмасинлар деб, мен секин гапирардим:

– Бу – мен... Бугун ушланиб қолмайсизми? Биз сизни кут-япмиз...

У кишининг нафас олиши ўзгарди.

– Ҳа, албатта! Албатта, вақтли бораман. Тушундим, ҳаммасини тушундим! – дедилар.

Вассалом. Жарлик йўқолди! Олам чароғон бўлди! Раҳмат сизга, ойижон! Илк меҳр ҳароратини ниҳоятда авайлаш кераклигини, бунда айниқса, аёл киши масъуллигини эсимга солиб қўйганингиз учун ҳам раҳмат!

Бу ҳикояни айтиб берган аёл Тошкентдаги мактаблардан бирида ўқитувчи. Ҳозир тўрт фарзанднинг онаси. Аммо оиладаги меҳр-оқибат худди ўша биринчи йилдагидек. Диққат қилсангиз, сиз ҳам ён-берингизда бундайларни кўплаб учратасиз.

\* \* \*

Саодатхон ҳам Марғилон шаҳридаги мактабларнинг бирида ишлайди. Гаплашсангиз гаплашгингиз келадиган аёл. Унинг фикрича, ўз вақтида намоён қилинган яхши ибрат шикаста кўнгилга энг яхши доридан ҳам таъсирчанроқ бўлармиш.

– Илгарилари маҳалла фаолларининг кўп вақти қайнона-келин гиди-гидисини бостиришга кетарди, – деб эслайди Саодатхон. – Шикоят тушган хонадонга бориб, бир қайнонанинг, бир келиннинг гапларини диққат билан эшитардик. Икки томон ҳам ўзиникини маъқуларди. Шу баланд ақлимизни бир ўйлашга, фикр қилишга, шукр қилишга сарфлайликчи деб, бошқачароқ иш тутишга ҳаракат қилдик. «Қайнона ҳам – она, келин ҳам – фарзанд» мавзуида кечалар ўтказадиган бўлдик. Бора-бора шундай кечаларга ибратли хонадонларнинг соҳибаларини таклиф қиладиган, уларга сўз бериб, фикр алмашадиган, келинларнинг гапларини эшитадиган бўлдик. Шу кичкинагина ва гўзал ҳунармандлар шаҳарчаси бўлган Марғилонимизда ибрат қилиб кўрсатса арзигулик қайноналар ҳам, келинлар ҳам кўплигидан ўзимиз ҳам хурсанд бўлдик. Беш келинлик Тўтихон аяни минбарга таклиф қилиб, сўзларини эшитганимизда, бир мен эмас, кўпчилик ёзувчи Саид Аҳмад Фармон биби образини шу аёлдан намуна қилиб олган бўлса керак, деб ўйладик. Тўладан келган, оғир, бамаъни, етмиш ёшлардаги бу аёл хонадонидagi беш келин она-бола, опа-сингидек бўлиб кетишган. Яна ҳаммаси ишлик. Нолишганини ҳеч ким эшитмаган. Ҳаммалиги бир қозонга қарайди. Невара, чеваралар сероб, аммо ҳеч қачон тиқ этган товуш чиққан эмас. «Ҳар бир хонадоннинг ўз аъмоли бор, – дейдилар Тўтихон ая. – Бир қизни келин қилиб туширдингми, уни шу хонадоннинг измига солиб олиш учун қайнона ширин сўз, самимий, яхши ният билан иш кўрадиган, сабр-тоқатли бўлиши керак, токи келин унда онани, меҳрибон кишисини кўрсин».

Шу маҳаллалик Ойдинхон ая ҳам ўртоқларининг сўзларини маъқулайдилар: «Вақти келса бир эр, бир хотин бўлган ерда ҳам ўтади. Бироқ ҳамма нарсани ўзаро биргаликда, иттифоқчиликда ҳал қилингани, гапни кўчага олиб чиқилмагани маъқул». Ойдинхон ая ҳам асли ўқитувчи, пенсияга чиққанлар. Олти келинни айнан ўзлари айтгандек тарбияладилар, шунга яраша ҳурмат олдилар. Иттифоқликда, бир-бирига яхшилик





тилашда, бир-бирига ён босишда, бири-бирини кечира билиш-ликда гап кўп, дейдилар Ойдинхон ая.

– Азаддан оиланинг осойишталиги аёл кўлида деб келинади, – дейдилар суҳбатни давом эттириб Саодатхон. – Агар бир оилада икки аёл бўлса-ю иккови иттифоқликда иш кўрса, бу хонадонда қуёш чарақлайди, рўзғорига барака киради. Оила аъзоларида босиқлик, қилган ишларида унум бўлади. Бордию арзимаган нарса билан (кўпинча қайнона бу оилада мен устунроқман, менинг мавқеим баландроқ деб, келин эса мен устунроқман, чунки олий маълумотим бор, мол-мулкимни ҳам ота-онам бекаму кўст қилишган, каби нотўғри ўйлаш оқибатида) бу икки аёл ўртасидаги самимият йўқолса, бояги айтганларимнинг акси бўлади, устига устак учинчи киши (куёв)га, қолаверса, тўртинчи киши (қайнота)га, болаларга жабр қилинади. Куёв бу икки аёлнинг бирига ўғил – жигарбанди, иккинчисига эр – суянган тоғи. Бири не умидлар билан ўғил ўстирди, бешик устида не-не орзуларни қилди... Иккинчиси не ҳаяжонли умидлар билан бир ёстиққа бош қўйди, не-не гўзал режаларни чизди... Қанча қийин бўлмасин, қандай синовларга рўпара келмасин, инсон ана шу тоза орзулари, покиза ниятлари юксаклигида турмоғи керак...

\* \* \*

Покиза ниятлар юксаклигида турмоғи керак! Мен бу гапни аввал ҳам эшитган эдим. Қаерда? Қаерда эди-я? Ҳа, эсладим. Уч-тўрт йил аввал журналга чет элдан меҳмон бўлиб келган бир ҳамкасбимиз ўзбек оиласи билан танишиш истагини билдирган эди. Уни «Илғор» маҳалласидаги бир хонадонга бошлаб борган эдим. Хорижлик бу таниқли журналист аёл кўҳна миллий анъаналар билан замонавий анъаналар акс этган оилани, хуллас, кўп болали, кўп келинли, лекин бир қозондан овқат ичадиган, «оталар ва болалар» муаммоси ижобий ҳал қилинган ўзбек оиласи билан танишишни ихтиёр этган эди.

Биз хонадонга кечки пайт кириб бордик. Бизни хонадон соҳиби, собиқ ишчи – эндиликда қарилик пенсиясидаги киши ва шу хонадон соҳибаси, оддий уй бекаси кутиб олишди. Уй бекаси набираси билан овора экан. Меҳмон кутишмаган, аммо кутилмаган меҳмонларга ўрганиб қолишган, бу дастлабки дақиқалардаёқ билинди. Алоҳида меҳмонхонага таклиф қилишди. Столга ширинликлар, узум қўйилди. Яқингинадаги гузар-

дан иссиқ нон келтирилди. Уй соҳиби биз билан суҳбатлашиб ўтирди. Беш ўғил, беш келини бор экан. Улар ҳозир иш-ишида. Ҳадемай улар хизматдан, балоғат ёшига етиб қолган қизи мактабдан келиб қолишаркан. Ўғилларнинг ҳаммаси олий маълумотли, бири фан доктори, бири фан кандидати, қолганларининг ҳар бири ҳам «ўз ишининг профессорлари» эмиш. Келинларми? Келинлар ҳам ўқимишли, аксарияти тарбиячи ва шифокор, ҳамшира... Неваралар ўн бешга яқинмиш. Каттаси олий маълумотли бўлишига оз қолибди. Уй эгаси келинлари, болалари ҳақида суҳбатлашаркан, уй бекаси ҳам ёнимизга келиб ўтирди:

– Келинлар ишдан келишди, менинг «сменам» тугади, – деди у ҳазиллашиб менинг олдимда турган чойнакни ўз ёнига олар экан, мезбонлик вазифасини ўтаб, чой қуйиб турганим учун раҳмат дейишни унутмади.

Ҳозиргина жимжит бўлиб турган хонадоннинг тобора тўлиб бораётгани сезилиб турарди.

– Эҳтимол саволим ғалатироқ туюлар, лекин сўрашга мажбурман, – деди чет элик ҳамкасбим кексаларга, хонадон соҳибларига қараб. – Унга тўлиқ жавоб бермасангиз ҳам майли. Чунки сезиб турибман, буни икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди. Лекин мана сизлар, икки оддийгина одам (ҳатто ўғилларингиздаги олий маълумот сизларда йўқ) мана шундай улуғликка, инсон орзу қиладиган оилавий фароғатга қандай қилиб эришдингиз?

Уй бекаси «Дадаси, сиз гапиринг!» дегандек имо қилди.

– Ҳаёт, турмуш деганлари ҳам бамисоли эртақдек гап. Одамзод ўз умрида «Ур, тўқмоқ!» қа ҳам, «Очил, дастурхон!» га ҳам рўбарў келаркан. Бу ҳаётнинг синовлари. Лекин инсон ҳар қанақа кунда яхшиликни орзу қилсин, яхшиликка интилсин. Покиза ниятлар одамни ҳар қандай оғир кундан ҳам омон олиб чиқади. Биз бунга ўз ҳаётимизда неча бор ишонч ҳосил қилдик...

...Уруш бошланганида ёш эдик. Икки ўғлимиз энди оёққа кирган эди. Эл қатори фронтга кетаман, деб тайёрландим. Олиб қолишди. Шаҳримизга уруш бошланиши биланоқ жуда кўп завод ва фабрикалар эвакуация қилинди. Саноқли кун-ойларда ишга туширилди, очиқ ҳаводаёқ фронтга зарур маҳсулотлар берила бошланди. Фронт орқаси ҳисобланса ҳам бу ернинг шароитини фронтдан осон деб бўлмасди. Бунинг ус-



тига, қора совуқ. Ҳаммаси бир бўлиб одамни ютгудек. Электр кучи етишмай, трамвайлар тўхтаб қолади. Шаҳарнинг нариги чеккасидаги тўқимачилик комбинатига саҳар туриб, пиёда кетаман, ярим тун қилиб қайтиб келаман.

Бир куни тунда қайтсам, опангиз кичик ўғлимизни бағрига босганича юм-юм йиғлаяпти. Бола ҳам ўпкаси шишганича энди ухлаган шекилли, уйқу аралаш ҳиқиллаб турибди.

– Нима гап? – дедим юрагим орқамга тортиб.

– «Нанна-нанна» деб ҳол-жонимга қўймади, лавлаги қайнатиб берсам отиб юборди, – деди опангиз. Шундоқ дедию, ўзи ҳам роса йиғлаган шекилли, шишган қовоқларини рўмоли билан беркитди. Ҳали йигирма бешга кирмаган эди опангиз. Ўша куни пайқабман, сочлари мош-гуруч бўлиб қолибди. Ичимда нимадир узилгандек бўлди. Чидаб туролмадим. Боғ ҳовлида ота-онам туришарди. Саҳар бўлмай етиб борибман. Онам бечора хавотирда эшик очдилар. Ўзимни тута олмай, йиғлаб юборибман: «Ўғлим нон деб йиғлаяпти!» Шунда онам олдин мени овутиб: «Бу кунлар ҳам унут бўлар, болам, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши – ёруғ! Ҳали қараб тур, ўғилларинг шундай йигит бўлсинки... Вақти келиб бир ҳовли бўлиб, тўкин дастурхонлар атрофида ўтирасизлар... Бу кунлар бутунлай унутилади...» дедилар. То ишга кетадиган пайтимгача онам билан узоқ гаплашиб ўтирдик. Азонда мени ишга кузатибдилар-у, ўзлари заборга бериладиган ярим буханка нонларини олиб, набиралари олдига келибдилар.

Ойим айтганларидек, у кунлар ўтиб кетди. Лекин унут бўлгани йўқ. Унутиб бўлмайди у кунларни.

Инсоннинг инсонлиги онасига бўлган меҳридан бошланади, менимча. Инсон бир кунда инсон бўлиб шаклланиб қолмаганидек, оналаримизга бўлган улкан муҳаббатимиз ҳам зарра-зарра йиғилиб, улғайиб, бутун умринг давомида қалбингни илтиб, йўлингни ёритиб турадиган машъалга айланаркан.

Қуйидаги ҳаётий қатрлар – оналаримизнинг бизга қолдирган, бизга юқтирган боқий қадриятлари зарраларидан намуналардир.

## УЧТА ЧИТ КҮЙЛАК

Эндигина мактабга чиққан сочлари жамалак қизалоқ эдим. Урушдан кейинги, одамлар турмуши эндигина ўнiglанаётган оғир йиллар эди. Рамазон ҳайити ёз кунларига тўғри келди. Ойим ўша ҳайит арафасида менга бир эмас – учта чит кўйлак тикиб бердилар. Уччаласи уч хил фасонда...

Мен уларнинг бирини олиб, бирини кийиб, анча вақтгача ҳовлида чирпирак бўлиб юрдим. Қувончимнинг чеки йўқ эди: мендан катта опаларимга ойим ҳайитга биттадан кўйлак тикиб бердилар-у, менга эса бир эмас учта!

Бошқалардан шўхроқ бўлганим учун бир мавсумга менга битта кўйлак чидамаслигига унда ақлим етмасди. Ойимлар ҳам буни бошқача тушунтирдилар:

– Биттаси – менинг яхши қизим бўлганинг учун, биттаси – укангни яхши уйнатиб юрганинг учун, биттаси – эчкингга яхши қараганинг учун!


Ажабо, учта чит кўйлак билан ойим мени қувонтирибгина қолмай, уҳдамга ота-онага меҳрли бўлиш, кичикларни севиш, жониворларга ҳам бепарво бўлмаслик каби уч савобли фазилатни юклабдилар. Фақат юклабгина эмас, бу фазилатларга эга бўлган киши мукофотларга лойиқ бўлишига нозик ишора ҳам қилибдилар.

## «ҲИМО» НИМА, ОЙИЖОН?

Ўн беш кунлик келин эдим. Ён қўшнимиз – амакимизни-кида тўй бўлди. Янги келин биринчи бор катта даврага киришим, янги қариндошлар олдида биринчи бор кўринишим керак... Қалбимни ваҳима босди: қандай бўларкин? Ишқилиб «типпа-тик келин экан» сифатини олмасам бўлгани!

Безовталигимни қайнона ойимлар сездилар шекилли, менинг бу кунги вазифаларимни қуйидагича тушунтирдилар:

– Аёлларга дастурхонни катта айвонга тузаганмиз. Бошингизга чиройли тўрингизни ёпиниб, ним таъзим билан кириб боринг. Овсин опангиз ёнингизда бўладилар. Қариндошларни таништираётганларида уларга бир-бир эгилиб таъзим қилиб: «Хуш келибсиз!» денг. Салом тугагач, сизни дуо қилишади. Кейин меҳмонларга бир пиёладан чой бериб, секин ҳимо билан чиқиб кетарсиз. Зинага етганингизда ҳаммага яна бир



умумий таъзим қилинг. Оёқ остидаги кавушларни тўғрилаб, аста айвондан тушиб кетинг...

Ҳаммаси тушунарлику-я бироқ «ҳимо билан» чиқиб кетиш қандай бўларкин?

– Ойижон, «ҳимо» нима? – титрабгина сўрадим.

– «Ҳимо»ми? – ойим ўйланиб қолдилар. Кейин соддагина қилиб, – келинларнинг ҳимралибгина чиройли юриши-да, болам! Аёлларга чой берганингиздан кейин тўрингизни яна бошингизга илинг-у оҳиста, ним таъзимда орқангиз билан битта-битта қадам ташлаб чиқинг, деганим-да бу. Кўпчилик аёллар ўтирган ерда чирс ўгирилиб, «тап-тап» юриб кетиш келинларга ярашмайди...

Айтилган жараёнлар ойим тушунтирганларидек ўтди. Охирида «Хуш келибсизлар!» деб ойимлар айтмоқчи «ҳимо» билан чиқиб кетаётиб зимдан иккала оналаримга нигоҳ ташладим. Икковларининг кўзларида бирдек ажиб нур жилваланарди! Гўё мен эмас, улар келинлик имтиҳонидан ўтган эдилар! Бир айвон тўла меҳмон аёлларнинг «Хушбахт бўлинг! Илоҳо, қўша қаринглар!» дуолари-ю олқишларига маст эдилар моҳларим!

### ҲАЛОВАТЛИ ОДАМ...

Жавзонинг этаклари, серёғин кунлар эди.

Ойим хаста бўлиб қолдилар. Уларнинг ҳеч касал бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётганларини билмасдик. Бу оғришларидан жуда хавотирга тушдик. Врачларга кўрсатиб, бир-икки ҳафта давомида қиз уйимга одатдагидан тез-тез келиб туришга тўғри келди.

– Ўзи ишга энди тушувдинг, мен деб ёлчитиб ишлолмаяпсан ҳам. Бошлиқларингдан гап эшитиб қолма яна! Сангинанинг ҳам ҳаловатинг йўқолди, – дердилар ойим ҳар гал келганимда хижолат тортгандек.

– Мендан хавотир олманг, ойижон! Ишимни уйимга олиб келиб, болалар ухлаганидан кейин ишлаб, етказиб бераяпман. Сиз тузалиб олсангиз – бўлди! – деб у кишини хотиржам қилишга уринардим.

Дарҳақиқат, у вақтлар аёлларнинг ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътиллари қисқа бўлгани учун ўғлим тўрт ойлик бўлар-бўлмас, уни қайнона ойимларга қўйиб, ишга тушиб кетгандим. Аксига олиб ойим бетоб бўлиб қолдилар...



Шу кунларнинг бирида иш вақтимгача ойимларни бирров кўриб кетай деб шошилаётсам, қайнона ойим қўлимга бир тоғорачада тут тутқаздилар:

– Янгилик-да, қудамга олиб боринг. Қонни тозалайди, – дедилар.

Қўшнимизникидан атай чодир тутиб қоқтирибдилар. Фарқ пишган, пилмадек йирик-йирик, оппоқ тутлар...

Бора-боргунча инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ҳақида ўйладим. Трамвайдан тушганимда яна ёмғир шивалай бошлади. Қадамимни тезлатдим. Муюлишда... Не кўз билан кўрайки, мен кўргани шошилиб келаётганим – ойимлар бошларида-ю қўлларида катта тугунлар билан бекат томон келаётган эдилар.

– Тинчликми? – бошларидаги тугунни олиб, шамсиямни тутар эканман хавотирланиб сўрадим. – Ҳамма соғми? Дадам тинчмилар?

– Ҳа-ҳа, ҳамма яхши, хавотир бўлма! Тинчимадинг-тинчимадинг-да! Яна келаяпсанми-я? Ахир кеча анча тузукман, дедим-ку сенга! Сенгинада ҳам ҳаловат йўқ...


– Вой, ҳаловатли одам-эй! Ҳа, ўзлари қайга кетаяптилар, тугунларини бошларига қўйиб? – овозимда, албатта, норозилик оҳанги бор эди.

– Қўшнимиз – Бувининг келинлари туққан эди. Кечаги кун жавоб беришган экан. Ҳеч ким бормагани учун бояқиш туғруқхонада қолиб кетибди. Эрталаб бизникилар ишга кетиб бўлишувди. Буви чиқиб зорланиб қолдилар: «Мен юролмасам, келинингиз ўртоғининг кийимларини етказиб берармикин, дедим»... Келинойинг ишга кетган эдилар, ўзим бора қолай дедим...

– Шу аҳволда, шу ёмғирда, касал одам... Буви юролмасалар ўғиллари бор, катта овсин бор... Ҳар қандай зарур ишдан ҳам янги меҳмонни олиб чиқиш учун бир кунга рухсат берилади-ку! – аммо норозилигим ичимда қолди.

– Қўй, болам, худога шукр, мана – туппа-тузукман! Хайрли ишга Оллоҳнинг ўзи қувват беради. Бувининг диллари оғримасин. Биронтангизга шикаст етиб юрмасин яна... Мен яхшиман, сен ишингга боравер...

Туғруқхона унча узоқ эмасди. Тугунларни кўтаришиб, қабулхонагача бирга бордим. Ойим тоғорачадаги тутлардан уч-тўрттасини «Омонлик-омонлик! Кўрмайлик ҳеч ёмонлик!»



деб оғзиларига солдилар-у қолганини ҳамшираларга бердилар:

– Оғзингиз тегсин, айланай! Қудам бериб юборибдилар! Бир чиройли тутлар экан, энглар!

Тутларнинг диркиллаб бошқа идишга тушаётганини кўриб, хаёлим кетибди: «Мен онамни десам, онам...»

Аммо трамвайга шошиляяпман-у бирам ўзимни энгил сезаяпман денг!

Ў, азиз моҳларим-а! «Омонлик!» дея яқинига илиниш, «Киншининг дили оғримасин, биронтангизга шикаст етиб юрмасин яна!» деб болаларига қалқон бўлиш каби улуг сабоқларни шу тариқа оддий ва одми бердингиз!

### ЯХШИЛИГИМ ОШИРГАН

Тушлик танаффусда қайнона ойимлардан хабар олгани бордим. Одатдагидек равон айвонларида ўтирган эканлар. Кайфиятлари анча чоғ кўринди. Сабабини кўп ўтмай билдим:

– Кеча касалхонага дадангизни кўргани мени ҳам олиб боришди. Кўзларига ёш олиб, қизингиз билан куёвингизни мақтаб, дуо қилиб ўтирибдилар: «Янги келин бўлса ҳам, қара-я қудаларимиз неча хил ноз-неъматлар билан сийлашиб, дадангизни кўриб келинглар, деб юборишибди. Овқатларни бироз кўнглим тусамай турувди. Набира қизинг бўлса ўзим едириб қўяман, деб зўрлайди дегин... Аммо набира куёвинг анча зийрак экан. «Дадам нима истаётганларини мен топдим, овқатни қўйиб тур, кейин ейдилар» – деди-ю ўзи олиб келган нашватидан битта артди. Шу десанг, ҳалиги нашватидан оғзимга лойиқ қилиб, паррак-паррак қирқиб тилим устига қўйиб турди. Бирам ширин унади! Бирам кўнглим очилди-ки... Мен сенга айтсам, Ҳудиста, шу неvara куёвинг бошқачароқми ёки ўзи неvara куёвлар шунақа меҳрибон бўладими-а? Э, кўрсатганига шуқр қилиб, оғзимда нашватининг мазасини ҳали ҳам туйиб ётибман! Илоҳо, қўшгани билан қўша қаришсин! Мени сийлашибди, Оллоҳ уларни сийлайдиган фарзандлар ато қилсин!» Дадангизнинг севинчларини кўриб, бир паррак нок билан киншининг кўнгли шунчалар кўтарилар экан-да, деб ҳайрон бўлиб ўтирибман. Ё қариганда одам ёш бола бўлиб қолади, дейишгани ростмикин?

Ойимларни кўргани яна кимдир келди. Чойни янгилаб, улар олдига кўяр эканман, ишга боришим кераклигини айтиб, узр сўрадим. Ойимлар бўлса, келган одамга ҳалиги ҳикояни бошлаган эдилар:

– Кеча набира қизим билан янги набира куёвимиз дўхтирхонага бувасини кўргани боришибди...

Ёши улғу одамнинг ҳаётдаги кичик нарсага ҳам ҳайрати йўқолмаганидан ўзим ҳам ҳайратда, арзимагандек кўринган шу ҳикоя билан ойим ичимга чироқ ёққанларини пайқамай қолдим.

Инсоннинг қувониши учун нима керак ўзи? Ҳарқалай, ойимнинг фарзандларимиз ҳақидаги гаплари, дадамнинг дуолари талай вақтгача юрагимга қувват бериб туришини сезардим...

### «ҚАЛАМ КЕТМОНДАН ОҒИР»

Отам ва онам жуда ажойиб одамлар эдилар. Ўзиникини мақташга тушди, дейишга шошилманг. Назаримда, ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай вақт келадики, у ўз ота-онаси ҳақида: «Улар аслида қандай одамлар?» деб савол беради. Одатда, бу кўпроқ балоғат ёшида, инсон ўзигаю ўзгага, одамгаю оламга баҳо бера бошлаган даврда содир бўлади. Маълум даражада инсон шунга тайёр ҳам бўлиши керак.

Ота-она бўлгани учун ҳурмат қилишга интилгани билан, қарашлари туфайли ёки бирон бошқа нарса сабаб бўлиб, бу саволга ижобий жавоб берилмаган ҳолда оталар ва болаларнинг йўли бошқа-бошқа бўлиб кетади. Яна бир оғир томони ота-онасини севмайдиган, дилида уларга нисбатан самимий меҳр-муҳаббати йўқ одамлар «ҳурмат» юзасидан, «одоб» юзасидан бунини бирон марта тилига чиқармаган бўлсалар ҳам, наслида яқинларигаю бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатиш фазилати йўқ кишилар мунофиқлик йўлига айнан шу даврдан қадам кўядилар. Иккиюзламачилик уларга бир умр ҳамроҳ бўлади... Бу – жичча фалсафа билан айтмоқчи бўлганим – инсон ота-она бағрида шаклланади, ота-онасидан олганини умр бўйи ривожлантиради.

...Қизиғи шундаки, мен табиатан жўшқинроқ, куюнчакроқ бўлсам-да, баъзан таниш кишиларнинг орқаворотдан: «Кари-ма опа каби вазмин бўлибди», дейишганини эшитиб қоламан.





Ойим камгап, аммо топиб-топиб гапирадиган, жуда самимий аёл эдилар. Халқ мақол ва маталларини, байт ва ўланларини кўплаб билардилар, билиб-билиб, жойида ишлатардилар. Мирзо Бедилнинг ҳаётий, чуқур фалсафий байтларини ёддан айтардилар. У киши билан суҳбатда бўлган одамнинг кўнгли ёришиб кетарди.

Яна мени «Отасига тортибди», деб ҳам айтишарди. Асоссиз эмасдир.

Дадагинам бир сўзлик, серғайрат, ёмонликка мурасасиз киши эдилар. Қуръони каримни ёд биладиган, Тошкентда кўплар танийдиган, ҳурмат қиладиган қори эдилар. Улар Қуръон тафсирида ҳамиша инсон ҳаракатига даъватни қалб беришига урғу берардилар. Шунинг учун киши қалбини, руҳини пок ушламоғи керак, деб уқдирардилар, ҳалолликка ундардилар.

Эсимни танибманки, ойимларга ўхшашни орзу қиламан. Табиатан кўза кўтариб юрадиган, баланд-пастга мослашган тоғ аёлларига ўхшаш баланд бўйли аёл эдилар. Адл ва сал дуркун қоматларини, енгил ва назокатли юришларини кўз ўнгимга келтирганимда, болалигимдан таниш бир алам дилимни тирнаб ўтади: мен шундай назокатли аёлнинг қизиману, бироқ у кишидек бўлолмасам керак! Шундай дейман-у, бироқ у кишининг бир умр ҳаётдагина эмас, ижодда ҳам ёнма-ён келаётганларини ҳис қиламан.

*Қиз ўхшар онага дейишар халқда,  
Гоҳида қалбимни ўраб ҳаяжон,  
Сизга тикиламан ўйлаб шу ҳақда,  
Кошкийди ўхшасам сизга, онажон!  
Баҳслаша олмайман чиройда сиз-ла,  
Гўзал қиз бўлишлик мақсадим эмас.  
Инсонни сиз каби севолганимда,  
Дилим дилингизга ўхшатсалар бас.*

– «Қалам кетмондан оғир!»

Ҳикматдек лўнда бу гапни биринчи марта ойимлардан эшитганман. Балки уни биринчи шеърим босилиб чиққан куни айтгандирлар. Ҳали ёшим етиб, паспорт олмаганим учун ўшанда қалам ҳақини почтадан ойим билан бирга олганмиз. Газетада босилган шеърга пул беришлигини, унинг



«гонорар» – қалам ҳақи деб аталишини ойим ҳам, мен ҳам билмасдик.

«Ўзингники ўзингга бўлсин», дегандилар ўшанда ойим ва Тўқимачилик шаҳарчасининг бозорчасидаги дўкондан янги чиққан мато – штапелдан фартуклик олиб бергандилар. Яна укаларимга пряник, тешик кулча олганмиз...

Менга шундай туйилдими ёки аслида ҳам шундаймиди, билмадим-у, лекин назаримда ўша кундан эътиборан ойим менда ўз қизларидан ортиқ бир кимсани кўраётганларини ҳис қилардим!

– «Қалам кетмондан оғир!»

Бўрон ёши осуда ўтган, ўн саккизда шеър битмаган онам айтгандилар бу сўзни. Фақат айтиш эмас, ўзлари ҳам сезмаганлари ҳолда фарзандлари қалбига сўзнинг буюк қудрати олдида эҳтиромни, китобга ҳурматни, зиёлига эъзозни сингдирган эдилар. Ҳар гал матбуотда янги бир нарсамни кўрсам, биринчи шеърим чиққандаги ўша ёрқин ҳаяжон қалбимни чулғаб олади. Бу менга ойимлардан мерос.

## ТАБАРРУК УЗУК

Ўғлимнинг никоҳ тўйи арафасида келинга деб олинган никоҳ узугини кўрсатгани биринчи бўлиб қайнона ойимларга олиб бордим. Кўзойнақларини тақиб, қўлларига олиб узоқ томоша қилдилар. Чинчалоқ бармоқларига тақиб, кунга солиб кўрдилар. Маъқул кўриб дуо қилдилар. Кейин бармоқларидаги ўзларининг никоҳ узукларини олиб менга узатдилар:

– Жуда чиройли экан. Уни шу кунлар шукри деб ўзингиз тақинг. Мана бу узукни эса ман ва додангиздан табаррук совға деб, бўлажак келинингизга мана шунақа чиройли узук ясатириб беринг. Набираларим ҳам бизга ўхшаб ярим асрдан ортиқ бир-бирларига муҳаббат билан яшашсин! – дедилар.

Бўртган бармоқларида кўп йиллар ечилмай юрилган никоҳ узугидан қолган қабариқ изга тикилганимча эътироз билдирмоқчи бўлдим.

– Биламан, – бошқа сўзга ўрин қолдирмай дедилар ойим, – қайнингизни уйлантираётганимизда бўлажак овсинингизга аталган узукка қўшиб, менга деб олгандингиз буни. Сизларнинг илтимосингиз билан дадангиз қўлимга солган эдилар. Ўша дамда деганлари ҳам эсимда: «Ёшлигингда кўрмаганни кура-



диган вақт келибди, Худиста! Бир вақтлар қўлингга тилло узук сола олмадим, деб кўнглим синиқ эди. Мана қара, энди болаларимиз армонларимизни тўлдиришаяпти. Табаррук қилиб тақиб юр! Қўлингдан ечма. Худо кўрсатса, иншааллоҳ, сен ҳам набираларинг тўйида бойвучча буви бўлиб, набира келининг қўлига тақиб қўй!»

– Бу кунларни кўриш дадангизга насиб этмади. Набиралари бахтини Аллоҳ баракали қилсин!

Узукларни олдим. Ойим айтганлиридек, яхши ният қилиб бирини бармоғимга тақдим. Иккинчисини шу табаррук узук эгасига ўхшаб узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришларини тилай-тилай келинга дея олиб қўйдим.

Билмадим, нечанчи марта авлодларнинг илоҳий боғлиқлиги-ю бир-бирларга садоқати ҳақида ўйлаб кетдим.

### ОНАМНИНГ ГАПЛАРИ

Эсимда, ёшлигимда ойим раҳматлик, мен ухламагунимча, ўринларига кириб ётмас эдилар. Танчанинг у томонига ёки хонтахта ёнига кичкина ёстиқни икки буклаб, омонатгина ётиб турардилар. Кун билан уй юмушларидан чарчаганлари учун тезда текис нафас ола бошлардилар. Аммо бу «қуш уйқуси» эди. Кўпинча жуда тез уйғониб, қаршимда ўтириб олардилар, ёзаётган ишим билан қизиқардилар. Айниқса, хизмат сафаридан келган вақтларим, борган жойларим, учрашган одамларим, ёзмоқчи бўлган қаҳрамонларим ҳақида кўп қизиқиб, суриштирардилар. Кўпинча, кўрсаткич бармоқларини олдимдаги қораламанинг бирон сатрига қўйиб:

– Бу ерда нима деб ёздинг? – деб сўрардилар.

Мен эринмай ўқиб берар, яхши тушунишлари учун аввалги ва кейинги воқеаларни батафсил тушунтирардим. Кейин билсам, ойим олдиларида ёзганим имтиҳондан ўтаркан. Энг асосийси, бу савол-жавоблар менинг шууримда бошқа диалог бўлиб жаранглайверарди:

– Касб танлаётганда ишинг шунчалар мушкуллигини билармидинг, болам!

– Тасаввур қилардим, ойи!

– Нега танладинг бўлмаса уни? Қачон қарама шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезганинг кезган! Нима топдинг у ерлардан?



– Одамларни, ойи, одамларни.

– Одамлар ҳамма ерда ҳам бир хил. Улар ҳақида ҳадеб нималарни ёзаверасан?

– Одамларнинг ҳар бири устозим айтмоқчи – ўқилмаган бир китоб, ойи! Мен уларни билишни истайман. Кейин улар ҳақида бошқалар ҳам билишини, уларни мен севгандек севишини истайман!

– Сени кутиб, туну кун хавотирда ўтираман! Қиз бола бўлсанг...

– Ўринсиз, ойи! Бу диёр, бу одамлар шундай ажойибки... Мен улар билан гаплашишга ташнаман. Уларнинг мен билан бир неча соатлик суҳбати мобайнида ҳаётининг оқу қорасини, ғаму шодлигини ўртага солишини севаман. Ана шунда, уларнинг кўзларига бир дам ёш қалқиса, бир дам бахтдан порлашини кўриб, Инсон йўли мураккаблигини ҳис қиламан...

– Яратган бандасини ҳеч вақт шукридан, умид ва яхши ниятдан бенасиб қилмасин. Шукр, яхши ният ва умид одамнинг дилига ёруғлик, кўзига нур беради. Улар кишини не-не ғам гирдобидан омон олиб чиқади...

Онамнинг гаплари қаҳрамонларимни кўзимга бошқача кўрсата бошларди.

## БИЗНИНГ АЁЛЛАР

Ҳар бир оила ҳаётида киши кўнглини ёрқин қиладиган хотиралар бўлади. Улар ўз вақтида жуда аянчли, вақтлар ўтиб эсланганида эса кишининг кўзига ёш чиқарадиган азиз хотиралар бўлса ҳам, улар ҳақида эсланганида, сўзланганда қалбингни ҳаяжонга тўлдирадиган, яқинларингга меҳрингни оширадиган, юзингда беғубор табассум уйғотиб, сени узоқ тарк этмайдиган хотиралар...

Олти фарзанд, келинлару куёвлар, талай невара-аваралар йиғилганда ўтганлар ёди билан тез-тез эсга олинадиган бундай воқеалар оиламизда кўп.

...Уруш йиллари қайнотам Неъматжон ака Тўқимачилик комбинатида ишлар эканлар. Ўн тўрт-ўн олти соатлаб комбинатда қолиб кетарканлар.

– Ёш болалар билан ойингиз боғ ҳовлида ёлғиз қолиб кетар, катта ҳовли ҳосилини амаллаб тирикчиликка ёпиштирарди, – ҳикоя қилардилар қайнотам. – Тунлари бўш қолдим дегунча,



уйдан хабар олгани ошиқардим. Электр энергия фронтга ишлаётган завод ва фабрикалар учун тежалиб, шаҳар кўчалари ёритилмас, трамвайлар ҳам тунлар юрмасди. Комбинатдан дуч келган аравами, уловгами мингашиб, кўпинча эса пиёда кетардим. Йўлни қисқартириш учун одамларнинг боғ-роғларидан ошиб, тун ярмидан оғиб қолганда уйга етиб келардим. Ойингиз берган об-ёвғонни ичибоқ, ҳориганимдан ухлаб қолардим...

Бир куни тунда болаларнинг хархашасидан уйғониб кетдим. Ўрнимдан турай десам, бошим гурс этиб мис тоғорага урилди. Нима гаплигини билмай гангиб қолдим. Кейин тушундим: оқшомдан шивалаб ёға бошлаган ёмғир сомон сувоқ томни обдон ивитиб, ҳар жой, ҳар жойдан чакка ўта бошлабди. Ойингиз имкон бор жойнинг ҳаммасига бисотидаги идиш-товоғини қўйиб чиқибди. Лекин менинг нақ бошимдан оқа бошлаган лойқа томчиларни тўхтатишнинг иложини қила олмай (идиш қўйяй деса — мен ётибман, уйғотай деса — уйқумни қизғониб), тик турганича бошим узра тоғора тутиб турган экан! Шу алфозда ойингиз қанча турганини билмайман, ҳарқалай тоғорага сув анчагина йиғилган экан. Қаранг, уйғотай деса уйқумни аяган, ҳали замон тонг оқариб яна ишга кетишим керак... Ўртада бола уйғониб қолибди... Э, нималарни кўрмади бу бошлар! Нималарга дош беришмади бизнинг аёллар!

## Ё, ХАЁЛ

Инсон заковати яратган бу улкан пўлат қуш осмону фалакка кўтарилганича паға-паға оппоқ булутлар қўйнига кириб бораяпти. Ана яна бир қалқиб олди-ю, пастдан жуда баланд кўринган оқ булутлардан ҳам анча юқорилади. Не ажабки, булутлар юқоридан улкан пахта хирмонларига, шаршаралар оқиб тушган пастликдаги кўпикли сувга — хуллас, мен ҳали тасвирига лойиқ сўз топа олмаган жонли, тўлқинли, ҳаяжонли бир нарсага ўхшаб кетар эди.

Хаёл билан паға-паға сузиб юрган шу «жонли», оқ булутларга тикиламан. Юрагим бир орзиқиб тушди. Аллақайси тўлқин орасидан онамнинг шу оппоқ булутлардек оқ сочли азиз сиймолари кўрингандек бўлди!

Ё, хаёл!



Ҳар доим бўлганидек, ҳозир ҳам сафарга бирга чиқибдилар-да! Фақат илгарилари самолётга ўтқазардилару, маъюс қўл силкиб қолаверардилар. Онам кўзларидан ўзлари бирон марта учмаган шу улкан пўлат қушга ўтираётган қизларидан ҳам ғурур, ҳам хавотир ҳиссини ўқиш қийин эмасди. Энди эса мана, ёнма-ён келаяптилар. Юрагимни ғижимлаган аччиқ алам билан йўл сумкамдан дастрўмол қидираман. Қўлим қоғозга ўроғлиқ, орасига пишлоқ солинган икки бурда нонга тегди. Илгарилари бўлса онам ё гўшт, ё товуқ пишириб: «Болам, узоқ йўл, самолёт бўлса ҳам манзилингга бориб жойлашиб олгунингча толиқиб қолма, вақтида овқатлансанг яхши бўлади, бошингга оғриқ турмайди!» деб сумкамга солиб қўйган бўлардилар.

Паға-паға булутларга тикиламан. Улар кўзимни қамаштиради, онам сиймоларини яққол кўриб олишимга халақит беради. Ўзимни тута олмайман, чўғдек қайноқ икки томчи ёш ёноғимга оқиб тушди...

Менга ҳамиша Сиз етишмайсиз, ойижон!

### ФАРЗАНД БОРКИ...

Фарзанд борки, у ҳамиша онаси олдида қарздор. Бу қарздорлик туйғуси она оламдан ўтгандан кейин ҳам кишини тарк этмайди. Инсон тирик экан, уни дунёга келтирган она ҳам тирик. Она соғинчи, меҳрига, илоҳий кучига интиқлик фарзанд умрининг охиригача сақланади дейишганича бор.

Кунлар ўтаяпти. Ойлар ўтаяпти. Бир-бирини қувиб, йиллар ўтиб боряпти. Онам, онажоним йўқлар орамизда.

Баъзи пайтлар тушимда кўрсам кошки эди деб тўлғониб чиқаман. Баҳтим кулиб боқиб нур тўла чеҳраларини, кумуш сочларини, кулган кўзлари, юмушдан дағаллашган, аммо доим жонимни киргазидиган бармоқларини аниқ-аниқ кўрсам, неча кунларгача қуёш қучган одамдек кўнглим ёруғ юраман.

Одамларнинг туйғу уммонларига бас кела олган эй оқил-у, одил донишмандлар! Менинг моҳларимни соғингандаги бу бепардошлигим, изтиробларим олдида сизнинг тасалли сўзларингиз – ҳеч! На қуёш тафти, на дарёлар жўшқинлиги, на уфққа қўл чўзган бепоён кенглик тасалли бера олади бу кичкина юрагимга. Онамнинг иссиқ меҳри, меҳнаткаш қўллари, она бўлган қизига суянч бўлган бағрининг ҳароратини қўмсаганимда кўнглимга таскин берувчи ҳамма нарса «ҳеч» каби орқага чекинади.



Ўчмаган номингиз буюклиги олдида, ҳамон, ҳар дақиқа тирик, барҳаёт руҳингиз олдида, дилгинамга жо бўлган ўша ҳаётсеварлик туйғуларингиз, ўлмас насиҳатларингиз, ўгитларингиз олдида таъзим қиламан, моҳларим!

Ҳар дақиқа менга нақадар кераклигингизни билсангиз эди!

### ЎЗИШГА ҚИЙНАЛЯПМАН...

Хизмат сафаридан қайтдим. Янги учрашувлар, янги таассуротлар... Тўлқин урган фикр-туйғуларимни бир ерга жамлашга, жиловини тутиб бир мақсад томон йуналтиришга ожизлик қиляпман. Ўзишга қийналяпман...

Илгарилари шундай узоқ «тўлғоқ» тутган вақтларида онам ўзлари билмаган ҳолда катта ёрдам берардилар. Хизмат сафаридан қайтгач, албатта узоқ суҳбатлашардик. Умрларида Тошкент атрофидаги айрим қишлоқлардан нарини кўрмаган ойим: «Қаерларда бўлдинг? Кимларни кўрддинг? Қандай яшашар экан, нима иш қилишар экан?» деб сўраб-сўраб турардилар. Ёзаётган вақтимда баъзан қоғознинг бир сатрини кўрсатиб «Нима деб ёздинг?» дердилар. Кўпинча янги нарса топширган куним албатта: «Ёзганинг Зулфия опангларга ёқдими? Ўртоқларинг нима дейишди?» деб сўрардилар.

Ойимларга ҳаммасини оқизмай-томизмай сўзлаб берардим. Учрашган кишилар билан бўлган суҳбатлар, таассуротлар бу «ҳисобот» жараёнида бир ипга тизилиб очерк, ҳикоя ёки лавҳа қарийб тайёр бўларди. Уларнинг диққат билан тинглаётганларини, далда бериб айтган сўзларини инобатга олиб, ўзим ҳам руҳланиб, илҳомланиб, ўша сўзлаб берганларимни шошиб қоғозга туширардим, олқиш олардим. Биринчи ўқувчим (аниқроғи — тингловчим), меҳрибон устозим эдилар ойижоним!

Ўзишга қийналяпман... Менга Сиз етишмаяпсиз, ойижон!

### НОН

Онам тандирда нон ёпардилар. Кексаларга хос тўлишиб, вазминлашганларига қарамай, чаққон ҳаракат қилар, шоҳи рўмол елкаларига тушаётиб силаб ўтган оппоқ сочлари ялтирар, тандир тобидан юзлари бўртиб, кўзларида чўғ акси бўлгани учунми — чўғдек эди. Ўндан ортиқ набиранинг бувиysi бўлган онамлар бугун ёш келинчаклардек чаққон ва хушчақчақ эдилар.

Нонни ҳамиша ёнимиздаги дўкондан янги-янги олгувчи эдик. Бугун бўлса, келинларининг туғруқхонадан келиши ша-рофати билан барча фарзандлари, набиралари бағрилари-га туплангани учун:

– Ўзим сизларга ёғлиқ, жизза-пиёзли нон ёпиб бераман, – дедилар-у қизлари, келинлари билан биргаликда ҳаракатга тушиб кетдилар.

Нон ҳам узилди. Буғи чиқиб турган нон ва турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофига биз – бир кўрпани талашиб катта бўлганлар тўпландик.

Бирлари чўмич шаклида, бирлари тешик кулча ясатиб олган набиралар бўлса, кулчаларини совитиб олиш учун водо-провод олдида навбат талаша кетишди. Болаларнинг қий-чу-вига равон айвондан бошларини чиқариб қараган ойим узоқ тикилиб қолдилар.

– Ҳой, Рустамжон, олдин укангникини совитиб бер, бола-жоним. Вазира, сен каттасанку, оппоқ қизим, бироз сабр қил, – дедилар меҳрибонлик билан.

Болалар ниҳоят равонга келишди. «Меники ширин! Мени-ки ширин!» – ҳаммаёқни уларнинг чуғур-чуғури тутиб кетди. Хонтахта устидаги нондан буғ чиқар, ойим бўлсалар ҳамма набираларига бир-бир тикилиб турар эдилар. Нуроний чеҳ-ралари жилмаярди-ю кўзлари алланечук намдан йилтиллаган-дек бўлди назаримда.

– Рустам, Азиза! Юринглар ўйнаймиз! – йўлакдан қўшни болаларнинг овози эшитилди.

– Ура-а! Мен ўйнагани кетдим! – суюниб кетган Рустам кўли-даги нонни ташлаб, кўчага қараб югурди.

Дам ўтмай қий-чувга тўлган айвон жимжит бўлиб қолди. Токчаларда иссиқлигида сувга ботирилган нонлар бўкиб ётар-ди... Ойим ўринларидан туриб ўша нонларни йигиб олдилар-да, тақсимчага солиб, устини тоза сочиқ билан ёпиб қўйдилар. Хотирамга болалигим тушди...

Уруш эндигина тутаган вақт. Кўп оилаларда ночорлик ҳукм сурарди. Ойим фабрикада ишлардилар. Ишдан қайтишлари-да забор қоғозга биз учун нон алмаштириб келардилар. Бир кун нон билан кичик халтачада ун ҳам олиб келдилар.

– Бугун нон ёпамиз, болажонларим! – дедилар серкепак унга намоқобли сув қўйиб, хамир қорар эканлар. – Қани тандирга бир яхшилаб ўтин қаланглар-чи!





Тандиримизда анчадан бери гуриллаб олов ёнмас, уй нонинг таъмини кўпимиз унутиб ҳам қўйган эдик. Шунинг учунми улуғ бир нарсани кутгандек танчага тикилганимизча, кўрпа остидан бошимизни чиқариб, ойимнинг чаққон ҳаракат қилаётган қўлларига тикилиб ётардик.

Тандирдаги ўтнинг гуриллаб ёниши, сал туриб қоп-қора тандирнинг оппоқ бўлиб «тушиши» ҳам бизга мўъжизадек кўринарди. Ниҳоят ҳовлини энг азиз неъмат — иссиқ ноннинг тасвирлаб бўлмас таровати тутди!

Онам сават тўлар-тўлмас қилиб нонни узиб келдилар. Зум ўтмаёқ ўртада атиги иккитагина кулча қолди. Яна нонсиз қолишимиз мумкинлигидан кўрқиб, ҳаммамиз ўз дўппимизга биттадан кулчани беркитиб қўйдик. Энди кўзимиз ўртадаги шу икки кулчада эди. Онам уларни ҳам ушатиб ўртага қўйдилар. Шошиб еб олдик. Ойим ўзларига олган бир бурдагина қолди холос. Улар кўзларига ёш тўлиб, бизга тикилиб ўтирар, назаримда шу нонни есалар, тикиладигандек эди. Қандайдир ғайритабиий куч бизларни дўппимизга яширган кулчаларни ўртага қайтариб қўйишга мажбур этди...

Мана, у кунлар унут бўлди. Ҳаммамиз улғайдик. Энг кичкина укамиз ҳам уйлик-жойлик бўлди. Бугун унинг учинчи фарзандини туғруқхонадан олиб келдик...

Хотирам узилиб, онажонимга қараганимда хонтахта устидаги нонга тикилган кўзлари намдан ялтирарди. Лекин бу ёшлар бўлакча. Ўша оғир йиллар хотираси — атрофини ажинлар ўраган кўзлардан чиқаётган бу ёшлар шукроналик аломати эди.

Ўша нурли кўзларингиз, улардан қалбимга оқиб кирадиган шукроналик етишмаяпти менга, ойижон.

## ТОҚАТ ВА ИТОАТ

Ҳовли ўртасидаги фаввора бир маромда жилдилаб турибди. Қайнона ойимлар узун айвон четида унинг овозигами, кушларнинг чуғуригами қулоқ солиб, хаёл суриб ўтирибдилар.

Қайнотамлардан кейин ойим анча хомуш тортиб қолганлар. Уларни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Киши ўз хаёли билан ёлғиз қолса анча қийин.

Йиғиб олган дастурхонни гуллар орасига қоқиб, ҳовлидан уч-тўрт райҳон шохчасидан узиб айвонга чиқа бошладим.

– Ҳовлингиздан райҳон ҳиди келяпти-я ё экканмисиз? – сўрадилар.

– Баҳорда йўлка четларига уруғини сепгандик. Қалингина бўлиб авж олиб кетди. Чиройли бўлар экан. Ёнидан ўтсангиз ҳам, ҳовлига сув сепсангиз ҳам – ҳаммаёқни райҳон иси тутуди...

– Жаннат гули деб бежиз айтишмаган-да райҳонни. Дадангиз ҳам доим ҳовлимизга кўчатидан экишни яхши кўрардилар. Ҳовлингиз каттагинами?

Ойим кейинги йиллар кўрмайдиган бўлиб қолганлар. Янги кўчиб келган кунимизнинг эртасигаёқ уйларга жой солиб бўлгач, ойимларни олиб келгандик. Қўлларидан етаклаб хоналарни, ҳовлини айлантириб, тасвишлаб берган эдим.

– Алоқадаги ҳовлингиздек келади. Ўртасига набираларингиз фаввора ясаттиришган. Атрофига атиргул экдик. Чор атрофига бўлса райҳон сепилган, – тушунтирдим мен.

– Суви жилдиллаётган фавворами? Водопроводингиз очик қолибдими дебман...

– Сувини пастроқ қилиб қўйдим. Ҳовузидаги сув куни билан илиб туради. Ҳали авараларингиз келиб чўмилишади.

– Қаранг-а... – райҳонни ҳидлаб, кичик шохини чаккаларига қистирдилар. Келин бўлиб тушибманки, чеккаларида ё атиргул ё райҳон... – Невараларим ҳам катта киши бўлиб қолишди... Ҳаммасининг тагида мошина, мана, ҳовлисида фонтан. Додангиз орзу қилардилар. Кўрармидилар-а, бу кунларни... Раҳматли кўчада нима яхши нарса кўрсалар, дастрўмоллари учига тугиб бўлса ҳам менга илиниб олиб келардилар. Ман уларга илина олмасам... Лоақал, мана, набирангиз ватанли бўлди, ҳовлисида сиз орзу қилган фонтани ҳам бор, деб айта олмасам... Роса севиначилар...

Хаёлларини тарқатиш ниятида гапни бошқа ёққа бурдим. Лекин сезиб турибман, мени эшитаётганлари йўқ.

– Шоиста опамларни ота-оналаримиз хилхонасига – Шайх Зайниддин бува қабристонига қўйишди (опалари қазо қилганларига ўн кунча бўлган эди). Поччамнинг ёнларига қўйиб бўлмасмиш... Келин нарса қайнона-қайнотаси, қайин-бўйни олдида оёғини узатиб ёта олмасмиш... Қаранг, шунча яшаб энди эшитганим..., – овозларида кишининг кўнглини ғашлантирадиган мунг бор эди.

Ёшлари саксонни қоралаб қолган, опалари саксондан ошган эдилар. Оппоқ сочларига қараб, «келин нарса» тушунчаси



ҳеч сингишмаса ҳам овозларида, сўзларида аваралик бўлиб ҳам ўша «келинлик»нинг ҳеч ким, ҳеч ерга битмаган қонун-қоидаларига тоқату итоатни сезиб, лол ўтирардим.

### «ХОТИН ДЕВОР»

– Хўп устаси фаранг урган экан бу деворни! Сомонни ҳам аямаган экан, метин-а, метин! – деди қўлига теша ушлаган укам. Серсомон сувоқ унга бўйсунмас, ҳар қарич ерни куч билан кўчиришга тўғри келар эди.

Деворни бузмасликка, устини текислаб, бўлажак уйнинг асоси қилиб қолдиришга қарор қилдик. Унга қараб турибман-у қулоғим остида: «Кўяверинг, Ҳафиза опа, нақ девор бўлсинки, мана ман деган усталар ҳам «Бу деворни қурган уста ким экан?» деб юришсин...» – деган сўзлар, ҳорғин аёлларнинг хазин кулгиси эшитилгандек бўлди. Уларнинг бири – ойим, иккинчиси – Ҳафиза холам эдилар...

Кўз олдимга эса уруш тугаган йили худди шу ҳовлида кечган бошқа манзара келди: сочларини бошларига рўмоллари аралаш чамбарак қилган икки кўҳликкина опа-сингил пахса уришяпти... Офтобда қорайган пешона ва юзларидан маржон-маржон тер оқиб тушяпти. Улар баъзида менга кўз ёшлари бўлиб ҳам туйилиб кетади. Балки улар чиндан ҳам кўз ёшлари бўлгандир? Иккала аёлнинг ҳам эғнида офтобда ранги синиққан чит кўйлак, иккисининг ҳам этаги липасига қистирилган...

Одам бўйидан анча баланд бу деворни холамнинг эрларидан қорахат келганидан кейин опа-сингил неча дам олиш кунда тиклашган эди. Бир-икки кун олдин лой қоришади. Эртасига этакларини липаларига қистириб, лойни ағдаришади, ялангоёқ бўлиб лой тепкилашади. Кўпинча қўшнилар ҳашарга чиқишади...

Якшанбаларнинг бирида деворни сомон сувоқ қилганимиз эсимда. Холам тоғорада лой етказиб турган, ойимлар эса уни деворга чапиб суваган эдилар.

– Бу уруш йилларидан хотира – «хотин девор» бўлди, ука, – дегандилар ўшанда ойим лой қўлларини ариқда ювар эканлар, деворга имо қилиб.

Ҳали қуримаган сувоқда нозик бармоқ излари қолганди. Шунча йил ўтиб ҳам «Хотин девор»дан бу излар кетмагандек...



## ТИЛЛА УЗУК

Болаликдан одам қанча узоқлашиб борса, ажабо, унинг та-ассуротлари шу қадар ёрқинроқ бўлиб боради. Инсон турмуш, тирикчилик, қисқаси, «Ҳаёт кемаси» деб аталмиш кемада қанча чайқалиб, синов довулларида қанча пишиб бормасин, ўша болаликнинг беғубор дунёси хотирда абадий, ҳар қачон, ҳар жойда эсласанг тамом, югургилаб қошингда пайдо бўлаверади. Яхшилиқ, эзгулик, покликнинг бошланиши болаликнинг ўша тиниқ булоғидан тўйиб-тўйиб симириш натижасимасмикин? Турмушда оддийгина бўлиб кўринган қанчадан-қанча ҳаракат, воқеалар шундай хулоса чиқаришга туртки бўлган...

Мактабда эндигина таҳсил кўра бошлаган пайтим эди. Ер супада диққатимнинг кучлигидан пишиллаб, жамалак сочларим тўзиб, дафтаримга «о» ҳарфини қатор-қатор ёзиб ўтирганимда Бахриниса аммам чиқиб қолдилар.

– Ҳа, пучук, қачон отин бўласан? – деб ҳазиллашиб, ойимларнинг ёнларига ўтдилар.

Ойимлар ҳам шу ерда, супада, менга фақат биринчи «Аё дўстлар, биродарлар...» деб бошланадиган сатригина маълум бўлган мунгли қўшиқларини хиргойи қилиб, қўл машиналарида иш тикиб ўтирардилар. Очиғини айтсам, бу ашулаларини ҳеч ёқтирмас эдим. Чунки уни айта бошлаганларида ойим албатта йиғлайдилар. Кўзларидан ёшлари оқиб тушишига эътибор бермай иш тикаверадилар. Ойимларга шу ашулангизни айтманг, демоқчи бўламан-у, айтолмайман.

Ойим шу ашулани айтиб иш тикканларида ҳамма нарсани унутадилар. Тикув машинасининг қулоғини айлантираверадилар, айлантираверадилар... Аввалига иш тикишларига ҳалақит берган кўз ёшлари бир-икки сидириб олингач тинади. Ойим иш тикаверадилар, тикаверадилар...

Аммам ойим билан «Эсонмисиз-омонмисиз» қилишиб, ёнларидаги кўрпачага ўтирдилар. Дастурхон ёзишимга қўймай, ўзлари билан олиб чиққан дўппи кизакларини қўлларига олдидлар.

– Бўпон қизим, игнага ип ўтказиб бер!

Шундай дейишларини кутиб тургандим. Доим шундай қиладилар. Ҳарна деб кизакка пилта урадилар, дўппи тепасини тепчидилар. Икковларининг қўллари ишда-ю, роса ҳасратлашишади. Гапларининг бошини тутиб бўлмаганидек, охи-



рини ҳам кутиб бўлмайди. Аммамнинг эрлари фронтда «бе-дарак» кетибдилар. Уларнинг ҳам кўзлари кўпинча ёшли бўла-ди....

Мен уларнинг гапларига қулоқ солмайман. Ўша гал ҳам аммам қўлларига кизак олгач, мен пишиллаб «о»ни ёзишда давом этавердим. Шу пайт аммамнинг ёнларига дўп этиб, чўзинчоқ сариқ олма тушди.

– Хаҳ, чўчиб тушдим-ей, – дедилар аммам ёқаларини кўта-риб кўксиларига туф-туфлаб. Кейин олмани қўлларига олиб, олдиларидаги қийтиқларга артиб, бир тишладилар-да менга узатдилар, – ма пучуқ, нордон экан. Ранг олгани билан ҳали маза кирмабди...


Олмага қўлимни узатганим чоғ бехосдан ойимнинг гапла-рини эшитдим:

– Нимасини айтасиз, кичик ойи, уруш ўлгур ҳам ҳар кимга ҳар хил келди шекилли. Бировлар битта забор қоғозга зор, бировлар мол-дунё пайида. Кеча марваридимни олиб борган-дим, Саври сатангга қараб туриб оғзим очилиб қолди. Қўли-даги билакузуги, бармоқларидаги қўша-қўша узуклари ҳам майлику-я, кўзойнагининг гардишигача тилла-я! Марваридим-га бергани жиянларингизга уч кунга нон пули бўлмайди. Ҳалиги кўзойнакни Масковдан келган профессор аёлдан арзимаган пулга олганмиш. Бўлмаса кўзи бинойидек, олифтагарчиликка тақиб юрибди. Ўрис кампир бечора иш қила олмай, роса қий-налаётгандир?..

– Кўпи кетиб ози қолди, кеннойи, кўп хафа бўлманг. Саври сатанглар кийимдаги гарддек гап. Бахтимизга мана шу жу-жуқларингиз омон бўлишсин. Марварид ҳам, тилла асбоблар ҳам топилиб кетадиган нарса...

Гапнинг у ёғи қулоғимга кирмади. «Ойим кеча марварид-ларини сотиб келибдилар-да», деган хаёл борлигимни эгалла-ди.

Бир куни ойим сандиқ очганларида кўргандим уларни. Уч-чала шодасини буинимга илиб роса сакраганман. Ойим бу мар-варидларни «онамлардан ёдгорлик» дердилар. Уларнинг бир шодасини – катта опамга, бир шодасини – кичкина опамга, бир шодасини – менга асраб қўйганларини, биз катта қиз бўлгач, беришларини айтган эдилар. Энди ўша марваридлар йўқ. Ойим-нинг қўлларидаги узуклари, билакузуклари ҳам йўқ бўлиб қол-ганини энди пайқадим. Улар ҳам сотилган бўлса керак...



«Кўзойнагининг гардишигача тилла!» – ойимнинг гаплари қулоғимдан нари кетмасди. Ўша қуни кўнглимда бир орзу, йўқ, қатъий аҳд пайдо бўлди. Катта бўлиб ишлай бошласам, худди ойимнинг узуклари, билакузуклари, марваридларига ўхшаганлардан кўп-кўп олиб бераман! Яна ойимларга ҳеч иш тиктирмайман. Ўша «Аё, дўстлар...» деб бошланадиган, доим ойимни йиғлатадиган ашулани ҳеч айттирмайман!

Катта бўлдим ҳам. Ойимларга шаҳарнинг олди тилло дўконларидан узуклар, зираклар олиб бердим ҳам... Бироқ вояга етгач, мен бошқа ҳақиқатни ҳам тушуниб етдим: ойимнинг энг навжувон пайтлари дилларига етган жароҳат ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмас экан.

Ҳозир эса бошқа бир ҳақиқатни кашф қилиб турибман: оналар олдида қарздорлигимиз ҳисси ўша беғубор болалик даврида кўнглимда ниш уриб, умр бўйи мени тарк этмабди.

Момоларнинг ўғити — ойдин  
бахтнинг калити



Авалло, ассалому алайкум  
Оналик — улуглик  
Уқув, идрок, билим борасида  
Бахтли бўлай десангиз...  
«Икир-чикир» деманг...





Ойим қизим!

Жонингизга озиқ бўлиш умидида ёздик бу китобни. Бундаги мавзулар сиз кўрадиган, эшитадиган, ўқийдиган ва бошингиздан кечирадиганлар сабоқлар олдида урвоқчалик эмасдир. Бу китобдаги боблар сизга айтмоқчи бўлган, юраккинангизга жо қилмоқни истаганларимизнинг учқуни!

Сизга, яъни ойзодаларга аталган бу китобни момолар ўғити билан яқунлаётганимиз ҳам бежиз эмас, оқила қизим!

Момоларимиздан, оналаримиздан эшитган, ҳикматга тўлиқ китоблардан ўқиганларимиз бу ўғитларни айнан сизнинг ёшингизда қулогингизга атай қуяётганимизнинг боиси, ҳозир сиз шундай ёшдасизки, билган, кўргангиз – кўзингизга, эшитгангиз – қулогингизга, ёққани эса қалбингизга жо бўлади. Хуллас, она қизим, булар хотирангизга абадул муҳрланади.

Уларнинг кўпларини ёшлигингиздан бери сиз, албатта, эшитгансиз. Нега шундай дейишаркин, деб ўйлаганингиз ҳам бордир. Ўйлаганингиз, мушоҳада қилганингиз жуда маъқул.

Бу ўғитларнинг айримлари ҳозир сизга тушунуксиз кўринар. Лекин вақти келиб, сиз уларни, албатта, эслайсиз, албатта, уларнинг қадрига етасиз, биз кутгандан ортиқ уларга амал қиласиз. Биз сизга етказган бу ўғитларни сиз кейинги авлодлар қалбига етказишингизга, уларнинг ҳикматини оширишингизга ишонамиз.

Оиланинг тарихи Одам Ато ва Момо Ҳавога бориб тақалишини биласиз. Оила ҳақида кўп халқларда талай китоблар битилганидан ҳам хабарингиз бор. Ҳар бир оила кутубхонасида ўша китоблар терилган алоҳида жавон, ҳеч бўлмаса тоқча бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир аёл ўз пешонасига битилган бахтни маҳкам ушлаб қола билиши учун оила одоби, маданияти ҳақидаги китобларни ўқиган, ўқиганини уққан ҳам бўлиши керак. Сиз бу китоблардан момолар, оналар, опаларнинг ҳикматона ўғитини кўплаб топасиз. Вақти келиб, улар сизга тўғри йўл кўрсатади, руҳингизга қувват беради.





Кези келганда бошқаларга айтиш хотирангиздан кўтарилмаслиги учун «Момоларнинг ўғити» деб номланган дафтар тутсангиз, кўнглингизга озиқ берган ҳикматларни унга ёзиб юрсангиз ҳам чиройли иш бўлади.

## АВВАЛО, АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

\* Салом – бу Оллоҳ исмларидандир. Оллоҳ уни ерга нозил қилди. Саломни ораларингизда кенг тарқатинглар, деб давват қилинади ҳадисларда.

\* Ҳа, она қизим, ҳар ишнинг боши «Ассалому алайкум!» ва «Бисмиллаҳир роҳманир раҳийм!» дир. Ҳадисларда айтилишича, «бисмиллаҳ» билан бошланмаган ишнинг охири кесикдир, яъни бекиқдир.

\* Шарқда салом бериш одобига катта эътибор бериб келинишини унутманг. Кишининг саломига қараб одобига баҳо берилиши ҳам рост гап.

\* Салом беришдан олдин гап бошлаган одамга уйингизга киришга рухсат берманг, деб таъкидланади ҳадисларда.

\* Кўча-қўйда, айниқса, одамлар сийрак жойда таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар, яқин турган кишига, айниқса катта ёшдагиларга салом беришни унутманг.

\* Бир хонадонга меҳмонга, йиғинларга борганда у ерда йиғилган жамоага, албатта, салом бериш лозим.

\* Йиғиндан барвақтроқ чиқиб кетадиган бўлсангиз ҳам салом берасиз. Бу – хайрлашув саломи бўлади.

\* Ўз уйингизга келганда ҳам хонадон аҳлига салом беришни унутманг.

\* Саломни пок ҳолатда ва самимият билан беринг.

\* Ёши кичиклар ёши улугроқларга биринчи бўлиб салом берадилар.

\* Кишиларга салом бераётганда чеҳрангиз очиқ бўлсин.

\* Салом имо-ишора билан эмас, овоз чиқариб берилишини унутманг.

\* Саломга жавоб бериш одобига кўра алик олувчи ҳам пок, очиқ чеҳрада бўлиши, салом берганга раҳмат дейиши керак.

\* Бошқа миллат кишиси салом берганда ҳам ҳурмат кўрсатиб, алик олиш лозим.

\* Кўп одам турган бўлса, ораларидан бир киши саломга жавоб қайтарса етарлидир.

\* Эсингиздан чиқмасин, саломга ишорат билан эмас, овоз чиқариб алик олиними ва салом берган киши буни эшитиши лозим.

\* Дўстларни яхши кунлари билан муборакбод этмоқ даркор. Шодлик айёмида, чунончи, фарзанд туғилса ёки узоқ сафардан қайтиб келганда биродарларни муборакбод этиш уларнинг шодлигига шодлик қўшади.

\* Муборакбод этгани борганда хурсандлигингизни изҳор этинг, рамгин ва малоллик қиёфада кўринманг, маърака эгасини табриклар, узоқ умр ва хуррам ҳаёт тилаб дуо қилинг. Агар келин тушган бўлса, хайру барака, оқилу доно фарзандлар тиланг.

\* Узоқ ўтирманг, уй эгаси қўймай қистаса, бир муддат ўтириб, кўнгилочар гаплардан гапириб, уй эгасининг кайфиятини хушнуд этинг. Имкониятга қараб, туҳфа-тортиқ қилиб боринг.

\* Касал одамни бориб кўришнинг кўп савоби ва фазилати бор.

\* Намозгардан кейин касал кўришга боришнинг хосияти йўқ.

\* Бемор ётган уйга кирганда кулиш, йиғлаш ўринсизлигини унутманг.

\* Хаста қариндош, дўст ёки қўшни бўлса, эҳтиёжи сўралиб, тузалиб кетишини сўраш, хулоса қилиб айтганда, хастага изтироб эмас, қувонч бериб, кўнглини олиш керак. У ёқтирадиган егулик олиб бориш жуда ўринлидир.

\* Қайғу-изтиробда бўлган хастани сўз ва ҳар хил муносабатлар билан хафа қилишдан қўрқиниш, Омоҳдан шифо тилаб, хайрлашиш лозим.

\* Касал олдида кўп гапирманг. Бемордан ҳазар қилманг. Касалга мулоим сўзлар айтиб, тасалли беринг.

\* Беморни чарчатмаслик учун узоқ ўтирманг.

\* Таъзияга борганда кам гапиринг.

\* Таъзия эгаларига ўзингизнинг нечоғли яқинлигингизни кўрсатмоқ учун сочингизни ёйиб, юзингизни юлиб, кўксингизга муштраб, қаттиқ дод-фарёд қилиб, унвос солиб йиғланг.

\* Беҳудага бемаъни гапларни гапирманг. Буларнинг ўрнига мотам эгаларига сабру қаноат тиланг, марҳумни яхшилик



билан хотирланг, қўлингиздан нима ёрдам ёки хизмат келса, аяманг.

\* Кишиларга ёмонлик қилиб, яхшилик кутманг.

\* Биров чақирганда жавобингиз «Лаббай!» бўлсин. «Лаббай!»-нинг маъноси жуда кенг. У «Сизни эшитаяпман!», «Хизматингизга ҳозирман!», «Малол келмаса, гапингизни қайтариб юборинг?», «Бу гапга нима дейсиз?» кабиларни ҳам англатади.

\* Эшиқдан қариндош-уруғ, қўни-қўшни, танишингиз ёки бегона одам келса, аҳволи руҳиятингиздан қатъи назар, ўз ташвишингизни яшириб, очиқ юз ва табассум билан кутиб олинг.

\* Биров сиздан бир нарса сўраб келса, имкони борича қуруқ қайтарманг. Сўраганнинг бир юзи, бор бўла туриб бермаганнинг икки юзи қора дейдилар.

\* Тансиқ таом пиширсангиз, олдини албатта уйдаги катта ёшли кишиларга берганингиздек, икки ёнингиздаги қўшингиз билан баҳам кўришни унутманг.

\* Қариндош-уруғникига борганда имкон қадар қуруқ бор-масликка ҳаракат қилинг, жуда бўлмаганда болаларига бирор нарса олиб борсангиз чиройли кўринади.

\* Киши йўқман деб зорланаверса, борининг ҳам баракаси учади.

\* Уйингизга келган меҳмоннинг иззатини жойига қўйинг. Элда «Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур», деган нақл бор. Кишининг кўнгли сал билан кўтарилади, сизнинг эса яхши номингиз чиққани қолади.

\* Меҳмон кетаётганда етти қадам бўлса ҳам бирга кузатиб чиқинг.

\* Эркак киши билан рўпара келганда, орқага тисарилиб, унга йўл беринг.

\* Икки киши суҳбатлашиб турган бўлса, ўрталаридан ўтиш — беодоблик.

\* Кўча супираётганингизда, сув сепаётганингизда кимдир ўтаётган бўлса, ўтиб олгунича ишингизни тўхтатиб, четга чиқиб туринг.

\* Ҳовли ёки кўчани супираётганингизда бирор билан кўришишга тўғри келса, аввал супиргини чеккага қўйиб, кейин унга яқинлашинг.

## ОНАЛИК – УЛУҒЛИК

\* Она бўлиш – Оллоҳнинг инояти билан авлодлар занжири-ни жисми бекам зурриёдлар билан улашга қодирликни туйиш саодатидир.

«Жаннат – оналар оёғи остидадир» деган ҳадиси шариф она-ларнинг нақадар ортиқ ҳурмату муҳаббатга лойиқликларини кўрсатади.

Дунёга фазилат ва камолот соҳиби сифатида танилган ҳазрат Имом Ғаззолий ўзларининг неча асрлардан бери авлодлар қалбини нурлантириб келаётган «Айюҳал валад» («Эй, фарзанд») китобларида «Жаннат – оналар оёғи остидадир» ҳадисини шундай талқин этадилар: «Бу – ҳадиснинг маъноси. Пайғамбаримиз маънони умматга рамзли, қисқа, бадий ва гўзал бир тарзда етказмоқдаларки, ақли бор одам бунга англайди.

Оёқдан мурод – онанинг розилиғи, жаннатдан мурод – Оллоҳнинг розилиғидир. Бошқачароқ айтганда «Онанинг розилиғини олсанг, Оллоҳнинг ризолиғи (жаннат)га етган бўласан!»

Жаннатга киришга лойиқ бўлиш учун ота-она ризолиғини олиш зарур. Уларни хушнуд ва хурсанд қилиш зарур».

Бу борада яна қуйидаги ҳадисларни ҳам эслаб қолсангиз маъқул бўлади:


*Ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматларида бўлиш намоз, рўза, ҳаж ва жиҳоддан ҳам савоблироқдир.*

*Ота-онасига яхшиликлар қилиб, яхши муомалада бўлиб, уларни мамнун этган кишининг умри баракали, узун бўлади. Аксинча, уларни ранжитиб, хафа қилган кимсанинги умри қисқа бўлади.*

Оллоҳ ота-онанинг фарзанд учун қилган яхши дуоларини ҳам, бад дуоларини ҳам рад этмайди. Фарзанд учун икки дунё саодати – ота-онанинг икки лаби орасидадир. Она дуосига лойиқларнинг йўли ҳамisha очикдир.

\* Ҳадисларда аёлларга ҳомиладор бўлиш, туғиш, болаларни эмизиш, тарбия бериш, фарзандларга марҳаматли бўлиш башорат қилинган. Булар устига яна намоз ҳам ўқисалар, жаннатга киришлари шубҳасиз дейилган.

\* Она боласини дунёга келтиради, тириклигининг қуввати бўлган сути билан уни тўйдиради, кучоғида ўстиради, суюкли юрак мевасининг роҳати учун ширин уйқусидан, бутун тинч-



лигидан кечади. Унинг тарбиясию бахтли бўлиши учун жону юрагидан тиришади. Унинг учун чекмаган жафоси, қилмаган фидокорлиги қолмайди. Тириклигининг сўнгги нафасига қадар уни севади. Боласининг бироз боши оғриси, унинг саломатлигини қайтариш учун молу жонини беради. Шунинг учун боласини жоним деб чақиради.

\* Ҳар гал чақалоқни қўлингизга олиб эмиза бошлаганингизда, шу саодатли сонияларни сизга инъом этган ягона Яратувчига шукр қилиб, қудратига ҳамду санолар айтинг, унинг улўлигини тан олинг. Йўқдан бор қилган болангизга «Бисмилла-хир раҳмонир раҳийм!» билан кўкрак тутинг.

Кексаларимиз «бисмилла» билан кўкрак эмган боланинг юзи фариштали, қалби нурли бўлади, дейишади.

\* Чиллали чақалоқ хонасида ҳам худди янги келин-куёвлик даврингиздаги каби туилари чироқ ёниб турсин.

\* Момоларимиз азал-азалдан уни асрайди, деб чақалоқнинг ёстиғи остига кулча нон қўйишни одат қилишган. Яхши иримни сиз ҳам тарк этманг.

\* Чақалоқнинг танглайини кўтариш, қулоғига азон айтишни синашта, фариштали, пок ниятли нуроний кишилардан илтимос қилинади. Яхши дуолар билан танглайини кўтаришнинг, пок нафас билан қулоғига «Оллоҳу Акбар!» етказишнинг хосияти иймони саломат, комил инсон тарбиялашдир.

\* Чақалоққа қариндошларнинг бирига ҳавас қилганингиз учун унинг исмини қўйишга қарор қилинса, албатта улардан розилик сўраш керак. Борди-ю сизнинг исмингизни қўйишса, ўзингиздаги бор нуқсонларни йўқотишга, кишиларнинг ҳавасига лойиқ бўлишга ҳаракат қилинг.

\* Ота-оналарингиз ёки бирон табаррук кишининг исмини болаларингизга қўйсангиз, уларни сизламоққа, иззатини жойига қўймоққа, тарбиясига назокат билан ёндашмоққа одатланиш керак. Аммо оилада ундан бошқа болалар ҳам бўлса, уларни бир-биридан кам кўрмасликка, бирини сизлаб, бошқасининг кўнглини чўктирмасликка ҳаракат қилиш керак бўлади.

\* Болани эмизишдан олдин покланиб олиш ёдингиздан чиқмасин. Либос ва баданингизни ҳамиша тоза тутинг.

\* Эмизикли аёл олдида шовқин-сурон кўтариш, беўхшов ҳазил қилиш, чўчитиш ярамайди, акс ҳолда унинг сути қочиши мумкин.



\* Болани эмизаётган дастлабки пайтда чақалоқдан ортган сутни соғиб олинг. Лекин бу сутни ҳар ерларга тўкманг, яхшиси гулнинг тагига оҳиста қуйилгани маъқул. Сутни соғиб оладиган идишингизга бегоналарнинг назари тушмасин.

\* Боланинг сочи, тирноғини олганда ҳам эҳтиёт бўлинг. Боланинг қорин сочига биринчи бўлиб табаррук одамлар қайчи урадилар. Кексалар боланинг сочини гулнинг тагига, олинган тирноқларини тоза жойга кўмиш даркор, деб насиҳат қилдилар.

\* Чақалоқнинг кийимлари, айниқса чилласи чиққунига қадар алоҳида совунда, алоҳида тоғорада ювилади. Боланинг кийимлари қоронғуда қолса, бола учиниши мумкин.

\* Боланинг бир сидра идиш-товоғини ҳам алоҳида тутиб, ҳамиша озода сақланишига эътибор беринг. Токчада бир чеккада турган пиёла, қошиқча ва боланинг бошқа идишларининг устига тоза сочиқ ёпиб қўйинг.

\* Пичоқ, қайчи, теша, болта каби кескир, ўткир буюмлар болаларнинг кўзидан узоқроқ турсин.

\* Онанинг эҳтиётсизлиги туфайли куйиб қолган болада онанинг ҳаққи қолмайди, деб огоҳлантиришади момоларимиз. Шунинг учун иссиқ чой, чойнак-пиёла ва овқат солинган бошқа идишларни боладан нари тутинг.

\* Бармоғингизда тилло ёки кумуш узук бўлсин. Шунда рўзғор ишларини бажарганда ва кир-чир ювганда қўлингиз покланиб туради, деб огоҳлантиришади момолар.

\* Болани эмизаётганда, йўрғаклаётганда, хуллас унга яқинлашганда сочларингизни турмаклаб, рўмол ўраб олишни унутманг. «Соч – фалокат» дейишларининг боиси, унинг узун толаси боланинг қўлига, бўйнига, оёқлари ёки бошқа нозик жойларига ўралиб қолиб, азоб бериши ёки бирон ёмон оқибатга олиб келиши мумкинлиги бўлса ажаб эмас.

\* Тунлари боланинг бир меъёрда эмиши онага роҳат бағишлаб, кўзига уйқу келтиради. Фафлат босиб ухлаб қолиш фалокат эшигини ланг очиш демақдир. Минг чора қўлласангиз ҳам зинҳор ухлаб қолманг.

\* Алла айтишни ўрганинг. Майин, мунис овозда айтган аллангиз болангизнинг қалбини тўлдиради, сизнинг қалбингиздаги айрим нохушликлар ўрнини эса умид эгаллайди. Ҳақимлар алла айтган аёллар дардга чалинишдан йироқ бўладилар,



дейишади. Чунки алла айтгувчилар томиридан ҳаёт, меҳр, фидойилик, бир сўз билан айтганда эзгулик оқади.

\* Умрида алла тўқимаган, уни алоҳида, фақат ўзигагина хос қалб оҳанги билан куйламаган она бўлмаса керак. Майли, у шу аллани бошқаларнинг сўзи билан айтсин, лекин унинг ўз оҳанги, ҳатто сўзсиз ифода этадиган минг бир тўлғонишлик, минг бир мунислик, минг бир шукрлик бетакрор куйи бўлади. Онанинг алласи – бу унинг меҳрини, шукрини, орзу ва яхши ниятларини ниҳоятда сокин, ниҳоятда тиниқ ифода этадиган бетакрор шоҳ асаридир, дейдилар.

\* Бола эркини бўғишлик, унга зуғум ўтказишлик, уришиб, қарғаш, калтаклаш худо олдидаги, инсоният олдидаги энг катта гуноҳдир. Тарбиянинг бундай усуллари болани тундликка, биқиқликка олиб келади. Бола учун бу энг катта таҳқирликдир. Бу таҳқирлик унинг қалбчасида ўзи сезмагани ҳолда ёмон энергиянинг йиғилишига олиб келади. Охир-оқибат бу энергия исёнга сабаб бўлади ва ёмон портлаши мумкин. Бу – онанинг ўз боласидан айрилишидир.

\* Болаларнинг мустақиллигини, ташаббусини «сен ҳали ёш боласан, ақлинг етмайди» деб бўғаверишлик боланинг катта бўлганида лоқайд, тепса-тебранмас бўлиб қолишига сабабдир.

\* Болалар тарбияси фақат буви-буваларга, ота-оналарга хос деб ўйласангиз, хато қиласиз. Аксарият ақлли оналар болаларидан кўп нарсани ўрганадилар. Улар билан дўст, сирдош бўлганлари мукофоти тариқасида қалблари ёш бўлиб қолади, ҳар соҳадан билимлари ортади.

\* Она учун энг азиз нарса – болаларининг унга бўлган ҳурмати дир. Бундай ҳурматга эришган ва уни йўқотмаслик учун тинмай ҳаракат қилган оналарнинг жамиятда ҳам катта иззат топиши кундек равшан.

\* Она учун энг олий мукофот – болалари ҳақида яхши гап эшитишдир.

\* Донишмандлар фарзандларга яхши тарбия бериб, уларни комил инсон қилиб ўстиришликни маъданларни олтинга айлантириш билан тенг мураккаб меҳнат, дейдилар.

\* Оналар ўз фарзандларининг дили пок ва мусаффо бўлишига эришмоқлари лозим. Донишмандлар пандномасида шундай дейилади: «Мабодо руҳ нафсоният натижасида занг ланиб қолган бўлса, дил жило топиши зарурдир, шунда руҳ ҳам покланади».



\* Боланинг жисми дардини ҳам, дили дардини ҳам биринчи бўлиб онаизор англайди. Бу дардлар давосига минг бир чора излагувчи, топгувчи ҳам – онадир.

\* Оналарнинг қалбидаги туганмас меҳр ва ўз болаларидан ҳамишалик хавотир олиш ва ташвиш чекиш фақат ўзлари билан йўқ бўлиши мумкин, дейиш ҳам тўғрима, чунки ундаги кўп яхши фазилатлар болалари, набиралари дилида қолади.

\* Аёллар ўз умри давомида кўрадиган ҳурмат ва эъзознинг ярми яхши аёллиги учун бўлса, ярми яхши оналиги учундир.

\* Фарзандлар тарбиясида қўлланиладиган минг бир усулни, тўғри йўлни танлашни оналарга уларнинг ўз ҳурматларини, ўзликларини нечоғли яхши англашлари кўрсатиб беради. «Олма тагига олма тушади», деб бежиз айтилмайди.

\* Фарзанд онанинг иккинчи «мен»и, унинг бу дунёдаги қайтариғи, юрадиган йўли, кўрадиган кўзи, айтадиган сўзи, ҳаётининг мазмунидир. Оналар бу давом ҳаётларининг ўзлариникидан бахтлироқ, мазмуни бойроқ бўлишини исташлари ҳам табиий. Оналарнинг ўз болалари олдидаги масъулиятларининг катталиги шундан.

\* Оналик туйғуси аёлнинг ёши ўтиб бориши билан тобора камолга етиб, чуқурлашиб, салмоғи оғирлашиб бораверади. Оналарнинг, айниқса буви бўлгач, оналик саодати билан ёшларни, янги она бўлганларни ошно қилиб бориши, йўлга солиши – улар зиммасидаги улуг бurchдир.

\* Аксарият оналарнинг қалби тоза, ақли тиниқдир. Бунга сабаб уларнинг қалби маънавиятимиз ёғдуси билан тўлиқлигидир. Бундайларнинг иродаси мустаҳкам бўлиб, ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий силсилаларига тиз чўкмайдилар, қирқ жонларининг ҳаммасига қувват топадилар.

\* Болангизнинг қалбига энг кичиклигидан меҳрни, ҳалолликни, ички-ташқи покизаликни, ҳурматни, энг муҳими шафқат ва ҳамдардликни сингдирган бўлсангиз, эртага унинг бировга ҳамдард бўлишдан, бировга яхшилик қилишдан завқлангани ва ҳузур қилганини кўриб, ўзингиз улуглик пиллапоясидан янада юқори кўтарилганингизни сезасиз.

\* Донишмандлар оналикнинг ҳеч қачон нурамас биносининг гиштлари асли меҳрдан, нозикликдан, сабр-тоқатдан, кечирувчанликдан ясалган дейишади.





\* Оналарнинг ўз болаларини яхши тарбиялаганлари оқиба-тида эришган бойлик ва фаровонликлари энг ҳалол бойлик ва фаровонликдир.

\* Оналар фидойилик ҳақида кам гапирадиган, айти пайт-да фидойилик намунасини ҳар дамда кўрсатишга қодир бўлган зотлардир. Оналарнинг киши билмас башариятга ўтказадиган бу қарзини ҳеч ким ҳеч қачон уза олмайди.

\* Оналарнинг муҳаббатини қуёшнинг ҳарорати билан тенг, дейишади. Аммо айнан шу меҳри қуёш оналар фарзандларининг кичик меҳр шуъласи билан ҳам қаноатланадиган зотлардир.

\* Ердан ҳам вазминроқ – онадир, осмондан ҳам буюкроқ – онадир. Лекин дунёда энг камтарин ва энг камталаб зот – оналиги ҳам рост.

\* Яхши одамлар кўпайсин деган жамият яхши оналарнинг кўпайишига ғайрат қилмоғи керак.

\* Миллатнинг келажаги оналарнинг қўлида, дейишади донолар.

\* Онанинг ўз меҳрини қўшиб берган оши боласига дунёдаги энг ширин таом бўлиб унайверади.

\* Ҳадисларда айтилишича: кимки учта қиз фарзандини ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир.

\* Ҳурмат бобида она билан баробар бўлган зот – холадир.

\* Қизининг келин бўлиб тушган жойи йўриғига юриб, хонадонининг суюкли бекаси эканини ҳис қилган она бахтига тенг келадиган бахт йўқ. Зеро, бу унинг кўп йиллик имтиҳондан аъло ўтганининг мукофотидир.

## УҚУВ, ИДРОК, БИЛИМ БОРАСИДА

Ҳадисларда илм ҳақида шундай дейилади:

\* Илм дунёда – қувват, охиратда – шараф.

\* Илм – ибодатдан афзал.

\* Илм – хазина, унинг калити савол. Сўранглар, Оллоҳ марҳаматини аямайди, тўрт кишига – сўраганга, муаллимга, қулоқ солиб турган ва уларга хайрихоҳ бўлганга ажр беради.

Мақоллар илм ҳақида:

\* Илм – ақл булоғи, ақл – яшаш чироғи.

\* Илм – эгарланган от, билганга – дўст, билмаганга – ёт.



\* Илм – бениҳоя, керагини ол.

\* Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.

\* Илм истасанг, такрор қил.

\* Илм ва одоб – таги йўқ хазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиммати баланд бўлади.

\* Бахт белгиси илм ва ақлдир.

\* Билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади.

\* Уқув-идрок қоронғу тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса ўша машъаладан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёри-тади, унга рўшнолик беради.

Уқув қут беради, билим – шараф-шон,

Шу иков туфайли улуғдир инсон.

\* Билимни буюк бил, уқувни чуқур,

Бу иккиси бирла гофил уйғонур.

Уқувли тушунар ҳам билимли бўлар,

Билимли уқувли тилакка етар.

\* Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир.

\* Ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идрок-сиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг.

\* Уқув-идрок кишини покиза қилади. Билим эса юксалтиради. Инсон заминдаги бошқа мавжудотлардан ўз билими билан фарқланади.

\* Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқсиз ҳунарлар уқув ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан тилларга кўчиб юради. Уқув-идрокдан озгина улуш олган киши ҳам талай наф кўради.

\* Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан туб фарқи бор:

Билим бойлик ахир, заводдан йироқ,

Уни ола билмас қароқчи бироқ.

\* Илмдур туганмас хазина, бойлик,

Бахтлидур илмла ким айлар дўстлик.

\* Билимлиларнинг ишни ҳал этиш усуллари шундай: ишда ўзларини қўлга ола биладилар, барча ишларни тўла ва тугал адо этадилар. Бундайлар тилакларига етадилар, мақсадларига осон эришадилар.

\* Одам қаҳрланса, билимсиз бўлади, жаҳл келса, ақл кетади.

\* Киши эзгулик, яъни яхшилик қилиши керак. Эзгуликнинг ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Яхшилик қилишга



одатланган одам асло қаримайди. Кексайганда ҳам очиқ чеҳра билан дили равшан юради. Қалби эзгуликка тўла киши ҳар кун и янгидан-янги тилак ва мақсадларга эришаверади.

\* Одамзод наслинини улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Уқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир.

Билимни буюк бил, уқувни улуғ,

Шу иков улуғлар кишини тўлиқ.

\* Кимда бўлса ақлу илм ҳам тамиз,

Ақлу дониш аҳлин тутади азиз.

\* Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,

Билим кимда бўлса, буюклик олар.

Уқувли уқару билимли билар,

Билимли, уқувли шодликка тўлар.

\* Илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳамки, ўзингизни илмсиз ҳисоблаб яна илм ўрганишга киришинг. Молу давлатингиз билан эмас, илм, ҳунарингиз, гўзал хулқ-атворингиз билан ифтихор қилинг.

\* Билимдонга бало йўқ.

Билимсиз кишида касаллик бўлар,

Касал эмланмаса, яшамас, ўлар.

\* Илм агар оз бўлса ҳам ҳеч этма хор,

Оз билимнинг ҳам буюк қиймати бор.

\* Билим мисоли бир сеҳрли жилов. У кишини барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради.

\* Кимки илм уруғини сепса, улуғлик мевасини тиради.

\* Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади.

\* Илму ҳунар елга эмас, элга берилади.

\* Билим инсоннинг инсонийлигини оширади. Дунё шодлигини олмоқчи бўлган одамга чора – эзгулик. Эзгулик кўрмоқчи бўлган одамнинг ўзи бошқаларга ҳам эзгулик қилиши лозим.

\* Тўрт нарса улуғликка даъват этади: илмни эъзозлаш, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш, ғазабни ютиш, саволга диддан жавоб бериш.

\* Донолар илмни молу мулкдан афзал дейдилар. Айтишларича, илм мағиз бўлса, мол унинг пўсти, илм гул бўлса, мол унинг ҳидидир. Доно кишилар доимо ўша мағизни қўлга ки-



ритиш учун заҳмат чекканлар. Чунки илм, аввало, фазилатли кишилардан мерос бўлса, мол ҳорун ва ҳамоннинг меросидир. Иккинчидан, илм камтаринлик келтирса, мол манманлик келтиради. Учинчидан, илмли кишининг дўсти кўп бўлса, молдор кишининг душмани кўп бўлади. Тўртинчидан, молдор кишилар ўта хасис ва бахил бўлсалар, илмли кишилар саховат эгаси бўладилар. Бешинчидан, илм дунёда обрў келтирса, мол-дунё азоб келтиради. Демак, илм ранжи кишининг хазинаю ганжидир. Мол-дунё ганжи эса бошдан-оёқ ранжидир.

\* Аёлларга билим маънавий гўзаллик ато этади, маънавий гўзаллик эса маълумотдан, мансабдан, ҳусндан, кийимдан кўра ишончлироқ обрў-эътибор келтиради.

\* Ички олам ташқи оламни белгилашига шубҳа йўқ. Онги қолоқ, маданияти ночор, феъли оғир қиз ҳусну латофатда тенгсиз бўлса ҳам, маънавий гўзал бўла олмайди.

\* Ким нима деса, ўшаники маъқул деб кетаверадиганлардан ҳеч қачон ақли фикр чиқмайди. Улар ҳар жиҳатдан ожиз одамлардир. Ўз мустақил фикри, дунёқараши, одаму оламга ўз баҳосига эга бўлган кишилар тоифасида бўлсангиз, ҳаётда қийналмайсиз.

\* Донишмандлар ҳамиша аёллар ҳам эркаклар каби истеъдодга эга кишилар эканини, улар ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканликларидан ташқари оиланинг асосий тарбиячилари бўлганликлари учун ҳам, зарур илм эгаллашлари кераклигини эътироф этишган.

\* Донишмандлар илм устозини – ота мақомида, ҳунар устозини – она мақомида кўришни уқдирадилар.

## БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

\* Оила муқаддас ва нозик қадриятлар устига қурилган. Эрхотин бир-бирига Оллоҳнинг муқаддас омонатидир. Омонат яхши сақланмоғи, унга хиёнат қилинмаслиги зарурдир.

\* Аёллигингизни англаш, ўзингизни таниш, ўзлигингизни билиш учун ҳам вақт-вақти билан, айниқса турмуш қургандан кейин Қуръони Каримни олиб, ушбуга ўхшаган оятларни ўқиб туришингиз, маъносини ўқиб олишингиз керак: «Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар таскин топишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда иноқлик



ва меҳрибонлик пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир» («Рум» сураси, 21-оят).

Англаяпсизми, Оллоҳ таоло башарият отаси Одамни яратиб, унинг ҳаловатли турмуш қуриб, суқунат топиши учун жуфтани — Ҳавони яратгани, уларнинг орасига муҳаббат ва раҳматни солгани ҳақида айтиляпти. Бу — Оллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир, албатта. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп аломатларнинг борлигини эса момоларимиз айниқса аёл, она оилада осойишталик, оқибат, меҳр ва муҳаббат муҳитини яратувчи зотлигига ишорат деб тушуниб келганлар.

\* Аёл туйғулари ақлидан устунроқдир. Севгисини ҳам, нафратини ҳам эркакдан кўпроқ билдиради. Оз нарсага севиниб, кичик нарсадан хафа бўлишини ёдда тутиш лозим.

\* Аёллар эса эрларини беҳузур қиладиган сўз ва ҳаракатлардан тийилиши, уларга ишониши ва ишончларини қозониши, уйини, эрини, болаларини ҳар жиҳатдан озода тутиши, заковати билан эрининг ўзига боғланишини таъмин этишлари керак.

\* Хотин эри истамаган кишилар билан кўришмаслиги, уйга эри истамаган кишиларни қўймаслиги, аёллик номуси ва шарафини асрашга ҳаракат қилмоғи керак.

\* Яна эсингизда тутинг: Агар эрингиз барча бўш вақтини сиз учун сарфлашини истасангиз, унга ҳеч қаерда кўрмаган, ҳис қилмаган иззат-икром ва лаззатлар ато этинг.

\* Келинлик даври аёлнинг кейинги умри пойдевори деб беорга айтилмаган. Турмуш қуриш, оилани гард юқтирмай сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида риёзат чекиш — бу катта жасорат. Энг муҳими, оила қуриб бахтиёр яшаш, муносиб келин бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Унутмангки, келин бўлиш бахт, келинлик вазифаси ва ахлоқ-одоби эса катта маҳорат, ирода, кунт ва меҳнат талаб этадиган юксак санъатдир.

\* «Чиққан қиз — чигириқдан ташқари», деган гап бор. Оила қурдингизми, демак, шу хонадон сизнинг ўз уйингиз, қадрдон гўшангиз. Унга кўнги қўйинг, ҳамиша ҳаммага очиқ чеҳра, ҳаё ва ифбат билан, ақл-фаросат билан муомалада бўлингки, улар ҳам сизга ҳавас қилишсин, меҳр қўйишсин.

\* Узоқни кўрмайдиган баъзи келинлар ўз уйларига борганда ўзларини «эзилган», «азоб чекаётган», «қўли косов, сочи су-пирги» эканлигидан доим нолий берадилар. Албатта, бунда



ёлгонни ишга соладилар. Ёлгон аралашган хонадондан файз кўтарилади. Эр-хотин орасида ишонч ва самимият йўқолади. Қудалар ўртасига совуқчилик тушади.

\* Қудалар ўртасида меҳр пайдо қилувчи ҳам, совуқчилик туширувчи ҳам, бир сўз билан айтганда, икки оилани пайвандловчи – келиндир. Иккала уйингиз одамлари ҳақида фақат яхшисини гапиринг. Ёмонни озгина яшириб турсангиз, унинг яхши мевасидан кўп ўтмай, албатта баҳраманд бўласиз.

\* Эрингиз ҳар вақт «Шукур, мақсадим ҳосил бўлди!» деб севиниб, сўзлаб юрсин ва сиздан рози бўлсин десангиз, унга ҳамиша йўлдош бўлиб, шодлик ва қайғу кунларида бирга шодланувчи ва қайғурувчи ўртоқ бўлинг.

\* Эрингизнинг яқин кишиларини, айниқса, қайнота ва қайнонангизни ҳурмат қилинг, уларни ўз отангиз ва онангиз қаторида кўриб, болаларини ака, ука, опа-сингилларингиз ҳукмида ҳисоб қилинг. Насиҳатларини тинглаб, уларга амал қилинг.

\* Эрингиз икки ўт орасида қолиб қийналмасин, уйдан фаришталар учмасин десангиз, янги оила аъзоларининг хулқ ва табиатларини яхши ўрганиб муомала қилинг, улар билан орангизнинг бузилишидан сақланинг.

\* Эрингиздан сир яширманг, ундан бошқа ҳеч кимга сир айтманг.

\* Эрингиз ёнида бирон киши бўлса, эрингизга қарши бир оғиз ҳам сўз айтманг. Эрингизнинг бирон ножўя одати бор бўлса, ёнида ҳеч ким бўлмаган вақтда ўзига айтиб, унч яхши йўлдан юришга кўндириг.

\* Эрингизнинг севмаган ишларидан, кўнгли тўлмайдиган, рашқини келтирадиган одатлардан узоқ бўлинг.

\* Қайнонангизнинг бажаришига ёки сизга бирон юмуш буюришига қараб турмасдан, кучингиз етадиган ишларни ўз фаросатингиз билан қўлингизга олиб, унинг ризолигига ва дуо қилишига эришинг.

\* Болаларингизнинг эрингизга, эрингизнинг болаларингизга муҳаббатли бўлишига ғайрат қилинг.

\* Болаларини севган эрлар кўп вақт тавфиқли бўладилар. Болалари билан овуниб, шодланиб, ножўя йўлларга қадам қўймайдилар.

\* Эрингиздан бир нарсани сўрасангиз, уни бир-икки марта эсига солинг, шундан ортиқ ҳадеб қистаб, безор этманг.



\* Эрининг ёнида юрувчи, ўйнаб-кулиб хизмат қилувчи хотинларни ёмонлашга ҳеч кимнинг ҳадди сизмайди.

\* Эрингиз ишга отланса, ҳамма нарсасини тайёрлаб, очиқ чеҳра билан кузатинг, ишдан келганда ҳам шодлик билан кутиб олинг.

\* Турмуш ҳамма вақт бир хил кечмайди. Турмушнинг шод кунлари бўлгани каби заҳарли, тиканакли кунлари ҳам бўлади. Эрингиз билан орангизга совуқчилик тушса, ўзингизни оғир тутинг, қизишманг, юзингизни буриштириб, кўзингизни чақчайтириб, бақириб-чақирманг. Яхши муомала қилинг. Сўзингизда ҳақли бўлсангиз, мулойимлик ва ётиғи билан тушунтиринг. Эрингиз бу гўзал муомалангизни кўриб, ғазабдан тушади, муҳаббати яна ҳам зиёда бўлади.

\* Болаларингизни яхши тарбиялаб ўстиринг, гўзал хулқларга одатлантиринг.

\* \* \*

Агар ота ва она ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият, илиқлик, меҳр-оқибат, муҳаббат бўлмаса, болаларга юқтирмоқчи бўлган ҳамма яхши хислат ва фазилатлар зое. Гарчи уларни юқтиришда биз энг тўғри, энг оқилона тарбия йўлини танлаган бўлсак-да, бу воситалар ожиз бўлиб қолади.

\* \* \*

Бахтингизнинг бутун бўлишини истайсизми? Унда шу бир бутун бахт томон энг қийин ва оғир йўлни танланг: эрингиз билан фикрингиз бирлигига, орзу-умидларингиз бирлигига, интилишингиз бирлигига, маслагингиз бирлигига эришишга ҳаракат қилинг.

\* \* \*

Эркаклар бахтни бой бериш, хиёнат изтиробларини аёлларга нисбатан енгилроқ кечиришади, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Йўқса, улардан бири айтган бу сўзлар кишини бунчалик ўртамас эди: «Ишқилиб, мендан топмаганингни бошқадан изламагин...»

«Аёл кишининг хиёнати «Мен эримдан яхшироқ кишига лойиқман», деган ўй хаёлидан кечган лаҳзадаёқ бошланади...»



\* \* \*

Ота ва онанинг тенг меҳри, ардоғида яйраган болагина силлага ҳақиқий пайванд бўла олади. Боланинг кўзи иккисини ҳам кўриб туриши, қўлининг қуввати ва тирагини сезиб туриши, иккисининг муҳаббатидан тенг қониб туриши керак. Кўпинча ажралишаётганлар боланинг икки жинс маҳсули эканини унутишади. Оналар болани ўзида олиб қолса, одатда бола кўзига отани даҳшатли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шунинг ўзи билангина улар бир умр ўзларига «ёлғиз она»ликнинг оғир ёрлиғини бўйниларига осадилар. Бунинг бола дунёсидаги руҳий оқибатлари даҳшатини тасаввурларига келтира олмайдилар. Тасаввур қилишга ё онглари етмайди ё маданиятлари. Бугун уларнинг бола қалбига етказган, кичкинагина бўлиб кўринган жароҳатлари бир фасл ўтиб, ўзларига катта патос бўлиб қайтади: аксарият бундай она ва бола (ёки ота ва бола) руҳан қарама-қарши қутбларга ажралиб кетишади.

\* Куч-қувват билан қилиб бўлмайдиган ишларни яхши хотинлар ўз ақллари билан қила олишларини унутманг.

\* Бахтли бўламан десангиз, бир қўлингиз билан ишингизни, мансабингизни, мавқеингизни, иккинчи қўлингиз билан эса уйингиз, оилангиз, эрингиз, болаларингиз, энг муҳими, аёллингизни маҳкам ушланг.


\* Аёл кишини бахтли қиладиган манбалар унинг аввало эрига, оиласига меҳри-муҳаббати, оналик фидойилиги, жигаржонлиги, оиласининг яхши, намунали оила бўлишига интилиши, пок, яхши ниятларидир. Ана шу туйғу ва истаклар унинг жонини қирқта, ўзини чарчамас, юрагини ўтли қилади.

\* Эрингизнинг ҳар соати, ҳар дақиқасини тергайверманг. Қадимгиларнинг «Эр кўриган хотин – аҳмоқ» деган гапи бўларди. Эрга заруратсиз ишончсизлик кўрсатиш унинг оиладан иҳлосини қайтаради, ташаббусини ўлдиради.

\* Эрингизнинг кучи, иқтидори, энг муҳими, хоҳиши боридо оила равнақи учун уринишларига рағбат беринг, парвозига қанот беринг, ҳалол топишига ёрдам берингки, меҳнатидан завқ олсин, болалари олдига келганда чарчоғи ёзилсин, ҳаётнинг зийнати оила эканини ҳис қилсин.

\* Эрим билан тенг келаман деб уринманг, аёл кишининг буюклиги эри билан тенглигида эмас, бир поғона пастлигидадир.





\* Аёл киши оиласининг тинчи, болаларининг саломатлиги деб ўзини кўпдан, борди-келди, тўй ва ҳашамлардан вақтинча сал четга олиб туриши билан ҳам иззат топади.

\* Эрингизга қилган ҳар бир ўринсиз талабингиз оиладан фариштани қувади, унинг бунга жавобан эшикни зарда билан қарсиллатиб ёпиши эса рўзгордан баракани кетказди.

\* Жуфт қанотнинг парвози ўзгача бўлгани каби эру хотиннинг бир хилда нафас олишининг файзу баракаси ҳам бўлакча бўлади.

\* Эрингизга ёқмайдиган бирон бир иш қилиб қўйганингизда ўзингиз узоқ вақт изтиробда юрганингиздан кўра, вақтида эрингиздан шу иш учун узр сўраганингиз маъқул. Шундай қилсангиз, унинг сизга меҳри ўн чандон ошади, иши баракали бўлади, сиздек жуфти борлигидан, уни ҳурматлаётганингиздан кўнгли тоғдек кўтарилади.

\* Жуфтликнинг қудрати бир-бирига ишонишда, бир-бирини аяшда, бир-бирини ҳимоя қила билишда.

\* Бегона эркак билан ёлғиз қолманг.

\* «Ўз уйим – ўлан тўшагим!» дейди эл. Ўландан юрагинг тўлади, ўландан хуморларинг ёзилади. Ўлан сени юпатади, рағбат беради. У руҳингни тозалайди, феълингни созлайди.

\* Оила – булоқларнинг боши ва инсон учун биринчи Ватандир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик фазилатлари, асосан, оилада шаклланади. Кишининг бахтли ёки бахтсиз бўлиши ҳам унинг оиладаги аҳволига қараб белгиланади.

\* Бошга қилич келса ҳам ёлғон гапирманг. Эгилган бошингизни қилич кесмаслигини ҳам унутманг. Қайнона экан-ку, юраги тош одамнинг ҳам самимий узрдан кўнгли ҳалимлашади.

\* Бир марта ёлғони фотиҳ бўлган келин, кейин сутни «оқ» деса ҳам бошқалар ишонмайди.

\* Ҳамма ҳам бойваччаликка етишни истайди, аммо фаровонлик аста-секинлигини унутманг. Бойликнинг қадрлиси ва умри узоқроғи – ўзингизнинг меҳнатингиз билан эришган бойлигингиздир.

\* Бировнинг эри «топағонроқ», қўшинининг қозонида пишгани «ширинроқ» туйила бошладими, огоҳ бўлинг, демак шукроналикни унутдингиз, ичингизни ҳасад ўти куйдирыпти. Кимсиз, қандай яшаяпсиз, маблағни қайдан олаяпсиз, яхшилаб ўйлаб, дилингиздаги ҳасад моғорини тозалаш пайига тушинг.

\* Яхши келин номини чиқармоқчимисиз, бунинг энг яқин ва аниқ амали учдир: аввало саховатли бўлинг, яъни борингизни ҳеч кимдан қизғанманг; иккинчиси, қалбингизни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза тутинг; учинчиси, ҳаммавақт очиқ юз билан хизматда бўлинг. Киши бу дунёга бир марта келади. Одамнинг, айниқса аёл кишининг ўзидан кейин яхши ном қолдирганига нима етсин! Машойихлар деганлар:

*Боримизни меҳр дастурхонига ҳозир айладик,  
Гарчи арпа ноию сиркодин ўзга нарса йўқ.*

\* Келин отлиқ тушган ерида эшитганини, кўрганини ҳаммаша ўткир зеҳн билан мушоҳада қилиб турса, кексаларнинг ҳикматли гапларининг маъзини чақса, ақлига ақл, зеҳнига зеҳн кўшилади.

\* Ҳеч бир вақтда, ҳар қандай шароитда ҳам уйингиздаги эркалар – қайнотангиз, қайиноғангиз, эрингиз, қайнингиз, ҳатто жиян болаларга ҳам тик қараб, қовоқ уйиб, зарда билан гапирманг. Елкангиздаги фаришта учади-кетади.

\* Келин бўлиб тушган уйингиздагиларнинг катта-кичигини бирдек «сиз»лаб гапиринг. Жавобига меҳр қайтади.

\* Ота уйингизга борар бўлсангиз, юмушларни бажариб кетинг, шунда то бориб қайтгунингизча қайнота-қайнонангиз сизни алқаб, дуода ўтирадилар.

\* Заруратсиз ҳар уч куннинг бирида отангиз уйига бораверсангиз, чин уйингизга, ўз оилангизга меҳр қўйишингиз қийин бўлади. «Чиққан қиз – чиғириқдан ташқари», дейилгани бир сари.

\* Ишда, ўқишда атрофингиздагиларга уй синоатларидан айтаверманг. Тилдан чиққани тез ва кенг ёйилади, аммо дард сизники бўлгани учун ҳеч ким муаммоларингизни ҳал қилиб бермайди.

\* Оиланинг қанча кўп чанги чиқса, шунча кўп кулги бўлади. Бир марта офизга тушиб, сирини ошкор қилиб қўйганлар ҳақида кўплар гапираверади. Шу масалани муҳокама қилишга лойиқлар ҳам, шунга маънан ҳаққи йўқлар ҳам гийбатини қилаверишади. Ўша оиланинг ички олами яланғочланиб бораверади.

\* Оилани муқаддас билиб, сир олдирмаганларга ҳамма ҳурмат билан қарайди. Тил теккизиш у ёқда турсин, аксинча



кўпчиликка «Бу хонадондан тиқ этган товуш эшитмаганмиз!» дейишиб, умрига умр қўшишади.

\* Сиз келин бўлиб тушган оилангизнинг ўзига яраша қоидалари катта бўлган ерингиздаги тартиб-қоидалардан ўзгачароқ бўлса, бу ердаги одамлар ва сизга бошқачароқ туйилаётган тартиб-қоидалар ҳақида фикр билдиришга кўпам шошилманг. Бу – сизни шу оилага нисбатан терс қилиб қўядиган энг қисқа йўл.

\* Келин бўлган оилангиз билан бир жон, бир тан, яъни ўзлариникидек бўлиб кетиш ниятингиз бўлса, зинҳор уйингизга боргандаги еган овқатларингизни мақтаманг. Олиб келганингизни эса писанда қилманг.

\* Ҳар бир аёлда ерлик ва самовийлик мужассам, дейишади. Яхши ният, орзуларни самовийлик руҳиятида қилсангиз ҳам, уларни ерлик муҳитида бажаришингизни унутманг.

\* Ҳамма ниятингиз аввалида жуфтингиз билан қалбларингизни мангуга пайвандлаганини сўраш, нафасларингизнинг ҳамоҳанг бўлишини сўраш, аждодларимиз руҳидан руҳингизга мадад, томирингизга беназир меросидан ўт бериб туришни сўраш, ҳаёт синовларидан муносиб ўтказишни сўраш ва сўраганларингизга амал қилишга руҳан ва жисмонан тайёр туришлик учун қувват сўраш бўлсин.

\* Фақирлик айб эмас. Аммо иккала томоннинг ҳам насаби яхши бўлиши муҳимдир. Кўринишга алданиб қолмаслик керак. Кечмиши аралаш-қуралаш оила қизининг нима келтириши маълум эмас.

Жуфтингизнинг насли тозалиги, ўзининг поклигига ишонч қалбингизда ҳамиша турғун бўлсин. Бунга озгина шубҳа қила бошлашингиз билан бахтингиз дарз кетади.

\* Ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда бир-бирингизни «эговламанг» ҳам, «арраламанг» ҳам. Худонинг инояти билан эр хотинга, хотин эса эрга энг яқин кишилардир. Яқин кишилар бир-бирларининг «огриқли нуқталарини» яхши биладилар. Табиийки, яқинларнинг кичик зарбаси ҳам очиқ ярага туз сепгандек таъсир қилади. Киши бошқалар, бегоналарнинг энг кучли зарбасини ҳам кўтариши мумкин. Яқинининг арзимас озорини эса кўтара олмаслиги турган гап. Инсон табиати шундай.

\* Ўзингизни жуфтингиздан ақллироқ билиб, зинҳор буни намоён этишга шошилманг, тезда уни қайта тарбиялашга киришманг. Буни эркакларнинг жини суймайди.

\* Донишмандлар аёл эрдан тўрт нарсада афзал бўлиши керак дейишади:

1. Гўзалликда аёл эркакдан устун бўлиши керак.

2. Назокат ва зарофатда аёл эркакдан нозикроқ ва маданиятлироқ бўлиши керак.

3. Аёлнинг феъли эрининг феълидан юмшоқроқ бўлиши керак.

4. Аёл эрдан кўра сабрлироқ бўлиши керак.

\* Кишилар ўртасидаги муносабатларда, энг муҳими, инсоннинг ўзлигини йўқотмаслигидир. Жуфтингизнинг ўзига ёққан, узоқ йиллар ўрганиш бўлиб қолган кўникма ва одатларини, агар улар атрофдагиларга зарар келтирмаса, ўзгартиришга мажбур этманг.

\* Ноз, назокат, дилбарлик – аёлнинг энг зарур фазилати. Қолаверса, бахти ҳам. Лекин буни араз, гина, нолиш билан аралаштириб, асло бачканалаштириб юборманг. Жуфтингизнинг кўнглини олишнинг ҳар бир жараёнида нозни ишга солинг, назокатни жилвалантиринг, тилни ширин қилинг.

\* Яхши тарбия кўрган жуфт – бутун дунё бойликларидан хайрлидир. Жоҳил, тарбиясиз жуфт билан турмушни давом эттириш ўта машаққатлидир.

\* Бир-бирларингизнинг ишларингиз билан қизиқиб туринг. Эрини суйган аёл уни ишига суйиб кузатади. Бундай кузатилган эр куни билан кўп яхши ишлар қилишга қодир бўлади. Унинг ишлари билан мунтазам қизиқиб, суриштириб турсангиз, ишонинг, ўз ғам-ташвишларини, қувонч ва шодликларини бировларга кўтариб боришига ҳожат қолмайди.

\* Бир-бирингизга эътиборли бўлинг. Ичингизда ҳойнаҳой «Барча оилавий низолар асосида майда-чуйда нарсалар ётади», деб кўп ўйларсиз. Бемехрлик кўпинча «майда-чуйда» деб ўйлаган эътиборсизликдан келиб чиқади. Эрни мулойим ишга кузатиш, ишдан қайтганида яшнаб кутиб олиш одат тусига кирса, низолар барҳам топади. Эътибор – муҳаббатдир, унинг энг аниқ ва мўлжалга, нишонга тегадиган изҳоридир. Эътиборсизлик «совуқлик»нинг ёрқин ифодаси.

\* Бир-бирингизни қадрлашга ўрганинг. Ўз жуфти олдида қадр топган инсонгина бошқалар олдида ҳам қадр топиши осон. «Эрга суюкли – элга суюкли», деб бежиз айтмаган халқимиз.



\*Бир-бирингизга ширин сўз бўлинг. «Бахт калити – тилда», деб бежиз айтилмаган. Айримлар хизмат жойларида, одамлар орасида жуда тарбия кўрган, маданиятли ва ширинсўз кишилар каби муомала қиладилар-у, уйда эса бошқа турлук одамга айланадилар. Ўз уйимдаман-ку деб кўпол муомала қиладилар, зардали, тўнг бўладилар. Бу оила аъзолари руҳиятига ёмон таъсир қилиб, оиладан рўшноликни қувади.

\* Бир-бирингиз билан кўпроқ мулоқот қилиб туринг. Бу мулоқотлардан кўнглингиз тўлиб, дилингиз яйрайди. Яқинингиз – жуфтингизнинг яна ҳам яқинлашганини, қалбингизда эзгу тилаклар яралаётганини сезасиз. Сиз унга кераклигингизни, унга ўзингизни фидо қилишга тайёрлигингизни ҳис қиласиз.

Аёл учун оила уни қувватлантирувчи булоқлигини унутманг.

\* Фақат яхши нарсаларнигина эслаб қолинг. Яхши нарсаларни эслаб қолиш ёмон нарсаларни унутиш демакдир. Тўғри, ёмонликнинг жароҳати чуқурроқ, изтироби кучлироқ, оқибат келадиган кайфият бузуқроқ бўлади. Яхшилик бир қадам юргунча, ёмонлик ўн қадам босиб қўяди, деган гап ҳам рост. Лекин ёмонликнинг яхшиликка нисбатан анча камлигига аввало ўзингизни, кейин артофдагиларни ҳам ишонтиринг. Яхшиликни ҳар нарсада кўра билиш, қадрига ета билиш керак.

\* «Қиз бола – бировнинг хасми», деган гап бор. Бу – қиз боланинг ўз уйи унга вақтинчалик макондир деганигина эмас, бу ана шу уйда кўргани, ўрганганини, олган яхши сабоғини бошқа – «у уйда» такомиллаштириш, ривожлантириш дегани ҳамдир.

\* Рўзғор – бу истироҳат боғи эмас. Унда фақат гул кўтариб, рози дил айтиб, қўлтиқлашиб юрмадилар. Халқ ҳақни айтади: рўзғор – бу ғор! Ўзингни йўл-йўлакай худди шаммисол ёқиб борсангина, атрофинг ёришиб, шаклга киришиб боради. Рўзғор эркакка ҳам, аёлга ҳам бир-бирига муносиб бўлиш учун бир умр ўзини-ўзи қайта тарбиялайдиган майдон!

\* Элда «Аёл кишининг ҳийласи қирқ туяга юк бўлади» деган нақл бор. Буни ижобий тушунмоқ керак. Бу аёлнинг ўзлигига нисбатан айтилган айни ҳақиқатдир: ҳийлани ақли бор одам ўйлаб топади! Демак, ўшандай ҳийланинг замирида аёлнинг қирқ туяга юк бўлгулик ақли ҳам мавжуд экан-да! Агар ўша ақлни ҳар сафар фақат эзгулик йўлида сарф қилсак эди, қан-

чадан-қанча рўзгорлар тўзимаган, қанча диллар ўксимаган бўларди.

\* Кўнглингиз бировдан озор еса, уйингиз нотинч бўлса, бўғилиб тутақишдан аввал ўзим сабабчи эмасманми, деб бир қарра ўйлаб кўринг. Одамнинг заифи айбни бошқалардан излайди, деган гап бор. Малоҳат, нафисликни табиат аёлга берган. Биринчи бўлиб зарба бериш, чегарадан биринчи чиқиш аёллик иқлимига хос эмас...

\* Рўзгор – муқаддас даргоҳ. Унга махсус тараддуд кўрмай, яқинлашиб бўлмайди. Эр-хотиннинг бир-биридан андак кўнгли қолдими, тамом, оилада синиш бошланади. Бизни доим бир ғофиллик банди қилади: турмуш қурган заҳоти эр аёлини, аёл эрини энди ўз-ўзимники бўлди, деб хотиржам тартади. Аксинча, шу кундан бошлаб хавотири бошланиши керак. Гап шундаки, киши кишига яқин бўлгани сари олдин кўрмаган камчиликлар сезила бошлайди. Бир-биридан совиш содир бўлмаслиги учун доно эр-хотинлар бутун умр давомида ўз каму кўстларини тузатиш ва жуфтига ёқиш учун тинимсиз ҳаракат қилиб яшайдилар.

\* Аёл зотини донишмандлар эркакларнинг буюк мураббийси ҳисоблаб келганлар. Бу ишончли оқлашга ҳаракат қилинг.

\* «Пароканда оилаларни қовуштирган – биз. Бўш-баёв эрларни қаторга қўшган ҳам, ноиттифоқ ака-укаларни бирлаштирган ҳам – биз! – деб ёзадилар Турсуной Содиқова. – Суягувчи тоғ бўлган ҳам, яйратувчи боғ бўлган ҳам – биз аёллар, бу биздаги ўша яхши маънодаги «ҳийла»нинг шарофатлари. Аммо, холис айтайлик, бизни деб, биз туфайли чекувчи бўлиб кетганлар қанча, ичувчи бўлиб кетганлар қанча! Бизнинг ханжар тилларимиздан абгор бўлиб... ювошроқ жуфтни орзулаганлар қанча! Атрофга астойдил разм солсангиз, шу нарса аён бўладики, аёлларга қараганда, эркак зоти ишонувчанроқ, соддароқдир. Мана шу самимиятни биз суистеъмом қилмаслигимиз керак. Эрларнинг ишонувчанлигини ўзимиз учун катта мукофот деб билмоғимиз ва бу самимиятни яхши ишлар сари йўналтирмоғимиз жоиздир».

\* Донишмандлик қувватини китоблардан оласиз. «Момолар ўгити» дафтарини тутсангиз, унга қуйидагиларга ўхшаш насихатларни ёзиб борсангиз, ўзингизгагина эмас, сиздан кейинги авлодларга ҳам асқотади:



«Тарбияли хотунлар шариат ва ақлга хилоф бўлмагон ўрунларда ўзларининг эрларига итоат қилмоқлари шарт. Чунки хотунлар устида эрларнинг кўп ва шул нисбатда улуғ ҳақлари бордур. Оллоҳ таолонинг ризолигини умид этган ва охиратда шодлик кутган хотун учун эри ила гўзал маишат этмак ва сўзларини жония тани ила тинглаб, итоатли бўлмак лозимдур. Бунинг хилофида бўлгон хотун бу дунёда ўкинур, у дунёда – охиратда эса кўрқинчли жазо кўрар. Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Эрини ризо этган ҳолда вафот қилгон хотун жаннатга кирур», «Эрига итоат этган хотун жаннатийдур», «Агарда бандаларга сажда этмак шариатимизда дуруст бўлса, эрларига сажда қилиш ҳақида хотунларга буюрур эдим», деган сўзларидан эрларга итоат этмоқ хотунлар учун буюк бурч экани ҳамда итоатли хотунларнинг келажак кунлари кўп роҳатда ўтажаги маълум бўлур.

Яхши хотунлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар, қаноат етишурлик миқдорига ёки уйда топилғонига ризо бўлмоқ демакдур. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотунлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдур. Қаноатлилик бир хазинадурки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмагон кимса, ер тўла бойлиги бўлса-да ҳаргиз қаноат қилмас. Демак, қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталиқдир. Ушбу сабаб унга мубтало бўлган кимса охиратнинг тўғри йўлидан адашиб, турмушнинг кўп машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлғонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳар қачон ёлгон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотунларга эрларининг бор-йўқларига қаноат айламоқлик лозим эрур» (Ризоуддин ибн Фахруддин – «Оила»).

\* Бахт ҳақида кўп сўрайдилар. Ҳар ким бахтни ўз кўзи билан кўради. Ўз қаричи билан ўлчайди. Менинг бахтим бошқа одам учун шунчаки арзимас бир нарса бўлиб туюлар. Қоғозқалам билан ўтган тунларим мен учун бахтли лаҳзалардир, менга куйгувчи дўстларим эса «тирикчилик важҳидан ухламайди, бечора», дейишади. Мен эса бошқаларга ачинаман. Менга бир нарса аниқ: бахт бевафо нарса, келаверади, кетаверади... «Бахт қуши» деган таъбирнинг мавжудлиги бежиз эмас. Қуш ҳеч маҳал бир ерда узоқ кўниб ўтирмайди. Бахт ҳам шу – кишига ҳамиша йўлдош бўлавермайди. Бахтиёрлик кўп ҳолларда кишини худбинликка, манманликка етаклаши

мумкин. Ана шунда жар ёқасига келтиради-ю ўзи ғойиб бўлади. Киши «бахтим, қайдасан?» деб чапак чалиб қолаверади. Ҳаётдан маълумки, жарга қулаганлар ҳам учрайди. Эси бутун одамлар эса ўзини асраб қола олади. «Бахтингни қўлдан берма», деган гапни мен «манманликка берилма, худбин бўлма», деган маънода тушунаман.

Бахт зарралардан ташкил топади. Масалан, эрталаб дастурхонимда нон туриши – бахт. Уни емай, исроф қилишлик эса худбинлик. Ҳар тонг аҳли оиламни, кўни-қушнимни, қариндошу дўстларни соғ-омон кўрмоқлик – бахт. Улардан бирининг кўнглини оғритиш эса худбинлик... Заргар тилла зарраларини тўплаб, бир ажиб узук ясаса-ю, уни бир онда йўқотиб қўйса... Одам бахтини ана шундай машаққат билан топади, осонлик билан йўқотади. Бунга фақат ўзигина айбдор (Тоҳир Малик. «Меҳмон туйғулар»).

\* Эл ичида «Одобни беодобдан ўрган», деган нақл бор. Кишилардаги пайқаган ёмон иллатнинг ўзингизда қайтарилмаслигига ҳаракат қилинг. Одобни беодобдан ўрганганда унинг беодоблигини юзига солмай, бироқ шу иллатни одоб билан инкор этиш, яъни ўзингизга юқтирмаслик йўли билан ўрганилади.

\* Сизни дуо қилувчиларнинг, айниқса, ота-онанинг тилаклари беназир, чин дилдан ва самимий эканига ишонинг. Бир умр шу дуоларга лойиқ ва содиқ бўлишга интилинг. Дуолар кишига ҳеч вақт ўз-ўзидан юқиб қолмайди. Дуолар вожибига лойиқ ҳаракат қилинг.

\* Кишилардан қанчалик кўп яхшилик излаб, яхшилик кашф этиб яшасангиз, бахтибекамликка шунчалик тез эришасиз.

\* Сизга айтилган панд ва насиҳатларни сабр билан эшитинг. Айниқса, келин бўлиб тушган ерингиздаги кишиларнинг насиҳат ва маслаҳатларига безътибор бўлманг. Буларнинг ҳаммаси тезроқ сизни ўзлариники қилиб олиш, сизнинг келинлик даври қийинчиликларидан тезроқ ва бешикаст олиб чиқиш учун айтилаётганига чин дилдан ишонинг.

\* Ёмонлик қилиб, яхшилик кутиб бўлмаганидек, надоматнинг аччиқ захридани рўшнолик илмини кашф қилиб бўлмайди.

\* Ҳаётда сиз кўрмаган, эриша олмаган, сизга насиб қилмаган нарсалар кўп бўлар. Бундан қалбингизнинг бутун қисми алам, аламзадалик билан тўлишига йўл қўйманг. Ана шундай





аламзадалиқлар оқибати қалбингиз қоронғуликка тўлади. Бу ҳасад зулматидир. Ҳасад кирган қалбдан нур кетади.

\* Назокат ҳамиша меҳр булоғидан сув ичади. Меҳр эса аёллигини англаган, уҳдасидаги вазифа ва бурчларини шараф деб билганларга тинмас булоқдир.

Дилида меҳри йўқнинг файзи, назокати ҳам йўқ бўлади. Аёл киши нима учун яшаётганини, оила, турмуш, бола-чақа, эр нима эканини билмаса, турмушдан ҳеч қандай лаззат топа олмайди.

\* Осонлик билан зришилганни йўқотиш ҳам осон эканлигини унутманг.

\* Ҳадисларда айтилишича, матоси кўп бўлган одам эмас, кўзи тўқ бўлган одам бой саналади.

\* Жуфтнинг хайрлиси эрни тангликка туширмайдиганидир. Дарҳақиқат, харжи мўл хотинни олиб, у билан яшаш осон эмас. Ҳадисларда эрига оғирлик солмайдиган хотинлар энг яхши хотинлардир, дейилган.

\* Ҳар икки тарафдан асоси сабр-бардошга қурилган оила, яъни сабрли жуфтлар турмуши энг мустаҳкам, энг бахтли турмуш ҳисобланади.

\* Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Муслима аёлнинг ўз диндош сингисининг талоқ қилинмоғини талаб қилмоғи макруҳдир. Бундай аёлнинг бети курсин! Зеро, унга ҳам кўз тиккан бало бордур!» дедилар. Аммо оилани сақлаб қолиш учун ёлғон ишлатишга тўғри келса, Оллоҳ унинг бу гуноҳини кечирар экан.

\* Уйингизни саришта тутсангиз, фариштали аёл номини оласиз.

\* Пок аёллар қалбида меҳр гули яшнаб туради, дейишади.

\* Агар аёл кулиб турса, борлиқ нурга тўлади, рўзгорнинг ками ҳам билинмайди.

\* Тадбиркор, миришкор аёлларнинг қудрати йўқдан бор қилишга етади.

\* Донишмандлар ҳамиша хотин киши учун энг аъло кийим — очиқ юзлилик деб таъкидлаб келганлар.

\* Аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси эканини ёдингизда тутинг. Агар аёл истаса, ҳатто қоянинг ичидан ҳам ўта олади.

\* Момоларимиз «Чекингга тушганига чидагин», дейишган. Борига қаноат қилмаганлар эртага келадиган давлатдан ҳам айриладилар.



\* Момолар тўйгача атрофга кўзни катта очиб қарашни, тўйдан сўнг кўп нарсага кўзини юмишни ўргатишган.

\* Қудалар ақдимиз камолга етганда ўз ихтиёримиз билан танлаб олган, ўз ихтиёримиз билан ўғил ёки қизимиз туфайли оиламизга қабул қилган янги ва эндиликда жигардан яқин қариндошдир. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

\* Қудалар ўртасидаги меҳр ва оқибат, андиша пардаси аксарият икки томоннинг одамийлигини, маданиятини, маънавиятини кўрсатадиган нозик мезондир. Қандай ўғил ёки қиз тарбиялашганини кўрсатадиган мезон. Парда кўтарилдими, икки томонни ёки икки томоннинг бирини кибр кўзини кўр, гурур қулоғини қар қилган бўлади.

\* Муҳаббат яхшиликлар, гўзалликларга йўл топади.

\* Муҳаббатсиз қалб тош қалбдир. Тангрим муҳаббатсиз қалбларга зинҳор назар солмас. Шунга кўра, қалбимиз уйини Оллоҳга бўлган ишқимиз билан тузатмоғимиз жоиз. Инсон вайрона қалбни фақат муҳаббат билангина обод этмоғи мумкин.

\* Турли йиғинларда эркак билан аёлнинг фарқи нимада, деб кўп сўрашади. Эркакларнинг устунлиги борасида, аёллар кўп жиҳатдан ютқизаётгани ҳақида кўплаб мисоллар келтирадilar. Буларни айтаётганда, албатта, изтироб бўлади.


Нима деб жавоб бериш мумкин?

Иш, ўқиш, ҳатто пул топишда (ҳозир касбларнинг асосийси – пул топиш ҳисобланармиш) фарқ йўқ. Фарқимиз қалбимиздаги маънавий асосларда бўлса керак.

Эркак киши уйининг бир чеккасига ўт тушса, наридан бери ўчириб, тугаб турган куйиндилар устидан ҳатлаб ўтиб, кўчага чиқиб кетар экан «Йиғиштириб ол!» дейди. Кеч қайтганида, худди ҳеч нарса бўлмаганидек, «Овқатингни олиб кел!» дейиши мумкин. У – ҳақ!

Аёлнинг эркакдан фарқи... Ўша уйининг жичча жойини куйдирган олов аввало аёлнинг ичини куйдиради! Эри чиқиб кетгач, ўзи унут, ҳамма ёқни ювиб тарайди, болалари кўзидан олов изини йўқотади. Ўзининг томоғидан яна уч кун овқат ўтмаслиги мумкин, лекин ўша куниёқ эри ва болаларининг яхши кўрган таомини олдиларига қўя олади.

Ёки бошқа бир мисол: фақат аёлгина ҳали туғилмаган набирасининг чиқмаган тишининг оғриғини тасаввур қилишнинг ўзиданоқ чин дилдан ҳали йўқ набирасига қўшилиб изтироб чека олади. Фақат аёлгина...



\* «Ҳаётининг бошидан шукрдан андоза олиб, сабрдан қўйлак тиккан келинлар доим ютади». Бу гапни яқинда Мукамбар кеннойидан эшитдим.

Халқ ҳикматларидан озиқланиб яшаган кишиларнинг маънавияти ҳамиша тўлиқ бўлиши шаксиз. Эшитган яхши гапнинг марғини умр бўйи чақиб юрган киши донишдир.

Ҳаётнинг яхши-ёмондан иборатлигини тан олишга ўргатиш, қалбни унисига ҳам, бунисига ҳам тайёрлаш аслида шукр ва сабрни билишдан бошланади.

\* Биз ҳаётимиз, турмушимиз давомида кеча, бугун, эрта тушунчаларидан айро яшай олмаймиз. Инсоннинг узун ёки қисқа умрида шу тушунчаларнинг аҳамияти ҳақида ўйласангиз, улар замон (давр, вақт) теграсини ёриб ўтиб, макон (қалб)ни ҳам абадга забт этганини англайсиз. Чунки ҳаммамизнинг умримизда

**КЕЧА** – беадад шукрлар фасли, сабр, армон, шодон кулги, аччиқ йиғи, тушкунликлар ва кўтарилишлар, топишлар ва йўқотишлар, ўртаниш ва изтироблар фасли, ўсиш ва улғайиш фасли, юки жуда салмоқли фасл;

**ЭРТА** – туганмас ва ширин умидлар фасли;

**БУГУН** – кеча ва эрта ўртасидаги кўприк фасл. Кечаги беадад шукрлар, сабр ва армонлар, кулгу ва йиғи, чўкиш ва кўтарилиш, топишлар ва йўқотишлар, ўртаниш ва изтиробларга, шунингдек, эртанги келадиган туганмас ва ширин хаёллар, орзу-умидларга муносиб яшаш фасли. **БУГУН** – **КЕЧА** ва **ЭРТА**дан қувват олади. Айнан шуниси билан жуда қадрли ва ганимат фасл.

### **ОЗ СЎЗЛАНГ – СОЗ СЎЗЛАНГ...**

\* Одамнинг шарафи нутқи биландир. Нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак.

\* Тил – уқув ва билимнинг тилмочи, таржимони. Яхшилик ва рўшнолик кишига тил туфайли келади. Қут-иззатни, обрў-эътиборни ҳам киши тил орқали топади. Билиб-билиб сўзласангина доно бўласан.

\* Кишини мақсадига тез етказувчи воситалар – тавозе, камтаринлик, юмшоқ сўз, одоб ва вазминлик эканлигини унутманг.

\* Тилингни авайла – омондир бошинг,

Сўзингни авайла – узяяр ёшинг.

\* Ҳеч қачон кўп гапирма. Туман сўз тугунини битта сўз билан ёзиб юбор, яъни ҳар сўзга кўп маъно сиғдириш пайида бўлгин.

\* Киши сўз туфайли бўлади малак,

Ортиқ сўз бу бошни этади ҳалак.

\* Гапирилган гап кўр одамлар учун кўз бўлиши керак. Билимсиз одам кўзи кўр одамга ўхшайди. Унинг кўзини очиш учун билимдан ҳасса бериш лозим.

\* Туғилган одам албатта ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, унинг номи мангу қолади, тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юраверади.

\* Инсон икки нарса туфайли қарилик нималигини билмайди. Уларнинг бири хуш қилиқ, бошқаси – эзгу сўздир. Одам ўлади, бироқ сўзи мангу қолади.

\* Дағал сўз – киши бошига офат. Ҳасадли сўз – кишининг қизил рангини сомонга айлантиради.

\* Икки хил ном қолур тилда бегумон,

Бири яхшилигу бириси ёмон.

Доно мақтов олар, нодон-чи сўкиш,

Ўзинг ўйла, сенга маъқул қайси иш?!

\* Ҳар бир киши ўз тилаги, ниятидан топади:

Яхши ном олади, кўр, эзгу киши,

Ёмонлар насаби – эл-юрт қарғиши.

\* Донога қуйидан, пойгақдан ўрин тегса, ўша пойгақ тўрдан ҳам баланд саналади.

Билимсизга тўрдан ўрин бўлса, кўр,

Бу тўр пойгақ бўлди, пойгақ эса тўр.

\* Киши сўзини тили билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади.

Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз,


Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.

\* Катталар сўрамасидан туриб сўз бошлаш одобсизлиқдир.

\* Тананинг улуши томоқдан кирар,

Жон улуши – сўз қулоқдан кирар.

\* Киши ўнта сўзни ўйлаб, биттасини айтмоғи керак. Ноўрин айтилган сўз киши кўнглини хуфтон қилади, обрўсини кетказди.



\* Сўзни донолардан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим. Улуғлардан эшитилган фойдали сўзларни кичикларга етказмоқ керак.

\* Ҳеч ким кўп сўзлаб доно бўлган эмас. Аммо кўп эшитиб, кўпчиликка бош бўлганлар талай.

\* Тил сўз учун берилган, юрак, кўнгил, қалб эса шу сўздан лаззатланиш учун берилгандир.

\* Юксак мақомлардаги кенгашларда жиддий бўлиш, ёқимсиз сўз ва ҳаракатлардан тийилмоқ фойда келтиради.

\* Бетиним баҳс юритавериб чарчагандан, келишув, сулҳ йўлини излаган маъқулроқ. Чунки сулҳ – ҳукмларнинг энг фойдалиси ва энг хайрлисидир.

\* Инсонга яхши гапириб, дўст тутинмоқлик – иззат-икром кўрсатмоқликдир. Суҳбатдошга доимо эътиборли бўлиш керак. Эътибор этган эътибор кўради. Танқид танқидни туғдиради. Ҳар сўзни ўйлаб гапириш билан бирга, шу сўзларни хайрли дуоларга боғлаш яхши.

\* Сўккан сўкиш эшитади, қарғаган қарғиш эшитади, деган гап бор. Сўккан, қарғаган кишининг қалби қора, кўнгли ҳамиша хуфтондир. Бундайларнинг боши кўпнинг олдида доим эгик бўлади.

### «ИКИР-ЧИКИР» ДЕМАНГ...

Оиладаги келишмовчиликларнинг аксарияти бир қарашда икир-чикир бўлиб кўринган нарсалардан чиқади. Демак, уй тутиш, рўзғор юритишда ҳеч бир нарсани «икир-чикир» деб бўлмайти.

Балки ишонмассиз, аммо яқинда бир танишимизнинг ўғли оиласи билан ажрашди. Сабабми? Хотини тиш пастасидан фойдаланганида уни таг томонидан бир текис қилиб сиқмай, пастани дуч келган жойидан сиқиб чиқарар, тишини ювиб бўлгач, пастани жойига қўймай, қопқоғини ҳам ёпмасдан, қийшиқ-қинғирлигича дуч келган ерга ташлаб кетаверар экан. Эрининг бу ҳолга аввал гаши келибди. Гаши келганини яшириб ўтирмабди. Бир-икки марта пастани таг томонидан тўғри-лаб, қопқоғини бураб, махсус стаканчага солиб кўрсатибди ҳам. Хотин бир-икки кун эр айтганидек қилиб юриб, кейин яна «эсидан чиқиб» асли ҳолига қайтаверибди. Бу нарса қайтарилавергач ва яна кўп нарса «эсидан чиқиб» қолавергач, эр:



«Хотинимнинг ичи ҳам ана шундай қинғир эмаслигига, оғзининг берк эмаслигига ким кафил бўла олади?» деб ундан воз кечган экан.

«Тақдири мустаҳкам битилмаган экан-да!» дейишди воқеани эшитганлар.

Сал мушоҳада қилинса-чи? Келин бола эрининг кўнгли но-зиклигига, ўзидан кўра сариштароқлигига эътибор бериб, унинг гашига тегадиган ишларни қилмасликка одатланганида балки ажралиш содир бўлмасмиди...


\* Оила қуриш ҳам уй қуришдек нозик масала. Янги уй беҳисоб қурилиш материаларининг бир-бирига мосланиб, ўлчаб, ўйлаб, моҳирона қурилишидан ташкил топганидек, оила ҳам ундаги кишиларнинг бир-бири билан муносабатларидан ташкил топади. Бу муносабатларнинг барқарор бўлишида рўзғорга оид катта-кичик ишларни билиш, уқувли бўлиш ҳам муҳим. Азалдан шундай бўлиб келганига Олимат ул-Банотнинг «Муошарат одоби» рисоласи ҳам гувоҳлик бериб турибди: «Ислош шариатимиз ҳар қачон поклик ва софликка ундайди. Воқеан пок бўлганда бир роҳатлик ҳам бордирки, ҳар ким ўзи синаб кўрган бўлса керак. Шунинг учун уй ва хоналарни чўп-хаслардан, чанг-тупроқлардан супуриб туришга одат этмоқ лозимдир. Ўшандоқ идиш-товоқ, қошиқ-пичоқ, қозон, самовар ва шу кабиларни ҳар доим пок этиб турмоқ зарурдир.

Ўргимчак уяларини олмоқ ва уй атрофларини соф тутмоқ хотунларнинг энг катта вазифалари ҳисобланади. Ҳар нечук бўлса-да, мусулмон кишига пок турмуш қурмоқни шариат буюради...»

\* Ишим унсин, куним самарали бўлсин десангиз, кунда қиладиган ишларингизни яхшилаб режалаб олинг. Уларни бажариш навбатини белгилаш ҳам жуда муҳим. Акс ҳолда ўрмонда адашган одам ҳадеб бир ерда айланавергани каби сал олдин бажарган ишингизни бироз вақт ўтгач, яна бажаришга мажбур бўласиз.

\* Қизлар, аёл кишиларнинг ошхонадаги фаолиятининг эркакларникидан фарқи шундаки, улар бир иш қилишлари жараёнида атрофларини йиғиб-териб, саранжомлаб туришади. Овқат тайёрлаётганларида пеш тушган идишни пеш ювиб турадилар.

\* Ҳар кунги овқатнинг олдини оиладаги катталарга илининг.



\* Дастурхон ёзаётганда ўнг-тескарисига бир қараб олиш ёдингизда бўлсин. Дастурхонни текис қилиб ёзинг, столнинг тўрт тарафидан баробар осилиб турса чиройли кўринади. Узун-қисқа ёки қийшиқроқ ёзилган дастурхон уй соҳибасининг диди, фаросати бундайроқлигини, меҳмон кутиб роҳат топмаслигини, одамови эканлигини билдиради.

\* Қизиган ётга пиёз ва гўштни асталик билан, қозоннинг бир четидан секин сирпантириб солинг, шунда ёғ атрофга сачрамайди.

\* Супиргини кишининг кўзи тез тушадиган жойга — йўлакка ёки ҳовлининг ўртасига ташлаб қўйманг.

\* Уйингиз ҳамиша топ-тоза, бежирим ва ҳар нарса ўз ўрнида бўлсин.

\* Хоҳ уй ичида, хоҳ ҳовлида, хоҳ ишингизда оёқ остига тушиб қолган, шунингдек ўз ўрнида ётмаган нарсаларни юрган йўлингизда жой-жойига олиб қўйишга одатланинг. Ўз вақтида бажарилган бу ишлар вақтингизни олмайди. Борди-ю «кейин қиламан» деб орқага сурилган шундай ишлар йиғилиб «кейин» кўп вақтингизни олади.

\* Қиз бола ёшлигиданоқ пойгакдаги пойабзалларни парпари билан текис қилиб қўйишга одатлангани яхши. Уй эгасининг ҳам, кўчадан келган одамнинг ҳам таъбининг очилиши, кўнглига ёруғлик, фароғат ато қилиниши остонадан бошланади. Уй бекаларига, шу уйда катта бўлаётган қизларга бериладиган баҳо ҳам остонадан бошланади.

\* Пойгакдаги пойабзаллар уч-тўрт кунда бир эмас, уй соҳибаси, қиз-келинлар томонидан ҳар кириб-чиққанларида тўғрилаб турилади.

\* Уйингизга меҳмон келганида улар хонага кириб ўтиришлари биланоқ оёқ кийимларини четроққа кийишларига қулай қилиб, тумшугини олдинга қаратиб териб қўйинг. Ифлос бўлса чангини артиб, лойини ювиб қўйсангиз бир дунё дуо ҳам оласиз.

\* Уволдан кўрқсангиз, қолаверса «қўли бемаза» ёки меъерини билмайдиган бефаросат келин экан, деган номингиз чиқмаслиги учун зинҳор-базинҳор пиширган овқатингизни музлатгичда икки-уч кунгача хили тобора кўпайиб туришига, кейин эса коса-коса қилиб қўшинининг молига олиб чиқилишига йўл қўйманг.

\* Имкон борича «икки ичар» таом пиширманг. Бу дангасаликнинг белгиси.



\* Сабзи, пиёз, картошка, олма, бодринг пўстини қалин артиш билан ўз укувсизлигингизни намоён этсангиз, иккинчи томондан рўзгорингизга тер тўкиб масаллиқ топиб келаётганларни қадрламаётганингизни намойиш этасиз.

\* Эркаклар бозор қилиб рўзгорингизни тўлдирган заҳоти, халталарни бўшатиш жараёнида келтирилган масаллиқни ҳамиша бир-бир саралаб олинг, йиригини-йирикка, майда-сини майдага ажратинг. Сал уринганларини алоҳида қўйинг. Аввал шуларни ишлатиб юборинг.

\* Олмадеккина хамир кифоя қиладиган жойда катта зуваланинг ҳожати йўқ. Қолган хамирингизни майда қилиб угра, манпар шаклида кесиб қўйган бўлсангиз, уларни тезда ишлатиб юборинг. Уларнинг ҳафталаб патнисда чанг босиб ётиши, кейин ташлаб юборилиши уволи азмдир.

\* Овқатдан сўнг идишларни раковинага йиғиб қўймай, шу заҳотиёқ ювиб қўйишга одатланинг.

\* Овқат сузиб олингач қозонни «шайтонга ялатиб» ювиқсиз қолдирманг. Газ плитанинг устини ҳам кунда бир сидра артишни канда қилмасангиз, сизнинг юзингизни ёруғ қилиб доим ярақлаб туради.

\* Уй-жойи, ошхонаси тоза, ўзи озода қиз-аёлларнинг елкасига фаришталар кўнади, дили равшан тортиб, кўзи нурланади, дейишади.

\* Меҳмон келганда тутиладиган чинни идишларингизни кундалиқда тутиладиганлар билан бирга тахламаганингиз маъқул. Биринчидан, сони кўпайиб, ҳаракатингизга халақит беради, иккинчидан чувалашиб, ҳуда-беҳудага сув остига бориб-келанериб охори кетади, чети учади, синади.



## МУНДАРИЖА

НАШРИЁТДАН .....	3
------------------	---

### ЯНГИ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Орастасиз — фариштасиз .....	12
Китоб сизни донишманд қилади .....	14
Қизлар дафтари .....	20
Қиз боланинг шаъни .....	23
Айт-чи, кўзгу... ..	24
Кийиниш .....	28
Зеб-зийнатингиз... ..	33
Қари қиз монологи .....	35
Мафтун этай десангиз .....	37
Мен айтар дуо .....	40
Сиз – эртага келинсиз .....	43
Оила ҳақида суҳбатлар .....	46
Атрофингиздагилар .....	51
Ўша «бир жой» – қалъангиз! .....	54
Нозик масала .....	57
Келин – пайванд .....	62
Асал ойи .....	64
Ортиқча юк кимга керак .....	66
Онасини кўриб .....	69
Сиз – оила шифокори .....	72
Биринчи ёрдам .....	79
Умрлик тақвим .....	80

### КЕЛИН БЎЛИШ СИРАЛРИ

Тило остана орзуси (муқаддима ўрнида) .....	84
Қиз бола – элнинг кўрки .....	89
Тангрининг тақдирдан қочиб бўлмас .....	92
Сизнинг остонангиз .....	96
Сизнинг ташрифномангиз .....	100
Оддий нарса-ю .....	103
Назокат .....	107
Аёл – ўқилмаган китоб .....	110
Муҳаббат, хиёнат ва сеҳргар .....	111
«Сиз»га нима етсин .....	114
Сиз – онангиз қайтариғисиз .....	118
Ҳавасдан ҳасадгача... ..	123
Меники... Сеники... ..	129
Бирлари – қуёш, бирлари – ой .....	133
Кўпда барака, аҳилликда ҳикмат бор .....	136
Туркана ўғитлар .....	141

Етилиш .....	142
Оталар сўзи .....	143
Оғриқ тишининг давоси ҳамиша омбир эмас .....	145
Яхшики, яхшилар бор .....	147
Мум эна ҳақида қисса .....	148
«Сабр – шодликлар калитидир» .....	150
Онам айтган амалар .....	151
Бахтли бўлинг .....	154

### ЭР ЭПЛАМОҚ ОСОН, ЛЕКИН...

Келинлик – бедиллик .....	160
Хуш келибсиз, келин болам .....	163
Келинсаом .....	166
Уй остонадан бошланади .....	169
Барака – қўлингизда, болам .....	171
Қандай келин бўлмаслик ҳақида .....	174
Шу оддий қозон-товоқ .....	178
Армон (акс садо) .....	183
Отанг келди, онанг келди .....	191
Ял-ял ёниб юринг, келин болам .....	195
Жуфтлик қудрати .....	199
Руҳингга мадад сўра, томирингга – ўт .....	202
Соҳибалик муборак, келин болам .....	205
Аёлнинг уч уивони .....	205
Ўғлим эшитмасин .....	208
Қарз олманг .....	211
Кир ювиш ҳам санъат .....	215
Эшикаи уй .....	218
Қиш тадориги – ёзда .....	220
Буғдой келин .....	222
Оналик – катта шараф .....	228
Бошоқлар тўлиқлиги – жамият бўлиқлиги (акс-садо) .....	231
Яхши ният – ёрти мол .....	236
Одамийлик – буюк қудрат .....	239
Нонуштангиз тайёрми .....	242
Эри севганни эл ҳам севаркан .....	245
Кўзим ёши катта дарёдир... (Акс садо) .....	248
Косов узун бўлса, қўл куймайди .....	260
«Ҳусн – тўйда керак, ақл – ҳар кунини...» .....	264
Зиёли – қалби нурли дегани .....	268
Қалбингга қулоқ сол .....	271
Шукр – яхшилик ҳамроҳи .....	275
О, маҳбубам (акс-садо) .....	276
Ибодатга ундар кўнгил .....	280
Сен ўзингчун сен ўзингсан .....	283
Авалло одам бўл .....	287

Юлдузингни кўзлар юлдузим .....	292
Аёвлагим .....	297
Оилам менинг – қалъам менинг .....	309

### КЕЛИНГ, БИР СИРЛАШАЙЛИК...

Севги – бу.....	313
Қизлар муҳаббатга жиддий қарайдилар .....	321
Шаҳзодангиз келур албат .....	330
Жаннатни орзу қилган, дўзахдан кўрқади.....	335
Қайнона ҳам она .....	340
Йиғлома қиз, йиғлома... (икки келин мактуби устида мулоҳаза) .....	343
Келинг, бир сирлашайлик .....	353
Назокатнинг етти сири .....	361

### ОНАЛАРИМ – МОҲЛАРИМ

Қайноналар .....	365
Учта чит кўйлак.....	408
«Ҳимо» нима, ойижон? .....	408
Ҳаловатли одам.....	409
Яхшилигим оширган .....	411
«Қалам кетмондан оғир» .....	412
Табаррук узук .....	414
Онамнинг гаплари .....	415
Бизнинг аёллар .....	416
Ё, хаёл .....	417
Фарзанд борки.....	418
Ёзишга қийналяпман.....	419
Нон.....	419
Тоқат ва итоат .....	421
«Хотин девор» .....	423
Тилла узук .....	424

### МОМОЛАРНИНГ ЎГИТИ – ОЙДИН БАХТНИНГ КАЛИТИ

Аввало, ассалому алайкум .....	429
Оналик – улуралик .....	432
Уқув, идрок, билим борасида.....	437
Бахтли бўлай десангиз.....	440
Оз сўзланг – саз сўзланг.....	455
«Икир-чикир» деманг.....	457

РАҲИМА ШОМАНСУРОВА

**КЕЛИННОМА**

•Ўзбекистон миллий энциклопедияси•  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй  
факс: (371)244-24-91  
E-mail. [ume2@yandex.ru](mailto:ume2@yandex.ru)  
Нашриёт сайти: [www.ensiklopediya.uz](http://www.ensiklopediya.uz)

Муҳаррир  
Рассом

Гавҳар Мирзасва  
Асқар Ёқубжонов

2013.21.01 да бовишга рухсат этилди. Қороз бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>•  
- 24,92 нашриёт-ҳисоб табақи. 33,93 шартли босма табақ.  
Адади 1000. Баҳоси шартнома асосида.  
11-13-рақамли буюртма.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди.  
Тошкент, 100194, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.